





МАЙН РИД

**ОҚ ТАҢЛИ
САРДОР**

Шимолий Америка афсонаси

ЭРҚИН МИРОБИДОВ таржимаси

Тошкент
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1990

Рид Майн.
P 49 Оқ танли сардор. (Шимолий Америка афсона-
си/Э. Миробидов тарж.— Т. «Еш гвардия», 1990.—
368 б.

Американинг машҳур ёзувчиси Майн Риднинг «Оқ танли сардор» романи ўзининг кўтаринки руҳи билан хотирада сақланиб қолади. Бу кўтаринкилик, аввало, ҳақиқат учун кураш, ўз орзу-ўйларини рўёбга чиқариш йўлидаги фидойилик билан белгиланади. Китоб қаҳрамонлари бу кураш йўлида шаклланадилар, вояга етадилар.

М. Рид романлари орасида бۇ китоб ўзининг ижтимоий масалаларни кўтариши, ерли халқ вакиллари — ҳиндуларнинг америка ва испан босқинчиларига қарши адолатли курашини тасвирлашга бағишланган.

Рид Майн. Белый вожь. Роман.
И (Амер)

М $\frac{4703000000 - 4}{356 (04) 90}$ 64—90

ISBN 5—633—00450—7

© Москва, Детгиз, 1956 г.
© Эркин Миробидов, 1990 (Перевод, оформление)

І Б О Б

Бу ҳикоят Америка қитъасининг ичкариларида, ҳар иккала океандан минг милядан ортиқроқ олис масофада содир бўлган.

Камина қулингиз билан бирга ҳув анови тоққа кўтарилиб, унинг қорли чўққисидан атрофга бир назар ташланг-а.

Мана биз аллақачон энг баланд чўққига ҳам чиқиб олдик. Хўш, нималарни кўряпмиз биз?

Шимол ёққа қараб, ўттизта параллел чизиқларини кесиб ўтиб, Шимолий Муз океанига қадар тоғлар силсиласи чўзилиб кетган. Бу тоғ силсиласи жануб ёқда ҳам ўркач-ўркач бўлиб бетартиб бир тарзда бир-бирови узра минггашиб-қалашиб ётибди: тизматоғ занжирлари дам турли тарафга қараб шохлаб кетади, дам занжир учлари қовушиб, тугун ҳосил қилади. Мағриб ёқда ҳам тоғлар қалашган; уларнинг нотекис иланг-биланг шакли-тарҳи осмон сийнасида аниқ-равшан кўзга ташланади, тоғ этакларида эса кенг-кенг яситоғликлар қулоч ёйган.

Ана энди машриқ ёққа ўгириламиз. Биронта тоғ чўққисидан ном-нишон кўринмайди-я! Ҳа, биронта чўққи—кўз илғагунга қадарли ва ундан яна минг милялар нариларда ҳам биронта чўққининг қораси кўринмайди. Ҳув анави қорайиб турган, уфқда кўзга чалинаётган чизиқ — бу худди бепоён даштликлардаги каби, илло денгиз сатҳидан хиёл баландроқ жойлашган бошқа яситоғликнинг қоядор чеккаси холос.

Қаерда турибмиз ўзи? Қайси тоғ чўққисиди? Овчилар «Испан чўққиси» деб атайдирган Сьерра-Бланкда. Биз Буюк Текисликларнинг мағриб ёқдаги этагида турибмиз.

Машриқ тарафда бирон-бир маданий олам белги-аломати чалинмайди кўзга. Бир ойлаб йўл боеган чоғда ҳам барибир учратмаслик мумкин бундайин аломатларни. Шимолда ҳам, жанубда ҳам — тоғ ва фақат тоғ тизмалари.

Магриб тараф мутлақо ўзгача. Дурбин орқали сиз олис-олислардаги офтобда ойнадай ярқираётган дарё соҳиллари бўйлаб ястанган зироатчилик далаларини кўрасиз. Бу Янги Мексиканинг кенту қишлоқлари, Рио дель Норте сувларидан ташналигини қондирадиган воҳа-ю водийлари. Аммо биз ҳикоя қилмоқ ниятидаги воқеалар бу ерларда кечган эмас.

Қани, машриқ ёққа яна бир карра назар ташлангчи — ана, ҳаракат майдони, воқеалар кечган маскан рўпарангизда турибди-да. Шу топда биз турган тоғ этагидан машриқ ёққа қараб узоқ-узоқларгача ясситоғлик чўзилиб кетган. У ерда тоғолди яланглигу адирликлари йўқ, ясситоғлик тўғридан-тўғри тоғ тизмалари биқинига тақалиб келган, бир қадам қўйсангиз бас — оёғингиз текис ерда эмас, балки тошли-қояли, қарағай билан қопланган ёнбағирда турибди-да.

Мазкур ясситоғликни бир хил манзара, бир хил кўринишда деб бўлмайди асло. Пастак қуюқ ўт-ўлан қоплаган жойлари оч-яшил, бироқ аксар қисми Саҳрон Кабир янглиғ беҳосилу бесамара ерлар. Мана, қаршингизда офтобда жизғанаги чиққан бўзранг ер ястаниб ётибди, унинг бетига бирон майса-гиёҳдан асар кўринмайди, нарироғида эса сарғимтил қум, ундан ҳам нарида эса, худди биз турган чўққини қоплаган қор мисоли ҳаммаёқ оппоқ — бу ер бетига сизиб чиққан туз.

Сийрагу турлари жиҳатидан қашшоқ ўсимлик дунёси тупроқни яшил либос-ла ясата олмайди, қурби етмайди бунга. Агава¹ баргларини қизил-қўнғир доғлар босиб кетган, бутун танаси тиканаклар билан қопланганидан хира-яшилтоб кактус — қуманжирлар ундан ҳам баттар жонсиз, ўлик туюлади наздингизда. Юкка²ларнинг учли япроқлари чанг-тупроқ босганидан сарғайиб-қовжираган, бамисоли даста-даста занглаган милтиқ найзаларига ўхшаб кетади; пакана, рамақижон акаслар деярли соя бермайди, шу боис йирик қорамтир

¹ Агава — катта-катта баргли тропик ўсимлик.

² Юкка — агавасимонлар оиласига мансуб доимий яшил ўсимлик.

кәлтәкесак ва шиқилдоқ илонлар аранг паноҳ топа олади бу кўланкадан. Гоҳ у, гоҳ бу ерда яланғоч танали, учида шокилда мисоли бир ҳовучгина барғли пакана пальма сўппайиб кўринади; у нимаси биландир Африка тусини беради атрофга. Учи тўмтоғу тўпори ҳамда тиканли нарсаларга тикилганда ҳамиша кўз тез толиқади, бу ерда эса нафақат дов-дарахт, шунингдек жамики ўсимлик шундай шаклу шамоийлда, ҳаттоки ҳар битта гиёҳнинг ҳам ўзига хос найза-наштари бор.

Тоғ этагидан машриққа қараб узанган сўлим водийга қандайин бир қувонч-ла, кўзларинг яшнаб тикиласан-а! Унинг биз турган ясситоғликка сира ўхшамаслигини, мутлақо бўлакча эканлигини қаранг! Унга сидирғасига бамисоли дуру жавоҳирот каби турфа рангда товланаётган гулу чечаклар бодраган ёрқин яшил гилам тўшалган. Терак, эману болут ва мажнунтолу хитойи дарахтларнинг шох-шаббалари сават янглиғ чирмашиб кетган соя-салқин дарахтзорларнинг ўз сийнасига чорлаб-чақиршини айтмайсизми! Қелинг, ўша соя-салқин, оромбахш жойларга тушайлик.

Мана биз ясситоғлик чеккасидамиз, водий эса ҳануз қуйида, олисларда, унга етгунча кам деганда минг футлар чамаси масофа бор оралиқда, илло тепасида нақ муаллақ турган қоядан уни талай миллаб нариларига-ча бемалол кўздан кечирса бўлади. У ҳам худди тепасида ястанган ясситоғлик сингари ясси; шу боисдан ҳам унга тепадан тикиларкансиз, назарингизда, ер қобуғи шу жойда ёрилиб, ясситоғликнинг бир қисми қуйига чўккан-у, заминнинг баланд ясситоғликка насиб этмаган ҳаётбахш қудрати манбаи ила туташгандек туюлади.

Водийнинг ҳар иккала биқинида кўз илғайдиган ерга қадар тик қоялар чўзилиб кетган, улар минг футлик баландликдан тиккасига қуйилаб келади, деярли ҳеч еридан чиқиб бўлмайти юқорига; у ер-бу еридангина иниш мумкин тепага. Водий энига ўн миля келади, икки биқинидан исканжага олган тош деворлар эса бир хил баландликда, мисоли эгизаклардай бир-бировига ўхшаб кетади. Сўлиму гул-гул яшнаган водий тепасига бостириб келган тунду бадқовоқ ҳамда ёввойи тизма қоялар силсиласи қўполдан-қўпол, қўлбола чорчўпдаги ажойибу беқиёс суратга ўхшайди.

¹ Ф у т — 30,48 см.га тенг узунлик ўлчови.

Дарё водийни иккига тилишлаб оқади; у кумуш илон янглиғ гоҳ ўннга, гоҳ сўлга бурилиб, гўёки мазкур яшанган ҳамда «шўх-шодон» қирғоқлар ўртасида биланглаб оқишни жондан суюдигандек, олға интилади. Беҳад-бениҳоя бурилишлар, осойишта оқиши ўзан-тўшаги деярли силлиқ эканидан далолат беради. Қирғоқларини дов-дарахт қоплаган, лекин сидирғасига эмас: бу ерда сербар минтақа мисоли чўзилиб боради, анави жойда қирғоқ ёқасига етгунча ҳаккам-дуккам дарахт кўринади, ҳув нарида эса ям-яшил яйлов кўзга ташланади — у сувнинг қоқ бўйгинасигача «ўрмалаб» келган.

У ерда бир тўп, бу ерда бир тўп, дарахтзорлар «сочилган». Улар турли шакл, турли қиёфада: баъзилари думалоқ, бошқалари — чўзиқроқ ёхуд тухумсимон, учинчи хиллари эса мўл-кўл ҳосилдан бели мугуз мисоли букилгандай қайрилган. Гоҳи жойларда якка-ярим дарахтлар ўсган; тарвақайлаган, ҳашамдор шох-бутоқлари табиат улардан саховатини аямаганини айтиб турибди. Бу водий инсон қўли билан барпо этилган ғаройиб боғни эслатади, бу ердаги дарахтлар баайни боғнинг кўркини кўздан яширмай, унинг чиройини очиши зарур бўлган миқдорда десангиз.

Наҳотки ушбу манзарани бекаму кўст тўлатадиган сарой ёхуд қаср бўлмаса бу ерда? Ҳа, на қаср, на бирон-бир бошпана бор; кўкка ўрлаётган тутундан асар ҳам кўринмайди. Мазкур овлоқ жаннатмакон — боғи эрамда биронта тирик жон қораси ташланади денг кўзга. Кийигу буғулар пода-пода бўлиб тентиб юради, соя-салқин дарахтзорларда салобатли лослар дам олади-ю, илло одам зоти йўқ бунда. Эҳтимолки, инсон оёғи ҳеч қачон...

Э-йўқ! Бизнинг ҳамроҳимиз асло бўлак гапни айтяпти. Мана, қулоқ беринг-а:

«Бу Сан-Ильдефонсо водийси. Ҳозирда одам яшмайди унда, аммо шундай замонлар бўлганким, бу ерда маданий олам аҳли истиқомат қилган. Водийнинг деярли ўртасида, у ер-бу ерда аллақандай бетартиб уюм-тепачалар кўзга ташланади, уларни шиғаб ўсган ёввойи ўт-ғиёҳлар, дов-дарахтлар босиб кетган, бироқ яхшилаб разм солсангиз — бу шаҳар харобаси эканини пайқайсиз.

Шундоқ, бир замонлар шу жойда йирик, бадавлат шаҳар бўлган. Истеҳком-қалъа қад кўтарган бунда, унинг минораларида испан байроғи ҳилпираган. Бунда

яна иезуит падари бузрукворлар асос солган миссия ҳам бўлган, бутун водий бўйлаб, шаҳар теграсида қон ва асиендо¹ларнинг бадавлат эгалари жойлашганлар. Ҳамма ер ишчан одамлар билан гавжум бўлган, ҳамма ёқда майлу эҳтирослар — муҳаббат ва нафрат, шуҳрат-парастлигу худбинлик, ҳирсу ҳарислик, ўч-интиқом авжга минган. Ана шу майлу иштиёқлар ўт қалаган қалблар аллазамонлар уришдан тўхтаган, улар бошлаган ишу фаолиятни бирон солномачи зоти қоғозга тушириб қолмаган. Улар ҳақиқатдан кўра кўпроқ тўқимага ўхшайдиган ҳикоятлар, афсона-достонлардагина яшаб келяпти, холос.

Шундоқ бўлса ҳам, бу ҳикояту афсоналарнинг «ёши» юз йилдан ошмаган. Юз йил муқаддам мана шу тоғ тепасидан нафақат Сан-Ильдефонсо кентинигина, шунингдек, талай шаҳар, кенту қишлоқларни кўриш мумкин эди, ҳозирда эса уларнинг ўрнида инсон боласи бошпанасининг изи-асарини ҳам кўрмайсиз. Ўша шаҳару кентларнинг номлариям унут бўлган, уларнинг тарихи харобалар остига дафн этилган.

Ҳиндулар Монтесума² қотилларидан бешафқат қасос олганлар. Башарти сакслар ўша уруш, ўша интиқом авжланишига яна юз йил... йўқ, ҳатто эллик йил йўл қўйиб борганларида борми, Кортеснинг авлодлари ва унинг истилочи аскарларидан Анауак³ тупроғида асар ҳам, из ҳам қолмаслиги тайин эди.

Алқисса, Сан-Ильдефонсо афсонасига қулоқ беринглар!»

И Б О Б

Чамаси, оламдаги бирор мамлакатда диний байрамлар Мексикадагичалик кўп бўлмаса кераг-ов. Черковийду байрамлари маҳаллий аҳолини христианликка ўтказишда ёрдам беради деб ҳисоблайдилар бу ерда, ана шу боисдан «мунаввару муқаддас» Мексика тупроғида авлиё-анбиёлар байрамлари, диний маросимлар силсиласи хийла кенгайтирилгандир. Барча расму раса-

¹ Асиендо — йирик мулк, амлок.

² Монтесума — Мексикадаги ацтеклар сардори. Испанлар Мексикани забт этаётганларида, 1520 йили ҳалок бўлган.

³ Анауак — тоғлик Мексика ўлкасининг жанубий қисми, ацтеклар иттифоқи ташкил топган жой; ацтеклар тилида «сув ёқасидаги ўлка» деган маънони англатади.

мадини рисоладагидек ўрнига қўйиб бирон байрам ўтказилмайдиган ҳафта камдан-кам бўлади. Исо алайҳуссалом тимсоли боқиб турган туғу аламлар дейсизми, дабдабали издиҳом юришлари дейсизми, бамисоли «Писарро»¹ томошасини кўрсатишга чоғлангандек, байрамона ясаниб-тусаниб олган руҳонийлар дейсизми, мушакбозлик дейсизми — бари бекаму-кўст муҳайё бунда, яна тағин қаёққа қараманг ҳамма ерда бош кийимларини олиб, тўғридан-тўғри тупроққа тиз чўкиб сажда қилаверади денг соддадил аҳоли. Буларнинг бари бирваракайига «порох исёни»²ни хотирлаб Лондонда бўлиб турадиган издиҳом юришларига ўхшаб кетади жуда ва жамоатнинг маънавийётига деярли ўшандайин ижобий ҳамда самарали таъсир кўрсатади.

Авлиё оталар бундайин маросимларни шунчаки эрмак учун ўйлаб чиқармасдилар албатта, ҳа, мутлақо ундай эмас. Уларнинг изми-ихтиёрларида озми-кўпми турли хил қисқа-қисқа дуолар, индульгенция³лар, муқаддас сув заҳираси бўлиб, буларнинг барини байрам пайтларида художўйларга улашар эдилар, улашганда ҳам асло текинга эмасди; бечора гуноҳкор тавба-тазарру этишни истаб қолган чоғида эса уни обдан шилиб, бунинг эвазига унга тўғри беҳиштга элтгувчи энг қисқа ҳамда энг осону энг енгил йўлни ваъда қиладилар.

Афтидан, мазкур маросимлар асьлию дабдабали, тантанавор тусда ўтадиганга ўхшарди — аммо мутлақо ундай эмас. Аслини олганда, шунчаки эрмак бўлиб қолади, холос. Кўпинча тиз чўкиб турган художўйнинг жон-жаҳди ила серапе⁴си қатлари орасига яшириб олган ва кичқириб юборай деяётган бабоқ хўрозини тиңчитишга уриниб ётганига кўзинг тушиб қолади. Бу яна

¹ «Писарро» — немис драматурги А. Ф. Коцебаннинг (1761—1819) «Испанлар Перуда» номли пьесасининг машҳур инглиз драматурги Р. Б. Шеридан қаламига мансуб таржимаси.

² «Порох исёни» — католикларнинг 1605 йилги инглиз қироли Иаков I га қарши муваффақиятсиз чиққан суиқасди. Парламент мажлислари очиладиган кунин парламент остидаги ертўлада исён ташаббускорлари порох солинган бочкани портлатмоқчи бўлганлар. Исён фош этилган, бошчилари эса қатл қилинганлар. Ушандан эътиборан талай вақтларгача исён фош этилган кун — 5 ноябрда Лондонда исёнчилар раҳнамоси Гай Фокснинг қўғирчоқ-тулумини кўтариб кўча айланиб юриш одат тусига кирган.

³ Индульгенция — гуноҳлардан фориг этадиган папа ёрлиғи, индульгенциялар католик черкови томонидан пулга сотилган.

⁴ С е р а п е — елкапўш, ёпинчқ.

тагин — халлоқи оламнинг маскани — жоме гумбазлари остида-я!

Байрам кунлари тоат-ибодату сажда-илтижолар узоқ чўзилмайди, ана ундан кейин эса қимор, пойга, айиққа итларни «ол-кишлаш», хўроз уриштириш ва бўлак оддий-соддаликда булардан қолишмайдиган ўйинлару боз-бозликлар бошланиб кетади. Боз-бозлар орасида сиз эрталаб дуо ўқиб, ваъз айтган жуббали руҳонийни ҳам учратасиз ва борди-ю, майлингиз бўлса, ўзингиз унинг тангасига қарши ўз долларингиз ёхуд дублонингизни тикишингиз мумкин.

Байрамлар орасида энг дабдабалию энг тантаналиларидан бири — авлиё Иоанн куни. Бу куни, айниқсанги Янги Мексика қишлоқларида, ҳеч ким уйда ўлтирмайди. Ясаниб-тусаниб олган тўда-тўда одамлар оломони буқа қувиш, пойга, хўроз кўпқари каби турли-туман мусобақа-баҳслашувларни мириқиб томоша қилгани бирор-бир маълум ерга, одатда ёнгинадаги яйловга қараб оқа бошлайди. Танаффус пайгларида қарта ўйнайдилар, чекадилар, қизлар билан шакаргуфторлик қиладилар.

Байрам кунлари, худди жумҳурият ҳукми ҳимояси остида яшаётгандек, бир қадар тенглик қарор топгандай бўлади. Бою камбағал, оқсуягу авом-бари оломон бўлиб қоришиб кетади, бари биргалашиб вақтичоғлик қилали, кўнгил очади.

Бугун авлиё Иоанн байрами куни. Сан-Ильдефонсо аҳли шаҳар чеккасидан нарига қараб кетган ям-яшил кенг яйловда тўпланган. Бу ерда ҳамиша байрам кунлари турли ўйин-томошалар ўтказилади, мана бугун ҳам ҳадемай бошланиб қолади улар. Унгача эса, келинг, оломонни оралаб, у кимлардан жамулжам бўлганини кўрамиз.

Бу ерда жамоатнинг жамнки қатламню табақаси, аниқроғи — бутун маҳаллий жамоат жам бўлган.

Ана, миссиядан дағал саржадан жубба кийган, бўйнидаги хочлари тиззаларигача тушган, тасбеҳ тутган икки нафар биққи руҳоний тақсирлар келишяпти; ҳар иккаларининг тепаси ҳафсала билан қиртишланган бошлари ялтирайди. Ҳинду-апач буларнинг қаллаҳомини қўлга киритишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади.

Ана, эгнига узундан-узун қора жубба, бошига кенг-бар соябонли шляпа, оёғига қора ипак пайпоқ билан

тўқали кавш кийган шаҳар черковининг руҳонийси — у кўзингизга ярқ этиб ташланади.

У оломонга гоҳ илтифотли табассум инъом этар, гоҳ қора кўзлари ила муғамбирона ва ғазабнок нигоҳ ташлар, гоҳ ҳозиргина етиб келган сеньорага қўша-қўша узуклари, нозик бармоқларию яланғоч қўлларини кўз-кўз қилиш учун қулайроқ жойга ўтиб олишига кўмаклашар эди. Мексика черковининг ушбу покдомон хизматчилари чиндан-да, беназиру беқиёс хотинпарастлардир.

Мана биз амфитеатр сингари аста баландлаб борадиган бир неча қатор ўриндиқларга яқинлашдик. Қани кўрайлик-чи, бу ерда кимлар жойлашиб олишибди экан. Бир қарашдаёқ булар жамоатчиликнинг гуллари, маҳаллий зодагонлар эканлиги аён бўлади-қолади. Дарҳақиқат, ана давлатманд йирик савдогар дон Хосе Ринкон ўзининг биққи хотиннио тўрттала лўппи ва алвыр-шалвир қизлари билан бирга ўлтирибди. Алькальд¹нинг умр йўлдошию бутун хонадонидагилар ҳам шу ерда; мартабаси тимсоли бўлмиш попуқлар ила безатилган асосини ушлаб олган алькальднинг ўзи ҳам ўлтирибди; кейин Эчеварианнинг қизлари ҳам — сулув жононлар (ўз кўнгилларида) — парижча модани деб миллий либосдан кечган олифта-сатанг акалари ҳамроҳлигида ушбу ерда ҳозир. Сонн-саногни йўқ подалару водийдаги кенг-ковул амлокнинг соҳиби бадавлат асиендадо² сеньор Хомес дель Монте ҳам шунда; хотини қизларини эргаштириб кўплаб бўлак заминдорлар жам бўлганлар. Кўзу нигоҳларни ром этгувчи соҳибжамол Каталина де Крусес — кон эгаси давлатманд дон Амбрисоннинг қизи ҳам ҳозир бунда.

Каталинанинг табассумига муяссар бўлган кимса, тўғрироғи, отасининг илтифоту мойиллигини қозона олган зот бахтиёр бўлмоғи тайин, зотан қизини турмушга беришда унинг сўзи — ҳал қилувчи сўздир. Айтмоқчи, миш-мишларга қараганда ҳамма иш ҳал бўлган, ҳаммаси келишиб қўйилган, Каталинанинг қўлига эришиши тайин омадли даъвогар — қалъа гарнизонида комендантдан кейинги биринчи шахс бўлмиш капитан Робладо эмиш. Ия, ана унинг ўзи ҳам — башанг, мўйловдор йигит; кўкрагию кифтларини заррин уқаю шокилалар

¹ Алькальд — шаҳар граждн маъмуриятининг бошлиғи.

² Асиендадо — йирик мулк, асиендо эгаси.

қоплаган; бирор кимса сулув Каталинага тикилиб қараса борми, унинг қошлари ғазаб-ла чимирилиб кетяпти. Гарчи йигитнинг уқа-шокилалари заррин, қиёфаси мағрурона бўлса-да, бу нарса Каталинанинг диди ўтқирлигидан далолат бериши даргумон эди.

Дарвоқе, бу йигитни қизнинг ўзи танлаганмикин? Эҳтимол ундай эмасдир; балки дон Амбросио танлагандир уни. Шухратпарастона ниятлари, худбинона орзу-ҳаваси устун келгандир: аслида қора халқдан чиққан ота тагли-тахтли идальго билан қариндош бўлишга аҳд этганди. Капитаннинг бисотида, башарти аскарий маоши ҳисобга олинмаса, қора чақаси ҳам йўқ, маошнинг бир неча ойлигини олдиндан тагига сув қуйиб бўлган десангиз, аммо-лекинига у ҳақиқий ачупино¹ — унинг томирларида асл идальгонинг «мовий» қони гупуриб турибди. Қари зикнанинг шухратпарастона орзу-умидлари эса — янгилик эмас, бу барча «ясама, қўлбола» бойларга хос касал.

Дароз, қирқ яшар полковник комендант Вискарра ҳам ҳозир у нозир, заррин уқа-шокилдаю шоп-шалдоқларга ғарқ, шляпасига пару патлар қадалган — ҳақиқий товус дейсиз уни.

Бу — қувноқ кекса бўйдоқ. Ўзи дам иезуит тақсирлари, дам шаҳар руҳонийси, дам алькальд билан қизнинг гап сотарди-ю, айни вақтда кўзлари ёнларидан ўтиб бораётган, байрамга келган деҳқон қизларида эди, нигоҳи бир кўҳликина чеҳрадан иккинчисига кўчиб, олма-кесак терарди. Қизлар эса унинг кўзни қамаштиргувчи башанг мундирига хижолатомуз таажжуб-ла, ийманнибгина қараб-қараб қўйишар, ўзини нақ Дон Жуан деб тасаввур этадиган комендантнинг наздида бўлса қизларнинг кўзлари ҳаяжондан чақнаб кетгандек туюлар, шу боисдан у қизларга лутфу илтифот кўрсатиб, табассум-ла жавоб қайтарар эди.

Бунда учинчи зобит — офицер (қалъада улар борйўғи уч нафаргина эдилар) — лейтенант Гарсия ҳам ҳозир эди. У катта зобитлардан ҳусндорроқ, шу сабабдан да у ҳам бой-бадавлат ва аслзода хонимлар, ҳам оддий деҳқон қизлари орасида хийла кўпроқ муваффақиятга мушарраф эди. Очиғини айтганда, соҳибжамол Каталинанинг уни хуш кўрмагани, унга кўнгил қўймага-

¹ Ачупино — Америкага кўчиб келган испанларнинг лақаби.

нидан таажжубдаман. Дарвоқе, уни шундай қилмаган деб ким ҳам кафолат бера оларди дейсиз. Мексикада аёл зоти қалбидаги сири — дил розини яхши сақлай олади: юзларидан буни икки дунёда уқиб ололмайсиз, тилларидан ҳам осонликча гулламайдилар асти.

Каталинининг ўй-хаёли шу топда кимда эканини билиш осон иш эмас. Унинг ёшида — ёши эса йигирмада — қизлар қалби камдан-кам бўш бўлади. Илло ким экан мазкур қалбни ром этган? Роблагоми? Бас бойлашишга тайёрманки, асло у эмас. Ё Гарсиями? Бу борада баҳслашса бўлади ҳарҳолда. Хўш деганингиздан, булардан бўлак йигитлар — навқирон асиендадолар ҳам, кон хизматчилари ҳам, яна-тагин бир неча шаҳарлик олифта-сатанг савдогарлар ҳам бор-ку, ахир. Ушалардан бирортасини танлаган бўлиши мумкин-ку! Яна ким билади дейсиз.

Келинг, тагин пича оломонни оралайлик.

Ана, гарнизон аскарлари, уларнинг пошналаридаги шпорлари жингиллайди, қиличлари сурғалиб ер чизади, улар серапе кийган ҳунарманд-косиблар, кончилар, водийлик чорвадорлар оломони билан биродарларча аралашиб кетган. Улар юриш-туришда, ўзларини тутишда зобитларга тақлид қилиб, шунақанги олифтанамо, гердайиб одимлашардики, манзарани бир кўргандаёқ бу ерда бутун ҳокимият ва куч-қудрат ҳарбийларда эканини тушунади — олади киши. Ҳаммалари уланлар бўлиб — ҳиндулар билан бўладиган олишувда пиёдалардан наф чиқмаслиги тайин эди — шпорларининг жиринглашию қиличларининг жаранг-журинги атрофдагиларнинг кўзию наздида обрў-эътиборларини янада орттириб юборади деб хаёл қилишарди улар. Жангчилар қизларга бетакаллуфлик-ла, кўзларини лўқ қилиб тикилишарди, деҳқон йигитларга эса бу кўпдаям ёқавермасди, улар ўз қаллиқлари ва севгилиларини рашк кўзи ила кузатганлария-кузатган эди.

Жамики қизлар — чиройлилариям, хунуклариям байрамга энг яхши, энг ярқироқ кийимларини кийиб, ясиниб-тусаниб олишган. Бир хилларининг юбкалари зангори, иккинчилариники қип-қизил, учинчилариники товланадиган, улардан аксариятининг этаги ингичка тасма-адип чатилган қаппайма, қат-қат қўш этак. Қизлар каш-

¹ Уланлар — снгил отлиқ аскарлар.

тагулли қордай оппоқ кофта кийишади одатда, устидан эса бўйнилари, кўкраклари, елklarини беркитиш учун чиройли қилиб қоп-қора шолрўмол ташлаб оладилар, гоҳо эса айрича бир позу карашма ила юзларини ҳам беркитиб оладилар. Аммо-лекин ҳали кеч кириб қош қораймасиданоқ бу ёпинчиқ ўз соҳибаларининг уятчанлигини унчалик рашк билан хаспўшламаёқ қўяди. Ана шу турфа хил товлангувчи бежирим қатлар остидан эндиликда ёруғ жаҳонга энг сулув чеҳралар мўралай бошлайди, офтоб қорайтиб улгурмаган терилари қандайин нозигу нафис, уларнинг икки ҳафта давомида тусларини тавия қилиб турган тар мева ширасини бетларидан нақ байрам сайлига отланиш олдидан ювганларини англаш мушкул эмас.

Чорвадорлар ҳам энг яхши байрамлик энгил-бошларини кийиб, ясаниб олишган: эгниларида почаси кенг, икки биқинида ҳошия-жиякли бархит шим, ярқиратиб тозалаб-мойланган хиром этик, ошланган қўй терисидан ёки ола-була панжарагулчин қилиб тикилган бархит калта камзул, камзуллари остида эса каштадўзи кўйлак, барчалари белларини оч-қизил шойи белбоғ билан боғлаб олишган. Бошларида соябони -кенгдан-кенг қора ярқироқ сомбреро¹; уларга икки учи бемалол ҳилпираб-осилиб турган заррин ёхуд мошранг тасмача боғланган. Баъзилар калта камзул ўрнига елкаларига нописандона бир тарзда серапе ташлаб олган. Ҳаммалари от етаклаган, ҳаммаларининг товонларида оғирлиги бемалол беш фунт², гилдиракчаси уч, ҳатто беш тийинлик чақадек қеладиган ниқтагич-шпор.

Кон хизматчилари, шаҳарлик ёш-яланглар ва майда ҳунарманд-косиблар деярли бир тусда кийинганлар; лекин жамоатнинг «қаймоғига» даҳлдор амалдору коммерсантлар — юпқа қора мовутдан калта камзул билан худди ўшандай матою ўзига хос бичимдаги — нақд европача бичимда деб бўлмайдиган, аммо хиёл шунга ўхшашроқ, парижча бичиму маҳаллий миллат камзули бичимн оралиғидаги андозада тикилган панталон³ларда.

Ана, анови мутлақо бошқача камзул, уни кўпчиликл, ҳа, оломон орасида жуда кўпчилик кийган, булар тинч ҳаёт кечиришга ўтган, ярим-қашшоқ, яқиндагина муқад-

¹ Сомбреро — сербар соябонли шляпа.

² Фунт — 453,6 гр.га тенг оғирлик ўлчови.

³ Панталон — эркакларнинг шимсимон тор кийими.

дас черков қавми сафига ўтказилган ҳиндулар. Уларнинг кийимлари соддагина: аввало тильма — енгсиз камзулга ўхшаш бир нарса; мабодо қаҳвадан бўшаган қопнинг туби бош ўтадиган қилиб тешилса, икки биқинидан қўл чиқадаган қилиб ўйилса — ана ўша нарса айнан тильманинг ўзгинасига айланади-қолади. Бунақанги камзулда бел деган нарсанинг ўзи йўқ, унинг на шаклиё на бичими бор, шунчаки кифтларда ҳалпиллаб осилиб, этаги деярли бўксагача тушиб туради. Одатда тильма қишлоқда тўқилган қўлбола дағал жун матодан тикилади; бу матони «герга» деб атайдилар; туси оқпарроқ, бир нечтагина бошқа рангдаги йўл-йўл «гул» безаб туради уни. Бунга ошланган қўй тери иштон билан қўполдан-қўпол кавушни қўшинг — тинч меҳнат билан кун кўрадиган мексикалик ҳиндунинг бор энгил-боши ана шу. Бошида ҳеч нима йўқ, оёғи ҳам яланг: тиззасидан тўпигача қизғиш-мис тусли териси кўриниб туради.

Юзлаб маҳаллий қизил танли аҳоли — миссия ва конларда ишловчи пеонлар¹ — сайр қилиб уёқдан-буёққа бориб-келишяпти, хотинлари билан қизлари ерда чўк тушиб ўлтиришибди. Олдиларидаги бўйраларда бу ўлкаларда етишадиган анвойи тур мевалару полиз маҳсулотлари: хурмо, петахайя, олхўри, ўрик, узум, қовунтарвузнинг барча навлари, тоғликлар келтирадиган қоврилган кедр ёнғоғи уйилган. Баъзи бир хиллар пештахтада ширинликлар, асал шарбати, лимонад билан савдо қилишяпти; бошқалари чоғроқ-чоғроқ ҳажмдаги каллақанд ёки агаванинг қовурилган илдиз-томирларини сотишяпти. Яна бир хиллар олов олдида чўнқайиб олиб, жўхори унидан зоғора ёки қизил қалампир пиширяпти, ё сопол кўзачада тахтакачланган қаҳвани шакарга қўшиб қориштиряпти. Ушбу бечораҳол чаканафурушлардан бир неча майда чақага аччиқ қилиб қалампир селилган яхна гўшждан бир улуш, бир тақсимча жўхори гўжа ёки финжонда маккайн шарбати олса бўлади. Бошқа дўкон эгаларидан кичикроқ арзон сигара ёхуд ичга ўт қалайдиган сув — Таос ёки Эль Пасодан келтириладиган ўткир агвардиенте харид қилиш мумкин. Худди ана шу ерда ҳамиша ташналикда ўртанадиган тончилар билан аскарлар уймалашганлари-уймалашган. Бу ерда чодир деган нарса йўқ, деяли ҳамма савдо қи-

¹ Пеонлар — ер эгаларига ярим қул сифатида қарам бўлган қишлоқ хўжалик ишчилари.

лувчилар бошлари тепасига пальма бўйрадан соябон қилиб олганлар, баҳайбат шамсияга ўхшаб кетадиган бу қўлбола соябонлар уларни жазирама қуёш нуридан асрайди.

Бу ерда ҳозир бўлганларнинг тагин бир тоифаси тўғрисида, авлиё Иоанн байрамида муҳим мавқе тутувчи зотлар хусусида сўзлаб ўтмоқ лозим: булар турли мусобақалар қатнашчилари, товкаларда голибликка даъвогарлар.

Бу йигитларнинг бари жамоатнинг турли табақасидан, турган гапки, ҳаммалари отлиқ, ҳар қайсилари қўлидан келганича энг олди отни топишга ҳаракат қилган. Қисқаси, мана улар ола-қуроқ безатилган отларини асло кутилмаган бир тарзда — айниқсанги ёш сеньоритарлар жойлашган ўриндиқлар олдидан — ўйноқлаш, сакрашу гижинглашга мажбур этганча важоҳат-ла, савлат тўкиб ўтиб боришяпти. Қон қазувчилар дейсизми, навқирон асиендадолар дейсизми, чорвадору молбоқарлар дейсизми, бизон¹ овловчилар дейсизми, савдо аҳли вакиллари дейсизми — бари шулар сафида, жамикилари эгарда чапдастлик-ла ўлтиришибди. Мексикада ҳар бир киши ажойиб чавандоз, ҳатто шаҳарликлар ҳам чавандозликда устаси фаранг.

Улар сафида беллашиш, чавандозлик санъатида эпичликни талаб этадиган турли хил ўйину мусобақаларда ўзини кўрсатишга тайёр юз чоғли ёш-яланг бор.

Шундоқ экан, қани, бошлана қолсин ўша мусобақалар!

Ш Б О Б

Мусобақалар «*coleo deltoros*»дан бошланди, бунинг маъноси буқа қувмоқ демакдир. Чинакам буқа жанги ўтказиладиган саҳна-майдон Мексиканинг фақат йирик шаҳарларида мавжуд, холос; аммо ҳар бир, ҳатто энг кичик қишлоқчада ҳам буқа қувиб юрганларини кўриш мумкин, сабаби, бундай ўйин учун очиқ майдону ниҳоятда қутуриб ётган буқа топилса бас. Спортнинг бу тури буқалар жанги — буқа билан олишув сингари одамни талвасага солиб, унчалик қонини қиздириб юборол-

¹ Бизон — Шимолий Америка ёввойи қорамоли, қўтосларнинг бир тури.

майди, нега деганда бу ўйин қатнашчилар учун у қадар хавфли эмас. Лекинига бундай томошаларда ҳам буқа отни шохи билан илиб отган ёки чавандозни жароҳатлаган пайтлар тез-тез учраб туради, гоҳида эса ҳалокатли ҳоллар ҳам бўлади. Гоҳо от қоқилиб кетади-ю, орқада елиб келаётган отлар уни устидаги чавандози билан қўшиб босиб-янчиб ўтади; бунақанги бетартиб, айқаш-уйқаш пойгада фалокат бўлиши одатий бир гап.

Хулласи калом, «soleo» — бу куч синашиш, мардлик, чаққонлигу эпчиллик бобида мусобақалашув. Янги Мексикадаги ҳар бир ўспирин голиб чиқишга тиришади ушбу беллашувларда.

Барча тараддуду тадорик ишлари тугаб, жарчи мусобақа ҳозир бошланишини эълон қилиб жар солди. Тайёргарлик ишлари жўнгина эди: оломонни бир чеккага суришди, натижада тутқунликдан бўшатиб озодликка чиқариб юбориладиган буқага тўппа-тўғри прерия — бепоён дашт сари йўл очилди. Башарти буқага мазкур имтиёз берилмайдиган бўлса, у оломонга даф қилиши мумкин, бу эса ғоятда хатарли эди. Ана шундан қўрққан кўплаб хотин-халаж араваларга чиқиб олишганди, кўпчилик буёққа уловда келгани боисидан ҳам аравалар талайгина эди. Амфитеатрсимон ортга қараб аста баландлаб борадиган ўриндиқларга жойлашган сеньору сеньориталарга келганда эса, улар ўзларини бежавотир сезишаётганди, албатта.

Мусобақалашувчи рақиблар аллақачон бир қаторга тизилиб, саф тортишганди. Биринчи қур пойгада ўн икки киши — энг олди чавандоз ёки ўзларини шундай деб биладирган турли табақаю тонфадан чиққан ўспиринлар қатнашиши керак. Антиқа либосдаги чорвадорлар дейсизми, ҳеч нимадан тап тортмайдиган мол ҳайдовчилар дейсизми, тоғдан тушиб келган маъдан қазувчилару шахарликлар дейсизми, водийлик ер эгаларнию чорвадор фермалардан келган молбоқарлар дейсизми, бошпанаси бепоён дашт бўлмиш бизон овчилари дейсизми — барининг намояндаси бор. От ўйнатиш, чавандозлик санъати бобида ҳеч ким ўзлари билан тенглаша олмаслигини исбот қилиш майлу иштиёқида тоқатсизланаётган бир неча улан ҳам бор эди бу сафда.

Мана, ишора берилди-ю, қўшни қўтондан буқа чиқариб юборилди. Уни пиёда ҳайдовчилар измига топшириш ақлсизлик бўлурди — ана, уни бақувват отларни

минган молбоқарлар кузатиб келишяпти, чўпонлар лас-со'ларининг учи буқанинг шохла­рига ўралган; ҳайдовчилар сергак, борди-ю, буқа бевошлик қилиб, ғалва чиқаришга урингудек бўлсами, ўша заҳотиёқ бир силташда уни ерга қулатишади.

*Кўринишидан буқа — ёвуз махлуққа ўхшайди, пешонаси ҳурпайма жунли, кўзлари ёвузона, қутурганнамо боқади, айни пайтда хира тортган. Жигга тегиб, ғазабини кўзғашга уриниш узоққа бормаслиги очиқ-ойдин кўриниб турибди, негаки, ҳозирнинг ўзида дарғазаб бўлиб, думи билан икки биқинини савалаб боряпти, тўғри, узун шохлари ила ҳавони нуқиб, қисқа-қисқа пишқирган кўйи, тоқатсизлик-ла ер тепиниб боряпти. Кўриниб турибдики, испан буқалари зотининг энг ашаддий намояндаларидан бири бу.

Томошабинлар буқадан кўзларини узмай, овозларини баралла қўйиб унинг сифатларини муҳокама қилишяпти. Бир хиллари уни етилиб жуда семириб кетган дейишса, бошқалари нақ пойга учун тобига етган деб тасдиқлашарди: ахир «soleo» учун буқа зўр бўлишдан кўраям кўпроқ илдамроқ бўлиши керак-да. Фикрлари бир жойдан чиқмаган кўпчилик пойга — буқа қувишнинг натижаси хусусида гаров бойлашар, қувиш бошланганидан токи уни ушлаб, қулатадиган дақиқаларигача — қувиш шу билан тугар, ўйиннинг мақсади ҳам худди шу эди-да — қанча вақт кетиши устида мубоҳасалашишар эди.

Агарда бақувват, илдам, дарғазаб, қисқаси ажойиб буқа танланганини, таъқибчи уни қуруқ қўл билан, ҳатто лассонинг ёрдამисиз эплаштириши лозимлигини эътиборга олинадиган бўлса — бунинг машаққат эканини тан олмаслиқнинг иложи йўқ. Буқа жон-жаҳди билан, деярли йўртоқи от тезлигида югуради. Ана шундай шароитда уни ерга қулатиш учун беқиёс паҳлавонона кучга эга, ниҳоятда эпчил, моҳир фавандоз одамнинггина қўлидан келадиган мардона жасоратни кўрсатмоқ даркор. Ушбу ўзига хос жасорат буқани думидан ушлаб, бир силтаб тортгандаёқ қулатишдан иборат.

Ана, буқани чавандозлар саф тортган маррадан икки юз ярд²ча масофага ҳайдаб бориб, тўхтатдилар; бу-

¹ Лассо — каманд, ҳайвонларни тутиш учун ташланадиган сиртмоқли узун арқон.

² Ярд — 91,44 см.га тенг узунлик ўлчови.

қанинг қаршисида интихосиз дашт ястанган эди. Уни шохидан тутиб турган лассони эҳтиёткорлик билан бўшатдилар-да, ҳаво кучи билан ишлайдиган қуролдан икки-уч бор ўқ уздилар, учи ўткир найза ўқлар буқанинг сағрисиға қадалди — шунда у томошабинларнинг баралла ҳайқириқлари остида жонҳолатда даштга қараб қоча бошлади. Орадан лаҳза ўтмаёқ чавандозлар отларини ниқтаб, ҳар қайсиси ўз мақомида ҳайқирганча орқасидан қува кетдилар.

Саф бузилиб, таъқибчилар бетартиб бир ҳолатда, бамисоли тулки ови пайтидагидек бутун яйлов бўйлаб тўзиб кетдилар. Дақиқа ўтгани сайин таъқибчилар сафи — ҳалқа-занжирлари чўзилиб-узайиб бораверди; бошда улар таъқибни бир қаторга тизилиб бошлашганди, энди бўлса якка-якка, икки нафар-икки нафарга бўлинишиб, сафлари юз ярдлаб чўзилиб кетди. Шунга қарамай, улар отларини жонлари борича саваб, биқинига ниқтаб ва чуҳ-чуҳлаб қичаганча таъқибни давом эттиришяпти.

Биқинларига қадалган бамисоли найзадай ўткир тиканли ўқларнинг оғриғи жонидан ўтганидан қутураёзган, тиканли ўқларнинг пат қанотларининг чувиллашидан ўтакаси ёрилаёзган буқа кучи борича, шаталоқ отиб олға югурарди. У дастлабки сонияда олган «сийлов масофа»ни ҳатто энг учқур ойда ҳам йўққа чиқариш осон эмасди, шу боис буқа таъқибчиларнинг барчасидан — улардан бирортаси унга яқинлашиб улгурмасидан буруноқ — роса бир милядан ортиқроқ илгарилаб кетганди. Бироқ мана, йирик тўриқ отли улан унга қувиб етди-ю, ниҳоят думидан тутиб олди. У бир, икки марта тортди, жониворни қулатиш учун ўз билаклари кучини етарли деб чамалаганди, аммо бунга муваффақ бўлолмади — буқа лаҳза ўтмаёқ юлқиниб чиқиб, бошқа ёққа йўл солди ва таъқибчисини ортда қолдириб кетди.

Ана энди буқага ажойиб отли навқирон асиендадо етиб олди; лекин у думидан чангаллайман деб ҳар гал қўл чўзганида буқа нақ тумшуққинаси остидан қочиб қоларди. Ҳарқалай чавандоз ахийри думни ушлашга муваффақ бўлди, аммо буқа сира кутилмаганда четга ташланиб, рақибни қўлидаги думини суғуриб чиқарди-ю, «саломат бўлсинлар» дегандай яна жуфтакни ростлади.

«Coleo»нинг шартларидан бирига биноан қатнашчи-

лардан бир марта муваффақиятсизликка учрагани ўйиндан чиқиб кетади. Шундай қилиб, асиендадо билан отлиқ аскар энди таъқибда иштирок этишолмасди. Улар отларини орқага буришди-ю, лекин тўғри томошабинлар тўпланиб турган томонга қараб ҳайдашмади. Улар чехраларидаги беҳудуд аламзадалиқ аломатларини ҳеч ким кўрмасин учун одамларни четлаб, нарироққа кетишди.

Буқа ҳамон узоқлашиб боряпти, тоқатсизланаётган, таъқибга берилиб қизишиб кетган чавандозлар эса унинг кетидан қувишяпти. Уланлардан яна бири буқани ушлашга уриниб кўрди ва бунисиям эпллмади, ундан кейин чўпон, кейин тагин бир чавандоз ва яна бирови — ҳаммаларининг ҳаракати зое кетди, ҳар бир муваффақиятсиз уринишни оломон афсус-надоматли хўрсинишла қарши оларди. Бир неча киши эгардан учиб кетди, шунда томошабинлар хохолаб кулишарди ундан. Бир от эса қаттиқ жароҳатланди: у буқанинг йўлида кўндаланг бўлиб қолган, буқа бўлса отни шохлари билан ёриб-йиртиб ташлаганди.

Орадан ўн дақиқа кечмаёқ ўн икки чавандоздан ўн бир нафари ўйиндан чиқиб бўлди.

Эндиликда ёлғиз бир чавандозгина таъқибни давом эттиряпти. Буқа жуда зўр, нақ рисоладагидек чиқиб, ҳаммага ёқиб қолди, томошабинлар уни гулдурос қарсақлар-ла олқишлашяпти.

— Қойил! Тасанно! — деган нидою ҳайқириқлар янграяпти тўрт томондан.

Эндиликда барчанинг кўзи ғазаби кўзиб, қутуриб кетган жонивору унинг яккаю ягона таъқибчисига қадалган. Ҳар иккалалари ҳозирча хийла яқин ерда, шу боис уларни бемалол кўрса бўлади — шу пайтгача буқа таъқибчилардан тўғри дашт ичкарисига томон эмас, балки гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга қараб қочаётган эди-да, ахир, мана шунинг учун ҳам ҳозир у билан оломоннинг оралиғи ортидан биринчи отлиқ етиб олган пайтдагидан оттиқ эмасди. Буқа шу топдаям у томондан-бу томонга ташланяпти, инчунун, ҳар икковлари ҳам — таъқибчи билан таъқиб қилинаётган — ўриндиқлар тизилган жойдан яхши кўриниб турибди.

Бу орада гўзалликда уларга тенг келадигани йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқлик учун чавандоз билан остидаги отга бир марта назар ташлашнинг ўзи кифоя эди.

Тезкорлик ва эпчилликда ҳам ҳаммадан ўтармикан булар? Вақт кўрсатади буни.

Бу от — йирик, сақичдай қоп-қора, учига томон тулкининг думи сингари санжоблашиб борадиган узун хурпайма думли мустанг¹. Гарчи лўкиллаб югураётган бўлса-да, тез-текис яйлов сийнасида, бўйни камондек, қадди-қомати келишган, қамчиндек экани бемалол кўзга ташланиб турар, томошабинлар эса ҳайрат ичра, ҳаяжонланиб ҳайқиришарди.

Чавандоз йигирма ёшлар атрофида ёхуд хиёлгина каттароқ, у ўз рақобатчиларига асло ўхшамайди: сочи оч-малла тусли, қўнғироқ-қўнғироқ, териси оппоқ, нафис қизиллик югурган; қолганларнинг бари бенстисно бугдойранг. Унинг эғнида чорвадорларнинг сербезак ҳамда гул чекилган кишилик — байрамий либоси, одадий серапе ўрнида эса хийла бежирим ва майин, товланувчи ридо. Ридосининг узун этак-барлари қўллари бемалол, эркин ҳаракатлансин учун орқага ташланган, шамолда ҳилпираб, қат-қат бўлиб йиғилиб, жойига қайтар экан, чавандознинг кўркига кўрк қўшяпти.

Ушбу абжир чавандознинг қўққисдан пайдо бўлиши — дастлабига у ўзининг қизил ридоси барини қўли оша ташлаган кўйи ҳаммадан кейинда, кўзга ташланмай борганди — мана, умумнинг эътиборини тортди-ю, кўпчилик унинг кимлигини суриштириб қолди.

— Бу Қарлос-ку, бизон овчиси-чи! — қичқириб деди ҳозир бўлганлардан бири ҳамма эшитадиган баланд овозда.

Афтидан, бу исм баъзи бировларга маълум экан чамаси, лекин кўпчилик биринчи марта эшитаётган эди. Уни танийдиганлардан бири сўради:

— Қарлос нимага илгарироқ олдинга отилмадийкин? Ахир у истаса буқага бемалол етиб олиши мумкин эди-ку!

— Жин урсин! Албатта, мумкин эди! — жавоб қилди бошқаси. — Бошқалар ҳам омадини синаб кўрсин деб жўрттага орқада юрган. Бу буқани ҳеч ким уддалаёлмаслигини билган у. Ана, қара, қара!

Шубҳасизки, бу гапни айтаётган ҳақ эди.

Бу чавандознинг буқага ҳеч машаққатсиз етиб олиши мумкинлиги бир қарагандаёқ аён бўлганди. Ҳаттоки ҳозир ҳам унинг оти бемалол лўкиллаб югурапти,

¹ Мустанг — ёввойилашган от.

гарчи қулоқлари диккайган, қизгиш бурун карраклари кенгайиб бораётган эса-да, бу чарчаш аломати эмас, балки таъқиб чоғида қизишиш ва чавандознинг шу чоқ-қача жиловни бўшатиб, эрк бермаётганидан норозилик аломати эди. Ҳақиқатан ҳам у ҳали-ҳануз жилов тизгинини қаттиқ тортиб борарди.

Суҳбатлашаётганлардан бири ҳаяжонланиб: «Қара, қара!»—деб қичқирган сонияда чавандознинг ҳатти-ҳаракати тўсатдан ўзгарганди. У қаршисидаги жонли нишондан тахминан йигирма одимча кейинда, орқасидан қувиб бораётган эди. От қўққисдан икки баробар тезликда олға ташланди ва бир неча сакрашда буқа билан бараварлашди. Буқанинг тиккасига орқага чўзилган узун думини чавандоз қандай чангаллаб олганини, икки букилиб энгашиганини, ўша лаҳзадаёқ шартта қаддини яна ростлаганини — уйдайд келадиган шохдор махлуқ гуппа қулаганини ҳаммалари кўриб туришди. Чавандоз бу ишларнинг барини (буқани эмас, балки оддийгина мушукни енггандай) осонгина адо этди. Томошабинлар томоқ йиртгудек бўлиб «viva» дея қичқира кетдилар. Ғолиб отини бурди, камтаринона таъзим бажо келтирганча ўриндиқлар сафи қаршисидан ўтиб борди-ю, оломон орасига кириб ғойиб бўлди.

Томошабинлар орасида шундайлар ҳам бор эдики, уларнинг наздида таъзим бажо келтираётганида ғолибнинг нигоҳи гўёки соҳибжамол Каталина де Крусега қадалгандай бўлиб кўринди; бир хиллар эса ҳатто, қиз йигитга жавобан кулиб қўйди, жигаридан урган чоғи, деб ишонтирмоқчи бўлишарди. Аммо, турган гапки, бундай бўлиши мумкин эмас. Дон Амбросиодек бадавлат одамнинг меросхўри қандайдир бизон овчисининг таъзимига наҳотки табассум-ла жавоб қайтаради!

Бироқ, томошабин аёллар орасида бир кимса ростдан ҳам унга табассум бахшида этганди. Бу бағоят оппоқ, оқпар-малласоч қиз бўлиб, ғолиб яқинлаб борган аравада типпа-тик турган эди. Мана энди, икковлари ёнма-ён туришаркан, икки томчи сувдек бир-бировларига ўхшашлари аён бўлди. Ҳар икковларининг томирларида битта қон оқмоқда эди, териларининг туси бир хилда, улар битта халқнинг фарзанди, эҳтимолки, битта отанинг зурриёди эдилар. Ҳа, оқ-малла соч қиз бизон овчисининг синглиси эди. У акасининг ғалабасидан бахтиёр, яйраб-яшнаб куларди.

Мазкур араванинг ичкарироғида қиёфаси дарҳол киши эътиборини тортгувчи — узун, қордай оппоқ патила сочли қари аёл ўтирарди. У чурқ этиб оғиз очмасди, аммо Карлосга тикилган ўткир нигоҳи тантанавор чақнарди. Гоҳилар кампирга қизиқсиниб қарашаётган, бироқ кўплар кўрқув аралаш, деярли даҳшат-ла боқишаётган эди. Улар кампир хусусида унча-мунча билишар ва пичирлашиб бир-бирларига ғалати миш-мишларни етказишар эди.

— У жодугар!— дейишарди улар.— Авроқчи!

Одамлар бу гапларни Карлос ёки оқпар-малла соч қиз эҳйитиб қолмасин деб чўчиётгандай секин-секин, пичирлашиб гапиришарди. Ахир бу аёл уларнинг онаси эди-да!

IV Б О Б

Ўйинлар давом этарди. Карлосдан мағлуб бўлган буқа бағоят ювош тортиб қолган ва тўрсайганча яйловда тентираб юрарди. У мусобақанинг иккинчи турида қатнашишга ярамасди энди, шунинг учун шохига лассо ташлаб, олиб кетишди уни: бу соврин, ғолибга беришадди уни.

Бошқа буқани етақлаб чиқиб, қўйиб юборишган эди, ўн чоғли янги чавандозлар изма-из қува кетишди уни.

Бу гал жонивор билан унинг таъқибчилари бир-бировларига кўпроқ мос тушишди — аниқроғи, буқа унчалик илдам эмас экан: ҳаммалари унга бараварига этиб олишди-да, пойга забтида анча-мунча олдинга ўтиб кетишди. Буқа мутлақо кутилмаганда шартта орқага бурилди-ю, тўғри томошабинларга қараб югуриб қолди. Аравалардаги деҳқон қиз-жувонлар, ўриндиқларда ўлтирган сеньору сеньориталар айюҳаннос кўтаришди. Сира ҳайрон қоладиган жойи йўқ: яна бирон лаҳза фурсат ўтмаёқ қутуриб кетган ҳайвон шу ерда, улар орасида бўлади-я!

Чавандозлар қаердадир орқада қолиб кетишган. Жонжаҳди билан елиб кетаётган отларини орқага буриш зарурати уларни ғафлатда қолдирган эди, бунинг оқибатида ҳозир буқа улардан анча илгарилаб кетганди. Ҳатто энг яқин жойдагилари ҳам вақтида этиб кела олмасди.

Бошқа жамики отлиқлар аллақачон отларидан ту-

шиб бўлишган эди. Жон-жаҳди билан югурганча келатган дарғазаб буқанинг йўлини пиёда тўсиб чиқишга ким журъат эта оларди дейсиз!

Эркаклар ўзларини йўқотиб қўйдилар; уларнинг бақриқ-чақриқлари даҳшатга тушган хотин-халажнинг дод-фарёдларига қоришиб кетди. Қурбон бериладиган кўринади... эҳтимол битта-яримтагина эмас, кўпроқ бўлишям мумкин қурбонлар. Улим чангалидан қутулиб қолишига ҳеч кимнинг ишончи қатъий эмасди.

Улгудек қўрқиб кетган хотин-қизларга тўла аравалар ўриндиқлар сафининг икки биқинида саф тортиб, яйловнинг нариги томони сари чўзилиб бориб, ярим ҳалқага ўхшаган бир давра ҳосил этганди. Ана, буқа аллазамон ўша ярим доира ўртасида, аравалар сафи унинг на ўнганга на сўлга бурилишига йўл қўйяпти, шу сабабдан ҳам у, худди ўша ердан ёриб ўтишни мўлжал қилгандай, қутуриб ўриндиқлар томон бостириб келяпти. Аёллар сапчиб ўринларидан туриб кетишди-ю, эс-ҳушларини йўқотиб қўйганларидан, чамаси, тўппа-тўғри махлуқнинг шохига сакрашга тайёрдек эдилар. Воҳ, нақадар даҳшатлию қутқули дақиқа бу!

Айнан шу сонияда аравалар қаршида лассо ушлаган бир пиёда одам пайдо бўлди. Оломон орасидан аранг чиқиб келиб, лассосини боши узра айлантира кетди. Тағин бир дақиқа ўтди-ю, жазавага тушган буқанинг шохларига ташлаб, илаштирди-олди.

Ҳалиги одам бирон лаҳзаниям бой бермай, ярим доиранинг деярли ўртасида ўсган пастак дарахтга қараб отилди-ю, шашту шитоб-ла лассонинг иккинчи учини дарахт танасига ўрай кетди. Мабодо яна бир сония ҳаяллаб қолганида борми, фурсат ўтиб бўларди.

У боғлаб бўлгани ҳаманоқ кучли силтов буқанинг бошвоққа тушиб, боғланиб қолганидан дарак берди. У шохларига маҳкам чирмашган лассонинг қолган узунлиги баробар масофагача югуриб боргани ҳаманоқ аллақандай мубҳам бир куч дарғазаб буқани қўққисдан таққа тўхтатиб, орқага итқитиб юборди-ю, буқа томошабинлар оёқлари остига гурсиллаб қулади.

Даҳшатдан лол бўлиб қолган юзлаб одамлар овозлари чиқар даражада ўзларига келганлари замоноқ ҳайқириқлар янгради:— Қойил! Тасанно! Viva, viva, viva, Карлос, бизон овчисига шон-шарафлар бўлсин!

Ҳа, ҳеч ким эмас, шахсан ўша бугун барчанинг олди-

да ўзининг абжирлигию жасоратини иккинчи бор исботлаб берганди.

Илло буқа ҳали мағлуб бўлганича йўқ, маълум — лассонинг узунлиги баробариндаги масофада ҳаракатлана олиш имконияти билан чегаралаб қўйилганди, шу боисдан ҳам у оёққа тура солибоқ газаб-ла ўкирганча тўғри одамларга қараб ташланди. Яхшиямки лассо буқа ўнг ёки сўл қанотдан томошабинлар сафигача етиб боролмайдиган даражада калта, шу сабабдан буқа тагин йиқилди, орқа оёқларига ўтириб қолди. Оломон даҳшат ичра тўрт томонга қочди: ким билсин, сиртмоқ тўсатдан шохларидан сирғалиб чиқиб кетса-чи? Бироқ мана, чавандозлар ҳам етиб келишди. Янгидан-янги лассолар буқанинг бўйнига чирмашди, оёқларини тушовлади, ниҳоят уни шафқатсизларча гурсиллатиб ерга қулатишди, қилт этиб қимирилаёлмай қолди у.

Ана энди буткул маҳв этилганди, ортиқ даф қила олмайди. Ўйиннинг мазкур тури учун бор-йўғи иккита жониворни тайёрлаганлари сабабли бугун буқа қувиш мусобақаси тугади.

Бугунги байрамдаги бошқа йирик ўйинга ҳали-ҳозирча тайёргарлик ишлари кетаётгани туфайли отличлардан баъзилари чавандозлик санъати бобида бир қадар пастроқ даражадаги маҳоратларини намоён қила бошлаган эди. Бу ўзига хос интермедия бўлиб, ҳар қайсылари хаёлига келган нарсани кўрсатарди томошабинларга. Масалан, жони борича югураётган одамнинг оёғига лассо ташлаб, сиртмоқни тўпиғига илинтирарди-да, турган гапки, уни гуппа қулатарди. Бунини жуда кўплар — отличлар ҳам, пиёдалар ҳам — қила олишарди, кўриниб турибдики, бунинг учун алоҳида маҳорат талаб қилинмасди; ҳар ҳолда энг маҳоратли, энг уста чавандозлар — ушбу эрмакда иштирок этишни ўзлари учун эп кўрмайдиганлар шундай деб ўйлашарди.

Сўнгра чавандозлар шляпа билан бажариладиган томошани намоён этишди. Бу ўйиннинг бор ҳийла-ҳикмати шундаки, отни лўкиллатиб бораётиб бошдаги шляпани ерга ташланади, кейин эса отни елдириб кета туриб, эгарда ўтирган ерида энгашиб уни ердан олинади. Деярли барчалари бир хил муваффақият-ла бажаришди бу машғулоти, чавандозлардан энг ёшларигина айрича эпчиллик белгиси деб билишарди ушбу машқни. Салкам йигирма чоғлиқ отлич ўспирин томошабинлар

қаршисида давра ясаб, ўз сомбреросини ерга ташла-
шар ва отларини учуриб кела туриб яна ётган жойидан
илиб кетишар эди.

Аммо кичикроқ нарсани — масалан ерда ётган тан-
гани олиш энди унчалик осон эмасди; бунда омадини
синаб кўриш энг моҳир чавандоз учун ҳам ор эмасди.

Комендант Вискарра олдинга чиқиб, тинчлик сақла-
нишини талаб этди. У испан долларини ерга қўйди-да:

— Бу доллар биринчи галнинг ўзида ердан ололган
одамники!— деб эълон қилди.— Беш тилло тикиб айта-
манки, буни сержант Хомес қотиради!

Бир неча дақиқа ҳамма жим қолди. Беш тилло кат-
та пул. Фақат бой-бадавлат одамгина таваккал қила
олади бунча пулни тикишга.

Шундай бўлса-да, ҳар қалай ушбу даъват жавобсиз
қолмади. Навқирон бир чорвадор олдинга чиқди.

— Полковник Вискарра,— дея гап бошлади у,—сер-
жант Хомес қотирадими ё эплолмайдими, бу тўғрида
баҳслашиб ўтирмайман-у, лекин гаров ўйнашга тайёр-
ман: орамизда бошқа бир одам ҳам бор — Хомесдан
тирноқчалик қолишадиган жойи йўқ уни. Совринни ик-
ки баравар оширолмайдиларми мабодо?

— Айтинг ўша одамни!

— Қарлос, бизон овчиси.

— Жуда соз, таклифингизни қабул этаман. Яна ким
омадини синаб кўришни хоҳлайди?— сўзини давом эт-
тирди Вискарра оломонга қарата.— Ердан олинган
доллар ўрнига ҳар гал янгисини қўяман. Лекин эсингиз-
да бўлсин — биринчи уринишдаёқ оласизлар!

Баъзилар уриниб кўришди-ю, омадлари келмади.
Баъзи бир хилларнинг қўли тангага тегди, ҳатто уни
жойидан қўзғатишди ҳам, аммо ҳеч ким ердан ола бил-
мади уни.

Охири ўтлоққа йирик тўриқ от минган чавандоз чиқ-
ди — сержант Хомесни ҳамма таниди. Биринчи бўлиб
буқага етиб олган, бироқ уни йиқитолмаган ўша эди.
Муваффақиятсизликдан кейин ҳанузгача тинчий олма-
ётгани бир қарашдаёқ сезилиб турарди — унинг
шундоқ ҳам заъфарон-заҳил тусли тунд юзи бутунлай
тумтайиб кетган эди. У дароздан келган, чайиру бақув-
ват ва шубҳасизки яхши чавандоз, бироқ ғоятда қўпол,
қад-қомати беўхшов, номутаносиб одам эди; унга эпчил-
лик ва ҳаракатчан-абжирлик етишмасди.

Мазкур иш унча-мунча тайёргарлик кўришни талаб этарди. Сержант айил-узангиларни текширди, қиличи билан камарбандларини ечиб қўйди-да, отини жилдирди.

Чавандоз маҳорат-ла бошқараётган от бир неча дақиқа ичида офтобда ярақлаётган танга ёнига етиб борди. Хомес энгашиб, тангани олишга уринди. Ердан узди ҳам уни, аммо тангани маҳкам чангаллаёлмаган экан, у қаддини ростлаб улгурмасидан бармоқларидан сирғалиб тушиб кетди.

Оломон узра ғала-ғовур кўтарилди — ҳам ҳайрат, ҳам афсус-алам қоришиб кетганди бу ҳайқириқларда. Кўпчилик Хомесга мойиллик билан қарарди, нега дега-нингизда, Вискарра уни ёқларди-да. Полковник Вискаррани жуда-жуда ёқтирганлари учун эмас, йўқ, ундан қўрққанлари учун ўзларини шундай кўрсатишарди, ана шунинг учун ҳам унинг раъйига қарши чиқмасликка ҳаракат қилишарди.

Энди Карлос ўзининг қорабайирида олдинга чиқди. Жамики кўз зоти унга қадалди. Башарти терисининг туси ҳаддан зиёд оппоқ бўлмаганида, унинг ҳусни умум жамоатни ялписига мафтуну маҳлиё қилиб қўярмиди. Ана шу нарса умум жамоатни унга нисбатан ишонсизлик билан қарашга мажбур этарди: ахир у бошқа халқнинг намояндаси эди-да!

Аммо-лекин, аёллар қалби бу фикрга қўшила олмасди, олтинсоч америкаликни кўрганда бир қанча қизларнинг қоп-қора қуралай кўзларида ҳайрат учқунлари чатнаб кетди, зеро Карлос, бизон овчиси, аслида америкалик эди-да.

Унга мойиллигу илтифот билан қараб, лутф айлаётган нафақат аёллар, маъқулловчи сўзларни пичирлаётган нафақат ўшалар эди. Деярли ҳайвон ўрнида кўриладиган ва шу даражага туширилган, қаддилари дол букилиб, бошлари ҳам, кўзлари ер сузиб яшайдиган тагнос қабиласидан бўлмиш ҳиндулар орасида олис замонларда қолиб кетган ўтмиш кунларини орзу қиладиган одамлар ҳам бор эди; улар бир замонлар ота-боболари озод яшаганларини билардилар; тоғдаги горда ёхуд нимқоронғи чакалакзор ўрмон ичкариларида ўтадиган махфий йиғинларида улар ҳануз тангри Кецаль-

коатль¹ шарафига муқаддас олов ёқиб, ҳанузгача Мон-тесума, озодлик ҳақида сўзлаб келадилар.

Карлос ҳеч қандай ҳозирлигу тайёргарлик қилиб ўлтирмади. У ҳатто ридосини ҳам ечмади, нописандлик ила орқага ташлаб қўйди холос, унинг узун барлари отнинг сағрисидан пастга осилиб тушди.

Соҳибининг овозига итоат этгувчи от қўзғалишданоқ лўкиллаб чопа кетди, кейин чавандознинг тиззалари унинг биқинини астагина қисди-ю, жонивор ушбу ишорага бўйсуниб ўтлоқда давра ясаб, тезлагандан-тезлайверди.

Бир пайт чавандоз отни худди ўша тезлигида тўғри ялтиллаб турган танга устига қараб солди. Тангагача йўрттириб боргач, эгарда ўлтирган ерида эгилиб, тилло тангани олди-ю, боши узра баландга итқитди, отини таққа тўхтатиб, қўлини олға узатди, олтин танга очиқ кафтига келиб тушди.

Ана шу ишларнинг барини у нақ ҳинд фақиридек бемалол, оппа-осонгина адо этди. Ҳатто уни хуш кўрмаганлар ҳам ўзларини қарсак чалиб юборишдан тия олмадилар, Карлос, бизон овчиси шарафига яна «viva» садолари янгради.

Сержант ер билан баробар бўлди. Бу мусобақада у кўп вақтлардан буён ғолиб чиқиб келарди: бугунги кунгача Карлос бўлмасди бу ерда ёки у ҳеч қачон қатнашмасди мазкур мусобақаларда. Вискарра ҳам ўзини ундан тузукроқ ҳис этмаётганди шу топда. Унинг арзандаси шарманда қилинди, ўзи бўлса ўн тиллодан айрилди — бу ҳатто чегарадаги қалъа комендант учун ҳам оз пул эмасди. Ҳа, бундан ташқари, ютишига имони комиллик ила ўзи бошлаган гаровда бой бериб сулув сеньориталар олдида кулги бўлиш ниҳоятда кўнгилсиз ҳол эди. Айнан шу дақиқадан бошлаб Вискарра бизон овчиси Карлосни ёмон кўриб қолди.

Томоша-ўйинларнинг навбатлари тури яйлов чеккасидан ўтадиган чуқур зовурнинг нақ лабгинасигача от йўрттириб бориш эди. Бунда нафақат чавандознинг жасорати ва эпчиллигинигина, балки отнинг аъло даражада тарбия кўрганини ҳам намойиш қилиш мумкин эди.

¹ Кецалякоатль — толтеклар — Мексика водийсида яшаган халқнинг тангриси. Қанотли, қушсимон илон тимсолида тасвирланган.

Зовур — суғориш учун қазилган канал — от сакраб ўтолмайдиган даражада кенг, қулаш чавандозга унчалик хуш келмайдиган даражада чуқур эди. Шунинг учун ҳам чавандоз фақат эпчилу чаққонгина эмас, айни чоқда жасоратли, довюрак бўлиши керак эди. От бор кучила зовурга қараб учиб боряпти; ана шу елиб-учиб бораётганида қўққисдан тўхтатиш лозим уни, тўхтатганда ҳам тўрттала оёғи чизиқдан ўтмаслиги шарт, бу чизиқ эса зовур лабидан икки от танаси узунлигига баробар масофа берироқдан ўтказилади. Замини, албатта, қаттиқ, заранг, акс ҳолда бу ўйинни бажариб бўлмасди.

Кўплар бундайин мусобақа жабҳасида санъаткорона маҳорат орттирган ва ушбу мушкул вазифани бенуқсон бажардилар. Жон ҳалписида елиб бораётган тулпорни тўсатдан таққа тўхтатиш — ажойибу антиқа томоша-да: от олдинги икки оёғини кўтариб, нақ кўкка сапчигундек бир қиёфада зовурнинг лабгинасида тўхтади, боши орқага ташланган, кўзлари ёниб-чақнайди, бурун катакларни кенгайиб-керилиб кетган. Баъзи бир чавандозлар эса, аксинча, жуда кулгили қиёфага кирадилар, шундай пайтларда оломон улардан кулиб, мазах қиладилар. Булар ё юраксизроқ — бундайлар зовур лабига етмай, анча беридаёқ отларини тўхтатиб қолишади — ёки ўзи довюраг-у, лекин чапдаст эмас: отни шартли чизиқда тўхтатиб қололмай, чуқур лойқа сувга учиб тушишади. Ҳар қандай муваффақиятсизликни томошабинлар деярли бетиним кулги ва ҳайқириқлар билан қарши олишади, чунки зовур қирғоғига бот-бот сал бўлмаса чўкиб кетаёзган, бошдан-оёқ шалаббо чавандозлар чиқиб келишади. Айни чоқда моҳирона адо этилган ҳар бир ҳаракатни «viva» деган ҳайқириқлару гулдурос қарсақлар ила олқишлашади.

Шу қабилдаги мусобақалар мудом ўтказиб турилади; бундай усул билан таълим олиб жаҳонда энг олди чавандоз бўлиб етишиш табиий, алқисса, мексикаликлар чиндан ҳам беқиёс чавандозлардир.

Бизон овчисининг бу ўйинда қатнашмаслиги кўриниб, сезилиб турибди. Хўш, сабаб? Дўстларининг айтишларича, бу ўйин унга муносиб эмас экан. Хийла оғир мусобақаларда қатнашиб, моҳир чавандоз эканини кўрсатиб қўйди-ку, ахир, дейишарди улар, яна-тағин десангиз бу ўйинда қатнашса эндиликда ўзи учун мутлақо кера-

ги йўқ галаба кетидан қувган бўлармиш. Карлос ҳақиқатан ҳам шундай деб ўйларди.

Аламзада, таъби тирриқ бўлган комендант эса бунга ўзгача кўз билан қарарди. Шунингдек, капитан Робладо ҳам, зеро у овчининг ҳар бир янги галабасидан сўнг Каталанининг нигоҳи-қарашларида аллақандай ғалати ифодани кўраётган ёхуд хаёлан тасаввур қилаётган эди. Иккала ҳарбийнинг худди ўзларига ўхшаган палидона режалари бор эди: ҳар икковлариям Карлосни камситиш пайида эдилар.

Унинг ёнига бориб, охириги ўйинда нега омадини си-наб кўрмаганини сўрашди йигитдан.

— Уринганга арзийдиган иш эмас деб ўйлайман,— дея жўнгина жавоб қилди овчи.

— Хо-о!— истеҳзоли оҳангда деди Робладо.— Э-йўқ, ошна, турган гапки, бошқача важ-сабабларингиз бўлса кераг-ов. Қопқон-тузоқнинг шундоқ лабгинасида тўхташ — сиз айтганчалик арзимас нарса эмас. Шу, назаримда, калла ташлаб чўмилиб олишдан чўчиётганга ўхшайсиз-да.

Капитан ушбу сўзларни ҳазиллашаётгандай, аммо атрофдаги ҳамма эшитсин деб етарилча баланд овозда айтди-да, охирида масхаралаётгандек қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Улар айнан шу нарсани — йигитнинг қандай чўмилиб чиқишини кўришни истаётган эдилар. Улар, борди-ю, Карлос даъват-чорловларини қабул қилгудек бўлса, у чоқда оёқ остидан бирор тасодифий фалокат, масалан оти тойиб ёки қоқилиб кетиб, ўзи зовурга учиб тушишидан умидвор эдилар. Бу ҳол овчини қанчалик ерга урса, қанчалик обрўсини тўкса, улар ўшанчалик хурсанд, ўшанчалик мамнун бўлишадн. Ифлосу балчиқ зовурдан эмаклаб-ўрмалаб чиққан, шилтан шалаббо бўлган одам бунга ҳатто ўз жасорату мардлиги сабабчи бўлса ҳамки, бари бир томошаталаб оломон кўзига кулгили ва аянчли кўринади. Карлосни худди ана-шундай аҳволда кўриш истагида ўртанаётган эди бу икковлон.

Овчи уларнинг нимани истаётганларини пайқадими ё йўқми, буни заррача сездирмади. Унинг жавобидан буни фаҳмлаб бўлмади. Лекин атроф-теваракдагилар жавобини эшитганларида зовур, лойқа сув — бари ўша ондаёқ унут бўлди. Эндиликда томошабинларни ҳийла қизиқарлироқ манзара-томоша кутмоқда эди.

Карлос дарҳол жавоб бермади; у бирон дақиқа чамаси индамай, қилт этмай ўтириб қолди эгарда. Афтидан, боши қотиб, гангиб қолганга ўхшарди. Ҳар иккала зобитнинг феъл-атвори, Робладонинг гаплари қаттиқ текканди унга. Унчалик мушкуллик жойи йўқ, сирасини айтганда, аллақачон тугаган ўйинга қатнашиш, яна-тагин фақат Робладо билан комендантнинг хаёлига унинг жиғига тегиш фикри келиб қолганлиги учунгина қатнашиш алам қилмайдимиз ахир! Рад этиш эса — кулгимасхара ва фисқи-фасодга нишон бўлиб қолиш демек. Эҳтимол улар худди шунга эришиш истагидадирлар?

Унинг зобитларнинг нияти ғаразли деб шубҳага тушишига асоси бор эди. У бу икки нусха ҳақида унчамунча нарсадан, яъни иш пайтида, вазифаларини адо этаётганларида, ўзларини қандоқ тутишларидан хабардор эди, билмай, беҳабар қола олмасди ҳам-да! Ахир улар бу ерда — олий ҳокимият-ку! Лекинига у яна буларнинг хизматдан бўш пайтларида, шахсий ҳаётларида қандай одам эканликларидан ҳам бохабар эди, мазкур хабарлар мутлақо зобитлар фойдасидан сўзламасди. Робладога келганда овчининг уни ёқтирмаслигига ўзи билгувчи важҳу сабаблари, ҳа-ҳа, бутунлай ўзгача сабаблари бор эди; башарти Робладо бир нарсани билганида борми, Карлосга худди ўшандай хушкўрмаслик туйғуси ила жавоб қайтармоқликка бағоят ишонарли асосга эга бўлиши тайин эди. Ушбу кунга қадар Робладо ҳатто оламда кўпдан-кўп вақтини бу ерлардан олисда ўтказган бизон овчиси бор эканини мутлақо билмасди ҳам. Эҳтимол зобит илгари уни сира учратмаган ёки, ҳар қалай, ҳеч қачон у билан бирон оғиз гаплашмагандир. Карлос бўлса уни яхшироқ билар ва мазкур учрашувдан анчагина илгарироқданоқ ёқтирмай қўйган эди уни, юқорида шаъма қилиб ўтганимиздек, бунга ўзига хос сабаблари бор эди.

Зобитнинг бугунги қилиғи Карлоснинг кўнглидаги хушкўрмаслик туйғусини озайтормади. Аксинча унинг такаббуруна, истеҳзолию кинояли оҳангда сўзлаши овчининг иззат-нафсига тегди.

— Капитан Робладо,— дея жавоб қайтарди у ниҳоят,— мен, бу ўйин вақтни исроф қилганга арзимаёйди, дедим: ўн яшар болакай ҳам буни жасорат кўрсатиш

деб ҳисобламайди. Бундай пуч, беҳуда эрмакни деб отимнинг лаб-лунжини йиртиб, озор бериб ўтирмайман. Хўш, шу зовурча лабида отни таққа тўхтатиш ҳам арзийдиган иш бўптими? Лекин, борди-ю...

— Қани-қани, уёғи-чи?..— тоқатсизлик ила сўради Роблодо орага чўккан танаффуздан фойдаланиб, Карлоснинг нима демоқчи бўлаётганини фаҳмлай бошларкан.

— Борди-ю, таваккал қилиб бир дублон тикишни истасангиз — мен бор-йўғи камбағал овчиман, бундан ортиқ тикишга чоғим келмайди,— унда ўн яшар болакай ҳам чинакам санъат деб ҳисоблайдиган ишни бажарганим бўлсин.

— Сеньор овчи, нима бўлиши мумкин ўша иш?— истеҳзо-ла, иршайганча сўради зобит.

— Елдек учиб бораётган отимни ҳув анови қоянинг қирғоғида тўхтатаман.

— Тик кесиб тушган ёнбағир четидан икки от бўйи бериди-я?

— Икки от бўйи берида? Йўқ — камроқ; шу ердаги, зовур ёқасидаги масофачалик берида.

Унинг сўзи яқин-атрофда бўлган ва буни эшитганларни шунақанги лол қилиб қўйдикки, дамлари ичларига тушиб кетганидан ҳеч қайсилари бир неча дақиқа мобайнида чурқ этиб оғиз очолмадилар. Бу таклиф жиддий айтилганига ишончлари йўқ эди сира, зотан шунчалик қутқули, ақлга тўғри келмайдиган жасорату матонат акс этарди унда. Ҳатто анг-танг бўлиб қолган иккала зобит, шунчаки бизни масхара қилиб куляпти, деб ўйлашга ҳам тайёр эдилар.

Карлос кўрсатган қоя баланд ясситоғликнинг чекка қисми бўлиб, девор янглиғ типпа-тик ёнбағри водийга келиб қадаларди. У олдинга туртиб чиққан бурунга ўхшаб кетар ва қуйидан — водийдан яхшироқ кўриниб турай дегандек жўрттага олдинга туртиб чиққан эди. Баланд қоя, бир-бировига мингашган қоя-тошлардан қад кўтарган бутун тик ёнбағирлик сингари, нимаси биландир тўлқин айирғични эслатарди. Унинг қирғоғида ўт-ўлан — тепада, ясситоғликда ястанган яшил дашти ўтлоқнинг бир чеккагинаси кўзга ташланиб турарди. Текис, поғона-зинапоялару ботиқлик-унгурлардан маҳрум, бошдан-оёқ горизонталь чизиқлар-ла тилишланган девор водийга тикка тушиб келарди — бу навбатма-нав-

бат алмашинадиган оҳактош ва қумтош қатламлари эди. Қоянинг қирғоғи билан ям-яшил водий ўтлогини минг футдан ортиқроқ баландлик ажратиб турарди. Асаби бўш одамнинг пастдан юқорига қарата баландликни кўз билан чамалаб чиқиши унчалик осон эмасди; юқорида туриб пастга қараш имтиҳонидан ўтиш эса энг довюрак, энг қўрқмас одамларнинггина қўлидан келиши мумкин. Карлос отини қирғоғида таққа тўхтатишга аҳд этган қоя ана шундай жой эди. Бундай таклиф барчанинг дамини ичига тушириб, лол қолдиргани энди тушунарли бўлгандир дейман. Илло орага чўккан сукунатга қуйидаги қичқириқлар раҳна солди:

— Мумкинмас бу! Ақлдан озибди у! Э, ҳазиллаш-япти у! У жаноб ҳарбийлар устидан куляпти!

Карлос парво қилмай, жилов тизгинини чертиб-ўйнаган кўйи жавобларини кутиб ўлтирарди от устида.

Қўп кутмади у. Вискарра билан Робладо наридан-бери икки оғизгина сўзлашиб олишди-ю, Робладо шошқалоқлик ила қичқирди:

— Бўпти, гаров бойлашганим бўлсин!

— Мен ҳам бир олтин тикаман!— қўшимча қилди Вискарра.

— Сеньорлар!— деди Карлос, чамаси рапжиганроқ кўрнарди у.— Минг афсуски, икки киши билан баҳшашолмайман. Бу дублон — бисотимда бори шу, иннайкейин, яна бир дублон қарз бериб турадиган мард топилармикин шу топда.

Шу сўзларни айтаркан, Карлос оломонга кулиб боқди, лекин одамлар бунга кулги билан жавоб қайтарадиган аҳволда эмасди ҳозир. Улар вужудини ваҳима чулғаб олганди. Улар телба овчини муқаррар ҳалокат кутаётганига шубҳа қилишмасди асти. Шунга қарамай, ҳар қалай аллаким жавоб берди:

— Карлос, бошқа хоҳлаган нарсанга йигирма тилла беришга ҳам тайёрман-у, аммо бу ишга эмас. Ахир бу телбалик-ку!

Ушбу гапни чорвадор йигит, олдинроқ ҳам Карлоснинг тарафини олган ўша йигит айтди.

— Раҳмат, дон Хуан,— жавоб қилди овчи.— Биламан, менга қарз бериб туришга ҳамиша тайёрсан. Шундай бўлсаям раҳмат сенга. Қўрқма ҳеч! Тиллани албатта ютаман. Қандайдир ачупино мени мазах қилиб кул-

син учун йигирма йилдан бери эгардан тушмай юрган им йўқ!

— Оғзингизга қараб гапиринг, тақсирим!— барава-рига қичқириб қолишди Вискаarra билан Робладо. Шахт-ла қиличлари дастасига қўл чўзиб, қошларини чи-мирган кўйи.

— О, афв этасизлар, жаноблар,— сезиларли киноя билан деди Карлос.— Тасодифан чиқиб кетди оғзимдан. Рост, ҳеч кимни камситмоқчи эмасдим.

— Унда тилингизни тийганингиз маъқул, ошна! Агар яна бир марта оғзингиздан ана шунақанги сўз чиққудек бўлса, тағин бошингиздан жудо бўлиб юрманг-а,— дағ-даға қилди Вискаarra.

— Бағоят миннатдорман ўзларидан, сеньор комен-дант,— дея жавоб қайтарди Карлос ҳамон кулганича.— Чоғимда, маслаҳатингизга қулоқ солганим тузук кўри-нади.

Комендант бунга жавобан бўралаб сўкинди, лекин Карлос унга эътибор бермади, зотан айни сонияда ака-сининг бемулоҳазаларча, телбаёна нияти ҳақида ҳозир-гина хабар топган синглизис аравадан сакраб тушиб, жонҳолатда унинг ёнига отилган эди.

— О Карлос!— нидо солди у чавандознинг тиззаси-дан қучиб.— Наҳотки рост бўлса? Йўқ-йўқ, бўлиши мум-кинмас!

— Нимани айтяпсан, сингилжон?— деб сўради Кар-лос кулиб.

— Ҳалиги, сен...

Қиз овози ичига тушиб кетиб, кўзлари билан қояга ишора қила олди холос.

— Албатта-да, Росита. Нимагаям шундай қилмас эканман? Уят-э, сингилжон! Хавотир олма. Ишонавер, бунн ҳеч қанақанги қўрқадиган жойи йўқ. Илгарилари-ям шундай қилиб юрганман.

— Карлос, акажоним! Биладан, сен ажойиб чаван-дозсан, ҳеч зор тенглашолмайди сенга. Лекин ўзинг ўй-лаб кўр, қандай хавфли бу... Вой меҳрибон худойим-а! Ўзинг ўйла...

— Суф сенга-е, синглим! Одамлар олдида уятга қўй-ма мени! Бориб онамдан сўра. Қулоқ сол, нима деркин у. Сираям хавотирланиб, ваҳима қилиб ўтирмайди у.

Овчи шундай деганича арава томон юрди; синглизис ортидан эргашди.

Шўрлик Роситагина-я! Айни шу сонияда сени илк бора кўраётган бир кимсанинг икки кўзи сенда эди, ушбу кўзларнинг зим-зиё тубида учқун чақнаб кетди, ҳеч бир яхшиликдан дарагу далолат беролмасди бу учқун. Сенинг сарв қоматинг, сенинг парируй чехранг, эҳтимолки, айнан сен чекаётган қайғу-ташвиш бахшида этадиган севги ўзи муҳаббат қўядиган малак учун фақат ҳалокат келтиришигина мумкин бўлган бир одамнинг юрагини тезроқ тепишга мажбур этганди. Бу полковник Вискарранинг юраги эди.

— Анавини қаранг, Робладо!— оҳистагина шипшиди у ўз хизматчиси ва жамики ярамас, бемаъни ишларининг иштирокчисига.— Анави ёққа қаранг! Фаришта-я, фаришта! Э, қарасангиз-чи, ахир! Чўлпоннинг ўзгинаси— менинг христиану аскарлигим қанчалик ҳақ бўлса, унинг Чўлпонга ўхшаши ўшанчалик ҳақ! Қани энди, осмоннинг қайси қаватидан учиб тушганикин-а, у?

— Худо ҳаққи, ҳеч кўрмаганман уни,— жавоб қайтарди капитан.— Балки у анави йигитнинг синглицидир. Худди шундоқ-да! Гапларига қулоқ солинг-а! Бир бировларини ака, сингил деб аташяпти. Ростдан ҳам чакки эмас экан-ку.

— Во дариғо!— хўрсинди комендант.— Асл жавоҳир-ку бу! Бу ердаги бир хил, зерикарли ҳаёт аллақачон меъдамга уриб кетган. Янги эрмак топилгани яхши бўлди-да. Ана энди яна бирор ойга дош бера олсам керак чоғимда. Сизнингча қандай, бутун бошли бир ойга ярармикин, зериктириб қўймасмикин мени?

— Кўзим етмайдиёв... агарда иш бошқалари билан бўлганидай давом этса амримаҳал-ов бу. Наҳотки Инес аллақачон кўнглингизга урган бўлса?

— Хо-хо! У мени ҳаддан ортиқ, ёниб-ўртаниб севади, мен эсам бунга тоқат қилолмайман. Менга сал совуқроқ муносабатда бўладиган сипороги маъқул.

— Агар ундоқ бўлса, бу оқ бадану олтинсоч қиз, чамамда, сизга кўпроқ ёқадиган, ўзлари боп экан. Ия, қаранг, кетишяпти-ку улар!

Зобитлар ўзаро суҳбатлашаётганларида Карлос билан синглициси кекса оналари ўлтирган аравага яқинлашгандилар.

Комендант, капитан ва яна талайгина томошаталаблар уларга эргашшиди, атрофларини қуршаб, гапларига қулоқ сола бошлашди.

— Онажон, мени йўлдан қайтармоқчи бўляпти у,— Карлоснинг овози эшитилди. У ўз ниятини онасига гапириб беришга улгуриб бўлганди.— Сизнинг розилигингизсиз ҳеч нима қилолмайман. Лекин қулоқ солинг, онажон, мен ваъда қилиб, оёқ-қўлимни ярим-ёрти тушовлаб қўйганман, шуни-чун ваъдамни адо этишни истардим. Ахир бу ор-номусга боғлиқ иш-ку, онажон.

Охирги сўзлар тўғридан-тўғри кампирнинг қулоғига баланд овозда, ишонарли ва салобатли айтилди — атидан онанинг қулоғи пича оғирроқ эди.

— Сени йўлдан қайтармоқчи бўлаётган ким?— деб сўради у бошини баланд кўтариб, атрофдагиларни кўздан ўтказар экан.— Ким ўзи?

— Росита, онажон.

— Росита рўмол тўқиб, каштасини тиксин — унинг иши шу. Сен эса, ўғлим, буюк ишлар қилишинг... жасорат, мардимайдонлик кўрсатишинг мумкин. Ҳа, ҳа, жасорат, мардимайдонлик. Наҳотки томирларингда оқаётган қон отангнинг қони бўлмаса? Ана у — у жасорату мардимайдонлик кўрсатарди, ҳа... ха-ха-ха!

Бу аёлнинг ғалати, телбаёна кулгуси томошаталабларни сескантириб юборди.

— Бор!— дея чинқирди у оппоқ соч тутамларини орқага силтаб ташлаб, қўлларини силкиганча.— Боравер, Карлос, бизон овчиси, офтобда куйиб-қовжираган бу қуёнюраклар, бу қулваччаларга озод америкаликнинг нималарга қодир эканлигини бир кўрсатиб қўй! Қояга! Қояга бор!

Мазкур даҳшатингиз амру фармонни бергач, у арава ўриндиғига чўкиб, яна жим қолди.

Карлос ортиқ ҳеч нима ҳақда сўраб ўтирмади ундан. Кампирнинг оғзидан ўқдай учиб чиққан наштали сўзлар бу суҳбатни тезроқ тугатиш истагини уйғотганди йигит дилида: у яқинроқда турганлардан баъзи бировларнинг динг қулоғи ушбу сўзларни илиб олганини пайқаганди.

Зобитлар, руҳонийлар, алькальд ўзаро маънодор кўз уриштириб олдилар.

Карлос синглисини аравага чиқариб қўйиб, у билан қучиб хайрлашди-да, эгарга сакраб миниб, водий бўйлаб от йўрттириб кетди. Бир оз нарироққа боргач оти жиловидан тортди-да, шаҳарлик сеньору сеньориталар жойлашган ўриндиқлар қаторига назар ташлади. У ер-

да олашовур ҳукмрон эди. Бу ердагилар бўлажак синовдан хабар топишган, улардан аксарияти овчини ушбу хатарли ниятидан қайтаришга ҳам тайёр эди.

Улар орасида, чамаси, юраги ёрилиб кетай-ёрилиб кетай деяётган хоним ҳам бор эди; қўрқув ва хавотирланиш ҳисси унинг кўнгил косасидан, худди Карлоснинг қалбидагидек, тошай-тошай деб турганди-ю, аммо атроф-теварагидагиларга буни ошкор этишга журъат қилолмасди. Сас-садосиз изтироб чекиш ва сабр-тоқат қилишга мажбур эди у.

Карлос биларди буни. У кўкрагида сақлайдиган оқ рўмолчани чиқарди, кимгадир сўнгги бора «кечир мени» деяётгандай силкиб қўйди уни. Унга жавоб қайтардимми биров, йўқми — буни айтиш қийин, лекин орадан лаҳза ўтмаёқ оти бошини бурди-ю, қоя томон йўрттириб кетди.

Сеньор ва сеньориталар, қишлоқ сулувлари бу видолашув «саломни» кимга аталгани хусусида қандайин тахмину ўй-хаёлларга боришмади денг! Талай тахминлар қалаштириб ташланди, талай исмлар тилга олинди, миш-мишу фиқу фужурлар авж пардага минди. Карлос ким билан хайрлашганини барчалари орасида яккаю ягона хонимгина биларди, унинг қалби ишқ-муҳаббату хавотирланиш ҳисси-ла лиммо-лим эди.

VI БОБ

Кимники оти бўлса, бари водийдан юқорига, ясситоғлиққа олиб чиқадиган сўқмоққа қараб тўғри йўл солган овчининг изидан эргашди. Мазкур сўқмоқ тик ва кескин бурилишлар билан қоядан-қояга ўтиб юқорилаб борар, буёқлардан ясситоғлиққа кўтариладиган ундан бўлак йўлнинг ўзи йўқ эди. Қарама-қарши тошлоқ ёнбағирликда ҳам худди шунингдек йўл илон изи ҳосил қилиб юқорилаб кетган, ана шу жойда водийни кесиб ўтиш мумкин — кўплаб миль теварак-атрофда ясситоғликнинг бир томонидан иккинчисига олиб борадиган ягона йўл ана шу эди.

Водийни ясситоғликдан бор-йўғи бирор минг футча масофа ажратиб турарди-ю, аммо юқорига олиб чиқадиган сўқмоқ салкам бир милга чўзилиб кетганди; сайилу байрам ўйинлари ўтадиган жой қоя этадигидан бир неча миль берида эканлиги сабабли Карлосга отлиқлару

ушбу хавфли имтиҳонни қандоқ бўлмасин ўз кўзлари билан кўришга аҳд этган яна бир нечагина киши эргашиб борардилар, холос. Зобитлар, турган гапки, сўқмоқдан юқорига кўтарилиб бораётганлар орасида эдилар. Пастдагилар томошанинг энг қизиқ ҳамда энг тўлқинлантирадиган қисмини томоша қилишдан бенасиб қолмаслик учун қояларга яқинроқ бориш умидида олдинга қараб юрдилар.

Орадан бир соатдан кўпроқ вақт ўтди, пастдагилар эса ҳамон кутишяпти, аммо-лекин вақтларини зое кетказишмаяпти улар. Қартабозлар танга ўгириш ўйинига тушиб кетишди, олтин у кумуш тангалар йилтиллаб қўлдан-қўлга ўта бошлади; энг ашаддий ўйинчилар орасида ҳар иккала миссионер тақсирлари ҳам бор эди; сулув сеньориталар эса ўзларининг севимли, осойишта ва осонгина ҳус ўйинлари ила машғул эдилар. Қолган ярим соат фурсатни иккита бақуввату жангари хўроз (биттаси алькальдники, иккинчиси руҳоний отанки) жанги банд этди. Мазкур мусобақада черков намоюдаси зафар қучди. Унинг кўк хўрози узун ва пўлатдай ўткир пихи билан алькальднинг саман хўрозини нақ миясига зарба бериб — бир тепгандаёқ суробини тўғрилади-қўйди. Бу қизиқарли ҳамда кўнгилли томоша пастда қолганларнинг барига, ҳатто сеньориталарга ҳам — алькальддан ташқари, албатта — жуда-жуда ёқди.

Хўрозлар жанги тугади-ю, оломоннинг диққатини яна ясситоғликка кўтарилаётган одамлар тўдаси ўзига жалб этди. Улар ҳозир қояга етиб боришганди, хатти-ҳаракатларидан уларнинг бундайин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаровнинг шартларини келишиб олаётганлари яққол тушунарли эди. Келинглр, биз ҳам уларнинг сафига қўшилайлик.

Бизон овчиси отида олдинга ўтиб бориб, ўзининг бундай қалтису таваккалона ниятини амалга оширадиган жойини кўрсатди. Тепадан, ясситоғликдан қуйироқдаги қоялар кўринмасди, кейин, агарда тик кесиб тушган ёнбағирлик четидан бирор юз одимча ортга чекинмасангиз, ҳатто минг футлаб қуйида жойлашган тубсиз жаҳаннамдай туюлгувчи улкан водийнинг ўзини ҳам кўра олмайсиз. Бу ерда на қиялигу на ёнбағирлик бор. Токи тик кесиб тушиб кетган ёнбағирлик раҳигача қафтдек теп-текис, ям-яшил майса-гилам қоплаган бутун ясситоғликни. Ҳа, бу ер теп-текис, унда ўсган майса

худди чимдай калтаю қалин. От қоқиладиган бирон нарса — ҳеч қаерда биронта чуқурчаю ёки биронта тош парчаси кўринмайди. Ҳа, унга таҳдид қиладиган бундай фалокатдан ном-нишон йўқ.

Танланган жой, юқорида айтиб ўтганимиздек, худди денгиз соҳилидаги бурунга ўхшаб кетарди; у тош деворнинг бир зайлдаги текис маромига рахна солиб, олдинга туртиб чиқиб турарди. Қуйидан, водийдан ана шу туртиб чиққан дўнглик яққол кўзга ташланарди. Бу ерда, тепада эса у ясситоғликнинг бамисоли тил янглиғ олдинга томон чўзилиб борадиган давоми экани англашилиб турарди.

Карлос аввало унинг энг чеккасигача бориб, заминни диққат билан кўздан кечирди. У худди кўнглидагидек яхши бўлиб чиқди: от туёғи сирғаниб-тойиб кетадиган даражада заранг ҳам, ботиб кетадиган даражада юмшоғу билқ-билқ ҳам эмасди.

Вискарра, Робладо ва бошқалар Карлос билан бирга ўша ергача бўришди. Танланган жойгача кўпчилик келишган эди-ю, аммо улар ваҳимали тубсиз жаҳаннам чеккасидан хийла берида туришарди. Гарчи улар шу атрофда, маҳобатливу қутқули манзара орасида талай йиллардан буён истиқомат қилиб келаётган бўлсаларда, тўпланганлардан аксариятининг бу даҳшатли «буруннинг» четига яқинлашиб, пастга қарашга юраклари дов бермаётган эди.

Овчининг оти ясситоғликнинг нақ милки-қирғоғида турар, Карлос мисоли канал қирғоғидагидек хотиржамгина маррани қаерга чизишни кўрсатарди. Отида ҳам безовталанишдан асар сезилмасди. Отнинг жуда яхши ўргатилгани ва бу иш унинг учун янгилик эмаслиги шундоққина кўриниб турарди. От дам-бадам бўйинини чўзиб пастга, водийга қарар, уёқда ўз жинсдошларига кўзи тушганида чўзиб-чўзиб кишнаб қўяр эди. Карлос уни мушкул синовга киришишдан олдин бу ерга ўрганиб, кўникма ҳосил қилсин деган мақсадда атайин қоя четида тутиб турган эди.

Лекин, мана, марра чизиғи ҳам тортиб бўлинди; марра чизиғини чуқурликка тушиб кетадиган тик қирғоқнинг лабгинасидаги охирги майса тупидан икки от танази узунлигидан камроқ масофа ажратиб турибди. Вискарра билан Робладо оралиқ масофани бундан ҳам қисқартиришни талаб қилишга уриниб кўрган эди, бун-

га жавобан норозилик овозлари таралди ва ҳаттоки оҳистагина, босинқи: «Уят!» деган нидолар ҳам эшитилди.

Зобитларнинг мақсади нима эди ўзи? Томошабинлар тўдасидан ҳеч ким буни билмасди-ю, лекин ҳаммалари уларнинг бизон овчисини нобуд қилишни истаётганларини ҳис этиб туришарди. Зобитлардан ҳар бирининг ўзи-ча важҳ-сабаби бор эди бунинг учун. Ҳар иккаларини ҳам Қарлосни кўргани кўзи йўқ эди. Уларнинг нафратланиш ҳамда кўролмасликларининг сабаби ёхуд сабаб-боислари яқингинада пайдо бўлганди, Робладоники ҳатто комендантаникидан кейинроқ туғилганди. Сўнгги соатлар давомида у шундай бир нарсани пайқадикки, бу нарса унинг ғазабини қўзитди. У Қарлоснинг оқ рўмолчани қандай силкиганини кўрди, курсию харрактлар ёнгинасида экани туфайлидан эса мазкур «хайр» ишораси кимга аталгани кўриниб турган эди. Шунда унинг жисми-жонини ҳайрат, қаҳру ғазаб чулғаб олди-ю, Қарлос билан қўпол ҳамда такаббуруна гаплаша бошлади.

Ушбу тахмин қанчалар ёвузонаю мудҳиш туюлма-син, илло овчи қоядан қулаб тушгудек бўлса, ҳар икковлари — Робладо ҳам, Вискара ҳам — фақат хурсанд бўлишлари тайин эди. Албатта, бу ёвузона, мудҳиш иш бўларди-ю, аммо ўша замонларда ўша атрофлардагилар ана шунақанги одамлар эди, бунинг эса ҳеч қанақанги фавқулудда, ақлга тўғри келмайдиган ери йўқ. Аксинча, бундай ваҳшийлик — янада баттарин ғайринсоний майлу истак ва ҳаттоки хатти-ҳаракатлар — Янги Мексика осмони остида ҳозирги кунда ҳам мутлақо камёб нарса эмас.

Бошқалар қатори яesitoғликка кўтарилган чорвадор йигит ўйин ҳалол-виждонан, жами тартиб-қондаси бўйича олиб борилишини талаб қилиб туриб олди. Гарчи бадавлат бўлса ҳамки, бор-йўғи битта чорвадор бўлмиш йигит ниҳоятда жасур эди ва савлатидан ит ҳуркадиган мўйловдор зобитларга ўчакишиб Қарлоснинг ёнини олиб, унинг ҳаққи-ҳуқуқини ҳимоя қиларди.

— Менга қара, Қарлос! — деб қичқирди у ҳозирлик ишлари қизғин тус олган пайтда. — Чамамда, бу жинниликни қилишга ростдан ҳам тайёрга ўхшайсан-ку. Ростки сени бундай қилмасликка кўндиролмаган эканман, халақит ҳам бериб ўтирмайман. Лекигин, ҳеч бўлмаса, шу арзимаган нарсани деб жонингни таҳликага қўйиб

Ўтирмагин. Мана менинг ҳамёним! Хоҳлаганингча тика-вер бемалол.

У шундай деганича лиқ тўла ҳамённи узатди овчига — кўринишидан озмунча пул бор эмасди ҳамёнда.

Карлос бирор дақиқача жимгина тикилиб қолди ҳамёнга. Бу пурсаховатона таклиф қувонтириб юборган эди уни. Турқи-авзойидан ўспириннинг саховати уни қаттиқ таъсирлантиргани шундоққина кўзга ташланиб турарди.

— Йўқ,— деди у ахийри,— бўлмайди, дон Хуан! Чин дилимдан раҳмат сенга, лекин ҳамёнингни ололмайман... Биттагина танга, ортиқ эмас, Комендантга битта олтин танга тиксам дегандим.

— Хоҳлаганингча олавер.

— Раҳмат, дон Хуан! Фақат бир тилла. Ўзимда ҳам битта бор — демак, жами иккита... Икки тилла. Ҳалоллини айтсам, ҳеч қачон бунчалик катта пулдан гаров ўйнамаганман! Эшитяпсизларми? Бечора бир овчи икки тилладан гаров ўйнапти!

— Хўп майли, агарда сен хоҳламасанг, унда мен ўзим шундай қилганим бўлсин... Полковник Вискаarra! — баланд овоз билан комендантга мурожаат этди дон Хуан. — Ўйлайманки, сиз гаровга тиккан пулингизни қайтариб олишдан қайтмассиз. Карлос бир тилла тикяпти, мен бўлсам ўн тилладан бас бойлашни таклиф қиламан.

— Розиман,— қуруққина жавоб қилди комендант.

— Икки карра кўпроқ тикишга чоғлари қандоқ?

— Менинг чоғимми?— дея такрорлади Вискаarra шоҳидлар қаршисида ўзи билан шундай гаплашаётганларни учун ғазабдан қутураёзиб. — Агар тақсиримнинг ўзларинга маъқул келса тўрт карра кўпайтирганим бўлсин, тақсир.

— Бўпти, тўрт карра кўпайтирамиз,— ўша заҳотиёқ қабул қилди бу таклифни дон Хуан. — Карлоснинг синовга дош беришига қирқ тиллодан гаров ўйнайман!

— Бас қилинг! Қани, пулни чиқаринг!

Олтин тангалар саналиб, гувоҳлардан бирига бериб қўйилди, ҳакамлар сайланди.

Мана, барча тадорик ишлари тугатилди. Томошабинлар отларини буриб, четроққа, ясситоғнинг ичкарироғига чекиниб, «бурун»ни батамом бизон овчиси билан унинг оти ихтиёрига қўйиб бердилар.

VII БОБ

Одамларнинг кўзи Карлосда, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатишяпти.

У аввало отдан тушди, кифтидаги ридосини ечиб, бир чеккага қўйди. Кейин шпорларини кўздан кечириб, тасмачалари етарлича маҳкам тортилганига ишонч ҳосил қилди. Белидаги шарфни тўғрилаб, сомбреросини пешонасига бостириброқ олдинга сурди. Ўзига халал бермасин учун барқут чолворининг икки биқинидаги кўн қайтармасини тиззасининг кўзидан нақ тўпиғигача пистонини қадади. Овчи пичоғи билан қамчисини дон Хуанга бериб қўйди.

Сўнгра у ана шу фурсат давомнда худди ўзининг ақл бовар қилмайдиган ишни бажариши лозим эканини сезаётгандек бўйинни мағрурона эгиб турган оти билан машғул бўлди. Карлос биринчи навбатда узангиларни диққат-ла текширди, сўнгра мамлуклар нусхасидаги сўлоқмондай пўлат сувлуқни бирор-ярим дарз кетган ёриқ-пориғи йўқмикин деб назардан ўтказди. Нўхтанинг тепа тасмасини роппа-расо талаб қилинганидек даражада тортиб маҳкамлади, кейин жилов тизгинини ниҳоятда диққат қилиб, энликма-энлик кўздан ўтказди. Тизгин ёввойи отнинг думидан тиғиз қилиб, моҳирона ўриб ясалган эди. Агар у чарм бўлса узилиб кетиши ҳеч гап эмасди, мисоли тордек маҳкам ва қийишқоқ, эгилувчан, ўриб тўқилгани боис бундан қўрқмаса ҳам бўларди.

Навбат эгарга келди. Карлос уни ҳар томондан кўздан кечирди, узанги тасмаларини ва узангининг каттакон ёғоч таглигини текшириб кўрди. Энг охирги, энг муҳим иши айилни кўздан кечириш бўлди. У ҳар иккала томондаги тўқани пича бўшатди, сўнгра эса, тиззасини тираганча, айилни иложи борича маҳкамроқ тортди. У айилни шунчалик сириб тортдики, пишиқ тасма остига бармоғи учини суқиб киритиб бўлмай қолди.

Бу эҳтиёт чораларини кўриш ҳеч кимни ажаблантирмади. Зеро бир тасмача чўрт узилиб кетса ёки тўқасидан бўшалиб хиёл сирғалиб чиқса борми — ана унда кўринг, довдюрак азаматни абадий тун домига тортиб турибди-да.

Карлос ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилгач, жилов тизгинидан тутди-ю, лип этиб эгарга минди-олди.

Даставвал у отни қоя ёқалаб, қирғоқдан бир неча фут берироқдан, секин одимлатиб юргизди: ҳар икковлари— ҳам отнинг, ҳам чавандознинг кўзи ўрганиб, кўникиши керак эди хавфга. Кўп ўтмай у қорабайирни йўрғалатиб, сўнгра эса оҳиста йўрттира кетди. Ҳатто ана шу оҳиста йўрттираётганини кўришнинг ўзиёқ ваҳимали эди. Пастда кузатиб турганлар учун бу ажойиб, аммо қўрққинчли томоша эди.

Орадан пича ўтгач у отини яситоғ ичкарисига буриб, шитоб-ла елдирди кетди-да,— қоя чеккасига қараб от содишни мўлжаллаган тезлигида,— тўсатдан тизгинни шунчалик қаттиқ тортдики, от оз бўлмаса ёнбошига гуппа қулаб тушаёзди. Яна елдириш-у, яна тўхтатиш. Қарлос отни дам қоя чеккасига, дам яситоғ ичкарисига қараб солган кўйи ушбу машқни ўн-ўн икки марта такрорлади. Шубҳасиз, унинг оти бундан хийла тезроқ ела оларди. Бироқ, ҳозир уни кучи борича елдириш хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чоғи келганича, жон-жаҳди билан елиб бораётган отни тубсиз жар ёқасидан ўзининг танаси бўйига икки баробар масофа берида таққа тўхтатиш (ҳатто унинг ҳаётини қурбон қилиш эвазига бўлгани чоғда ҳам) асло мумкин эмас. Қоқ юрагига қадалган ўқ ҳам елиб бораётган отни бундай қисқа масофада таққа тўхтата олмаган бўлурди. Тузуккина елдириш — шундай аҳвол-шароитда бундан ортинги кутиб бўлмасди; ҳозирлик ишларини кузатиб турган ҳакамлар ҳам, Қарлос бу ҳақда уларнинг фикрларини сўраганида, шундай қарорга келишган эди.

Ниҳоят, у оти бошини қоя томон буриб, эгарда қулайроқ ўлтириб олди. Унинг жиддий, қатъиятли боқиши синовга киришиш фурсати етганидан далолат бериб турарди.

Шпорлар астагина қичади — от жойидан қўзғалди. Қўзғалди-ю, қарабсизки, кейинги сониядаёқ тўғри қоя чеккасига қараб йўртиб боряпти-да.

Ҳамма кўзлар тугал чавандозга игнадек қадалган. Жамнки юраклар хавотирдан ҳаприққан, томошатаблар тош қотган; уларнинг норавон нафас олишларию туёқларнинг қаттиқ яситоғ заминига гусур-гусур урилишигина эшитиляпти, холос.

Бу мубҳамлик кўпга бормади. От йигирма марталар олға сакрашда деярли қоя четига бориб қолди, марра чизигига етишига танаси узунлигига олти баробар масо-

фагина қолди, жилов тизгини эса ҳануз бемалол солла-
ниб турибди, Карлос тортмаяпти уни; у билади, тизгин-
ни тортди дегунча оти таққа тўхтади. Маррага етмай
туриб бундай қилиш — ютқизди деган гап. Яна бир ол-
ға сакраш... яна... ва яна...

— Воҳ! Маррадан ўтиб кетди... Ё тангрим! Ҳозир
учиб кетади у!— томошабинлар орасида ғовур кўта-
рилди.

Улар Карлоснинг оти елиб бора туриб маррани ошиб
ўтганини кўргандилар. Бироқ ўша ондаёқ табриклов ни-
долари янгради: «Viva!»— водийдан янгради қутловлар.
«Viva!»— дея қичқиришарди Карлосни ясситоғда куза-
тиб турганлар.

От афтидан тубсиз жаҳаннам чеккасида пастга учиб
кетишга тайёрдек кўринган лаҳзада Карлос шартта жи-
ловни тортди-ю, отнинг олдинги туёқлари ҳавода муал-
лақ қотди. Орқадаги икки оёғига таянган қўйи бамисоли
ясситоғнинг қаттиқ, мустаҳкам заминига пайванд бўлиб
кетгандек эди. У тубсизлик ёқасидан бирор одим чама-
си берироқда шу тахлитда қилт этмай туриб қолган эди.
Ана шунда чавандоз ўнг қўлини кўтариб, сомбреросини
ечди-да, қутловларга жавоб маъносида уни силкиб, та-
гин кийди бошига.

Қуйдан қараб турганлар учун антиқаю ажойиб то-
моша эди бу. От ва устидаги чавандознинг куч ёғилиб
турган ва чиройли шакли-тарҳи жаҳаннам ёқасида, мо-
вий осмон сийнасида муаллақ ҳолда кўзга ташланиб
турибди десангиз, Чавандознинг қўлу оёқлари, от тана-
сининг ҳар бир бўртиғию ҳар битта эгик-букик жойи,
ҳаттоки эгар-жабдуқларигача яққол кўриниб турибди.
Оту чавандоз тубсиз жаҳаннам тепасида қилт этмай,
тош мисоли қотиб қолган қисқагина сонияда гўёки улар
бронзадан қуйилган суворий ҳайкалию қоянинг чўққи-
си эса унинг пойдеворига ўхшаб кетди.

Бу ҳолат бир лаҳзагина давом этди-ю, аммо ҳаво
«viva!» деган ҳайқириқлардан ларзага келган эди. Ке-
йин пастдан томоша қилаётганлар чавандознинг отини
қандайин чўрт буриб, қоя қирғоғидан ғойиб бўлганини
кўрдилар.

Синов тугади, хотин-халажларнинг атиги бир сония-
гина бурун кўксиларида безовта, гурс-гурс тепаётган
таъсирчан юраклари эндиликда тагин хотиржам ҳамда
бир маромда ура бошлаган эди.

VIII Б О Б

Бизон овчиси водийга қайтганида ҳамма бор кучила «viva» деб қичқирганча, рўмолчаларини силкиб қутлай кетди уни. Унга келганда эса, ёлғиз биттагина рўмолчани илғади холос, илло унинг учун бундан ортиқ ҳеч ниманинг кераги ҳам йўқ эди. Бошқаларни кўрмасди кўзи, кўришни истамасди ҳам. Ҳошияси тўрли бир парчагина муаттар исли батист унинг учун умид нишонаси, у янаям қалтису янаям хавфлироқ жасоратларга кўтариб боришга тайёр туғро эди. Қимматбаҳо тақинчоқлар беаган жажжигина қўлча рўмолчани баланд кўтариб, қувонч-ла силикиганча қутларди уни. У буни кўрди ва бахтиёрликдан терисига сигмай кетди.

У харрагу ўриндиқлар олдидан бориб, арава ёнига келди-да, отдан тушиб, онаси билан синглисини ўпди. У билан орқама-орқа дон Хуан, унинг учун гаровга пул тиккан йигит ҳам етиб келди, шунда баъзи бировлар олтинсоч қизнинг нафақат акасига қараётганини пайқадилар — синглисининг меҳр тўла боқишларини акаси бошқа биров билан баҳам кўришига тўғри келарди, ўша бошқа биров эса чорвадор йигит эди. Ҳаттоки энг тўпри, калтафаҳм одам ҳам қизнинг боқишларига чандон бора нафису мулойимроқ нигоҳлар жавоб қайтараётганини пайқамай қолиши маҳол эди. Шак-шубҳа йўқким, бу муҳаббат эди ва улар бир-бировларининг дилидаги туйғудан бохабар эдилар.

Бадавлат ёш чорвадор бўлишига ва уни «дон» деб улуғлашларига қарамай, дон Хуан жамоат зинапоясида бизон овчисидан фақат бир поғонагина баландда эди, холос; мазкур поғонага кўтарилишида бойлиги ёрдам берганди. У маҳаллий оқсуяклар сирасига кирмасди, кейин, кўпда бунинг ташвишини ҳам чекмасди-ю, лекин довюрак, серғайрат йигит бўлиб, агар истаса томирида «мовий қон» оқаётларган билан яқинлашиш бемалол қўлидан келарди. Аммо-лекин, кўриниб турибдики, бунга сира-сира интилмас, ҳарҳолда бу йўлда никоҳдан фойдаланиш истагида эмасди.

Унинг бизон овчисининг синглиси билан қанчалик қизгину хумор нигоҳ-ла кўз уриштираётганини кўриб турган одам борки дон Хуаннинг аслзода хонимга уйланмаслигини бемалол олдиндан айтиб бера олиши мумкин эди.

Арава ёнида жам бўлган бир неча одам шу топда бахтиёр эдилар, шу боисдан улар ушбу воқеани ширинликлар билан, оршад— Эль Пасонинг аъло виноси билан нишонлашга аҳд этдилар. Дон Хуан сал ортиқчароқ сарф-харажатдан чўчимасди, иннакейин, чўнтагида қомендантнинг ҳаловатини бузиб, унга тинчлик бермай қўйган худди ўша ютуқ пул — нақд эллик тилла жиринглаб турган экан, нимага ҳам қўрқарди.

Ҳозирда комендант қош-қовоғи уйилиб, яқин-атрофда ўралашиб юрган эди; вақти-вақти билан у яқинроқ келар ва арава томонга сурбетларча тикиларди. У, турган гапки, Роситага тикилаётган эди. Ўзини бу ерда мутлақ ҳукмдорман деб билганидан талтайиб кетган полковник Вискаarra ўз ниятини яширишга ўрганмаган, устига-устак бунга ҳаракат ҳам қилмас эди. У ўз ҳайратини шунчалик уятсизларча ифода этардики, шу тобда бундан воқиф бўлмаган одам кам топиларди-ёв. Нигоҳлари тўқнашган пайтда бечора қиз қўрқа-писа ерга қарарди, дон Хуан бу машмашани пайқаганида йигит вужудини ғазаб ҳамда хавотиргарчилик чулғаб олди. У комендант Вискаrrанинг қанақанги одамлигини билар, ҳокимият қўлида бўлганидан унинг қанчалик хавфли эканидан ҳам хабардор эди. У, озодлик! Қанчалар ажойибсан асти! Қанчадан-қанча орзу-умидлар пучга чиқарди, муҳаббат зиммаси-чекига қанчадан-қанча аччиқ-аламли кўргилигу мусибатлар тушади, сен бўлмаган юртларда, мустабид зулмкорлар бегоналарнинг ҳаёт бўстонига бостириб киришга, жўшқин ҳис-туйғулари оқими йўлига тўғаноқ қўйишга ҳақли-ҳуқуқли ўлкаларда қанчадан-қанча юраклар тилка-пора бўлади!

Ўтлоқдаги ўйинлар ҳали-ҳануз давом этаётган эди-ю, бироқ улар илгаригидек қизиқиш уйғотмаётганди. Карлоснинг беқиёс жасорати, шуури вақтинча жамки бўлак нарсани хиралаштириб қўйган, бунинг устига ҳокимият намояндаларидан баъзиларининг таъблари тирриқ бўлиб қолган эди. Вискаarra чимирилгандан-чимириллар, Робладо Каталинанинг рашкида ўзини йўқотиб қўйгудек аҳволда эди. Алькальд билан ёрдамчисининг қовоғи тушиб кетганди: саман хўрозга тикиб икковлари ҳам катта-катта бой беришган эди. Иезуит отахонлар қартада ютқазиб қўйишган ва шу аснода христианча итоаткорлигу мўминликлари панд бераётган эди улар-

га. Елғиз шаҳар руҳонийсининггина кайфияти жойида бўлиб, хўрозини яна уриштиришга жон-жон деб тайёр эди.

Ниҳоят охирги ўйинлар — хўроз кўпкари эълон қилинди. Бу мусобақа ўйинларининг ғоятда қизиқарли тури, шу боисдан ҳам қарта ва бўлак хашаки эрмаклар тағин йиғиштириб қўйилиб, ҳамма кўпкарини томоша қилишга ҳозирланди.

Хўроз кўпкари — янги мексикаликларнинг ўзларига хос ўйинларидан. Уни тасвирлаб бериш қийин эмас. Ма-на бундоқ бўлади у. Хўрозни-чавандознинг қўли унинг бўйни ва бошига етадиган баландликда-кўндаланг шохга оёғидан осилади. Хўрозни дарахтга шундоқ қилиб боғланадики, ҳадисини олган одам эпчиллигу усталик билан ушлаб туриб бир тортса ечилиб кетади у; аммо буни удалаш унчалик ҳам жўн иш эмас, нега деганда хўрознинг бўйнигаям, бошигаям совун суртилади. Чавандоз дарахт ёнидан отини елдирганча ўтиши керак, кейин, биров хўрозни шохдан юлқиб олгани заҳоти қолганларнинг бари уни қува кетишади ва қандай бўлмасин хўрозни тортиб олишга ҳаракат қилишади. Белги-ланган маррага етганидан сўнг у орқага қайтиб, яна таъқиб бошланган дарахт ёнига етиб келиши лозим. Баъзан улоқни олган одамга ярим йўлда қувиб етиб, ундан хўрозни тортиб олишади, кўпинча эса ўйинга берилиб кетиб, қизиқ устида бахти қаро хўрозни тилка-пора қилган ҳоллар ҳам бўлиб туради. Агарда омади чопган чавандоз хўрозни бус-бутун етказиб кела олса, ўшани ғолиб деб эълон қилишади. Иш шу билан тугайдики, у ўз ўлжасини севгилисининг оёқлари остига олиб бориб ташлайди, шунда севгилиси — одатда қишлоқ гўзалларидан бири бўлади бу — ўша оқшом қанотли ўлжасини қўлтиқлаган кўйи рақс тушади. Бу ҳол маъшуқанинг ўз хуштори диққат-эътиборини ниҳоятда қадрлашининг аломати бўлиб, қолган рақс тушувчиларнинг бари унинг севиклисининг эпчиллигию довюраклигини ўз кўзлари билан кўриб, тан олсинлар деган маънони англатади. Бу шафқатсизларча эрмак. Негаки, тилка-пора қиладиган бахти қаро хўрозлари бир жонивор эканини унутмаслик керак-ку, ахир! Аммо-лекин Янги Мексика ақлидан бирор кимсанинг хаёлига, ақалли бу шафқатсизлик-ку, деган фикр келмагандир-ов. Борди-ю, бошига шундай хаёл келган одам бўлгани тақдирда ҳам, албатта бу аёл киши бўлиши керак: сабабки, ўз эрлари ёхуд

ака-укалари қанчалик бағритош бўлсалар, мазкур мамлакат аёллари ўшанчалик раҳмдил-да, ахир. Аёллар хўроз кўпкариси Янги Мексикада одат бўлиб қолгани учун ҳам бу ўйинга кўникиб кетган га унга тоқат қилиб келишади. Хўш деганингиздан, қани айтнингчи, ўзининг шафқатсиз ўйинлари бўлмаган бирорта мамлакат топилармикан оламда? Башарти биз ўзимиздек одам бадбахт, таъқибга олинган шўрлик тулки орқасидан жонитанимиз билан ўйнаб-қувнаб қувганимиздан кейин бир хўроз тепасида аза тутиб, ташвиш чекиб ўлтириш мантиққа тўғри келадиган оқилона ишмикин?

Хўроз кўпкарининг икки тури бор. Биттаси ҳозиргина тасвишлаб берганимиз. Иккинчиси ундан ёлғиз шу жиҳати билан фарқланадики, хўроз дарахтга осилмай, бўйнигача ерга кўмиб қўйилади. Чавандозлар худди ўшандай тартибда от сурадилар, фақат ҳар бирлари эгарда ўтирган жойида энгашиб, ерга кўмилган хўрозни суғуриб олишга ҳаракат қиладилар. Қолган шартлари худди боягидек.

Хулласи калом, дарахт шохига биринчи хўрозни осдилар, мусобақа қатнашчилари бир сафга тизилдилар—ўйин бошланди.

Бир неча киши хўрозни бошидан ушлашга уриниб кўрди, ҳатто бунга муваффақ ҳам бўлдилар-у, лекин совун бутун ишни пачавасини чиқарди.

Сержант улан яна бахтини синаб кўришга аҳд қилди, аммо полковник бу гал ҳам у томонда туриб бирон нима тикадими ё йўқми — буёғи қоронғи. Комендант бугун шундоқ ҳам таваккал қилиб талайгина зарар кўрган, мабодо кондан ундирилган озроққина ҳамда мутлақо ноқонуний ўлпон, яна-тагин расму таомилга биноан қарор топган даромад манбаъларидан унган кирими кўнглига пича таскину тасалли бериб турмаганида у кўрган зиёнига кўпроқ куюнган бўлармиди. У вице-қироллик ҳукуматидан оладиган ақчасига пора олмай ҳам бемалол, ортиб-тортиб кун кечириши мумкин эди-да, ахир.

Ўзингиз илгарироқдан билганингиздек, маълум устунликка эга (бўйи баланд ва оти йирик) сержант хўрознинг бўйнидан ушлашга муваффақ бўлди. Кейинроқ маълум бўлишича, олдиндан бир қисим қум оливолган экан — ана шу нарса хўрозни дарахт шохидан юлқиб

узишига ёрдам берди-ю, у марра томон от йўрттира кетди.

Аммо, қатнашчилар орасида оти анча-мунча чопқирроқ чавандозлар ҳам бор экан, қисқаси, сержант орқага қайтадиган маррадаги устунни айланиб ўтмасиданоқ удабурон чўпон уни қувиб етиб, хўрознинг бир қанотини, иккинчи қанотини эса бошқа таъқибчи юлқиб олди, шундай қилиб сержант дарахт ёнига хўроздан қолган-қутган қисминигина кўтариб қайтди. Шу боисдан ҳам унга на «viva» садолари, на қарсақлар-ла қутлашларни эшитиш насиб этди.

Бизон овчиси Карлос бу мусобақада қатнашмади. У бугун етарлича шухрат топганини, ҳам дўсту ҳам душман орттирганини билар, на унисю на бунисини кўпайтиришга уринаётган эди. Бироқ, томоша талаблардан баъзи бировлари уни гиж-гижлашга тушди — уларни шунчаки бу ажойиб чавандознинг маҳоратини яна бир бор кўргилари келаётганди, холос. У пича вақтгача, токи дарахтдан тагин иккита хўрозни юлқиб олгунларича кўнмай, тайсаллаб турди. Мана, боя айтиб ўтган чўпонимиз бир хўрозни бус-бутунлигича ўзининг кулиб турган маҳбубаси оёқлари остига келтириб ташлади.

Ана шунда Карлоснинг хаёлига янги фикр келиб қолди чоғи. У олдинга от суриб чиқди, унинг кейинги даврада қатнашишга тайёр экани кўриниб турарди.

— Энди яқин орада байрамларда қатнашолмайман,— деб қўйди у дон Хуанга.— Индинга даштга жўнаб кетаман. Шунинг учун бугун ҳеч қайси мусобақани ўтказиб юбормаслигим керак.

Буёғига ўйин бутунлай бошқача тус олди. Паррандани ерга кўмишди. Бўйни узун, тумшуғи ниҳоятда учқурлигига қараганда бу хўроз эмас, бу атрофларда бўладиган талай парранда турларидан бири — қордай оппоқ қарқара эди. Унинг ингичка, нозик бўйнига совун суртиб ўтиришмади. Бу галги ўйиннинг мушкул жойи шунда эдики, қарқарага хийла эркинлик берилган бўлиб, у бошини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга силкиб, сира тутқич бермас, боши ёхуд бўйнига чанг солиш осон эмасди.

Мана, ишора берилди — чавандозлар отларини йўртириб кетдилар. Карлос орқадагилар орасида эди, аммо яқинлаб борар экан, сарак-сарак қилиб биланглаб-буриллаётган оппоқ бўйин ҳануз жойида турганини кўрди. Йигит қушдан кўра эпчиллик қилиб уни юмшоқ қум

остидан зумда суғуриб олди-ю, қарқара тулпори ёллари узра оппоқ қанотларини силкиганча патрлай бошлади.

Карлосдан ёлғиз тезликкина эмас, шунингдек, ҳар томондан йўлини тўсиб, устига бостириб келаётган улоқчилар тўдаси орасидан ёриб чиқиб кетиши учун ниҳоятда чаптастик ҳам талаб қилинарди. У дам олдинга ташланар, дам тўсатдан таққа тўхтаб, қайсидир орқасидан елиб келаётган чавандозни ўтказиб юбориб, шартта чап бериб кетарди. Ана шундай таҳлитда ҳаракат қила-қила, ахийри унинг қорабайири рақиблари қуршовини ёриб чиқди-ю, буриладиган белги — устун сари елиб кетди. Уни айланиб ўтган Карлос гард қўнмаган ва заррача зиён-заҳмат етмаган ўлжасини баланд кўтарганича орқага учиб келаверди, томошабинлар эса уни гулдурос қарсақлар билан қарши олишди.

Тахмину фаразларнинг чеки-чегараси йўқ эди. Ўлжасини кимга тортиқ қиларкин у? Шу ўз давра-тоифасидан бирор қизни танласа кераг-ов, дейишарди тўпланганлар. Ҳа, бирорта қишлоқ сулуви ёки чорвадор қизини. Афтидан, овчи умум жамоат қизиқсинишини қаноатлантиришга ошиқмаётганга ўхшарди. Лекин орадан озроққина ўтгач, ҳаммани анг-танг қилиб қўйди: қушни осмонга қаратиб баландга итқитиб, қўйиб юборди. Қарқара мағрурона парвоз-ла юксакларга кўтарилиб, узундан-узун бўйинини олдинга чўзган кўйи водийнинг нариги чеккасига қараб учиб кетди.

Аммо-лекин Карлос асираси билан хайр-маъзур қилишдан бурун унинг бир кўргандаёқ қарқараники эканини айтиб турадиган узун, ўргимчак тўри янглиғ тиниғу шаффоф патидан бир нечасини юлиб олган эди, ана ўша патларни боғлаб жиға ясади. Шундан кейин шпори билан отини ниқтаб, ўриндиқлар томонга елдира кетди. У ерга етганида йигит чаққон бир ҳаракат-ла, эгарда ўлтирган жойида эгилиб, ўлжасини оёқчалар остига... Каталина де Крусеснинг оёқчалари остига ташлади.

Оломон оралаб ҳайрат нидолари таралди, ўша заҳотиёқ барча Карлосни қаттиқ қоралашга тушди.

Бу қанақаси! Оддий бизон овчиси, ҳеч ким танимайдиган-билмайдиган бир қашшоқнинг нотавон кўнгли бой-бадавлат одамнинг қизи табассум ҳадя этишини тусаб қолтими? Э йўқ, бу илтифот эмас — ҳақорат! Ўзларига намунча бино қўймасалар бу кишим!

Нафақат сеньору сеньориталарнинггина қаҳрлари кел-

ганди. Қишлоқ гўзаллари ва чорвадорларнинг қизлари улардан кам ғазабга келмагандилар. Уларни менсимасди, уларга эътибор ҳам бермади, уларни боплаб лақиллатди — яна ким денг? Ўз тенглари, ўз тоифаларидаги бир одам-а! У кишига, ордона, Каталина де Крусес керак бўлиб қолибди!

Каталинага келганда эса — нияям қиларди, бу қилмиш унга ҳам ёқарди, ҳам ёқмасди; шунинг учун ҳам ёқмасдики, у ноқулай аҳволга тушиб қолган эди. У жилмайди, қизарди ва аранг эшитиладиган қилиб деди:

— Ташаккур сизга, кабалъеро.

Лекинига у ўлжасини баланд кўтаришга бирон дақиқача ҳаяллаб қолди. Унг томонида ўлтирган отаси ғазабдан ўрнидан туриб кетди, чап ёнида эса — ундан кам ғазабланмаган хуштори. Хуштори бўлса нақ Робладонинг ўзгинаси эди.

— Сурбет!— деб ўдағайлади у, жигани юлқиб олиб, ерга улоқтирди.— Беор!

Карлос эгарда ўлтирган жойида эгилиб жигани ердан олди-да, уни шляпасининг зарҳал тасмачаси остига қадаб қўйди. Кейин, зобитга жангари қараш қилиб, бундай деди:

— Қизишманг, капитан Робладо. Рашкчи куёвлар кейин бепарво эр чиқадилар.— У Каталинага қараб жилмайди ва бутунлай ўзгача оҳангда қўшиб қўйди:— Миинатдорман сиздан, сеньорита!

У шундай деб сомбреросини олиб, чуқур таъзим бажо келтирди-да, отини буриб, йўрттириб нари кетди.

Робладо шамширини ярмигача яланғочлаганди; унинг «Жин урсин сени!» деб шанғиллаши дон Амбросионинг тиш ғижирлатиб гўлдираган лаънатлари аралаш Карлоснинг қулоғига етиб борган эди.

Капитан ҳар қанча кеккаймасин, кўпдаям довурак эмасди, кейин, Робладо овчининг белида қинга солиғлиқ узун пичоқ — «мачете» осиглиқ эканини эътиборга олиб фақат дағдаға билан чегараланиб, Карлоснинг олислаб кетишига имкон бера қолди.

Бу воқеа бутун жамоатни ҳаяжонга солди ва кўпчиликда нохуш туйғу уйғотди. Бизон овчиси оқсуякларнинг қаҳру ғазабини, демократларда рашк ҳамда ҳасадни кўзғади, хулласи пировард-оқибатда у кўрсатган барча ажойиб жасоратларидан кейин мусобақалар майдонини умумжамоатнинг суюкли арзандаси бўлиб эмас, тамо-

маг бунинг акси сифатида тарк этди. Унинг онаси, кампирнинг девонаваш телба-тескари гап-сўзлари оғиздан оғизга ўтиб, бегона қабила намояндасига нисбатан нафрат уйғотди уларда — ана шу сабабдан ҳам унинг маҳорати эндиликда ҳайрату тасанно эмас, ҳасад ҳиссини қўзғата бошлади. Бу одамларнинг дўстона меҳрини қозониши учун шаккок америкалик аслида фаришта бўлмоғи лозим эди, зеро ер куррасининг ушбу олис бурчида мутаассиблик Етти Тепа шаҳрида¹ инквизиция авж паллага минган энг мудҳиш кунлардаги сингари қутуриб, жазавага тушган пайтлар эди.

Чамаси мусобақалар ортда қолиб, сайилу байрам охирлаб қолгани Карлос учун яхши бўлди-ёв.

Яна бир неча дақиқадан сўнг ҳамма ҳаракатга тушиб қолди. Хачир, ҳўкизу эшакларни араваларга қўша бошладилар; чорвадорлар хотинларию қизлари билан каттакон яшикка ўхшайдиган араваларига чиқиб олдилар; аравақашларнинг бақириб-чақирришлари, қамчиларнинг чувиллаб-қарсиллаши, мойланмаган арава ўқларининг ёқимсиз ғичирлашу ғийқиллаши — жамикиси қўшилиб, мазкур ўлкада туғулмаган ҳар қандай одамни ҳайратга солгувчи ваҳшиёна, дўзахий концертга ўхшаб кетарди.

Орадан ярим соат ҳам ўтмай кенг ўтлоқ ҳувиллаб бўшаб қолди, ёлғизгина ҳамиша оч, қирчанғи койот — бўригина хўрак излаб дайдиб юрарди у ерда.

IX БОБ

Гарчи очиқ ҳаводаги мусобақалар тугаган бўлса-да, авлиё Иоан байрам давом этарди. Ҳали уй-уйларига тарқашдан олдин томоша қилишга арзигулик озмунча ўйин-томошалар бормиди. Яна черковга навбат келди: тагин гуноҳдан фориг этгувчи индульгенциялар, тасбеҳу муқаддас нарсалар сотила бошланди, тагин муқаддас сув пуркашга ўтилди — қайтатдан қарта ўйини курсисига ўлтирмоқлик учун авлиё оталарнинг хазинаси тўлмоғи даркор эди-да, ахир. Кейин, оқшом чоғи авлиё Иоанн шарафига намойиш издиҳоми ўтказилди (бугунги байрам ўшанинг шарофати ила ўтказилаётган эди-да

¹ Етти Тепа шаҳри — ривоятларга қараганда етти тепалик устида бунёд этилган Рим шаҳри.

асли). Унинг замбилга маҳкам ўрнатилган ҳайкалини олтмиш-етмиш чоғли азамат токи юклари оғирлигидан тинка-мадорлари қуригунича бутун шаҳарни айлантириб юравердилар; уларнинг аъзойи баданларидан шаррос тер қуйиларди.

Авлиёнинг ўзи бўлса чинакамига ғаройибу антиқа эди. Мум билан ганчдан ясалган, аллазамонларда туси сариқ бўлиб, ҳозирда ранги ўчиб кетган, ҳаммаёғи патлару ялтироқ иплар билан безатилган шоҳи ридога бурканган эди. Бу католиклар ясаган, аммо ҳиндулар усулига мослаб қиёфа берилган тимсол эди, зотан мексикаликлар динида рим-католик мазҳабига онд жиҳатлар қанча бўлса, ҳиндуларга хос томони ҳам ўшанча эди. Авлиё, афтидан, заҳмат чекавериб чарчаган кўринади: боши билан бўйнини бириктириб турадиган нимасидир бузилганга ўхшайди, бош кўкрагига оғиб қийшайиб қолибди, ҳайкални кўтариб бораётганларида авлиё худди оломонга бош силкиб қўяётганга ўхшарди. Бошқа ҳар қандай жойда унинг бунақанги беўхшов бош силкитганини кўриб мириқиб кулган бўлишарди, бироқ бу ер, дин аҳли ҳукмронлик қиладиган ўлка эса мутлақс бўлак олам эди. Черков хизматчилари ҳар қандай нарсага ўзларича маъно бериб, барини ўзларича таснифлаш фурсатини бой бермайдилар: тавфиқлию художўй қавмларига улар, авлиё бош силкиб таъзим қиларкан, издиҳом қатнашчиларига ўзининг алоҳида муруввату илтифотини изҳор этиб, танрига манзур бўлгувчи ушбу ишларини маъқуллаётганини билдирыпти, деб тушунтирар эдилар. Боз устига десангиз, бу чинакам мўъжиза-ку, ахир. Миссия намояндалари — иезуит оталар ҳам, маҳаллий черков руҳонийси ҳам шундай деб таъкидлаб-тасдиқлашар эди — улар билан ким баҳслашиб, тортиша оларди? Уларга эътироз билдириш хавфли. Сан-Ильдефонсода черковга инонмасликка журъат эта оладиган кимсанинг ўзи йўқ. Ушбу мўъжиза черковнинг фойдасига иш бера бошлади, у художўйларнинг ғайратларига ғайрат, иштиёқларига иштиёқ қўшиб юборди. Ана шу боисдан ҳам авлиё Иоанни жомеъдаги меҳробсимон жойига келтириб, олдига қутича қўйиб қўйганларида қутичага ўша кун кечқуруноқ қартага бой берилган озмунча песет, реал, кварталъолар ёгилмади.

Таъзим қилувчи авлиёлару кўз қисувчи Биби Марямлар муқаддас черков учун мутлақо янги кашфиёт эмас.

Мексикалик дин аҳилларининг ҳам ўз кароматчи авлиёлари бор, ҳаттоки Янги Мексика, ушбу унчалик маълуму машҳур бўлмаган ўлкада ҳам шу тоифадаги алдамчилардан заррача қолишмайдиган мўъжизаю кароматлар кўрсатгувчи устаси фаранг зотлардан бир талайи топилади.

Энди мушакбозлик бошланди, мушакбозлик бўлгандаям қандайдир бир пақирга қиммат, жўпгина найрангбозлик эмас — йўқ, негаки, янги мексикаликлар бунақанги ишларда унча-мунча нарсанинг фарқига борардилар-да, ахир. Мушакбозликка муҳаббат — айниб бораётган миллатнинг ўзига хос, илло унинг таназзулининг аниқ-тиниқ аломатидир.

У ёхуд бу халқнинг мушакбозлик, ракеталар учирish турли эрмакларга қанча порох исроф этганининг аниқ рақам — миқдорни қўлимга тутқазсангиз, мен шунда сизга ўша халқнинг жисмоний ҳамда маънавий тараққиётнинг қайси поғонасида турганини айтиб бераман. Мазкур рақам қанчалик ортиб бораётган бўлса, ўша халқ руҳан ва жисмонан ўшанчалик пастлаб кетган бўлади, зеро бу ерда ўзаро нисбат акс мутаносибдир.

Бир кунни мен Парижда, Иноқлик майдонида турардим, шунда одамларни лақиллатиш, уларда дориламонлик ҳамда шоду хуррамлик хаёлотини туғдирмоқлик учунгина уюштирилдиган жўн, енгил-елпи томошалардан бирини берилиб, маҳлиё бўлиб томоша қилаётган бойлар ва камбағаллар оломонига кўзим тушиб қолди. Йитган озодликлари эвазига ана шу бемаъншо таги пуч эрмак билан ҳақ тўлаётган эдилар уларга — одатда болакай ана шундай алданиб қўлидаги қимматбаҳо тошини бир ҳовуч ширинликка алмаштириб қўйганини билмай қолади. Улар шунчалик ҳузур қилиб, оз бўлмаса ҳайрат-ла тикилиб туришардики, асти қўяверасиз, мен эсам уларга боқиб туриб: қанчалик аянчли, бачкилашиб, аждодларидан бўйларни бирор футдан ҳам ортиқроқ пасайиб кетган-а булар, деб ўйлардим. Тикилиб қараб, хийла чақноқ, аммо маъною ўй-фикрдан маҳрум кўзларни кўрардим.

Булар бир замонлардаги улуғ миллатнинг намояндалари эдилар ва ҳали-ҳануз ўзларини ер юзида энг олди халқ деб биладилар. Асло ундай эмас, бу ўз-ўзини алдашдир. Улар мушакбозликни шунчалар берилиб, шунчалар ҳайрату сурур-ла томоша қилардиларким, эн-

ди ушбу халқнинг гуллаб-яшнаган, равнақ топган ва улуғворлик замонлари ўтиб кетгани, ҳозирда эса шашту шитоб-ла нишоб текисликдан қуйилаб бораётгани — та-назулга юз тутиб, айниб бораётганига шубҳа-гумоним қолмади...

Мушакбозликдан сўнг фандангога рақс туша бошла-дилар Бу ерда ҳам яна ўша одамларни, ўша чехралар-ни, деярли ўша ясан-тусан либосларни кўриш мумкин эди. Ёлғиз сеньорлару сеньоритаргина кийимларини алмаштиришган эди, холос, яна-тагин баъзи бир қиш-лоқ соҳибжамоли дағал жун юбкаси ўрнига — бурмали гулдор хомсурп юбкасини кийиб олганди.

Капитул¹ Уйининг майдонга қараган кенг-қовул за-лида рақс тушишяпти. Бугунги байрам кунда бу ернинг эшиклари барча учун очиқ эди. Мексиканинг чегара ша-ҳарларида — синфий тафовут, маъмурларнинг истибдоду зуғумкорлигига қарамай — сайилу томошаларга таал-луқли барча нарсада жамиятнинг олий ҳамда қуйи қат-ламлари вакилларининг қоришиб-аралашиб кетишидек ўзига хос бир демократик тенглик сақланиб қолади; бундай ҳолни бўлак мамлакатларда ҳеч қачон учратол-майсиз. Бу ерга қадамранжида қилган инглизлар ва ҳаттоки америкаликларни ушбу нарса доимо ҳайратга солиб келган.

Рақслар залига хоҳлаган одамни киритадилар, иш-қилиб кириш ҳақини тўласа бас. Майину нозик мовутдан антиқа либос кийган бадавлат кимса билан кифтма-кифт рақс тушаётган кўн камзул ва тиззага тушадиган бархит чалворли чорвадорни кўриш мумкин; давлатманд тижоратчининг қизи эса ўз қўли ила хамир қориб, рў-мол тўқийдиган деҳқон қизи билан ёнма-ён ўйин туша-ди.

Комендант, Робладо ва лейтенантлар балга башанг ясаниб келдилар. Асо тутган алькальд ҳам шу ерда, соябони кенг шляпали руҳоний ҳам, ҳалпираб турган жуббали незуит оталар ҳам, маҳаллий зодагонларнинг жамикниси ҳам шунда эди.

Бадавлат коммерсант дон Хосе Ринкон ҳам жусса-дор рафиқаси ва доим уйқусираб, ланжу карахт бўлиб юрадиган тўрттала бақалоқ қизлари билан шу ерда; ра-

¹ Капитул — епископлик кафедраси қошидаги дин арбобла-ри коллегияси; шунингдек — черков музофоти қавм руҳонийларининг съезди.

фиқасию бутун хонадони билан алькальд ҳам; парижча модада — фрак ва цилиндрда — кийинган сатанг акалари билан бирга Эчеварианинг қизлари ҳам (бутун бал бўйича ёлғиз угина шундай кийинганди) шу ерда. Бадалат мулкдор сеньор Хомес дель Монте қилтириқ хотинию бир неча тараша қизлари билан—улар яйловларида ўтлаб юрган сигирларидан айнан шу томонлари ила ажралиб турардилар — залда ҳозир эдилар. Соҳибжамол Каталина де Крусес, давлатманд кон эгаси дон Амбросионинг қизи ҳам даврани яшнатиб юрибди; отаси унинг ёнидан жилмай, уни бирон сония кўздан қочирмай қўриқлаяпти.

Мазкур олий насаб зотлардан ташқари бу ерда хийла пастроқ табақадаги одамлар ҳам: дон Амбросионинг конидаги хизматчилар, савдо-тижорат маҳкамаларининг идора ходимлари, водийдаги ёш чорвадорлар, кон қазувчилар, чўпонлар, бизон овчилари ва ҳаттоки арзонгаров серапели шаҳар камбағалларигача шу ерда эдилар. Ким йўқ эди денг-а бу балда!

Оркестр бандола¹, арфа ва скрипкадан иборат эди; вальс, болеро, коонуга рақс тушишарди. Парижда ҳам бундан яхшироқ рақс туша олмайдилар деса бўларди бемалол.

Қалта кўн камзул билан тиззагача тушадиган чолвор кийган пеонларни айтмайсизми, худди шу соҳанинг профессорларидек нафису чиройли рақс тушяптилар; калта юбкаю гулдор туфлили қишлоқ сулувлари эса зал бўйлаб бамисоли балет тушувчи раққосалардай чарх уриб, парвоз этишяпти.

Робладо одатича Каталинанинг ёнидан жилмас, деярли барча рақсга у билан тушаётган эди, бироқ қиз унинг елкасидаги зарҳал шокила-попукларга қиё ҳам боқмаётганди — қизнинг кўзлари гўёки бутун зал бўйлаб кимнидир излаётгандек жавдирарди. Унинг хаёли паришонлиги очиқ кўриниб турарди: Робладонинг гапларига деярли қулоқ солмаётган ва у билан бирга бўлиш яққол малол келаётган эди.

Вискаarra ҳам кўзлари ила кимнидир излаб, уни топа олмаётганди; у одамларнинг бетига, жамики бурчакларга беҳуда тикилганича нари бориб, бери келар, зални тинмай айланарди.

Башарти у сулув малласоч қизни ахтараётган бўлса,

¹ Бандола — удга ўхшаш мусиқа асбоби.

унда омади келмаганди: қиз йўқ эди бу ерда. Росита мушакбозликдан кейин онаси билан уйга жўнаганди. Улар олисда, водийда туришар ва Карлос билан ёш чорвадор дон Хуан кузатувида йўлга тушишган эди. Аммо лекич иккала йигит рақс бўлаётган жойга қайтиш ниятида эдилар. Йўл кўп вақтларини олиб қўйиб, залганча кечикиб етиб келдилар. Шул боисдан ҳам Каталанининг кўзлари атрофга олазарак боқаётган эди. Аммо уни Вискарра каби афсус-надомат кутмаётганди.

Залга икки навқирон йигит кириб келиб, оломонга қўшилиб кетган паллада фанданго рақси тугамаганди ҳали. Булар дон Хуан билан Карлос эди. Овчини бошидаги қора сомбреросида ҳилпираётган қордай оппоқ қарқара патларидан ясалган жигасидан таниб олиш қийин эмасди.

Каталанининг нигоҳи энди безовталиқ-ла чеҳралар бўйлаб изғишни бас қилганди. Эндиликда бу кўзлар такрор ва такрор бир томонга тикилар, илло тўппа-тўғри ҳамда узоқ эмас, ўғринча қараб оларди — негаки, уни дарғазаб отаси билан рашкчи хуштори кузатишатиётган эди-да, ахир.

Карлос юраги ўртаниб, алангаланиб турган бўлса-да, ўзини бепарво кўрсатаётган эди. Каталина билан рақс тушиш учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр эди-я! Лекин у аҳвол-шароитни ниҳоятда яхши тушунарди. У Каталанини рақсга таклиф этди дегунича жанжал чиқишини биларди. Шул сабабдан ҳам бунга ботинолмади.

Ҳар замон-ҳар замонда бир туйқисдан назариди Каталина унга эътибор бермаётгандай, Робладоннинг, сатанг Эчевариа ва бошқаларнинг сўзларини қизиқиш-латинглаётгандай туюлиб кетарди. Ҳа, Каталина ўз ролини қойиллатиб ижро этаётган эди. Ушбу ижро Карлосга эмас, бошқаларга аталганди-ю, аммо у бундан беҳабар бўлиб, ўзини иззат-нафсига тегилган, ранжитилгандек ҳис қиларди.

Вужудини безовталигу хавотир чулғади, бироқ рақсга тушиб кетди бари бир. Рақс тушгани гўзал деҳқон қиз Инес Гонсалесни танлади, қизнинг эса у билан рақс тушишдан боши кўкка етди. Каталина бунга кўриб турган эди, ўз навбатида у ҳам рашк наштари захрини тоғандай бўлди.

Бу ўйни бирмунча муддатгача давом этди. Ниҳоят

Карлосни зериктирди рақс тушаётган шериги, шундан сўнг ёлғиз ўзи ўриндиққа ўлтириб олди. Унинг кўзлари Каталинининг ҳар битта ҳаракатини кузатарди. Шунда маҳбубасининг унинг боқишларига жавобан туҳфа этаётган нигоҳида севги, икковларининг дил розлари бўлмиш муҳаббат ифодасини ўқирди — ҳа, улар аллақачон қасам ришталари билан боғлаб бўлгандилар ўзларини. Шундоқ экан, нимага ҳам бир-бировларидан шубҳа гумон қилишлари керак, ахир?

Улар яна бир-бировларига ишонч ҳосил қилдилар, рақсдан тўлқинланиб кетганди улар, дон Амбросио эса тузуккина ичиб олган ва эндиликда қизини унчалик қисти-бастига олиб кузатмай қўйганди, оқибатда уларнинг нафақат юраклари, шунингдек нигоҳларида ҳам ишонч, дадиллик қарор топган — бир-бировларига ботбот, дадилроқ термила бошлаган эдилар.

Хона бўйлаб жуфтлар давра ясаб айланар, вальс садолари остида Карлоснинг ёнидан қуюн мисоли чарх уриб ўтиб кетишар эди. Каталина вальсга олифта Эчевариа билан тушаётганди. Қиз ҳар гал Карлоснинг ёнига айланиб келганида кўзлар учрашарди. Яна ва яна севгилиси ёнига қайтаётган испан қиз бирровгина боққан нигоҳи-ла нималарни айтиб, нималарни туҳфа этмасди денг! Каталинининг кўзларидан Карлос ажойиб бир ҳикоятни ўқирди. Каталина давра ясаб, учинчи бора ёнидан ўтаётганида Карлос шеригининг кифтига ташланган қўлчасида қиз ниманидир тутганини пайқайди. Бу ям-яшил баргчалар билан қопланган новда эди. Карлос билан тенглашган пайтида Каталина эпчиллик ила уни йнгитнинг тиззасига ташлаб ўтди-ю, ошиқнинг қулоғи аранг эшитиладиган: «Туя!» деган шивирни илғади.

Карлос новдани, тўқ-яшил туя шохчасини дарҳол қўлига олди. Бунинг маъносини у тушунмай, яна ким ҳам тушунсин денг! У шохчани лабларига босди, кейин эса гул чекилган камзулига қадаб қўйди.

Каталина тағин ёнига етиб келганида икковлон ишқу ишончга тўлиқ нигоҳ-ла кўз уриштириб олишди.

* * *

Имиллаб тун ўтиб борарди, дон Амбросиони мудроқ босиб, боши қуйига тушиб-тушиб кета бошлади ва ахирри қизини олиб уйга жўнади; капитан Робладо уларни кузатиб борди.

Шундан кейин кўп ўтмай бу ердаги аслзодароғу бадавлатроқларнинг жамикиси тарқади; баъзи бирлар, Терпсихоранинг чарчоқ нималигини билмайдиган мухлису муҳибларигина токи қирмизи ёноқ Аврора — олам чароғи Капитул Уйининг панжарадор деразаларидан мўралагунига қадар рақс тушавердилар.

Х Б О Б

Льяно Эстакадо ёхуд «Марказий Текислик» — овчилар салтанати, Муаззам Америка Текислигининг ўзига хос бурчакларидан бири. Бу узундан-узун, шакли-шамойили қўй почасига ўхшаб кетадиган дашти ясситоғлик бўлиб, атроф-теваракдаги ерлардан деярли минг фут юксалиб туради. У шимолдан жанубга томон тўрт юз миль чўзилиб боради, эни эса энг кенг жойида аранг уч юз милга етади. Бу майдон қарийб бутун Ирландияга тенг келади. У прерия — Америка даштларининг бошқа жойларига ўхшамайди, кейин, унинг ўзи ҳам бир хилда эмас. Шимолда қақроқ чўл эллик миллаб масофага чўзилиб кетган; ора-сира бирон туп дарахтни учратолмайсиз, баъзи ерларда эса пастак-пастак, мажмағил акаслар ўсади — бу жойларда унинг икки тури учрайди. Даштни унда-бунда ваҳимали, чуқурлиги минг фут келадиган ўтиб бўлмас жар-даралар тилишлаб ўтади. Уларнинг тик ҳамда текис ёнбағридан мутлақо чиқиб бўлмайди, тубларида ахён-ахёнда саёзгина кўлчалар учраб қолади, қоялар ораси ва тикёнбағирларига эса рамақижон заранглар жон-жаҳдлари ила тармашиб-ёпишиб олган.

Бу чуқурдан-чуқур дара, маълум жойлардагина бу жарликларга тушиб бориш ёки улардан ўтиш мумкин, бунақанги ўтиш жойлари тез-тез учрамайди — уларни бир-бировидан ўнлаб миль масофа ажратиб туради.

Ясситоғликда гоҳо кафтдек текис, саҳродек бўм-бўш жойлар юз миллаб чўзилиб кетади, бу жойларда ер шунақанги зарангки, гўё атайлаб шиббаланганми дейсиз: баъзи ерда эса ям-яшил майса-гиёҳ гилами тўшалган, акаслар гуркураган яйловлар ястанган; унда-бунда сайёҳ сув билан тўлган, гоҳ шапалоқдеккина, гоҳ хиёл каттароқ чўкма-чуқурларни кўради; қуримайдиган ҳақиқий кўлчалар ҳам бор — уларнинг соҳиллари қиёқ ўтлар билан қопланган. Бу кўлчаларнинг деярли барининг суви у ёхуд бу даражада тузларга тўйинган; бир

хилларининг таркибида олтингугурт бор, бошқаларни мутлақо шўр. Селу жалалардан кейин кўлу кўлчалар кўпайиб кетади, бу пайтларда уларнинг суви деярли чучук бўлади; аммо кимсасиз дашти ўлкаларда ёмғир кам ёгади, шу боисдан узоқ қурғоқчилик палласида қарийб жами кўлчалар қуриб битади.

Льяно Эстакадонинг жанубий қисмида текис майдонларни деярли кўрмайсиз; шимолдан жанубга қараб кенгбар — эни салкам йигирма миль-қумлоқ адирлар, минтақаси чўзилиб кетган; бу оқ қум тепа-уюмлари; улар дам юз футлар баландлигида турна қатор тизилиб кетади, дам алоҳида-алоҳида конуссимон юксалиб туради; на дов-дарахт, на бута, на майса-гиёҳдан асар кўринади бирон ерда уларнинг мулоиймтоб шакли-тарҳини ҳеч нима бузмайди, бир зайлдаги оппоқликларига биронта ёрқин доғ файзу руҳ бахш этмайди. Кейин, энг лол қолдирадиган жойи, геолог учун чинакам жумбоқ томони — ушбу тепа-адирлар орасида, ҳаттоки энг баландлари тепасида ҳам сув ҳавзалари, кўлчалар учрайди, уларда эса онда-сонда, ёмғирдан кейингина эмас, кўпинча сув бўлади. Ҳа, булар ҳақиқий лагуна — денгизнинг маржон ороллари билан ажралган саёз кўлчалари. Бу ерларда қамиш, оқ нилфия, қиёқ ўсади, демак, мазкур кўлчалар қуримайди, суви тугаб битмайди. Мундоқ қараганда эса, сув сақланиб қолишига бундан кўра яроқсизроқ жойни ўзи бормикан, деган хаёлга бориш ҳеч гап эмасдек кўринади.

Бунақанги қумтепалар Мексика қўлтиғи соҳилларида ҳам, Европа соҳил бўйларида ҳам учраб туради, уёқларда бу ҳолни тушунса бўлади; бироқ уларнинг бу ерларда, қитъаннинг қоқ киндигида мавжудлигини табиат берган жумбоқдан ўзга нарса деб атаёлмайсан.

Ана шу қумлоқ минтақани бир ёки икки жойдангина кесиб ўтса бўлади, лекин от ҳар қадамда тиззаларига гача ботиб кетади, кейин, мабодо бу ерда сув бўлмаганида у шундай сафару саёҳатга бел боғлаш хавфли ёди.

Хўш, Льяно Эстакадонинг ўзи қаерда асти? Қани, Шимолий Америка харитасини ёйинг-чи. Сиз шунда Кэнедиен деб аталгувчи йирик дарёни кўрасиз; у Қояли тоғлардан бошланади, аввалига жанубга қараб, сўнгра шарққа томон, токи Арканзасга қўйилгунига қадар оқиб бораверади. Дарё шарққа қараб бурилар экан, ана ўша

ясситоғликнинг шимол ёқдаги чеккасини айланиб ўтади, у ер-бу ерда унинг тик девор янглиғ этагини ювиб, ялаб-юлқаб, гоҳи ерда эса ундан хийла олинслаб кетади, ана шунда дарё қирғоғидан туриб, мазкур деворни тоғ тизмалари деб ўйлаш мумкин — саёҳатчилар кўпинча шундай хатога йўл қўядилар.

Льяно Эстакадонинг ғарбий чегараси хийла аниқроқ. Кэнедиен манбаларидан яна битта катта дарё сув олади — бу Пекос. Башарти харитага ишониладиган бўлинса, у ҳам жанубга қараб оқади, аммо жудаям тўғри эмас: Пекос бир неча юз миль давомида сезиларли даражада шарққа томон оғиброқ боради ва ана шундан кейингина жанубга қараб оқиб, Рио Грандега қуйилади. Пекос йўлига тўғаноқ бўлиб турган ясситоғликнинг ғарбий этагини буткул ялаб-сийпаб ўтади ва Қояли тоғлардан бошланадиган жамики дашт дарёлари каби шарққа қараб оқиш ўрнига жануб ёққа бурилиб кетади.

Ясситоғликнинг шарқий чегараси унчалик аниқ-тиниқ эмас-у, лекин, башарти ушбу чегара Пекосдан қандайдир уч юз милча наридан, Уошито, Ред-Ривер, Брасос ва Колорадоларнинг манбаларини кесиб ўтишини билиб олинса, унинг шакли-тарҳи хусусида унча-мунча тасаввур ҳосил этиш мумкин. Бу дарёларнинг ҳаммаси ва уларнинг кўп сонли ирмоқларининг бари Льяно Эстакадонинг шарқий ёнбағирларидан бошланади-ю, уларнинг шарқираб, шитоб-ла оқадиган сувлари ясситоғликни улкан-улкан афсонавий шакли-шамойилдаги кенг-кенг майдонларга нимталаб ўтади.

Жануб ёқда ясситоғлик торайиб, аста-секин пасая бориб, Рио Гранде этакларига қуйиладиган беҳисоб дарёю анҳорлар тўр ташлаган водийларга туташиб кетади.

Бу ўзига хос ўлкада ҳеч бир тирик жон зоти яшмайди. Ҳатто ҳинду ҳам узоқ ушланиб қолмайди бунда: у бир неча соатгагина йўл босиб келгани сабабли нафасини ростлаб олиш учунгина тўхтади, холос, очлик ва ташналикка ўрганиб кетган ҳинду ҳам баъзи ерларда уни кесиб ўтишга журъат этолмайди. Льяно Эстакадони кесиб ўтиш жуда хатарли, бутун бошли ясситоғликни — тўрт юз миль чўзилиб кетган — сайёҳлар фақат икки жойидангина ҳаётларини таҳликага қўймай кесиб ўтишлари мумкин. Хавф-хатар сув танқислиги пардаси остида писиб ётади. Бу ерда ўту гиёҳ

мўл, илло йилнинг гоҳи палласида ҳатто яхши маълум йўлда ҳам олтмиш — саксон миль давомида бирон томчи сув топилмайди.

Қадим замонларда Санта-Фени Техасдаги Сан-Атонио-де-Бехар билан боғловчи ана шу икки ўтиш йўлидан бир «Испан сўқмоғи» деб аталган; сайёҳлар йўлдан адашиб кетмасликлари учун у ер-бу ерда устун, белгилар ўрнатилган. Бу жойларнинг номи ана шундан келиб чиққан.

Льяно Эстакадодан ҳозирда ҳам кам одам кесиб ўтади; уёқларда ёлғиз мексикалик бизон овчиларию ҳинду савдогарлари — коменчеросларнигина йўлиқтириш мумкин. Янги Мексикага кўчиб келганлар чоққина-чоққина тўда бўлиб йўлга чиқадилар ва бизон овлайдилар ёхуд ясситоғликнинг машриқ ёғидаги кўчманчи ҳинду қабилалари билан савдо қиладилар. Аслида бу ерда ов ҳам, савдо ҳам унчалик фойда келтирадиган иш эмасди-ю, лекин тасодиф ёхуд майлу қизиқсиниш ризқ-рўзини шунчалик хатарли ва ғайриодатий усул билан топишга мажбур этгувчи ўзгача тонфадаги одамларга шуниси ҳам кифоя эди.

Мексиканинг мазкур чекка ўлкалари аҳли чегара минтақасидаги ўрмонларда жойлашган инглиз-америка кенту қишлоқлари истиқоматчилари ва овчиларига жуда-жуда ўхшаб кетади. Бироқ мексикаликларнинг қурол-яроғи, усти-боши мутлақо бўлакча, ов усуллари ҳам ўзгача.

Бизон овчисининг аслаҳа-анжомлари, ўрмон дарбадариники сингари, ниҳоятда содда-оддий. У унчалик чакки бўлмаган, гоҳо эса ажойиб отда ов қилади; ўқ-ёй, овчи пичоғи ва узун найза билан қуrollанади. Ут-очар қуrollни у, одатдагидек, тан олмайди; бундан истисно кезлар ҳам бўлади-ю, лекин камдан-кам учрайди бундай ҳол. Анжомларининг асоси — лассо. Савдога келганда мол-буюм заҳираси унчалик кўп эмас, одатда ҳажми йигирма долларлик, ундан ортиқмас. Бир неча қоп йирик қилиб тортилган ундан пиширилган нон (прерия — даштда яшайдиган ҳиндулар жуда ёқтирадилар уни), чипта қопда маис-жўхори, ҳиндулар тақадиган унча-мунча безак-тақинчоқлар, бесўнақай, дағал серепелар, уйда тўқилган ёрқин рангли хонаки жун матодан бир неча лахтак — бор моли шундангина иборат, вассалом. Металл буюмлар билан деярли савдо

қилмайди у. Нега деганда унинг ўзи ҳаддан зиёд қимматга сотиб олади буларни, зеро бу буюмларни олисдан келтирадилар ва сира тап тортмай ҳаддан зиёд бож ҳақи қўшадилар. Уточар қуроолларни мутлақо сотмайди у — бепоеън даштнинг бу томонларидаги ҳиндуларга қуроолни шарқдан келтирадилар; аммо испан қуроолларини — енгил пилтамилтиқ билан шуцер¹лар — команчерослар жанубий Мексика шаҳарларига қилган босқинлари пайтида қўлга киритадилар.

Қимматга тушадиган ва хатарли сафаридан овчи қуритилган бизон эти билан тери олиб қайтади; булардан бирини ўзи овда қўлга киритади, бошқасини ҳиндулардан ўз буюмларига алмаштириб олади.

Буюмлар эвазига от ҳам, хачир ҳам, эшак ҳам берадилар. Ҳиндулар беҳисоб пода-уюрларга, юз бошлаб молларга эга, бу жониворларнинг деярли жамида мексикаликлар тамғаси бор. Ўзгача қилиб айтганда, ҳиндулар уларни Рио Гранденинг қуйи оқими ёқаларида жойлашган кенту қишлоқлардан ўгрилайдилар, сўнгра эса Рио Гранде бошланадиган ерларга элтиб сотадилар, яна-тагин мазкур савдо ишлари томонан қонуний ҳисобланади — ақалли ҳозирги кунларда аҳвол-шароит шундоқки, бунга қарши ҳеч нима қилиб бўлмайди.

Бизон овчилари даштга камдан-кам кўпчилик бўлиб тўдалашиб борадилар. Гоҳида улар кўпайишиб кетадилар, улар бола-чақаларини бирга олиб, худди ҳинду қабиласидай, жойдан-жойга кўчиб юрадилар. Аммо лекин аксар ҳолда бир-икки нафар овчи отлари, хачирлари ва хизматкорлари билан йўлга чиқади — бутун карвон шундангина иборат бўлади, холос. Дашти биёбоннинг ваҳший истиқоматчилари уларни одатдаги сайёҳларга қараганда камроқ безовта қиладилар. Команчерослар ва бўлак қабилалар уларнинг дашт сари нима мақсадда йўлга чиққанларини биладилар ва уларни хурсанд қарши оладилар. Қандоқ бўлмасин икки касбкорли, яримовчи-яримсавдогар бу одамлар ҳиндуларни кўпинча лақиллатиб кетадилар, уларга ёмон муомала қиладилар. Улар юк ортилган хачирларда ва хачир ёки ҳўкиз қўшилган араваларда юрадилар. Бундай арава-улов энг ибтидий ҳаракатланиш воситасидир. У икки филдиракли: филдираклар теракдан чопилиб, мусти-

¹ Шуцер — милининг ичи резбали мидтиқ.

мустаҳкам ёғоч ўққа ўрнатилган. Ушбу ғилдирақлар одатда унчалик ҳам думалоқ эмас, кўпроқ чўзиқроқ ёки ҳатто, деярли чорқирра бўлади. Узундан-узун шоти арава ўқидан олдинга қараб чўзилиб кетган, устига эса чорси яшикка ўхшаган чуқур мослама ўрнатилган. Бир неча жуфт ҳўкиз мазкур мослама-қурилмага жўнгина усулда қўшилган: олдинда шотига маҳкамланган кўндаланг таёқни ҳўкиз шохига боғланади. Ҳўкизларда на бўйинтириғу на эгар-жабдуқ бор; ҳўкизлар бошларини шохларини билан кўндаланг таёқни итариб, қатор аравалар сафини олдинга жилдирадидлар. Ҳаракатга келгач ёғоч ўқ шунақанги ғийқиллаб, ғижирлай бошлайдики, буни ҳеч бир сўз билан таъриф у тавсифлаб бўлмайди. Ҳар хил ёшдаги болалар билан тўла ва ҳаммалари бараварига бақириб-чақириб уйни бошга кўтараётган хонадондагина ана шундай ёқимсиз дўзахи шовқинни эшитиш мумкин, холос; ёхуд буни тасаввур этмоқлик учун чинқироқ маймунлар галаси ана шундай мусиқа билан қулоқларимизни батанг қиладиган Жанубий Мексикага йўл олмоғимиз даркор.

Х И Б О Б

Авлиё Иоанн байрамидан тахминан бир ҳафталардан кейин чоғроққина бизон овчилари тўдаси Ўрмон кечуви яқинидан Пекосни кечиб ўтди. Тўда ҳаммаси бўлиб беш кишидан иборат эди: оқ танли, метис¹ ва уч нафар чинакам ҳинду, улар ўзлари билан эса бир нечта юк ортилган хачир, учта ҳўкизарава олгандилар. Ҳиндуларнинг юриш-туриши, букикроқ қаддилари, кифтларига ташлаб олган қамчилари ва оёқларидаги чориқлари — бари буларнинг тинч-осойишта ҳиндулар эканини айтиб турарди. Булар Карлос,— мазкур тўда орасидаги ягона оқ танли ва тўда раҳнамоси ёллаган пеонлар эди. Метиснинг исми Антонио бўлиб, хачир ҳайдовчи, ҳиндулар эса ҳўкиз ҳайдовчилар эди; улардан ҳар қайсиси узун қамчи билан ҳўкизларни йўлга солиб ўз аравасини бошқариб борарди.

Карлос ўзининг ажойиб қорабайирида, қалин серапега бурканиб, олдинда йўл бошлаб борарди. Кишилик

¹ Метис — қурама.

ридосини уйда қолдирган эди: бундай олис ва огир сафарга кийишга кўзи қиймагани, аини чоқда бунақанги антиқа ридо ҳиндуларнинг иштаҳасини қитиқлаб қўйиши мумкин, у чоғда ҳиндулар ўйлаб-нетиб ўлтирмай, эгасининг каллахомини шилиб олишлари ҳеч гап эмасди. Карлос нафақат ридоси, шунингдек нақшин гулли камзули, қизил шарфи билан барқут чолворини ҳам қолдириб, оддийгина кийиниб олганди.

Карлос мазкур сафардан кўп умидвор эди. Илгарилари сираям бунчалик мўл-кўл мол олиб бормагани даштга. Ҳар бирига тўрттадан ҳўкиз қўшилган учта аравагагина эмас, шу қатори бешта хачирга ҳам юк ортилган эди: араваларда — нон, жўхори, испан ловияси, чили қалампири; хачирларда — серапе, адёл-кўрпа, дағал жун матолар, баъзи бир хил ялтироқ тақинчоқлар, бир нечта уч тигди ўткир испан пичоғи. Байрам мусобақаларида кўрсатган таваккалона матонатю эришган муваффақиятларигина Карлоснинг бунча кўп мол-буюм тўплашига ёрдам берганди. Бисотида бир тилласи бор эди, бунинг устига у икки тилла ютди, қўшимчасига эса чорвадор йигит дон Хуан Карлос сафарга яхшироқ, бақувватроқ ҳозирлик кўрсин учун қўярда-қўймай тагин беш танга қарз берганди.

Сафарчилар Пекосдан омон-эсон ўтиб, Льяно Эстакадонинг энг баланд нуқтасига қараб йўл олдилар — бу жой Урмон кечувидан олисда эмасди. Тепасига қараб аста-аста кўтарилиб борадиган дара уларни яситоғликка олиб чиқди. Кўз ўнгиларида теп-текис, бир маромдаги даштлик намоён бўлди: бирон ерда на биронта бута, на йўл босганда белги бўлгучи бирон чизиқ кўришади денг.

Аммо Карлосга йўл кўрсатувчи белги-аломатларнинг кераги ҳам йўқ эди. Оламда ҳеч бир кимса Льяно Эстакадони у билганчалик билмайди. У оти бошини жануби-шарққа бурди, карвон йўлга тушди яна. Карлос Лунзиана, Ред-Ривернинг асосий тармоқларидан бири томонга қараб йўл солганди — кейинги йилларда у ерларда бизонлар сероб деб эшитганди. Карлос ўша томонларга биринчи мартаба борапти; кўпинча у Техасда, Брасос ва Колорадонинг юқори ирмоқ-шаҳобчалари атрофларида ов овлаб, савдо қиларди. Илло бу дарёю ирмоқлар оқадиган ерларни ҳозир қудратли команчи қабиласи билан уларнинг иттифоқчилари — киа-

ва, липана, тонкевалар узил-кесил эгаллаб олган. Бу атрофларда ҳиндуларнинг бизонларни таъқиб этишларига ҳеч ким ҳалал бермас ва улар ўз ўлжаларини қувиб тиндирмасдилар. Жониворлар ҳуркаклашиб, одамни яқин йўлатмас, кейин, подалари ҳам сезиларли даражада сийраклашиб қолган эди.

Ред-Ривер ҳавзасида эса мутлақо бўлакча. Бу рақиблар тупроғи. У ерларда вақти-вақти билан вако, пәне, осажлар ов қиладилар, ора-сира Льяно Эстакадодан шарқ томонларда кўчиб юрадиган кикапу, черок ва бошқа ҳинду қабилалари бўлуқлари пайдо бўлиб қоладилар. Гоҳо иш қонли тўқнашувга ҳам бориб тақалади; ўзаро душман қабилалар бир-бировларидан олсироқда яшашга мажбурлар, ана шу боисдан гоҳ бир, гоҳ бошқа қабила ов мавсумини ўтказиб юборади-ю, бизонларни ҳеч ким безовта қилмайди. Маълумки, бетараф ерлар — адоват боиси бўлмиш ерларда бизонлару бўлак ов ҳайвонлари беҳад мўл, кейин, улар ўзга жойлардагичалик ҳуркак эмас.

Карлос бу гапларнинг барини билар, ана шунинг учун ҳам харитада кўрсатилганидек мутлақо Қояли тоғлардан эмас, Льяно Эстакадонинг шарқий ёнбағирларидан бошланадиган Ред-Ривернинг юқори оқими ҳавзасида ов қилиш тадоригини кўрган эди.

Карлос ҳам, метис Антонио ҳам бизон ови учун яхши қуроолланганди, учала пеондан иккиси моҳир овчи эди. Ҳаммаларида ўқ-ёй, найза — ушбу қурооллар бундай ов учун ҳаммиша қулай қурооллар. Шундоқ бўлса-да, арвалардан бирида ўточар қуроол — америкача нусхадаги узун милли жигарранг милтиқ ҳам яшириб қўйилганди. Карлос уни тамоман бошқа ов учун асраб юрар ва уни моҳирона ишлата оларди. Бу қуроол мексикалик бизон овчиси қўлига қандай тушиб қолди экан? Карлоснинг келиб чиқиши мексикалик эмаслигини эсланг-а. Бу қуроол — оилавий ёдгорлик. У овчининг отасиники эди.

Биз Карлос ва унинг карвони изидан қадам-бақадан эргашиб юрмаймиз, ҳувиллаган дашти-биёбон бўйлаб ўтадиган мазкур толиқтирарли саёҳатнинг ҳар бир одимини кузатиб ўлтирмаймиз. Илло шу нарсани айтиб ўтайликки, бир куни овчилар кундузи сувсиз биёбондан етмиш миль масофани босиб ўтишларига тўғри келди. Аммо-лекин Карлос карвонни бир томчи ҳам сув топилмайдиган жойлардан биринчи марта бошлаб бора-

ётгани йўқ эди, у ана шундай шароитда қандай қилиб бирорта ҳўкиз ёки хачирни нобуд этмаслик ҳадисини оливолганди аллақачон.

У саёҳатни мана бундай ўтказарди. Энг охирги сув ҳавзасида ҳўкизларни қондириб суғорарди; кечга томон йўлга тушиб, тонг ёришгунга қадар юришарди; сўнг Карлос икки соат дам оларди, шунда жониворлар ўт-ўланлардаги шудринг томчилари кўтарилиб кетмасидан бурун мириқиб ўтлашарди. Кейин пешингача узоқ йўл босилиб, тагин нафас ростланарди — уч-тўрт соат, токи кечки салқин тушгунича; ана ундан сўнг карвон яна олға жилар ва ушбу кундузги сафар тун киргачгина ниҳоясига етарди. Чиуауа, оСнора ва Шимолий Мексика чўлу саҳроларида ҳали-ҳозиргача ҳам шу тариқа сафар қиладилар одатда.

Қисқаси, Карлос бир неча кундан кейин ўз ҳамроҳлари билан баланд тоғликнинг шарқий ёнбағридан қуйилиб бориб, Ред-Ривернинг ирмоғи ёқасига тушиб келди. Бу ерда борлиқ манзара буткул бошқача эди — теварак-атрофда тўлқинсимон бепоён дашт ястанган. Борлиқ манзара — мулойим, силлиқ-равон; тепаси думдумалоқ, ёнбағирлари қиялама тепалар ям-яшил водийлар-ла алмашинади, водийларда эса чашмалардан оқиб чиқаётган зилол сувлар офтоб нурида ярқираб кўзни қамаштиради. Ирмоқлар ёқалаб гоҳ у, гоҳ бу ерда тўптўп дарахтзорлар — абадий яшил эману булутлар тарвақайлаб қулоч керган, мағзи шириндан-ширин узунчоқ ёнгоқли хушқад пекану кумушранг тераклар кўкка бўй чўзган. У ер-бу ердаги тепачаларда азамат дарахтлар юксалиб турибди—улар бир-бирларидан нарироқда ўсган, наздингизда, инсон қўли билан экилганга ўхшайди. Қалин шох-бутоқлари тарвақайлаб улкан шамсия ҳосил қилган, елпиғичсимон оч тусли барглари ва шаббаларда осилиб турган қўнғиртоб узун қўзоқларини кўргандаёқ булар машҳур америка акаслари эканини биласиз-оласиз. Чашма ёнбошидаги сойликда бир туп қизил тут кўзга ташланыпти, ҳар жой-ҳар жойда хитойи дарахтлар оч бинафшаранг бўлиб чамандек гуллаб ётибди. Тепаю адирлар ҳам, водийлар ҳам кўм-кўк пастак бизонўт гилами ила қопланган, наздингизда гўёки яқингинада пичани ўриб олинган ўтлоқ янги, ширадор майса билан қопланаётганга ўхшайди. Ажойиб, сўлим жой-

лар! Бу ерлар бизонларнинг суюкли жойига айланганининг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ.

Мазкур мунаввару жаннатмаъво ўлкага қадам босар экан, Карлос тез орада бизонлар изига дуч келди: қаёққа қарамасин, ҳамма ерда бизонлар топтаган сўқмоқлар, сувлоғу пўстлоғи ғажилган дарахтлар учрарди. Эртаси кун эрталаб у улкан поданинг қоқ ўртасига тушиб қолди: бизонлар оддий сигирлар сингари далаларда бемалол-хотиржам изғир ва бафуржа ўт чимдирди. Улар сираям ҳуркак эмасди, у яқинлашганида қочиб қолиш, яширинишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмасди.

Мана у кўзлаган ерига етиб келди. Бу унинг улкан, бой фермаси, унинг хусусий подаси эди — ҳа, шундоқ, бу ҳар қандай бўлак одам сингари унга ҳам тегишли пода — эндиликда Карлос фақат бизонларни қулатиб, эту тери ғамлашга тушса бас.

Ҳиндулар билан савдо қилишга келганда эса, бу истиқболда турган юмуш эди. Карлос ов мавсуми мобайнида неча марталаб учрашади улар билан ҳали.

Жамики даштда изғийдиганлар қатори — улар хоҳ траппер¹, хоҳ ҳинду бўлсинлар — Карлос ҳам теграсини қуршаб турган табиат манзарасининг чиройини дарҳол ҳис этди, манзилгоҳ қургани сўлим бир гўшани танлади. Бу қалин майса-ғиёҳ билан қопланган, пекан, тут, ёввойи хитойи дарахт соя ташлаб, тип-тиниқ, зилол сувли чашма жўш уриб турган пастлик эди.

Карлос араваларни ана шу соя-салқин дарахтзорда тўхтатиб, чодир тикди.

ХИ БО Б

Карлос овга киришди-ю, ови ниҳоятда бароридан келди. Дастлабки икки кун ичида йигирматадан кам бизонни қулатмади, барини манзилгоҳга ташиб олди. Карлос билан Антонио жониворларнинг изига тушиб, уларни қулатишарди, икки пеон эса уларни сўйиб, ним-талашар ва арава-уловларда манзилгоҳга элтиб ташлашарди. Бу ерда бўлса учинчи пеон ишга тушарди: у этни тилишлаб, офтобда қуритарди.

Ов катта фойда ваъда қилаётган эди. Карлос олиб

¹ Траппер — Шимолий Америкада тузоқ, қопқон қўйиб, мўйнали ҳайвонларни гутадиған овчи

кетишга чоғи келганича эт тайёрлашига асти шубҳаланмасди, кейин, анча-мунча тери ғамлаб олишига ҳам. Бу молларнинг Янги Мексика шаҳарларида бозори чаққон.

Аmmo овчилар учунчи куни бизонларнинг феъл-атвори ўзгарганини пайқадилар: улар бирдан безовта ҳамда чўчийдиган бўлиб қолди. Вақти-вақти билан ёнларидан катта-катта подалар ўтиб кетарди — афтидан бизонларни қўрқув босган ёки таъқибдан қочиб қутулаётгандек туюларди. Лекин уларни қўрқитаётган Карлос билан Антонио эмасди. Хўш, қўрқитиб қочираётган ким бўлди унда?

Карлос яқин-атрофда қандайдир ҳиндулар қабила-си ов қилаётганга ўхшайди деган мулоҳазага борди. У аслида ҳам ҳақ экан. Ушбу сўлим водий бутунича кўринадиган тепага чиқиб, ҳиндулар қароргоҳига кўзи тушди. Водийнинг нақ нариги чеккасидаги сой ёқалаб элликка яқин вигвам¹ бамисоли чодирларда саф тортган эди. Вигвамлар конус шаклида бўлиб, ходача-таёқлар доира шаклида қиялатиб терилиб, учлари боғланган, шу тариқа ҳосил бўлган синчкори нусха қурилманинг усти бизон териси билан ёпилган эди, вассалом.

— Бу ваколарнинг вигвамлари-ку!— деди Карлос ўша ондаёқ: унинг кўзи ўткир, пишиб кетган эди.

— Буни қаёқдан биласиз, хўжайин?— деб сўради Антонио. У ёш болалигидан бошлаб бутун умри даштда ўтган Карлосчалик тажрибага эга эмасди.

— Вигвамларидан кўриниб турибди.

— Мен бўлсам команчилар деб ўйловдим. Худди шунақанги вигвамларни «бизон кушандалари» томонда кўргандим.

— Йўқ, Антонио,— эътироз билдирди Карлос.— Команчиларнинг вигвамида ходачалар зич қилиб терилиб, қир учигача тери билан ёпилади, дудбурон қолдирилмайди. Буларда бўлса, кўряпсанми, бутунлай унақа эмас. Йўқ, бу ваколарнинг вигвамлари. Тўғри, улар команчиларнинг иттифоқдошлари.

Худди шундай бўлиб чиқди. Ходачаларнинг учи зич жойлаштирилмаган, тутун чиқиб кетадиган туйнук қолган эди, шу сабабдан ваколарнинг вигвами конусга, бироқ учи кесик конусга ўхшаб кетар ва ана шу жиҳати билан команчилар вигваמידан ажралиб турарди.

¹ Вигвам — ҳиндулар бошпанаси.

— Ваколар биз билан адоватда эмаслар,— деб қўйди овчи.— Ҳайлайманки, улардан чўчимасак ҳам бўлади. Имоним комил, улар биз билан савдо қилишади. Лекигини ўзлари қаёқда қолишдийкин?

Овчи қароргоҳни назардан ўтказаркан, у ерда на эркагу на аёллар, на бола-бақраю на ҳайвонлар — на бирон жонзот асари кўринаётгани туфайли ўз-ўзига шу саволни берганди. Лекин бу ташландиқ қароргоҳ бўлиши мумкин эмасди. Ҳиндулар бундай вигвамларни ташлаб кетмайдилар; ҳар қалай улар бунақанги ажойиб териларни қолдириб кетмайдилар. Йўқ, улар, чамаси, қаердадир шу яқин-атрофда бўлишлари керак: баланд тепа-адирлар оралаб бизонларни қувиб юрган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Карлос топганди. Тепадан туриб қароргоҳни кузатишар экан, улар баланд ҳайқириқларни эшитишди, орадан бирор дақиқа фурсат ўтгач яқингина ерда, тепаликларда каттагина бўлук — бир неча юз чавандоз кўринди. Улар аста илгарилаб келардилар-у, аммо терлаб-кўпириб кетган отлари оғир-оғир, ҳансираб нафас оларди — турган гапки, ҳозиргина улар кучлари борича елиб чопган. Ҳадемай улар кетидан бошқа, янада кўпсонлироқ бўлук пайдо бўлди. Бу осмонлатиб қўнғир-ранг юк — юнги ўсиқ териларга ўралган бизон эти ортилган от ва хачирлар эди. Ушбу карвонни аёллар билан ўсмир болалар ҳайдаб келишар, изма-из эса итлару болақайлар чуввос солганча югуришарди.

Улар қароргоҳга қарама-қарши тарафдан яқинлаб келишаётган эди, шу туфайлидан Карлос билан Антонио вақти-соати етгунича кўзга чалинмай қолаверди.

Ҳиндуларнинг биринчи бўлуги вигвамлар оралиғида отдан тушди-ю, ўша ондаёқ аллақайсиларининг ўткир кўзлари тепа чўққисидаги овчиларнинг бошини илғади. Шу заҳоти огоҳлантирувчи қичқириқ янгради — кўз юмиб-очгунчалик фурсат ўтмаёқ ҳаммалари ўзларини яна от устига олиб, жанговар ҳолатга келиб бўлишганди. Икки ёхуд уч чавандоз ҳали қароргоҳга етиб келиб улгурмаган иккинчи карвон сари от қўйди, башқалари эса, чамаси, хавотирга тушиб қолганларидан нари-бери ўриб-келиб туришарди отларида.

Улар рўйирост ашаддий душманлари панелар пис-тириб келган бўлмасин деган хавотирга тушиб қолганлар.

Лекин Карлос дарҳол барҳам берди уларнинг ҳадик-хавфсирашларига. У шпори ила отини ниқтаб, тепалик чўққисига кўтарилди-да, ҳиндулар кўзи ўнгида тўхтади. Сўнг ўзига яхши таниш бир неча белги-ишорани қилиб, овози борича: «Amigo!»— деб қичқирган эди, улар хотиржам тортишди. Еш ҳинду олдинга от ўйнатиб чиқди ва тепага қараб йўрттириб келаверди. У бемалол гаплашса бўладиган жойгача яқинлаб келиб, тўхтади; улар қисман имо-ишора, белги-аломатлар, қисман бузилган, чала-чулпа испан тили ёрдамида гаплашарканлар, бир-бировларини жуда яхши тушундилар. Ҳинду отини ортга ҳайдади; ҳадемай яна қайтиб келиб, овчи билан шеригини қароргоҳга таклиф қилди.

Карлос шубҳасизки, бу илтифотни қабул этди, бир неча дақиқадан кейин қарабсизки, Антонио икковлари янги сўйилган бизон этидан тановул қилиб, қароргоҳ соҳиблари ила дўстона гурунглашиб ўтиришибди-да.

Новчадан келган, қадди-басти келишган сардор, кўриниб турибдики, айтгани-айтган, дегани-деган нуфузли одам эди; у Карлосни айниқса дўстона қарши олди ва унинг талай моли борлигини эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлди. У эртага эрталабдаёқ Карлоснинг манзилгоҳига боришга ваъда бериб, ўз қабиласига йигит билан савдо қилишга рухсат этди. Овчи тахмин қилганидек булар даштда интиқомат қилгувчи энг олижаноб элатлардан бири бўлмиш мардонавор вако қабиласи экан.

Карлос ўз манзилгоҳига димоғи чоғу вақти хуш кайфиятда қайтди. Мана энди у мол-буюмларини хачирга алмашади — сардор ваъда қилди буни, даштга у ҳаммасидан бурун шу ниятда отланганди-да, ахир.

Эрта билан, ваъдалашилганига биноан, ҳиндулар сардорлари бошчилигида етиб келишди; овчи манзилгоҳ қурган чоғроққина сойлик эркагу аёллар, бола-бақралар билан тўлди. Тугуну бўғчалар ечилди, буюмлар ёйиб қўйилди-ю, кунбўйи савдо авжга минди. Карлос ўз муштарийларининг беғараз, ҳалол одамлар эканига ишонч ҳосил қилди, кечга бориб эса, улар тарқашгач, бутун молу буюмлари сотиб бўлинган эди. Урнига бўлса нарироқда, водийда, боғлоқлик хачирлар ўтлаётганди, улар ўттиз бошдан кам эмасди. Буларнинг бари эн-

¹ Amigo — дўстим, ўртоқ (исп.)

диликда бизон овчисиники эди. Саккиз тиллосини шамолга совурмаганди у!

Булар уйга қайтганида фойда келтирибгина қолмай, йўлда ҳам иш беради: ҳаммасига бизон териси билан қоқланган эт ортади.

Ҳа, ҳа, сафари омадли бўлди. Карлос қўлга кири-тажак бойликларини хаёл қилиб, орзу қанотида парвоз эта бошлади, дилида ниҳоят соҳибжамол Каталинанинг қўлини сўраш ҳаққи-ҳуқуқига эга бўладиган кун ҳам етиб келадиган бўлди деган умид чироғи ёнди.

Башарти бойиб кетадиган бўлса, ҳаттоки дон Амбро-сиодай зот ҳам унинг совчи қўйишига монелик қилма-са кераг-ов. Уша тун Карлос, бизон овчиси ширин-ши-рин орзу-хаёллар сурди, хобида ҳам ажойибу антиқа тушлар кўриб чиқди.

XIII Б О Б

Кейинги кун у янаям ғайрат-ла ов қилди. Энди ўл-жаси қанчалик кўл бўлмасин, барини олиб кетиш им-конига эга эди-да, ахир. Тери ёки қуритилган этни ор-тиқчасини даштга ташлаб кетишга тўғри келади деб чўчимаса ҳам бўлади. Унинг энди, буёққа олиб келган-лари билан қўшиб ҳисобланса, ўттиз бешта хачири бор, қўшимчасига учта араваси ҳам — бир неча юз доллар-лик, анча-мунча юкни олиб кетса бўлари уларда.

У ҳиндулардан ҳаттоки либос ўрнида ишлатаётган бир неча терини харид қилишга ҳам муваффақ бўл-ганди. Буларнинг эвазига ҳиндуларга нимаики ёқса ўшани берганди. Ҳатто ўзининг ва одамларининг кам-зулларигаги тугмалару зарҳал лентачалар, сомбреро-ларининг ялтироқ тасмачалари — нимаки ялтироқ бўл-са, барини тутқазди.

Карлос ҳамма нарсасини беришга тайёр эди, фақат қурол бундан мустасно, албатта. Кейин, қуроллари ҳин-дуларни қизиқтираётгани ҳам йўқ эди. Уларнинг ўзла-рининг ўқ-ёй ва лассолари ҳам худди буларниқидан қолишмасди, ўзлари қотириб ясашга уста эдилар. Ҳин-дулар, албатта, милтиқни сотиб олишлари мумкин эди, лекин бу ёдгорлик бўлиб, Карлос уни ҳаттоки йигирма-та хачирга ҳам алмашмасди.

Карлос овни тагин бир-икки кун давом эттирди.

У бизонлар соат сайин безовта, ҳуркак бўлиб бора-ётганини пайқади. Шунингдек, у бизон подалари шимол ёқдан қочиб келаётганини ҳам кўриб турарди, ваколар эса унинг манзилгоҳидан жануброқда ов қиляптилар. Йўқ, жониворлар улардан қочмаяпти. Хўш, унда кимдан ахир?

Ҳиндулар билан савдо қилганидан кейинги учинчи кеча етиб келди; Карлос билан одамлари ухлаб ётишарди. Антонио пойлоқчиликда турарди, ярим кечада эса уни пеонлардан бири алмаштириши керак эди.

Метисни мудроқ боса бошлади. Бизонларни ҳайдай-вериб роса толиққанди у; ярим соатгина пойлоқчиликда туриш муддати қолганди, ўзини элита бошлаган мудроқни енгил учун охирги кучини ишга солиб, араунг чидаб турганида тўсатдан хачирлар ўтлаётган тарафдан пишқириқ эшитилиб қолди.

Антонио ўша замоноқ кўзини очди. У қулоғини ерга бериб, тинглай бошлади. Уша томондан тагин пишқириқ эшитилди, эндиликда хиёл баландроқ, сўнгра устма-уст, яна ва яна...

«Нима бўлди бу? Қойотлармикин? Балки айиқдир? Хўжайинини уйғотиш керак», — ўйлади Антонио.

Антонио шарпа чиқармай Карлосга яқинлашиб, кифтидан оҳистагина туртди. Салгина қўл теккизишнинг ўзи кифоя эди — овчи милтиғини чангаллаганча сапчиб турди ўрнидан. У ҳамиша бу қуролни ҳиндулар босқини хавфи туғилган пайтлардагина қўлга оларди; камондан эса фақат ов пайтида фойдаланар эди.

Икки оғизгина фикрлашиб олганларидан сўнг Антонио билан Карлос пеонларни уйғотишди-ю, бешовлашиб жангга ҳозирланишди. Улар чоққина уч бурчак қўтон шаклида жойлаштирилган аравалар панасидан чиқишмади. Араваларнинг баланд кажава-ёндорлари бемалол ёй ўқларидан пана қилувчи ишончли қалқон хизматини ўтар эди; гулхан қалашмаган эди, шу сабабдан манзилгоҳни четдан қараганда мутлақо пайқаб бўлмасди. Бундан ташқари, аравалар манзилгоҳни чет кўзлардан яшириб турган тутларнинг қуюқ кўлагаси панноҳида эди; аммо-лекин аравалар панасидагиларга қаршиларида ястанган дашт бинойидай кўриниб турарди. У ер-бу ерда қорайиб турган дарахтзорлар бўлмаганида бутн водийни — юқорию қуйи, жамики томонини буткул кўздан қочирмаслик мумкин эди. Бироқ, мазкур

дарәхтзорларда озмунча ганимлар яшириниб олиши ҳеч гап эмасди.

Овчилар чурқ этмай, сергак қулоқ солишарди. Бирор дақиқа ўтар-ўтмас назарларида бировнинг қораси аравалардан юз ярдча нарироқда тушовлоглиқ ўтлаб юрган хачирлар уюри томон писиб бораётгандек туюлди. Бироқ ширава ёруғликда шунчаки кўзга кўринаётган бўлиши ҳам мумкин. Нима бўлганида ҳам бу қора ниҳоятда имиллаб илгарилаётган эдики, ҳатто жойидан жилмаётганга ўхшарди.

Ниҳоят, Карлос нималигини тузукроқ кўриш учун яқинроққа боришга аҳд қилди. У қўтондан чиқиб, хачирлар томонга эмаклади, кетидан эса Антонио. Қорайиб турган нарсага яқинроқ боргач, унинг ҳаракатланаётганини кўришди.

— Ановини қара-я! Нима бўлдийкин бу?— дея шивирлади овчи.

Шу пайт хачирлар яна пишқирди, бир хиллари худди биров чўчитиб юборгандек гусур-гусур ер тепина бошлади.

— Ўйлашимча, айиқ бу,— шивирлашда давом этди Карлос.— Ҳа, шунақага ўхшайди. Хачирларни шунақанги ўтакасини ёриб юбориши мумкинки, ана унда ушлаб бўпсан... Варанглаган милтиқ овозиям бунчалик ҳуркитиб юбормайди-ёв.

У шундай деб туриб милтиғи оғзини баладлатдида, қоронғилик имкон бергани қадар нишонга олиб туриб, тепкини босди.

Чамаси ўқ овози бутун дўзахий инсу жинсларни чорлаб чақиргандай бўлди. Бир йўла юзлаб чинқирик янгради, юзлаб от туёқлари дупури босиб кетди водийни; уюр ҳаракатга келди; хачирлар баралла пишқирибкишнаб, тушов-қозиқларда юлқиниб-типирчилай кетди. Мана улар арқону тушовларни тилка-пора қилиб, жон ҳалпида сойликдан ўқ мисоли қоча бошлади. Ортларидан эса қоронғуликда аранг кўзга чалинаётган суворилар от қўйганларича уларни қичай кетишди. Карлос ҳайратдан эс-ҳушини йиғиб улгурмасиданоқ хачирлару ҳиндуларнинг қораси ҳам кўринмай, гумдон бўлишди-қўйишди.

Хачирлар гўё асли-тагида бўлмагандай. Ҳозиргина шу ерда бутун бошли уюр ўтлаётган эди — мана энди ақалли бирортаси қолмади.

— Қочиб қолмишди!— ғўлдиради Карлос.— Бечора хачирларим... Барини ҳайдаб кетишди, бирортасиниям қолдирмай!.. Қум минг лаънат бу алдоқчиларга!

У кафандўздлар ўзи хачирларини сотиб олган ҳиндулар — ваколлар эканига заррача шубҳа қилмаётганди. Бунақанги воқеалар даштда кўп содир бўлиб туришини биларди у; савдогарларни тез-тез худди шу йўсин талаб турадилар, улар ўша битта хачирни уни ўғирлаб кетган худди ўша ҳиндулардан мажбуран икки марта-лаб сотиб олишга кўникиб кетганлар.

— Лаънати алдоқчилар!— дея такрорлади Карлос жиғибийрони чиқиб.— Ана шуни-чун ҳам жа сахий ва мард бўлиб кетишган экан-да! Булар ғирт қўрқоқчасига иш тутиб, мени шунчаки кафангадо қилиб, молларимни ўғирлашга тил бириктириб олишган экан. Очиқчасига тортиб олишга ботинишолмабди-да. Минг лаънат-э! Мана энди хароб бўлдим мен!

Ҳам ғазаб, ҳам қайғу-алам акс этиб турарди унинг охирги сўзларида.

Овчи ҳақиқатда ҳам мушкул аянчли аҳволда қолганди. Уни яқиндагина самоларга парвоз эттирган жамики орзу-умидлари бир зумда чилпарчин бўлди-қўйди. У бисотида бор будидан айрилди, нима мақсадда мазкур сафарга отланган бўлса, баридан жудо бўлди. Йўлда қанчадан-қанча қийинчиликлару хавф-хатарларни бошдан кечирмади — бари, бари беҳуда кетди. У икки қўлини бурнига тиқиб, илгаригисидан бешбаттар қашшоқлашиб қайтади энди,— шахсан ўзининг беш бош хачириям бошқаларига қўшилиб ғойиб бўлганди-да, ахир. Хўкизлари, садоқатли тулпорию аравалари — бисотида қолгани мана шуларгина, холос. Орқага қайтиш учун зарур бўлган озиқ-овқатларинигина ортишга аранг ярайди булар; ҳеч қанча бошқа юк, бирорта тери бойлами, йўлакай ўзи ва одамлари қоринларини тўйдиришларидан ортиқча бир парча эт олиб кетолмайдилар.

Талончилар от солиб кетган томонга бақрайганча тек туриб қолган дамда Карлоснинг хаёлидан ана шу ўй-фикрлар физиллаб ўтди. Овчи уларни қувишга уриниб ҳам кўрмаётган эди. Бу бефойдагина эмас, айни чоқда хатарли ҳам эди. Ўзининг ажойиб тулпорида уларга етиб олиши мумкин эди, аммо уларнинг найза-

ларига кўксини қалқон қилиб риҳлатга юз туттиш учунгина, холос.

— Лаънати алдоқчилар!— яна такрорлади у, сўнг-ра ўрнидан қўзғалиб, орқасига, қўтонга қайтди-да, ҳўкизларни буёққа ҳайдаб келиб, араваларга маҳкамлаб боғлашни буюрди: ҳиндуларнинг биронта кейинда қолган тўдаси уларга ҳужум қилиб қолиши мумкин эди-да, ахир.

Ухлаш хавfli бўлгани сабабли Карлос билан ҳамроҳлари қайтиб ётишмади ва мижжа қоқмай, ҳушёр тонг оттиришди.

XIV Б О Б

Бу кеча Карлос учун кулфатлию мусибатли, қайғули ўй-хаёллар билан кечган кеча бўлди. Бор будидан айрилгач, адоватли кайфиятдаги ҳиндулар орасида қолган, улар ният-ўйини ўзгартиб, ношуд овчиларни гумдон қилмоқ учун яна орқага қайтишлари мумкин эди. Уни уйдан, умуман олганда, оқ танлиларнинг истаган қишлоғу кентидан юз миллаб масофа ажратиб турар, бунинг устига ҳали ушбу улкан дашту биёбонни босиб ўтиши даркор эди. Кўнгли ғашу дили вайрон эди: уйда нималар кутаётган экан уни? Ахир у бисотидаги бор молу-дунёсидан жудо бўлди, қайтиб боргач, эҳтимол барчага роса кулги бўлар. Бунинг устига десангиз, айрилган бойлигини қайта қўлга киритишига, кўрган зарарининг ўрни тўлиб кетишига тариқчалик умид йўқ. Ҳукумат, шубҳасиз, унингдек арзимас бир одамнинг қасдини олишга бўлук йўлламайди икки дунёда; борди-ю испан аскарлари ҳатто хоҳлаган пайтларида ҳам буёқларга етиб келолмайдилар бари бир. Кейин, Вискаarra билан Робладолар уни деб аскар жўнатиб бўпти! Йўқ, буюмларини қайта қўлга киритишдан умидвор бўладиган жойи йўқ. Уни шафқатсизларча таладилар, бунга тан беришдан ўзга иложи йўқ. Олдинда эса мубҳаму нохуш, рўшноликсиз истиқбол кутяпти!

Тонг ёриша бошлади дегунича ваколлар қароргоҳига йўл олади — уларни очиқчасига мунофиқликда айб-лашдан қўрқмайди. Лекин бу ёрдам берармикин? Ин-найкейин, у ҳиндуларни илгариги манзил қурган жой-ларидан топармикин ўзи? Асло, аксинча, уни талаш

ниятига тушганларидаёқ бошқа жойга кўчиб ўтган бўлишлари керак.

Ўша тунда унинг хаёлига неча-неча марталаб бемаъни ўй-фикрлар келди. Қўлдан кетганини қайтариб бўлмайдикун-я, аммо ўч олиш мумкин-ку. Ваколарнинг ҳам ғанимлари бор. Баъзи қўшни қабилалар улар билан адоватда; Карлос пане қабиласи уларнинг қудратли душмани эканини билади.

«Қисматим аччиқ экан,— деб ўйларди Карлос,— лекин интиқом лаззатбахш-ку! Хўш, борди-ю, панеларни ахтариб топиб, ниятимни ўшаларга айтсам, найзам, камониму содиқ милтиғим сизларнинг ихтиёрларингда, десам-чи?.. Бу қабилла билан учрашмаганман сира, уларни яхши билмайман-у, лекин билгимда қувватим бор, шунинг учун ҳам ҳозир, интиқом ўтида ёнаётган эканман, улар менинг ёрдамга узатган қўлимни қайтаришмас дейман. Одамларим нариги дунёга бўлсаям бирга боришади мен билан, буни биламан. Тўғри, улар тагнос, тинч-ювош қабиладан, аммо нафсониятларига текканларида қандоқ олишиш ва қасд олишни биладилар».

— Ҳа, шундоқ, панеларни ахтариб топганим бўлсин!

Охирги сўзларни у деярли қаттиқ, қизишиб ва ишонч-ла айтди. Карлос кўп бош қотириб, иккиланиб ўлтиришга ўрганмаганди, шу сабабдан ҳам унинг аҳди-қарори қатъий эди. Бунинг ҳайрон бўладиган жойи ҳам йўқ эди: у билан шунчалик қабихона ҳамда шафқатсизларча муомала қилдилар, мабодо икки қўлини бурнига тиқиб қайтгудек бўлса уни шунчалик қайғулию аянчли истиқбол кутмоқда эдиким, бошига бундайин бахтсизликни солганларни қилмишларига яраша жазосини беришни жони-жаҳони билан истаётганди, шу билан бирга айрилган бойлигининг бир қисмини қайтариш умиди ҳам ҳали-ҳозирча мутлақо сўнмаганди — мана нима мажбур этганди уни ана шундай аҳду паймонга. Хуллас, Карлос шундай қарорга келган ва буни ҳамроҳларига айтишга тайёр бўлиб, оғиз жуфтлай деб турган эди ҳамки, афтидан қандайдир ўз ўй-фикрларига батамом берилиб кетган Антонио олдинроқ тилга кириб қолди.

— Ҳеч қанақанги ғалати нарсани пайқамадингизми-сиз, хўжайин?— деб сўради у.

- Қай пайтда, Антонио?
- Хачирлар қочиб кетаётганида.
- Хўш, нима экан ўша?
- Ҳалиги, бу фирибгарларни ҳаммасиям отда эмас-ди, ярмиларидан кўпроғи пиёда эди.
- Рост, мен ҳам пайқагандим.
- Гап мундоқ, хўжайин, команчиларнинг мустанг-уюрларини қандоқ ҳайдаб кетишларини неча марта талаб кўрганман, улар доим отлиқ бўлишарди.
- Хўш, нима бўпти? Булар команчилар эмас, ваколар-ку, ахир.
- Шундоқ, хўжайин. Лекин мен ваколар ҳам бари бир команчилардан: улар ҳақиқий чавандоз ва ҳаминша фақат отлиқ ҳаракат қилишади, деб эшитганман.
- Ҳа, тўғри бу,— дея жавоб қилди овчи ўйчан.— Очигини айтганда, бу ерда бир гап бор.
- Бошқа ҳеч қанақа ғалати нарсани сезмадингизми, хўжайин, ҳалиги, босқин пайтида?— дея сўзлашда давом этди метис.
- Йўқ, Антонио. Жудаям алам қилиб кетганди, иннайкейин десанг, бундай кулфатдан ўзимни йўқотиб довдираб қолгандим. Ҳеч нимани сезиб, пайқамабман. Хўш, яна нима гап?
- Ҳалиги, улар фақат овозлари борича қичқирибгина қолишмай, яна-тагин нақ қулоқни тешгандай ҳайқиршиям, энг асосийси эса — ҳуштак чалишди. Наҳотки эшитмаган бўлсангиз?
- У-ҳў! Хўш, сен-чи, эшитдингми?
- Аниқ эшитдим. Эшитгандаям бир марта эмас.
- Мени қулоқларим қай гўрда қолган экан?— дея ўз-ўзини ёзғирди Карлос.— Бунга ишончинг комилми, Антонио?
- Сираям шубҳаланманг, хўжайин.
- Овчи бир-икки дақиқа жим қолди, бутун эс-хушини жамлаб ўйга толди, қўққисдан, худди ўз-ўзи билан сўзлашаётгандай, тилга кирди:
- Бу, эҳтимол... Бу, балки... Ҳа, онт ичаман! Бу...
- Нима, хўжайин?
- Панеларнинг ҳуштаги!
- Мен ҳам шундай деб ўйлаяпман-да, хўжайин. Команчилар ҳеч қачон ҳайқириб, ҳуштак чалишмайди. Кейин, кивалар ҳам. Ваколарнинг бунақанги ишора берганларини умримда эшитмаганман. Балки булар

панелардир? Устига-уштак улар пиёда эдилар. Булар панелар бўлиши керак.

Карлоснинг ўй-фикрлари дарҳол ўзга йўналишга юз бурди. Антонио ҳақ бўлса ажаб эмас. Ҳуштак — панеларни бўлак жамики қабилалардан ажратиб турадиган ишора аломати. Бундан ташқари, пиёда кафандўзларнинг бу қадар йирик тўдасининг пайдо бўлиши — уларнинг яна бир ўзига хос хусусият-аломатлари. Карлос жанубдаги қабилалар ҳеч қачон бундай ҳарбий усулни қўлламасликларини биларди. Панелар ҳам чинакам, туғма чавандозлардан-у, лекин ўзларининг жанубга уюштирган бошқинларига кўпинча от миниб қайтиш умидида пиёда чиқадилар. Деярли ҳаммиша шундай бўлади ҳам.

«Бундан чиқди ваколари бекордан-бекор айблаётган эканман,— ўйларди Карлос.— Талончилар улар эмас, панелар экан-да!»

Аммо шу пайт янги шубҳа пайдо бўлди унда. Йўқ, ҳарҳолда ваколар ўғирлаб кетишган. Улар жўрттага панеларга ўхшаб ҳуштак чалишган, уни лақиллатиш учун. Улардан бир қисми пиёда бўлиб олган, бинобарин, қароргоҳлари шундоқ яқингинада. Утакаси ёрилиб ҳуркиб кетган ҳачирлар арқонларини узиб тирақайлаб қоча бошлагандан кейин ҳиндулар ҳам худди ўша томонга қараб ғойиб бўлдилар-ку, ахир.

Эртага олдиларига борган чоғидаям, турган гапки, улар, яқин-атрофда панелар пайдо бўлиб қолишди, ҳачирларни ўшалар ҳайдаб кетган, дейишади. Ҳачирларни кўролмайдиган у, албатта: жониворларни тепа-адирлар ортида бир ерга яхшилаб яшириб қўйишлари тайин.

— Йўқ, Антонио,— деди у ана шуларни атрофлича хаёлдан кечириб чиққач.— Душманларимиз ҳар қалай ваколар.

— Адашяпсиз-ов, деган умиддан, хўжайин.

— Ўзим ҳам умидвор бўлишни хоҳлардим-а, ошнам. Кеча кечқурун уларни дўст ҳисоблагандим. Уларни бизга душманлигига ишонч ҳосил қилсам, дилим қаттиқ ранжийди-да, ўзиям... Лекинига, худди шундоқ бўлиб чиқади деб қўрқаман.

Шунга қарамай, ҳарҳолда Карлоснинг тўлиқ имони комил эмасди бунга; у ўй сураркан, миясига ваколар ҳимоясига хизмат этгувчи янги бир далил келиб қолди. Ҳамроҳлари ҳам бу ҳолатни пайқашди.

Сўнги бир неча кун давомида бизонларнинг қайси томондан қочиб келаётганини ҳаммалари кўриб-билиб туришган эди. Улар шимол томондан жанубга қараб елиб-югуриб қочиб ўтишаётганди, баски шундоқ экан, уларнинг яққолу ошкора безовталанаётгани таъқибчилар яқиндалигини тасдиқлайдиган аломат эмасмиди, ахир? Ваколарга келганда эса, улар доимо Карлос манзилгоҳидан жануброқда ов қилишаётганди-ку, ахир. Афтидан шимол ёқда ов қилаётганлар қандайдир бошқа ҳиндулар кўринади. Эҳтимол панелардир улар.

Карлос янги дўстларидан шошмашошарлик билан шубҳа қилишда койиб-ёзғирди ўзини. Шубҳа-гумонлар қийнаётган эди уни. Балки тонг бу шубҳа-гумонларига барҳам берар.

Тонг ёриша бошлади дегунича у ваколар қароргоҳи сари йўл олади ва ҳаммасини аниқлайди ёки, ақалли, улар билан очиқчасига гаплашади.

Дашт узра тонг ёриша бошлагани замоноқ Антонио синчков нигоҳла ерни тўрт томонга қараб кўздан кечирришга киришди, унинг ўткир кўзлари туйқисдан ўт орасидаги аллақандай нарсага тушди. Яқиндагина хачирлар ўтлаб юрган жойдан хиёл нарида алланарса қорайиб кўринди. Эҳтимол бу дрок¹ ёки бирорта бутадир? Э-йўқ, ўхшамайди, шакли-тарҳи бошқача. Ўсимликдан кўра кўпроқ бирорта ҳайвон ётганга ўхшайди... балки баҳайбат бўридир? Уша жойга яқин ерда кечаси нимадир қимирлагандай туюлган, Карлос унга қараб ўқ узган эди.

Антонио ана шу ғалати нарсага кўзи тушгани заҳотиёқ Карлосга кўрсатди уни, шундай қилиб икковлари энди, тонги ғира-ширада уни тузукроқ илғаш ҳаракати-га тушиб қолишди.

Тобора кун ёришиб ўша нарсанинг шакли аниқлаша борар, дақиқа сайин овчиларнинг қизиқсиниши авжга минарди. Уларга қолса аллақачон яқинроқ боришган бўларди-я, лекин ҳиндулар қайтиб қолишлари мумкин дея хавфсираш ҳали-ҳануз тарк этмагани боисидан эҳтиёткорлик қилиб қўтондан чиқишмаётган эди.

Бироқ, орадан тагин озроқ вақт ўтгач, улар чидаб туришолмади: ниҳоят уёқдаги нима эканини билишлари керак-ку, ахир! Дилларида гумон уйғонган ва бунини текшириб кўришни истаб қолишган эди улар. Карлос билан

¹ Дрок — сариқ гулли, дуккакли чўл ўсимлиги.

Антонио аравалар оралаб ўтиб бориб, ўша ғалати нарса томонга қараб юришди.

Улар яқинроқ бориб, бу ҳиндунинг жасади эканини кўришди, илло унчалик ажабланишмади — афтидан, айнан шуни кутишган эди чоғи. Ҳинду ўт устида ер тишлаб ётарди; кўздан кечиришиб, биқинидаги жароҳатни кўришди; жароҳатдан кўп қон кетганди. Бу ўқнинг изи эди — Карлос хато отмаганди.

Икковлон энгашиб, яхшироқ кўздан ўтказиш учун жасадни ағдарди. Ҳинду тўлиқ жанговор қиёфада эди: белигача яланғоч, башараси билан кўкрагига бир қарашдаёқ душман кўнглига ваҳима соладиган қилиб бўёқ суртилганди. Карлосни ҳаммасидан кўпроқ ёввойиннинг бош кўриниши ҳайратда қолдирди. Қулоқларининг орқаси — энсаси ва чаккаларидаги сочи қиртишланган, тепароғи калта қилиб қирқилган, фақат энг тепасидагина узун кокил қолдирилган; уни ўриб, бошдан-оёқ патлар қадалган ва кокили елкаларига тушиб турибди. Қиртишланган чаккалари оч-қизил бўёқ билан бўялган, ёноқларига ҳам кўкрагига ҳам шундай бўёқ суртилган. Бу мурданинг кўриниши ваҳимали эди: кўкариб-бўзарган терисида ёрқин доғлар қизариб турибди, лаблари бўздай оқариб кетган ва кўзлари шишадай қотиб қолган.

Карлос миқ этмай бир неча дақиқа кўздан кечирди уни, кейин ўгирилиб, ҳамроҳига маъноли қараб турдида, ҳиндунинг қиртишланган боши ва оёғидаги мокасинини кўрсатиб, ушбу кашфиётидан ошкора, мамнун ҳолда деди:

— Пане!

Х В Б О Б

Ўлган ҳинду, шубҳасиз, пане қабиласидан эди. Унинг соч-кокиллари, мокасинининг бичими ва танасидаги жанговар бўёқлар шундан далолат бериб турарди.

Карлос у пане бўлиб чиққанидан хурсанд эди. Бунинг сабаби бор эди. Биринчидан, ваколарнинг хоин бўлиб чиқмаганлари қувонтирарди уни; иккинчидан, талончилардан бирини гумдон қилганди; ва ниҳоят, барига панелар айбдор эканига ишонч ҳосил этгач, унда ўғирлаб кетилган хачирларидан ақалли бир қисмини қайтариш ва

буни ваколар кўмағида амалга ошириш умиди қайтадан туғилганди.

Бунинг ҳеч қандай ақл бовар қилмайдиган ёхуд ажабланидиган жойи йўқ эди. Юқорида зикр этилганидек, ваколар билан панелар бир-бирларига ашаддий ёв. Ваколар панеларнинг қаердадир яқин-орада эканини билиб қўйсалар бас, ана унда албатта ганимларининг изига тушадилар — Карлос шубҳа қилмайди бунга. У ҳам чоққина тўдаси билан таъқибда қатнашади, борди-ю, панелар тор-мор қилинса, эҳтимол хачирларини қайтариб олар.


Овчи ҳозироқ ваколар қароргоҳига қараб от солиб, уларга панелар уруш сўқмоғига чиққанларини хабар қилиб, шундан сўнг ўшалар билан биргаликда умумий душманлари изига тушишни истаб қолди.

Аммо шу пайт унинг ҳам, Антонионинг ҳам эсига тушиб қолди: ахир панелар ваколар манзил қурган томонга қараб от солиб кетишган эди-ку! Қароргоҳгача бўлган масофа эса икки милдан ошмайди, шунинг учун ҳам панелар ҳатто тун чоғида уларни пайқамай қолишлари даргумон-ов. Хўш, борди-ю панелар ваколарни ғафлатда қолдириб, ҳозир улар билан жанг қилиб ётган бўлсалар-чи?

Ҳа, тамоман бўлиши мумкин, мумкингина эмас, тайин гап бу. Панелар нақ вақтида улгура олардилар, ҳужумга ўтиш учун вақт ҳам ниҳоятда қулай эди. Хачирларни ярим кеча бўлмаёқ ҳайдаб кетишган эди. Шундан кейин улар шак-шубҳасиз ваколар қўналғасига йўл солиш ва айнан одатда босқину талончилик қилганидиган соатда — ярим кеча билан тонготар палла оралиғида етиб боришган.

Карлос ваколарни огоҳлантиролмаёй қоламанми деб чўчиётган эди. Унинг дўстлари аллақачон нобуд бўлган бўлишлари мумкин. Буёғи қандоқ бўлмасин, ҳаялламай уларнинг қароргоҳига жўнашга аҳд қилди овчи.

Карлос Антонио ва пеонларга ўз манзилгоҳларини сўнгги иложу имкониятлари қолгунича ҳимоя қилишни буюриб, ўқ-ёйи билан милтиғини ола солиб, от елдириб кетди. Кун эндиғина ёришиб келаётганди, лекин овчи ваколарнинг қўналғасига элтадиган сўқмоқни билганидан сира қийналмай йўл топиб борарди. У эҳтиёт бўлиб бораркан, йўлда учраган ҳар битта чакалагу дарахтзорни олисдан диққат-ла кузатар, ўзи ошиб ўтадиган тепа-



ларнинг чўққисию ҳар битта ёнбағирликка синчков назар ташларди.

Бундай эҳтиёткорлик асло ортиқча эмасди. Панелар яқин-атрофда бўлишлари ҳеч гап эмас — эҳтимол ҳанузгача Карлоснинг манзилгоҳи билан ваколар қўналғаси оралиғидаги йўлнинг ўртасида пистирмада туришгандир ёки тепаю адирлар орасида дам олишаётгандир.

Овчи бир ёки икки ғаним билан тўқнашиб қолишидан унчалик хавфсирамаётганди. У садоқатли оти панд бермаслигини, бирор ҳинду зоти уни қувиб ета олмаслигини биларди. Аммо уни бир йўла ўнлаб рақиблари қуршаб олиши мумкин, ана унда ваколарнинг вигвамларига етиб боролмайди. Карлос бундай эҳтиёткорлик ила олға силжиётганининг сабаби ана шунда эди.

У зўр бериб осудалигу сокинликка қулоқ соларди. Ҳар бир товушни илғаб олар ва ичида нималигини аниқлаб борарди: ана, эманнинг шаббалари орасига биқиниб олган ёввойи курка «ғулуғулулаб» кўйди; қоқ қуруқ дўнгликда каклик қанотларини қоқди патирлатиб; кийик пишқирди; чўл суғури майину нозиккина садо берди. Буларнинг бари яхшигина таниш товушу овозлар эди, шундай бўлса-да, бари-бир ҳар гал Карлос жойида тек қотиб, сергак қулоқ соларди. Бошқа вазиятда у буларга эътибор ҳам бермаган бўларди-ю, аммо ҳиндуларнинг ҳайвонлар ва қушларга тақлид қилишда устаси фаранг эканликларини билганидан бу товушлар ҳақиқий ёки сунъийлигини аниқлашга уриниб, қулоғини динг этарди. У панеларнинг кечаси ўтган изларини кўриб борарди. Ўт-ўланлар устида қолган изларнинг мўллигига қараганда бу йирик бўлинма эди. Сойни кечиб ўтаётганида Карлос қумдаги мокасин изларини кўриб қолди. Демак, ҳиндулар орасида (гарчи аксариятлари ҳозирда ўғирлаган хачирларини миниб юрганлари шубҳасиз бўлса-да) пиёда қолганлари ҳам бор эканда ҳалиям.

Шу тариқа Карлос буёғига яна ҳам эҳтиёткорлик билан бораверди. У ваколар манзилига элтадиган йўлнинг ярмига бориб қолибди ҳамки, панеларнинг излари ҳамон ўша тарафга қараб кетганди. Наҳотки шундай тажрибали жангчилар ваколар қароргоҳини пайқамаган бўлсалар? Албатта пайқамай иложлари йўқ. Олдинида улар ваколарнинг вигвамларидан Карлоснинг манзилгоҳига қараб кетган йўлкани кўришган, албатта, сўнг

вигвамларни ўзини ва аллақачон бостириб боришгандир балки... эҳтимол...

Овчининг хаёллари қўққисдан чўрт узилди. Олисдан аллақанақанги товушлар: қутқули қийқириғу наъралар, узлуксиз баланд, аммо тушунарсиз ғовур ҳамда беҳисоб овозлар ғузури эшитилди. Ана шу шовқин-сурон орасидан гоҳ чуввос, гоҳ шодиёна қийқириқ, гоҳ қулоқни тешгудек қаттиқ ҳуштак янграр, зафар тантанаси ёхуд, эҳтимолки, интиқом нашидасидан дарак бериб дашт бўйлаб олис-олисларга таралар эди.

Карлос мазкур ҳайқириқ ва наъралар нимани англашини биларди: жангу жадал, даҳшатли, қирғинбарот жанг шовқин-сурони эди бу!

Шовқин-сурон худди Карлос чиқиб бораётган тепалик ортидан келаётган эди.

У отини ниқтаб тепа кифтига етиб борди-да, қуйиға, водийға тикилди. У ерда жанг авжида эди.

Карлоснинг кўз ўнгида қонли олишув кетаётган дала тўлалигича намоён бўлди. Олти юз чоғли қизил танли сувори дашт узра от сурарди; ана, улар найзаларини ўқталганча бир-бирларига қараб отларини елдириб боришяпти, ана, олисда турган кўйи кетма-кет камон тортиб, ғанимлари устига дўлдай ўқ ёғдирыптилар, анави ёқда эса бетма-бет рўпара бўлиб, яккама-якка олишувга киришганлар қирон келтиргувчи томагавкларини ишга солдилар. Бировлари бутун бошли бўлугу бўлинмалари билан, узундан-узун найзаларини шайлаганча ёвга ҳамла қиляпти, бошқалари қочиб жон сақлаяпти, бир хиллари отидан айрилиб, пиёда жанг қилишяпти. Баъзилари тўп-тўп дарахтлар орқасига биқиниб олишган, душманнинг орқасидан камондан ўқ узиш ёки курагига найза санчишга қулай фурсат келиб қолди дегунча биқинган жойларидан отилиб чиқишяпти, хулласи калом, бу хунрезлик баҳсининг охири-ниҳояси кўринмайди.

На биронта варанглаган ўқ овози эшитилар, на бирон кимса жангчиларни жангга йўллаб мугуз чалар, на дўмбира-ноғоралар гумбурлар, на тўп-замбаракларнинг гумбур-гумбури янграр, на ракеталар париллаб ёнар, на кўк сари кўкимтир-оқиш тутун булутлари ўралади, аммо ушбу белги-аломатларсиз ҳам янглишмасди киши: бу даштнинг ўзига хос мусобақалари бўлмиш жангари ўйинлар эмас, балки ҳақиқий жанг эди. Ваҳшиёна қийқириқлару янада ваҳшиёнароқ ҳуштаклар... Шиддаткор ҳам-

лалар... Қутуриб, ёвузона ҳайқиришлар, музаффарона тантана ҳамда интиқом нидолари... Эгасиз қолган отларнинг пишқиришию кишнашлари... Ҳамма ёқда ер тишлаган ҳиндуларнинг жасадлари, қонга беланган бошлари офтобда қип-қизариб ётибди — ғанимлари аллақачон уларнинг калла хомларини шилиб олган... Қонга бўялган найзаю пичоқлар... Ҳа, ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас: бу ерда жанг, ҳаёт-мамот жанги кетяпти. Жанг майдонида ваколар билан панелар тўқнаш келганлар, мана улар жончиқарга олишиб ётибдилар.

Карлос бир қарашдаёқ фаҳмлади буни, бирор дақиқача жангни кузатиб тургач, у бир қабиланинг жангчиларини иккинчисидан ажрата бошлади. Панелар тўлиқ жанговар қиёфаю либосда эдилар, уларни ўриб қўйилган кокилларида таниб олиш мушкул эмасди. Ваколар орасида эса (душманлар уларни ғафлатда қолдирганлари шубҳасиз эди) кўпчилик одатий овчилик либосида — калта камзул кийган, тиззаларига кўн тиззабанд тақиб олган эди. Бироқ ваколардан баъзилари ҳам худди рақиблари сингари ечиниб олган эди, илло Карлос уларни ҳилпираб турган қуюқ сочларига қараб панелардан осонгина ажратиб турарди.

Карлоснинг миясига келган дастлабки фикр — олға от суриб, жангга киришиш бўлди: ваколар тарафида, албатта. Жанг сурони уни қитиқлаб, қизиштириб қўйган, уни яқингинада кафангадо қилган талончиларни кўриб тургани эса бетийиқ интиқом истак-иштиёқини кўзитиб юборган эди. Талайгина панелар ҳозир ўзлари ҳайдаб кетган унинг хачирларини миниб юришибди, қисқаси, Карлос хачирларидан лоақал бир нечтасини қайтариб олишга жазм этди.

У энди отини ниқтаб, жангга ташланишга чоғланган ҳам эдики, бирдан жанг майдонида ҳамма иш ўзгарди-ю, у жойида қола қолди. Панелар чекина бошладилар.

Улардан аксарияти оти бошини буриб, орқа-олдига қарамай қочиб тушди.

Ана шунда Карлос пастга қараб, панеларнинг уч жангчиси тўғри у турган ерга қараб отларини учуриб келаётганини кўрди. Бўлукнинг катта қисми ҳали жанг қилаётган ёки дашт бўйлаб тўзиб кетганди, лекин бошқалардан ажратиб қўйилган ўша учови тўғри унга қараб от елдириб келишаётган эди.

Овчи отини дарахт орқасига ҳайдади, уни пайқамаган уч сувори жуда яқинлаб келиб қолди.

Худди шу пайт уларнинг кетидан ваколларнинг жанговар наъраси янгради-ю, Карлоснинг қочқинларни қувиб келаётган икки вако чавандозга кўзи тушди. Қочқинлар ўгирилиб қараб, рақиблари атиги икки кишигина эканини кўришгач, отларини орқага буриб, жангга ташланишди.

Биринчи дапқир ҳамладаёқ таъқибчилардан бири ҳалок бўлди, шунда иккинчиси уч нафар душман билан бетма-бет қолди, Карлос ваколлар сардорини таниди, бу ўша эди.

Яқин-атрофда қамчи чирсиллагандай бўлди — Карлос тепкини босганди, шунда панелардан бири гуппа отдан қулади. Қолган икки шериги қай томондан ўқ узилганини билолмай, ғанимлари сардори устига бостириб бораверди; бироқ, у душманларини яқинроқ келишларига йўл қўйиб бериб туриб, ғанимларидан бирига човут солди-ю, томагавки билан калласини қоқ иккига бўлиб ташлади. Аммо остидаги оти сардорни нарига суриб кетди-ю, у отини буриб улгурмасиданоқ учинчи пане, моҳир жангчи, орқасидан етиб бора солиб кураги ўртасига узун найзасини санчди; найза танани буткул тешиб ўткир учи кўкрагидан буёққа чиқиб турарди. Сўнгги ўлим олди наъраси-ла отдан гуппа ерга қулади марди-майдон ҳинду.

Унинг душмани ҳам ўша ондаёқ ҳалок бўлди. Карлос камондан узган ўқ сардорни қутқариб қололмади-ю, лекин унинг қасосини олди. Камон ўқи панегга нақ найза санчиб турганида бориб теккан ва у найза дастасини маҳкам чангаллаганича ўз қурбони билан баб-баравар қулаган эди ерга.

Майса устида ёнма-ён чўзилиб ётган бу икки жасаднинг кўриниши даҳшатли эди, аммо Карлос уларни кўздан кечириб ўлтирмади. Жанг майдонининг нариги чеккасида ҳануз шиддатли жанг борарди, шу боисдан Карлос отини ниқтаб, олишувнинг энг қалин жойи сари учириб кетди.

Аммо-лекин панелар аллақачон кўплаб сара жангчиларидан айрилган, бундан ваҳимага тушиб қоча бошлаган эдилар. Карлос музаффар вако бўлуқлари сафида улар ортидан қувишга тушган, дам-бадам чекинаётган талончиларга қарата милтиқдан ўқ узар эди. Кейин,

бирорта тасодифий тўда ўзининг манзилгоҳига бориб қолишидан хавотир олиб таъқибни бас қилди-ю, ўша ёққа от қўйди.

Манзилгоҳда ҳаммаси жойида экан. Антонио билан пеонлар аравалар панасига биқиниб, ҳар қандай ҳамлани қайтаришга шай бўлиб ётишган экан. Ўз шерикларидан ажраб қолган ҳиндулар ёнгиналаридан ўтиб кетган ҳоллар ҳам бўлибди-ю, лекин ниҳоятда қўрқиб, эсхоналари чиқаёзганидан овчиларга ҳужум қилиш хобихотираларига келарди дейсизми уларни.

Бу ерда ҳамма иш жойида эканига ишонч ҳосил қилган Карлос тагин отини буриб, орқасига, ҳозиргина бўлиб ўтган жанг майдонига томон елдириб кетди.

XVI БОБ

Карлос ваколар сардори ҳалок бўлган жойга яқинлашаркан, кўплашиб айтилаётган марсия қулоғига чалинди.

Янада яқинроқ боргач, отдан тушиб тор доира шаклида жасадни қуршаб олган жангчиларни кўрди у. Бу ҳалок бўлган сардорнинг жасади эди. Бошқалар, душманни узоқроқ таъқиб этганлар энди-энди тўпланаётганди, даврага қўшилаётган ҳар бир киши ўша ғамгину маъюс марсияга жўр бўларди.

Овчи ҳам отдан тушди ва даврага тақалиб келди. Бир хиллар уни ҳайрат тўла нигоҳ-ла қарши олди, лекин бошқалари, жанг пайтида овчининг ўзларига ёрдам берганидан хабардорлари унинг ёнига келиб, у билан қўл олишиб омонлашардилар. Сўнгра бир кекса жангчи Карлосни қўлидан тутиб, давра ўртасига олиб ўтди-да, индамай сардорнинг қотиб қолган бетига ишора қилди — бу билан у овчига сардорлари ҳалок бўлганини маълум қилаётган эди.

На у, на жангчилардан бошқа бирортаси содир бўлган ушбу фалокатли воқеада Карлоснинг ҳам қандайдир иштироки борлигини биларди. Ҳаёт қолганлардан ҳеч зоғ сардор ҳалок бўлган олишувнинг шоҳиди бўлолмаганди. Мазкур очиқ майдончани ҳар тарафдан баланд-баланд дарахтлар қуршаб тургани боисидан дашт томондан кўринмасди у, ушбу қонли олишув чоғида эса жанглар бу ердан олисларда бораётган эди. Ана шунинг

учун ҳам қария Карлосга янгиликни етказяпман деб ўйлади, у ҳам чурқ этиб оғиз очмади.

Карлос индамасликка индамади-ю, лекин жасуру довюррак жангчиларнинг саросимага тушиб қолганини кўриб турганди: ерда ҳалок бўлган беш ҳиндунинг жасади ётибди-ю, аммо-лекин улардан бирортасининг бош териси — каллахоми шилиб олинмабди-я! Бунинг маъноси қандоқ бўлди? Уч пане ва икки вако — сардор билан яна бир жангчи — ўлдирилган. Улар бир-бирларини бир-варакай ўлдириб, ҳаммалари яна айни ўша дақиқада бараварига ҳалок бўлишлари мумкин эмас-ку, ахир?! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Бир пане билан бир вако сал нарироқда, бошқа учтаси ёнларида ётибди, улар қандай ўлим топган: сардор найза танасини тешиб ўтганича, кушандаси эса найза дастасини маҳкам тутганича унинг орқасида ётибди. Сардор ҳануз қонга бўялган томагавкини чангаллаганча ётибди, иккинчи паненинг қоқ икки палла бўлган калласининг жароҳати мазкур томагавкнинг охири зарби қаерга тушганини кўрсатиб турибди.

Ушбу манзаранинг туб маъно-мазмунни ҳиндуларга кундай равшан, бунда ҳеч бир сир-синоат йўқ эди. Аммо уларнинг сардорлари қотилини ким ўлдирган — мана нимани тушуна олмаётганди улар. Бу ерда беш жангчи ер тишлабди, лекинга мазкур қонли тўқнашувда қатнашиб омон қолган яна биров бўлиши керак.

Мабодо у пане бўлганида ваколлар сардорининг каллахомини шилиб олмай туриб қочиб қолармиди? Бундай ўлжа уни бир умр шон-шуҳратига чулғаши турган гап эди-ку, ахир! Борди-ю, бу вако бўлса, хўш, ким ўзи у ва қаёққа ғойиб бўлди?

Ана шу саволлар оғиздан-оғизга кўчарди-ю, бирор кимса жавоб беролмасди уларга. Бироқ баъзи жангчилар ҳали таъқибни давом эттиришяпти — балки ўшалар бирон нимани билишар? Ҳозирча эса улар қайтмаган экан, ҳалок бўлган сардор тепасида яна марсия янграй бошлади.

Ниҳоят, довюррак жангчиларнинг бари жам бўлиб, сардорнинг атрофида давра қурдилар. Кекса жангчилардан бири олдинга чиқди-да, сўзламоқчи эканини англаувчи ишора қилди. Орага пашша учса эшитилгудек жимлик чўқди-ю. у сўзлай бошлади:

— Ваколлар! Биз қувонмоғимиз лозим эди, аммо қал

бимизга гам-қайғу чағ солди. Ғалабамизга беқиёс му-
сибат соя ташлади. Биз отамиз, биродаримиздан жудо
бўлдик! Бизнинг шавкатли, суюкли сардоримиз ҳалок
бўлди. Бошимизга оғир мусибат тушди! Ажал унга тан-
тана онда, унинг забардаст дасти душманнинг бошини
қоқ икки палла қилиб турган сониясида чағ солди.
Унинг жангчилари қалбини ғам-алам эгаллади, бу қай-
ғу-алам эл-элатининг юрагидан узоқ йиллар ўчмайди!
Ваколар! Сардоримизнинг қасди олинган. Кушандаси
оёқлари остида ётибди — ажал элчиси бўлмиш камон
ўқи унинг танасини тешиб ўтиб, унинг қонига беланган.
Қани, ғанимин қулатган қайси бирингиз?

Шундай дея у, худди жавобни кутгандек, пича жим
турди.

— Ваколар!— давом эттирди сўзини у.— Суюкли сар-
доримиз ҳалок бўлди, дилимизни ғам-қайғу босди. Илло
унинг қасди олинганини билишдан хурсандмиз. Мана
у — манфур қотил, унинг каллахоми шилиб олинмаган
ҳали. Ушбу ўлжага муносиб хизмат кўрсатган жасур
жангчи ким? Қани, олдинга чиқиб, шилиб олсин уни!

У тағин жим қолди — яна ҳеч ким на сўз, на бирон
ҳаракат билан жавоб қилди унинг чақириғига.

Карлос ҳам ҳамма қатори жим турарди. У жангчи-
нинг сўзларини тушунмаётган эди, зеро у овчи билмай-
диган вако тилида гапираётган эди. У кекса жангчининг
ҳалок бўлган сардор ҳақида, сардорнинг ғанимлари тўғ-
рисида сўзлаётганини фаҳмлаб турганди-ю, бироқ ай-
тилганларнинг аниқ маъноси қоронғи эди унга.

— Биродарлар!— дея яна сўзлай бошлади кекса
жангчи.— Ўша баҳодир камтар экан, кўрсатган жасорат-
лари ҳақида миқ этмаяпти. Баҳодир жангчининггина қў-
лидан келган бу иш. Шундоқ экан, қани, ўша мардмай-
дон тан олсин, буни айтишдан чўчимасин асло! Ваколар
ўзларининг суюкли сардорлари қасдини олган жангчи-
дан миннатдор бўладилар.

Орага тағин жимлик чўкди-ю, сукунатни нотиқнинг
овозигина бузди янғитдан.

— Биродар жангчилар!— овозини баландлатиб қиз-
гин давом эттирди у сўзини. — Мен, ваколар миннатдор
бўладилар, дедим. Қулоқ беринглар, буёғига мана бун-
доқ гапларим бор сизларга!

Барчалари имо-ишора билан тинглашга тайёр экан-
ликларини билдиришди.

— Бизда, ўзларинг билгандек бир одат бор — қабиламиздаги энг довиорак одамни сардорликка сайлаймиз. Мен сардорни шу тобдаёқ, ана шу ерда — ҳалок бўлган сардоримизнинг қонига бўялган жанг майдонидаёқ сайлашни таклиф қиламан. Таклиф қиламанки, мана шу жасоратни кўрсатган одам янги сардоримиз бўлсин.— Шундай деб у ўлдирилган пане жасадини кўрсатди.

— Сардорнинг қотилидан ўч олган одамни йўқлайман мен ҳам!— деган овоз эшитилди.

— Мен ҳам!— дея қичқирди яна аллаким.

— Мен ҳам! Мен ҳам! — бирин-кетин хитоб қилишарди жангчилар.

— Ана шунда биз тантанавор суратда қасамёд қиламизки, ушбу ўлжа ҳақли равишда кимга тегишли бўлса,— дея нотик паненинг каллахомини кўрсатди,— ўша вако элатининг сардори бўлади!

— Қасамёд қиламиз!— бир оғиздан ҳайқиришди давра қуриб турган жангчилар, ҳар қайсиси қўлини кўксига қўйиб,

— Бас, етар!— деди кекса жангчи.— Вако қабиласининг сардори, садо бер! Ўз элатинг қаршисига чиқ!

Орага қабристон сукунати чўкди. Ҳар бир жангчи бошқаларнинг афтига синчиклаб тикилар, ҳаммаларининг юраклари гурсиллаб тепар, барчалари янги сардорни қутлашга тайёр эди.

Ўзини қандайин шон-шарафу юксак мартаба кутаётганини тасаввур ҳам қилмаётган Карлос хиёл четроқда турар ва ўзининг қизил танли дўстларини қизиқиш-лакузатар эди. Кекса жангчининг нимага даъват этаётганини фаҳмламаётган ҳам эди. Бироқ, ёнида турган ҳинду испанчани билар экан, ана ўша ниҳоят Карлосга жангчилар нимани кутишаётганини тушунтирди. Карлос камтарона тарзда ўз эътирофу иқрорини эълон қилишга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, даврадаги жангчилардан бири хитоб этиб қолди:

— Яна нимани кутяпмиз ўзи? Агар қамсуқумлик ўша жангчининг тилини боғлаб турган бўлса, унинг қуроли айта қолсин буни. Ана қаранглар, унинг камон ўқи ҳанузгача қотилнинг танасига қадалганча турибди-ку. Уни тамғаси бор. Балки тамғаси айтиб берар жангчининг исмининг?

— Ҳақ рост!— деди кекса жангчи тўлқинланиб.— Камон ўқидан сўраганимиз бўлсин!

Шундан сўнг олдинга бир қадам ташлаб, паненинг танасидаги камон ўқини суғуриб олди-да, уни баланд кўтарди.

Ҳамманинг кўзи ўқнинг учидаги найзага қадалди-ю, ўша ондаёқ бараварига таажжуб нидоси янгради: ўқ найзаси маъдан эди. Бирор вако зоти ҳеч қачон бундай нарсани ишлатмаганди.

Ўша лаҳзадаёқ жамики саволу ҳайратга тўла кўзлар Карлосга, бизон овчисига қаратилди. Улим келтирган ўқни унинг қўллари йўллаганини тушунди барчалари; аллаким эса учинчи паненинг милтиқ ўқидан ер тишлаганини кўриб, ўз кашфиётини баралла маълум қилди. Бу ҳол уларда узил-кесил ишонч ҳосил қилди.

Ҳа, шундоқ, шубҳа бўлиши мумкин эмас: уларнинг сардорлари қасдини оқ юзли олган!

ХVII Б О Б

Эндиликда жангчиларнинг нимани суриштириб ётганларини билиб олган Карлос олдинга чиқиб, испанчадан унча-мунча хабардор ҳинду кўмагида сардорнинг қандай ҳалок бўлгани ва мазкур ҳалокатли олишувда ўзининг қанчалик иштироки борлигини икки оғизгина қилиб гапириб берди.

Унинг сўзларига жавобан маъқулловчи говур янгради, ёш жангчилардан энг қизиққонлари овчи томон отилиб, қўлини маҳкам қисиб, қизгин миннатдорчилик билдира кетдилар. Эндиликда ўзларининг соғ-омон қолганлари эвазига айнан Карлос олдида бурчли эканликларини деярли барчалари билиб олгандилар. Негаки, кечаси милтиқдан узилган ўқ овози ваколари хавфдан огоҳ этганди-да, ахир. Агарда у бўлмаганида панелар қароргоҳни ғафлатда қолдириши тайин эди, ана унда, ким билсин, бу кун қандайин оқибат-ла тугарди? Худди ана ўша милтиқ овози эшитилгани учун ҳам панелар ўзлари сира кутмаган қаршиликка учраган эдилар-да; уларни жувонмарг қилган ва омон қолганларини шармандаларча чекинишга мажбур этган ҳам ўша ўқ овози бўлган эди.

Овчининг ўзлари тарафда жанг қилаётганини ва душманларини ўлдираётганини кўрганларида ваколарнинг қалби миннатдорлигу қувонч туйғуларига тўлганди; энди бўлса, оқ юзли жангчи яна суюкли сардорлари

қасдини олганини тушунгач, улар ўз сезги-туйғуларига шунчалик эрк бердиларким, ҳаво бир неча дақиқа ҳайратлию ҳаяжонли ҳайқириқлардан титраб, ларзага келиб турди.

Ҳаяжонланиш бир оз пасайгач, кекса сардор тагин олдинга чиқди. Барча уни бағоят ҳурмат қилар ва кўриниб турибдики, ҳамиша сўзига қулоқ соларди. Унинг бу галги сўзлари Карлосга қаратилди.

— Оқ танли жангчи!— деди у.— Мен вако қабила-сининг жасур жангчилари билан гаплашдим. Сеннинг олдинда кўп жиҳатдан қарздор эканликларини ҳаммалари тушуниб-фаҳмлаб туришибди, кейин, уларнинг миннатдорчилигини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Биз бу ерда ҳозиргина нима хусусида кенгашиб олганимизни сенга тушунтиришди. Мана шу ерда, ҳалок бўлган сардоримиз тепасида, унинг қасдини олган одам бизнинг сардоримиз бўлади, деб қасамёд қилдик. У пайтда биз ўша мардимайдон жангчи — оқ танли биродаримиз бўлиб чиқади деб ўйламаган эдик. Ҳозирда эса буни биламиз, локигин шу нарсани деб қасамимизни бузиб, сўзимиздан қайтармидик? Йўқ асло! Буни хаёлимизга ҳам келтиролмаймиз. Қулоқ сол: ўз қасамимизни яна бир карра тантана билан такрорлаймиз!

— Қасамимизни такрорлаймиз!— жангчилар даврасидан акси садодай янгради бу ҳайқириқ, айни чоқда ҳар бири қўлини кўксига қўйди.

— Оқ танли жангчи!— сўзини давом эттирди нотиқ. — Бизнинг онтимиз муқаддас. Биз сенга таклиф этаётгандан юксакроқ шараф йўқ жангчи учун. Ушбу шоншараф, илтифот тошини чинакам жангчигина кўтара олади. Кучсиз, ночор одам, ҳаттоки у машҳур сардорнинг авлоди бўлган тақдирдаям, ҳеч қачон бошқармаган мард вако элини. Ушбу шарафли мартабани сенга таклиф этишдан чўчимаймиз биз. Агарда уни қабул этсанг, бошимиз осмонга етади. Эй мусофир! Биз ўзимизнинг оқ танли сардоримиз билан фахрланамиз, зеро сен, гарчи оқ танли бўлсанг ҳам, ҳақиқий жангчисан! Биз сени ўзинг ўйлаганингдан кўра яхшироқ биламиз. Биз сен ҳақингда иттифоқчиларимиз, команчилардан эшитганмиз, ҳа-ҳа, бизон овчиси Карлос тўғрисида эшитганмиз. Биламиз: сен — улуг жангчисан, локигин биз шу қатори ўз ўлкангда, оқ танли одамлар орасида сен ҳеч ким эмаслигини ҳам биламиз. Тўғри сўзлимиз

учун бизни кечирасан-у, локигин рост эмасми ахир бу? Биз сенинг халқингдан нафратланамиз: негаки сенинг биродар-ҳамжинсларинг золим ҳукмрон, ё қул. Буларнинг барини биродарларимиз команчилардан билиб олганмиз, иннакейин, улар сен тўғрингда кўп нарсаларни гапириб беришган. Шундай қилиб, сени кимлигингни биламиз биз. Бу атрофларда пайдо бўлганинда ёқ таниганмиз сени ва сени кўришдан хурсанд бўлганмиз. Биз сен билан худди дўстимиздай савдо қилдик. Эндиликда эса сени ўз биродоримиздай қутлаймиз, сенга. башарти сени ўша қадр билмас халқинг билан боғлайдиган ришта-муносабатлар бўлмаса, миннатдорлигига заррача шубҳа йўқ халқ оиласига қўшил, деймиз. Биз билан қол, бизга сардор бўл!

Қария сўзини тугатар экан, узлуксиз акс-садо таралгандай бўлди: давра қуриб турган жангчилар олдинмакетин унинг сўнгги сўзларини такрорлаётган эдилар; кейин нақ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди ҳаммаёқ.

Карлос шунчалик таажжубда қолганидан дарҳол жавоб беролмади. Уни ҳайрон қолдирган нарса фақат ўзига хос тарзу услубда таклиф этилаётган ушбу фавқулодда шон-шарафгина эмасди — кекса жангчининг унинг ҳаётидан бунчалик яхши хабардорлиги лол қилиб қўйган эди овчини. У ҳақиқатан ҳам команчилар билан савдо қилар, улар билан дўстона муносабатни давом эттирар команчилардан баъзи бирлари гоҳи-гоҳида ҳатто Сан-Ильдерфонсога бориб ҳам турарди. Аммо лекин ёввойиларнинг ижтимоий шароитининг туб моҳият-ҳолати маъносига бу қадар етиб бора олганлари ғалати туюлмайдими ахир? Ахир бу ҳақиқат: Карлос ўз халқи срасида хўрланган, таҳқир этилган одамдай бир гап-ку... Бироқ, буларнинг бари қанчалик ғалати ва ҳайрон қоларли бўлмасин, ушбу хусусда бош қотиришга фурсати йўқ эди шу тобда: жангчилар жавоб кутишмоқда эди.

Нима жавоб қилсин? Четга чиқариб қўйилган, орзумидлари пучга чиққан унингдек одамга тўсатдан мазкур таклиф қабул қилса арзигундек туюлиб кетди. Ўз уйида аҳволи қулдан бир баҳя фарқ қилади, холос: бу ерда эса раҳнамолик қилади — бир оғиздан сайланган ҳукмдор.

Гарчи ваколарни ёввойи деб атасалар-да, чинакам жангчи улар, уларда юрак бор, одамшаванда улар, ўз-

лариям ҳақиқий одам. Улар исботладилар буни. Онаси билан синглиси унинг тақдиру қисматига шерик бўладилар, лекин Каталина... Каталина ҳақдаги ўй бутун шубҳа-гумонларига барҳам берди-ю, ортиқ бош қотирма... қўя қолди.

— Саховатли жангчилар!— дея гап бошлади у.— Менга кўрсатаётган илтифоту марҳаматларингиз қанчалик беназир эканини чин қалбимдан ҳис қилиб турибман. Сизлардан қанчалик бениҳоя миннатдор эканимни айтишга муносиб сўз тополмай турибман. Шу сабабдан сизларга қисқа ҳамда очиқчасига жавоб бераман. Ҳа, ўз ўлкасида беобрў эканим, қашшоқларнинг қашшоғи эканим рост, лекигин мени қадрдон тупроғим билан боғлаб турган ришталар бор — бу қалб ришталари, улар мени орқага қайтишга мажбур этяпти. Сўзим тамом, вако жангчилари!

— Бас!— деди кекса жангчи.— Кифоя, довюрак мусофир! Нимага бундай қарорга келдинг деб қисталангига олиб ўтирмаймиз биз. Башарти сен бизга сардор бўлмаган чоғингда ҳам, дўстимиз бўлиб қоласан. Сенга озроқгина бўлса-да миннатдорчилик билдиришга имкониятимиз бор. Сен бизнинг ганимларимиздан озор топиб, бисотингдан айрилдинг, аммо биз сенинг хачирларингни топдик, улар яна сеники. Сендан тағин бир нарсани ўтинамиз: бизнинг кулбаларимизу дастурхонимиз жўнгина, локин бир неча кун биз билан қолиб, меҳмонимиз бўл. Розимисан?

— Қол!— барабар такрорлашди жангчилар.

Шундай қилиб, Карлос ўша заҳоти қабул этди таклифни.

Бир ҳафтадан сўнг бизон терию қоқ гўшт ортилган элликка яқин хачир Льяно Эстакадонинг шарқий ёнбағридан аранг кўтарилиб, мазкур ҳувиллаган ясситоғлик бўйлаб шимоли-ғарб томонга йўл олди. Хачирлардан бирига миниб олган ҳайдовчи метис эди. Қизил танли пеонлар ҳайдаб келаётган ҳўкизлар хачирлар кетидан тортиб борарди учта аравани; ғилдираклар шунчалик зўр ғижирлардики, ҳатто акас буталари оралаб писиб келаётган бўрилари ҳуркитиб юбораётган эди. Олдинда қорабайир тулпорда чавандоз йигит савлат тўкиб келаяпти; у дам-бадам орқасига бурилиб, кетидаги ажойиб хачирлар уюрига мамнун қараб-қараб қўяди. Бу Карлос эди.

Ваколар ҳақиқатан ҳам қўли очиқ халқ экан. Қабила ҳалок бўлган сардорларининг ўчини олган одамга ўнлаб хачирни устига юкланган юки билан тортиқ қилганди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмасди. Овчининг кўкрагида, камзули чўнтагида ноёб бойлик солинган тўрвача ётибди — бу ҳам ваколар совғаси, яна-тагин улар ўз меҳмонларига бунақанги совғани охирги марта ҳадя қилмаётганларини айтишди. Тўрвачадаги нима эди ўзи? Тангами, қоғоз пулми, қимматбаҳо тошларми? Йўқ, бор-йўғи қум, ҳа, қум-у, лекин сариқ, ялтироқ қум. Олтин эди бу!

XVIII Б О Б

Байрам кунининг эртасига қалъада чоғроққина тушлик зиёфат берилди. Комендантнинг бир неча бўйдоқ ошналари — маҳаллий ҳазилкаш-чистончилар, шу қаторда Эчевариа сатанг ҳам таклиф этилганди. Меҳмонлар орасида руҳоний тақсирлари ҳам, миссионер отахонлар ҳам борийди; бу икковларининг бутун фикри-хаёли зиёфат дастурхонида — уларнинг ўрнида бўлса истаган франчисколик ҳам шундай қилиши аниқ эди.

Улфатлар аллақачон мексика пазандалиги маҳсулотларидан озмунчасини: мол гўшти, жаркоп, қалампирнинг жамики туридан тотиниб улгурган, ҳозирда зиёфат камзуллар ечилиб, вино — канарио дейсизми, херес ва педро дексименес дейсизми, мадераю бордо дейсизми, бари хилидан — дарёдай қўйиладиган авж палласига етган эди; столга анвойи турдаги шишалар териб, қалаштириб қўйилганди; кучлироқ ичимликни ёқтирадиганлар учун чирпитларда олтинранг каталон ҳамда мараскино ичимлиги қўйиб қўйилганди. Нимасини айтасиз, комендантнинг ичимлик хазинаси чакки эмасди. У бу ерда фақат ҳарбий комендантгина эмас, шунингдек, юқорида зикр этганимиздек бож тўпловчи ҳам эди — бошқача қилиб айтганда, божхона мутасаддиси вазифасини ижро этарди, шул боисдан ҳам бот-бот саватда шампан ёхуд дўжна-дўжна бордо виноси сифатида озроқ-озроқ совға-салом келиб турарди унга.

Меҳмонлар тузуккина ичиб улгуришганди. Руҳоний ўз рутбасига қарамай, ҳаммага ўхшаб оддий одамга айланганди; иезуит отахонлар хирқаю тасбеҳларини

унутган, мартабаси улуғроғи — отахон Хоакин роҳиб бўлишидан илгари бошдан кечирган беҳаё саргузаштларидан ҳикоя қилиб, меҳмонларнинг кўнгилларини хушнуд, димоқларини чоғ этиб ўлтирарди. Эчевариа Париж, оқбилак ойимчалар ҳақидаги латифалар, ўзининг беҳисобу бесаноқ саргузаштларидан сўзлаб берарди.

Испан зобитлари мезбон сифатида, ўз-ўзидан равшанки, кўпдаям сергаплик қилишмаётган эди; аммо шуҳратпараст комендант, худди зарҳал попукли погонни илк марта таққан ўспирин лейтенант сингари ўзини тутиб туролмай, такрор ва такрор Севилья гўзаллари устидан қозонган беҳисоб ғалабаларини эслаб қоларди. У апельсинзорлар билан бурканган ўша шаҳарда полк билан узоқ турган ва Андалусиянинг мазкур дурдонасидан завқланиб, унга таҳсин ўқимоқдан чарчамасди.

Робладо Гавана гўзалларини афзал кўрар ва кватеронкаларнинг ўзларига хос жайдари, аммо шукуҳли ҳусни-жамолини оғиз кўпиртириб мақтагани-мақтаган эди. Гарсия Гвадалахара қиз-жувонларининг жажжи оёқчаларининг шайдоси эканини айтди, аммо-лекин бу кўҳна испан шаҳри Гвадалахара эмас, балки Мексиканинг айнан шу номдаги бой-бадавлат вилоятини тилга олаётган эди. У илгари ўз қисми билан худди ўша ерда жойлашган эди.

Улар ниҳоятда хушмуомалалигу боодоблик ила сўзлашни талаб этадиган жабҳа — аёллар хусусида шу тариқа кўполдан-кўпол ва бедабларча вайсардилар. Уч нафар черков хизматчисининг ҳозирлиги уларни тийиб, оғзиларига қопқоқ бўлолмаётган эди. Аксинча, иккала иезуит отахон билан руҳоний ўзларининг ишқий алоқалари хусусида бошқалар сингари ношоён сўзларла беҳаёлларча мақтанишарди, зотан уювларининг ҳам гуноҳлари дастурхон теграсида жам бўлган бошқа улфатлариникидан заррача кам эмасди. Одатдагидек шароитда улар бир қадар ўзларини тутиб туришлари, вазминлик намоён этишлари мумкин эди, аммо бу ерда, бир неча бор қадаҳ бўшатишганидан сўнг, ушбу тийиқлигу вазминлик изсиз ғойиб бўлганди; мазкур даврада улар қатрача уялиб-тортинишмаётган, ҳозир бўлганлардан ҳеч бири, ўз навбатида, улар олдида тирноқчалик андиша, навозиш қилмаётган эди. Уларнинг ясама авлиёсифатлигино тазозеларни содда-аноён деҳқонлар ва

соддаднл пеонларгагина аталган, холос. Дастурхон устида эса табаррук отахонлардан гоҳ бири, гоҳ бошқаси аҳён-аҳёнда ўзига тақводорона тус берарди, илло ҳазил тариқасидагина, қайсидир сўзлаб бераётган саргузаштига ўткирлик ҳамда жозибадорлик бахш этиш ниятидагина шундай қиларди. Умумий суҳбат тобора тартибсиз, пойинтар-сойинтар тус ола бошлади, шунда аллақим ҳаммаларини нафасларини ичига тушириб, гунг қилиб қўйган исми айтиб қолди. Бу бизон овчиси Карлоснинг исми эди.

Бу исми эшитганида ҳозир бўлганлардан баъзи бирларининг турқи ўзгариб кетди. Робладо чимирилди; Вискарранинг башарасини буриштириб юборган ҳистуйғулар қоришмасини аниқлаб, фаҳмлаб олиш осон бўлмасди шу тобда; иезуит отахонлар билан руҳонийга ҳам овчининг исмини эшитиш хуш келмади чоғи.

Карлосни тилга олган одам Эчевариа эди.

— Ор-номусим ҳақи онт ичаманки, бунақанги но-бакорликни ҳатто республикачи Парижда ҳам кўрмагандим-а! Аллақанақанги жин ургур савдогар, бир пақирга арзимайдиган нотавон, эт билан тери сотадиган пандовақи... қисқа қилиб айтганда ўзлари битта этфуруш, ўша жин чалгур бизонлар кушандасилар-у — тўсатдан юрак ютиб... Parbleu!

Эчевариа аслида испанчалаб гапирса ҳам, у ҳамниша французчалаб сўкар эди. Шунда хиёл одоблироқ, силлиқроқ чиқади.

— Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сурбетлик! Тоқат қилиб бўлмайди бунга!— деган овозлар янгради.

— Менимча эса, соҳибжамол хонимнинг унчалик жаҳли чиқмади-ёв,— деб гап қистирди столнинг пойгак томонида ўлтирган қўполроқ йигитча.

Унга бараварига эътироз билдира кетишди. Робладо ҳаммадан баландроқ тортишишга тушди.

— Дон Рамон Диас,— дея мурожаат этди у йигитчага, — сиз шунчаки ҳеч нимани кўриб, пайқамадингиз. Мен хонимнинг ёнида тургандим, шуни-чун унинг қандай жигибийрони чиқиб кетганини (бу ғирт ёлғон эди, Робладонинг ўзи ҳам биларди ёлғонлигини) биламан, кейин, отасини ҳам....

— Ҳа, ҳа, отасини қўяверасиз, албатта!— дея хитоб

¹ Parbleu — жин ургур! (Франц.)

қилди дон Рамон кулиб.—Унинг қанчалик ғазаби қайнаб кетганини ҳамма кўрди. Бу мутлақо тушунарли. Ҳа-ҳа-ҳа!

— Ким ўзи ўша Қарлос?— деб сўради меҳмонлардан бири.

— Ажойиб чавандоз,— дея жавоб берди дон Рамон. — Бу фикримга комендантимизнинг ўзлариям қўшилсалар керак.

Ушбу қўполу дадиллона сўзларни айтар экан, Вискаррага қараб сирли ишшайиб қўйди. У эса бунга жавобан чимирилди.

— Озмунча пул ютқазмадингиз унга, тўғриямасми?— дея сўради руҳоний Вискаррадан.

— Фақат Карлосга эмас,— жавоб қилди комендант — шериги, иккинчи қўпол нусхага. Чамамда, икковлари ошна кўринади. Энг бемаъни томони шундаки, қора халқдан бирор кимса билан гаров ўйнаргансан, кейинги сафар ютарман деб умид қилиб бўлмайди асти. Негаки, улар билан оддий кунларда учрашмайсан-да, ахир.

— Лекинига ўша кимакан ўзи?— деб сўради яна боьги меҳмон.

— Ўзи ким дейсизми? Э, шунчаки бир бизон овчиси, вассалом.

— Шундоқ денг! Наҳотки унинг тўғрисида бошқа ҳеч нимани билмасангиз? Унинг сочи малла — бу жуда ғалати, нега деганингизда, сочи оқ-малла мексикалик бўлмайди-ку, ахир. Мабодо креол эмасми у? Балки бискайликдир.

— Унисиям, бунисиям эмас. Айтишларича, америкалик у.

— Америкалик?

— Унчалик ҳам тўғри эмас бу: отаси америкалик бўлган. Мана, тақсирим унинг ҳақида сўзлаб беришлари мумкин.

Шундай қилиб руҳонийдан бизон овчиси ҳаётидан баъзи бир тафсилотларни сўзлаб бериб улфатларнинг вақтини хушлашни ўтиндилар. Унинг отаси, айтганларидек, америкалик бўлган. Бу ғалати одамнинг бир замонлар мазкур водийга қаердан ва қандай йўл билан келиб қолгани, шу ерда ўртоқлашиб қолишга аҳд этгани қоронғи эди. Янги Мексиканинг кенту қишлоқларида бунга ўхшаш воқеалар камдан-кам учрарди. Яна ҳам таажжубланарли жиҳати — америкалик ёлғиз эмас.

ди: ёнида америкалик аёл, Карлоснинг онаси, авлиё Иоанн байрами куни умумжамоат диққатини тортган кампир ҳам бўлган. Тақводору табаррук оталарнинг келгиндини ёки аёлини христианликка жалб этиш йўлидаги жамики уринишларидан наф чиқмаган Кекса траппер (Карлоснинг отаси траппер бўлган) қандайга худобехабарларча, шаккогона яшаган бўлса, ўшандайинча оламдан ўтган, шаҳар аҳлининг бари унинг бевасининг иблис билан алоқаси борлигига имони комил экан. Бу ҳол черков учун иснод эди, шул боисдан ҳам иезуит отахонлар оқ-малла сочли оилани аллақачонлароқ қувғин қилган бўлардилар-а, аммо Вискаррадан аввалги комендант нима сабабдандир унга ҳомийлик қилиб, серғайрат черков аъёнларининг эзгу ниятларини жиловлаб келган.

— Илло, кабальеролар, бундайин худобехабар шаккоклар хавфлидирлар!— дея хитоб қилди иезуит Вискаррага қараб оларкан.— Уларнинг қалбида жамоат тартибига таҳдид солгувчи исёнкорлик уруғи униб етилади. Ушал оқ-малла сочли овчи уйига қайтган кезларда шундай кимсалар ила алоқада бўлиб, борди-келди қиладирким, уларни мундоқ тузук-қуруқ кузатолмайсан ҳам. Уни доим анави шубҳали тагнослар билан бирга кўришаркан, ўшалардан баъзилари унинг хизматида экан.

— Шундоқ денг, тагнослар билан муомала қилади-ми ҳали?— деган овоз эшитилди.— Хавфли шахс экан-ку унда! Овчидан кўз-қулоқ бўлиб туриш керак унда.

Кейин сўз овчининг синглисига бориб тақалди. Суҳбатдошларнинг барчаси озми-кўпми унинг ҳуснини мақташди, уларнинг гапларини эшитаркан Вискарранинг турқи-таровати дақиқа сайин ўзгара борди. Суҳбат бу аблаҳни меҳмонлар таҳмин этишлари мумкин бўлганидан кўра чандон бора кўпроқ фикру хаёлини банд эта бораётганди, қисқаси, қандай ҳаракат қилиш режаси аллақачоноқ тайёр эди.

Унинг хизматкорлари ва шотирлари соҳибларининг пасткашу мунофиқона ниятларини амалга ошириш йўлида аллақачон ишга киришгандилар.

Бизон овчисининг синглиси тўғрисида ҳангомалашиб олишгач, улфатлар бошқа маҳаллий гўзалларни сарлагини — саракка, пучагини — пучакка ажратишга ўтишди. Аёллар хусусида гаплашмай, яна нима ҳақда гаплашар-

дилар денг-а! Уларнинг тезда суҳбатлари ибтидосига қайтганларининг ажабланадиган жойи йўқ эди, янги-янгидан бўшатишган вино қадаҳлари таъсирида мазкур суҳбат яна ҳам «жозибали», ранго-ранг тус олди.

Улфатчилик шу билан тугадики, баъзи бировларнинг бутунлай кайфи ошиб қолди; алламаҳал бўлиб қолганди, меҳмонлар хайр-маъзурга тушишди шунда бир хилларни ҳатто уйигача элтиб қўйишга тўғри келди. Иезуит отахонлар билан руҳонийга аскарлардан қўшиб жўнатдилар, зеро учовлари ўлгудек ичган, илло бу биринчи марта бўлаётгани йўқ эди.

ХИХ БОБ

Комендант билан ошнаси Робладо ёлғиз қолишди; қадаҳларни бошқатдан тўлатиб, қўлларида сигара тутган кўйи суҳбатни давом эттиришди икковлон.

— Шундай қилиб, Робладо, сиз чиндан ҳам йигитчанинг севгиси бир ёқлама эмас деб ўйлайсизми? Мен ҳам шу фикрдаман, акс ҳолда у бундай беорларча қўполликка ботинолмасди.

— Энди бунга бутунлай имоним комил бўлди,— дея жавоб қайтарди капитан.— Кеча оқшом холи жойда учрашганларига шубҳам йўқ. Крусеслар уйига яқинлашиб қолганимда бировнинг қорасига кўзим тушди: у худди ҳовлидаги аллаким билан гаплашаётгандай ихота панжарага суяниб турарди. Мен бўлсам уни дон Амбросионинг огайниларидан биридир деб ўйлабман. Яқин бориб қолганимда ўша одам панжарадан узоқлашиб, сакраб отга минди. У елкапўшига ўралиб олди, шуни-чун афтини кўролмадим. Лекин отни танидим. Кўз олдингизга келтиринг-а, бу кеча бизон овчиси миниб юрган қорабайирнинг ўзгинаси эди! Ичкари кирдим-да, хўжайинлардан ким бор, деб сўрадим; хизматкорлар: хўжайин конда, сеньорита эса ўз хонасига кириб кетди, бугун ҳеч кимни қабул қилмайди, деб жавоб беришди. Жин урсин! Мен ўзимни йўқотиб қўйдим, уларга нималар деганимни ҳам эслолмайман. Сира ақлга сиғмайди-я! Ҳар қалай ўша гадовачча у билан зимдан танишиб олган — менинг аскар эканим қанчалик ҳақ бўлса, бу гап ҳам ўшанчалик ҳақ.

— Ҳа, сира ишонгинг келмайди! Хўш, буёғига нима қилмоқчисиз, Робладо?

— Хе, буёғига боплаб ўзим ғамини ейман-а хонимни! Эндиликда яхшилаб кўз-қулоқ бўлишади унга. Дон Амбросиога унча-мунча шама қилиб шипшиб қўяман. Ахир менинг сиримдан хабардорсиз-ку, полковник! Хонимнинг сеги — кон, мени нақ оҳанграбодай ўзига тортаётган нарса мана нима. Лекинига рақибим аллақанақанги бир бизон овчиси бўлиб чиққани қанчалик бемаъни гап-а!

Робладо хохслаб кулиб юборди, бироқ кулгиси ясама ва ғамгин чиқди. Шу пайт иттифоқо бошига янги фикр келиб қолди.

— Биласизми, Хоакин тақсирлари малласочнинг оиласини хуш кўрмайди-ку, ахир,— сўзини давом эттирди у.— Бугунги шамаларидан фаҳмлаб олдим буни. Башарти черков аралашгудек бўлса кўпдаям шов-шувсиз кутуламиз-қўямиз ўша овчидан. Иезуит отахонларимизга унинг шаккоклигини исботлаб берсак бас, ана унда тақсирларимиз уни Сан-Ильдефонсодан қувғин қилишади. Тўғримн?

— Ха, албатта,— совуққина жавоб қилди Вискаarra винодан ҳўплаб.— Мабодо ўша овчи қувғин қилинадиган бўлинса, қадрдоним Робладо, яна баъзи бировни ҳам қувишга тўғри келади. Тиканларига қўшиб атиргулвиям юлқиб ташлаймиз-ку, унда. Гапимга тушунапсизми ўзи?

— Батамом.

— Мен эсам буни мутлақо истамайман, ақалли ҳозирда. Орадан пича ўтгач биз бутун тикан-пикани, бутасию илдиз-пилдизигача қўшиб атиргул билан ҳам жон-жон деб хайр-маъзур қилишга тайёرمىз-да!— қаҳқаҳ урганча сўзини ниҳоясига етказди Вискаarra.

— Ҳа, айтмоқчи, муваффақиятларингиз қандоқ, полковник? Уйда бўлдингизми уни?— деб сўради капитан.

— Йўқ, қадрдон, қўл тегмади. Унинг уйи яқин эмаслигини унутманг. Кейин, токи акаси узоқроққа кетмагунича ташрифни умуман қўятурмоқчиман. Акаси йўқлигида кўнглини овлаш хийла қулайроқ бўлади.

— Узоқроққа кетгунича? Бу нима деганингиз?

— Бу, овчи яқин-орада даштга жўнайди, деганим. Эҳтимол, ҳаттоки бир неча ойга. Уёқда бизон овлайди, ҳиндуларни лақиллатади... хў-ўш, шунга ўхшаш ва ҳозолар.

— У-ҳў! Буёғи чаккиямас.

— Кўриб турибсизки, азиз дўстим, шошилишнинг асти ҳожати йўқ. Сабр қилинг — олдинда етарлича вақтимиз бўлади. Имоним комилки, то бизнинг жасур бизон овчимиз сафардан қайтгунича режаларимизни қотириб бажаришга улгураемиз. Сиз бой конларни қўлга киритасиз, мен эсам...

Гап шу ерга етганда эшик оҳиста тикиллади-ю, улар сержант Хомеснинг овозини эшитишди; у, комендант билан гаплашсам бўладими, деб сўрагани.

— Кираверинг, сержант!— қичқирди полковник.

Шундан сўнг хонага башараси дағал, қаҳри қаттиқ сувори кириб келди; туриш-турмушидан унинг ҳозиргина отдан тушгани кўриниб турарди.

— Хўш, қалай, сержант?— деб сўради Вискарра у яқин келгач.— Гапираверинг! Капитан Робладо олдида ҳамма нарсани гапираверишингиз мумкин.

— Улар энг чеккадаги, водийнинг нариги бошидаги уйда туришаркан, полковник; бу ердан ўн миль, кам эмас. Улар уч кишигина экан: она, сингилу акалари — ўша, ўзлари байрам чоғида кўрган йигит. Хизматкорлари тагнослардан, ё уч, ё тўрт киши, улар ов пайтида овчига ёрдамлашишар экан. Унинг бир нечта хачири, хўкизлари билан аравалари бор экан — бор хўжалиги шу. Булар ов учун керак экан. У ҳозир ҳам овга ҳозирлик кўряпти — уч-тўрт кундан қолмай жўнаб кетаркан. Эшитишимча, у бу гал узоқ муддатга кетармиш, иннайкейин, аллақайси янги йўл билан, Льяно Эстакадо орқалимиш.

— Льяно Эстакадо орқали?

— Менга шундай дейишди.

— Тагин нима гаплар бор, сержант?

— Ҳеч қанақа, полковник. Фақат қизнинг севгилиси бор экан — байрамда сиз билан гаров бойлашиб, сиз талайгина ютқизган ўша йигит.

— Воҳ, жин ургур!— деб юборди Вискарра зумда қорайиб кетар экан.— Гап буёқда экан-да! Ўзим ҳам шундоқ бўлса керакдир-ов, деб ўйлагандим-а. Қаерда тураркан у?

— Уларга яқин жойда. Ўзининг ранчоси бор экан, бадавлат йигит дейишди уни, чорвадор сифатида, албатта.

— Сержант, ўзингизга каталон виносидан стаканга қуйиб олинг.

Сувори аскар қўл узатиб, чирпит шишани энгашти-тириб, стаканни тўлғазди-да, зобитларга эҳтиром-ла таъзим қилиб, бир кўтаришда бўшатди уни.

Кейин, ортиқ кераги йўқлигини фаҳмлаб, қўлини чек-касига қилиб, чиқиб кетди.

— Нимаям дердик,— деди полковник,— кўриб турибсизки, чаккиямас, сизнинг ишларингиз юришиб кет-япти.

— Ўзлариники ҳам,— деб жавоб қайтарди Робладо.

— Унчалик эмас.

— Сабаб?

— Анави хуштори, ўша чорвадор ёқинқирамай турибди. Пулдор у, устига-устак қўрқоқлардан эмас — чамамда, оз ташвиш орттирмайди-ёв менга. У яккама-якка олишувга чақирса бўладиганлардан эмас — ақал-ли мен учун, менинг мартаба-рутбамга муносибмас бу. Аммо у туб ерлик, овчига ўхшаган келгинди эмас, ер-ликлар билан қони бир, бу ерда уни ҳамма яхши кўра-ди. Ростки у бу ишга алоқадор экан, иш тамоман ўзга-ча тус олади... Дарвоқе, бари бир гўр эмасми-я! Ҳали шу пайтгача камина муваффақиятсизликка учраган ҳол бўлганмас. Хайрли тун, капитан!

— Хайрли тун!— жавоб қайтарди Робладо.

Шундай деб улар стол ёнидан баравар қўзғалишиб, ўз хобхоналарига тарқалишди.

XX БОБ

Ранчо ва асиендолар дарё ёқалаб Сан-Ильдефон-содан деярли ўн милча чўзилиб кетган эди. Шаҳар яқи-нида кўпроқ эди улар; лекин оқим бўйлаб қуйи томонга қанча узоқлашишса, улар ўшанчалик сийраклашиб, истиқоматчилари ҳам тобора камбағаллаша борарди. Ба-давлатроқ фермерлар билан чорвадорлар жангари ҳин-дулардан қўрқишар ва қалъага яқинроқда иморат со-лишни маъқул кўришар эди. Камбағаллик эса бир хил-ларни аксинча довурак бўлишга, нақ чегара ёқалаб жойлашишга мажбур этарди. Мана неча йиллардирки Сан-Ильдефонсо кентига ҳеч ким ҳужум қилмаётгани сабабли талай майда фермер ва чорвадорлар шаҳардан саккиз, ҳатто ўн миллар нарида ўрнашиб олгандилар.

Бошқа бари ранчолардан ярим милча нарироқда ёл-

ғиз кулба — энг охирги, мазкур водийдаги шаҳардан-энг олис уй танҳо турарди. Гўё у шаҳар гарнизони қўриқлайдиган майдон чегарасидан сиртда жойлашганга ўхшарди, зеро бирор соқчилик бўлинмаси қорасини ҳам кўрсатмас эди бу атрофда. Уй эгалари тақдирга ёки апачилар одатда Сан-Ильдефонсога босқин қилиб турадиган ҳиндулар қабиласининг марҳаматига ишонадилар чоғи: уй ҳеч нима билан ҳимоя қилинмаган эди улардан. Эҳтимол бу кулбани айнан бошқа жамики ранчолардан шунчалик олисда ва танҳо жойлашгани муҳофаза қилар.

У йўлдан хиёл чеккароқ ҳамда нақ дарё қирғоғида эмас, пича берироқда, қоя кўлагасида турар, қоя билан тутшиб, унинг пинжига кириб кетаётганга ўхшарди.

Мазкур қашшоғона кулба, водийдаги жамики уйлар, водийдагина эмас, деярли бутун Мексикадаги каби шиб-балаб, офтобда қуритилган палахса-палахса лой — хом ғиштан тикланган эди. Шу услубда солинган энг олди иморатлардан аксариятининг олд томони оппоқ — демак, қаердадир яқин-атрофда гипс-ганч қатламлари бўлиши керак. Баъзи уйларда, эгалари ўзига бино қўйган, инжиқроқларнинг деразаларига ойна солинганга ўхшайди. Аслида ҳам шундоқ, фақат ойна ўрнига худди ўша гипсдан шишага ўхшаб йилтирайдиган юпқа тахта-пилакчалар солинган — уни Янги Мексиканинг турли бурчакларида айни шу мақсадда ишлатадилар.

Ҳозирда сўз бораётган ранчонинг на деразаси бор, на оқланган эди. У нақ соябондай олға туртиб чиққан қоянинг остигинасида турар, унинг қорамтир деворлари деярли қоя этаги ила тутшиб-бирлашиб кетганди; бир неча кўндаланг ёғоч беламаклар билан тўсилган икки туйнук дераза хизматини ўтарди; ана шу туйнуклардан ичкарига бир оз ёруғлик тушиб турарди.

Аммо-лекин одатда ланг очиқ турадиган эшиги бўлмаганида ичкари деярли тимқоронғи бўлиши турган гап эди.

Водийдан ўтадиган йўлдан бу уй аранг кўзга чалинарди. Уткинчи сайёҳ ҳеч қачон уни кўра олмасди, ҳаттоки ҳиндунинг ўткир кўзи илғамай қолиши ҳеч гап эмасди уни. Антиқа иҳота уни бегона кўзлардан яшириб турарди — дарвоқе, ҳали ер куррасининг ушбу узогу овлоқ чеккаси наботот олами билан ноошино кимса учун антиқа эди бу кўкат иҳота. Мазкур иҳота чил ус-

тунсимон кактуслар сафидан таркиб топганди. Бу ўсимликни — бир текисда тарам-тарам қилиб ариқчалар тушириб рандаланган, йўғонлиги олти дюму бўйи олтидан ўн дюмгача келадиган устунчаларнинг ўзгинаси дейсиз. Улар ёнма-ён, деярли бир-бирига тақалиб, ёғоч девор мисоли турар, бунинг устига тўрт томонга шамалоқдек найза-тиканларини ўқталиб ҳурпайиб олганидан ораларидан айтарли ҳеч нима кўринмасди. Вақти-соати етганда мазкур кўкат устунчаларнинг учлари ажойиб — бамисоли мумдан ясалган — гуллар билан қопланади, кейинроқ эса гуллар ўрнида ярқиллаган хушбўй мевалар пайдо бўлади.

Ана шу ихотадан ичкари киргандан кейингина чоққина ранчони кўриш мумкин эди; гарчи кулбанинг деворлари беўхшову дағал бўлса-да, гирди ўралган, фарқ-ға гулга бурканган ажойиб боғча кимнингдир ғамхўрқўллари заҳмат чекишидан далолат бериб турарди. Кактус девордан сўнг бошқа ихота — хом ғиштдан терилган пастаккина оддий девор қоя этагига бориб тақаладиган майдончани ажратиб туради. Бу кораль — чорва учун қўтон, унинг бир бурчагида чоғроққина омборхона ёхуд отхонага ўхшаш иморат қурилган. Гоҳида ушбу коралда беш ёки олти хачир билан ўн чоғли ҳўкиз туради, отхонада эса — ажойиб тулпор. Бироқ ҳозир у ер бўш, ҳеч бир жондор йўқ. От, хачирлар, ҳўкизлар эгалари билан олис дашти биёбонга кетган.

Уларнинг эгаси — Карлос, бизон овчиси. Бу ўшанинг уйи; у қари онасию сулув синглиси билан шу ерда яшайди. Болалик чоғларидан бери шу уйда яшаб келади у.

Шунга қарамай улар ушбу водий ва шаҳарда ҳаминша бегона бўлиб келишади. На испанлар, на ҳиндулар ўзимизники деб қаторларига қўшишади. Улари ҳам, булари ҳам бир-бирларидан қанчалик фарқ қилсалар, бу оиладан ўшандан кам фарқ қилмайдилар. Иезуит ҳақ гапни айтганди: Карлос ва унинг қардошлари ҳақиқатан ҳам америкаликлар эди. Ота-онаси водийга жуда илгари келиб қолишганди, уларнинг асли-таги қаерлик эканини ҳеч ким билмасди; уларнинг шарқ томондан келганлари, Улуғ Текисликни кесиб ўтганларинингина билардилар, холос. Улар шаккоқлар эди, мўътабар дин аёнлари уларни ўз қавмлари сафига қўша олмадилар. Башарти собиқ ҳарбий комендант ҳомийлик қилмага-

нида иезуит отахонлар уларни аллақачонлар қувиб-солган ёхуд бирон иложини топиб, бошқа бирон йўл билан суробини тўғрилаб қўйган бўлардилар-а бу оилани. Бунинг устига авом халқ ҳамиша икковлари олдида қандайдир хурофий қўрқув ҳис этарди. Кейинчалик ушбу ҳис-туйғу бутунлай Карлоснинг онасига қаратилди ва янгиша шакл касб этди: уни жодугар, алвасти деб ҳисоблашар, унга дуч келиб қолганларида шоша-пиша чўқиниб олишарди. Бироқ, бундай ҳол камдан-кам рўй берарди, зотан кампир деярли одамлар кўзига чалинмас эди. Авлиё Иоанн байрамига уни жонидан ортиқ суядиган онаси билан синглисини ўйнатиб овунтиришни жуда-жуда истаган Карлос олиб борганди.

Оилани қуршаган ётсирашда маълум даражада уларнинг келиб чиқишлари америкалик экани сабабчи эди. Ижтимоий келиб чиқиши испан мексикаликлар билан инглиз-америкаликлар бир-бировларига биз ҳикоя қилаётган замонлардан талай-талай даврлар илгаритдан буён шубҳа, адоват ила қараб келардилар. Миллий адоват заминиди дунёга келган мазкур ҳис-туйғуларни дин аҳллари иложи борича рағбатлантириб, макру ҳийлалар билан авж олдириб келарди. Содир бўлажак воқеалар Мексика узра соя ташлаб, дарвоза қоқа бошлаган эди; Америка Флоридани ҳам, Луизианани ҳам ўз таъсири қаноти остига олишга киришганди аллақачон. Бу воқеаларнинг асл маъноси узоқни кўра биладиган энг мулоҳазали кишиларгагина аён эди, албатта, аммо ҳаммани ирқий адоватдек ҳалокатли ҳис-туйғу чулғаб олганди.

Атрофдагиларнинг бари бизон овчисининг оиласига нисбатан салбий фикрда эди, шу боисдан ҳам бу оила водий аҳли билан деярли муомала қилмас, аралашмасди.

Карлос ва унинг хонадондагилар асосан америкаликларга бошқаларга қараганда хийла камроқ адоват ила қарайдиган маҳаллий ҳинду аҳоли — камбағал тагнослар билан алоқа қилардилар.

Карлоснинг кулбасига қадамранжида қилгудек бўлсак, аввало бўйрада ўтириб, шолрўмол тўқиётган очмалла сочли Роситага кўзимиз тушарди. Унинг тўқувчилик дастгоҳи бор-йўғи қўполдан-қўпол бир нечта ёғоч қисмлардангина иборат. У шунчалик оддий-жўнки, дастгоҳ дейишга тил ҳам бормайди уни. Шунга қарамай, ҳар гал қизнинг чаққон бармоқлари текканида дирил-

лаб кетадиган параллель ҳолатда таранг тортилган кў-кимтир узун-узун иплар ҳеч қанча ўтмай аллақайсидир шаҳарлик гўзал ғамза билан бошига ташлайдиган ажойиб шолрўмолга айланади. Водийдаги бирорта чевар шолрўмолни бизон овчисининг синглисичалик қотириб тўқиёлмайди. Ўспиринлар орасида Карлосга тенг келадиган чавандоз бўлмаганидек, тирикчилигию кунига яраётган мазкур санъатию маҳорати бобида Роситага ҳам баравар келадигани йўқ эди.

Кулбада атиги иккитагина хона — деярли шу қабилдаги жамики кулбаларникидан икки баравар кўп бу. Саксининг қалби-руҳиятидаги назокату хушодоблик туйғуси ҳали кучли, Карлоснинг оиласининг ҳаёт тарзи ҳам ҳиндуларникидан бўлакчароқ.

Хоналардан каттароғи ошхона, бу ер ёруғу файзлироқ, нега деганингизда ичкарига очиқ эшикдан ёруғлик тушиб туради. Бу ерда меҳробга ўхшаб кетадиган чоғроққина ўчоқни, шакли кўзани эслатадиган беш-олтита сопол хурмани, ичи ўйилган қовоқдан ясалган бир нечта пиёла ва косачаларни, маис нон — зогора ясаладиган оёқлари калта-калта, сип-силлиқ тош столчани, бир нечта бўйра ва бизон пўстакларини (одатда ўлтирилади унда), қопда жўхори, боғ-боғ қуритилган гиёҳлар, қизил ва кўк калампир шодаларини кўрасиз, бор бисотлари шу, холос.

Бу бутун водийда азиз-авлиёларнинг тимсоли кўзингизни қувнатмайдиган яккаю ягона хонадон бўлса кераго-ов. Бу ерда ростдан ҳам бидъатчи-шаккоқлар истиқомат қилади чоғи.

Аммо ҳаммадан бурун ўчоқ олдида трубка чекиб ўлтирган кампирга тушади кўзингиз. Жуда ғалати-да, бу кампир, кейин, турган гапки, қисматиям ғалати унинг, лекин у ўз ўтмишини ҳеч бир кимсага ёрилган эмас ҳали. Этсиз, дағал юз бичими, оқарган, аммо ҳануз қуюқ, ҳурпайган сочлари, кўзининг ўтдек чақнаб туриши — бутун турқи-туси ғалати унинг. Нафақат омию нодон одамларгагина беихтиёрини равишда гўёки у ҳаммадан мутлақо бошқача қилиб кўриниши мумкин эди. Шунинг учун ҳам водий аҳлининг уни жодугар деб ҳисоблашининг ҳайрон қоладиган жойи йўқ эди.

Росита ерда тиззалаб олганди, кўлидаги чоққина моки арқоқ бўйлаб чаққон бориб-келарди. У куйлаяпти, куйлаганда ҳам олис Америка ўрмонларида туғилган, унга онаси ўргатган шўхчан қўшиқни майину қўнғироқдай овоз-ла куйлаяпти; кейин қадимий романтик испан қўшиғини бошлади — эҳтимол бу «Бурғучи»дир; мазкур ажойиб куй-оҳанг ҳаттоки замонавий «Севмайди...» қўшиғида ҳам ўзининг жозибасини йўқотмаган. «Бурғучи» Роситанинг севимли балладаси бўлиб, бандола чалиб, унинг гитара овозини эслатгучи торлари садоси жўрлигида куйлай бошлаганида тингловчи чинакамига ҳузур қилиб эшитар, сел бўларди.

Ҳозир эса у вақтни ўтказиш, иши осонроқ кўчиши учун куйлаяпти, бу сафар мусиқа чалмаётган бўлса-да, кумуш қўнғироқ садосидай овози ҳеч қандай музикасиз ҳам майину тиниқ жаранглаяпти.

Онаси трубкасини четга қўйди-да, Роситага ўхшаб, ишга тутинди. У шолрўмол тўқиш учун чархда ип йигирарди. Башарти Роситанинг тўқув дастгоҳи ниҳоятда содда-жўн бўлса, чарх ундан бешбаттар содда — шунчаки бетиним чириллаб айланиб турган урчуққина эди, холос. Кампир ана шу оддий механика ёрдамида шунақанги равон, сип-силлиқ қилиб ип эшардики, ҳақиқий ип йигирадиган машина ҳам ундан ўтолмасди.

— Шўрлик Карлос! Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти... олти чизик тортдим — йўлга чиққанига аллақачон олти кун бўпти. У ҳозир Льяно Эстакадода бўлса керак, ойи. Илойим иши ўнгидан келсин, ҳиндулар ҳам яхши кутиб олишсин-да.

— Хавотир олма, қизгинам. Довюрак ўғлоним отасининг милтигини ола кетди, кейин, уни ишлатишнимам уддасидан чиқади. Ҳа, уддасидан чиқади. Карлосдан ташвишланмай қўя қол!

— Лекин у сираям бормаган-ку, буёққа, ойи. Тағин бирдан душман қабилаларга йўлиқиб колса-чи?

— Ташвиш қилма, қизгинам, қўй! Карлоснинг ҳиндулардан қўрқинчлироқ душманлари бор, улар шу ерда, яқингинамизда. Қўёнюрак қулваччалар! Улар бизни кўришолмайди... Шу ерлик испанлар ҳам, креоллар ҳам ёмон кўришади бизни... Ҳе испан кўппаклари! Улар бизни сакс бўлганимиз учун кўришолмайди.

— Қўйинг, унақа деманг, ойи! Ахир ҳаммалариям душман эмас-ку, бизга. Дўстларимиз ҳам бор.

Росита дон Хуанни ўйлаганди шу тобда.

— Оз, жудаям кам... Шулариям камдан-кам келишади бизни кўргани. Ҳе, зормидим уларга — пешонамда ўғлим бор-ку, ахир! Ундан азиз, ундан яқин, одами-миз борми, дунёда? Ўзи меҳрибон, юраги мардона, билаги бақувват! Қани, ким тенг кела олади менинг Карлосим билан? Болагинам кекса онасини яхши кўради, ҳа, ғалати кекса онасини... Анави пиёнисталар, ҳа, ўшалар ғалати деб ўйлашади муштипар онасини. Шунга қарамай у кекса онасини севади. Шундоқ бўлгач, дўстларни нима кераги бор онасига?

У қаҳ-қаҳ уриб кула кетди, ушбу кулгида шунчалик севинчу шодлик оҳанглари янградиким, бундан унинг ўз ўғли билан қанчалар фахрланиши ошкор бўлди-қўйди.

— Қанча юк олиб кетганини айтмайсизми, ойижон! Илгарилари ҳечам бунча кўп олиб кетмасди. Шунча пулни қаёқдан олдийкин-а?

Росита қаердан олганини аниқ билмасди-ю, лекин акасига қарзга пул бериб турган дўсти айнан ким эканлигини қалбан сезаётгандек эди.

— Вой худойим!— деб сўзини давом эттирди у.— Агарда омади келиб ажойиб молларини ҳаммасини тузуккина сотса, жуда бойиб кетади-да. У бутун бошли хачир уюрини ҳайдаб келади. Тезроқ қайта қолсайди-я у!

Бир, икки, уч... олти. Ҳа, чизиқлар энди олтигагина бўпти. Қани энди бу тахтачани ҳаммаёғи, ҳар иккала томони ҳам чизиққа тўлиб бўлган бўлса... қанийди-я!

Шу гапларни айтаркан, Росита деворда осиглиқ турган энсизгина кедр тахтачага тикилди. Тахтачада йўниб чизилган олтига чизиқча кўзга ташланарди. Бу Роситанинг ҳам соати, ҳам календари эди: ҳар куни, токи Карлос қайтмагунича, тахтачада биттадан чизиқча қўшилади, шу йўл билан синглиси акаси кетганидан бери қанча вақт ўтганини ҳамиша билиб туради.

Росита чизиқчалар олтига эмас, балки еттита бўлиб қолишини тасаввур этишга уриниб кедр тахтачага бир-икки дақиқача тикилиб туриб қолгач, яна тўқишга киришди.

Кампир эса бу пайтда урчиқни қўйиб, ўчоқда турган

сопол хурманинг қопқоғини олди. Хурмадан булут ми-соли буғ кўтарилди-ю, хонани хушбўй ҳид тутиб кетди: кампир испан пиёзи билан қизил қалампирга ўлдирил-ган сур бизон гўшти қиймасидан димлама пишираётган эди.

— Димлама тайёр, қизим,— деди у ёғоч қошиқда этдан олиб, тотиб кўрар экан.— Ке, тамадди қилиб олай-лик.

— Хўп бўлади, ойи,— жавоб берди Росита дастгоҳи ёнидан кўзғалаётиб.— Мен бирпасда тортилье тайёрлай-ман ҳозир.

Тортилье — бу фақат иссиғида ейиладиган зоғора нон, аниқроғи, у иссиқ, тўғри товадан олиб ейилганида мазали бўлади, шу сабабдан уни энг охирги пайтда, дастурхонга ўлтирилаётганда ёки тўғридан-тўғри овқат-ланаётганда пиширилади.

Росита хурмани четроққа суриб, товани ўт устига қўйди. Бошқа хурмада қайнаётган маис — жўхори пи-шибди. Росита уни ўчоқдан олиб, ёнгинасига, тош стол-чага қўйди, кейин узунчоқ — бу ҳам тошдан ясалган — жўва билан эзилиб пишган жўхорини ҳаш-паш дегунча қордай оппоқ хамирга айлантирди-қўйди. Хурмани на-рироқ суриб, жўвани бир чеккага қўйди-да, қирмизи тус-ли бармоқчаларини хамирга суқди. Хамирдан зоғора кулчага зарур бўлганича олди-да, зувала ясаб, кифти билан шапатилаган эди, япасқи, юпқа кулча ҳосил бўл-ди. Ана энди уни қайноқ товага ташлашу ўша заҳотиёқ ағдаришгина қолганди, орадан тағин бир лаҳза ўтгач— қарабсизки, тортилье тайёр-да.

Бунинг бари ниҳоятда чаққонликни талаб этарди, лекин Росита ҳаммасини шундай моҳирона бажарарди-ки, унинг тортилье пиширишда устаси фаранг экани яқ-қол кўриниб турарди.

Идишда зоғора хийла уюлиб қолгач, Росита пиши-ришни бас қилди; онаси димламани тақсимчаларга ал-лақачон сузиб бўлганди, шу тариқа икковлари тамадди қилишга киришишди, овқат устида улар на пичоқ, на санчқи, на ҳаттоки қошиқ ишлатишди. Зоғора ҳам ис-сиққина, хоҳлагандай букласа бўларди, мексикаликлар ранчосида мутлақо ортиқча саналмиш маданий олам жиҳозлари вазифасини ана шу қуймоқсимон зоғора кулчалар адо этмоқда эди.

Ўзларининг камтарона таомларини тамадди қилиб

бўлишлари биланоқ қулоқларига аллақандай ғалати, нотаниш товуш чалинди.

— Нима бу — нидо солди Росита, дик этиб ўрнидан туриб, қулоқ соларкан.

Ланг очиқ эшик билан деразадан яна ўша товуш «бостириб кирди» хонага.

— Э, бу карнай-ку!— деди қиз.— Аскарлар келишган бўлса керак.

У эшикдан мўралаб қаради, сўнг чопқиллаб иҳота ёнига бориб, яшил устунчалар оралиғидаги очиқ жойдан ташқарига қарай бошлади. Ҳақиқатан ҳам аскарлар экан. Нарироқда, икки қатордан сафланганча, уланлар бўлинмаси водий бўйлаб қуйи томонга қараб боряпти. Куролларининг ялтираши ва найзалари учидаги байроқчалар уларга қувноқ ҳамда жозибали тус берарди. Роситанинг кўзи тушган сонияда улар отларини буриб, сафларини ўзгартирган, бир қаторга тизилишганча, иҳотага қараб, кўкат девордан юз одимча нарида тўхташди. Уларнинг ранчо рўпарасида бежиз тўхтамаганлари аён эди.

«Нима керак экан уларга бу ерда?»— ўша заҳотиёқ хаёлига шу фикр келди Роситанинг. Уланлар бўлинмалари водийдан тез-тез ўтиб турарди-ю, лекин юқорида айтиб ўтганимиздек йўлдан четда жойлашган кулбага ҳеч қачон яқинлашмас эди. Аскарларни буёққа нима бошлаб келди экан?

Росита бу саволларга жавоб топа олмай, кулбага югурди, онасини саволга тутди. Бироқ онаси ҳам жавоб топиб беролмади унга; шунда қиз яна иҳота ёнига қайтиб, тагин тирқишдан мўралай бошлади.

Шу пайт чавандозлардан бири, бошқаларга қараганда башангроқ кийингани — зобит экани кўриниб турибди — сафдан ажралиб, кулбага қараб от чоптириб келаверди. Ана, жуда яқин келиб қолди у, ана отини шундоқ иҳота деворнинг ёнгинасида тўхтатди-да, кактуслар тепасидан ҳовлига мўралади.

Роситага жиғали шляпаси билан афтигина кўринди-ю, лекин қиз уни ўша заҳотиёқ таниди. Бу авлиё Иоанн байрами кунини ўзига беҳаёларча тикилган зобитнинг ўзгинаси эди. Унинг қаршисидаги кимса комендант Вискара эди.

Иҳота девор тепасидан мўралаётган зобитга шапа-лоқдеккина боғчадаги гуллар орасида турган қиз яққол кўринаётган эди. У эшикка томон чекиниб, ўзини кулба ичкарасига олаёзган ҳам эди, бироқ у қутуриб ҳуриётган ва нотаниш одамга ташланишга шай турган Бизонни — нақ айиқполвондай келадиган бўрибосарни чақираман деб орқасига ўгирилди.

Унинг овозига итоат этиб ўрганган ит ириллаганча кулбага югуриб кирди. У ниҳоятда норози эди, важоҳатидан тишларини бегона отнинг почаларида синашга тайёр экани кўриниб турарди.

— Ташаккур сизга, гўзал сеньорита, — деди зобит. — Шунчалик саховат кўрсатиб, каминани бу баджаҳл кўппакдан ҳимоя қилдингиз. Қани энди мен бу хонадонда ёлғиз шу жонивордангина қўрқсам эди-я.

— Яна нимадан қўрқасиз, сеньор? — ҳайрон бўлди Росита.

— Сизнинг кўзларингиздан, сулув қиз. Кўзларингиз бу кўппакнинг ўткир тишларига қараганда минг карра хавфлироқ, улар мени аллақачон жароҳатлаб бўлган.

Росита лоладай қизариб, тескари қаради.

— Кабальеро, — деди у, — сиз буёққа бир бечора қиз устидан кулгани келмаган бўлсангиз керак. Сўрасам бўладими, нима ишингиз бориydi?

— Ҳеч қанақа ишим йўқ, соҳибжамол Росита шунчаки сизни кўргим келди... Йўқ, йўқ, кетманг! Ишим бор, ҳа, ишим... Биласизми, томоғим қақраб кетди, бир қултумгина сув ичиб, уни ҳўллаб олсам. Бир қултумгина сувингизни аямассиз ахир, соҳибжамол Росита?

Энди у суҳбатни чўрт узиб, ичкарига кириб кетишга шай турган қизни қандай бўлмасин тўхтатиб қолишга уриниб шоша-пиша, пойма-пой гапира бошлаганди. Вискарра сираям чанқамаяганди, сирасини айтганда, сув ичгиси ҳам йўқ эди, аммо меҳмондўстлик таомили қизни сув олиб чиқишга мажбур этарди, албатта, ана унда кўпроқ нарсага эришар балки.

Унинг ушомадгўёна сўзларига ҳеч нима деб жавоб қайтармаган Росита ичкари кириб кетди-ю, ўша заҳотиёқ қовоқ косада лим-лим сув олиб чиқди. Иҳота девордаги кўча эшик хизматини ўтовчи очиқ жойга бориб,

қўлидаги сувни Вискаррага узатди-да, сувви ичиб, идишни қайтариб беришини кута бошлади.

Илтимоси шунчаки баҳона эканини билдириб қўйишни истамаган комендант ўзини зўрлаб бир неча қултум хўплади, кейин қолган сувни сепиб юбориб, косани Роситага узатди. Қиз уни олмоқчи бўлиб қўл узатган эди, Вискарра қовоқ косани маҳкам ушлаган, ҳирсли кўзларини қадаганича Роситага лўқ бўлиб тикилиб тураверди.

— Эй дилбару дилрабо сеньорита,— деди у ахийрп,— беқийс саховат кўрсатдингиз-да! Чиройли қўлчангизни ўпсам бўлармикин?

— Нималар деяпсиз, тақсир? Косани беринг, ўтинман.

— Э-йўқ, олдин сувнинг ҳақини тўлайман. Розимисиз?

Шундай деб у косага олтин танга ташлади.

— Керакмас, сеньор, пул олмайман. Ахир, шунчаки одамгарчилик бурчимни бажардим, холос. Менга олтин тангангиз керакмас,— дея гапни калта қилди у қатъий.

— Дилрабо Росита! Сиз менинг қалбимни забт этдингиз, шундоқ экан, нега энди унга қўшиб биттагина олтинни ҳам олақолмайсиз, ахир?

— Гапингизга тушунолмай қолдим, сеньор. Илтимос, пулингизни олинг-у, косани беринг.

— Уни фақат тангаси билангина қайтараман.

— Унда ўзингизга олақолинг косани, сеньор,— деди қиз, кетгани чоғланиб орқасига бурилар экан.— Ишим қолиб кетди.

— Йўқ-йўқ, тўхтанг, сеньорита!— хитоб этди Вискарра.— Яна битта илтифот кўрсатсангиз. Сигарамни тутатиб олгани ўт сўрамоқчийдим. Мана, олинг косани! Мана кўринг, бўм-бўш у. Олтин танга бермоқчи бўлганим учун авф этарсиз-а, мени?

Вискарра қизни ранжитиб қўйганини кўриб турарди, шунинг учун ҳам узр сўраш билан унинг кўнглини тинчлантириш умидида эди.

Росита унинг қўлидан қовоқ косани олиб, янги илтимосини адо этгани кулбага қараб юрди.

Бирор дақиқадан сўнг хокандозчада ўчоқдан озроққина чўғ кўтариб чиқди.

Ташқари эшик олдига етганида зобитнинг отдан тушиб, уни устунга боғлаётганини кўриб ажабланди.

— Йўлда толиқиб қолибман,— деди у Росита ҳокандозчани узатганида.— Офтоб ҳам шундоқ қиздирыптики! Агар ижозат этсангиз, ичкарига кириб, пича дам олволардим.

Ушбу янги плтимос қизга ёқмади-ю, аммо йўқ деёлмасди у, хулласи комендант бирор дақиқадан сўнг шпорларини шилдиратиб, қиличини жаранглатганча кулбага кирди.

Росита орқасида чурқ этмай келарди. Онаси ҳам кириб келган кимсага бирор оғиз сўзни раво кўрмади — ўз бурчагида ўтираркан, зобитга заррача эътибор бермади, ҳатто ўша томонга қайрилиб қараб ҳам қўймади. Кўппак дағдағали ириллаганича атрофидан айлана бошлади, бироқ ёш соҳибаси койиб қўйди уни; ит яна бўйрага узанди, аммо ғазабкор чақнаётган кўзларини чақирилмаган меҳмондан узмади.

Вискарра ичкарига кирди-ю, бир хил бўлиб кетди. Ўзининг ташрифи ёқмаганини кўриб турарди у. Роситанинг оғзидан биронта хушмуомала сўз чиқмади, кейин на кампир, на кўппак бирон ишора-ҳаракати билан меҳмондўстлик аломатини кўрсатди. Аксинча, ҳамма-ҳамма нарса комендантга ўзининг бу ерда номатлуб меҳмон эканини аниқ-тиниқ, сезиб-пайқаб туришга мажбур этаётганди.

Аммо Вискарра бу тоифадаги одамлар ҳис-туйғулари билан ҳисоблашишга ўрганмаган эди. У бундайларнинг ўзини хуш кўриши ёки хуш кўрмаслигига эътибор ҳам бермасди, айниқса ўз ҳузур-ҳаловатига халал берган пайтларида; шунинг учун ҳам у сигарасини ўт олдириб, худди ўз уйидадек бамайлихотир курсига чўкди.

Бир муддат жимгина чекиб ўлтирди.

Бу орада Росита тўқув дастгоҳини сурди-да, унинг рўпарасида тиззалаб, гўё хонада бегона одам йўқдек, ишга киришди.

— У, жуда антиқа экан-ку бу!— дея хитоб қилди зобит, ўзини гўё қизнинг иши жуда қизиқтираётганга солиб.— Бу шолрўмолни қандай тўқишларини бир кўрсам деб юрардим кўпдан... ахир бу шолрўмол-ку, тўғриямасми? Худо ҳақи, жуда қизиқ экан! Демак, мана шундоқ тўқилар экан-да, у. Бир кунда битказа оласизми уни, сеньорита?

— Ҳа, сеньор,— деган лўнда жавоб олди.

— Манави калава оддий ил, тўғрими?

— Ҳа, сеньор.

— Гулларини чиройлилигини қаранг-а! Ўзингиз ўйлаб топганмисиз бунни?

— Шундай, сеньор.

— Қарасам, ҳақиқий санъат экан-ку бу! Бу иплар қандоқ тўқилиб қолишини тушуниб, билиб олишни истардим-да.

У курсидан турди-да, дастгоҳга яқинлашиб, тиззалди.

— Ҳақиқатан ҳам жуда усталлик билан ўйлаб топилган ихтиро экан-да! Биласизми нима, азизам Росита, менгаям ўргатсангиз-чи шу касбни. Майлими?

Қампир шу дамгача ерга қараганича, қимир этмай ўлтирган эди, аммо нотаниш кимсанинг қизи исмини тилга олганини эшитганида сесканиб туриб, унга қайрилиб қаради.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ,— сўзини давом эттирарди айни чоғда у,— ахир, жуда зарур, фойдали касб-да бу! Менга ҳам ўргатиб қўёлмайсизми?

— Йўқ, сеньор,— деган қисқа жавоб бўлди.

— Йўқ деманг-э, унақа! Жуда унақанги зеҳни пастлардан эмасман! Ўйлашимча, ўрганиб оламан... Чамамда, фақат манави нарсани олинади-да,— у энгашиб, қўлини бармоқлари қизнинг бармоқларига тегадиган қилиб моки устига қўйди,— кейин уни мана бундоқ қилиб иплар орасидан ўтказиш керак... тўғрими?

Ана шунда у, худди вужудини бетийиқ ҳирсу эҳтирос чулғаб олгандек, чамаси ўзини йўқотиб қўйди-ю, тўсатдан овозини пасайтириб, чўғдай қизариб кетган қизга тикилганича сўзлашда давом этди:

— Росита, гўзал малагим! Сизни севаман мен... Биттагина бўса олай, соҳибжамолим... атиги биттагина бўса!

Шундай деди-ю, қиз ўзини олиб қочишга улгурмасиданоқ маҳкам қучоқлаб, чиппа лабларидан ўпди.

Қиз қичқириб юборди, бунга жавобан қаттиқ, газабкор ҳайқириқ янгради.

Ушбу дақиқагача ҳануз қилт этмай ўлтирган кампир ўтирган жойида энгашиб, қаддини букканича сакраб турди-ю, бамисоли йўлбарсдай зобитга ташланди. Кўз очиб-юмгунча унинг узун, қоқсуяк бармоқлари зобитнинг томоғидан ғиппа бўғиб олди.

— Қоч, жодугар, йўқол!— деб бақириб юборди у қу-

тулишга уриниб.— Йўқол деяпман! Бўлмаса нақ чопиб ташлайман сени, лаънати... Қоч деяпман сенга!

Кампир эса тинмай шафғиллар, қўйиб юбормасди сира; у зобитнинг томоғига чанг солар, заррин кокилли погонларини юлқилар, қўлига нима илинса йиртиб-тортқилар эди.

Лекинига унинг тирноқларига қараганда ҳайбатли бўрибосарнинг қозиқ тишлари ўткирроқ экан, ит ҳам ўша заҳотиёқ жойидан ирғиб туриб, зобитнинг оёғини ғарч тишлаб, шунақанги ғажий бошлаган эдики, у жони борича додлаб юборди:

— Тур кет, йўқол!.. Ҳой! Сержант Хомес! Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар!

— Мана сенга, мана, разил ачупино!— дея бобилларди кампир.— Итвачча! Испан кўппаги! Чақира қол ўшаларингни, қуёнюррак малайларингни!.. Баҳодир ўғлоним қайда қолди-я? Эргинам нега ўлиб кетди-я! Бу марази кўппак хонадонимизни оёқ ости қилди, ҳақоратлади-я... Улар бўлишганда омон кетолмасдинг, кўппак! Йўқол, қоранг ўчсин!..

— Лаънати манжалақи! Итингни ол, итингни ол деяпман!.. Ҳай, қаёқдасиз, Хомес! Тўппончаларингиз қаёқда? Отиб ташланг бу махлуқни! Тезроқ! Тезроқ бўлинг!

Шамширини ишга солганча, ботир комендант ниҳоят оти ёнига етиб олди. Сержант Хомес уни муҳофаза қилиб турди.

Вискарарнинг оёғини ит тузуккина ғажиган эди, шунга қарамай у, ҳар қалай, бир амаллаб эгарга олди ўзини.

Сержант иккала тўппончасини бўшатди, аммо итни пойлаёлмади. Душман сон жиҳатидан устун эканини кўрган ит орқасига бурилиб, югурганча уйга кириб кетди.

Вовиллаган овоз ортиқ эшитилмай қолди, лекин комендант отига миниб олганида ичкаридан истехзоли қаҳқаҳа эшитиларди. Бу кулги кумуш қўнғироқ садосидай жаранглаб чиқаётганди: комендант оч-малла сочли гўзал Росита уни масхаралаб кулаётганини дарров тусунди.

Комендантнинг аламини чеки-чегараси йўқ эди, шу топда у ўз бўлугига мазкур ранчони забт этишга жон-жон деб буйруқ беришга тайёр эди, ана унда ўша кўппакнинг бошини талаб қилган бўларди; фақат бир нар-

са— у чоғда аскарлар ўзининг шармандаларча қочиб қолгани сабабини билиб қолишларидан қўрқишгина тийиб турарди комендантни. Бундайин таҳқирланишни у мутлақо истамасди.

Хулласи, у бўлинмаси ёнига қайтиб, буйруқ берди-ю, ҳаммалари йўлга тушиб, шаҳарга қайта бошлашди.

Вискарра уланлар бўлинмаси олдида узоқ юра олмади; қалбига ўрмалаб кирган кек-алам ва умидсизлик томоғидан бўға бошлади, қисқаси, сержантга аллақандай кўрсатмалар бериб, ўзи от елдирганча илгарилаб кетди.

Роситанинг уйи томон бораётган ҳаворанг ридоли суворининг (Вискарра чорвадор йигит дон Хуанни таниган эди) кўриниши, шубҳасизки, аччиғи қўзиган комендантга тинчилик бера олмасди. Вискарра тўхтамади ҳам, гаплашмади ҳам лекин ўқрайганча Хуанни бошдан-оёқ чамалаб чиқди-ю, йўлига кетаверди.

У шу кетишда тезликни пасайтирмади, қалъа дарвозаси қаршисидагина жиловни тортди.

От ҳансираб, икки биқини оғир-оғир тушиб-чиқиб турарди — хўжаси ич-этини кемираётган бутун қаҳри-заҳрини шу шўрликка сочиб, аламини ундан олган эди.

XXIII БОБ

Ташқарида ҳаммаёқ тинчиши билапоқ Росита зипиллаганча уйдан чиқиб, иҳота орасидан мўралади. У яна карнай чалинганини эшитган ва чақирилмаган меҳмонларнинг жўнаб кетишганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлган эди.

Шунда у уланларнинг анча нарига бориб қолганларини, водийнинг нариги чеккасига қараб кетаётганларини кўриб қувонди.

У югургилаганича кулбага қайтиб, бу орада тагин ўз жойига ўтиб, бамайлихотир трубка тутатиб ўлтирган онасига хабар қилди.

— Пасткаш разиллар!— шанғиллади кампир.— Жўнаб қолишларини ўзим ҳам билгандим. Қари кампир билан битта итга бас келолмайдиган ҳоли бор экан-ку... Оҳ, ботир Карлосгинам шу ерда бўлганида-я! У анави кеккайган ачупионинг таъзирини бериб, унақанги но-

чору нотовонлардан эмаслигимизни кўрсатиб қўярди-я!
Ҳа, ҳа! Карлос кўрсатиб қўярди унга!

— Қўйинг, ўйламанг энди буни, ойижон. Менимча, улар энди қайтиб келишмайди. Қўрқмас Бизон билан икковинглар ўтакасини ёриб юбординглар уни. Тап тортмай ташланганини қаранг-а, барака топкурни!.. Э, уёқ-буёғига қарамабман ҳам — балки яралангандир,— деб қўшиб қўйди у шоша-пиша хонага алангларкан.— Бизон! Бизон! Кел буёққа, жониворгинам, кел! Кела-қол, бир нарса бераман сенга, баҳ, баҳ. Ботиргинам!

Ит ўзига яхши таниш овозни эшитиб пана жойидан чиқиб келди-да, думини ликиллата кетди.

Росита энгашиб, қўлини бароқ жунлари орасига суқиб, танасини пайпаслаб, кўздан кечира бошлади ит-ни, у ўқ тегиб қон чиққан жойи йўқмикин деб чўчиётган эди. Омадига сержант яхши мўлжалга ололмаганди. Итнинг бирорта ҳам жойига жароҳат етмаган, ҳаттоки тирналган ериям йўқ, кейин, ёш соҳибаси атрофида қандай ирғишлаб-айланаётганига қараганда, у соппа-соғ, кайфияти чоғ эди.

Бу бизон жуда яхши ит — Янги Мексиканинг аслида ўзи ярим бўри-ю, лекин қўй сурувларини бўрилардангина эмас, йиртқич мексика айиқларидан ҳам бемалол қўриқлайдиган ажойиб овчаркаларидан бири эди. Жаҳонда Янги Мексика овчаркасидан ўтадигани йўқ, бизон эса ўша зотнинг энг олди намояндаларидан бири эди.

Соҳибаси итнинг соппа-соғлигига ишонч ҳосил қилгач курасига чиқди-да, оёғи учига кўтарилиб, деворга қоқилган михдаги қандайдир ғалати нарсани олди. Бу аллақандай камонсимон қийшиқ колбасалар шодасига ўхшарди. Бироқ колбаса эмасди, Бизон кўзлари чақнаб, хурсанд ғингшишга тушганидан унинг бу нарса нима эканини жуда яхши билиши, унинг нуқтаи назаридан қаралса, колбасадан заррача кам жойи йўқлиги равшан кўриниб турарди. Ҳа, Бизонга ушбу нарсанинг сирини очиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ — сур бизон эти қандай нарсалигини билади у. Ит қоқ бизон этини яхши кўрарди, мана у ўзига теккан бир бўлак гўштни шундай ҳафсала билан ғажир экан, буни кутилганидан ҳам аълороқ даражада исбот қилди. Ҳалигача қўрқувни тарқамаган сулув Росита яқин-атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгани тағин иҳота олдига борди.

Бу гал бировнинг қораси кўринди; лекин уни аниқроқ кўргач, қиз заррача кўрқмади. Ҳаворанг ридоли, ҳашамдор жабдуқли от минган йигитга кўзи тушганида мутлақо ўзгача туйғуни ҳис этди: энди кўнгли бутунлай жойига тушиб, хотиржам тортди.

Бу сувори чорвадёр йигит дон Хуан эди. У тўғри ташқари дарвозага қараб келди-да, қизни кўриб, хушмуомалалик билан, дўстона саломлашди:

— Салом, Росита!

Қиз ҳам дўстона, мулойимгина жавоб қилди:

— Салом, дон Хуан!

— Онангиз, сенъоританинг аҳволлари қандоқ?

— Раҳмат, дон Хуан! Ҳамишагидай.— Шундай дея Росита қувнаб кулиб юборди.

— Нимага куляпсиз, Росита?— ҳайрон бўлди дон Хуан.

— Мардимайдон аскарларни кўрмадингизми йўлда?— деб сўради қиз кулги орасида.

— Бўлмасам-чи, кўрдим. Ҳозиргина йўлда бутун бошли уланлар полкини кўрдим, шаҳарга қараб кетиш-япти. Комендант бўлса улардан олдинроқда от елдириб кетяпти. У, худди орқасидан апачлар қувиб келаётгандай, отини жони борича учириб кетяпти. Мен ростдан ҳам уларни ҳиндуларга тўқнаш келиб қолишибди деб ўйладим: нега десангиз, ўша жанобларга дуч келганларида доим мана шунақанги жуфтакни ростлаб қолишларини биламан-да, ахир.

— Зобитларини турқи-таровати қанақа? Кўзга ташлангундек ҳеч нимани пайқамадингизми?

— Назаримда, пайқагандайман. Шу, тиканли буталарни оралаб ўтганга ўхшайди чамамда. Айтмоқчи, бировгина кўзим тушиб қолди унга — шунчалик от елдириб ўтиб кетди. Лекигин менга нақ еб қўйгундай ўқрайиб қаради. Кўриниб турибдики, у олтин тангаларини ҳанузгача унутолмаяпти, эсингиздами, авлиё Иоанн байрами куни менга ютқизган эди-ку? Ҳа, ҳа, ҳа!.. Лекин, азизам Росита, нимага куляпсиз ахир? Нима, аскарлар бу ерга келишдими? Бир гап бўлтимиз ўзи?

Шунда Росита унга комендантнинг ташрифи — унинг ичгани сув, сигарасини тутатиб олгани ўт сўраганини, кейин қандай уйга киргани, Бизоннинг эса унга ташланиб, шармандаларча орқасига қайтишга мажбур қилгани, ит қошиб олган комендантнинг отига аранг минга-

нию орқа-кетига қарамай қочиб қолганини гапириб берди. Аммо энг муҳим тафсилотлар ҳақда чурқ этмади. Қиз Вискарранинг таҳқирловчи сўзларию ҳақоратлари ва бўса олгани тўғрисида оғиз очмади. Буни эшитса дон Хуан жаҳли чиқиб, ўзини йўқотиб қўймасин тағин деб чўчиди у. Суюклисининг қизиққонлиги ва эҳтиётсизлигини биларди-да, ахир. Бунақанги янгиликларга хотиржам қулоқ солиб туролмайди — дарров қизишиб кетади, шундоқ бўлгач, уни деб тағин бошига бир бало орттириб юрмасин. Мана шунинг учун ҳам Росита бўлиб ўтган можаронинг асли сабабини сир тутишга аҳд этганди. Хулласи калом, қиз содир бўлган машмашанинг кулгили жиҳатинигина айтиб бераётган ва айни чоғда ўзиям чин дилдан, мириқиб кулаётган эди.

Аммо-лекин дон Хуан билиб олган шу озгина нарсанинг ўзиёқ йигитни ушбу воқеага анчагина жиддийроқ ёндашишга ундарди. Вискарра келибди, олдин ичгани сув, кейин сигарасини тутатгани чўғ сўрабди, ичкарига кирибди... Буларнинг бари ғалати, лекин сираям кулгили эмас-ку, дея ўйларди дон Хуан. Ундан кейин ит ташланибди унга, қошиб олибди... Уни уйдан қувиб чиқаришибди, боз устига, шармандаларча, бунинг устига уланлар бўлинмаси кўзи олдида-я!.. Вискарра, кекчи, мақтанчоқ, гердайган Вискарра, ҳиндулар билан бўлган юзлаб жанглар — асли-тагида йўқ жанглар — қаҳрамонидек улуғ лашкарбоши тўсатдан битта итдан мағлуб бўлиб ўтирса! Йўқ, хаёлидан кечирарди дон Хуан, бу мутлақо кулгили эмас. Вискарра ўч олади, ҳеч бўлмаганда бор кучи, жон-жаҳди билан шунга эришишга ҳаракат қилади.

Дон Хуанни бўлак нохуш ўй-фикрлар ҳам исканжага ола бошлади. Комендантни бу кулбага етаклаб келган нима? Бу уйни, унинг, дон Хуаннинг наздида оламнинг маркази бўлиб туюлгувчи ушбу овлоқдаги танҳою сўлим ошиённи қандай топиб келдийкин у? Йўлни ким кўрсатди экан унга? Уланларни йўлдан бурилиб, одатдаги қатнов йўлларини ўзгартиришларига нима мажбур этдийкин.

Ана шундай саволларга кўмиб ташлаган эди дон Хуан ўзини. Бу ҳақда Роситадан сўраш — ўзи сир сақлашни маъқул билган туйғу: рашк туйғусини ошкор этиш деган гап эди.

Ҳа, айни шу сонияда унинг ич-этини рашк кемирмоқ-

да эди. Турган гап, Росита Вискаarraга сув берган, сига-расига — чўғ... эҳтимол ичкарига таклиф қилгандир уни. Мана, ҳозир ҳам у қувнаб-яйраб турибди, кутилмаган қадамранжидаси учун Вискаrrадан сираям аччиқланаётгани йўқ.

Шуларни ўйлар экан дон Хуаннинг дарди-дунёси қоронғи бўлиб кетди-ю, севгилиснинг шўх-шодон кулгисига жўр бўла олмади.

Аммо Росита уни ичкарига таклиф қилиши билан кайфияти ўзгариб, яна аслига қайтди-қолди. Отдан тушиб, Роситанинг кетидан боғча оралаб бориб ичкари кирди.

Қиз дастгоҳи олдига чўкиб, яна ишга тутинди, йигитга эса унинг ёнига чўкка тушиб, хоҳлаган нарсасидан сўзлашига рухсат этилди. Қиз вақти-вақти билан мокини тўғрилаш ёки чувалиб-чалкашган ипларни чуватишда ёрдамлашиб туришига эътироз билдирмади унга; бундай пайтда қўллари тез-тез тўқинишиб турар ва чигални ёзиш учун зарур бўлган фурсатдан бурунроқ ажралишаётгандай туюларди.

Лекин бунга ҳеч қайсилари пайқамаетган эдилар. Роситанинг онаси кундузги уйқуга кетган, Бизон эса, мабодо бир нимани кўриб-пайқаган тақдирида ҳам, бари бир ҳеч кимга ҳеч нима айтилмасди — у фақат думини ликиллатиб, гўёки хатти-ҳаракатини батамом маъқуллаётгандек, дон Хуанга мулойимгина қараб-қараб қўяётган эди.

XXIV БОБ

Вискаrrа ўзининг ҳашамдор уйига етиб келгач, аввало вино келтиришни буюрди. Мана, винони келтирдилар, дилихуфтонликда қадаҳ кетидан қадаҳ кўтараверди. У аламини шаробдан олмоқчи эди, қисқагина муддатга дарди-аламини унутгандек ҳам бўлди.

Шароб ичган пайтингда кўнглинг юмшаб, енгил торгандек бўласан киши, илло вақтинчаликка. Ғирт маст бўлиб, учиб қолгуничалик ичиш мумкин, аммо кўпга борадими бу? Рашк ҳамда ҳасад яна уйғонади, уйғонганда ҳам, ҳеч қанча ўтмай — ҳа, ҳа, кайфинг тарқаб, ҳушингга келиб улгурмасингдан эртaroқ. Дунёда бор жамики узумни сиқиб тайёрланган шароб рашкчи одам-

нинг дарди-аламини буткул унутишга камлик қилади.

Вискарранинг қалбини жамики бетизгин эҳтиросу туйғулар тилка-пора қилаётганди. Бунда муҳаббат ҳам — аниқроғи, мазкур фаҳш зот муҳаббат деб атагувчи туйғу ҳам — рашк, ҳам, ўзига нисбатан қилинган, бундаини қўпол муомала оқибатида туғилган қаҳру газаб ҳам, иззат-нафси таҳқирлангани ҳисси ҳам мужассам, бари қоришиб кетган эди: ахир у зарҳал попукли погонлари ҳамда ҳурпайма жиғаси бор экан, ўзини даҳлсиз зот деб ҳисобларди-да; аммо бунинг бари пучга чиқиб, ҳафсаласи пир бўлган эди.

Бу ҳафсала пир бўлишию ноумидлик Вискарранинг эндиликда ошиқлик ҳамда хушторликни қандай қилиб янгитдан бошлашига сира ақли етмаётганлиги боисидан зўрайиб бораётганди. Мабодо яна борадиган бўлса унда тагин ўшандай кўнгилсизликни, йўқки, бундан ҳам бешбаттарроғини бошдан кечирishiга тўғри келар балки.

Зар уқаю заррин гул чекилган либос уни қанчалик бежамасин, қандайин нуфузлию эътиборли зот бўлмасин, у оч-малла сочли қизга бунинг бир пақирлик аҳамияти йўқ — бу кундай равшан. У Вискарра илгари диққат-эътибори, илтифотига муяссар этиб юрган қизлар, водийдаги қоракўз хонимларнинг жамикисига ўхшамайди мутлақо. Нега деганингизда, улардан хоҳлаганингиз у берган олтин тангани бирор оғиз сўзсиз, ҳагтоки қизаринқирамай ҳам олиши тайин эди — ҳа, ҳа, бирортаси рад этмаган бўларди-ёв!

Шундоқ, эндиликда унинг учун ранчо йўли берк. Хўш, унда қиз билан қаерда учрашадию қаерда кўради уни? Шаҳарда аҳён-аҳёнда бир кўриниб қолади у, акаси уйда бўлмаган пайтларни ҳисобга олмаганда, ҳеч қанақанги ўйин-кулги сайилларига келмайди. Шундай бўлгач, хўш қаерда ва қандай кўради уни? Тузатиб бўлмас, ноилож аҳвол, ўйламай, бемулоҳаза қўйилган хато одимни тўғрилашнинг ҳеч бир чора-иложи йўқ. Борди-ю, бу қиз монастирга қамаб қўйилган бўлса, ўшанда ҳам аҳвол қайтага бунақанги мушкул бўлмасди. Э нимасини айтасиз, тариқчалик умид йўқ! Ана шундай мулоҳаза юритарди Вискарра.

Башартики хаёлидан ушбу фикрлар кечаётган бўлса ҳам, ҳарқалай, чинданда умид қолмаганига ишонмаётган эди у дилида. Йўқ, дарров ортга чекиниб қўя қо-

лиш ниятида эмас у! Наҳотки у, қалбу юраклар кушандаси Вискарра қандайдир ярим гадо бир қизнинг юрагини забт этолмаса! Э-йўқ, у ҳали-ҳозиргача муваффақиятсизлик нималигини билмайди, бу гал ҳам билмайди уни! Елғиз мағрурлик майл-ихтиёрининг забти биланоқ истагига эришиши мумкин эди-ю, лекин мазкур иштиёқ-эҳтиросини аланглатадиган бўлак важлар ҳам бориydi. У қаршиликка учради, ниятини амалга ошириш осон бўлиб чиқмади — ана шулар оқибатида унинг ғайратшижоатию саркашлиги авжга мина борди.

Бунинг устига эса, рашкни айтинг — мазкур туйғу ҳам унинг иззат-нафс ҳиссини савалай кетди.

У дон Хуандан рашк қила бошлади. Вискарра уни ўшанда, байрам кун пайқаганди. У йигитни бизон овчиси ва синглиси даврасида кўрганди. Уларнинг қандай суҳбатлашаётганлари, ичаётганлари, қувнаб-яйрашаётганларини кўрган эди. У ана ўшандаёқ рашк қила бошлаган эди-ю, аммо бу ҳозирда унинг ич-этини тирнаб-таталаётган рашк олдида ҳеч гап эмасди. Негаки у ўшанда осонгина ва дарров ғалаба қиламан деган ширин орзуда эди-да. У кун кўнгли хотиржам эди, ҳозиргидек эмасди — ҳозир эса, у муваффақиятсизликка учраган, обрўси бир пул, тупроқ билан тенг бўлиб турганида яна ўша рақибига йўлиққан эди... У таниш ранчога қараб бораётганди. У ерда уни, ҳеч шубҳасиз, қувончла кутиб олишган, бор гапни айтиб беришган... Ана шунда ҳаммалари биргалашиб уни, Вискаррани майна қилиб, кулишган. Кейин... во дариф! Ана шу ўй-фикрга асти тоқат қилиб бўлмасди!

Шунга қарамай комендант ўз ниятидан қайтишни хаёлига ҳам келтирмаётган эди. Яна қандайдир йўлчораси бордир ахир, бу чора майли ғирром-ноинсофона бўлсин, майли қабиҳу разилона бўлсин, ишқилиб хаёлга келса, ўйлаб тополса бас... Вискарра бу жабҳада совуққонлик билан мулоҳаза юритадиган одам зарур эканини ҳис этди. Ҳа айтмоқ-чи, Робладо қаёқда қолдикин?

— Сержант! Капитан Робладога айтинг, унда гапим бор.

Капитан Робладо бундай ишларда энг муносиб шерик. Аёлларга муносабатда икковлари ҳам ғирт разил одам, лекин Вискарра ўзини бир оз хуштавозероқ, олижанобона-масхарабознамороқ кайфиятда тутарди. У ал-

даб-авраб йўлдан уришга уста эди. Худди дон Жуанга ўхшаб учраган ҳар бир жозибали аёлнинг хушторига айланар ва галабага эришишини тамоман табиий деб ҳаёл қиларди; Робладо эса ҳар қандай чора-тадбирдан ҳазар қилмас, ишқилиб улар тезроқ мақсадига етказса бўлгани эди. У агарда фойдаси тегса-ю, хавфли бўлмас, куч ишлатишга ҳам тайёр эди. Икковларидан ярамас, маразроғи Робладо эди, албатта.

Ўз диди-билгисича иш тутиб муваффақиятсизликка учраган комендант эндиликда Робладо қандай маслаҳат бермасин, барига тайёр эди. Ҳеч шубҳасизки Робладо унга маслаҳат бериши тайин эди: бу капитан маданий олам кишиларининг, шунингдек ёввойи ҳиндуларнинг ишқ-муҳаббат жанглари майдонида от суриш йўлларини усулларини жуда яхши билар эди-да, ахир. Буни қарангки, Робладонинг ўзи ҳам айнан шу қабилдаги ишда маслаҳатга муҳтож эди. У соҳибжамол Каталинанинг қўлини сўраган, дон Амбросио розилик берган, лекин сеньорита ҳаммани ҳайратда қолдириб кўнмаганди. У капитан Робладога тегишни узил-кесил рад этмаганди. У чоғда ўз оёғига ўзи болта урган бўларди-ю, дон Амбросио, чамаси, ҳаялламай ўз оталик ҳукми-амолини ишга соларди. Шу боис Каталина ҳали турмуш қуришга ёшман деган баҳона билан отасидан бу ишни кейинроққа қолдиришни сўради. Робладонинг эса тўйни кейинга суришни ўйлагиси ҳам йўқ эди, тезроқ бойиб олишга сабри чидамаётган эди. Илло дон Амбросио қизининг ўтинчини инobatга олганди — капитанни хавотирга солиб қўйган томони айнан мана шу эди.

Эҳтимол дон Амбросио комендантнинг таъсири билан ўз қарорини ўзгартириб, у истаган тўйни тезлаштирар? Ана шунинг учун ҳам бордию бошлиғи унинг олдида бурчли бўлиб қолса Робладо бағоят хурсанду бахтиёр санарди ўзини.

Комендант ҳузурига келгач, Робладо унинг бўлиб ўтган ҳангомалар ҳақидаги батафсил ҳикоясини тинглади.

— Қадрдоним полковник, ишни нотўғри томонидан бошлабсиз. Шунча тажрибангиз, шунча маҳоратингиз бўла туриб-а... э, қойил-э! Сиз худди кабутархонага шўнғиган бургутдай ташланибсиз-ку, уларнинг устига! Қушларни хиёлгина чўчитиб қўйсангиз борми, бас, ин-

ларига кириб биқиниб олади улар. Уша ранчоларига сираям бормаслигингиз керак эди.

— Ахир унда қизни қандоқ кўрардим?

— Ўз уйингизда ёки бирор бошқа жойда ўзлари маъқул кўрган ерда.

— Иложи йўқ-ку буни! Улақолса келмасди у!

— Сизнинг таклифингиз билан, албатта, келмасди— буни биламан.

— Хўш, унда қандоқ қилиш керак эди?

— Вой-бўй, наҳотки шунчалик соддасиз? Нима бало, оламда қўшмачи-даллоллар борлигини ҳеч эшитмагансиз дейман?— Робладо шундай деб хохолаб кулди.

— Э-ҳа, албатта... Лекигин, ишонинг, уларга ҳеч ишим тушмаган.

— Бўлмасам-чи! Ўзингизнинг нозик таъб-услубингизга ишониб бундайларни мутлақо кераги йўқ деб ўйлайсиз. Лекин эндиликда ўшаларнинг ёрдамига таянишингизга тўғри келади. Жудаям фойдаси тегадиган нухаларда ўзиям, гапимга ишонаверинг: вақтингизни тежашади, ташвишу оворагарчиликлардан халос этишади, иннайкейин деганингиздан, устамасига ишнинг муваффақиятли чиқишини осонлаштиришади. Ҳали ҳам вақт ўтганича йўқ. Маслаҳатим шу. Хўш, деганда, бордию бу гал ҳам ишингиз ўнгидан келмаса, ихтиёрингизда яна битта йўли қолади...

Бу ярамасларнинг бундан-буёнги суҳбатига қулоқ солиб ўлтирмаймиз. Улар ўзларининг қабиҳона режаларини ипидан-игнасигача муҳокама қилиб чиққанларини айтиб ўтишимизнинг ўзи кифоя деб ўйлаймиз. Шаробдан симира-симира, токи ҳаммаси атрофлича пухта ўйлаб чиқилиб, ўйлаган режаларини амалга оширишгина қолғунига қадар ушбу масала устида бирор соатдан мўлроқ вақтларини ўтказдилар.

Мазкур режа амалга оширилди ҳам, аммо натижа тамоман улар кутганча бўлмади. Далла ролини ижро этган «хоним» Росита билан тез орада танишиб олди-ю, бироқ унинг муваффақияти Вискарранинг муваффақиятидан ҳам шубҳалироқ эди. Йўқ, буни шубҳали деб ҳам бўлмасди — бунда ҳеч қанақанги шубҳа қолмаган, ҳаммаси ойдин эди.

У Роситага ўзининг нима ниятда келганига шама қилган заҳотиёқ қиз бор гапни онасига айтиб берди, шунда комендант эвазига қутулиб қолган тирналиш-

жароҳатлар унинг элчиси чекига тушган тирналаш-жароҳатлар олдида ип эшолмай қолди. Мабодо шафқат тилаб ёлбормаганида борми, қутуриб кетган Бизондан омон қолиши даргумон эди.

У қонундан мадад сўраши ва она-боладан қасос олиши мумкин эди, лекин унинг касбининг ўзи шунақанги бўлгани туфайли бу «хоним» таҳқиру ҳақоратлар аламини жимгина ютиб кета қолишни маъқул кўрди.

XXV БОБ

— Хўш, Робладо, энди нима қилдик?— деб сўради комендант.

— Ўзингиз-чи, ўзингизни ақлингиз етмай турибдими, қадрдоним полковник?

— Ҳа энди, сал етинқирамайроқ турибди-да,— деб жавоб қайтарди Вискаarra, гарчи нима қилишни жуда яхши билиб турган бўлса-да. Яқингинада ўйлаб, дилига тугиб қўйганди буни. Мазкур фикр миясига омади юришмаган биринчи куниеқ, қалбини қаҳру ғазаб ҳамда интиқом иштиёқи ўртай бошлаган пайтдаёқ келганди. Кейин ҳам такрор-такрор бостириб келаверганди хаёлига. Берган саволи эса бутунлай ортиқча эди, зеро комендант Робладонинг жавоби қандоқ бўлишини, у: «Куч ишлатинг», дейишини олдиндан биларди.

Худди шундай бўлди ҳам, Робладо айнан шу сўзларни айтди.

— Лекин қандоқ қилиб?

— Бир неча аскар билан борингда, кечаси олиб келаверинг ҳам. Бундан осони бор эканми? Бу жиззаки ойимчани аввал-бошдаёқ шундоқ қилиш керак эди. Чўчиманг, ҳеч қанақанги фалокат юз бермайди, бало ҳам урмайди унга. Ундайлар учун ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқ сира. Бу синашта усул, бунақанги воқеаларни эшитганман, кўрганман. Қафолат бериб айтаманки, овчи қайтиб улгурмасиданоқ қиз барига кўниб, қойилмақомчасига тақдирга тан бериб бўлади.

— Борди-ю, ундоқ бўлмаса-чи?

— Хўш, мабодо ундай бўлмаган чоғдаям, нимадан қўрқасиз?

— Бемаъни гаплар, ғийбату фисқи-фужурлар тарқалади...

— Вой-бўй, осмон узилиб, ерга тушаркан-ку! Кўйинг-э, азизим полковник, бу гал негадир юраксизлик қиляпсиз, Тўғри, сиз ишни анча пачава қилиб қўйдингиз, лекин буёғига ҳам ўшандақа қўпол ҳаракат қиласиз деган гап эмас-ку мутлақо. Уни кечаси олиб қочиш мумкин. Бу ерда ҳеч кимнинг киришига рухсат этилмайдиган хонадонларингиз бор. Агарда зарур бўлса, ҳатто анавиларидан... биляпсизми?.. Деразалари йўғидан фойдаланиш мумкин. Ҳеч қанақанги жодугару афсунгар ҳам ҳеч нимадан хабар тополмайди унда. Ўзингиз ишонадиган одамлардан танланг. Бутун бошли бўлинмани эргаштириб боришнинг ҳожати йўқ, беш-олтита олтин танга ўша олиб борадиган одамларингизни оғзи-тилини боғлаб қўяди. Рост, буни кўйлак ўғирлашдан қийин жойи йўқ. Биттагина кўйлакни ўғирлаш — бор гап шу, вассалом!

Шундай дер экан, разил ўзининг ушбу қўпол қиёсидан ва ундан ҳам қўпол ҳазилидан мамнун ҳолда хоҳлаб кулди, комендант эса унга жўр бўлди.

Шунга қарамай Вискаarra ҳали-ҳозирча бу охириги чорани қўллашга ботинмаётган эди. Бунинг боиси эса олиҳимматлик ҳисси эмасди асло. Гарчи у Робладо сингари ўтакетган разил бўлмаса-да, шу тобда уни тийиб турган нарса мутлақо андиша ёхуд инсоф эмасди. Вискаarra умр бўйи кимгаки зулм ўтказган, ёмонлик қилган бўлса, ўшанинг ҳиссиётию туйғуларига совуқ-қонларча бепарволик билан қараб келган, бу унинг одатига айланган эди, мана ҳозир ҳам у қалбини, ўша қиз кейинчалик бахтли бўладими ёки бахти қароми, деган ўй-хаёлгина банд этгани сабабдан иккиланаётгани йўқ эди. Йўқ, у бундайин фикр-ўйлардан йироқ эди. Уни юраксизликда айблар экан, Робладо ҳақ эди. Полковник аслида ҳам журъатсизлик қилаётганди. У шунчаки қўрқаётган эди, холос.

У қандайдир жазо тортишига тўғри келиб қолишидан қўрқаётгани йўқ эди. Ўзи ўша даражада нуфузлию қудратли зот, бўлажак қурбонининг уруғлари эса хавфсирашига арзимайдиган ниҳоят даражада паст табақа одамлари эди. Озроққина устомонона сиёсат ишлатилса бас — ҳеч қандай айбу гуноҳсиз бу одамлар ўлимга маҳкум этилардилар-у, мазкур ҳол одил суд ҳукмидек

кўринади қўяди. Айниқса ҳозир, ҳиндулар ғалаёнию креоллар¹ инқилоби испанларнинг Америкадаги ҳукронлигига таҳдид қилиб турган пайтда бировга хоинлик айбини тақаб, уни қамоққа тикиш ва ўлдириб юборишдан осони йўқ.

Вискаarra чинакамига яккаш гап-сўз бўлишу ғийбатлардангина чўчиётган эди. Бундай очиқ-ошкора ўғриликни узоқ сир тутиб бўлмайди. Эртами ё кечми барибир қандайдир миш-миш тарқалади, ана шунда, турган гапки, бундай жанжалли можаро шов-шувини ҳамма илиб кетади, бутун оламга жар солади, бутун шаҳар ғийбатга тушади. Бундан ҳам бешбаттароғи бўлиши мумкин. Гап-сўзлар Сан-Ильдефонсо сарҳадларидан чиқиб, олий хонадонга, шахсан вице-қиролнинг қулоғигача етиб бориши мумкин-ку! Ҳақиқатан ҳам комендант айнан ана шунисидан қўрқаётган эди.

Йўқ-йўқ, вице-қирол қасри ўша замонларда юксак ахлоқ-одоб намунаси бўлгани сабабдан эмас. Йўқ, у ердагилар ҳар қандай мустабидлик ёхуд разолат кўринишига хийла мурувватпарварона муносабатда бўлишлари ҳам мумкин эди — бари ими-жимиди қилинсагина, албатта. Аммо-лекин куппа-кундузи қилинадиган босқинчиликка (ақалли чинакам сиёсий жиҳатини олган тақдирда ҳам) панжа орасидан қарашлари даргумонов. Ҳа, шундай, Вискаarra эҳтиёткорликка риоя қилишга мажбур унинг етарлича асосу сабаблари бор эди. Ўз хийла-найрангини сир сақлай олишига кўзи етмас, бунга ишонмасди. Қизни ўғирлашида ўзига ёрдам берадиган муттаҳамлардан бирортаси бир кун эмас, бир кун уни сотиб қўйса-чи? Тўғри, булар ўз аскарлари бўлади, борди-ю, бирси кори ҳол юз берса, у қўл остидагиларни ўз билгича жазолайди-ку, лекин бундан нима ўзгаради? Ахир бу от ўғирлаб кетиб бўлинганидан кейин отхонани қулфлаб қўйган билан баб-баравар гап-ку!

Кўмакчилари ҳатто уни сотмаганлари тақдирда ҳам,

¹ Креоллар — Лотин Америкасидаги дастлабки европаликларнинг авлодлари. Мустамлакаларнинг иқтисодий тараққиёти йўлига Испания тўғаноқ қилаётган тўсиқлардан, мустамлака маъмуриятидаги олий мансабдор испанларнинг зўравонлигидан норози бўлган креоллар XIX асрнинг биринчи ярмида испан ҳокимиятига қарши бош кўтардилар. Бу қўзғолонлар испанларни қувиб, Лотин Америкасида мустақил республикаларга асос солишга олиб келган.

ҳаммасини ими-жимиди, сир сақлаб бўладими? Аввало унинг ғазабга келган акаси хавфли бўлиб қолади. Рост, хозир у сафарда, аммо яна қизнинг рашкчи жазмани ҳам бор, иннайкейин, акасиям қачондир қайтиб келадик-ку! Ана унда ҳаммалари қизни у — Вискарра ўғри-лаб кетганини тушунади. Унинг кулбага қадамранжидаси, қўшмачи-далланинг келгани, қизнинг ўғирлаб кетилиши — мана шуларнинг бари қиёсланиб, жами унинг ҳисобига битилади. Акаси шунақа акаки, бунинг устига қайлиғи ҳам, икковлари ўз шубҳа-гумонларини ютиб, жимгина юрадиганлардан эмас. Иккаласини гумдон килиб қутулса ҳам бўлади-ку, лекин у чоғда ҳеч нимага қарамасдан, таваккалига иш кўришга тўғри келади, бу эса ниҳоятда хатарли.

Вискарра ичида ана шуларни ўйлаётган эди, капитан Робладога ҳам шуларни исботлаётганди. Исботлаганда ҳам капитан уни бу фикрнию бу йўлдан қайтаришни хоҳлаётгани сабабдан эмасди, йўқ, лекин у икковлашиб бирорта хавфи камроқ чорасини топармиз деган ниятда эди, зотан комендант қандоқ бўлмасин ўз мақсадига етишни истарди.

Хулласи калом улар излаган нарсаларини топишди. Бу фикр, албатта анча-мунча тadbиркору сурбетроқ капитаннинг калласига келди. Қўлидаги қадаҳни столга дўқ эткизиб қўяркан, қўққисдан хитоб қилди у:

— Топдим, Вискарра! Худо ҳаққи, топдим!

— Ростданми? Тасанно!

— Агарда истасангиз, ўша соҳибжамолингиз билан сурункасига йигирма тўрт соат ишрат қилишингиз мумкин, яна десангиз энг уччига чиққан гийбатчиём ёмон хаёлга бормаиди асти. Жилла қурса ҳозирча ҳеч нимадан чўчимасангиз ҳам бўлади. Жин урсин, қандай ажойиб фикр-а!.. Нақ бизга керагининг ўзгинаси-я!

Намунча қийнайсиз одамни, капитан! Нима чора топдингиз ахир? Тезроқ гапира қолсангиз-чи!

— Шошмай туринг, олдин бир қултумгина шаробдан отиб олай. Роса устомонлик билан ўйлаб топилган усулда, ўзиям! Қиттак отвормасам бўлмайди бунинг шарофатига.

— Ундай бўлса ичинг, ичаверинг! — хурсанд кайфиятда деди Вискарра шаробдан қуяр экан, ошнасининг хаёлига қандай ажойиб фикр келганини билишга сабри чидамай.

Робладо қадаҳни бир кўтаришда сипқарди-да, комендантга яқинроқ ўлтириб, овозини пастлатганча ўзининг янги режасини батафсил баён этди. Чамаси бу режа Вискаррага жуда ёқиб тушди. У охиригача тинглаб: «Қойил!»— деб қичқирганча, бағоят ёқимли хушxabар эшитган бир қиёфада ўрнидан сапчиб туриб кетди.

Хурсандликдан оғзи қулогига етиб, бир неча дақиқа мобайнида ҳаяжон ичра у бурчакдан бу бурчакка бориб-келиб турди-да, сўнг хандон уриб кулиб юборди.

— Оббо сиз-ей, йўл топишга устаси фаранг лашкарбошининг ўзгинасиз-да!— деди у жўшиб.— Нақ Конденинг¹ ўзиям бунақанги йўригини ўйлаб тополмаган бўларди! Ё Биби Марям! Бундан моҳирона дона сурешни икки дунёда ўйлаб тополмайсан киши, сизга сўз бериб айтаманки, капитан, ижросини кечиктириб ўлтирмаймиз.

— Кечиктиришни нима кераги бор? Нега энди ишга шу заҳотиёқ киришмаймиз?

— Тўппа-тўғри... Келинг, ҳозироқ ушбу кўнгилли томошага тайёргарликни бошлаб юборамиз.

XXVI БОБ

Айни шу пайтда афтидан қалъа комендант билан унинг капитанига ўйлаган режаларини амалга оширишларига халал бериши лозим бўлгандек туюлган воқеалар рўй берди. Лоақал шундай деб тасаввур этиш мумкин эди. Юқорида зикр этганимиз суҳбатдан кейин бир кеча-кундуз ўтмаёқ шаҳарга, шунингдек бутун водийга жангари ҳиндулар ҳамласи хусусида овоза тарқалди. Айтишларича, ҳиндулар — улар апачларми, ютлар ёки команчиларми, буни ҳеч ким билмасди — Сан-Ильдефонсо яқинида батамом жанговар қиёфада пайдо бўлишган эмиш.

Бу, ҳеч бир шак-шубҳасиз, улар кентнинг хоҳлаган қисмига ҳужум қилишлари мумкин деган гап эди. Кейин янада жиддийроқ овозалар тарқади: ҳиндулар ясситоғликда, шаҳарга жуда яқин жойда бир нечта чўпонга ҳамла қилишган эмиш; чўпонлар қочиб қутулиб

¹ Конде Луи де Бурбон (1621—1686), Улуғ лақабига мушарраф бўлган француз саркардаси.

қолишган эмиш-у, бироқ итларини ўлдириб, қўй отарларини тоққа — талончиларнинг ишончли қалъаларига ҳайдаб кетишганмиш.

Бу галги хабарлар хиёл аниқроқ эди. Ют қабиласи ҳиндуларининг Пекос дарёсидан шарқда ов қилиб юрган бўлинмалари ҳужум қилганмиш. Улар ўз уйлари, Дель Нортенинг бошланиш жойларига қайтишдан олдин талайгина бойлик орттириш ҳирсида ана шу босқинга аҳд қилган бўлишлари керак. Чўпонлар уларни аниқ-таниқ кўриб, чаплаган бўёқ-безакларидан ютларни дарров танишибди.

Чўпонларга айнан ютлар ҳужум қилгани анча-мунча ҳақиқатга яқин келарди. Таос дарёси ҳавзасидаги яшнаган водийнинг кенту қишлоқларига яқингинада босқин қилганлар худди ўшалар эди. Ютлар Сан-Ильдефонсонинг бойликлари ҳақида эшитганлар, ана шунинг учун ҳам буёққа ҳужум қилганлар. Команчилар ва апачлар эса Сан-Ильдефонсо билан тинч-тотув яшаш-япти, мана бир неча йилдирки, Коагуила ва Чиуауа вилоятларини талон қилганларидан бери босқиндан тийилиб келяптилар. Сан-Ильдефонсо аҳли мазкур қабилаларнинг сулҳни бузишларига баҳона бўладиган иш қилганлари йўқ, бунинг устига ҳиндулар ҳам бирон-бир душманона ниятни билдирувчи биронта ҳаракат-уришни намоён этмаётган эдилар.

Қўйлар ҳайдаб кетилган кундан кейинги кечада хийла йирикроқ ўғрилик содир бўлди. Бу ҳол кентнинг ўзида бўлди. Водийнинг қуйи тарафдаги этагида жойлашган чорва фермасидан талайгина қорамол подасини ҳайдаб кетдилар. Подачилар ҳиндуларнинг молларни қандай ҳайдаб кетаётганларини кўришибди-ю, аммо кўрқиб, омон-эсон жуфтакни ростлаб қолганларидан хурсанд бўлиб, фермага келиб яшириниб олишибди.

Ҳали-ҳозирча бирор кимсани ўлдирмагандилар, негаки, талончиларга ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмагандида, ахир. Кейин, ҳиндулар ҳали уй-хонадонларга ҳам босқин қилмаётган эдилар. Эҳтимол бу чоққина бўлинмадир, холос, лекин яна ким билади дейсиз — бўлинма ёнига бошқа бўлуқлар келиб қўшилар, ана шундан сўнг улар чандон хавфлироғу қалтисроқ ҳаракатларга ўтиб қолишар.

Водий аҳлининг ҳам, шаҳарликларнинг ҳам дилларига ғулғула тушиб қолди. Қаёққа қараманг, ваҳима

ҳукм сура бошлади. Четроқ, овлоқроқ ранчоларда тура-диганлар кечаси уйларини ташлаб, шаҳардан ёхуд йирик асиендолардан паноҳ излаб қолишар эди. Қош қорайиши билан асиендоларнинг дарвозалари беркитилиб, ясси томлар — асотеяларда то тонг отгунча қадар қорувулар кезиб, пойлоқчилик қилиб чиқишар эди. Аҳли жамоат вужудини ваҳима чулғаб олганди; ҳиндулар босқини мутлақо ногаҳоний бўлгани туфайлидан ҳам ваҳима айниқсанги кўчайиб, газак олиб бораётганди — узоқ вақтлардан буён улар билан яхши муносабатда эдилар-да, ахир.

Одамларнинг ташвишу хавотирга тушиб қолганларининг ҳайрон бўладиган жойи йўқ, бунинг учун уларда ҳамма асослар бор эди. Улар бу ёввойи жангчиларнинг ҳужум пайтида шафқатсизликларининг чеки-чегараси бўлмаслигини жуда яхши билардилар: ҳиндулар эркак зоти борки жамини ўлдирадилар, фақат ёш қиз-жувонларга, шунда ҳам ўзлари билан олиб кетиб, мушфиғу бахти қаро асирага айлантириш учунгина шафқат қилдилар. Сан-Ильдефонсо фуқароси буларнинг баридан яхши хабардор эди — сабабки, худди ўша кезларда уларнинг қон-қардошлари ва ёр-биродарларининг абадулабадга жудо бўлган минглаб ҳамшаҳару ҳамқишлоқлари ҳиндулар қўл остида бандилик жабру ситамларини тортиб ётар эдилар-да. Шундоқ бўлгач, ҳаммаёқда даҳшату саросималик ҳукм сураётганининг ажабланадиган ери йўқ эди.

Комендант, афтидан, мудом сергак эди. У ўз сувориларига бош бўлиб, атроф-теваракда изғир, ҳатто тоғлар оралиқларига кириб борар эди. Кечалари соқчи бўлинмалари водийнинг бу бошидан-у бошига танда қўйиб, айланиб юрарди. Аҳолига мабодо ҳиндулар ҳужум қилиб қоладиган бўлса, эшик-дарвозаларни тамбалаб, ҳар хил нарсалар билан тўсиб, ташқарига чиқмаслик тавсия этилган эди. Қисқаси жамиул жамоат ўз ҳимоячиларининг саъй-ҳаракати, ғайрат-шижоатига таҳсин ўқи-моқда эди.

Кун сайин комендантнинг шон-шуҳрати ортиб борарди. Ўзининг қанчалик жасуру довюрак эканини барчага намойиш этиши учун илк бор чинакамига бир имконият туғилган эди — ахир у буёққа келганидан бери ҳиндулар Сан-Ильдефонсога ҳали бирор марта ҳужум қилганлари йўқ эди-да. Ундан олдинги лавозимдоши

вақтида ҳиндулар бу ерларда бир неча маротаба пайдо бўлганлар ва бундай кезларда қўшинларнинг «ваҳшийлар»ни таъқиб этиш ўрнига, токи ёв қўлига тушган жаминки мол-ҳолни ҳайдаб, водийдан ғойиб бўлгунига қадар қалъа-қўрғонда биқиниб ўтиргани ҳамманинг ёдида. Йўқ, янги комендант тамоман бўлакча ҳаракат қиляпти. Қандай мард зобит экан-а, бу полковник Вискар-ра!

Ҳаяжону ғулғула бир неча кун давом этди. Бироқ, ҳиндулар шу пайтгача бирор кимсани ўлдирмагани, биронта аёлни ўғрилаб кетмагани ва фақат кечаларигина пайдо бўлаётгани боисидан барча, чамаси улар жуда камчилик, шунчаки бир ҳовучгина босқинчилар тўдасигина бўлсалар керак, деган қарорга келди. Акс ҳолда эса улар аллақачоноқ куппа-кундузи кўринишга ботинган ва умуман анча-мунча каттароқ талафот етказишган бўларди.

Ана шу кунлар мобайнида бизон овчисининг онаси билан синглиси ўзларининг ҳеч бир кимса қўриқламаётган овлоқ ранчоларида яшаб келишиди, дарвоқе, бутун водийни излаганда уларнинг оиласига қараганда ҳиндулардан камроқ қўрқадиган бирорта оилани топиш маҳол эди-ёв. Авваламбор, ҳаётнинг ўзи уларни юраксизроқ ҳамсояларини ваҳимага соладиган хавфу хатарларга деярли эътибор бермасликка ўргатган эди. Соғина, кўриниб турибдики, ҳиндулар кўпроқ бойликни қўлга киритишга тиришаётибди, шу боисдан бундайин кашшоқ кулба уларни ўзига жалб этиши эҳтимолдан йироқ. Водийнинг хиёлгина юқорироғида бой-бадавлат ранчолар оз эмас. Йўқ, ҳиндуларнинг бундай камбағаллар кулбасига ҳамла қилишлари даргумон.

Бундайин ишонч учун яна битта муҳим асос бор — бу оилавий сирга ўхшаш нарса эди. Карлос жамики қўшни қабилалар билан савдо қилар, ҳиндуларга маълуму машҳур одам бўлиб, уларнинг қарийб жами сардорлари билан дўстона муомалада эди. Ҳиндулар ҳам у билан яхши муносабатда эдилар; ахир у америкалик эди-да. Ҳиндуларнинг америкаликларга муносабати ўша замонларда, ундан кейинроқ ҳам шундоқ эдики, америкаликларнинг ҳатто ниҳоятда кам сонли трапперлар ёки тижоратчи тўдалари ҳам айни пайтда мексикаликларнинг улкан карвонларига ҳамла қилиб, уларни шафқатсизларча талон-тарож қиладиган апачлар ва коман-

чилар ерларидан ҳеч нимадан хавфсирамай ўтиб-қайтиб юраверишарди. Орадан талай вақтлар ўтганидан кейингина бу қабилалар саксларни ҳам жонларидан ёмон кўриб қолдиларким, бунинг учун эса неча-неча марта-лаб ҳиндуларга нисбатан ваҳшиёна шафқатсизлик кўрсатган оқ танлиларнинг ўзлари айбдор эдилар.

Карлос эса ҳиндулар билан савдо қилар экан, ўзининг чоққина ранчосини, туғишганларини ҳеч қачон унутмасди, онаси билан синглисига эса ҳамиша, мен йўғимда ҳиндулардан қўрқманглар, деб тайинлар, ҳиндулар сизларга қўл теккизишмайди, деб ишонтирар эди.

У ёлғиз хикариллар — тоғда, Санта-Федан шимоли-шарқ томонда истиқомат қиладиган кичиккина, аянчли қабила билан ош-қатиқлик қилмасди. Бу қудратли апачлар қабиласининг шохобчаларидан бири эди-ю, аммо ўзларини алоҳида тутар ва уларнинг жанубнинг буюк босқинчи-талончилари — мескалери ҳамда «бўри кушандалари» билан муштараклик жиҳатлари кам эди.

Ана шу сабабдан ҳам жажжи Росита билан онаси ўша кунлари водийни оралаб қолган овозларга нисбатан бутунлай хотиржам бўлмаса ҳамки, ҳарҳолда қўшниларига қараганда хиёл камроқ қўрқув билан қараётган эдилар.

Дон Хуан улардан муттасил хабар олиб турар ва ҳар гал вақтинчаликка ўз уйига кўчиб ўтишга кўндиришга уринарди: унинг уйи катта, кўнгилдагидек мустақамланган, соҳиби хонадон ва кўплаб пеонлари қўриқлашади уни. Аммо Роситанинг онаси, унинг хавотирланишини эшитганда кулиб қўя қоларди, кейин Росита ҳам унинг таклифини рад этарди, албатта — қизнинг наздида бу ноқулай ҳамда кўпдаям одоб-таомилга тўғри келмайдигандек кўринарди.

Водийда ҳиндулар пайдо бўлибди деган овозлар тарқалганидан кейинги учинчи кеча яқинлашиб келмоқда эди. Она билан қиз дастгоҳ ва урчиқни қўйиб, ерга тўшалган тўшакларига узанаман деб турган эдилар ҳамки, Бизон тўсатдан бўйрада ётган жойидан сапчиб турди-ю, ғазабкор ириллаганича эшикка қараб отилди.

Ириллаш вовиллашга айланди, вовиллаганда ҳам шунақанги жазавага тушиб вовиллардики — бундан эшик орқасида бегона одам тургани дарҳол аён бўлди. Эшик зичлаб ёпилиб, тамбалаб, ғалақаси солиб қўйил-

ган эди-ю, ammo кампир, хатто, ким бу, деб сўраб ҳам ўтирмай, галақани суриб, уни очди.

У остонада кўринар-кўринмас ҳиндуларнинг ваҳшиёна ҳайқириқлари янграб, зилдай сўйил зарби уни ерга чалпак қилиб қулатди. Итнинг жонини жабборга бериб қилаётган ҳамлаларига қарамай, ваҳимали буёқлар чаплаб, пару патлар қадаб олган бир нечта ёввойи қийқириб, қуролларини силкиганча ичкарига ёпирилиб кирди. Орадан беш дақиқа ўтмаёқ улар қўрққанидан додлаётган қизни кўтариб чиқишди-да, хачирга миндириб боғлашди.

Ёввойилар ҳиндулар учун заррача бўлсин қийматга эга кўринган арзимасгина буюмларни олиб, ранчога ўт қўйиб юборишди-ю, шоша-пиша от йўрттириб кетишди.

Росита ўзи чандиб боғланган хачир устида ўлтирган жойида ёнғин алангасини кўрди, ўғрилар ўзини кўтариб чиқаётган пайтда эса онасига кўзи тушганди — остонада чалқанчасига қимир этмай ётар ва жони узлиб бўлганга ўхшарди. Мана энди уйлари аланга ичида, аллақачон томлари ловиллаб ёняпти!

— Бечора ойижоним! — алам ичра пичирларди қиз. — Эй худойим! Ойижонимга нима бўлади энди?..

Карлоснинг ранчосига бостириб киришган айни бир пайтда ёки салгина кейинроқ дон Хуаннинг уйи қаршисида ҳам пайдо бўлишди ҳиндулар; ammo-лекин озроқ ҳайқириб-қийқиришиб, болохона-шийпон ва дарвозага қарата камонлардан бир нечта ўқ узишиб, ғойиб бўлишди.

Дон Хуан дўстларидан хавотирга тушиб қолди. Ҳиндулар фермасидан узоқлашганлари заҳотиёқ уйдан астагина чиқиб, қоронғида пайқашмас деган умидда ўзига яхши ошно ранчо сари йўл олди.

У тўхтамай бораверди. У пиёда бораётган эди-ю, бироқ қуролланган, ё Роситани ҳимоя қилиб қолиш, ё ҳалок бўлишга аҳд этиб, кучи борича югураверди.

Бир неча дақиқадан сўнг у ранчо эшиги қаршисида турарди, ана шунда ловиллаб ёнаётган томдаги аланга шуъласида кампирнинг беҳуш жасадини, унинг даҳшатли, мурдадай кўкаринқираган афтини кўриб даҳшатга тушди.

Олов ҳали кампирга етиб келмаганди, лекин яна сал фурсат ўтгундек бўлса — тамом, у ёниб кетарди.

Дон Хуан уни боғчага олиб чиқди, кейин жонҳолатда, куйиб-ўртаниб Роситани чорлаб ахтара кетди.

Аммо, қиз жавоб бермасди. Аланганинг чирсиллаши, тун шамолининг уфуриши, тоғ бойқушининг «ҳув-ҳув»-сую дашт бўрисининг улишигина жавоб бўлди унинг хавотирли нидосига.

Ниҳоят, ҳеч қандай умид қолмагач, дон Хуан чалқанча ётган жасад ёнига қайтиб, уни кўздан кечиргани ёнига тиз чўкди. Уни ҳайратда қолдириб, кампир ҳали тирик экан, йигит сув томизиб лабларини ҳўллаганидан кейин у аста-аста ҳушига кела бошлади. Даҳшатли зарба гангитиб, ҳушидан кеткизган экан, холос.

Дон Хуан уни даст кўтарди-ю, қалбини дард-алам тирнаган қўйи ўзига жуда яхши таниш сўқмоқ билан уйига жўнади.

Эртасига эрталаб тунги воқеалар ҳақидаги мишмишлар бутун Сан-Ильдефонсога таралиб, кишилар юрагига янаям кўпроқ ваҳима солди. Комендант барчанинг кўзи ўнгида кўп сопли бўлинманинг олдида шаҳар бўйлаб от ўйнатиб ўтди. Узундан-узоғу тумтароқли гапсўзлар ва бемаънию беҳуда нари-бери кезинишлардан кейин уланлар гўёки ҳиндуларнинг изига тушгандай бўлдилар.

Бироқ, қош қорайишидан бирмунча вақт бурунроқ сувори аскарлар одатдагидек маълумот билан қайтдилар:

— Ҳиндуларни қувиб етиб бўлмади.

Уларнинг изларидан нақ Пекосгача бордик, деб ахборот бердилар. Ҳиндулар дарёдан кечиб ўтиб, нарига, Льяно Эстакадога қараб кетибдилар.

Ушбу охирги хабар водий аҳлини бир қадар тинчлантирди: агарда ҳиндулар ўша томонларда ғойиб бўлишган бўлса, босқин ва талончиликлар тугабди-да, деб ўйлаш мумкин эди. Улар, аниқ гап, ҳаммалари билганларидек, қаердадир ўша ёқларда ов қилиб юрган қабилаларига қўшилишга қарор берганлар.

XXVII • Б О Б

Оқшом олди Вискарра ўзининг башанг кийинган уланлари билан водий юқорисига ўтиб кетди: улар ҳиндуларни таъқиб қилиб қайтаётган эдилар.

Орадан кўп деганда бирор соатча муддат ўтгач, йўлда чангга беланган, чарчаб-толиққан бошқа суворилар тўдаси кўринди; бу тўда ҳам худди бояги тарафга қараб бораверди. Бунни ҳатто суворилар тўдаси деб аташ эҳтимолдан йироқроқ эди: унда юк ортилган хачирлар бор эди, кейин, ҳўкизлар бир нечта аравани тортиб келарди. Фақат биргина одам от минганди; энгил-боши ва бутун қиёфаси унинг карвоннинг эгаси эканини очиқ-ойдин айтиб турарди.

Олис йўл чавандоз билан отини толиқтириб қўйган, икковлари чангга беланган, аммо бари бир суворини таниш қийин эмасди: бу Карлос — бизон овчиси эди.

У уйига яқинлашиб қолганди. Ана шу чанг-тупроқ йўлдан тагин беш миль юрилса бас — қаршисида қашшоғона кулбасининг эшиги очилиб турибди-да. Яна бир соат — ана унда кекса онаси, азиз синглиси қучоғига отилишади, у ҳам меҳрибонларини бағрига босиб, суйиб-эркалайди.

Қанчалик ногаҳоний хурсандчилик бўлади уларга бу! Турган гапки, яқинлари унинг шунчалик тез қайтишини кутишмаяпти.

Қанчалар хурсанд қилади у меҳрибонларини! Ахир уни жуда-жуда омади келганди-да. Қулинг ўргилсин хачирлар, олам-жаҳон юк — буларнинг бари чинакам бойлик-ку, ахир! Роситага мана энди янги кўйлак — дағал қўлбола матодан эмас, шойи, четдан келтирилдиган ҳақиқий шойи кўйлак, кейин, елкапўш ҳам, заррин туфлича ҳам олиб беради, иннайкейин у кейинги байрамга нозик ипак пайпоқ ҳам кийиб чиқади... Дўсти дон Хуанга муносиб қайлиқ бўлади синглиси. Онажониси эса жўхори шарбат билангина кифояланиб қолмайди: чой, қаҳва, шоколадли шарбат — қай бирини хоҳласа, ўшани ичади.

Кулбалари жудаям путурдан кетиб, тўкилай деб қолган, уни бузиб ташлаб, ўрнига янги иморат солиш керак... Йўқ, яхшиси қорабайирига отхона бўлиб қолақолсин, янги уйни эса ёнига қуриш мумкин. Хачирларни сотганидан кейин тузуккина ер олиб, хўжалигини оёққа тургазса ҳам бўлади.

Хўш, Карлоснинг чорвадор бўлишига ва ерини ижарага беришига ёки унда ўзи яйлов ўрнида чорва боқса нима халал беради? Бу хийла эътиборли, шарафли касби кор-ку; ана унда Сан-Ильдефонсода энг паст тонфа-

даги одам бўлмайди. Худди шундай қилиши керак. Лекин олдинга ясситоғликка тағин бир марта бориб, вако дўстларини зиёрат қилиб келиши керак — ахир улар ваъда беришди-ку... У, уларнинг ваъдаси унинг бутун орзу-умидлари кошонасининг баайни пойдевори-ку!

Роситага шойи кўйлак, кекса онасига қимматбаҳо ичимликлар олиб бериш, янги уй, яйлов — булар хусусида орзу қилиш қанчалар нашидали-я! Аммо Карлоснинг яна битта, энг эзгу орзуси бор, у бошқаларининг барини сояда қолдириб, босиб кетаётган эди. Агарда у ваколар юртига яна бир марта бориб қайтса, ушбу орзусини ҳам рўёбга чиқара олади.

Карлос ўзи билан Каталинани ажратиб турган бирдан-бир тўғаноқ — ўзининг камбағаллиги эканига ишонарди. Негаки, қизнинг отаси, очигини айтганда, давлатмандлардан эмасди. Тўғри, ҳозирда бадавлат-у, лекин бундан атиги бир неча йиллар муқаддам Карлос қатори қашшоқ кон қазувчи эди. Илгари улар қўшни эдилар, кейин, ўша замонларда дон Амбросио болакай Карлосни жажжи Каталина билан дўстлашишга мутлақо номуносиб деб ҳисобламас эди.

Хўш, борди-ю, бизон овчиси ҳам бойиб кетадиган бўлса, у чоғда нима монелик қила олади унга? «Албатта, ҳеч нима, — ўйларди Карлос. — Мабодо мен унга ўзимнинг ундан камбағал эмаслигимни исботлай олсам, Каталинани менга беришга рози бўлади. Нимага ҳам бермас экан? Онаминг айтишича, менинг томирларимда ҳам хоҳлаган олижаноб идальгонинг томиридаги қон оқаётган экан, заррача кам жойи йўқ экан ундан. Башарти ваколар рост гапирган бўлсалар, яна битта сафарга отланса — Карлосда, бизон овчисида ҳам кон соҳиб дон Амбросионикига теппа-тенг олтини бўлади-қўяди-да!»

Қайтишда бутун йўл бўйи ана шуни ўйлаб келди у. Ҳар куни, ҳар соатда у хаёлий қасру кошоналарни қуриб келаверди. Бирор соат йўқ эдики, у Роситага шойи кўйлак, онасига чой, қаҳва, шоколад харид қилмаган; у янги ранчо қуради, яйлов сотиб олар, Каталинанинг отасига олтинларини кўрсатиб, қизнинг қўлини сўрарди. Ҳа-ҳа, ҳавойию хаёлий қасру кошоналар денг!

Уйига яқинлашгани сайин мазкур қувончли рўёлар тобора амалга ошадигандек туюлиб, овчининг чеҳраси эса бахтиёрликдан ял-ял ёниб борар эди. Аммо-лекин

ҳадемай бу чехрага даҳшат чанг солиб, уни буткул ўз-га қиёфага солади...

Тезроқ онаси ва синглиси дийдорига етишдек лаззатни тотиш истагида у бир неча бор олдинга от суришга чоғланди-ю, бироқ ҳар гал ўзини босди.

— Йўқ,— деб пичирларди у.— Ҳачирларнинг ёнида бўлганим тузук. Шуниси салобатлироқ! Ранчонинг олдига борганда қатор сафга тизиламиз. Ушанда улар мени биров билан бирга келибди, ҳачирлар ана ўшаникидир, деб ўйлашади. Ҳаммаси меники, деганимда, мени ҳақиқий ҳинду бўлиб кетибди-ю, ўзининг довярак хизматкорлари билан жанубдаги вилоятларга босқини уюштирибди-да, деб хаёл қилишади.

Шундай хаёл кичираркан, Карлос мамнун кулиб қўйди.

«Росита, сингилжоним!— ўйларди у.— Мана энди у дон Хуанга тегадиган бўлди. Ана энди розилик берсам ҳам бўлади. Шундоқ бўлгани маъқул. У довярак, мард, мен яна даштга кетганимда Роситани ҳимоя қила олади. Тўғри, бу энг охирги сафарим бўлади. Тағин бир мартагина бориб қайтсам кифоя— ана ўшанда мени оддийгина бизон овчиси Карлос деб эмас, балки сеньор дон Карлос деб атайдиган бўлишади».

Хаёлидан бойиб кетиши, ўзини «дон Карлос» деб аташлари хусусидаги ўй кечар экан, яна кулиб қўйди у.

«Ҳеч кимни учратмаганим ғалати бўлди-ку!— деб ўйлади у кейин.— Йўлда бирон жон зоти кўринмаса-я! Ҳали бутунлай қош қорайганича йўқ, қуёш қоя ортига ботиб кетмаган бўлса. Одамлар қай гўрга ғойиб бўлиш-дийкин? Йўлда эса анча-мунча яп-янги от излари кўрин-япти... Э-ҳа! Бу ерда аскарлар бўлишибди-ку! Яқинги-нада водийнинг юқорисига қараб ўтиб кетишибди... Лекин ҳеч жойда ҳеч зог кўринмаётгани шунинг учун эмасдир-ку, ахир. Бирорта орқада қолган аскар ҳам кўринмайди ақалли! Агарда мана шу излар бўлмаса, Сан-Ильдефонсога ҳиндулар ҳужум қилган деган хаёлга боришим ҳеч гап эмаэди. Аммо-лекинга, мабодо ростдан ҳам апачлар пайдо бўлган бўлсалар, бизнинг комендантимиз ўша мўйловдорлари билан ўла қолса қалъадан бунчалик олислашишга журъат этолмасди, ҳа, уни яхши биламан!.. Йўқ ҳарҳолда буёғи ғалати бўлди-ку! Ҳеч нимага ақлим етмай қолди. Балки бугун

бирорта байрамдиру, ҳаммалари шаҳарга кетишгандир?»

— Антонио, дўстим, сен ҳамма байрамларни биласан. Бугун бирорта байрам куними?

— Йўқ, хўжайин.

— Унда бутун халқ қаёқда, ахир?

— Мен ўзим ҳам тушунолмаяман, хўжайин. Ақалли бирорта одам учрай демайди-я...

— Ана, мен ҳам шунга тушунолмаяман-да... Эҳтимол яқин-атрофда ҳиндулар пайдо бўлиб қолишдимикин? Сен нима деб ўйлайсан?

— Йўқ, хўжайин, буёққа қаранг-а! Мапанн уланларнинг изи. Ўтиб кетганларига бирор соатча бўлган. Уланлар юрган жойда ҳиндулар бўлмайди.

Антонио буни шундай оҳангда айтиб, Карлосга шундай қараш қилдики, овчи унинг ўз-ўзидан мутлақо бошқача маънода тушуниш мумкин бўлган сўзларини аслича фаҳмлашда янглишмади. Антонио, башарти бу ерга уланлар келган бўлса, ҳиндулар бош суқишга ботинолмайдилар, демоқчи эмасди мутлақо, бутунлай аксини айтмоқчи эди. «Уланлар пайдо бўлганлари туфайли ҳиндулар йўқ бу ерда» эмас, балки «ҳиндулар кўринмагани учун уланлар келишган бу ерга» — мана нима демоқчи эди у.

Карлос унинг гапига тушунди ва бунга жавобан хоҳолаб кулиб юборди — негаки, унинг ўзи ҳам худди шундай ўйлаётган эди-да, ахир.

Йўлда бояғидек ҳеч ким кўринмасди, бу ҳол Карлосни хавотирга сола бошлади. У ҳали-ҳозиргача ўз яқинлари бошига мусибат тушган деган хаёлга борганича йўқ эди-ю, бироқ ушбу кимсасизлик, ёлғизлик фикритуйғусини уйғотаётган ва кўнгилни ғаш қилиб, қандайдир хосиятсиз нарсадан далолат бераётгандек туюларди.

Шу тариқа Карлоснинг кўнглига ғашлигу маъюслик ўрмалаб кириб, уни буткул забт этди, эндиликда овчи уни эплаб жиловлаёлмай қолди.

У ҳали бирорта ранчонинг ёнидан ўтганича йўқ. Юқорида зикр этилганидек, уларнинг уйи, агарда водийнинг қуйи томонига қараб юриладиган бўлинса, энг одоқдаги ранчо эди. Лекин водий аҳли ўз отару подаларини янаям қуйироқда боқарди-ку, айнан шу соатларда эса мол-

ҳолини уйга ҳайдаётган бўларди одатда. Ҳозир бўлса на мол-ҳол, на чўпон-чўлиқ кўринади.

Йўлнинг ҳар икки биқинидаги одатда чорва ўтлаб юрадиган яйловлар бўм-бўш. Бунинг маъноси нима бўлди экан?

Буни кўрганида юраги безовталаниб, дилига хавотир дориди; бу ширава хавотир токи ўзи бурилиши зарур ерга етгунича болалаб, газак олиб бораверди.

Мана, ниҳоят, бурилишга ҳам етиб келди. У уйига олиб борадиган йўлга бурилди, абадий яшил эманзорни ортда қолдирди — ҳозир ранчосини кўради у.

Карлос беихтиёр отининг жиловини тортди-ю... эгарда ўлтирган жойида ҳайкал мисоли қотди-қолди; оғзи хиёл очилган, ҳаракатдан тўхтаган нигоҳи даҳшатли эди.

Уй кўринмаётган, уни кўм-кўк кактус девор пана қилиб турган эди-ю, аммо девор тепасида аллақандай мудҳиш қоп-қора чизиққа кўзи тушган, ҳовлида эса тепага аллақандай ғалати дуд буралиб кўтарилаётган эди.

— Ё одил эгам! Нимаси бўлди бу?— нидо солди у титроқ овоз билан, бироқ ўша ондаёқ, сира иккиланмай отнинг икки биқининга шпорларини шундай қададики, тулпор мисоли ўқдай учиб кетди.

Мана уни иҳотадан ажратиб турган масофа ортда қолди ҳам, овчи одан сакраб тушиб, ичкарига қараб отилди.

* * *

Ҳадемай бутун карвон етиб келди. Антонио иҳота ортига югурди.

У ерда, ҳали совуб улгурмаган, ёнғиндан қорайиб кетган деворлар орасида, курсида хўжайини чалқайиб ўлтирарди. Карлоснинг жингалак сочи боши эгилган; у бошини иккала қўли билан чангаллаб олган, бармоқлари титраб-қалтирар эди.

Одим шарпасини эшитиб кўзларини кўтарди, аммо бир лаҳзагагина.

— Ё тангрим! Онажоним... сингилгинам!..— такрорларди у. Боши яна ҳам бўлди, у энтика-энтика, оғир нафас оларди. Бу дам — шафқатсизона, чидаб бўлмас азоб истироблар дами эди. У даҳшатли ҳақиқатни ҳақиқий воқеани кўнгли сезиб, ҳис этиб турарди.

XXVIII БОБ

Даҳшатли зарбадан асосан қаттиқ шикастланган Карлос бир неча дақиқагача бу сарҳушлигу лолликни қувишга уринмади ҳам.

Аллакимнингдир дўстона қўли кифтига тегиб, бошини кўтарди у. Тепасида дон Хуан энгашиб турарди.

Дон Хуаннинг афтидан унинг Карлосдан кам изтироб чекмаётгани кўриниб турибди. Демак, умид қиладиган жойи йўқ. Шундай бўлса-да, Карлос беихтиёр сўради:

— Онам? Синглим?

— Онанг меникида,— деб жавоб берди дон Хуан.

— Росита-чи?

Дон Хуан жавоб бермади, унинг ёноқларидан ёш юмаларди.

— Қўй, дўстим,— деди Карлос дон Хуаннинг унинг ўзидан оз таскинга муҳтож эмаслигини кўриб,— қўй, керакмас... Ҳар қандай оғир мусибат бўлгандаям билишни истайман! У ўлдими?

— Йўқ, йўқ!.. Ишонаманки, у ўлмаган!

— Уни ўғирлаб кетишдимми?

— Минг афсуски, шундай!

— Ким?

— Ҳиндулар!

— Ҳиндулар эканига ишончинг комилми?

Карлос шундай деб сўраркан, кўзлари алланечук галати чақнаб кетди.

— Имоним комил мутлақо. Мен уларни ўз кўзим билан кўрдим. Онанг...

— Онам! Унга нима бўлди?

— Ҳозир у бежавотир жойда. Ёввойилар остонада қарши олибди, уни сўйил билан уришибди, шунда ҳушидан кетиб қолибди-ю, ортиқ ҳеч нимани кўрмабдиям, билмабдиям.

— Росита-чи?

— Уни ҳеч ким кўрмабди. Шубҳасиз, уни ҳиндулар олиб кетишган.

— Улар ҳиндулар эканига аминмисан ўзинг, дон Хуан?

— Аминман. Улар худди бир вақтда менинг уйимга ҳам ҳужум қилишди. Улар бундан илгарироқ молларимни ҳайдаб кетишганди, ана шунинг учун пеонлардан

биттаси пойлоқчиликда турганди. Ўша ҳиндуларни олис-даноқ пайқаб қолди-ю, дарвоза-эшиқларни тамбалаб, ҳимояга тайёрланишга улгурдик. Улар бизнинг ҳушёр турганимизни кўриб, тез орада қайтиб кетишди. Мен бўлсам ўша заҳотиёқ уйдан чиқиб, аста буёққа келавердим, нимага деганинда онанг билан синглингдан хавотирда эдим. Келсам, том аллақачон лангиллаб ёнаётибди, онанг остонада ҳушидан кетиб ётибди. Росита бўлса йўқ! Ё Биби Марям, у ғойиб бўлибди-я!

У яна йиғлаб юборди.

— Дон Хуан!—қатъий оҳангда деди Карлос.—Сен мен ва оиламнинг дўсти, биродарим эдинг. Биламан, мендан кам изтироб чекмаяпсан. Кўзёшининг ҳожати йўқ! Қара, менинг кўзларим қуппа-қуруқ ҳозир. Бошқа бир томчи ёш тўкмайман, эҳтимол, токи Роситани халос этмагунимча... ёки унинг ўчини олмагунимча мижжа қоқмасман ҳам. Ҳаялламай ишга киришиш керак! Ўша ҳиндулар ҳақидаги бари билганларингни гапириб бер менга... Тезроқ бўл, дон Хуан! Бари, барини билишни истайман!

Дон Хуан ўша уч-тўрт кун орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрган турли хил овозаю миш-мишларни батафсил гапириб берди, шунингдек, ҳиндуларнинг ҳаракатларини ҳам: уларни ясситоғликда биринчи марта қандай кўриб қолганларини; уларнинг чўпонларга қандай дуч келганларию қўй сурувларини қандоқ ҳайдаб кетганларини; уларнинг водийда пайдо бўлганларию подасига ҳамла қилганларини — баайни унинг подаси талафот кўрганди; сўнгра ундан кейинги, Карлос билиб олган нарсаларни ҳикоя қилди.

У Карлосга яна аскарларнинг қандайин ғайрату шижоат-ла ҳаракат қилаётганларини, ўша машъум куни эрта-саҳарда талончилар изидан борганларини, ўзининг сдамлари билан аскарларга қўшилмоқчи бўлгани, аммо комендантнинг бунга кўнмаганини ҳам сўзлаб берди.

— Кўнмади?— қайтариб сўради Карлос.

— Ҳа, аскарларга фақат халақит берасизлар, деди бизга. Ўйлашимча, мендан ранжигани сабаб бўлди-ёв бунга. У мени ўшанда, байрамда ёмон кўриб қолгандида, ахир.

— Шундай де. Яна нима?

— Уланлар яқингинада қайтишди, бирор соатча бўлди. Ҳиндулар Пекосдан кечиб ўтиб, Льяно Эстакадога томон кетишган; жойгача изларидан бордик, дейиш-

ди. Ҳиндулар кўриниб турибдики, Улуғ Текисликлар тарафга от солиб кетишган, шунинчун у ёғига кетларидан қувиш бефойда экан. Аскарлар шундай дейишяпти. Одамлар эса ёввойилар гумдон бўлишганидан, эндиликда ҳеч нарсадан хавотир олмасликларидан бахтиёру хурсандлар. Мен ҳиндуларни қувгани бўлук тузишга уриниб кўрдим, лекин ҳеч ким жонини хатарга қўйишни хоҳламади. Шунда ўзимнинг пеонларим билангина, бу ишончсиз иш бўлса-да, таъқибга чиқмоқчи бўлиб турувдим, лекин, худога шукрки, сен қайтиб қолдинг мана.

— Эй худо, ишқилиб изларидан қувиб боргани фурсат ўтиб қолган бўлмасин-да. Гарчи, ҳалиги... Улар ярим кечада бостириб келишди дедингми? Ахир ёмғир ҳам ёғгани, шамол ҳам бўлгани йўқ-ку — излари бамисоли шудринг томчиларидай аниқ-таниқ туради, қани энди ит бўлса... Ҳа-я, Бизон қаёқдайкин?

— Меникида. Эрталаб йўғийди, биз уни ҳиндулар ўлдиришган ёки ўғрилаб кетишган деган хаёлга борган ҳам эдик, лекин одамларим уни шу ердан, ранчодан топишибди. У ҳаммаёғи ифлос, найза билан шунақанги жароҳат етказилган, ярасидан қони оқиб ётган экан. Афтидан, ҳиндулар уни ўзлари билан ола кетишган, лекин йўлда жуфтакни ростлаб қолган у.

— Қизиқ... жуда қизиқ... Шўрлик Роситагинам! Бечора сингилгинам-а! Қаердасан ҳозир ўзи? Қаерда?.. Бирор кун кўрармиканман сени?.. Ё тангрим! Ё парвардигор!

Бир муддат Карлос яна тушқунликка тушиб, боягидек ноумид ҳолатда сарҳуш қотди.

Аммо туйқисдан сакраб турди-ю, муштарини қисганича, кўзлари ёниб.

— Дашт ялангликлари бепоён, манфур талончиларнинг излари билинар-билинемас, лекин Карлоснинг, бизон овчисининг кўзлари ўткир!— дея қичқириб юборди. — Топаман сени, бир умр изласам ҳам, бари бир топаман сени!.. Қўрқма, Росита! Қўрқма, суюкли сингилгинам! Ермамга етиб бораман сенга! Агарда сени хафа қилган бўлсалар—ҳолларига вой, сенга озор берган қабиланинг ҳолига вой?!— Сўнгра дон Хуанга ўгирилиб, бундай деди у:— Қош қорайиб бўлди. Бугун ҳеч нима қилломаймиз. Дон Хуан! Дўстим, биродарим! Бошла мени онамнинг ёнига...

Ғаму мусибат сўйлашадиган тилнинг ўз лутфи-лато-

фати бор, бизон овчисининг сўзлари ана шу назм латофати ила буткул йўғирилган эди. Аммо бу назмона латофат портлови тез сўнди-ю, у яна бешафқат воқеликка қайтди. Таъқиб муваффақиятли чиқишига кўмаги тегадиган жамики чораю жиҳатлар ҳушёрлик, ақл-идрок-ла мушоҳада этилиб, моҳирона тадбирлар кўрилди. Қурол, аслаҳа-анжомлар, от — тонг-саҳарда йўлга тушмоқлик учун Карлос буларнинг ғамини еб, таппа-тахт қилиб қўйди. Икковларини кузатиб бориш лозим бўлган — ўзининг ва дон Хуаннинг хизматкорлари учун ҳам отлар шай қилиб қўйилди.

Хачирларга озиқ-овқат ва олис йўл босиш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар ортилди, зеро Карлос то синглисини халос этиш ёки ўчини олиш хусусида ичган қасамини адо этмагунича қайтмасликка қарор берганди. У кичкинагина тўсиқдан ҳам чўчидиган таъқибчилар тоифасидан эмасди. У «ҳиндуларга қувиб ета олмадик» қабилдаги ахборот билан қайтмоқчи эмасди. У талончилар изидан дунёнинг нариги чеккасига бўлса ҳам, қаерда бўлмасин ҳиндуларнинг қалъа-қўрғонларигача етиб боришга қатъий аҳд қилганди.

Дон Хуан бутун қалбию вужуди билан унинг измида эди, зотан у Карлосдан оз манфаатдор эмасди таъқиб натижасида, ғам-қайғуси ҳам овчиникичалик беҳудуд эди.

Унинг ёнида йнгирма чоғли пеон бор эди, ҳаммаларни содиқ тагнослардан бўлиб, гарчи уруш буларнинг касби корию иқтидори эмасди-ю, бироқ ўзлари ниҳоятда ўрганиб қолган хўжайинларига хайрихоҳ, астойдил хизмат қилишга интилиш эса уларни ҳақиқий жангчига айлантирар эди.

Ишқилиб талончиларни қувиб етсалар бўлгани, жангнинг қандай оқибат билан тугашига келганда эса, сира қўрқадиган жойи йўқ. Мазкур тўда ҳақида маълум бўлганларига қараганда у унчалик катта эмас ва кўпда хавfli кўринмайди. Акс ҳолда ўғрилар бунчалик арзимас ўлжага қаноат қилиб, водийдан жўнаб қолмасди. Агарда уларга ўз қабилалари сафига бориб қўшилмасларидан бурун қувиб етилса ҳамма иш яхши тугаши мумкин ҳали. Уларни талаб олган моллари билан асирларини қайтариб беришга мажбур қилишади ва эҳтимолки, ўзлари айбдори бўлган жамики мусибату уқубатлар қимматга тушар уларга. Шундай қилиб, энг муҳими —

вақтдан ютиш; шу тарнқа таъқибчилар тонг ёриша бошлаши биланоқ йўлга тушишга қарор бердилар.

Уша куни Карлос туни билан мижжа қоқмади, дон Хуанни бўлса ҳар замон-ҳар замонда бир нафасгагина кўзи илиниб, беҳаловат мудроқ элтарди. Икковлари ҳам ечинишмади, ўринга ҳам ётишмади. Карлос ҳанузгача етказилган зарбадан тўлиқ ўзига келолмаган ва уйқусида алаҳсираб ётган онаси тўшаги тепасида ўлтирар эди.

Овчи миқ этмай, ўйга толганча ўлтирарди. У хаёлан иложию имкони бор жамики режаю тахминларни бирма-бир ғалвирдан ўтказаётган эди. Қайси қабиладан бўлиши мумкин бу тўда? Бу апачлар ёки команчилар эмас. Уйга қайтаётганида буларниям, уларниям учратди. Улар дўстона тутдилар ўзларини ва Сан-Ильдефонсо аҳли билан бирор тўқнашув бўлганини бирон оғиз сўз-ла шама қилганлари ҳам йўқ. Иннайкейин, бундан ташқари, на уларию на булари бунақанги камсонли тўда бўлиб ҳаракат қилмасликлари аниқ. Карлос ўғрилар команчилар ҳам, апачлар ҳам эмаслигидан афсусланарди. Башарти улардан қай бири бўлгани чоғда ҳам, ўғриланган қиз унинг синглизиси эканини билганлари заҳотиёқ асирани қайтариб беришарди, бунга шубҳаси йўқ эди. Аммо ундай эмас, на уларининг, на буларининг алоқаси бор бунга. Хўш, унда кимлар бўлди? Ютларми? Дон Хуаннинг айтишича, водийдагиларнинг барчаси аминмиш бунга. Мабодо шундоқ бўлса, умид узмаслик керак: Карлос мазкур қудратли ҳамда жангари қабила авлод-шаҳобчаларидан бири билан савдо қилиб келади. У ҳатто ютларнинг баъзи сардорлари билан дўстона муносабатда, лекин улар ҳозир бу ерда эмас — шимолдаги кенту қишлоқларга уруш очиб, ўша ёқларга кетишган.

Шунда унинг фикру ўйи яна хикарилларга қайтарди. Бу қўрқоқроқ ва бераҳм қабила, иннайкейин, унга ашаддий душман қабила. Улар овчининг каллахомини қўлга киритсалар хурсанд бўлардилар. Борди-ю, синглизиси хикариллар қўлига тушган бўлса, ҳолига маймунлар йиғлайди-да. У тақдирда Роситани нималар кутаётганини ўйлаганини ўзидаёқ Карлоснинг аъзойи бадани қалтираб муштларини жонҳолатда гижимлаганича сапчиб туриб кетди ўрnidан.

Тонг яқинлаб қолди. Пеонлар аллақачон туриб, қу-ролланиб олишганди. Эгарлоғлиқ оту хачирлар ҳовлида кутяпти, шунда дон Хуан ҳамма нарса тайёр деб хабар қилди. Карлос хайрлашгани онаси ёнига борди. Онаси унга ўринга яқинроқ энгаш деб ишора қилди. Қампир ҳам ниҳоятда заиф-ҳолсиз эди: у кўп қон йўқотган ва қийналиб, аранг эшитиладиган қилиб гапирарди.

— Болагинам,— деди у Карлос энгашганида,— қайси ҳиндуларни таъқиб қилгани отланаётганингни биласанми ўзи?

— Йўқ, ойижон,— деб жавоб қилди Карлос,— лекин хикариллар, бизнинг душманларимизмикин деб чўчиб турибман.

— Айт-чи, ўшалар соқол қўйишадими? Қимматбаҳо узуклар тақишадими?

— Йўқ, ойижон. Нега бунақа деб сўраяпсиз? Уларда соқол йўқлигини ўзингиз биласиз-ку ахир!.. Шўрлик онагинам-а,— деб шивирлади у дон Хуанга,— шундай даҳшатли зарбадан кейин ўй-хаёллари ҳам чалкашиб кетадиган бўп қопти.

— Изларига қараб бор!— сўзини давом эттирди Карлоснинг онаси, унинг охириги гапини эшитмай.— Изларидан бор... Эҳтимол сени... .. га олиб борар,— деб ўғлининг қулоғига алланимани шипшиди.

Карлос, худди эшитган нарсаси лол қолдиргандек, сесканиб кетди.

— Нима!— деди у.— Шундай деб ўйлайсизми, ойижон?

— Гумоним бор, фақат гумонгина... Лекин сен излардан бор, улар сени... Излардан бориб, ўзинг ишонч ҳосил қил!

— Сираям шубҳаланманг, ойижон, қотириб текшириб кўрганим бўлсин!

— Йўлга чиқишдан олдин қизишмасликка, эҳтиёт бўлишга сўз бер!

— Қўрқманг, ойижон! Эҳтиёт бўламан.

— Агарда шу тўғри бўлса...

— Агар шу тўғри чиқса, тезда қайтаман. Илоё ўзи паноҳида асрасин сизни, ойижон! Қоним қайнаб боряпти... Ортиқ пайсалга солломайман! Ҳа, ўз паноҳида асрасин сизни! Хайр!

Бирор дақиқалардан сўнг Карлос ва дон Хуан раҳнамолигидаги суворилар сафи кенгбар дарвозадан тизилишиб чиқиб, водийдан олисларга элтувчи йўлга бурилди.

XXIX БОБ

Суворилар бўлуи йўлга тушганида ҳали тонг ёришиб бўлмаганди, бироқ бу суворийлар ҳаддан зиёд шошилишди деган гап эмасди. Қарлос кечқурун уланлар ўтган йўлдан қоронғида юрса ҳам бўлишини биларди: уланлар орқага бурилган жойга етиб борганларида эса етарлича кун ёришиб улгуради.

Дон Хуаннинг ранчосидан беш милча нарида йўл иккига айриларди: бири жанубга қараб кетарди — Карлос кеча кечки пайт ўша ёқдан келганди; иккинчиси чапга бурилар, кейин деярли тўппа-тўғри Пекосга, дарёни кечиб ўтса бўладиган жойга қараб борарди. От туёқлари изи кеча сувори аскарлар чапга бурилганларини кўрсатиб турарди.

Кун бутунлай ёришиб кетди. Энди ана шу топталган, яхши таниш йўлдан бемалол от елдириб борса ҳам бўлади. Бироқ овчи йўлга туёқларнинг аниқ-таниқ изига қарамайпти — у йўлнинг икки бикинидаги ерни диққатла кўздан кечириб боряпти, ана шу боисдан астароқ илгарилашга тўғри келяпти.

Йўл четню марзаларидаги изларга қараганда яқингинада пода ўтган бу ердан. Шак-шубҳасиз бу дон Хуаннинг ўғирлаб кетилган подаси, эллик бошча. Қарлос, изларга қараганда подани бу ердан икки кун олдин ҳайдаб ўтишган, деди ва бу гапи дон Хуаннинг буқа-ҳўкизларини ўғирлаб кетишган кунга тўғри келди.

Бўлук ҳадемай водийни орқада қолдириб, Пекос оқадиган текисликка чиқиб борди. Улар энди етиб олисларига икки милча қолган дарёга қараб тўғри йўл солишга чоғланиб туришган ҳам эдики, олдинда югургилаб кетаётган Бизон тўсатдан шартта сўл томонга бурилди. Карлоснинг ўткир кўзлари ит югуриб бораётган ердаги изларни илғади. Бу излар уланлар қолдирган излардан ажралиб, шимол тарафга кетган эди.

Бизоннинг ўша томонга бурилгани Карлосга ҳам дон Хуанга ҳам галати тушолди: у ёқда на йўл, на сўқмоқ бор эди; ит шунчаки бирор жониворнинг изидан чопиб бо-

раётганга ўхшади. Бизон аввалроқ ҳам ўтгандир балки бу йўлдан?

Карлос изларни кўздан кечиргани отдан тушди.

— Тўрт оту бир хачир!— деди у дон Хуанга.— Отлардан иккитасининг фақат олдинги икки оёғи тақаланган, қолган иккитаси билан хачирга умуман тақа урилмаган. Ҳаммасининг устида чавандози бор. Хачир олдинда юрган... юк ортилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳолимас. Йўқ!— деб қўшиб қўйди у яна пича тикилиб туриб.— Бу юк ташийдиган хачир эмас.

Овчининг мана шуларнинг барини аниқлашига беш дақиқа ҳам кетмади. Бу нарса деярли ҳамма ҳамроҳларига — эҳтимолки Антониодан ташқари барчаларига — бир мўъжизадек кўринди. Аммо-лекинига Карлос бирор-та майда-чуйда тафсилотда ҳам янглишмаган эди. У изларни яна бир неча дақиқа синчиклаб кўздан кечирди.

— Вақти тўғри келяпти,— деб мурожаат этди у дон Хуанга тағин.— Улар бу ердан кеча саҳарда, ҳали шудринг кўтарилмасдан ўтишган. Сенинг уйингни олдидан ярим кеча бўлмасдан бурунроқ жўнаб кетишганмиди? Бунга аминмисан ўзи?

— Аминман,— деб жавоб қилди чорвадор.— Ёнаётган кулбаларингдан онангни топиб, уйга етиб қелганимда аллақачон ярим кеча бўлганди. Бунга ишончим комил.

— Тағин битта савол. Сенингча қандоқ, дон Хуан, уйингга бостириб борган ҳиндулар тахминан неча киши эди? Кўпмиди? Ё каммиди?

— Менимча, кўпчилик эмасди. Дарахтлар панасида неча кишилигини кўролмадим. Ҳайқириқни кўтаришганида эса бир йўла икки-учтагина овозни ажрата олдик. Изларидан ҳам тўда жуда кичикка ўхшайди. Балки худди ўша ҳиндулар олдин сизларнинг ранчоларингга ўт қўйиб, кейин менинг уйимга бостириб келишгандир. Бунга етарлича вақтлари бор эди уларнинг.

— Мен ҳам айнан ўшаларнинг ўзи бўлиши керак деб ўйлаб турибман-да,— деди Карлос ҳамон туёқ излари узра энгашган кўйи.— Манавилар худди ўшаларнинг изи бўлса керак.

— Сенингча, айнан ўшалармикин-а?— қайтариб сўради дон Хуан.

— Шундоқ.. Ана, қарагин-а! Ғалати-я, тўғримасми?

Шундай деб Карлос югурганча яна ёнларига қайтиб, гингшиб-вовиллай бошлаган Бизонни кўрсатди: унинг мазкур янги излар бўйлаб йўрғалашга сабри чидамаётгани очиқ-ойдин кўриниб турарди.

— Жуда ғалати-ю,— деб жавоб қайтарди дон Хуан. — Афтидан у бу ерларда илгариям бўлганга ўхшайди-ку.

— Эҳтимол,— деди Карлос.— Лекин буни кейинроқ аниқлармиз. Олдин ўша довурак полвонлар қаёққа қараб кетишганини кўрайлик-чи. Буни катта йўлдан бурилишдан аввал билиб олсак дейман. Қани йўлга, тезроқ!

Улар отларни ниқтаб, йўлдан чоптириб кетдилар. Овчи боягидек ҳаммадан олдинда борарди. Кейин, ўзлари кетаётган йўлдан яна биронта из ажралиб кетган-кетмаганини текшириб, икки биқинидаги ер-тупроқни худди илгаригидек зийраклик ила кузатиб борарди у.

Вақти-вақти билан дарҳақиқат йўлни тасодифий ёлғизоёқ сўқмоқ кесиб ўтиб қолар, аммо унинг эски эканлиги, сўнгги пайтларда эса ундан бирорта сувори юрмагани кўриниб турарди. Шу боисдан ҳам Карлос уни тузукроқ кўздан кечириш учун оти жиловини тортиб ўлтирмай, тўғри ўтиб кетаётган эди.

Йигирма дақиқаларда бўлук Пекос қирғоғига етиб бориб, кечув ёқасида тўхтади. Суворилар ҳам шу ерда тўхтаганлари, дарёни кечиб ўтмай, орқага қайтганлари яққол кўзга ташланиб турар эди. Бироқ, пода билан уни ҳайдаб борган суворилар нариги қирғоққа икки кун илгарироқ кечиб ўтган эканлар — Карлос шундай деди. Уларнинг излари қирғоқдаги чўкинди-балчиқ устида аниқ-тиниқ кўриниб турибди.

Карлос саёз жойдан нариги соҳилга ўта бошлади. У бир қарашдаёқ бу ердан бирор аскар ўтмаганини, фақат қирқ ёки эллик бош қорамолдан иборат пода ҳайдаб ўтилганини кўрди.

Карлос нафақат лой-балчиқ соҳилнигина, шунингдек қаршисида намоён бўлган текисликни ҳам узоқ ва синчиклаб кузатиб чиқди, кейин дон Хуан билан қолганларга ҳам буёққа ўтинглар дея ишора қилди.

Дон Хуан ёнига етиб келганида Карлос ишонч-ла деди:

— Омадинг боракан! Молларингни қайтариб олишинг мумкин.

— Хўш, нимага бундай деб ўйляяпсан?

— Нимага деганингда, молларинг бор-йўғи бир куңгина илгари ўтган бу ердан. Подани тўрт нафар отлиқ ҳайдаб кетяпти. Ўтган вақт ичида пода узоқлаб кетолмайди унчалик.

— Буларни қаёқдан била қолдинг?

— Ҳе, унчалик қийин эмас бу,— хотиржамгина деди овчи.— Сенинг молларингни, анави изларни кўряпсанми, ўша отлиқлар ҳайдаб кетишган...— У изларни кўрсатиб, сўзини давом эттирди:— Бутун подани ҳув анави тизма оралиғидан топсак ҳеч гап эмас.— Шундай деб Карлос тик кесиб тушган тепалар тизмаси — ясситоғликнинг тикка тушган қирғоғидан водийнинг ичкараси томон чўзилиб кетган Льяно Эстакадо тармоқлари томонга ишора қилди. Бу ердан, кечувдан ўн милча нарида эди у.

— Хўш, унда ўша ёққа борамизми?— деб сўради дон Хуан.

Карлос дарров жавоб бермади. У ҳали, аниқ бир фикрга келмагани ва қайси йўлни танлашни тарозуга солиб кўраётгани англашилиб турарди.

— Ҳа,— бафуржа ҳамда жиддий оҳангда деди у ниҳоят.— Ҳаммасини охиригача текшириб кўрган маъқул. Балки менинг бу даҳшатли гумонларимни бари ҳатодир. Кейин, у ҳам янглишгандир эҳтимол. Ҳар иккала из бир-бировига қўшилиши мумкин-ку ҳали.

Буларнинг бари деярли ўзича ғўлдираб айтганди у, гарчи дон Хуан унинг сўзларини эшитган бўлса-да, нима деётганини тушунмаган эди. У, нималар деяпсан ўзи, деб сўрашга чоғланган ҳам эдики, овчи тўсатдан отини ниқтади-ю, шерикларига орқада қолмасликни ишора қилиб, ўғирланган пода изидан йўрттира кетди.

Бирор соат ҳам ўтмай улар чуқур дарага етиб бордилар. Водийнинг бир қисми худди шу ерда бамисоли денгиз қўлтиғидай баланд ясситоғликнинг тармоқлари орасига ёриб кириб борган эди. Улар ана шу ўзига хос дарага кирдилар-у — қаршиларидан ғаройиб манзара намоён бўлди. Бутун дарани қора қузғуну сор босиб кетган эди. Уларнинг юз-юзлаб галалари қояларни қоплаб ўлтирар, ҳавода чарх урар, алланимадандир хурсанд бўлаётгандай ҳайбатли қанотларини қарсиллатиб силки-

ганча дарра тубида сакрашгани-сакрашган эди. Дашти койотлару бўрилар ҳам, этхўр айиқлар ҳам шунда; улар дарада изғишяпти ёки талашгани ҳеч бир ваз бўлмаса ҳам,— овқат ҳаммаларига етиб ортарди,— олишиб-талашишга тушишяпти. Бир неча ўнлаб ярим-яланғоч қилиб ғажиб-кемирилган скелет-қобирғалар сочилиб ётибди ерда, яқинроқ бориб қараб, дон Хуан ва чўпонлари ўз подалари қолдиғини танидилар.

— Айтгандим-ку, сенга шу ерда деб, дон Хуан,— деди Карлос ҳаяжондан овози ҳирқираб,— лекин бундай бўлишини сира кутмагандим. Жуда маккорона ўйланган бу! Негаки ҳўкизу буқалар бу ердан омон-эсон қутулиб чиқиб, уйга қайтишлари мумкин эди-да, ахир, ана унда... Ҳа манфур пасткаш-а! Онам ҳақ экан — бу ўша! Уша бу!

— Ким, Карлос? Нима тўғрисида гапиряпсан?— деб сўради дон Хуан ушбу ғалати, пойма-пой хитоблардан боши қотиб.

— Ҳозир сўрама, дон Хуан! Яқин-орада ҳаммасини тушунтириб бераман сенга... Яқин-орада, лекин ҳозир эмас. Қаллам говлаб кетди, бамисоли жаҳаннам ўтида ёняпти, юрагим ҳам... Тез орада, ҳа, яқин орада! Ортиқ сирли жойи қолмади. Ҳаммасини билдим! Аввал-бошдаёқ шубҳага боргандим-а ўзимам... Уни ўшанда, байрамда кўргандим-а... Унга қандай қараганини пайқагандим, вой аблаҳ-а!.. Вой золим-а! Шошмай тур, ўша юрагингни юлиб оламан ҳали кўксингдан!.. Кетдик, дон Хуан!.. Антонио! Дўстлар! Орқамдан! Изларидан борамиз. Аппа-аниқ кўриниб турибди у. Қаёққа олиб боришини биламан. Ҳа-ҳа, биламан! Олға!

Шундай деб шпорларини оти биқиннига нуқиганича орқага кечув томонга елдирди кетди овчи.

Дон Хуан ва бошқа ҳамроҳлари ҳайрон бўлганларича унинг кетидан от қўйишди.

Кечувда тўхташмади улар. Карлос отини тўғри дарёга солди, бутун бўлук унга эргашди. Улар излари шимолга бурилган жойда ҳам тўхтамадилар. Бизон олдинга отилган, аҳён-аҳёнда овоз бериб қоларди; суворилар у билан изма-из от йўрттириб борар эдилар.

Ҳали бир миль илгариламаслариданоқ излар кескин бурилди — эндиликда у шаҳарга қараб кетганди.

Дон Хуан ва пеонларнинг юзларида ҳайрат акс этди, шунда, аммо овчи заррача ажабланмади. Нега деганда

худди шуни кутган эди-да, у. Йўқ, унинг афтида ҳайратдан асар ҳам кўринмади. Бу чехрада мутлақо бўлак алланима, ундан чандон бора даҳшатлироқ нарса намоён бўлганди.

Карлоснинг кўзлари ич-ичига ботиб кетган ва, бамисоли ичида лаҳча чўғ ланғиллаётгандек, чақнаётган эди. Тишини-тишига босди, оқариб кетган лабларини маҳкам қимтиди, шу туришида ўй ўйлаётганга ўхшарди, эҳтимолки аллақачон аллақандай таваккалона қарорга келгандир ҳам. У изларга деярли қарамаётибди, эндиликда йўлни излашини ҳожати йўқ. Қаёққа бораётганини яхши билади.

Сўқмоқ ботқоқ пастликни кесиб ўтарди. Ундан чопганча бораётган Бизон бутунлай сарғиш лойга беланди. Кеча кечкурун югурганча кириб келганида ҳам бароқ юнглирига айнан мана шундай лой ёпишиб қолган эди.

Дон Хуан дарҳол эътибор берди бунга.

— Ит олдин ҳам келган бу ерга!— деди у.

— Билаган,— жавоб қайтарди Карлос.— Билаган... ҳаммасини билаган! Ҳеч қанақанги сир-пири қолмади бунди. Сабр қил, дўстим! Сен ҳам ҳаммасини билиб оласан ҳали, лекин ҳозирча қўйиб бер, мен пухталаб ўйлаб олай. Ортиқ ҳеч нарсага вақтим қолмади.

Излар ҳамон шаҳарга томон элтарди. Улар водийга қайтди, қия ёнбағирликдан ясситоғликка кўтарилиб, энди ясситоғнинг тик қирғоғига деярли параллель тарзда кета бошлади.

— Хўжайин!— деди Антонио Карлосга етиб олиб.— Булар ҳиндулар отининг изи эмас. Мабодо ҳиндулар уларни ўғрилаб олишган бўлмаса, албатта. Бу ерда иккита ҳарбийлар оти бўлган. Мен бу изларни билаган. Кейин, оддий эмас — зобитларнинг оти, тақасидан таниб турибман.

Карлос бунди эшитганда зиғирчалик ажабланмади, бирон оғиз сўз билан жавоб ҳам қайтармади метисга. Чамаси у ўз ўй-хаёлларига фарқ эди.

Антонио, хўжайин эшитмади ёки тушунмади гапимга, деб ўйлаб, яна бир карра такрорлади айтганларини. Шундан кейингина Карлос унга қаради.

— Қадрдошим Антонио,— деди у,— нима, мени кўр деб ўйлаяпсанми? Ё аҳмоқ дебми?

Бу сўзларни у жаҳлу ғазабсиз айтди. Антонио ту-

шунди-ю, оти жиловидан тортиб, қолганлар қаторига қўшилди тагин.

Улар дам отларини йўрттириб, дам чарчаган отлар пича ўпкасини босиб олиш учун уларни секин одимлатганича илгарилаб боришаверишди. Улар шу тахлитда излар бўйлаб боришарди, излар эса тўғри шаҳарга элтарди.

Ниҳоят йўл иланг-биланглаган кўйи ясситоғликдан қуйига, водийга томон тушиб борарди. Карлос авлиё Иоанн байрами кунини ўзининг чавандозлик санъатини кўрсатгани худди ана шу сўқмоқдан кўтарилган эди. Тепада, пастга қиялаб тушиш бошланадиган жойда Карлос ўз бўлугига тўхташни буюриб, ёлғиз дон Хуаннинг кузатувидагина олдинга туртиб чиққан қоя четига яқинлашди — бу жой Қиз ўлган қоя деб аталади. Ушанда у айнан мана шу ерда тўхтатган эди отини.

Улар жарлик ёқасига боришди. Бу ердан бутун водий ва шаҳар кўриниб турарди.

— Хув анави уйни кўряпсанми?— деб сўради овчи, бошқалардан четда, отлиқлар билан шаҳар орасидаги масофанинг ўртасида қад ростлаган ҳашаматли бинони кўрсатиб.

— Қалъаними?

— Ҳа, қалъани.

— Кўряпман. Нимайди?

— У ўша ерда!

XXX БОБ

Айни ўша пайтда асотейда аллаким уёқдан-буёққа юриб турарди. Асотейанинг икки томонида биттадан соқчи навбатчилик қилаётган бўлса-да, бу одам соқчи эмасди; соқчилар карабин билан қурулланган, уларнинг боши ва кифти қалъанинг кунгурадор миноралари тепасида кўзга ташланиб турар эди.

Уёқдан-буёққа бориб-келаётган одам зобитлардан бўлиб, асотейанинг у сайр қилиб юрган қисми зобитлар истиқоматгоҳининг тепасига жойлашган ва томнинг қолган қисмидан бутун шинакли кунгура билан баб-баравар баландликдаги девор-ла, ажратилган эди. Шу билан бирга бу жой дахлсиз жой эди — у ерда оддий аскарлар-

нинг қўпол одими товуши камдан-кам эшитиларди. Бу қалъанинг юқориги саҳнидай бир гап эди.

Зобит шу тобда хизматини адо этмаётган бўлишига қарамай, башанг ҳарбий либосда эди, мундирининг бичим-андозасидан бир қарашдаёқ мазкур жангчининг ашаддий сатанглардан, қачон қараманг ўзини тўлиқ формада кўз-кўз қилишни яхши кўрадиган олифталардан экани яққол англашилиб турарди. У пару патлари товланадиган товус мисоли заррин уқаларию ҳашамдор мундирига маҳлиё бўлиб юрарди. У дам-бадам тўхтаб, оёғидаги ярқироқ этигига кўз ташлаб, оёқлари башангу келишганлигини назардан ўтказар ёхуд оппоқ, териси нозик бармоқларидаги узукларга суқланиб қараб-қараб қўярди.

Шуларга қарамай у мутлақо чиройли ҳам, қаҳрамон ҳам эмасди, лекин бу ҳол ўзини бир йўла ҳам гўзаллик тангриси Аполлон, ҳам жасорат маъбуди Миррихдай тасаввур этишига халал бермасди.

У испан қўшинлари полковниги, қалъа қўшинлари қўмондони эди, зеро мазкур зобит Вискарра жанобларидан ўзга кимса эмасди.

Ўзининг ташқи қиёфасидан буткул мамнун бўлмиш қўмондон, кўриниб, турганидек, қандайдир бошқа нарсдан норози эди. Чеҳрасидаги кўлкани ҳаттоки ярқироқ этигию оппоқ момиқ бармоқларига суқланиб боқишлари ҳам тарқата олмаётган эди. Қандайдир ўй унга тинчлик бермаётган, эзиб, ҳатто гоҳ-гоҳ титраб кетиб, атрофга бежо аланглаб қўйишга мажбур этаётганди.

— Ахир бу туш-ку, холос,— гудранди у.— Нимага ўйлаб ётибман бунга асти? Фақат туш-ку, ахир.

У ана шундай қовушмаган, узук-юлуқ жумлаларни гудранганча оёқлари остига тикиларди, кўзларини ердан узиб, бошини кўтарганида эса ногаҳон Қиз ўлган қояга қараб олди. Дарвоқе, йўқ, ногаҳон эмас: ахир ўша қоя ҳам кирганди-да, тушига, шу боисдан нигоҳи ўйлари изидан эргашган эди айни сонияда.

Нигоҳи баайни қоя тепасига тушган лаҳзада Вискарра худди қаршисида даҳшатли рўё-шарпани кўргандек сесканиб кетди-ю, беихтиёр кунградор деворга суяниб қолди. Ранги бўздек оқариб, чакаги шалвиллаб осилиб тушди, у тез-тез, энтикиб-энтикиб нафас ола бошлади.

Бундай ҳаяжон, безовталанишга нима сабаб бўлганди? Олисидаги қоя чўққисидан эҳтимол, оқиштоб осмон

сийнасида якқол кўзга ташланган чавандознинг қорасидир бу? Ушбу манзаранинг нимаси шунчалик кўрқитиб юбордийкин комендантни? Унинг эса ўтакаси ёрилаёзган эди. Қани, унинг ғудранишига қулоқ солиб кўрайлик-чи.

— Ё тангрим! Эй парвардигор, бу ўша! Ушанинг оти... Уша!.. Худди тушимда кўрганимдек... Бу ўша! Унга қарасам юрагим орқамга тортиб кетяпти! Қараёлмайман...

Зобит бир сонияга тескари бурилиб, қўллари билан юзини беркитди.

Бир сония — кейин у яна бошини кўтарди. Нақ эҳушидан айрилаёзган комендантни тагин ўша томонга қарашга қизиқсиниш эмас, кўрқув мажбур этди. Чавандоз ғойиб бўлибди. Жарлик тепасида оқаринқираган осмон сийнасида на оту на одамзод — бирор қорайган доғдан нишона кўринади.

— Балки, яна кўзимга шундай кўринаётгандир?— ҳамон титраган кўйи ўз-ўзидан сўради кўрқоқ.— Ҳа, кўзимга кўрингандир... Уёқда ҳеч зог йўқ, ҳарҳолда... Қаёқдан ҳам улгурарди у? Бу ердан юз миллар узоқда бўлса! Шунчаки кўзимга кўринган, вассалом!— Шундай деб қаҳқаҳлаб кулиб юборди у.— Нималар бўляпти ўзи менга, қани энди сабабини билолсам. Уша кўрқинчли туш бошимни ғовлатиб қўйди. Ҳа, жин урсин! Энди бу ҳақда ўйламаганим бўлсин-а!

Нохуш ўйлардан чалғитади деган хаёлда у илгаригига қараганда тезроқ бориб-кела бошлади уёқдан-буёққа. Аммо ҳар гал орқасига бурилаётиб ихтиёрсиз равишда қоя томонга қараб, жарликнинг бутун теваарак-атрофларини синчковлик-ла кузатиб чиқар, боқишларида эса кўрқув аке этарди. Бироқ чавандоз — ё рўё — ортиқ кўринмасди. Вискаarra бўлса аста-секин ўзига келиб, тинчлана бошлади.

Тош зиналардан дўпир-дўпир одам шарпаси эшитилди. Аллаким зинадан чиқиб келаётибди.

Ана, боши, кифти, кўринди-ю, асотейга Робладо чиқиб келди.

Вискаarra икковлари сўрашишди, бундан ўша куни улар ҳам кўришишмагани англашилиб турарди. Аслини олганда, икковлариям яқингинада туришган эди. Киборлар учун кўпдаям кеч демаса ҳам бўлади бу паллани, негаки улар барвақт ётмайдилар-да, ахир. Робладо ҳо-

зиргина нонушта қилган ва асотеяга гавана сигарасини ҳузур қилиб тутатгани чиқиб келаётган эди.

— Жуда ғалати «томоша» бўлди-да ўзиям!— деб хохолади у сигарасини тутатаётиб.— Ростини айтяпман! Башараму танамдаги буёқни аранг кеткиздим-да, ўзим ҳам. Иннайкейин, ўша бўкиришу ҳайқиришлардан томоғим бўғилиб қолди — бир ҳафта ичида овоз қаёқдан ўз жойига келарди! Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳеч қачон бирорта қизни бунақанги мушкул ва хаёлга келмайдиган антиқа усул билан бўйин эгдириб, қўлга киритилган эмас-а! Чўпонларга ҳужум қилиб, қўйларини ҳайдаб кетиб, тўрт томонга тўзитиб юборилди, ҳўкизларини ҳайдаб бориб, худди қушхонадагидек сўйиб ташланди, кампирни бўлса калласига бошлаб тушириб, уйига ўт қўйилди... Шундан кейин ҳам уч кун мобайнида уёқдан-буёққа танда қўйилди, ҳиндуча кийиниб олиб, то овоз хириллаб қолгунча ҳайқириб-қийқирилди... Қанча-қанча ташвишу оврагарчилик—шуларнинг бари қандайдир битта оддийгина қизни, учига чиққан жодугар кампирнинг қизини деб қилинди-я! Ҳа-ҳа-ҳа! Қараб турсанг, худди шарқ эртаги... дейлик, «Минг бир кеча»нинг бир бобининг ўзгинаси. Аммо-лекинга, фарқи қизни ҳеч қандай сеҳргар ёки жаҳонгашта рицарь халос этолмайди, холос,— деб тағин хохолаб кулди Робладо.

Унинг нутқи, эҳтимолки китобхон аллақачон англаб етган сирни: яқингинадаги «ёввойилар» босқини Робладо билан Вискарранинг бизон овчисининг синглисини яширинча ўғирлаш йўлида ўйлаб топган қилмиши эканини фош этиб қўйганди. Қўш ва ҳўкизларни ҳайдаб кетган, дон Хуаннинг асиендосига ҳужум қилган, Карлоснинг ранчосига ўт қўйиб, Роситани ўғирлаб кетган «ҳиндулар»: полковник Вискара, капитан Робладо, сержант Хомес ва Хосе исмли оддий аскар — полковникнинг яна бир ишончли тобеси ҳамда нтоаткор хизматкори — мана шулар эди.

Улар бор-йўғи тўрт киши бўлиб, аввал-бошданок ушбу қабихона ишни амалга ошириш учун тўрт киши кифоя деб тахмин қилган эдилар. Водийда таралган мишмишлару ваҳима бу тўрт кишини тўрт юз кишига етказиб қўйган эди. Бунинг устига, сирдан қанча кам одам хабардор бўлса, ўшанча яхши эди. Робладо ана шундай эҳтиёткорона ҳамда айёрона режа тузган эди.

Амалда ҳам гоятда устамонлик билан ҳаракат қилди

улар. Уйин бошидан-охиригача ниҳоятда пухта ўйланиб, аъло даражада, моҳирона ижро этилди. Душманона кайфиятдаги ҳиндулар пайдо бўлганлари ҳақдаги хабар ишончли чиқсин учун чўпонларга биринчи марта тепада, ясситоғликда ҳужум қилдилар. Қалъадан разведкага аскар юборилди, аҳолини эҳтиёткорликка чақирдилар — буларнинг бари шубҳа-гумонларни ошириб, ваҳимани газак олдириш учун қилинган ҳаракатлар эди. Шундан кейин ҳўкизлар ҳайдаб кетилганида ҳеч бир кимса водийда ёввойи ҳиндулар пайдо бўлганига шубҳа қилмай қўйди. Мазкур босқинчилик қабиҳона ўйин қатнашчиларига бир йўла икки қуённи қулатишларига ёрдам берди: ўзларининг асосий мақсадларини амалга ошириш билан бирваракайига чорвадор йигитдан муртадларча ўч олдилар.

Унинг ҳўкиз-буқаларини дарага ҳайдаб бориб, ўша ерда сўйиб ташлар эканлар, бундан икки нарсани мўлжал қилган эдилар. Аввало улар йигитга зарар етказётганларидан хурсанд эдилар-у, бироқ асосийси — борди-ю, молларни тақдир тақозосига ҳавола қилиб қўйиб юборгудек бўлсалар, бари бир, пода йўлни топиб, яна фермага қайтиб боради деб қўрққандилар. Агарда, гўёки, ҳиндулар ўғирлаб кетган пода қайтиб келса, бу нарсаси шубҳа уйғотиши турган гап эди. Ҳозир, улар чавақлаб ташлангач эса, токи бирор кимса тасодифан «қас-соблик» содир бўлган ерга бориб қолмагунига қадар бўрию ўлаксахўр қузғунлар ўз ишини қилади-ю, суяк-саёқларигина қолади, ана унда истаганча шубҳа-гумон қилишаверишсин. Шундоқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасди ҳам. Негаки, ҳиндулар босқини туғдирган ташвишу хавотиргарчилик давом этиб турар экан, бирор одамнинг бу жойларга бош суқишга журъат эта олиши даргумон эди-да, ахир. У жойларда на бирорта бошпана, на йўл бор эди, бу атрофлардан аҳён-аҳёнда ҳиндуларгина ўтиб туришарди, холос.

Ҳатто иш интиҳосига етиб, ниҳоят жабрдийдани ўғрилаганларидан кейин ҳам, қизни тўғри қалъага олиб келганлари йўқ: ҳаттоки уни ҳам чалғитишлари керак эди-да, ахир. Хуллас, у оёқ-қўли боғлоқ қизни хачирга ортишди-да, уни муттаҳамлардан бири ҳайдаб кетди, қизга ўзини қайси йўлдан олиб кетаётганларини кўриб боришига токи йўл шаҳарга буриладиган ергача — имкон беришди. Бурилишга келганда эса кўзларини кўн

тасма билан боғлаб, қалъага худди шу ҳолатда келтиришди, шу тариқа қиз ўзини узоққа олиб кетишдимн, охири дам олишга рухсат этган жойлари қаеру қандай жой эканини билмасди, албатта.

Ушбу иблисона томошанинг ҳар бир саҳна, ҳар бир кўриниши шунчалик нозиктабллик билан ўйланган ва шунчалик моҳирона ижро этилган эдиким, бу капитан Робладонинг қалбига бўлмаган тақдирда ҳам, ақлига шараф келтириши тайин эди. Мазкур томошадаги бош қаҳрамон ҳам унинг ўзи эди.

Дастлабига Вискаррага қандайдир шубҳа-гумонлар қутқу солиб турди; йўқ, уни виждони эмас, балки ўзининг ношудлиги ва сири фош бўлишидан қўрқиш қайтариб турди бу йўлдан. Ахир буни катта зарари тегиши мумкин эди-да, унга. Борди-ю, бундай ёвузона режа-ўйнинг миси чиқиб қолгудек бўлса, бу хабар кўз юмиб-очгунча бутун мамлакатга ёйилади. Ана унда адоий тамом бўлди деяверинг уни.

Робладонинг пасткашона режа-ўйлар билан йўғрилган сўзамоллиги бошлиғининг ожизона қаршиликларидан устун келди; ушбу режага розилик берган экан, буни ниҳоятда қизиқарли ҳамда мароқли деб топди у. Ҳиндулар хусусидаги аҳолини ваҳимага солган масҳарабозларча мурожаатлару уйдирмалар, айни чоғда шунчалик мардона ва ғайрат билан иш тутаётган комендант шаънига ёғилаётган мақтовлар — буларнинг бари бир зайлда ўтаётган зерикарли аскарый ҳаёт жараёнида кўнгилга хуш келдиган эрмак бўлиб чиқди. «Ёввойилар» босқини давом этган шу бир неча кун мобайнида комендант билан капитаннинг кулги ва хурсандчиликка сабаб бўлгувчи омиллардан камчилик ерлари бўлмади. Улар жамики ишни шу қадар уддабурролик ила бажардиларким, талончиларнинг охириги босқини ва Росита ўғрилаб кетилган куннинг эртаси эрталаб Сан-Ильдефонсода бирор кимсада — башарти зобитларнинг ўзлари билан икки ёрдамчиларини ҳисобга олинмаса, албатта — бу ишларнинг барига чинакам ваҳший ҳиндулар айбдор эканига заррача шубҳа қолмаганди.

Айтмоқчи, биргина одамнинг кўнглига — кекса онанинг кўнглига шубҳа, ҳа-ҳа, фақат шубҳа дориган эди. Ҳатто Роситанинг ўзи ҳам ҳиндуларнинг қўлидаман деб ўйлаганди... мабодо у умуман ўйлашга қодир бўлса, албатта.

XXXI БОБ

— Ҳа, қулинг ўргилсин масхарабозлик бўлди-да, худо ҳаққи.— деб қаҳқаҳ урганча давом эттирди сўзини Робладо сигарасини бурқситганча.— Бу жин ургур овлоқ жойга келиб қолганимиздан берига сираям бунақанги эрмакни кўрмагандим. Нимаям дердим, чегарада хизмат қилиб туриб ҳам эрмак топса бўларкан, фақат усталик билан иш тутиш керак, холос. Қанчалик ташвишу қанчалик оворагарчилик орттирмади-я, бу иш бизга! Лекигин, қадрдоним комендант, гап орамизда қолсин-у, буни эндиликда бемалол айта оларсиз — шунчалик оворагарчиликка арзирмиди бу иш?

— Шундай қилганимиздан ниҳоятда афсусдаман,— деб жавоб берди комендант бағоят жиддий оҳангда.

Робладо унинг бетига тикиларкан, суҳбатдошини бунчалик қош-қовоғи осилган ва ғамгин ҳолатда биринчи марта кўраётган эди. Сигара билан андармон бўлиб, шу пайтгача буни пайқамаган эди у.

— Шунақа денг ҳали!— ажабланди у.— Нима бўлди ўзи, полковник? Кўринишингиз ҳозирги аҳвол-шароитингизга мутлақо мос тушмайди. Ахир ўзлари бир неча соат фурсатни бағоят хушкўнгиллик билан ўтказишлари керак эди-ку! Ёки биронта ишқал жойи чиқиб қолдимиз?

— Бари ишқал.

— Нима дедингиз? Ахир унинг ёнида бўлгандирсиз?

— Бир дақиқагина, шунисиям етиб-ортади менга.

— Гапингизга тушунолмайд қолдим, қадрдоним полковник.

— У телба экан.

— Қанақасига— телба?

— Ҳа-ҳа, ашаддийси тағин. Шунақанги алжирадики, буни кўриб раҳмим келди. Тезроқ қочиб қолганидан хурсанд бўлдим. Хосе ўша ерда қолди, унга кўз-қулоқ бўлиб турибди. Унинг нималар деб алжираётганига тоқат қилолмадим. Ишонинг, тирноқчалик ёнида бўлиш истаги қолмади менда.

— Бе, бари арзимаган гап!— деди Робладо.— Бир-икки кундан сўнг ўзига келиб қолади. У ҳалиям, ёввойиларнинг қўлидаман, булар мени ўлдириб, бошимнинг терисини шилиб олишмоқчи, деб ўйлаётган бўлиши керак. Ўзига келиши биланоқ уни бемалол бундай эмаслигига ишонтира оласиз. Унга ҳақиқатни айтса бўлади, меним-

ча, ҳеч чўчийдиган жойи йўқ буни. Бари бир бор гапни айтишингизга тўғри келади, қанчалик тез бўлса шунчалик яхши: кўникиши учун ихтиёрида кўп вақти бўлади. Ҳозирда у мусту-мустақкам тўрт деворли шинамгина хонангизда, бу деворларнинг эса на кўзи, на қулоғи бор, шундоқ бўлгач, бемалол бекорчиликка эрмак қилаверинг. Ҳеч ким билмайди ҳам, ҳеч кимнинг хаёлига келмайди ҳам. Ҳамманинг фикри-хаёли ҳиндуларда, ҳа-ҳа-ҳа! Айтишларича, унинг хуштори дон Хуан бўлук тўплаб қизил танлилар кетидан таъқибга тушмоқчи эмиш.— Робладо яна хохолаб кулди.— Ҳеч нима қилолмайди бари бир: обрў-эътибори йўқ қатори, на унинг подаси, на жодугарнинг қизи билан неча пуллик иши бор одамларнинг. Унинг ўрнида бошқа биров бўлганида эди, ишлар бошқача тус олиши мумкинмиди. Сир очилиб қолмасайди деб қўрқадиган жойимиз йўқ ҳозир. Мабодо бизон овчисининг ўзи қайтиб қолганида бошқа гап...

— Менга қаранг, Робладо...— тўсатдан унинг сўзини бўлди комендант, шунда унинг овозида кўникилмаган ҳаяжон сезилди.

— Хўш?— сўради капитан Вискарага ажабланиб қарар экан.

— Мен туш кўрдим... даҳшатли туш! Мени ваҳимага солаётган нарса қизнинг алжирашлари эмас, мана шу. Минг лаънат-э! Қандай даҳшатли туш-а!

— Маъзур тутадилар-у, комендант, сиздай жасур жангчи одам қаёқдаги аҳмоқона тушдан хавфсираб ўтирса-я! Хўш, қани, нималар кирибди тушингизга? Мен тушни таъбирлаб беришни қотириб ташлайман-да. Ишонтириб айтаманки, тушингизга энг аъло таъбирни эшитасиз-да, каминадан.

— Эшитинг бўлмаса, жуда жўн, оддийгина туш. Мен Қиз ўлган қоя тепасида турган эмишман. Бизон овчиси Карлос билан яккама-якка турганмишман, у ҳаммасидан хабардормиш, мени сингисининг ўчини олгани ўша ёққа олиб борган ҳам ўша эмиш. Қаршилик кўрсатгани мадорим йўқ эмиш, у мени нақ жарнинг ёқасига судраб борганмиш. Назаримда, икковимиз бир-биримизга ёпишиб, бирпас олишибмиз, кейин эса у мени қучоғидан бўшатиб, тепадан жарга итариб юборган эмиш. Мен бўлсам пастга тушиб кетаётган эмишман, тушиб кетаётган эмишман... Тепада бўлса овчи турганмиш, ёнида сингисини, қоянинг шундоқ туртиб чиққан жойида бўлса ана-

ви даҳшатли қари жодугар, оналари турганмиш-у, кампир ваҳшиёна, телбаларча қаҳқаҳлаганича чапак чалармиш нуқул, қўллари эса узундан-узун қоқсуяк эмиш... Шундаям мен пастга қулагандан-қулаётган эмишман-у, жарнинг туби эса кўриной демасмиш... Вужудимни охири-кети кўринмайдиган ваҳимали туйғу эгаллаб, бўғзимга чанг солиб ётибди десангиз! Худди ана шундай даҳшат ичра босинқираб уйғониб кетдим. Бу тушим эканига ҳатто ишонгим келмас, тушимдаги ҳис-туйғулардан сира қутулолмас, буларнинг бари аслида туш эканига шонч ҳосил қилолмас эдим... Қандай даҳшатли туш-а!

— Ҳа, илло тушгина, холос. Таъбири эса...

— Шошилманг, Робладо! Ҳали ҳаммасини сўзлаб берганимча йўқ сизга. Бирор соатдан сўнг... э йўқ, қандайдир чорак соатдан кейин мен бу ерда, кўрган тушим устида бош қотириб юрардим, шунда бехосдан ўша ёққа, қояга қарабман. Уёқда, нақ қоя чеккасида бир чавандоз турибди, оқаринқираган осмон сийнасида аниқ кўринаётганди у, бу қуйиб қўйгандек бизон овчисининг ўзгинаси эди! Отиниям, чавандозниям танидим — унинг эгарда қандоқ ўлтиришини яхши эслайман. Мен, кўзимга шундай кўриняпти, деган қарорга келиб, бирров, ҳа, бирровгина кўзимни буриб, кейин тагин қарасам, чавандоз аллақачон ғойиб бўлибди-да! Зумда ғойиб бўлибди... Уйлашимча, шунчаки кўзимга кўринган. Уёқда ҳеч зог бўлмаган-у, ҳалиги тушимдан кейин шунчаки кўзимга кўринган.

— Бўлиши мумкин,— деди Робладо ошнасини тинчлантирмоқчи бўлиб.— Жудаям бўлиши мумкин ва мутлақо табиий бу. Биринчидан, бу ердан, сиз билан биз турган жойдан, тўппа-тўғрисига олганда, ўша қоянинг чўққисигача бемалол уч миль келади. Бундай олис масофадан туриб ўша чавандозни бошқа ҳар қандай суворидан ҳечам ажрата олмайсиз — иложи йўқ бунинг. Иккинчидан, ўша Карлос ҳозир менинг сигарамнинг учидан кам деганда беш юз миль нарида, бир нечта қўланса бизон териси-ю, бир неча ўн фунт сур гўштни деб ўзининг қимматли жонини хавфу хатарга қўйиб юрибди. Умид қиламизким, унинг баъзи соҳибжамолларимизни ҳайратга соладиган малла сочли каллахомини терисининг туси мис рангли ошналаридан бирортаси шилиб олгай зора. Сизнинг тушингизга келганда эса, қадрдоним комендант, нимаям дердик, бундан кўра табиийроқ нар-

са борми ўзи! Шунга ўхшаш туш кўрмаслигингизни иложиям йўқ эди-да. Байрам куни унинг ўша қояда қандай важоҳат-ла от ўйнатганини эслагансиз, унинг синглиси тўғрисида ўйлагансиз, кейин, фикримча, сеньор Карлос мабодо бу ишлардан хабар топиб, сиз унинг қўлига тушиб қолсангиз овчи бошимни силаб-сийпамаса керагов, деган шубҳага боргансиз — ана шуларнинг бари миянгизга бир йўла бостириб келган-у, ўша хунук тушда мужассамини топиб, қорилиб-қоришиб кетган. Кампир ҳам худди шундоқ: мабодо, у тўғрисида сиз ўйламаган бўлсангиз, мен эса ўшандан буён, остонада бошига туширганимдан берига хаёлимдан нарига кетмайди у. Ўшандаги турқи-тароватини бир кўрсангиз эди-я, бир умр ёдимдан чиқмайди бу!

Шундай деб қаҳ-қаҳ уриб кулди нобакор. Буни эслаш уни кўпдаям кулгисини қистатмаётган эди-ю, бироқ у Вискаррани тинчлантирмоқлик учун бўлиб ўтган бутун воқеаларни шунчаки арзимас бир эрмак қилиб кўрсатишга уринаётганди.

— Шуям гап бўпти-ю!— дея сўзини давом эттирди у.— Туш-а! Оддий битта туш-да. Бас, бас, қадрдон дўстим, хаёлингиздан чиқариб ташланг уни!

— Ундай қилолмайман, Робладо. Бу мулоҳаза-ўйлар — худди ўз соямдек гап: улардан қутулиб бўлмаяпти. Кўнглим сезиб турибди, негадир ғаш у. Бу қизни ўша ифлос кулбасида ташлаб келганим яхши эди-я! Худо ҳақи, қани энди у яна уйига бориб қолсайди! Токи ундан қутулмагунимча кўнглим жойига тушиб, тинчлана олмайман. Олдин уни яхши кўриб қолгандим, энди бўлса кўрарга кўзим йўқ бу телбани.

— Қўйинг-қўйинг, дўстим! Ҳадемай бошқача гапириб қоласиз. У яна ёқиб қолади сизга...

— Йўқ, Робладо, йўқ! Уни ўйласам нафратим қўзиб, жирканиб кетавераман — нимагалигини билмайман-у, лекин шундоқ. Ё худо, ўзинг халос эт мени ундан!

— Бунинг қийин жойи йўқ, ҳеч кимга зарар етмайди бундан. Қандай келган бўлса, худди ўшандай уйқуга қайтиши мумкин. Тағин ўшанақанги томошадан бир пардасини ижро этамиз-у, бирон жон зоти фаҳмига ета олмай қолади буни. Агарда сиз ростдан ҳам жиддий гапираётган бўлсангиз...

— Робладо!— дея хитоб қилди комендант капитанининг қўлидан тутиб.— Умримда бундан кўра жиддийроқ

гапирмаганман. Айтингчи менга, уни уйига шов-шувсиз қандай жўнатса бўлади? Тезроқ айта қолнинг, юрак-бағримни тирнаб-ўртаётган бу даҳшатли туйғуга ортиқ чидаёлмайман!

— Нимаям қилардик,— дея гап бошлади Робладо,— яна бир марта ҳиндулар қиёфасига киришимиз керак, кейин...

У сўзини тугатолмади. Вискарра «воҳ» деб инграб юборди. Кўзлари нақ косасидан чиққудек ўйнаб кетган, лаблари кўкариб, пешонасига нўхатдек-нўхатдек тер томчилари қалққан эди.

Бунинг маъниси нима бўлдийкин? Вискарра шу тобда асотейнинг ташқи чеккасида турар, у ердан қалъа дарвозасига келадиган йўл яққол кўзга ташланар эди. У ўша ёққа, кунгурадор девор ортига тикилганча қўли билан алланимани кўрсатарди.

Кунгуралардан анчагина нарида, деярли асотейнинг ўртасида турган Робладо комендантнинг ёнига ташланди-ю, ўша тамонга қаради. Йўлда теру чангга ботганча бир чавандоз от елдириб келарди. У шунчалик яқинлаб қолган эдики, Робладо уни юзидан ҳам таниди. Вискарра уни илгарироқ таниган эди. Бу бизон овчиси Карлос эди.

XXXII БОБ

Карлос қоя чўққисида айтган гап соддадил дон Хуанни ҳангу манг қилиб қўйди. Шу дақиқагача у ҳиндуларни таъқиб этаётганларга заррача шубҳа қилмаётган эди. Ҳатто изларнинг орқага, водийга қайтишидек ғалати ҳолни кўрганида ҳам кўзи очилмаганди. У, ҳиндулар яна кимнидир талагандир уёқда, деган хаёлга борган ва водийга тушишимиз биланоқ бу ҳақда эшитиб қолармиз деб ўйлаган эди.

Карлос унга қалъани кўрсатиб: «У ўша ерда!»— деганида дон Хуан олдинига ҳайрон бўлди, кейин эса чиндан ҳам ишонмади.

Бироқ, овчининг яна биттагина сўзи билан бир неча лаҳзалик мулоҳаза ишончсизлиги барҳам топишига кифоя қилди. Даҳшатли ҳақиқат дон Хуаннинг ақлу онгини чақмоқ мисоли ёритиб ўтди; негаки Вискарранинг ўша байрам кунини ўзини қандай тутгани унинг ҳам ёдида

эди-да, ахир. Шу заҳотиёқ комендантнинг овчининг уйида пайдо бўлиши ва бўлак воқеа-ҳолатлар ёдига келди-ю, Карлос янглишмаётганини фаҳмлади.

Дон Хуан бир неча дақиқагача тили калимага келмай туриб қолди — хаёлига ёпирилиб келган фикрлару вужудини забт этган ҳис-туйғулар бағоят изтиробли эди. Ҳа, ҳар қачонгидан изтироблироқ эди! Баайни шу сонияда у ҳатто севгилисининг ҳиндулар қўлига тушганига қаттиқ ишонган пайтида ҳам бунчалик изтироб чекмаётган эди. У пайтда ҳиндуларнинг асираларга нисбатан ор-номус хусусидаги ўзига хос таомил-қондалари Роситанинг даҳшатли қисматга чап бериб, қутулиб қолишига имкон бериши ва бу орада қайлиқ билан ака бир бўлиб қизни қутқариб олишларидан умидвор эди. Энди-чи, орадан шунча вақт ўтиб кетди-ку! Вискаррани билмасаям гўрга эди-я... Ё халлоқ!.. Бу даҳшатли фикр эди, у навқирон чавандозни ўтирган эгариди бир чайқалиб кетишга мажбур этди. У бир неча одим нарига ўтиб, отдан сакраб тушди, гандираклаб кетиб, тоқат қилиб бўлмас аламу қайғу исканжасида ўтириб қолди.

Карлос ҳануз қояда турар ва қалъа томонга тикиларди. Чамаси, қандай ҳаракат қилиш режасини тузаётган эди. У кунгурадор деворлар тепасидаги соқчиларни, те-варак-атрофда тентираётган тўқ қизилу зангори тус мундирли аксарларни кўриб турарди. Акс садоси қоядан қояга учиб-қўнаётган отлиқ аскарлар карнайининг даъваткор нидоси эшитилиб турарди унга. Шунда аллакимнинг — зобитлардан — асотейда нари-бери бориб-келиб турганига кўзи тушди. Мана у тўхтади-ю, Карлосни кўриб қолди...

Худди ана шу сонияда Вискарра қоядаги кўринишининг ўзиёқ ўтакасини ёриб юборган чавандозни илғаган ва бу чавандоз, турган гапки, мутлақо кўзига кўринган рўё эмасди.

— Эҳтимол бу ўша ёвуздир?— деди Карлос ўзи-ўзига, зобитга тикилганча.— Шунақага, ўшанинг ўзига ўхшайди. Эҳ, қани энди мана шу ерда туриб пойлай олсам эди-я, уни!.. Локин сабр қилиш, ҳа, сабр қилиш керак! Илло ўч олмай қўймайман ундан!

Шундай деганича тизгинни тортиб, отини дон Хуаннинг ёнига ҳайдади. Улар бундан буёғига қандай ҳаракат қилишни маслаҳатлашиб олишди. Антониони ҳам чақиринди-да, Карлос унга Роситанинг қалъада асира эка-

нига ишончи қатъийлигини айтди. Антонио бирор янгилик эшитгани йўқ бу билан, у аллақачон барини фаҳмлаб етган эди. Ахир у ҳам, хўжайинига ўша хотирда қолган кунги ҳеч бир нарсани эътибордан соқит қилмаган эди. Вискарранинг ўшандаги хулқи-атворини у ҳам пайқаган ва таъқибчилар бу ерда, қоя ёнида тўхтамасларидан анчагина бурунроқ ҳиндуларнинг яқинидаги босқинлари замиридаги жамики сир-асрору жумбоқларининг тагига етган эди. У ҳаммасини билади, хўжаси туншунтириб вақтни кеткизиб ўлтирмаса ҳам бўларди.

Аmmo улар на сўз, на вақтни беҳуда кеткиздилар. Ака билан ошиқ йигитнинг ғоятда безовта тепиб турган юраги тоқат қилолмасди бунга. Айни шу сонияда ҳар иккалалари учун азиз бўлган қизга хавф таҳдид қилиб тургандир балки, эҳтимол у ҳозир манфур ўғридан ўзини ҳимоя қилаётгандир, мабодо ўз вақтида етиб боришса уни қутқариб қолишар!

Ана шу мулоҳазалар ҳар қанақанги мўлжал-режадан муҳимроқ эди. Сирасини айтганда, қандай режа бўлиши мумкин бу ерда? Ўзларини сездирмай, яширинча, қалъа теварагида махфиёна тентираб, қулай пайтни пойлашар балки... Қанақанги қулай пайтни? Беҳуда кутиш билан бир неча кун ўтиб кетса-чи! Кунлар-а! Ўзи на бирон соат, на бирон дақиқа кечиктириб бўлмайдиган пайтда-я! Ақалли бирон сонияни ўтказмай ҳаракат қилишлари керак ҳозир.

Лекин, қандай ҳаракат қилишлари керак? Фақат очиқ-ошкора — бошқа ҳеч қандай чора-йўлини топишолмади улар: Хўш, наҳотки Карлоснинг ўз синглисини қайтариб беришларини талаб қилишга ҳақи йўқ?!

Борди-ю, уларни алдасалар, ҳийла-найранг билан лақиллатиб, талабларини рад этсалар-чи?.. Турган гап, бундан бошқача жавоб олишолмайди. Бу фикр икковларини ҳам даҳшатга солди.

Хўш, нима қилиш керак унда? Агарда у қабиҳона ёвузликни айтиб, ҳаммага жар солишса-чи, балки ёрадами тегар. Умумжамоат уларни ёқлайди... Эҳтимол, бундан ҳам бошқачароқ бўлар. Балки водий аҳли, гарчи ўзлари мутёъ, зуғум остида бўлсалар-да, қалъа атрофида тўпланишиб, баралла талаб қилишар... Балки асирани халос этса бўлар ҳали... Бири кетидан иккинчиси қувалашиб келарди шундай ўй-мулоҳазалар.

— Башарти қутқара олмасак,— деди Карлос тишларини гижирлатиб,— унинг қасдини оламиз. Майли, бўйнимга сиртмоқ таҳдид қилиб турса ҳам, мабодо синглимни бадном этган бўлса, барибир тирик қолмайди у! Онт ичаман!

— Мен ҳам онт ичаман!— дея қичқирди дон Хуан, қиличи дастасига чанг соларкан.

— Хўжайин! Икковинглар ҳам қулоқ солинглар!— деди Антонио.— Биласиз, мен қўрқоқлардан эмасман. Мен сизга кўмакчиман, қуролим ҳам, ҳаётим ҳам сизнинг измингизда. Аммо даҳшатли иш бу. Эҳтиётсизлик қилсак бекорга нобуд бўламиз, холос. Сал эҳтиёткорроқ бўлиш зарур.

Учовлари жим қолишди. Ҳеч қайсилари тузукроқ чора топиша олмаётганди.

Ҳақиқатан ҳам вазият бениҳоят мушкул эди. Қаршиларида қалъа, унинг деворлари ортида — эҳтимол қайсидир хилват бир хонасида — бизон овчисининг сингси бандилик азобини чекиб ётибди. Ака синглиси ўша ерда эканини билади, бироқ уни озод қилиш қанчалик машаққат бўлади!

Роситани ўғрилаган ёвуз аввало тонади, бу ерда йўқ у, деб ишонтиришга уринади. Мабодо у қизни қўйиб юборса, бу ўз айбига иқрор бўлгани-ку, ахир. Хўш, Карлос-чи, қандай далилу исботлари бор унда? Гарнизон аскарларининг, шубҳасиз, ҳеч нимадан хабарлари йўқ, ушбу қабихона ишда ёрдамлашган икки ёки уч ярамасни мустасно қилганда, албатта. Борди-ю, Карлос шовқин кўтаргудек бўлса, комендантга тақалаётган бундай айбловга шахарликлардан ҳеч бири ишонмайди. Овчинни кулги қилишади ва, турган гапки, қамашади, қаттиқ жазоланади у. Башарти у ҳаттоки далил-исботларни рўкач қилган чоғида ҳам, ҳукмрон мулкдорлардан қай бири адолатни қарор топтиришда ёрдам берарди? Куч ҳам, қонун ҳам — ҳарбийлар қўлида, бу ерда номигагина мавжуд бўлган ночору нотавон гражданлик маъмурияти, шак-шубҳасиз, унинг ёнини олишдан кўра рақиб томонига ўтишни афзал билади. У ҳеч киму ҳеч қаёқдан адолат кутмаса ҳам бўлади. У ўз даъво-айбловини ўзи мурожаат этадиган одамлар ҳеч қачон тушуниб етмайдиган ҳамда эътиборга олмайдиган далил-исботлар билангина таъкидлай олиши мумкин, халос. Вискаarra мабодо у умуман сабабини тушунтириб беришдек ил-

тифот кўрсатгудек бўлса, албатта, орқага, шаҳарга қараб олиб келган изларга опша-осонгина бирор жавоб топади, Карлоснинг қўяётган айбловини эса телба одамнинг валдирашига чиқаради. Ҳеч ким уларнинг гапига ишонмайди. Айнан, разилона қабоҳат бўлганлиги вайжидан ҳам ушбу ёвузлик ақлга тўғри келмайдиган ёлғонга ўхшаб кетади.

Карлос ва ўртоқлари буларнинг барини жуда яхши тушунардилар. Уларнинг ёрдам кутадиган, умид қиладиган жойлари йўқ эди. Маъмурлардан ҳеч бири ёрдам қўлини чўзмайди ва жонларига оро кирмайди.

Овчи бирмунча муддат жим, ўйга толиб қолди; ниҳоят яна тилга кирди — энди бошқача оҳангда сўзлай бошлади. Кўриниб турибдики, кўнглида қандайдир режа, қандайдир умид туғилди.

— Дўстларим!— деди у.— Тўппа-тўғри, очиқчасига бориб жавоб беришни талаб қилиш керак, бошқа ҳеч қандай чорасини тополмаяпман. Кейин, буни ҳозироқ, ҳаялламай бажариш зарур. Синглимни қутқаришга уринмай, бирор соат бекор туришга сабрим чидамайди. Нима бўлдийкин деб юрак ҳовучлаб турган пайтда бир соат кутиш... Э-йўқ! Кечиктириб бўлмайди. Унча-мунча нарсани ўйлаб қўйдим мен. Эҳтимол бу жудаям унақанги эҳтиёткорона режа эмасдир-ку, локин ортиқ ўйлаб, мулоҳаза қилиб ўтиргани вақт йўқ. Қулоқ беринглар!

— Қулоғимиз сенда?

— Қалъа дарвозаси олдига ҳаммамиз биргалашиб боришимизни ҳожати йўқ. У ерда юзлаб аскарлар бор, бизнинг ихтиёримизда эса йигирма нафар тагнос, гарчи улар шердай мард бўлсалар ҳам, бундай олишувдан наф чиқмайди: кучлар ҳаддан ташқари нотенг. Мен бир ўзим бораман.

— Бир ўзинг?

— Шундоқ. Умид қиламанким, уни кўришга муваффақ бўларман. Менга ортиқ ҳеч ниманинг кераги йўқ. У — Роситанинг зиндонбони ухлаётганида эса бандини халос этиш мумкин. Демакким, у уйқуга кетади.

Бу сўзларнинг тагида кўп маъно бор эди, шу вайжидан ҳам сўзлаётган йигит қўлини беихтиёр тасмаси остига қистириғлиқ пичоғи сопига қўйган эди.

— У уйқуга кетади,— такрорлади Карлос,— агарда қисмат кулиб боқиб, омадим келиб қолса, тез орада

уйкуга кетади. Уёғига нима бўлади — менга бари бир: бўлганича бўлар! Борди-ю, синглим бадном қилинган бўлса, ўламанми ё тирик қоламанми — нима фарқи бор менга? Локин унинг қасдини оламан.

— Қандай қилиб учрашасан у билан?— деб сўради дон Хуан.— Сени қабул қилишни хоҳламайди у. Эҳтимол, кийимингни ўзгартириб олганинг маъқулдир? Ана унда, чамамда, тезроқ кўришга муваффақ бўларсан балки.

— Йўқ! Кийимини алмаштириб, қиёфамни ўзгартиришим осонмас — барибир сочим билан теримнинг туси сирни фош қилиб қўяди. Иннайкейин, кўп вақтни олади бу. Ишонавер, енгилтаклик қилиб бемулоҳаза иш тутмайман. Унга қандай қилиб рўпара бўлишни ўйлаб қўйдим, ҳар қандай шароитда ҳам уни кўраман деган умиддаман. Борди-ю, уддасидан чиқолмасам, ҳозирча шовшув кўтариб ўтирмайман. Нима мақсадда борганимни у разиллардан бирортаси билмайди. Ана ундан кейин сен нимани маслаҳат берсанг, ўшани қиламан. Ҳозир бўлса ортиқ кутолмайман. Нимадир қилишим керак. Менимча, шу топда уёқда, асотейда юрган ўша, мана шунинг учун ҳам бошқа кута олмайман, дон Хуан. Агарда ўша бўлса...

— Хўш, биз нима қиламиз унда? Наҳотки сенга бирор ёрдам беролмаймиз?— деб сўради дон Хуан.

— Эҳтимол... агарда қочишимга тўғри келиб қолса. Қани кетдик, мени қаерда кутишларингни кўрсатаман. Тезроқ! Ҳозир ҳар бир дақиқа бир кунга тенг. Бошим, худди ўт қалагандек қизиб, лангиллаб кетяпти. Кетдик!

Карлос сакраб эгарга минди-ю, тикка қуйига тушадиган сўқмоқдан водий сари ҳайдади отини.

Водийга тушгач, йўл қалъа томонга бурилган ердан бошлаб бир миль чамаси қалин пастак дарахтлару буталарни оралаб борарди; бу жойдан ўтадиган бошқа йўл йўқ эди.

Аммо мазкур чакалакзорда мол-ҳоллар топтаб очган сўқмоқлар ҳам бўлиб, ана ўшалардан юриб чакалакзорларни кесиб ўтиш ҳам мумкин эди. Бу сўқмоқларни илгарилари шу ерда, яқингина жойда яшаган Антонио яхши билар эди. Ушанақанги сўқмоқлардан бири бўйлаб чавандозлар девор тепасидаги соқчилар кўзига кўринмай қалъадан ярим милча берироққача боришлари мумкин эди. Антонио бутун бўлукни худди ўша ерга

бошлаб борди. Ҳадемай улар чакалакзор чеккасига етиб олишди, Карлоснинг буйруғи билан шу ерда, чалакзордан чиқмай, отларидан тушишди.

— Ҳамманглар шу ерда қолинглар,— деди овчи дон Хуанга.— Агарда уёқдан омон-эсон жўнаб қолишга муваффақ бўлсам, тўғри шу ёққа от елдириб келаман. Борди-ю, отдан айрилсам, бари бир мени кўрасизлар яна. Унчалик узоқ бўлмаган бу масофани кийиндай чаққон босиб ўтаман, ҳеч зоғ етолмайди менга. Қайтганимдан сўнг эса, буёғига қандай ҳаракат қилишимиз кераклигини айтаман сизларга.

Шу пайт Карлос тўсатдан дон Хуаннинг қўлини шиппа ушлади-ю, чакалакзор этаги сари судраб кетди:

— Қара, дон Хуан! Бу ўша! Худо ҳаққи онт ичаман, бу ўша!

Карлос қалъанинг ясси томини кўрсатди — кунгурадор девор тепасидан аллакимнинг боши билан елкалари кўриниб турарди.

— Ҳа, бу комендант,— деди дон Хуан, асотеядаги одамни у ҳам таниган эди.

— Бас, етар! Гап сотиб ўтиришга вақтим йўқ!— хитоб қилди овчи.— Ё ҳозироқ, ёки ҳеч қачон! Агарда қайтиб келсам, буёғига нима қилиш кераклигини биласизлар. Борди-ю, қайтмасам — демак, ё қўлга тушган, ё ўлдирилган бўламан. Шу ерда қолинглар. Ярим кечагача шу ерда бўлинглар — балки эсон-омон қутулиб келарман уёқдан. Қамоқхоналари кўпдаям мустаҳкам эмас. Бундан ташқари, ёнимда олтин бор. Эҳтимол жонимга оро кириб қолар у. Бор гап шу, вассалом. Хайр, содиқ дўстим! Омон бўл!

Карлос дон Хуаннинг қўлини маҳкам сиқиб сакраб отига минди-ю, уни қичаб кетди.

Бироқ, тўғри қалъага қараб от солмади — у чоғда овчини хаш-паш дегунча пайқаб қолишлари тайин эдида, ахир. Чакалакзордаги сўқмоқ уни ўз навбатида қалъа дарвозасига элтувчи асосий йўлга олиб чиқарди; у ана шу сўқмоқдан кетди. Антонио уни нақ чакалакзор этагигача кузатиб қўйди-да, кейин бошқалар ёнига қайтди.

Катта йўлга чиқиб олгач, Карлос отини йўрттириб, кенг қалъа дарвозасига қараб дадил бораверди. Ити Бизон бир одим ҳам кейинда қолмай, ортидан югуриб борарди.

XXXIII БОБ

— Биби Марям ҳаққи, бу ўша!— таажжуб ҳамда хавтирсираб хитоб қилди Робладо!— Худди ўзи! Чин сўзим!

— Шундоқ ҳам билардим, билардим-а!— чинқириб юбораёзди Вискаarra.— Қоядаги ўшайди, кўзимга кўрингани йўқ эди!

— Қай гўрдан пайдо бўлиб қолдийкин у? Жамики авлиёю анбиёлар ҳаққи, бу йигит қаёқдан...

— Робладо, мен кетишим керак! Пастга тушаман мен. У билан рўбарў бўлишни истамайман. Иложим йўқ бунга!

— Полковник, сиз билан гаплашгани маъқул. У сизни аллақачон кўрди, таниб бўлди-ку, ахир. Агарда ўзингизни олиб қочадиган бўлсангиз, бу унда шубҳа уйғотади, холос. У биздан ҳиндуларни таъқиб этишда ёрдам сўрайди-ёв, кафолат бераман, фақат шу ниятда келяпти у!

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?— деб сўради Вискаarra ушбу тахминдан хиёл ўпкасини босиб олиб.

— Заррача шубҳам йўқ! Яна нимагаям келарди бўлмаса? Бор гап унинг хаёлига келмайди. Негаки у онасига ўхшаган жодугар эмас-ку, ахир! Ҳеч қаёққа кетманг, қани кўрайлик-чи, нима деркин. Ўз-ўзидан равшанки, у билан шу ерда асотейда туриб гаплашасиз, у эса пастда тураверсин. Агарда у ўзини қўпол, сурбетона тутадиган бўлса,— ёдингиздадир, бир марта икковимизни жиғимизга теккан эди-ку, ахир, уни қўлга олиб, сал совигунича бир-икки соат қамаб қўямиз. Йшоанаман, бунга важ топиб беради ўзи. Мен ҳам унинг байрамдаги сурбетларча қилиғини унутганимча йўқ.

— Сиз ҳақсиз, Робладо, мен шу ерда қолиб, унинг гапини эшитаман. Шуниси яхшироқ. Шубҳа-гумонларга барҳам беради бу деб ўйлайман. Ундан кейин, гапингиз тўғри: у ҳеч нимадан шубҳа қилиши мумкин эмас.

— Аксинча, у ҳозир биздан ёрдам сўрайди-ю, сиз унга ёрдам берасиз — ана унда издан бутунлай чалғитиб юборасиз. У ҳали сизга дўст ҳам бўлиб қолади!— Шуларни айтиб, Робладо хохолаб кулди.

Бу гап ҳақиқатнамо эшитилди ва Вискаarraга маъқул келди. У шу заҳотиёқ капитаннинг маслаҳатига амал қилишга қарор берди.

Мазкур ошиғич суҳбат бор-йўғи бир неча дақиқани— улар чавандозни кўрган дастлабки сониядан токи овчи қалъа кўланкасида кўринмай қолгунига қадарли фурсатнигина олди.

Охирги икки юз ярдча масофани, ушбу ҳокимият таянчи остонасида чавандозлик маҳоратимни кўз-кўз қилсам тагин буни бевошлигу такаббурликка йўйиб юрмасинлар деб чўчигандек, гўё эҳтиром сақлаб оҳиста босиб ўтди у. Келишган чеҳрасидан ғам-андуҳ изларини уқса бўлар эди-ю, аммо шу тобда унинг қалбини ҳаммасидан ортиқроқ изтиробга солаётган туйғудан нишона бергучи аломатдан асар ҳам кўринмасди.

Қалъага яқинлашар экан у сомбреросини ечиб, боши ва кифтлари кунгурадор девор узра кўзга ташланиб турган зобитларга эҳтиром-ла таъзим бажо келтирди; қалъа деворига ўн қадамча қолганида эса оти жиловини тортиб, яна сомбреросини бошидан олди-да, ўзидан сўз сўрашларини кута бошлади.

— Хўш, нима хизматлари борийди?— деб сўради Робладо.

— Кабальеро, комендантга гапим бор эди.

Бу жавоб қандайдир илтимос-ўтинчи бор одам сўзлайдирган оҳангда айтилган эди. Ушбу оҳанг Вискаррани ҳам, аслида овчининг тинч-дўстона ниятда келаётганига увчалик ишончи комил эмаслигига қарамай, бошлигини бунинг аксига ишонтиришга уринган хийла безбету беҳаё муттаҳам шеригини ҳам тинчлантирди. Эндиликда унинг ўзининг бирламчи тахмини тўғри эканига шубҳаси қолмади: Карлос улардан мадад сўраб келган.

— Мен шу ерданман!— деб жавоб қилди қўрқуви буткул тарқаб кетган Вискарра.— Комендант менман, Хўш, нима гапингиз бор эди менга, ошна?

— Зоти олийлари, мен бир илтимос билан келгандим.— Шундай деб овчи тавозе ила яна таъзим қилди.

— Айтмабмидим сизга!— деб пичирлади Робладо бошлиғига.— Ҳаммаси жойида, полковник!

— Қани, дўстим, қулоғимиз сизда, эшитамиз,— деди Вискарра такаббуруна-муруватпеша оҳангда.— Башарти ўтинчингиз бамаънию оқилона бўлса...

— Зоти олийлари, сиздан катта марҳамату илтифот кўрсатишингизни ўтинаман-у, локин бу ўтинчимда ҳеч қанақанги ақлга зид нарса бўлмаса керак деган умид-

даман. Имоним комилки, башарти бу сизнинг бошдан ошиб ётган хизмат вазифангизга халал бермасагина, илтимосимни рад этмассиз. Ушбу жабҳада қанча вақтингизу ғайратингизни сарф этганингизни барча жамоат билади-ку, ахир.

— Айтмабмидим сизга!— дея ғулдураб қўйди тагин Робладо.

— Хўш, хўш, қани айтинг-чи!— деб далда берди Вискаarra арзгўйга.— Мен, ахир, нимани илтимос қилмоқчи эканингизни эшитмай туриб жавоб бера олмайман-ку.

— Гап мана бундоқ, зоти олийлари. Мен битта бечораҳол бизон овчисиман...

— Э-ҳа, сиз Карлос, бизон овчисисиз-а! Биламан, биламан.

— Ҳа, зоти олийлари, учрашганмиз биз... авлиё Иоанн байрами куни.

— Бўлмасам-чи, бўлмасам-чи! Эсимда. Сиз ажойиб чавандозсиз.

— Бошим осмонга етди бундан, зоти олийлари. Аммо маҳоратим ҳозир иш беролмайди менга. Бошимга беҳад мусибат тушган...

— Нима гап, нима бўлди? Барини айтаверинг!

Вискаarra ҳам, Робладо ҳам овчининг нимани илтимос қилишини билиб-фаҳмлаб туришарди. Улар ушбу илтимосни бекорчиликда дарвоза атрофида ўралашиб юрган аскарлар эшитишини истаб қолдилар, шу боисдан арзгўй ҳам овозини баладлатсин учун ўзлари қаттиқ-қаттиқ сўзлаётган эдилар.

Карлос ҳам қаттиқ жавоб қайтараётган эди — суҳбатдошларини қаноатлантириб, уларни мамнуи этиш учун эмас, йўқ, бундан унинг ўз мўлжали бор эди, албатта. У ҳам зобитлар билан бўлаётган гапларни аскарлар, асосийси эса, дарвоза олдидаги соқчилар эшитишини истарди.

— Гап мундоқ, зоти олийлари,— сўзини давом эттирди у,— мен қашшоқ бир ранчода, кентнинг энг чеккасида, кекса онам ва синглим билан тураман. Утган кунни кечаси уларга ҳиндулар ҳужум қилишибди. Онамни шундоқ уришибдики, шўрлик онам тил тортмай қулабди, уйимизга ўт қўйиб, синглимни олиб кетишибди!

— Эшитгандим буни, дўстим. Иннайкейин, ёввойиларни таъқиб этгани шахсан ўзим отланганман ҳам.

— Хабарим бор, зоти олийлари. Унда мен даштда эдим, бугун кечаси етиб келдим. Сизнинг, зоти олийлари, дарҳол ёввойилар орқасидан йўлга чиққанингизни эшитдим, бунинг учун сиздан чексиз миннатдорман.

— Миннатдорлик билдиришга арзимайди, мен бурчимнигина адо этдим, холос. Содир бўлган фалокатдан ғоятда афсусланаман ва қайғу-ташвишингизга шерикман. Муттаҳамлар қочиб қолишга муваффақ бўлишибди, қани эди ҳозир қилмишларига яраша жазоларини берсак, илло бундан умид йўқ. Эҳтимол кейинчалик, гарнизонимиз кучайтирилгач, имкони туғилар. Ана унда шахсан ўзим ҳиндулар устига бостириб бора олардим-у, ўшанда синглингизни излаб топган бўлардик балки.

Овчи эҳтиром сақлаш билан Вискаррани тамоман лақиллата олди — комендантнинг совуққонлиги ва ўзига ишончию такаббурлиги батамом қайтди; содир бўлиб ўтган воқеа хусусида улар ўртасида бораётган суҳбатдан англашилаётганидан ортиқ нарсани билмайдиган ҳар қандай одамнинг сўзларига қулоқ соларкан, алданиши турган гап эди. У муғомбирликни қотириб уддалаётган эди — на гап-сўзи, на башараси сирини ошкор этаётганди. Бироқ бор ҳақиқатни беш қўлда билган Карлоснинг ўткир кўзидан (ҳар қанча сезилмас бўлмасин) лабларининг пириллаб титраётгани қочиб қутулолмади; у Вискарранинг гумонсировчи-жонсарак нигоҳ ташлаётгани ва сўзлашидаги ҳар бир заррача қадар тугилишни илғаб турарди.

Ҳа, Карлос уни лақиллатганди, у эса Карлосни алдаёлмаган эди.

— Хўш, нимани илтимос қилмоқчи эдингиз?— сўради Вискарра, келажакда шунча нарсани ваъда қилгач.

— Шунини илтижо қиламанки, зоти олийлари, аскарларингизга, ўз раҳнамолигингиздами (унда бошим кўкка етади) ёки жасур зобитларингиздан бирортаси бошчилигидами (буни эшитаркан Роблагога мойдай ёқиб кетди), талончилар изидан яна бир карра бориб кўришга ижозат берсангиз... ўзим йўл кўрсатиб бораман, зоти олийлари. Бу атрофларда икки юз милгача мен мана шу водийни билганимчалик яхши билмайдиган жой йўқ. Гарчи бу гапни ўз оғзим билан айтишим ноқулай бўлса-да, лекин сўзимга ишонинг, зоти олийлари, ҳиндуларнинг изини топиб боришда Улуғ Текисликдаги ҳар қандай изқувар овчидан сира қолишмайман. Фақат аскар

жўнатсангиз бас, зоти олийлари, сўз бераман сизга — мен уларни талончилар устига бошлаб бораман ёки қип-қизил шарманда бўламан! Қаергаки олиб бормасин, изларидан адашмайман икки дунёда!

— У, шундоқ денг!— деди Вискаarra, Робладо билан маънодор кўз уриштириб олар экан.

Икковлари ҳам алланечук бўлиб кетишди.

— Шундоқ, зоти олийлари, қаерда бўлмасин излардан топиб бораман.

— Йўғ-э, мумкин эмас бу,— деб эътироз билдирди Робладо.— Ахир бунга икки кун бўлди-ку. Иннайкейин, биз ҳам бир марта изларидан бордик. Қароқчилар Пекос дарёсидан кечиб ўтиб, етиб бўлмайдиган даражада олислаб кетганига ишонч ҳосил қилдик. Шунинг учун мутлақо бефойда бу, бекорга овора бўлинади.

— Кабальеролар!— янгитдан иккаларига мурожаат этди Карлос.— Сизларни ишонтириб айтаманки, қароқчиларни топиш қўлимдан келади. Улар ҳали кўпдаям олислаб кетишмаган бу ердан.

Комендант билан капитан нақ сапчиб тушишди-ю, сезиларли даражада ранглари ўчди. Овчи бунга зигирчалик эътибор бермагандек кўринди.

— Бекорчи гап бу, ошна!— тугилиб деди Робладо.— Улар... э улар юз миль олислаб кетган, бундан каммас... Льяно Эстакадонинг қаерларидадир ёки қаердадир тоғда ҳозир...

— Гапингизга қўшилмаганим учун маъзур тутасиз-у, капитан, локин мен аминманки... булар қанақанги ҳиндулар эканини, уларнинг қайси қабиладан эканлигини биламан.

— Қайси қабиладан эканини?— бараварига сўрашди зобитлар; ҳар икковиниям башараси жиддий, овози хиёл титроқ эди.— Қайси қабиладан эканини деганингиз нимаси? Нима, ютлар эмас эканми улар?

— Йўқ,— деб жавоб қайтарди ўз суҳбатдошларининг саросимага тушиб қолганларини аниқ-таниқ кўриб турган овчи.

— Бўлмаса кимлар экан?

— Буларнинг ютлар эмаслигига ишончим комил,— деди Карлос.— Хикариллар бўлса керак. Улар менинг ашаддий душманларим.

— Жудаям бўлиши мумкин-да!— бараварига қўшилишди зобитлар очиқ-ошкора енгил тортиб.

— Жудаям бўлиши мумкин-да!— такрорлади Робладо.— Шоҳидларнинг тасвирлашларига қараганда уларни ютлар деб ўйлаш ҳам мумкин. Лекин, одамлар янглишишгандир эҳтимол. Ҳаммалари шунақанги ваҳимага тушиб қолишган эдики, мундоқ тузук-қуруқ тушунтириб ҳам бериша олмади. Ундан кейин, ҳиндулар фақат кечасилари пайдо бўлишган-да.

— Ҳўш, сиз уларни нега хикариллар деб ўйлаяпсиз?— деб сўради комендант, у қайтатдан енгил нафас ола бошлаган эди.

— Бир чеккаси шунинг учунки, улар сон жиҳатидан жудаям кам бўлишган,— деб жавоб қилди Карлос.— Агар ютлар бўлганида...

— Лекин улар жуда унақанги озчилик эмасди. Чўпонлар берган ахборотга қараганда каттагина тўда бўлган. Улар катта подани қайдаб кетишган. Агарда йирик бўлук бўлмаса водийда қораларини кўрсатишга журъат эта олмасдилар, бу кундай равшан гап.

— Менинг эса ишончим қатъий, улар озчилик бўлишган, зоти олийлари. Довюрак аскарларингиздан бир эскадрони ҳам босқинчиларни, ҳам ўлжаларни қўлга туширишга кифоя.

Бу сўзларни эшитганда шу атрофда ўралашиб юрган паст бўйли уланлар қоматдорроқ кўриниш учун қаддиларини тиклаб, кифтларини ростладилар.

— Ишқилиб хикариллар бўлишсин-да,— сўзини давом эттирди Карлос,— унда изларидан боришимниям ҳожати йўғийди. Улар Текисликка томон кетишмаган. Башарти ўша томонга қараб юришган экан, орқаларидан қувиб борганинглarda сизларни чалғитиш учунгина шундай қилишган. Улар ҳозир қаерда эканини биламан: тоғда.

— Сизнингча, тоғдами улар? Шунақа денг!

— Ҳа, шундоқ, аминман бунга. Яна тагин бу ердан эллик миль нарида. Фақат аскар юборинг, зоти олийлари, уларни тўғри керакли жойга бошлаб бораман. Бунинг учун қароқчилар водийдан чиқиб кетган йўлдан боришнинг кераги йўқ, имоним комилки, бу чалғитадиган алдамчи излар.

Комендант билан капитан кунгурадор девор ёнидан нарироққа чекиниб, бир неча дақиқа пичирлашиб маслаҳатлашиб олишди.

— Чакки бўлмайди бу киши кўзига,— дерди капи-

тан.— Аслида, сизга нақ шуниси керак-ку, ахир. Омад ўз оёғи билан кириб келяптику эшигингиздан. Сиз мана шу йигитчанинг илтимоси билан аскар жўнатасиз, хўш, унинг ўзи ким бу ерда? Ҳеч вақога арзимайдиган бир одам! Унга гўёки ёрдам бериш билан бирга ўзингизга хизмат қиласиз. Қафолат бераманким, бу фаройиб воқеа бўлади.

— Лекин у йўл бошлаб бораман деяпти-ку!

— Борса бораверсин! Янаям яхши: ҳамма хурсанду мамнун бўлади. У, тайин гапки, ўша хикарилларини тополмайди... Топиб ҳам бўпти! Лекин бир аҳмоқни кўнглига тасалли берсак нима қипти?

— Аммо, бир тасаввур қилиб кўринг-а, иттифоқо сиз билан бизнинг изимизга рўпара келиб қолса-чи? Поданинг изини кўриб қолса-чи?!

— Уёққа бормаиди. Кейин, биз унинг кетидан хоҳлаган томонга эргашиб боришга мажбур эмасмиз-ку, ахир. Иннайкейин, уёққа бормаيمان, излардан бориш ниятим йўқ, деб айтди ўз оғзи билан. У ўша хикарилларнинг уёқдаги, тоғдаги уяларини биларкан... Нима ҳам дердик, эҳтимол шундоқдир. Уларни тор-мор этиш — ҳатто мақтовга лойиқ иш. Дарвоза тепасига бир жуфтгина калла терисини осиб қўямиз — чакки кўргазма бўлмайди бу. Сиз билан биз бу ерга келганимиздан берига бунақанги безак кўпайганича йўқ. Хўш, нима дейсиз? Пировард-оқибатини олганда, бу шунчаки кичиккина — отда эллик миллик кўнгили ёзар сайр холос.

— Хўп, майли, умуман эътирозим йўқ. Бу сайр чиндан ҳам чакки томоша эмас... Аммо шахсан ўзим боролмайман. На ушбу сайрда, на яна бирон бошқа ерда бу азаматга яқин йўлашга ҳушим йўқ... Вужудимни қандай ҳис-тўйғу чулғаб олганини ўзингиз тушуниб тургандирсиз балки?— Шундай деб Робладога маънодор қараб қўйди комендант.

— Ҳа, ҳа... албатта...— дея жавоб қайтарди униси.

— Аскарларни сиз бошлаб борасиз, агарда оёғингиз тортмаётган бўлса, Гарсиани ёки сержантни жўнатиш.

— Ўзим бораман,— деди Робладо.— Шундай қилган тўғри. Мабодо овчи бирор бошқа бизга номақбул издан боришни хаёл қилиб қолса, мен уни бўлак ёққа бошлайман ёки шунчаки кўнмайман... Шундай, мен ўзим борганим маъқул. Жин урсин, ўша қизил танлилар билан жангга киришишдан гоътада хурсанд бўлардим-да!

Сизга каллахомларини келтиришдан умидворман!— хохолаб кулди Робладо.

— Қачон йўлга чиқмоқчисиз?— деб сўради полковник.

— Ҳозироқ. Қанчалик тезроқ бўлса, шунчалик яхши. Бу барчага хуш келади ва бизнинг ғайрату шижоат ҳамда ватанпарварлик ҳис-туйғуларига тўла эканимизнинг далил-исботи бўлади!— У яна хохолади.— Сиз сержантга буйруқ берарсиз, мен эсам бориб овчи дўстимизни хурсанд қилай.

Робладо асотейдан шошилиб тушиб кетди-ю, бир неча дақиқадан сўнг карнай садолари янгради. У: «Отларга!»— дея чорлади.

XXXIV БОБ

Бутун суҳбат давомида овчи отини биринчи тўхтатган ерида қимир этмай эгарда ўлтирди. Мана, зобитлар кўринмай қолишди йигитга: улар асотей чеккасидан узоқлашишган, кунгуралар кўздан яшириб турибди уларни. Лекин Карлос уларнинг нима хусусда кенгашаётганларини фаҳмлаб, сабр-тоқат-ла кута бошлади.

Дарвоза олдида аллақачон ўттиз ёхуд қирқ чоғли аскар жам бўлишганди, уларнинг бари қизиқсиниб от билан чавандозга тикилишар эди; бир пайт ўзларига ошно карнай садоси янгради-ю, ҳаммалари отхона томон югуриб қолишди; дарвоза олдида фақат соқчигина қолди. Ҳамма аскарлар қатори у ҳам овчи билан зобитлар ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзларни эшитган ва карнайчининг бекорга карнай чалмаётганини англаб етган эди. Гарчи комендант ҳали ўз оғзи билан айтмаган бўлса-да, Карлос илтимосини бажаришларига ишонарди.

Охирги дақиқагача унинг бирон аниқ ҳаракат режаси йўқ эди. Бари вазият-шароитга боғлиқ бўлиб турган пайтда қандай ҳам ҳар тарафлама ўйлаб кўра оларди дейсиз?

Фақат биргина нарса ойдин эди: Вискаррага ёлғиз рўпара бўлиши керак. Ақалли бир нафасгагина — шунинг ўзи кифоя эди унга.

У илтимос қилиш, ялиниб-ёлвориш бефойда — бундай қилиш вақтни шамолга совуриш эканини ва оқибати мағлубияту ҳалокат билан тугашини ҳис этиб турарди.

Интиқом олиш учун бир дақиқа ҳам етарли. Синглим нобуд бўлди деган хаёл эса Карлосни тарк этмас ва у қасос иштиёқида ёнарди. Кейин нима бўлади — буёғини ўйламасди у. Мабодо қочишга тўғри келса — нима ҳам қиларди, бу борада у қулай мавриду ўз-ўзига орқа қилаётган эди: кучию тadbиркорлиги доғ қолдирмайди уни.

Хулласи калом, шу сониягача унинг ҳеч қандай аниқ режаси йўқ эди. Аммо туйқисдан бошига, эҳтимол ёвни таъқиб этадиган бўлукка комендантнинг ўзи бошчилик қилар, деган фикр келди. Борди-ю, шундай бўлса, ҳозирча ҳеч нима қилмай туради. У йўл бошловчилик вазифасини ўтайди, ана шунда нафақат ғанимларини нобуд қилиш учунгина, шунингдек, астагина қутулиб кетиш учун ҳам тўлиқ имкон туғилади унга. Қани, улар овлоқ, ўзлари билмайдиган текисликка чиқсинлар-чи, кўради — уёқларда уланлардан асти чўчимайди, ўзидан ўн карра кўпроқ бўлган тақдирларида ҳам. Вафодор тулпориди бўлса икки дунёда қувиб ета олишмайди улар.

Аскарлар сафарга отланишяпти — буни у карнай сadosидан англади. Вискарра ҳам бирга борармикин? — Ана шу савол ҳаммадан кўпроқ безовта қиларди тоқатсизлик ила тепага, кунгуралар орасига тикилганча ҳануз оти устида қимир этмай ўлтирган Карлосни.

Мана, девор қирраси узра манфур башара кўринди. Бу гал комендант нотавон илтимосчига ўз кўнглида хурсанд қиладиган хабарни айтмоқлик учун девор оша ташқарига мўралади. У, овчига беқиёс илтифот кўрсатаётганига қатъий ишонган ҳолда, мазкур хабарни важоҳат билан тум-тароқли оҳангда етказди.

Карлоснинг чеҳраси қувончдан ёришиб кетди, бироқ эшитган хабаридан эмас — Вискарра эса айнан ана шундан деб ўйлади, — йўқ: Карлосни қувонтирган нарса комендантнинг асотейда ёлғиз қолгани эди. Ёнида Робладо кўринмаётган эди.

— Мендай бир қашшоққа шундай мурувват кўрсатяпсиз, саховатингизнинг чеки йўқ, эй зоти олийлари. Сизга қандай миннатдорчилик изҳор этишимни билмай қолдим.

— Миннатдорчилик билдиришга арзимамайди, ҳа, арзимамайди. Ўз бурчини адо этаркан, католиклар пушти паноҳи ҳазрати олийларининг зобитига миннатдорлик билдириб ўлтиришнинг ҳожати йўқ.

Шу сўзларни айтар экан комендант мағрурона ҳамда

виқор-ла қўл силтаб қўйди ва, чамаси, кетишга чоғланди. Карлос уни саволга тутиб тўхтатди:

— Камина қулингиз зоти олийларига йўл бошловчилик қилиш шарафига мушарраф бўладими?

— Йўқ, шахсан ўзим бормайман мазкур сафарга, уни энг яхши зобитим, капитан Робладо бошқаради. У ҳозир сафар тадоригини кўряпти. Кута туринг уни.

Вискарра шундай деди-ю, чўрт бурилиб, асотеядаги сайрини қайтатдан давом эттираверди. Шубҳасизки, ушбу бетма-бет суҳбатдан алланечук бўлиб кетган ва овчи билан тезроқ хайр-маъзур қилишдан хурсанд эди у. Нега энди у бундай тушунтириб ўтирибди деб сўраб-суриштириб ўлтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, негаки Карлосга ана шу билиб олган нарсасининг ўзи кифоя эди.

У фурсат етганини, бирон сонияни бой бериш мумкин эмаслигини англади-ю, дарҳол ишга тушишга қарор берди.

Шу дамгача у эгарда қилт этмай ўлтирган эди. Милтигини қўндоғини узангига тираб, оғзини елкасига босганча ўлтирганидан бирон тирик жон зоти пайқамаган эди қуроли борлигини. Қўнжи узун этиги билан кифтига ташлаб олган серапеси милтиқни бутунлай яшириб турган эди. Карлоснинг чап белида осифлиқ турган ўткир ов пичоғини ҳам серапеси бегона кўзлардан пинҳон тутаётган эди. Унинг бор қуроли шугина эди, холос.

Комендант билан Робладо кенгашаётган пайтда Карлос вақтни зое кеткизмади, у сиртдан қарагандагина бекор тургандек кўринарди. У деворни ҳафсала билан, яхшилаб назардан ўтказди. У қалин деворга ёпишган, шундоққина дарвоза олдидан бошланган тош зиналар асотеяга олиб чиқишини кўрди. Бу зинапоя хизмат юзасидан қалъа томига чиқишлари керак бўладиган аскарларга аталган эди. Аммо Карлос яна зобитлар учун бўлак зинапоя ҳам борлигини биларди. Қалъада илгари сираям бўлмаганига қарамай, ана ўша зинапоя бионинг оралиқ — туташган жойида бўлиши керак, деб тўғри хулосага келди у. Шунингдек у дарвоза олдида биттагина соқчи турганини ва дарвозахонадан ичкарироқдаги тош ўриндиқлар — одатда қоровулда турувчилар дам оладиган жой — ҳозир бўш эканини ҳам пайқади.

Демак, соқчилар ё ичкарида, бино ичида, ё казармаларга тарқашган. Шунини айтиб ўтиш керакким, қалъада

интизом ёмон эди. Вискаarra ўзи олифта-сатанг, батартиб бўлса ҳам, аскарларига нисбатан кўпдаям талабчан эмасди. У ўз ҳузур-ҳаловати билан ҳаддан зиёд банд бўлиб, бўлак бирон ниманинг ташвишини чекишга вақти йўқ эди.

Сезгир ва кузатувчан овчи буларнинг барини Вискаarra унга таъқибга аскар йўллаш ниятида эканини хабар қилиш учун кунгуралар ёнига иккинчи марта яқинлашмасидан бурунроқ пайқаб улгурган эди. Қисқаси, комендант тагин кўздан ғойиб бўлгани ҳаманоқ Карлос ишга киришди.

У тўсатдан отидан тушди, отни дастлаб келиб тўхтаган ерида қолдирди. У қорабайирни на устуну на тўсинга боғлади, жилов тизгинини эгар қошига ташлаб қўйди, холос. У тобига етказиб ўргатилган тулпори ўзини хотиржамгина кутажагини биларди.

Милтигини — оёғига маҳкам босиб олган қўндоғи энди бегона кўзларга ташланиб турган бўлишига қарамай — ҳамон ридоси остида тутарди. Карлос уни авайлаб ушлаганча дарвозага қараб юрди.

Карлосни бир нарса безовталантираётган эди: соқчи ўтказиб юборармикин уни? Борди-ю, ўтказмаса, соқчи гумдон бўлади!

Лаҳзада шундай қарорга келди-ю, дарвозага яқинлашар экан, ридоси остида астагина пичоғи дастасидан тутди овчи.

Карлоснинг бахтига, нимасиниям айтасиз, соқчининг ўзининг ҳам бахтига, нияти муваффақиятли чиқди: овчи ҳеч бир мушкулликсиз дарвозадан ўтиб олди. Соқчи, бесўнақай ва ялқов йигит ҳозиргина бўлиб ўтган гапларни эшитиб турган эди, шу боисдан у ҳеч қандай шубҳага бормади. Тўғри, у ҳар қалай Карлосни тўхтатмоқчи бўлди, ammo овчи шоша-пиша, комендантга айтадиган гапи борлигини, у асотейга чиқишни буюрганини айтди. Соқчи бу жавобдан тўлиқ қаноатланмади ва истамайгина бўлса ҳамки, ҳарҳолда Карлосни ўтказиб юборди.

Карлос ўша заҳотиёқ зинапояга ташланди-ю, зипиллаганча тепага чиқа бошлади. У бамисоли мушукдай энгил ва шарпасиз кўтариларди тош зиналардан, шу тариқа асотейга чиқиб борганида зинапоядан атиги беш-олти қадамча нарироқда турган Вискаarra эндиликда бу ерда ёлғиз ўзи эмас эканини хаёлига ҳам келтирмади.

Ҳа, бу ўша, Вискарра, Карлоснинг синглисини нобуд қилган, номусини ўғрилаган зolim ситамкор, босқинчи, зўравон Вискарра эди. Мана у қасоскор акадан бир неча одимгина, милтиқ оғзидан олти футча нарида турибди-ю, илло жонига нима таҳдид қилаётганидан ҳали-ҳануз беҳабар. У бурилиб, бошқа томонга қараяпти, хавфни кўрмаяпти у.

Овчи бирровгина кўз ташлади унга, сўнг тепада ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқ учун девор ёқалаб кўз югуртди. У ҳар иккала минорада биттадан соқчи турганини биларди-ю, бироқ уларни кўрмаётганди: уларнинг марраси сиртқи девор тарафда бўлиб, ҳозир Карлос турган жойдан кўринмаётган эдилар. Томда шулардан бўлак тирик жон асари йўқ эди. Елғиз ғанимигина шу ерда, Карлоснинг нигоҳи яна унга келиб тўхтади.

Карлос Вискаррани орқасидан отиши мумкин эди, шундай қилишга шайланганди ҳам, аммо ўша ондаёқ фикридан қайтди. У мана шу одамни ўлдиргани келгану, лекин бу йўл билан эмас. Ҳаттоки эҳтиёткорлик ҳам бошқача йўл тутишни айтиб турибди унга. Пичоқнинг тили йўқ, гунг, иш битгач қасоскорга ими-жимида ғойиб бўлиш имконини беради қайтага.

Хаёлидан шу ўй кечар экан, Карлос милтиғи қўндоғини эҳтиёт билан ерга тушириб, оғзини кунгурадор деворга суяб қўйди. Шунда темир тошга тик этиб тегди. Бу тикиллаган товуш қанчалик оҳиста бўлмасин, комендант уни эшитиб, шартта ўгирилди-ю, номатлуб меҳмонни кўриб титраб кетди.

У ўзини аччиқланган қилиб кўрсатишга уринди, аммо орадан ўтган дақиқалар ичида овчининг юзи таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини, ундаги янги ифодани кўрди-ю, ғазаби қўрқувга ўрин бўшатиб берди ўша замоноқ.

— Рухсат сўрамай бу ерга келишга қандай журъат этдингиз, тақсирим?— дея гап бошлади у.— Қандай қилиб...

— Секинроқ, полковник! Секинроқ, овозингизни эшитиб қолишлари мумкин-а!

Бу сўзлар оҳистагина, қуруқ ҳамда қатъият-ла, буйруқ оҳангида айтилди-ю, улар қаратилган муртад қўрқоқнинг юраги қинидан чиқиб кетди. У қаршисида турган одамнинг афтида, бутун қиёфасида барқарор ҳамда бебок қатъияту дадиллик ифодасини кўрди, бу чеҳра

унга очик-ошкора: «Қулоқ солмай кўр-чи — унда ўлганинг!» — деб турарди.

Ушбу ифодани дастасини овчининг қўли маҳкам чангаллаб турган узун пичоқ тиғининг йилтираши тасдиқлаётган эди.

Қўрқувдан Вискарранинг ранги паға бўлиб оқариб кетди. Бу гапларнинг бари замирида нима ётганини билиб олганди эндиликда. Аскар юбориш ҳақдаги илтимос унга, Вискаррага рўпара бўлиш йўлидаги баҳонагина экан. Овчи изини топибди, ҳаммасига у айбдор эканини билиб олибди, мана энди талабини қондириш ёхуд синглизининг ўчини олиш учун келибди. Шунда тундаги тушининг ваҳимаси ўнгидаги даҳшатларга қўшилиб Вискарранинг вужудини эгаллади-олди.

У нима деярини билмай қолди, аслида гапришга мажоли ҳам йўқ эди шу топда. У бирор томондан ёрдам келиб қолар деган беҳуда умид билан жон ҳалпида атрофга алангларди. Аммо теварак-атрофда ҳеч зог йўқ, қаршисида — фақат кулранг девору унинг олдида даҳшатли ғанимининг ғазабкор афти. Ёрдамга чақирса бўларди, бироқ бу башара, таҳликали ҳолат... Вискарра агарда қичқирса, бу қичқириқ умридаги энг охиргиси бўлишини тушунди. Ахийри, нафаси бўғзига тиқилиб тилга кирди:

— Нима керак ўзи сизга?

— Синглим!

— Синглингиз?

— Ҳа!

— Карлос, мен билмайман... Бу ерда йўқ у... Мен...

— Ёлғон! У шу ерда, қалъада. Ана қаранг, ит уёқда, эшик тагида ҳуряпти. Нимага шундай қиялпти?

Шундай дея Карлос айни сонияда Бизон олдида чир айланиб ириллаб-ҳуриётган, бутун туриш-турмуши билан ичкарига киришга интилаётган қуйи қават эшигини кўрсатди. Бир аскар эса уни ҳайдашга ҳаракат қилаётган эди.

Вискарра ўша томонга қаради. У итни кўрди, аскарни ҳам кўрди-ю, лекин уни чақиришга ботинолмади. Қаршисида ўткир тиғ ярқираб турарди. Овчи яна қайтарди саволни:

— Ҳўш, нимага шундай қиялпти?

— Мен... мен, билмадим...

— Яна ёлгон сўзлаяпсиз! У ҳув ўша эшикдан кирган. Ҳозир қаерда у? Жавоб беринг! Тезроқ!

— Сизга айтяпман-ку, билмайман. Ишонинг...

— Ёлгончи аблаҳ! Шу ерда у! Мен изини топдим, қаерданки ўтган бўлманглар, барини кўриб билдим... Ҳийлаларингиз ёрдам бермади. Агар тагин бир марта ёлгон гапирсанг — мана шу пичоқ қоқ юрагингга санчилади бориб! У шу ерда! Қайси жойда у? Қайси? Жавоб бер!

— Йўқ-йўқ, ўлдирманг мени, ҳаммасини айтаман! У шу ерда... У... Онт ичаман, унга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ! Онт ичаман, мен...

— Хўп майли, муттаҳам! Буёққа кел... буёққа девор ёнига! Тезроқ қимирла!

Овчи патно — ички ҳовлининг бир қисми кўриниб турган жойни кўрсатди. Комендант дарҳол итоат этди, акс ҳолда ўлиши муқаррар эканини тушуниб турарди.

— Буюр, уни буёққа олиб келишсин. Уни ким қўриқлаётганини биларсан-ку! Узингни босиб, оғирроқ бўл, эшитяпсанми? Йигитларингга ишора қилишга урина кўрма! Оғзингдан бирон нима чиққудек ё биронта но-жўя ҳаракат қилгудек бўлсанг — ғарчча пичоқ санча-ман! Қани?!

— О тангрим, тангрим!.. Унда хароб бўламан... Ҳаммага дoston бўлади... Хароб бўлдим, хароб!.. Ёлбораман сизга, шафқат қилинг, бир оз сабр этиг! У қайтади уйингизга, онт ичаман! Шу бугун тундаёқ..

— Йўқ, ҳозироқ, муттаҳам! Қани бўл, қимирла! Унинг қаердалигини биладиган одамни чақир. Синглимни олиб чиқишсин! Тезроқ, тоқатимни тоқ қилмай, бўла қол! Яна бир дақиқадан кейин...

— Ё одил эгам! Улдирманг мени!.. Бир нафасгагина... шошилманг!.. А-ҳа!

Унинг охирги нидоси тамоман бўлакча янгради. Бу қувонч, таптана нидоси эди.

Комендант мудом Карлос чиқиб келган зинапоя томонга қараб, овчи эса уёққа тескари турган эди, шунинг учун ҳам у асотеяга тагин бир киши чиқиб келганини кўрмай қолди... Бир пайт кимнингдир бақувват қўли унинг таҳдид-ла баланд кўтарилган қўлини исканжадай қисди. У қўлини силтаб тортиб олиб, шартта орқасига гирилди — қаршисида шолдек бўлиб зобит турарди. У лейтенант Гарсияни таниди.

— Сизда ҳеч қанақа хусуматим йўқ!— деди овчи.— Қўйинг, аралашманг!

Лейтенант бунга жавоб бериб ўлтирмай, тўппончасини чиқарди-ю, нақ башарасидан отмоқчи бўлди. Карлос унга ташланди.

Варанглаб ўқ отилди, бир сонияга Гарсиани ҳам, овчини ҳам дуд қуршади. Шунда Вискаarra кимнингдир асотейга гурсиллаб қулаганини эшитди. Яна бир лаҳза ўтди — дуд орасидан иккинчиси, омон қолгани кўзга чалинди.

Бу бизон овчиси эди, унинг қўлидаги пичоқдан эса чакиллаб қон томчиларди.

У ҳозиргина комендант турган жойга ташланди, аммо у ердан ҳеч кимни топмади: Вискаarra аллақачон асотейдан иккинчи зинапояга қараб югуриб борарди.

Карлос бу ерда, асотейда етиб ололмаслигини дарҳол англади — Вискаarra зинапояга уриб кетишга улгуради. Орқасидан пастга қувиб тушиш эса — нодонлик: негаки ўқ овози барчани аллақачон саросимага солиб қўйган, албатта.

Карлос умидсизликка тушиб қолди, аммо бир лаҳзагагина. Ўша ондаёқ хаёлида ажойиб бир фикр йилт этди — милтиғи ёдига тушди. Чамаси, комендант ундан ҳали қочиб қутулолмаган экан!

У шартта милтиғини олди-ю, ҳали тарқаб улгурмаган дуд ҳалал бермаслиги учун четроққа сакраб, нишонга олди.

Вискаarra бу орада зинапояга етиб бориб, пастга туша бошлаган эди. Нимадир уни тўхтаб, орқасига ўгирилиб қарашга мажбур этганида фақат бошию кифти чиқиб турарди девор раҳидан. Номарднинг қўрқуви деярли тарқаб бўлганди — ёрдам етиб келаёзган эди-да, ахир — шу боисдан овчи билан Гарсиа ўртасидаги олишув нима билан тугаганини кўриш учун қизиқсиниб қараган эди орқасига. У бир онгагина тўхтамоқчи эди, бироқ у бошини буриб улгурар-улгурмас варанглаб ўқ узилди — мерганона отилган ўқ мўлжалга келиб тепди-ю, комендант зиналардан пастга думалаб кетди.

Овчи ўқ мўлжалга текканини, бунинг устига у иккинчи зобитнинг ҳам тил тортмай ётганини кўрди, пастдаги дарғазаб бақириқ-чақириқларни эшитди ва тезроқ, бирон сонияни ҳам ўтказмай қочиб қолмаса, ўзини

ўраб олиб, танасига юзлаб найзалар санчилажагини фаҳмлади.

Дастлаб хаёлига буёққа чиқиб келган зинапоядан тушсаммикин деган фикр келди. Иккинчиси ички ҳовлига олиб тушади, у ер эса аллақачон аскарлар билан тўлган бўлиши керак.

У лейтенантнинг жасади устидан сакраб ўтиб, зинапояга қараб отилди.

Зинапоядан қуролли одамлар чиқиб келаётган эди. Йўл кесиб қўйилибди.

У тағин мурда устидан ўтиб, асотей бўйлаб чошиб бориб, сиртқи деворнинг кунгурадор тўсиғи устига сакраб чиқди-да, пастга қаради.

Бундай баланддан сакраш қўрқинчли, аммо у яна нимадан умид қилиши мумкин? Бир неча улан аллақачон томга чошиб чиққан, найзаларини шайлаб унга қараб отилишган, бир хиллари қарабинларидан ўқ узишар, атрофидан ўқлар чувиллаб ўта бошлаганди. Ўйлаб ўлтиришга фурсат йўқ эди. Шунда Карлоснинг кўзи қорабайирга тушди; бебаҳо тулпор бўйнини мағрурона гажак қилган кўйи, жиловини «чайнаб-ғажиганча» турарди. «Худога шукр, ҳали тирик экан у!»

Вафодор дўстини кўрганда Карлоснинг кучига куч қўшилди. Пастга сакради — мана у ерда, девор таккинасида, соппа-соғ ҳамда бус-бутун.

Қаттиқ ва чўзиқ хуштак-ла отини чақирди, сакраб ўзини эгарга олди-ю, бирон дақиқа ўтмаёқ, қарабсизки, водийда от елдириб кетяпти-да.

Орқасидан чувиллаб ўқлар учарди, уланлар таъқиб этишга ошиқардилар. Бироқ, улар отларига миниб, дарвозадан чиққунларича Карлос чакалакзор чеккасига етиб келиб, кўздан ғойиб бўлди; буталарнинг қуюқ барглари уни ўз бағрига олгач, яна туташиб, девор ҳосил қилди.

Робладо билан Хомес бошчилигидаги уланлар бўлуги Карлоснинг кетидан от солиб келарди. Бироқ, чакалакзорга яқинлаб қолганларида, уларни бағоят ҳайратга солиб, буталар узра йигирма чоғли бош пайдо бўлди-ю, қаршиларида ваҳшиёна жанговар қичқириқлар янгради.

— Ҳиндулар! Ёввойилар! — бўкириб юборишди уланлар, ваҳимада талвасага тушиб орқага бурилган отлари жиловини тортиб.

Тўхтаб, мадад етиб келишини кутишга буйруқ берил-

ди. Бутун гарнизон оёққа турғазилди, чакалакзор қуршаб олинди ва ниҳоят ичкари киришга қарор берилди. Лекин, отларининг изи чакалакзорнинг ҳар томонига таралиб кетгани яққол кўзга ташланиб турганига қарамай, ҳиндуларни топа олмадилар.

XXXV БОБ

Гарсия ўлган эди. Гарчи кўтариб олиб кирганларида худди озроққина умри қолгандек кўринган бўлса-да, Вискаarra ўлмади; туриш-турмиши унинг ўлимдан қанчалик кўрқишини айтиб турарди. Афти қора қонга беланган, чакагида ўқнинг қонли изи қолган эди. Аммо у тирик эди, ҳадеб вой-войлаб, нималардир деб ғудранарди. Аниқ, тушунарли қилиб гапиролмасди — чакагини жароҳатлаган ўқ бир нечта тишини кўпориб чиққан эди.

У юзидан яраланган эди, холос. Жонига зиғирчалик хавф таҳдид қилмаётганди. Лекин ёш ва унчалик тажрибаси йўқ шаҳар врачлари ўз беморини дарров тинчлантира олмади; Вискаarra бир неча соатни муттасил ўз қисмати нима бўлишидан мутлақо беҳабар бир ҳолатда ўтказди. Ҳарбий врач воқеадан илгарироқ оламдан ўтган ва унинг ўрнига гарнизонга ҳали бошқа ҳакимни юборишганича йўқ эди.

Уша куни қалъада, турган гапки шаҳарда ҳам, бекиёс ҳаяжону безовталиқ ҳукм сурди. Бутун Сан-Ильдефонсо ақлли шошириб қўядиган ҳайратангиз миш-мишлардан ларзага келди; бамисоли даштга тушган ёнғиндай бутун водий бўйлаб ёйилди бу миш-мишлар.

Содир бўлган воқеа тўғрисида ҳар хил гаплар тарқади. Бир хиллар, шаҳарни Карлос, бизон овчиси бошлаб келган ёввойилар бутунлай қуршаб олишибди, дейишарди; ёввойиларнинг сон-саногии йўқ кўринади, негаки улар қалъага очиқчасига ҳужум қилишибди, лекин кескин олишувдан кейин — ҳар иккала томондан талайгина одам ҳалок бўлибди; бу орада — ҳар қалай жасур аскарлар ҳужумни қайтаришибди; зобитларнинг ҳаммасини ўлдиришибди, бугун кечаси яна ҳужум қилишса керак — энди тўғридан-тўғри шаҳарни босишади-ёв, дейишарди бошқалари.

Аммо бошқача овоза ҳам тарқалганди: гўёки тинч яшаётган ҳиндулар бош кўтарган эмишлар-у, Карлос

ёввойи жангчиларни эмас, ана ўшаларни бошлаб келганмиш. Қалъага муваффақиятсиз ҳамла қилган ўшалар эмиш, жасур аскарлар уларнинг ҳамласини даф этганмиш, бу муҳорабада ҳар иккала томон катта талафот кўрган, шу қаторда комендант билан унинг зобитлари ҳам ҳалок бўлишган эмиш; буларнинг бари Сан-Ильдефонсодаги жамики тагнослар қатнашаётган зўр исённинг дастлабки уч кунигина эмиш ва, ҳеч шак-шубҳасиз, бугун кечаси улар яна ҳужум қилишармиш!

Ушбу овозалар хусусида бош қотириб, мулоҳазага берилганлар ҳеч тушунолмасдилар. Нега энди бу жангари ҳиндулар деярли ҳимоясиз шаҳар ёки бой-бадавлат асиендолар қолиб, қалъага ҳужум қилганлар? Кейин, нега энди овчи Карлос ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ уларга бошлиқ бўлиб қолибди? Нимага энди айнан у — бошига ёввойилар шунча кулфат солган одам — бошчилик қилади? Сан-Ильдефонсода Карлоснинг синглисини ўшалар ўғирлаб кетганини ким билмайди дейсиз, ахир! Шундоқ бўла туриб ҳиндулар босқинига йўлбошчилик қилармиди — йўқ, бу сира ақлга тўғри келмайдиган гап-ку!

Хўш, фитна, қўзғолон-чи? Ахир тинч ҳиндулар ҳамма ерда далада хотиржам ишлаяптилар, бошқа вазифадагилари ҳам ўзларининг одатдаги хизматлари билан банд. Мабодо кондан келаётган хабарларга қараладиган бўлса, уёқда ҳам исён ёхуд фитнадан дарак берадиган ҳеч қандай аломат сезилмайди. Водийга таралган бу икки овозадан бири — овчи раҳнамолигидаги тагнослар ғалаёни ҳақидаги овоза хийла тўғрироққа ўхшаб кетарди. Тагносларнинг ўз қисматларидан мутлақо мамнун эмасликлари ҳаммага аён эди. Аммо ҳозир бундай ғалаёндан дарак берадиган ҳеч қандай белги-аломат йўқ эди-ку. Тагносларнинг оарчаси ўзларининг кундалик юмушлари билан машғул. У чоғда исён кўтарганлар кимлар бўлдикин? Шундай қилиб миш-мишу овозалар буткул ақлга тўғри келмайдигандек кўринарди.

Кўп ўтмай шаҳар аҳлининг ярмидан кўпроғи қалъа олдида тўпланиб қолди; оғиздан-оғизга кўчган турлитуман тахмину тусмол гаплардан сўнг, ниҳоят ҳақиқатда рўй берган воқеа аён бўлди.

Аммо-лекин содир бўлган ҳақиқий воқеаларнинг ўзи ҳам овозалардан кам жумбоқ эмасди. Овчининг гарнизон зобитларига ҳамла қилишига сабаб бўладиган қан-

дай важлари бор экан? Ёнидаги ҳамроҳлари қайси ҳиндулар бўлдикин? Жангариларими ёки тинч ҳиндуларми? Ёввойиларми ёки ғалаёнчиларми?

Баридан қизиқ жойи шундаки, фараз қилинган «жангда» иштирок этган аскарларнинг ўзлари ҳам мазкур саволларга жавоб бера олмасдилар. Бировлари ундоқ деса, бошқалари бундоқ дейишарди.

Улардан кўпчилиги Карлоснинг зобитлар билан гаплашганини эшитган эди, бироқ ўз-ўзидан мутлақо табиийки, шундан кейин рўй берган ҳодисалар ила қўшиб олинганида ушбу суҳбат шундоқ ҳам жумбоқ бўлиб турган мубҳам ишни узил-кесил чалкаштириб юборди. Аскарлар ҳеч нимани тузук-қуруқ тушунтириб беролмадилар, шаҳарликлар уй-уйларига тарқалишар экан, мазкур сирли ҳангомалар хусусидаги баҳсни давом эттириб, таллашиб-тортишиб боришарди. Ниҳоятда турли тусдаги тахмину гумонларни ўртага ташлашар эди. Баъзилар овчи бу ерга ҳиндуларга қарши астойдил ёрдам сўраб келган-у, ёнида эса у таъқибда ёрдам беринглар деб илтимос қилган бир неча тагнос ҳам бўлган, деб ўйлашар эди. Комендант олдиниға унга ёрдам ваъда қилган-у, кейин сўзидан қайтган, ана шу овчининг бундай тушунарсиз, ғалати қилмишиға сабаб бўлган, дейишарди.

Тарафдорлари кўпроқ бошқа бир тахмин — овчи капитан Робладони йўқотишни дилиға тугиб қўйган, деган тахмин ҳам бор эди. Ҳаммасиға рашк сабабчи. Ахир байрам куни охирлаб қолганида Карлос ўзини қандай тутганини ҳамма билади-ку, ўшанда озмунча майна қилиб кулишганмиди. Хўш дегандан, Роблагоға рўпара келишға муваффақ бўлолмаганидан кейин комендант билан талашган... ва ҳоказо.

Гарчи унчалик ҳақиқатға ўхшамаса-да, ушбу тахминни кўпчилик илиб кетди, зеро овчининг хатти-ҳаракатиға аслида нима сабаб бўлгани ойдинлашмаган эди-да, ахир. Қалъа ичкарасидагилар фақат тўрт кишию ташқаридагилардан уч кишигина билишарди бунинг асли сабабини. Қолганларнинг бари етти ухлаганда тушиға ҳам кирмасди бу.

Ҳаммаларининг фикрлари бир нарсада бир жойдан чиққан — бир оғиздан Карлосни айблашаётган эди. Унга сиртмоқ ҳам камлик қилади, қўлга туширганларида қилмишиға яраша жазосини олади. Унинг ўтакетган даражада нонкўрлиги барчанинг ғазабини қўзғайтган эди.

Бир кунгина бурун худди шу зобитлар довиюрак аскарлари билан ҳиндуларни таъқиб этиб, унга озмунча яхшилик қилишмаган эди-я! Эсини еб қўйганга ўхшайди у. Кампир онаси афсун ўқиб, авраб қўйган бўлса керак-да, уни.

Лейтенант Гарсиядай одамни ўлдирибди-я! Ҳамма-нинг арзандасини денг! Э, минг лаънат-э!

Бу ҳақ гап эди: лейтенантни бутун водий аҳли яхши кўрарди, унинг қилган яхшилигию саховати учун эмас, шунчаки, катта зобитларга сира ўхшамагани учун, холос. У хушмуомала, ҳеч кимга зиёни тегмайдиган йигит бўлиб, ҳамма ҳурмат қиларди уни.

Уша оқшом бутун Сан-Ильдефонсода овчининг бирорта дўсти қолмаганди. Дарвоқе, ундай эмас. Биргина дўсти бор эди унинг. Биргина юрак — Каталинанинг юраги худди илгаригидек муҳаббат туйғуси ила лиммолим эди, аммо у ҳам йигитнинг ўзини нега бундай ғалати тутганини тушуна олмаётганди.

Илло бунинг сабаби қандоқ бўлмасин, у бир нарсани биледи: Карлос ноҳақ иш тутиши мумкин эмас. Карлоснинг бошига ёғилаётган бўҳтону тухмат тошларини, кулгию масхаралашларни бир пақирга олмайди у! Башарти суюклиси одам ўлдирганида ҳам унинг нима иши бор бу билан! Жиддий асоси бўлмаса ҳам ҳеч қачон бундай қилмасди у. Эҳтимол иззат-нафсига тегадиган қилиб ҳақоратлашгандир уни. Каталина бунга амин эди. Карлоснинг раҳмдилу сахий қалб эканини билган қиз ўзгача ўйлай ҳам олмасди. У — қиз қалбининг соҳиб ва ҳукмдори — ёмон, ножўя иш қилмайди асло.

Содир бўлган воқеалар хабари етиб келганида Каталинанинг юраги тилка-пора бўлаёзди. Бу хабар узоқ муддатли, эҳтимолки, абадий фироқ демак эди! Эндиликда Карлос шаҳарда, умуман Сан-Ильдефонсода кўринишга ботинолмайди. Уни худди бўри ёки қутурган бизон сингари бепоеъ даштликларга қувадилар, балки қўлга тушириб, ўлдиришар!.. Қанчалик аччиғу аламли эди қиз хаёлидан кечаётган бу ўйлар. Энди қачон дийдор кўришади у билан? Эҳтимол, ҳеч қачон!

XXXVI БОБ

Бу орада Вискаarra кўрпа-тўшакда, оғриқ азобидан кўра кўпроқ ўз ҳаётидан қўрқиб ваҳимасида «войвойлато» қилиб ётарди.

Агарда шу томони бўлмаганида у ғазаб отига қамчи босиши тайин эдику-я, аммо ўлим ваҳимаси қолган жамики ҳис-туйғуларни ситиб чиқарганди вужудидан.

Айтмоқчи, башарти ўзининг соғайиб кетишига ишончи комил бўлган чоғида, ҳам, бари бир орому таскин топмаслиги аниқ эди. Унинг тасаввуру хотиротига даҳшатли туш ва ундан кейин бўлиб ўтган воқеалар путур етказганди. Атрофини аскарлар қуршаб, қўриқлаб турганига қарамай, у бари бир бизон овчисидан қўрқаётган эди: назарида, Карлос нимаики истаса, барини уддасидан чиқадиғанга, кейин эса ҳеч нарса кўрмагандек бежазо қутулиб кета оладиганга ўхшарди. Ҳатто эшигида соқчи қўриқчилик қилиб турган ўз хонасида ҳам Вискарра ўзини бежавотир ҳис этмаётганди — қасоскорнинг дасти шу ергаям ета оладигандек туюларди.

Ҳозирда у қиздан — жамики кўргиликлари айбдоридан қутулишни ҳар қачонгидан кўпроқ истарди, бироқ бу иш бағоят қалтису нозик ва уни амалга ошириш эндиликда ҳар қачонгидан мушкулроқ эканини фаҳмлаб турарди. Карлоснинг нима сабабдан бунчалар телбаёна тарзда унинг жонига қасд қилганини муқаррар билиб олади одамлар, бу ҳақдаги овозалар олий мартабали бошлиқларгача етиб боради, ана унда тергов-текширув олиб боришни буюришади, бу эса, агарда ўзини шубҳагумонлардан муҳофаза қилолмай қолса, албатта нобуд этади.

Тузалиб кетишга умид боғлаган Вискарра ана шу тариқа ўйларди; бунга шубҳалана бошлаганида эса фикр ўйлари ғамгинона тус олиб, дарди-дунёси қоронғи бўлиб кетарди.

У Робладонинг қайтишини тоқатсизлик ила кутаётган эди, зеро капитан ҳаммасини босди-босди қилишининг қандайдир имкону йўриғи борлигини шама қилганди унга. Жангари капитан ҳали-ҳануз чакалакзорни титпит қилиб излаб юрибди. Лекин, мана Хомес кўринди, у капитаннинг излашни тўхтатишга қарор бериб, қалъага қайтаётганини хабар қилди.

Роблагога эса бу кунги ҳангомалар, аксинча, ёқаётган эди; уни четдан кузатган ҳар қандай кимса бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин эди. Уни дарҳақиқат ранжитган нарса комендантнинг жароҳати эди: бу ўлим

келтирадиган оғир жароҳат эмасди-да, ахир! Робладо врачдан тажрибалироқ бўлиб, бунни жуда яхши биларди. Вискарра икковлари дўстдан кўра кўпроқ шерик эди — уларни жиноятли ишларда ҳамкорлик бошларини қовуштириб турарди, икковидан истаган бирови ўзи учун фойдали деб топган дамда ушбу дўстлик риштасини сира афсусланмай чўрт узиб юбориши тайин эди. Ушбу дўстлик Робладонинг, ўқ «дўстимга» ё сал юқорироққа, ё сал пастроққа — боши ёки бўйнига — тегмабди-да, деб чин қалбдан афсус чекишига ҳалал бермади. Комендант-да хусумати борлиги ва уни кўролмаганидан эмас, шунчаки, мабодо ҳозир айтганимиздек бўлганида, бундан фойдаланиб қолиши мумкин эканидан афсус-надомат чекаётган эди, холос. Робладо хизмат поғонасидан юқорироққа кўтарилишни кўпдан орзу қилиб юрарди. У камтарину камсуқумлардан эмасди ва бир кун келиб қалъа комендантга бўлишдан умидвор эди, дилидаги бу орзусини ардоқлаб юрарди. Вискарра ўлди дегунича капитан дарҳол унинг лавозимини эгаллайди. Аммо ҳозир Вискарранинг ажали етмаган экан, ана шу ўй Робладонинг қувончига пича сув пуркаб қўйди.

Ҳа, у хурсанд эди. Негаки, у билан Гарсия бир-бирларига душман эдилар. Улар аллазамонлардан бери бир-бирларини кўрарга кўзларини отарга ўқлари йўқ эди. бир-бирларига ҳасад қилардилар, ана шу боисдан ҳам Робладо лейтенантнинг ҳалокатидан заррача ўқинмади. Лекин бугунги ҳангома яна бир жиҳатдан унинг қувончига сабаб бўлганди, сабаб бўлганда ҳам ниҳоятда жиддий, Робладонинг истак-орзуларига ҳаммадан кўпроқ жавоб берадиган омил бўлди.

Гарчи бизон овчисининг Каталанининг кўнглини овлашга уринишлари, жўнгина қилиб айтганда, куракда турмайдиган гапдай туюлса-да, сўнги пайтларда Робладо кўрган-билган жамики нарса дилида рашк қўзғотган эди. Бу ҳам камлик қилгандек, ғоятда хавотирга тушиб қолганди у. Жуда ғалати қиз-да бу Каталина де Крусес, у неча марталаб беназир қатъият, метин иродасини намоён этган — бунақанги қизни на мисоли бир той молдай сотиб ололасану на сотиб юбора оласан. Охирги пайтларда уларга — отаси билан Робладога — бошлаб сабоқ берди-да. У жажжигина оёқчаси билан ер депсиб, агарда ўз ҳолига қўймай, зўрлайдиган бўлишса, ё монастиргга кетаман, ё гўрга кирман, деб қўрқитди

уларни. У Робладога тегмайман деб тўғридан-тўғри рад этмади-ю, бироқ, токи ўзи бир қарорга келгунича ўйлаб кўриб, кейин жавоб бергунича муддат беришларини талаб этиб туриб олди ва дон Амбросио кўнишга мажбур бўлди.

Капитаннинг кўнглига гулгула тушиб, бесаранжом бўлиб қолганининг ажабланарли жойи йўқ. Гарчанд қизни ўзича севса ҳам, уни рашк қилибгина қолмай, шунингдек, бундай рақиб борлигини ўйлашнинг ўзиёқ капитаннинг нафсониятига тегиб кетарди-ю, аммо Каталинанинг бир сўзлигидан хавотирсираб, қайлигининг ажойиб сепини қўлдан чиқариб юборишдан қўрқар эди. Бунақанги аёлнинг қўлидан ҳар қандай телбалик келади. У ростдан ҳам монастирға кетиши, йўқса анави нотавон бизон овчиси билан Текисликка — даштларға жўнаб қолиши мумкин. Тўғри, ҳар иккала ҳолда ҳам у бойлигини олиб кетолмайди, лекин буёғи барибир эмасми? У чоғда давлати унга, Робладога тегмайди-ку, ахир.

Хўш деганингиздан, мана энди бизон овчисидан қўрқишнинг ҳожати йўқ: содир бўлган воқеадан сўнг у капитанга ортиқ рақиблик қилолмайди. Ҳаёти қил устида турибди. У Каталина билан учраша олмайдигина эмас, ҳатто кенту қишлоқларда кўринишга журъат этолмайди. Уни муттасил кузатишади. Шунда Робладо ўз рақибини қандай таъқиб этиши, уни тутиб, қандай жазосини беришини ўйлар экан, ич-ичидан қувонарди.

Тошбағир капитаннинг хаёлидан шундай фикр-ўйлар-кечарди — бугунги воқеалар уни мана нима учун қувонтириб, мамнун этаётган эди.

Чакалакзорни тит-пит қилиб, фараз қилинган ҳиндулар изидан нақ ясситоғликкача боргач, қочоқни олисроқларгача таъқиб этиш тадоригини кўриш учун ўз уланлари билан қалъага қайтди.

XXXVII БОБ

Робладо қайтгач, ожизона кеку адоват ҳамда ваҳима ич-этини кемираётган Вискаarra пича тинчланди.

Шубҳасиз, суҳбат охирги воқеалар хусусида борди — Робладо таъқиб ҳақида сўзлаб берди.

— Ростданам ўша овчининг ёнида ёввойилар бўлуги бор деб ўйлайсизми?— деб сўради комендант.

— Йўқ,— дея жавоб қилди Робладо.— Олдинига шундай деб ўйладим, тўғрироғи — аскарлар шундай деб ўйлашибди, оқибатда уларнинг ахборотлари чалғитибди. Энди бўлса булар ҳинду жангчилари эмас, балки унинг тагнос ошналари эканига аминман. Хоакин тақсирлари ҳақ бўлиб чиқяптилар — бизон овчисининг таниш-билишлари, ошна-оғайнигарчиликлари шубҳали. Уни аллақачонлароқ қўлга олишимиз мумкин эди, шунинг ўзи баҳона бўларди бунга. Хўш деганингиздан, мана энди бўлса бизга баҳона-сабабни керагиям йўқ. У бизники, фақат қўлга туширсак бўлгани.

— Хўш, қандай ҳаракат қилмоқчисиз?

— Тўғри, у осонликча тутқич бермайди бизга, албатта. Уни қўлга туширгунча тузуккина тер тўкишга тўғри келади. Мен одамларни иложи борица узоқроқ сафарга шайлаш учунгина қайтдим. Ярамаслар водийдан юқориги йўл билан чиқиб кетишибди, тоққа жўнаган бўлишса керак. Хомес ҳам шу фикрда. Биз излардан бориб, уларга етиб олишга ҳаракат қиламиз. Дарҳол яқин-атрофдаги барча кенту қишлоқларга хабар қилиш керак, агар Қарлос пайдо бўлса, уни қўлга олсинлар. Лекин унинг бундай қилиши даргумон-ов.

— Нега бундай деб ўйлайсиз?

— Нега? Э, маълум бўлишича, қари жодугар тирик қолган экан-ку, ахир! Бунинг устига у синглисини топшидан умидвор шундоқ бўлгач, Сан-Ильдефонсо атрофларида изғиб-ўралашиши турган гап-да.

— А-ҳа! Сиз ҳақсиз, худди шундай бўлади. У мени ўлақолса тинч қўймайди, токи синглиси...

— Янаям яхши-да. Тезроқ қўлга туширишимизда ёрдам беради бу. Аммо-лекин, қадрдоним полковник, кўпдаям осон бўлмайди бу, ишонаверинг гапимга. У бўридан ҳам эҳтиёткорроқ, анави жин ургур отига эса бутун бошли гарнизонимиз қувиб ета олмайди. Йигитчани алдаб тузоққа илинтириш керак, йўқса уни тутиб бўлмайди.

— Хўш, ўша тузоқни ўйлаб қўйдингизми?

— Унча-мунча нарсани ўйлаб қўйибман.

— Хўш-хўш, нима экан у?

— Биласизми, бир учини чиқардим сизга — Қарлоснинг шу яқин-атрофда изғиб-ўралашиб юришига сабаб

борлигини айтдим. Жодугар кампирни кўргани бир-икки марта келади, балки, лекин бундан ортиқмас. Иккинчи тузоқ ишончлироқ.

— Сиз қизни назарда тутяпсизми?— деди Вискарра Росита қамаб қўйилган хонани кўрсатиб.

— Ҳа. Айтишларича, у синглисини жонидан ортиқ кўрар экан. Хўш деганингиздан, борди-ю, қиз акаси яқинлаша оладиган жойда бўлса, кафолат бераман сизга, у албатта келарди. Биз эса ўша ерга пистирма қўйган бўлардик.

— Қайси ерга? Қаерда?— деб сўради Вискарра бафуржа.

— Ўзларининг ранчоларига яқин бирор жойда. Уёқда биронта қўналға топишар унга. Башарти ўзлари уни вақтинчаликка жўнатишга розилик берсалар, кейин яна осонгина қайтарадилар — ўша Карлоснинг суробини тўғрилаганимиздан сўнг ҳеч ким ҳалал беролмайди сизга.

— Розилик берсангиз дейсизми? Ёлғиз истагим-ку бу! Токи у шу ерда экан, тинчлик бўлмайди менга. Борди-ю, олди-қочди миш-миш тарқалган бўлса, икковимиз ҳам маломатга қолдик деяверинг. Агарда бу овозалар баъзи ерга етса борми, ҳолимизга вой бўлади. Ёки нотўғрими?

— Ҳа, бу борада сиз қисман ҳақсиз. Гарсиянинг ўлганини хабар қилмасликнинг иложи йўқ, бундан хабардор бўлганларидан кейин эса сабабини суриштириб-аниқлашга тушиб қолишади. Биз ҳам ўзимизча ривоят тўқиб қўйишимиз керак ва у иложи борица ҳақиқатнамо бўлиши керак. Бизга шубҳа-гумоннинг ҳатто сояси ҳам тушмаслиги зарур, ҳар қандай миш-мишу овоза сабабини пай-пайдан қирқиб, қизни ҳозироқ олиб бориб қўйган маъқулмиди.

— Қандай қилиб элтиб қўйилади ахир? Мени ана шу нарса безовта қияпти. Агарда уни уйига жўнатадиган бўлсак, бу бешбаттар шубҳа туғдиради. Қандай тушунтирилади бунини? Ахир ҳиндулар қайтариб ташлаб кетмайдилар-ку, икки дунёда! Ҳозир ўзингиз қандайдир режангиз борлигини айтдингиз чоғи?

— Уйлайманки, режа бор. Лекин олдин менга тушунтириб беринг-чи, қизни телба деганингизда нимани назарда тутган эдингиз?

— У эсини йўқотиб қўйган. У ҳозир ҳам телба, Менга Хосе айтди: қаёқдаги нарсаларни валдираб, сира гаи-

га тушунмаётганмиш. Мени қаттиқ ваҳима босяпти, Робладо!

— Сира гапга тушунмаётган эмишми? Имонингиз комилми бунга?

— Имоним комил.

— Унда яна яхши. Демак, ҳозир қаердалигию қаерда бўлганини эслаб қололмайди. Ана энди ундан қандай қутулиш йўлини биламан. Бундан осони йўқ. У уйига қайтиб борганида, агарда гапиришга қурби етса, ҳиндулар асирлигида бўлдим, дейди. Хўш, қалай, қанотлантирадим бу сизни?

— Бўлмасам-чи! Лекин қандай ташкил қилинади бу?

— Жуда осонгина-да, қадрдоним комендант. Мана қулоқ солинг.

Хомес билан Хосе ўтган сафаргидек ҳиндуларга ўхшаб кийиниб, бежаниб олишади-ю, шу бугун тундаёқ ёки эрта тонгда қизни бу ердан олиб чиқиб кетишади, қаёққа — буни мен ўзим тайинлайман уларга. Тоғнинг бирон ерига. Узоққами ёки яқинроққами — аҳамияти йўқ буни. Эрта билан уларни топишади, қиз эса худди асирадай қўл-оёғи боғлоғлиқ бўлади. Мабодо ўша пайтга бориб, эси ўзига келиб қолса, ўшаларнинг асираси эканман-да, деб ўйлайди ўзиям, унда янаям соз бўлади. Хўш, деганингиздан, камина аскарлар билан Карлосни излаб юриб, тасодифан бу ҳиндуларга рўпара бўлиб қолади-лар. Бехавотирроқ ердан, ҳеч кимга тегмайдиган қилиб, уларга қарата, бир-иккита ўқ узса ҳам бўлади. Шунда улар асирани ташлаб, жуфтакни росталашади-ю, биз қизни қутқариб, шаҳарга қайтариб олиб келамиз, ана ундан кейин халос бўламиз, қиздан. Ҳа-ҳа-ҳа! Қалай, ўйлаб топган режам ўзларига ёқдими, полковник?

— Қойил!— дея жавоб қилди Вискаarra. Ушбу режа амалга ошажағига олдиндан ишониб, кўнгли жойига тушди.

— Э, бу режа шайтони лаъиннинг ўзиниям бошини говлатиб, гангитиб қўяди. Шунда биз ўзимизни нафақат шубҳадан халос этамиз, аксинча, шуҳратимизга шуҳрат қўшамиз. Бўлмасам-чи! Ёввойиларга қарши муваффақиятли ҳаракат-ку бу! Яна асирани озод этган бўламиз-а! Уни яқинларига қайтарамиз! Тағин кимни денг? Сизнинг жонингизга қасд қилган айнан ўша одамнинг синглисини-я! Ишонинг, комендант, ҳатто овчининг ўзиям (агар бу сизни хурсанд қила олса), бошлаб лақилла-

тилади. Агарда қиз икки сўзни бир-бирига жуфтлай олса, шу пайтгача ҳиндулар асирлигида эдим, деб онт нчади. Ҳатто ўз акасига ҳам ана шу бемаъни сафсатани айтади.

— Қойилмақом режа! Барини шу бугун тундаёқ бажариш керак.

— Албатта-да! Аскарлар казармаларга тарқалишлари биланоқ Хомес қизни олиб йўлга тушаверса бўлади. Мен бугун Карлосни ахтаргани чиқмайман — виждонан айтганда, бундан бирон маъни чиқишига кўзим етмаяпти. Уни қўлга олишимизнинг биргина имконияти бор: тузоқ қўйиш, қиз эса бунда «хўрак» хизматини ўтайди. Кейинроқ барини жой-жойига қўямиз, сиз эса ортиқ хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Эртага чошгоҳда ҳузурингизга: ҳикариллар ёки ютлар билан бўлиб ўтган мардона олишувда фалонча ҳинду ўлдирилди, бир асира озод этилди, аскарлар қаҳрамонона жанг қилдилар, писмадончи капралнинг унвонини оширишни тавсия қиламан, ҳоказо ва ҳоказо қабилидаги ахборот билан кираман.— Шундай деб капитан қаҳқаҳлаб кулди.

Вискарра унга жўр бўлди; башарти Робладо жароҳати хавфсиз экани ва бир-икки ҳафта ичида бутунлай битиб кетажигига ишонтириб улгурмаганида, чамаси у кулмаган бўларди.

Робладо ўз ишонтирувчи сўзларини докторни нодон деб атаб, бошқача сўкишу ҳақоратларни қаторлаштириш билан тасдиқлаган эди. Мана шунинг учун ҳам муқаррар ўлим ваҳимаси ҳамда ич-этини тирнаётган бўлак ўй-фикрлардан халос бўлиб олган Вискарранинг кўнгли жойига тушиб, сўнгги кеча-кундузда маҳрум бўлган руҳий осойишталиги яна қайтган эди. Эндиликда унинг вужудини бўлак майлу истак — Карлосдан ўч олиш истаси қамраган эди.

* * *

Шомга бориб, кечки карнай янграши ва аскарлар казармаларга киришлари биланоқ чоққина тўда қалъадарвозасидан чиқиб, тоққа олиб борадиган йўлдан кетаверди. Отлиқлар бор-йўғи уч киши эди. Улардан бири, бошдан-оёқ ўралиб олган ва хачирда бораётгани аёл киши эканини англаш қийин эмасди. Қолган иккитаси ғалати кийинган, антиқа қилиб бўёқ суртиб, пару патлар

тақиб бежаниб олган, ҳинду жангчиларга ўхшаб кетарди. Бироқ, булар ҳиндулар эмас, ҳиндуча ясениб-тусанган испан аскарлари эди. Бу бизон овчисининг синглисини қалъадан олиб чиқиб кетаётган сержант Хомес билан Хосе эди.

XXXVIII БОБ

Карлос чакалакзорга аллақачон яқинлаб қолганди, унинг таъқибчилари эса қалъа девори ёнидан эндигина қўзғалган эдилар. Турган гапки, уни фақат отда қувишларигина мумкин эди, отга эгар уриб, қуроолларни олишларига бўлса вақт керак эди. Шунинг учун Карлос қувиб етишади деб чўчимаё қўйганди, кейин, изни ҳам чалғитиб ўтирмади. У ўзининг тулпорга ишонар, таъқибчиларнинг шундоққина тумшуққинаси остидан тутқич бермай елдириб кетишини ва чакалакзорда биқиниб яшириниб юришнинг ҳожати йўқ эканини биларди.

Карлос кутиб турган дўстлари ёнига ўтиб борар экан, эндиликда ўз хавфсизлигини ўйламаё қўйган ва фақат дон Хуан билан унинг ҳамроҳлари ташвишини чека бошлаган эди. У баногоҳ дўстлари қанчалик мушкул вазиятда қолганларини тушунди. Қандай қутулиб кетишади улар?

Очиқ майдоннинг ярмини босиб ўтишга улгурмасиданоқ дўстларидан хавотирланиш туйғуси ҳар қандай ўз жонидан қўрқиш ҳиссини дилидан сиқиб чиқарди-ю, буёғига нима қилиш лозимлигини кўз олдига келтира бошлади. У чакалакзордан ичкарилаб кетмайди, балки тўғри Қиз ўлган қояга олиб борадиган сўқмоққа буради отини. Уланлар ҳам ўша йўлдан от солишади, бу орада эса дон Хуан билан тагнослар яшириниб улгурадилар.

Карлос мабодо дон Хуаннинг оқилона иш тутишига ишонганида ушбу мўлжалдан фойдаланган бўларди, аммо у бундай қилишдан хавотирсирар эди. Дон Хуан қизиққон, кейин кўпдаям мулоҳазали, узоқни кўрадиган йигит эмас. Карлосни қувиб келаётганларига кўзи тушгани ондаёқ, қандай келишиб олган бўлмасинлар, у одамлар билан бирга чакалакзордан чиқиб келишни ўз бурчи деб билади, шубҳасиз, Карлос эса худди ана шуни истамасди. Ана шу боисдан ҳам у отини тўғри ўша

ёққа, дон Хуан ўз ҳамроҳлари билан, пистирмада кутаётган ерга қараб учириб бораверди.

— Художу шукр, соғ-саломат қайтибсан!— деди дон Хуан ҳаяжонда.— Лекин улар кетингдан қувиб келишяпти-ку. Хув ана улар, неча киши ўзи улар?

— Шундай,— жавоб қайтарди Карлос, орқага кўз ташлаб.— Аммо анча орқада қолиб кетишди.

— Энди нима қилдик?— деб сўради дон Хуан.— Буталар оралаб тарқалишамизми ёки ҳаммамиз бирга бўламизми? Негаки улар ҳадемай етиб келишади бу ерга.

Карлос ўйга толиб, дарҳол жавоб қила қолмади. Уларнинг қутулиб кетишлари учун учта маълум даражада ишончли имкон бор эди: биринчиси — дон Хуан таклиф этганидек, буталар оралаб тарқалиб кетиш; иккинчиси — бирга бўлиб, ҳаялламай буюёққа келган йўлларидан (лекин таъқибчилар кўзига чалинмай) ортга чекиниш; ва ниҳоят — яширинмай, улар қаршисига чиқиш, ана шундан сўнггина ўша йўлдан жўнаб қолиш. Ҳозир юзага келган вазиятда жангга киришиш тентаклик ва бефойда иш бўлурди.

Овчи узоқ ўйлашга ўрганмаган эди, у мазкур режанимкониятларни шашту шитоб-ла тарозуга солиб кўрди. Биринчисидан ўша ондаёқ воз кечди. Чакалакзорга таралиб кетиш — ўзини-ўзи ҳалокат чангалига тутиб бериш демак эди. Урмон унчалик катта эмас, энига нари борса икки милча келар, бўйига эса икки баравар узунроқ эди. Уланлар сони жиҳатидан ўрмонни бемалол ўраб олишлари мумкин ва дарҳол шундай қилажаклари тайин, албатта. Чакалакзорни энию бўйига тит-пит қилиб кезиб, одамларнинг ярмини қўлга туширишади-да, қалъада содир бўлган воқеада алоқалари бор деб топишади ва шафқатсизларча жазолашади ёки йўқ, айбларини исботловчи ҳеч қандай далил-исбот йўқлигига ҳам қарамай, жой-жойларида отиб ташлашади.

Карлос иккинчи имкониятдан фойдаланган — таъқибчилар кўзига чалинмай чакалакзорлар оралаб жўнаб қолишга уриниб кўрган бўларди-ю, лекин у қош қорайгунга қадар етиб олишади деган хавотирда эди. Тагнослар миниб келган хачирлар аллақачон силласи қуриб бўлган, аскарлардан кўпчилигининг оти эса яхши, тезкор эди. Башарти шу томони бўлмаганида ҳаммалари ими-жимиди қутулиб кетишарди-ю, дон Хуан билан одамлари булар ҳам қатнашган деган шубҳа-гумон туғ-

дирмасдилар. Бу нарса келажакда муҳим аҳамият касб этиши мумкин эди... Шунга қарамай, барибир иккинчи режа-имкониятни хаёлга келтирмаса ҳам бўларди. Қисқаси, Карлос учинчи имкониятни танлади.

Ана шулар устида мулоҳаза юритиш учун овчининг сиз билан биз бу ҳақдаги сатрларни ўқиб чиққунча сарфлаганимиздан икки баробар камроқ вақти кетди. Орадан бир неча сония ўтар-ўтмас Карлос дон Хуанга ҳамма эшитадиган баланд овоз билан жавоб қайтарди. Унинг жавоби буйруқ оҳангида янгради:

— Ҳамма бараварига — чакалакзор оралаб олға! Бута орасидан мўралаб қаранглар, лекин фақат бошларинг, елкаларингу ўқ-ёйларингина кўринсин. Жанговар қичқириқларинг баландроқ янграсин! Кейин ўша заҳотиёқ орқага бурилишлару ҳар томонга қараб тарқаб кетинглар! Қани, ортимдан!

Карлос апил-тапил кўрсатма берди-ю, чакалакзорга урди ўзини ва зум ўтмай чакалакзор этагида пайдо бўлди. Деярли бир вақтда иланг-биланг чизиқ ҳосил қилиб қатор тизилган тагнослар ҳам кўринди; уларни бир қанотда дон Хуан, иккинчисида Антонио муҳофаза қилиб турарди. Улар ўқ-ёйларини бошлари узра силкиганча жанговар наъра тортиб, гўёки чиндан ҳам юввойи ҳиндулардай ҳайқира кетдилар.

Ҳатто яқин масофадан ҳам ҳиндуларнинг ёввойи жангчилар эмас, балки тагнослар эканини фақат тажрибли кўзгина илғай олиши мумкин эди. Барчаларининг бошлари яланғоч, узун сочлари шамолда ҳилпирарди; ташқи қиёфаларидан улар ўзларининг дашти қабиладошларидан ростдан ҳам оз фарқ қилишар эди. Ҳаммаларининг қўлида ўқ-ёй — иш башарти урушга бориб тақалгудек бўлса тинч ҳаёт кечирувчи ҳиндулар ҳанузгача ишлатадиган қурол, кейин, уларнинг жанговар наъра-ҳайқириқлари ҳам одатда «жангари», «ёввойи» деб аталгувчи баъзи қабиаларнинг қийқириқларидан кам таҳликали эмасди. Карлоснинг ҳамроҳларидан аксарияти жангларда қатнашганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Кўплари кун кечагина тинч меҳнат кишиларига айланганлар.

Уларнинг пайдо бўлиши баайни бизон овчиси кўзлагандай самара берди. Отлиқ аскарлар бетартиб бир тарзда тўда-тўда бўлиб елиб келатган эдилар, баъзиларининг чакалакзорга етишларига уч юз қадамча қол-

ган эди; кутилмаган ҳайқириқларни эшитиб жон ҳолатда отлари жиловини тортдилар. Мабодо қалъа дарвозасидан янги, йирик бўлук чиқиб келаётганини кўрмаганда олдиндагилар ўша ондаёқ орқага қайтишлари таъин эди-ёв.

Таъқибчилар тараддуда эдилар. Улар чакалакзордагиларнинг ёввойи ҳиндулар эканига, сон жиҳатидан сон-саноқсиз эканликларига қаттиқ ишонгандилар. Уларнинг ушбу ишончларини кейинги вақтдаги воқеалар тасдиқлаб турарди — ахир аскарлар иш кунлари давомида худди ана шу ёввойиларнинг изларидан қувиб, таъқиб этаётганларига чиппа-чин ишонган эдилар-да. Мана энди бўлса ўшаларнинг ўзлари ҳужум қилишяпти-да уларга! Уланларнинг текисликда таққа тўхтаб, мадад етиб келишини кутаётганларининг боиси ҳам шунда эди.

Карлос ўз найрангининг худди шундай таъсир кўрсатишини олдиндан кўра билганди. У ҳамроҳларига шарпа чиқармай, орқага, буталар орасига чекинишни буюрди; ҳаял ўтмай барчалари яқингинада пистирмада турган жойларида жам бўлдилар.

Энди уларни ўрмондан Антонио бошлаб кетди — лекин у Қиз ўлган қоя томонга эмас, балки яситоғликдаги бошқа тепа ёнига элтадиган сўқмоқдан йўл солди. Улар пистирма қурганларидан бемалол уч миллар узоқлашиб, қоя-тошлар оралаб юқорилаётган пайтда олисдаги чакалакзорлару орқа тарафда ястанган водийга кўзлари тушди. Чакалакзорнинг олд томонидаги яйлоқ майдонда ҳали-ҳанузгача жасур суворилар уёқдан-буёққа от ўйнатиб юришарди; улар ўзлари ёвуз ёввойилар биқиниб ётибди, деб ўйлаётган чакалакзор ичкарасига киришга ботина олмаганди шу топгача.

Карлос билан ҳамроҳлари яситоғликка кўтарилиб, кескин шимол ёққа бурилдилар ва бу ердан тахминан ўн милча наридаги дарага қараб йўлга тушдилар; бироқ токи улар даштликни кесиб ўтиб борарканлар, орқада бирор таъқибчининг қораси ҳам кўринмади.

Дара машриққа қараб чўзилиб кетган ва Пекоснинг қуйи оқимига чиқиб борар эди. Бу ёгингарчилик палласидагина сув тўлиб оқадиган ўзан бўлиб, ҳозирда бутунлай, қуриб қолган эди. Туби майда шағал билан қопланган, унда изни деярли билиб бўлмасди: от туёқлари шағални нари-бери суларди холос, изқувар-синчи уқиб-аниқлаб оладиган бирон-бир аломату белги қолмасди.

Бу ерда эски изни янгисидан фарқлаб-ажратиб бўлмасди.

Карлос билан ҳамроҳлари дарага тушиб бордилар; улар қуриган ўзандан қуйига қараб беш-олти миль босдилар-да, дам олгани тўхтадилар. Нафасни ростлаш Карлосга буёғига қандай ҳаракат қилишни шерикларига айтиш учун керак эди; унинг эндиликда кейинги бирикки соат ичида обдан ўйлаб пишитилган, пухта режаси бор эди.

Шу пайтгача шерикларидан ҳеч кимнинг номи (унинг ўзидан ташқари) қорага чиқмаган ва у бундай бўлишини мутлақо истамасди ҳам. Бунинг унга фақат зарари тегиши мумкин эди. Дон Хуан билан Антонио чакалакзордан қораларини ҳам кўрсатмаган эдилар, қолганларнинг буталар орасидан бирров мўралаган қора-қизғиш башараларини эса эхоналари чиқиб кетган аскарлар таний олмаганлар, албатта. Шунинг учун ҳам, мабодо дон Хуан ва унинг пеонлари ҳеч кимга сездирмай, ими-жимида уйга етиб олсалар, улар учун бари яхшилик билан тугаши мумкин. Бемалол қилса бўладиган гап бу: Ўз бўлугини йўлга шайлар экан, Карлос ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутган эди. Улар каллан саҳарлаб, одамлар маст уйқуда эканида йўлга чиққан ва уларни ҳеч ким кўрмаган эди. Қалъада содир бўлган воқеа ҳақидаги овозаю миш-мишлар тарқалган пайтда эса, ҳатто бизон овчисининг қайтганини ҳеч бир кимса билмасди. Унинг хачирларидаги юкларини тушираётганларини, хачирларни ҳозир пеонлардан бири унинг ранчосидан олисда ўтлатиб боқиб юрганини ҳеч зоғ кўрмаган эди. Хуллас калом, башарти аскарлар эртагача водийда кўринмай туришса, дон Хуан билан унинг пеонлари ҳеч кимда шубҳа уйғотмай кечаси уйга етиб олишга улгуришади. Ўз-ўзидан равшанки, Робладо эрталаб ўша ерда бўлади, ундан илгарироқ бўлиши даргумон. Аввало капитан уларнинг изларига тушса керак, бу йўл эса дон Хуаннинг уйдан деярли тескари томонга олиб боради. Робладонинг аскарлари бу йўлни ҳамма иланг-биланг тармоқ-шоҳобчаларини кўздан ўтказиб чиққунларича кам деганда бир кун кетади. Шунда ҳам, албатта, таъқибчилар Карлос билан одамлари дам олгандан кейин қаёққа қараб кетганларини барибир билолмайдилар, зеро унинг янги режаси ҳарқандай одамни ҳам чалғитиши турган гап.

Умуман шундай қарорга келинди: дон Хуан ўз пеонлари билан уйига қайтади; Карлоснинг пеонлари ҳам ранчога жўнайдилар; улар уйнинг томини бошқатдан ёпадилар — ёнғиндан кейин шу юмушнинг ўзини бажарилса бас эди, зотан деворлари бут қолганди — ва гўё ҳеч нима бўлмаган, ҳеч нимани кўрмагандай, ўша ерда қоладилар. Хўжайинларининг қилмиши учун уларни жавобгар қилмаслар-ку, ахир!

Карлоснинг ўзи қаерда яшириниб юрганини билса бир-икки содиқ дўстидан бўлак ҳеч ким билмаслиги керак. У ўзига қўналга топа олади, албатта. Очиқ даштми, тоғдаги бирорта форми — унинг учун барибир, ўз уйида бир гап. У бошпанасиз ҳам амаллайди. Қандайдир қасру саройнинг олтин ҳалли шифтидан юлдузли осмон азизроқ унга.

Тагнослар — оғзи бўш одамлардан эмаслар, устига-устак улар ўзларининг шахсий хавфсизликлари, эҳтимолки, ҳаётлари тишини-тишга қўйиб сир сақлашларига боғлиқ эканини билардилар.

Ахийри ҳаммаси келишиб олинди, бироқ Карлос ва унинг ҳамроҳлари то кун ботгунга қадарли шу ерда бўлдилар. Сўнг барчалари от ва хачирларига миниб, тагин ўзандан қуйига қараб жўнаб кетдилар.

Тахминан бир милча йўл босганларида тагнослардан бири қия ёнбағирдан кўтарила бориб дарадан чиқиб олди-да, даштдан жануб томонга қараб кетаверди. У Сан-Ильдефонсонинг чеккасига элтувчи сўқмоқдан водийга қайтиши лозим эди. Уша ёлғизоёқ сўқмоққа қош қорайгандагина етиб бора олади, шубҳасизки, бирон кимсага йўлиқиб қолиши даргумон; ахир, теварак-атрофда «ёввойи» ҳиндулар изғиб юрибди-я!

Орадан пича ўтгач, иккинчи тагнос дарадан юқорига чиқиб, деярли ўша, биринчиси кетган томонга йўл солди. Кейин яна бири, ортидан тагин ва тагин йўл олаверишди... ва ниҳоят дарада фақат дон Хуан, Антонио билан Карлослар қолишди. Тагносларга бошқа-бошқа йўл билан уйга қайтишни буюрдилар, хийла идроклию топагонроқларига эга энг чалкаш сўқмоқлардан юришни тайинладилар. Қисқаси, қалъада уларнинг изига тушадиган аскар топилши маҳол эди.

Карлос билан икки ҳамроҳи дарани энг охирида тарк этиб, улар ҳам ўнгга бурилдилар ва Сан-Ильдефонсо водийсига нақ этагидан кириб бордилар. Бу пайтда бу-

тунлай, қоронғи тушиб бўлганди-ю, аммо учовлари ҳам йўлни яхши билишарди, шундай қилиб ярим кечаси чорвадор йигитнинг қўрғонига етиб келдилар.

Улар олдинга тешкириб кўрмагунча уйга яқинлашишга жазм этмадилар. Аммо-лекин аён бўлишича ҳаммаёқ осойишта, аскарлар бу ерга ҳали келишмаган экан.

Карлос шоша-пиша онасини қучди, кундузи бўлган гапларни сўзлаб берди, дон Хуанга у-бу йўл-йўриқлар бериб, сакраб отига минди-ю, улар билан хайрлашди.

Егулик заҳира ортилган хачирни ҳайдаганча унга Антонио эргашди. Улар водийдан чиқиб, Льяно Эстакадо сари йўл олишди.

XXXIX БОБ

Эртаси куни шундоқ ҳам қатор кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалати ҳодисалардан таҳликага тушиб безовталанган Сан-Ильдефонсо аҳлини ҳаяжонга келтирган воқеа рўй берди.

Чошгоҳга яқин, қотилни излашга жўнатилган (Карлосни эндиликда шундай атай бошлагандилар) уланлар шаҳар орқали қалъага қайтишарди. Улар қотилнинг изини топиша олмабди-ю, лекин тоғ этакларида йлрик жангари ҳиндулар бўлугига тўқнаш келишибди. Орада қаттиқ олишув бўлибди, ҳиндулардан талайи ўлдирилибди, бироқ, одатдагидек, тирик қолганлари ўртоқларининг жасадларини олиб кетишга улгуришибди, мана шу сабабдан аскарлар уларнинг каллахомларисиз қайтишаётган экан. Лекинига улар бундан кўра чандон бора қимматлироқ ўлжа — ўзлари ҳиндулар бандилигидан халос этган, асли Сан-Ильдефонсодан бўлмиш ёшгина қизни олиб келишаётган эмиш. Таъқибчиларнинг довюрақ бошлиғи капитан Робладонинг ўйлашича, бу бир неча кун бурун водийнинг энг чеккасидаги ранчодан ўғирлаб кетилган худди ўша қиз эмиш.

Капитан билан халос қилинган қиз ёнида турган бир неча киши майдонда қолишди, бошқалар қалъага қайтишди.

Робладонинг айнан ана шу энг узун йўлни танлаши ва шаҳарда қолишида ўз режаю важлари бор эди. Даставвал у ўз измидаги қизни маҳаллий маъмурларга

топширмоқчи эди. Сўнгра эса, шаҳарликларнинг бариқзни олиб келганини кўриб қўйсин: қиз у кўрсатган беқиёс жасоратнинг жонли далил-исботи-ку, ахир. Ва ниҳоят, бу унинг учун ўзи биладиган болохона-шийпон рўпарасидан савлат тўкиб ўтишига қулай фурсат эди.

Капитан ўзи кўзлаган учала ниятни амалга оширди-ю, аммо ҳаммасиям у истагандек бўлиб чиқмади. Аскарлар етиб келганидан дарак бераётган карнай садоси тинмас, озод қилинган асира улар ўртасида кўзга яққол ташланиб турар, капитан Робладонинг оти — ўткир учли шпорлари ёрдамисиз эмас, албатта — ақлга сифмас даражада гижинглаб ўйноқларди, аммо бари бехуда эди: Каталина болохона шийпонига чиқмади бари бир. Идора хизматчилари ва хизматкорлар орасида кўринмади у, шу тариқа гердайган голиб шийпон олдидан узоқлашганида чехрасидан тантанаворлик ифодаси маъюсона умидсизлик-ла алмашинган эди.

Бир неча дақиқадан сўнг Капитул уйи қаршисида отдан тушиб, қизни алькальд билан шаҳарнинг бошқа оқсоқолларига топширди ўз қўли билан. Мазкур маросим давомида тумтароқли нутқ сўзланиб, унда асирани халос этиш жараёнида содир бўлган баъзи ҳайратда қолдирадиган тафсилотлар келтирилди, унинг туғишганларига ҳамдардлик билдирилди (улар кимки бўлмасинлар), пировардида эса нотик, бу бахти қаро жабрдийда бир неча кун муқаддам ҳиндулар ўғирлаб кетган қиз бўлса керак, деган тахминни айтди.

Буларнинг бари ўйлаганларидан ҳам зиёда, ҳийла ҳақиқатнамо ҳамда ишонарли чиқди. Робладо ўз измидаги қизни алькальдга топширгач отга минди-ю, ҳайрату тасанно садолари остида йўлига равона бўлди; шаҳар оқсоқоллари уни қичқириб айтилган ҳамду санолар, аҳли шаҳар — қарсақлару «viva» нидолари ила кузатиб қолдилар.

— Илоё яратганнинг ўзи ёрлақасин сизни, капитан! — деган сўзлар қулоғига чалинди у оломон орасидан чиқиб олганида.

Синчков кузатувчи айни шу сонияда Робладонинг кўзлари бурчидан йилт этиб ўтган антиқа ифода — истеҳзою шу билан бирга ғоятда қисталангига олган кулги аломатини илғаган бўларди. Чиндан ҳам довиюрак капитан ҳайратга тушган оломоннинг бетига қараб туриб қаҳқаҳлаб юборишига бир баҳя қолганди. У мазкур ҳа-

зилнинг ҳузуру лаззатини комендант билан баҳам кўришни хоҳлаётгани учунгина ўзини тийиб турганди — ҳозир айнан ўша зотнинг қошига ошиқаётган эди.

Аmmo биз асира ёнига қайтамыз.

Атрофни ўраб олган оломон ўз қизиқсиниш истагини қондириш иштиёқида. Шуниси, қизиққи, худди ана шу истак-иштиёқ баридан ҳам устун эди-да, шу тобда. Ачиниш, шафқат деярли сезилмайди, ҳолбуки бундай пайтларда раҳм-шафқат кутилади аслида. Бармоқ билан сарнали кишиларгина: «Бечора-е!» — деб қўйишди, ана шу озроққина ачинганлар ҳам — аксари қизғиш танли маҳаллий аёллар эди:

Башанг кийинган дўкондорлар — испаниялик кўчманчи ва креоллар, эркаклару аёллар — қизга бепарво-лоқайд ёки бировнинг бошига тушган кулфатни кўришга ишқибоз бекорчихўжалар янглиғ қизиқсиниб қарашаётган эди.

Бировнинг бошига тушган кулфат, у тортаётган азоб изтиробга лоқайду бепарво қараш Янги Мексика аҳолисига — аниқроғи бу ўлканинг аёлларига — хос нарса эмасди асло, зотан бу юртнинг эркаклари бағритош бўлсалар ҳамки, аёллари раҳмдил ва куюнчақдирлар.

Шу боисдан ҳам уларнинг ўзларини шундай тутаётганлари ғалати кўриниши мумкин-у, лекин ушбу ҳолда бунинг асоси бор эди. Улар асиралиқдан озод этилган қизнинг кимлигини, бизон овчисининг синглиси — ҳа-ҳа, қотил Карлоснинг синглиси эканини билар эдилар-да! Улар вужудидаги энг яхши туйғуларни бўғиб турган нарса худди ана шу эди.

Карлос умумжамоатнинг қаҳру ғазабини қўзғатганди. Маҳаллий аҳоли уни ёвуз ситамгар, қароқчи, нонкўр деб атарди. Қандай аблаҳ-а! Бу атрофларда барча яхши кўрадиган ёқимтой лейтенантни ўлдирибди-я! Нима мажбур қилди экан уни бунга? Балки арзимаган нарсдан жанжал чиққандир ёки рашкдандир. Дарҳақиқат, бунга уни нима ундаганийкин? Бу оқ-малласоч шаккоқ, бу иблиснинг қонга ташналиқдан бошқа қанақанги важи бўлиши мумкин? Вой нонкўр муттаҳам-а! Довюрак комендантнинг, яна-тагин бу қотилнинг синглисини ёввойи ҳиндулар қўлидан қутқариш учун бор кучи, меҳнатини аямаган комендантнинг жонига қасд қилибди-я!

Мана ниҳоят комендант муродига етди ҳам. Қаранг-а: мана, қиз шу ерда, уйига қайтди у, комендантнинг ша-

рофати билан тирик ҳамда зиён-заҳмат етмади унга. Ўз капитани билан аскарларни қизни — оз бўлмаса уни жонидан жудо қилаёзган одамнинг синглисини излаб топгани жўнатган комендант эмасми, ахир. Иблис! Қотил! Қароқчи! Хулласи, жамоат уни дорда кўрса хурсанд бўлгудек эди. Художўй католик ҳеч қачон бундай қилмаган бўларди, бу фақат гуноҳкор, шаккок, қонхўр америкаликнинггина қўлидан келади! Қўлга тушсин, қилмишига яраша жазосини олади!

Асоратдаги ҳиндулар — қашшоқ қуллар билан бир неча креоллардан ташқари, водий аҳлини ана шундай ҳистуйғулар ҳаяжону таҳликага солаётган эди. Айтмоқчи, бу қуллар ва креоллар ҳам, испан ҳукмронлигини бутун вужудлари билан ёмон кўришлари ва исёнкор кайфиятлари зўр бўлишига қарамай, Кароснинг қилмишини маъқулламаётган эдилар.

Умумжамоат бизон овчисига нисбатан мана шундай муносабатда экан, бахти қаро қиз, унинг синглисига кўпдаям ачинмаётганларининг сира ҳайрон бўладиган жойи йўқ эди.

Халос этилган қиз унинг синглиси эканига ҳеч ким шубҳа қилмасди (аслида эса уларни майдондагилардан жуда камчилиги танир эди). Ҳозирда номи тилларга тушиб, машҳури жаҳон бўлган акасини авлиё Иоанн байрамигача шаҳарликлар деярли билишмасди. У шаҳарда аҳён-аҳёнда бир бўлар, синглиси эса ундан ҳам кам, шу боисдан бу ерда илгари шу тобда майдонда ҳозир бўлганлардан камдан-ками кўрганди. Лекин ака-сингил шубҳасиз бир-бировига ўхшарди. Бунақанги ажойиб олтин сочи, сутга чайилгандек оплоқ тана, қирмизи ёноқларни Шимолий Мексикада (дунёнинг бирон бўлак қисмида ҳеч кимни заррача ҳайрон қолдирмаса-да) аҳён-аҳёнда учратасан. Девортошларга ёпиштириб ташланган эълонларда эса «қотил»нинг баайни ана шу белгилари тасвирланган эди. Шубҳасизки, бу ўшанинг синглиси. Устига-устак, Роситани байрам куни—унинг ҳусни-жамоли нафақат ҳайратга солган, шунингдек ҳасад уйғотган куни кўрганлар ҳам бор эди бу ерда.

Росита ҳамшигаидек чиройли эди, фақат ёноқларининг қирмизи туси пича сўнган, кўзлари, нигоҳида аллақандай ёввойинамо ифода пайдо бўлган эди. Ўзига қаратилган саволларга у ё мутлақо жавоб қайтармас, ё тушуниб бўлмайдиган қилиб ғудраниб қўя қоларди. У

жимгина ўлтирарди; аҳён-аҳёнда оғзидан узуқ-юлуқ, қовушмаган галати сўзлар чиқиб кетарди; у бир неча марта «ҳиндулар» ва «ёввойилар» деган сўзларни так-рорлади.

— Ақлдан озибди у,— дейишарди одамлар бир-бирларига.— Назарида, ҳалиям ёввойилар қўлидаман, деб ўйлаяпти-ёв.

Эҳтимол, чиндан ҳам шундайдир. Ахир атрофини қуршаб турганлар дўстлари эмасди-да.

Алькальд жамоатдан ораларида қизни ишониб топширса бўладиган туғишганлари ёки танишлари бор-йўқлигини суриштирди.

Оломон орасидан бу ерда ҳозиргина пайдо бўлган оддийгина қиз олдинга чиқди: у шўрлик қизни танир экан; уни авайлаб уйига элтиб қўйишни ўз зиммасига олди.

Бу қизнинг ёнида ҳинду — аниқроғи метис аёл ҳам бўлиб, афтидан, унинг онаси эди. Бандиликдан озод қилинган асирани ана шулар олиб кетишди. Ҳадемай ҳамма уй-уйига тарқади ва ўзининг кундалик иши билан андармон бўлди.

Росита ва унинг ҳамроҳлари камбағаллар истиқомат қиладиган даҳадан ўтадиган торкўчага бурилдилар, горкўчани ортда қолдириб, шаҳар чеккасига чиқиб қолдилар. Кейин бутазор оралаб кетган овлоқ сўқмоқдан бир неча юз ярд юриб, чоққина хароб ранчо ёнига етиб бордилар ва ўша ерга кириб ғойиб бўлдилар. Бир неча дақиқадан сўнг эса ранчо эшиги олдига қўшхўкиз қўшилган арава келиб тўхтади, уни пеон ҳайдаб келган эди.

Бояги қиз Роситани қўлидан етаклаб чиқди-да, икковлари аравага ўлтиришди.

Улар арава тўбига тўшалган пичан устига жойлашиши билан пеон хўкизларга қамчи босди. Бутазордан чиққач, арава водий этагидаги охириги фермаларга элтувчи катта йўлдан кета бошлади.

Қиз Роситага ачиниб, тикиларди; силкинишда иложи борича камроқ қийналсин учун унинг қулайроқ жойлашиб олишига ёрдамлашди; мулойим, эркалатувчи сўзлар билан унга таскину тасалли берарди-ю, бироқ дугона ёки эски танишдек туғмасди ўзини. Бу қизнинг илгари Роситани сира кўрмагани кундай равшан эди.

Улар йўлнинг шаҳардан тахминан бир милча өлисдаги энг хилвот еридан ўтвб боришарганда, орқа томонда

отини елдириб келаётган сувори кўринди. Бир неча дақиқа ичида уларга етиб ҳам олди. Суворининг остидаги ажойиб мустанг гижинглаб ўйноқларди: отни авайлаб-асрашлари ва парвариши зўрлиги яққол кўзга ташланиб турарди — у шўх ва ўйноқи, биқинию сағриси ялтиларди.

Сувори арава ёнига етиб келиб, пеонга тўхташни буюрди; мулойиму ёқимли овози ўша ондаёқ суворининг аёл эканини фош этди-қўйди, латифу нафис ёноқлари, ипадек майин сочларию хушбичим чеҳраси унинг ҳақиқий сеньорита эканининг шаҳодати эди. Узоқдан уни эркакка ўхшатишни ажабланарли жойи йўқ эди: кифтига оддий серапе ташлаб олган, сомбреросининг кенгбар соябони қоп-қора, ялтироқ сочларини деярли буткул яшириб турар, кейин эгарда ҳам, худди моҳир мексика чавандози янглиғ, эркакчасига ўлтирар эди.

— Сизмисиз бу, сеньорита?— ажабланиб, айни дамда эҳтиромла деди аравадаги қиз.

— Нима, танимадингми мени, Хосефа?

— Йўқ, сеньорита. Шўргинам қурсин-а мени! Манавинақанги ясениб олганингиздан кейин қандай қилиб таниб бўларди сизни?

— Қандай ясениб олибман? Оддий кийим-да бир!

— Албаттаку-я, сеньорита, лекин сиздай баобрў хонимнинг кийими эмас-да!

— Ҳа, чамаси, мени бу кийимда таниб бўлмас экан. Йўлда бир неча танишларни учратдим, улар менга салом бериб, кўришишмади.— Сувори кулиб юборди.— Бечорагина-я!..— сўзлашда давом этди у қўққисдан сўз оҳангини ўзгартиб ва Хосефанинг ҳамроҳига ачиниб қараганча.— Қанча уқубат тортибди-я! Шўрликкина қизча-я! Менга тўғриси айтишган бўлмасайди деб қўрқаман. Е Биби Марям! Қанчалик ўхшайди-я!..

Сеньоританинг сўзи оғзида қолди. Хосефа билан пеон борлигини унутиб, хаёлидаги гапларни овоз чиқариб айтиб юборганди у. Охирги сўзлари оғзидан беихтиёр чиқиб кетган эди.

Бирдан хатосини пайқаб қолиб, икковига синовчан назар ташлади у. Пеон ҳўкизлари билан овоза эди-ю, қизнинг юзида қизиқсиниш ифодаси балқиб турарди.

— Қимга ўхшаркан, сеньорита?— деб сўради у содадиллик билан.

— Бир танишимга. Бунинг аҳамияти йўқ, Хосефа.—

Сеньорита бармоғини лабига босиб, пеон томонга маънодор қараб қўйди.

Унинг сирини билган ва ўша таниш ким эканини фаҳмлаган Хосефа индамай қўя қолди.

Сеньорита аравага Хосефа ўлтирган томондан яқинлашди-да, унга энгашиб, пичирлади:

— Эрталабгача ўша ерда қолавер, барибир қош қораймай, ёруғда етиб келолмайсан. Қолақол — эҳтимол бирон нимани эшитарсан. Эртароқ қайт, лекин уйга эмас, ибодатхонага, тонгги ибодатга етиб кел. Яна кечикмагин-а. Мен ибодатхонада бўламан. Антониони кўришга ҳаракат қил. Унга манавини бериб қўй.— Сеньоританинг бармоқларида тилла узукнинг олмос кўзи ярақлаб кетди-ю, ўша ондаёқ уни Хосефа маҳкам қисимлаб олди.— Унга кимга беришини айтгин-у, ким бериб юборганини билиши эса шарт эмас. Манави пул харажат қилишингга, озроққинасини бунга берарман. Йўқ, агар олишга кўнса, онасига берганинг маъқул.

Хосефанинг тиззасига дўп этиб ҳамён тушди.

— Бирон нимани билиб кел. Албатта билиб кел, жон Хосефа!.. Кўришгунча хайр! Хайр!

Сўнгги сўзларни сеньорита шоша-пиша айтди; ялтиллаб турган мустангини буриб, яна шаҳарга қараб йўртириб кетди у.

У Хосефанинг ўзи тайинлаганидек эрталабгача ўша ёқда қолишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади — қиз ушбу сафардан сеньоритадан кам манфаатдор эмас.

Кўҳликкина Хосефа метис Антонионинг қаллиғи эди, шу боисдан йигитни кўришга муваффақ бўладими ё йўқми, уйга шошилмоқчи эмасди. Агар уни кўрса ранчода қолиши қиз учун янаям кўнгиллироқ бўлади; борди-ю кўролмаса, висол умид-иштиёқида тутилиб қолади барибир.

Оддий арава дабдурустан рессорли ва бахмал тўшама-ёстиқли қулинг ўргилсин извошга айланиб қолгандек туюлди.— Хосефа умрида кўрмаган бўлса ҳам, шунақанги аравалар борлигини эшитганди: қўлида жаминки харажатига олтидан бир улуши ҳам етиб ортадиган тангага лиқ тўла ҳамён турибди, олдинда эса уни Антонио билан висол онлари кутяпти-да, ахир!

Кўнгли бўш қиз хас-хашакни тушириб ташлаб, Роситанинг бошини тиззасига қўйди, кечки салқинда совқотмасин учуа ўзининг шолрўмолини ёпиб, ўради-да,

пеонга қўзғалишни буюрди. Пеон ҳўкизларни бақириб чуҳ-чуҳлаб, таёғи билан ниқтади-ю, улар аравани тупроқ йўлдан яна торга кетди.

XL БОБ

Эрталабки ибодатга қатнаш мексикалик сеньорлар, айниқсанги катгаю кичик шаҳарларда истиқомат қилувчи сеньорлар орасида кенг тарқалган таомил эди. Тонг оқариши биланоқ улар ўз уйларининг кенгбар эшигу дарвозаларидан чиқиб, шаҳар кўчалари бўйлаб қўнғироқлари қулоқни қоматга келтираётган черковга ошиқадилар. Сеньорлар шунақанги ўраниб-чирманиб олишадики (бадавлатлари — шойи шарфлару елкапўшларга, камбағалроқлари эса қоп-қора шолрўмолларга), уларни асти таниб бўлмайдди. Ҳар қайсилари ёпинчиғи остида муқовали китобча — дуономасини ушлаб олган.

Қани, уларга эргашиб ибодатхонага кириб кўрайлик-чи, у ерда нималар бўлаётган экан.

Борди-ю, сиз ибодат бошланишига кеч қолиб, ичкари киргач, эшик олдида туриб қолсангиз, юзлаб тиз чўккан кишиларни, аниқроғи, уларнинг кураklarини кўрасиз.

Айнан бир хил чеҳра-юз бўлмаганидек, бу кифтлар ҳам мутлақо бир қолипда эмас. Уларнинг шакли-тарҳи, ҳажмию туси ҳамда жамоат орасида тутган мавқеи ниҳоятда турличадир. Сиз бу ерда сеньорларнинг елкапўшли кифтларини кўрасиз; баъзилар бошларигача бурканиб олган бир пайтда бир хил бундай орас-та либосни елкаларидан сирғалиб тушишига йўл қўйиб берганлар — мана сизга икки турли услуб. Бунда яна шолрўмоли учларини назокат-ла кифтлари оша орқага ташлаб қўйган кўҳлик-кўҳлик оддий қиз-жувонларнинг кифтларини уларнинг шолрўмолга назокату латофатга заррача даъво этмовчи, эҳтимол, ҳаттоки унчалик озода ҳам бўлмаган шолрўмолга ўралиб олган оналарининг кураklarига кўзингиз тушади. Сиз калта каноп мато камзули аранг ёпиб турган дўкончи кифтини, унниққан кўн камзулли сув ташувчи — мешқобчининг курагини, сиқимласа бир сиқим бўладиган майин мовут ридосига ўралиб олган олифтанинг кифтини, шаҳарлик камбағал йигитнинг йиртиқ-ямоқ серапесини кўрасиз. Қаршингизда кенгу тор, тикку букчайганроқ кифту елкалар намоён

бўлади; бир-иккита букрини (айниқса катта шаҳар ибодатхонасида) кўришингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Илло ибодат пайтида қайси бир Мексика ибодатхонасига кирманг, мен сизга ваъда қиламанким, анвойи тур елкаю куракларни кўрасиз. Аммо-лекин уларни бироп-бир тартибда жойлашади деб умид қила кўрманг асло. Елкапўшли сеньораларнинг кифтчасини икки дағал, унниқиб тузи чиқиб кетган шолрўмол исканжасида, йўл-йўл ёхуд хол-хол гулли серапе кийган қашшоқнинг курагини эса бирор олифтанинг антиқа мовут ридоси қава-тида кўришингиз ҳеч гап эмас. Бу кифту елкаларнинг барини жойлаштириш масъулиятини ўз зиммамга олмай-ман-у, лекин уларнинг талайини ҳамда турли-туманни кўрсатишга сўз бераман, холос.

Сизга боқиб турадиган яккаю ягона юз — бу жуббага ўранган тикмачокдек руҳонийнинг қиртишланган башараси бўлади. Қачонлардир бу башара, шубҳасиз оппоқ ва озода бўлган, бироқ ҳозир унинг туси гўё ифлос ич кийим солинадиган саватга ташланган ва қандайдир англашилмовчилик билан ювмай қайтариб берилган кир буюмга ўхшаб кетган. Қавмлари орасидаги энг ашаддий гуноҳкор банда қанчалик художўйга ўхшаса, тақсирлари ҳам шунчалик тақводорга ўхшайдилар. Мана у қўлида гоҳ асо, гоҳ исириқ тутаб турган бухурдон тутганча пастак супачада нари бориб-бери келяпти, энди бўлса, ана, қўғирчоқни — авлиё ҳайкалчасини олди қўлига. Шунда қўлогингизга томоша давомида у гўлдираётган тушуниб бўлмас, ёқимсиз лотинча сўзлар чалинади. Бундай онларда сиз — башарти томоша қилиш бахтига мушарраф бўлган эсангиз — мистер Робиннинг ижроси ёки «Улуғ афсунгар» пьесаси ёдингизга келиши бешак.

Ҳеч қанча вақт ўтмай мазкур кифту елкаларнинг ҳолатини ҳайратомуз тарзда ўзгартириб юборувчи қўп-ғироқча овозини эшитасиз. Бир муддат уларни гаройи-бу ғалати ҳолатда — елкаларга хос типпа-тик эмас, балки энгироқ ҳамда сал ёнга оғанроқ ҳолатда кўрасиз. Токи улар нафас ростлар эканлар, юзлари ҳам кўриниб қолиши эҳтимоли йўқ эмас, аммо ён томондангина кўринади, холос: борди-ю, у чиройли бўлса, у чоғда сизни елкаю куракларни унутишга мажбур этиши тайин. Дарвоқе, у чоғда қаршингизда кифту елкалар эмас, биқин, ёнбош намоён бўлади. Балки ён томондан кўриниши сизни асти художўйлигу тақводорона ифодаси билан

эмас, гўзаллиги ила мафтун этар. Сиз шунда карашмалию муғомбирона тикилаётган хумор кўзларни кўрасиз, борди-ю, синчковроқ бўлсангиз, унда бўлак ёнбош, мазкур карашмали, қувлик-ла тикилувчи кўзлар қараб-қараб қўяётган нишонни — бичими хийла дағалроқ гавдани илғайсиз. Ушбу ҳол кифту елкалар пича ҳордиқ олаётиб бўшашиброқ тушган дақиқаларда содир бўлади. Уларнинг қандай қилиб бундай ҳолатга кира олишлари сиз учун жумбоқ, анатомик муаммодек туюлади, аслида эса жуда осон бу. Бунинг ҳадисини олган одам учун қийин жойи йўқ: тана оғирлиги таянч нуқтасини тиззадан тос-корсонга кўчирилса бас. Ажабланаётганингизни фаҳмлаш мушкул эмас, зеро ридою елкапўшлар, шарфу шолрўмоллар ва юбкалар ила ниқобланган мазкур ҳийлагарлик бағоят усталик билан адо этилади.

Мана, қўнғироқча ҳам жиринглаб қолди — курагу елкалар яна ростланди. Ҳозир бўлган ибодатчилар учун қўнғироқча овози аскарларга берилгувчи «ғоз турилсин» буйруғидек гап. Қўнғироқча жиринглагани ҳаманоқ курагу кифтлар ростланиб, ўша ондаёқ бир неча дюмга ўсади. Руҳоний тақсирлари гўнғирлаб яна бир карра Биби Марям шаънига муножот қилиб, «Отче наш»ни ўқиркан, тагин бир унсиз саҳнавий томошани ижро этади, бу аснода эса елкаю кураклар қимир этмай, тек қотганча туради. Ана шу пайт улар бирдан яна боягидек энсизлашади-ю, ёнламасига бурилади, эгалари бош силкишар, шўхчану нозли нигоҳлар учрашади, то қўнғироқча жингиллагунча давом этади бу ҳол. Қўнғироқча жиринглагач эса руҳоний тақсирлари томошанинг учинчи даврасини бошлайди, кейин тўртинчиси ва ҳоказо — токи ибодат интиҳосига етгунига қадар давом этаверади бу.

Мексика ибодатхонасида ҳар куни саҳарда, нонушталикдан хийла олдинроқ, ана шундай тиз чўкиш ва гўлдираб дуо ўқиш такрорланади. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам (аслида заифалар орасида художўй намояндалар анча-мунча бисёрроқ) шу билан машғуллар ва ашаддий тақводор аёллар орасида маҳаллий олий табақадан талай сеньорлар ҳам бор.

Бу одамларнинг барини каллаи саҳарлаб тўшакларини тарк этиб, кўчада совуқдан қалтираб, черковда совқотишга нима мажбур қиларди? Нима ўзи бу — эътиқодми ёки ҳурофот? Диёнату тақводорликми ё риёкор-

лик? Шубҳасизки, ушбу ақли ноқислардан аксарияти чиндан ҳам, буларнинг бари яратганга манзиру матлуб тушади, унинг иродаси шу, деб ишонади: улар беихтиёр тиз чўкиб, дуоларни такрорлайдилар, бунинг эвазига эса ҳаллоқи оламнинг марҳаматига мушарраф бўладилар. Аммо эрталабки ибодатни қанда қилмайдиган художўйлар орасида, турган гапки, мутлақо бўлак нияту ташвишда келадиганлар ҳам кўп. Эркаклари рашкчи, аёллари айниқсанги уддабурону ҳийлагар мамлакатда ушбу саҳар палласи — олтиндан қимматроқ палла эди. Сабабки, ашаддий рашкчию қўриқчилардан ҳам камданкам бундай совуқ паллада иссиқ ўрнидан туришга жазм этади-да, ахир.

Мазкур маросимнинг тугашини ибодатхона эшиги олдида кутиб туринг. У ерда каттакон жомда муқаддас сув қўйилган. Ибодатхонадан чиқаётган ҳар бир кимса қўлини ана шу жомга ботириб, ўзига сув сепади. Мана узуклар қадалган нозик қўлча, бармоқлари учини сувга тикаркан, ўша ондаёқ эпчиллик билан ридо ёпинган хушторига ишқий мактуб тутқазди. Яна сиз бадавлат бир хонимнинг ибодатхонага келган йўлининг тамоман тескарисига қараб кетаётганини кўришингиз ҳам ҳеч гап эмас. Хўш дегандан, мабодо сиз расму таомилни писанд қилмай, унинг кетидан боришга қизиққундек бўлсангиз, у чоғда бирор хилват торкўча ёки бирорта теракзордаги мамну¹ учрашувнинг шоҳиди бўлишингиз мумкин.

Ҳа, Мексика шаҳарларида субҳидам нақ тун каби саргузаштларга бойдир.

* * *

Сан-Ильдефонсо ибодатхонаси қўнғироғи эрталабки ибодатга чорлаб бонг ура бошлаши биланоқ шаҳардаги энг ҳашаматлию энг бадавлат хонадонлардан бирининг дарвозасидан аёл киши лип этиб чиқиб кетди. Тонг хиёлгина оқаринқираганди; аёл бошидан-товонига қадар ўралиб-чирманиб олганди, лекин унинг баланд, келишган қомати, қадди-бастини тик тутиши ҳамда латофатли, мағрурона, беданадек енгил одим-ла хиром этиши унинг кибор хонимлардан эканини фош этиб турар эди. Ибодатхонага яқинлашгач, у тўхтаб, атрофга аланглади.

¹ М а м н у — тақиқланган (ред.).

Хийла пастга тушириб қўйилган мантильясини — тўр рўмол — қатлари юзини тўсиб турарди-ю, бироқ қандай тургани, бошини гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга қандай бураётганидан унинг ғира-шира саҳар палласида бамисоли шарпадек яқинлаб келаётган художўйларга синчиклаб тикилаётгани яққол сезилиб турарди. У шубҳасиз, кимнидир кутаётганиди, майдонда пайдо бўлаётган ҳар бир одамга бетоқатлик ила тикилиб қараётганидан кутаётган кишини ўзи учун жуда-жуда зарур эди чоғи.

Ниҳоят ибодатхонага охириги художўй эркак яқинлаб келаверди. Ортиқ кўчада тураверишдан маъно йўқ эди. Сеньорита ошкорасига ноумидлик-ла пештоқ остидан ўтиб, эшик ортида ғойиб бўлди. Орадан бирон сония ўтар-ўтмас у меҳроб қаршисида тиз чўккан кўйи илтижо қилиб, тасбеҳ ўғирар эди.

Илло ибодатхонага кириб борган художўй у эмасди; орадан кўп ўтмай яна бир қавмдош аёл кўзга чалинди. Сеньорита ибодатхонага кириб кетиб бўлган пайтда майдоннинг нариги четидан бир арава чиқиб келди-ю, ўша ерда тўхтади. Аравадан ёшгина қиз сакраб тушди; у майдонни чопқиллаганча босиб ўтди-да, пиллапояга кўтарилди. Янги келган қизнинг эғнида эса тўқ-қизил юбка, гул чекилган кофта билан шолрўмол — бу ўлкаларда камбағаллар, оддий халқ шундай кийинади. У оддий деҳқон қизи эди.

У ибодатхонага кириб борди, лекин тиз чўкишдан бурун саф-саф елка-куракларни диққат-ла кўздан кечириб чиқди. Улардан бири, тўр рўмол ёпинганида тўхтади нигоҳи. Қиз биз ҳозиргина тилга олган сеньоритани таниди. Шунда қизнинг кўнгли хотиржам тортди чамаси; елкаю куракларни оралаб ўтди, сеньоритага шунчалик яқин тиз чўкдики, икковларининг тирсақлари деярли тегиб турарди бир-бирига.

Қиз бу ишларни мутлақо шарпа чиқармай бажарганидан сеньорита ёнидаги янги ҳамсоясини пайқамай ҳам қолди, фақат тирсагига астагина теккан туртки уни бошини кўтариб, ўгирилиб қарашга мажбур этди. Унинг чеҳраси қувончдан ёришиб кетди, аммо лаблари гўё ҳеч нима бўлмагандек пичирлаб дуо ўқишда давом этаверди.

Мана, бир оз нафасни ростлаб олишга изн берилганидан далолат этгувчи қўнғироқча жиринглади, шунда тиз чўккан икки қомат — сеньорита билан авом қизи —

Бир-бировлари сари оғди; ана, қўллари яқишлашди. Бирон лаҳза ўтмаёқ шолрўмол остидан жажжигина долчинранг қўлча кўринди, тўр рўмол остидан эса узуклар тақиглиқ нозик, оппоқ бармоқлар чиқиб келди.

Бамисли илгаритдан тил бириктиргандек, қўлчалар ўзаро тақалди, гарчи бу ҳолат ярим лаҳзага бориб-бормаган бўлса-да, ўта сезгир кузатувчигина бир қўлдан-иккинчисига — долчинранг бармоқлардан оппоғига — найча қилиб ўралган қоғоз парчаси «лип» этиб ўтганини пайқашни мумкин эди, холос. Аммо-лекин, ҳақиқатан ҳам мазкур эпчилопа ҳаракатни ниҳоятда кўзи ўткир кузатувчигина пайқай оларди — бу шундай чаққонлик билан адо этилган эдиким, олдинда ёхуд орқада тиз чўкканлардан бирортаси ҳеч қанақанги ножўя ҳаракатни пайқгани йўқ.

Ҳар иккала қўл ўша заҳотнёқ елкапўш остида ғўйиб бўлди: қўнғироқча жиринглади, сеньорита билан деҳқон қизи тағин қадларини ростлашди-ю, бағоят тақводорона қиёфада дуо сўзларини такрорлашга тушишди.

Мана, ибодат тугади. Қизлар ўзларига муқаддас сувдан сепиб, шоша-пиша пичирлашиб олишди; бироқ ибодатхонадан бошқа-бошқа чиқиб, икки ёққа қараб кетишди. Деҳқон қизи майдонни тезгина кесиб ўтди-ю, торкўчага кириб кетди. Сеньорита мағрурона хиром-ла ўз уйи томон юрди; унинг юзи қувончдан чарақлаб ёришиб кетган эди.

У ҳовлисига кира солиб ўз хонасига ошиқди. Чоққина қоғоз парчасини ёзиб, ўқий бошлади:

«Азизам Каталина! Сиз мени бахтиёр этдингиз. Атиги бир соатгина муқаддам мен оламдаги энг бахти қаро одам эдим. Синглимдан жудо бўлган ва Сизнинг ҳурмат-эътиборингиздан маҳрум бўлдим деган ўйда эдим. Мана энди унисига ҳам, бунисига ҳам эгаман қайтатдан. Синглим ёнимда, бармоғимда кўзни қамаштиргудек ярқираб турган қимматбаҳо тош ҳаттоки ғийбату бўҳтонлар ҳам мени Сизнинг дўстлигингиз, Сизнинг муҳаббатингиздан жудо эта олмаганини айтиб турибди. Сиз мени қотил деб ҳисобламайсиз. Ҳа, мен қотил эмасман, мен — қасоскорман. Сиз буларни барини билиб оласиз. Мен ва менинг қон-қардошларим қурбони бўлганимиз, даҳшатли фитнадан хабар топасиз. Ушбу фитналар шунчалар шафқатсиз, ваҳшиёна-ки, бундай бўлишини сира ақл бовар қилмайди. Ҳа, мен қурбони бўлдим бу ғарз-

ли фитнанинг. Мен ортиқ Сан-Ильдефонсода кўзга кўри-
на олмайман. Эндиликда мени худди бўридай таъқиб
этадилар, борди-ю, қўлга туширгудай бўлсалар, нақ бў-
ридай жаззамни берадилар. Локин эндиликда, Сизнинг
менинг рақибларим томонида эмаслигингизни билганим-
дан кейин, жаҳонда ҳеч нимадан кўрқмайман.

Агарда Сиз бўлмаганингизда бу ерлардан олисларга
жўнардим. Бироқ, Сиздан ажралишга мажолим етмайди.
Сиз яшаб турган жойни ташлаб кетгандан кўра ҳаётим-
ни соат сайин хавф остида қолдиришни маъқул кўра-
ман — ёруғ жаҳонда Сиз ҳаммадан кўра қимматлию
азизроқсиз, ахир!

Бериб юборган узугингизни неча-неча бор бўсалар-
га кўмиб юбормадим асти! Бу муҳаббат кафолотини
мендан жонимни қўшиб тортиб олишларигина мумкин.

Ғанимларим ортимдан исковучдек қувиб юришибди,
аммо кўрқмайман улардан. Вафодор тулпорим ҳамшиша
бирга мен билан, у бор экан, мен қуёнюрак таъқибчи-
ларимни мазах қилиб, устларидан кулавераман. Бироқ,
мен қандай бўлмасин яна бир марта шаҳарга тушишим
шарт. Сизни кўришим керак, азизам. Сизга қоғоз орқа-
ли етказиб бўлмайдиган гапни айтишим даркор. Утин-
чимни рад этманг! Мен Сиз билан кўришгани эртага
ярим тунда эски жойимизга бораман. Йўқ демасиз-а,
азизам, севгилим! Сизга жуда муҳим, талай гапларни
айтишим керак, бу гапларни ўз оғзим билан танҳо ўзин-
гизга айта оламан, холос. Менинг қотил эмаслигимни,
илгаригидек севгингизга муносиб қолганимни кўрасиз.

Раҳмат! Бечора жажжи синглимга кўрсатган сахова-
тингиз, меҳрибончилигингиз учун ташаккур Сизга! Худо
хоҳласа, яқин орада тузалиб қолади у. Кўришгунча
хайр, севгилим! К.»

Сулув Каталина хатни ўқиб бўлгач, уни лабига бо-
сиб, бостириб-бостириб ўпди.

— Муҳаббатимга муносиб у!— вичирлади қиз.— Ҳа,
у маликалар муҳаббатига муносиб! Мард, ҳимматли
Карлос!

Қиз қоғозни яна ўпди-да, сийнасига яшириб, зипил-
лаганча хонадан чиқиб кетди.

Х Л И Б О Б

Вискаранинг Карлоедан ўч олиш метаги соат сайин
ўсиб борарди. Улим даҳшатидан жалос бўлганда вужу-

дини чулғаган қувонч кўпга бормади. Асира ташвишидан қутулгандаги хурсандчилигининг умри ҳам шунингдек қисқа бўлди. Уни мутлақо бўлак туйғу ич-этини кемираётган эди. У ўз ҳуснини ҳамма нарсадан кўра кўпроқ қадрларди — мана энди ўша ҳуснидан жудо бўлди. Бир умрга хунук-бедаво бўлиб қолди-я!

Ўз юзини кўзгуга солиб кўрганида юрагига ўт туташиб, бамисоли лаҳча чўгдек ланғиллаб кетди. Аслида кўрқоқ бўлса-да, ўша жойнинг ўзидаёқ ўзини бир ёқлик қилиб қўя қолмаганларига лак-лак бора афсуслар чекди.

У бир нечта тишидан айрилганди-ю, лекин ясама тиш қўйдириши мумкин эди, аммо чакагининг абжағи чиққанди. Уқ бир парча этини юлиб кетганди. Ўша жойи энди хунукдан-хунук чандиқ бўлиб қолади абадий.

Вискарранинг афти бедаво бўлиб қолганди. Миясида ғужғон ўйнаётган фикр-ўйлари хунугу даҳшатли эди. Бизон овчиси юзини қай аҳволга солиб қўйганига тикиларкан, баралла инграб юборди у. Қасос олишга аҳд қилди. Карлосни қўлга туширишсин-чи — қандай қийнашу қандоқ ўлдиришни ўзи билади! Ўлим унга, синглисию онасига ўлим!

Гоҳо-гоҳо Вискаarra овчининг синглисини жўнатиб юборганига ҳатто пушаймон еб қўярди. Оқибатидан нимага чўчиб ўтирибди-я? Нега энди уни ўлдириб ўчини олақолмади? У эндиликда қизни севмай қўйган, кўнгли совиган эди. Қизнинг заҳарханда кулгиси ҳанузгача унинг юрагини кемириб, мужимоқда эди. Унинг буткул азобу изтироблари — ҳаёти билангина бирга тугайдиган изтиробларининг боиси, кун битгунига қадар у қутула олмайдиган ғам-аламлар, таҳқирланишу хўрликларнинг сабабчиси ўша қиз! Нега энди ўлдириб юбормади уни? Бу акасида оллинган лаззатли қасос, чеккан уқубатлари эвазига олган энг аъло мукофоти бўларди-ку, ахир!

Ана шундай фикр-ўйлар ич-этини кемираётган Вискаarra тўшагида тўлғанар, юраги зардобга тўлиб инграр ва манфурона, бўралаб сўкинар эди.

Карлосни албатта қўлга тушириш керак. У, Вискаarra, бор кучи билан шунга эришишга ҳаракат қилади. Ушлаганда ҳам тирик қўлга олиш зарур. Жазосини беришга ошиқшининг ҳожати йўқ. Карлос ўлимга маҳкум албатта, аммо дарров ўлдириб қўя қолиш керакмас. Йўқ, Вискаarra дашти ёввойилардан ибрат олади. Ҳин-

дуларнинг қўлида бандилар қандай ўлим топса, бизон овчиси ҳам худди ўшандай ўлади: уни жазо устунига боғлаб, ёқиб юборишади. Вискаarra бунга онт ичди.

Ана ундан кейин — онаси. Уни жодугар ҳисоблашади. Уни худди жодугардай жазолаш керак. Ана шунда у ёлғиз ўзи иш кўрмайди. Уни иезуит отахонлар қўллаб-қувватлашлари шаксиз. Улар бундайин мутассибона шафқатсизликни жон худо деб адо этадилар.

Карлоснинг синглиси ёруғ жаҳонда бир ўзи қолгач, ҳеч зоғ унинг тарафини олмайди. Қиз бутунлай унинг изми-ихтиёрига ўтади. У қизни истаган кўйига солади — унга ҳеч ким халал бермайди... Унинг жисми-вужудида садо бераётган нарса муҳаббат эмас, интиқом истаги эди.

Мазкур жирканч аблаҳнинг миясида ана шундай иблисона ўй-хаёллар гужғон ўйнаётган эди.

Робладо ҳам бизон овчисининг ўлимига ундан кам ташна эмасди. Унинг иззат-нафсига ҳам худди ўшандай зарба етганди: у Каталанининг ўша одамга жиддиян кўнгил берганига — эҳтимолки, уларнинг дилларини муштарак севги ришталари боғлаб аллақачоноқ тил бириктириб олишганига — заррача шубҳаси қолмаганди. Робладо қалъада фоживий воқеа содир бўлганидан кейин бир марта қизни бориб кўрди. Шунда у қиз ўзини илгаригидан буткул бошқача тутаётганини пайқади. Эндиликда, «қотил» шунчалар шармандаи шармисор қилинган, капитан унинг устидан қозонилган зафар тантанаси нашидасини суриш умидида эди. Бироқ, Каталина бирон калима сўз ила Карлосни ҳимоя этмаган бўлсада — турган гапки, журъат этмади бунга — айни чоғда қарши томонни қувватлаб, бирон белги-аломат билан «қотил»нинг қилмишидан жаҳли чиққанини ҳам намоён этмади. Отасининг Карлос шаънига сахийлик-ла ёғдираётган ҳақоратларига қўшимча бўлган Робладонинг таҳқирли сифатлашу тавсифлари қиз дилига озор етказаетгандек туюлди. Шубҳасизки, журъат эта олганида қиз унинг ёнини олган бўларди.

Робладо эрта биланги зиёратида мана шуларнинг барини пайқаган эди.

Аmmo у қизнинг хатти-ҳаракати хусусида ўзининг хуфияси орқали хийла кўпроқ нарсани билиб олди. Каталанининг оқсочларидан бири — Висенса негадир бекасини хушламай қолган, унга хиёнат йўлига ўтиб, бир-

мунча вақтдан буён ўз хуштори-ҳарбийлардан бирининг ҳамкору шеригига айланиб қолганди. Озроққина олтин, ёлгон-яшиқ ваъда, бунинг устига ошиқ аскар — бу Хосе эди — ана шулар эвазига Висенса Робладонинг итоаткор қуролига айланган-қўйган эди. У Хосе орқали Каталина ҳақидаги маълумотларни олиб турарди, қиз эса ҳеч қандай шубҳага бормасди ҳам. Гарчи ушбу айғоқчилик ишлари яқингинада йўлга қўйилган бўлса-да, аллақачоноқ самара келтира бошлаган эди. Робладо Каталинанинг уни кўрарга кўзи йўқлигини, бошқа бировни севинишни билиб олди. Уша биров ким — Висенса билмасди бунинг, аммо Робладо осонгина фаҳмлаб турарди ким эканлигини.

Шу боисдан ҳам унинг Карлос, бизон овчисининг ўлимини истаётганининг ҳеч бир ажабланидиган жойини йўқ эди. Ҳа, у йиғитнинг ўлимига Вискаррадан кам ташна эмасди.

Ўз ниятларига етиш истагида ҳар иккалалари ҳам жонларини жабборга бериб ҳаракат қилишарди. Тўрт томонга излагани бўлук-бўлук аскар жўнатилди. Шаҳарнинг девор-тошларига — комендант билан капитан ижодининг маҳсули — Карлоснинг бошига мўмайгина мукофот ваъда қилинган эълонлар ёпиштириб ташланди; уни тиклай тутиб келтирилган одамга бундай ҳам кўпроқ пул ваъда қилган эдилар.

Маҳаллий жамоатчилик ҳам четда қўл қовуштириб турмади; ўзларининг холисона содиқликлари ҳамда ғайрат-шижоатлари исботи сифатида улар ҳам эълон битиб, унда Карлосни тутиш бахтига мушарраф бўлган кимсага катта маблағ, бутун бир бойлик беражакларини хабар қилгандилар. Мазкур эълонга шаҳарнинг жамиқи казо-казолари имзо чекишган, дон Амбросионинг исми шарифи биринчилар сафида савлат тўкиб турар эди. Жамоатчилик ҳатто аллақачоноқ шаккок қотилни ахтаришга киришган аскарларга мадад бериш ҳаракатига тушиб қолган — аниқроғи, уни қўлга олган кимсага ваъда қилинган катта пулга эга бўлиш дардидаги — талабгорлардан кўнгиллилар бўлгани тузиш тўғрисида ҳам гапира бошлаган эди.

Дарҳақиқат танг қоларли жумбоқ, боши шунчалик юқори баҳоланган экан, Карлоснинг умри кўпга бора олармикан-а?!

Робладо уйда ўлтирган жойида қочқинни қандай

қўлга тушириш устида бош қотирарди. У аллақачоноқ водий бўйлаб энг ишончли айғоқчию хуфияларини жўнатган, уларга туну кун аҳоли орасида гивирсиб-ўралашиб юришни буюрган эди. Улар Карлоснинг қаерларда бўлиши ёхуд овчи илгарилари учрашиб юрган одамлар хусусида нимаки эшитса, барини зудлик билан хабар қилишлари лозим эди, бу хизматлари эвазига яхшигина ҳақ тўлаш ваъда қилинганди. Еш чорвадор дон Хуаннинг уйини кузата бошладилар. Вискарра билан Робладо уни ўзгача бир усулда танобини тортиб қўйиш ниятида бўлсалар ҳам, йигитга ҳозирча тегмай туришга қарор бердилар — шунда режаларини амалга ошириш осонроқ бўлади. Елланган айғоқчилар аскарлардан эмас, балки шаҳар аҳлидан ҳамда қашшоқ чорвадорлардан эди; шаҳарнинг одатда ўзлари йўламайдиган қисмида ҳарбийларнинг пайдо бўлиши Вискарра билан Робладонинг ўйлаган режаларини барбод этиши мумкин эди. Бироқ, аскарлар ҳам шай туришарди-ю, илло қушчани чўчитиб юбормаслик ва ўз уясига қайтишига халал бермаслик учун бирмунча нарироқда пусиб ётишарди. Нимаям дердик, ушбу тадорикларнинг бари оқилона ҳамда мантқан тўғри эди.

Хулласи, Робладо уйда Карлосни қандай илинтириш устида бош қотириб ўлтирарди. Шу пайт эшик тикиллаб, қандайдир қоғозларга тикилиб мулоҳаза юритаётган Робладонинг хаёлини бўлиб юборди. Бу қоғозлар айғоқчилари қалъага ҳозиргина етказган ахборотлар бўлиб, у билан комендантга аталган эди.

— Ким у? — деб сўради у киришга ижозат беришдан олдин.

— Бу менман, капитан, — деган ўткир, чийилдоқ овоз эшитилди сўровига жавобан.

Робладо, шубҳасиз, овозни тайиди чоғи, негаки у:

— Э, сенмисан?! Қиравер! — деди.

Эшик очилди-ю, хонага паст бўйли, қорачадан келган, сувсарча мўғамбир башарали одам кириб келди. У қийшанглаб, беданачасига йўрғалаб қадам ташлар, эғнидаги мундири, қиличию шпорларига қарамай, сиеқи мўмин-итоаткор кўринарди. У қулларча лаганбардорлик оҳангида сўзларди, зобитга честь беришни ҳам гуломона хушомад-ла адо этди. Вискарра билан Робладога ўхшаган одамлар айнан мана шундай тоифадаги шубҳали нусхаларни ёллайдилар-да; бу нусха уларга худди шун-

дай мақсадда неча марталаб хизмат кўрсатган. Бу Хосе деган аскар эди.

— Хўш, нима дейсан? Висенсани кўрдингми?

— Ҳа, капитан. У билан кеча оқшом учрашдим.

— Янгилик бораканми?

— Яна билмадим-у, бу капитан учун янгиликми ё йўқми, кеча сеньорита уни уйига жўнатибди, у менга шунигина айтди, холос.

— Уни-я?

— Ҳа, капитан, оқпар-малла сочлини.

— А-ҳа! Уёғи-чи!

— Сиз кетганингиздан кейин алькальд, олиб кетишни хоҳлайдиган одам бўлса олиб кетсин уни, деб таклиф қилганидан ўзингиз хабардорсиз, ахир. Гап мана мундоқ, шунда бир қиз олдинга чиқди-да, бу мени танишим, деди. Кейин, ўша ерда яна битта хотин ҳам борийди — ўша қизнинг онаси. Уни ўшаларга беришди дарров; кейин улар қизни шаҳар сиртига, чакалакзордаги уйига олиб кетишди.

— Лекин у ерда қолган эмас у. Ҳали-ҳозирча тафсилотини эшитмаган бўлсам ҳам, унинг уйдан жўнаб қолганини биламан. Буёғи қандоқ бўлди?

— Мана мундоқ, капитан: улар уйга кирар-кирмас аравакаши тагнос бир арава етиб келди, шунда қиз, анави хотиннинг қизи Хосефа, оқпар-малла сочли билан аравага чиқиб, бирга жўнаб кетишди. Лекинига оқпар-малла сочлини на қизи, на онаси кўришган илгари. Хўш, сизнингча қандоқ, капитан: уларни, аравани ким юборган?

— Висенса нима деди?

— Уларни сеньорита юборган, деди, капитан.

— А-ҳа!— хитоб этди Робладо.— Висенсанинг ишончи қатъий эканми бунга?

— Ҳали бу ҳаммасиямас, капитан. Арава қўзғалгач, балким сал кейинроқдир, сеньорита отига миниб чиқиб кетибди уйдан. У, гўёки бирор чорвадорнинг қизига ўхшаб, оддий серапега ўраниб, бошига сомбреро кийиб олибди. Бунақанги либос, менимча, олинасаб сеньоритага муносиб эмас. У айланма йўлдан от чоптириб кетибди. Лекигин Висенса уни, уйлар ёнидан ўтиб бораётиб катта йўлга бурилган ва эҳтимол, ўша аравага етиб олган, деб ўйлапти. Бунга вақти бемалол етарли экан.

Бу маълумотлар, афтидан, Робладога қаттиқ таъсир

этди. Афти тундлашиб, қошлари чимирилди, кўзлари чақнаб кетди — турқидан хаёлига қандайдир янги режа келган кўринарди. У ўз хаёлларига гарқ бўлиб пича жим қолди, сўнгра сўради:

— Ҳаммаси шуми, Хосе?

— Ҳаммаси, капитан.

— Эҳтимол Висенса тагин бирон нимани билиб олгандир. Бугун кечаси яна учраш у билан. Тайинлаб айт, сенъоритадан кўз узмасин. Агарда уларнинг хат ёзишларини билиб берса, яхши ҳақ тўлайман унга, сени ҳам қуруқ қўймайман. Анави хотин билан қизи тўғрисида муфассалроқ билиб ол. Уларни аравада элтиб ташлаган тагносни қидириб топ. Вақтни ўтказма, Хосе. Бор, йўлга туш!

Хушомадгўй аскар лаганбардорона ташаккур билдириб, яна бир бор тавозе-ла кафтини чаккасига қилди-ю, эшик ортида ғойиб бўлди.

Робладо у чиқиб кетгани ҳамоноқ ўрнидан сакраб туриб, ҳаяжонда хонада уёқдан-буёққа юрган кўйи ўзи билан ўзи сўзлаша кетди:

— Жин урсин!!! Нега энди бу тўғрида илгарироқ ўйламабман? Улар ёзишиб туришади... Бўлмасам-чи! Вой иблислар-эй! Қанақанги аёл ўзи бу! Мабодо синглизини ҳиндулардан гўёки биз халос этганимизга ўзиям ишониб қолмаган бўлса, бу овчи ҳозирда ҳаммасини билиб олгани тайин. Дон Амбросионинг уйини кузатиш керак. Балки уни илинтирадиган тузоғимиз айнан шу бўлар? Севги — акалик меҳрига нисбатан чандон бора ишончлироқ хўрак. Шошмай туринг, сенъорита! Мабодо бу тўғри чиқса, ана унда кўрасиз, сизнинг тушингизга ҳам кирмаган дастак қўлимда бўлади. Шунда ўша қовоқалла дадажонингиздан мадад сўраб ўлтирмай ҳам, ўзларини ҳамма шартларимга кўнишга мажбур қилганим бўлсин!

Робладо интиқом ва зафар орзуси сурури ила ўз ният режаларини тагин бир неча дақиқа мобайнида пишитди, кейин хонадан чиқиб, ҳозиргина Хосе келтирган маълумотларни етказмоқ ниятида комендант ҳузурига йўл олди.

Дон Амбросно де Крусеснинг уйи шаҳардаги қўраҳовлилардан эмасди. У шаҳар ёнгинасида — аниқроғи шундоққина шаҳар чеккасида, кент майдонидан тахминан саккиз юз ярд масофада жойлашган эди. У танҳо, бошқа уйлардан хийла олисроқда қад кўтарганди. Уни вилла¹ ёхуд коттедж деб атаб бўлмасди — Мексикада на унисю на буниси, на ҳаттоки шуларга ўхшаган нарса бор. Ушбу ўлкада минг миллаб масофада, унинг шимолӣ чегарасидан то жанубийсигача, меъморлик услуби бир хил — бир тусу бир зайлда. Чоғроқ-чоғроқ уйлар, камбағалларнинг ранчолари, денгиз сатҳидан қандай баландликда эканлигига боғлиқ бўлган уч хил иқлим — иссиқ, мўътадил ҳамда совуқ минтақада жойлашганига қараб бир-бировдан фарқ қилади. Иссиқ ўлкаларда асосан (ўзгача қилиб айтганда соҳилбўйи ва мамлакат ўртасидаги баъзи водийларда) қамиш ва синчдан қурилган, томи пальма барглари билан ёпилган энгилгина иморат — ранчолар. Хиёл юқорироқда, ясситоғликда ястанган Текисликда — шуни айтиб ўтиш лозимки, мамлакат аҳолисининг аксар қисми айнан ана шу ерларда истиқомат қилади — раночаларнинг жамикиси гувалалой деворли. Урмонли тоғ ёнбағирлари, денгиз сатҳидан хийла баландда ранчолар хода-ёғочлардан қурилган; уларнинг томи тахта пилакчалари билан қопланган, бўғотлари энли, анчагина олдинга чиқиб туради; улар америкаликларнинг овлоқ ўрмонлардаги ёғоч кулбаларига заррача ўхшамайди ва улардан чандон бора саранжом-саришта ҳамда кўркамоқ.

Бу ранчо хусусида. Ўзингиз кўриб турибсизки, бу ерда бирмунча хилма-хиллик бор. Бойларнинг уйлари ҳақида бундай деяёлмайсиз. Жуғрофий кенгликнинг ўттиз градуслик минтақасини энию бўйигача олганда, Мексиканинг у чегарасидан бунисигача ва эҳтимолки, бутун Испан Америкасида, бойларнинг иморатлари бир хил услубу бир хил андозада солинадн. Башарти сиз аҳёнда бир бўлакчароқ меъморлик услубида солинган иморат учратиб қолсангиз, унда сўраб-суриштириб, уйнинг эгаси муҳожир: кон эгаси бўлмиш инглиз, фаб-

¹ Вилла — боғли кошона.

рика хўжайини шотланд ёки савдогар немис эканини билиб оласиз.

Буларнинг бари фақат қишлоқ жойларга тааллуқли. Кичик шаҳарчаю кентларда иморатлар худди шаҳар ташқариларидагининг ўзгинаси, сал-пал ўзгарিশу, унча-мунча янгиликлари бор, холос. Йирик шаҳарларда эса, гарчи у ерларда ҳам баъзи бир соф мексикача жиҳатлар сақланиб қолган бўлса-да, биноларнинг меъморчилик услуби Европа шаҳарлари, шубҳасизки, асосан испан меъморчилигига ёндашиб келади.

Дон Амбросионинг уйи шаҳар атрофидаги бўлак бадавлат хонадонларнинг қўраларидан кам фарқ қиларди. У турма, қалъа-қўрғон, монастир ёхуд ҳарбийлар қароргоҳига ўхшарди — ўзингизга ёққанига ўхшатаверинг, марҳамат; шунга қарамай, ҳар қалай унинг ташқи кўринишини деворлари бўялган ранглар — бир-бирови билан алмашган қизил, оқ ва сариқ тикка йўл-йўл бўёқлар — сезиларли даражада жонлантириб турарди. Ана шундай ғирт шарқона ёрқин бўёқлар шарофати ила мексикача услубдаги иморат унчалик совуқ кўринмасди. Бундай усул-услуб Мексиканинг баъзи қисмларида кенг тарқалган.

Уй жуда оддий, соддагина қурилган. Унга олд томон, катта йўлдан боқсангиз, ўртасида каттакон дарвозаси, помутаносиб жойлашган уч ё тўртта деразаси бор узун деворни кўрасиз. Деразалари тикка-тиккасига қадалган темир чивиклар билан иҳоталанган. Бу дераза панжараси. Деразаларга на ойна солинган, на қопқоқлари бор. Дарвозаси оғир, ёғочдан, сиртига тунука қопланган, темир ғалақалар билан маҳкамланади. Олд томондаги девор — бир қават баландлигида, лекин томдан тепада кўкрак бўйи баробарида панжара-тўсиқ ҳам борлигидан баланд кўринади. Том ясси бўлганлиги туфайли пастдан панжара-тўсиқни пайқаб бўлмайди.

Уйнинг сўл бурчагидан ўнгга бурилиш. Яна-тағин болохона-кўшкни кўраман деб умидвор бўлманг, бунақанги уйларда тағи-туғида бўлмайди у. Яхлит, силлиқ девор узундан-узун чўзилиб кетган, баландлиги олд томондаги деворни тепасидаги панжара-тўсиғи билан қўшиб олганда баб-баравар келади; борди-ю. шу девор ёқалаб охиригача борсангиз-у, яна муюлишдан мўралаб қарасангиз, худди ўшанақанги деворни кўрасиз — тўрт бурчакнинг сўнги девори.

Дон Амбросионинг уйи олд томонини кўриш насиб этмайди бунақада (бинонинг хийла ҳашамдорлик қисмини назарда тутган тақдирда, албатта). Мексикалик ўз уйининг ташқи кўринишига аҳамият бермайди. Ички ҳовлидангина — патно — қаршингизда бинонинг жамоли: олд томони намоён бўлади ва сизни ўзининг нозик безакларию салобати билан лол қолдириши ҳеч гап эмас. Ана шунда сиз уй соҳибининг дидига баҳо бера оласиз.

Келинг, патно¹га ўтайлик. Дарвозабон қопқанинг тақиллаши ёхуд кўнғироқ овозини эшитиб, чоққина, бир тавақали эшикни очади бизга — юқорида таърифланган дарвозанинг дарчаси бор. Шунда биз бинониникига ажратиб турган шифти гумбазсимон йўлакдан ўтиб бориб, ҳовлига чиқамиз. Энди қаршимизда уйнинг ҳақиқий олд кўриниши намоён бўлади.

Ҳовли саҳнига рангли ғиштлар шахмат тахтаси тарзида ётқизилган. Уртада тизиллаб фаввора отиляпти, унинг ҳовузчаси нақшин гуллар билан безалган. Илдизлари ғишт ётқизилган саҳнга зиён етказмаслиги учун катта-катта ёғоч пақирларда ўстирилган дарахтлар, уларнинг шох-бутоқлари батартиб кузалган. Ҳовли теграсидаги эшикларга кўзингиз тушади; улардан баъзилари ойнаванд ва дид билан парда тутилган. Катта меҳмонхона, емакхона ва хобхоналарнинг эшиклари уч томонда жойлашган, тўртинчи томонда ўчоқбоши, омборхона, қазноқ, шунингдек отхона ҳамда араваю извошхоналар жойлашган.

Уйнинг яна бир муҳим бурчини тилга олиб ўтмоқ даркор: бу том-асотейар. Уёққа тош зиналардан чиқилади. Том ясси ва ниҳоятда мустаҳкам, зеро у цемент билан сувалган, ёғин-сочин писанд эмас, бутун гирди атроф-теваракни томдан кузатишга халал бермайдиган, бироқ йўловчи-ўткинчиларнинг сур ҳамда шилқим нигоҳларидан муҳофаза этадиган баландликдаги тўсиқ — пастак девор ила қуршалган. Қуёш ботгач ёки у булутлар панасидалигида асотейар — сайр қиладиган энг кўнгилли жой. Дон Амбросионинг уйи томида сайр қилиш айниқса кўнгилли, зотан у нақ боғнинг ўзгинасига ўхшаб кетади. Бутун гирдига қора лок билан бўялган тувакларда нодир ўсимликлар қўйилган, уларнинг ям-яшил шох-шаббалари ҳамда ёрқин-ярқироқ гуллари уйни ташқи

¹ Патно — ичкари ҳовли.

томондан ҳам муъжизавор бир тусда безаб туради.

Аmmo бу бадавлат кон эгасининг хонадонидаги якаю-ягона боғ эмас. Уй ортида шаклан узунчоқ, икки томонидан баланд девор олинган яна битта боғ бор. Бу деворлар токи анҳор қирғоғигача чўзилиб кетган. Анҳор соҳилида девор йўқ, анҳор бу ерда етарли даражада кенг ва чуқур бўлиб, бемалол девор хизматини ўтайди. Боғ катта, этагида эса яна мевали дарахтлар ўтказилган. Дид билан ўтказилган йўлка, турли шаклу ҳажмдаги гулпушталар ҳамда яшил суҳбатгоҳлар унинг чиройига чирой қўшади. Мазкур боғда сайр қиларкансиз, дон Амбросио (гарчи, у бор-йўғи бадавлат мартабаю обрўталаблардан бўлса-да), нозик дидга эга экан деб ўйлашингиз мумкин — бунақанги сўлим бурчакларни Мексикада кўпдаям учратавермайсиз-да, ахир. Ило мазкур соя-салқин дарахтзорлару оромбахш суҳбатгоҳларни у ўйлаб топган эмас. Буларнинг барини унинг соҳибжамол қизи ўйлаб топган, у талайгина соатларини ана шу салқин боғда ўтказилади.

Дон Амбросиога коннинг кўриниши — қоядаги атрофида чақмоқтош уюмлари қалашиб ётган улкан камгак ва унинг ичкарасидаги манзара оламдаги жамики гуллардан азизроқ эди. Қуйма кумушнинг бир уюми унинг нигоҳини қора лола ёхуд мовий картошкагуллар чаманчаман очилган чечакзордан кўпроқ маҳлиё этиб, ақлини кўпроқ ўғирлаши тайин эди.

Каталина отасига мутлақо ўхшамасди. Унинг дидтабиати ниҳоятда нозигу юксак эди. Унга бойлик ҳирси ва бойлар кибру ҳавоси мутлақо ёт эди. У талай мишмишу фикр-мулоҳазалар туғилишига сабабчи бўлаётган меросни жон-жон деб рад этиб, ўзи севган кишиси билан қашшоғона ранчода яшашга рози эди.

XLIII БОБ

Қуёш уфқ сари оғиб борарди. Унинг оловли гардинши мағриб ёқда юксалган Сьерра-Бланкнинг қорли чўққисидан бўса олгани ошиқарди. Тоғ кифтларидан қуйи-га томон тушиб келган оппоқ ридо барлари очқирмизи рангда ял-ял чўғланар, дараларнинг кемтигу камгак жойларида алвон тус олар ва Сьерра ёнбағирларини қоплаган қорамтир ўрмонлар қаватида янада гўзалроқ,

фараҳлироқ кўринар эди.

Уша кунги оқшом айниқса ёрқин бўлди. Мағриб ёқда анвойи тусли булутлар қалашиб-мингашган; заррин, қирмизи ва ложувард мовий ранглар антиқа тарзда уйғунлашиб, беназир нақшинкор кошона касб этган; булутлар бағоят ғаройиб шаклу шамойилга кирган ва бу ярқираб жилоланаётган, мафтункор хилқатлар қайсидир ўзга оламдан келган махлуқотга ўхшаб кетарди. Ушбу манзара кўзларни қувнатиб, қайғуга ботган аламли дилларни яйратиб, завқ-шавқ бахш этмоғи, бахтиёрларни янада бахтиёрроқ қилмоғи лозим.

Шубҳасизки, бу манзара пайқовсиз қолмади. Унга бир жуфт кўз, беқиёс гўзал кўзлар тикилганди, илло уларда ҳар қалай ўзлари қадалган манзарага асло мос тушмайдиган андуҳ зуҳур этиб турарди.

Бу кўзларга ғам-андуҳ соясини ташлаётган нарса шафақ ёлқини эмасди, йўқ. Гарчанд улар шафаққа тикилаётган бўлса-да, нигоҳида акс этаётган қайғу кўнгилга ташлаган ғашликдан эмасди. Қалбини ўртаётган — мутлақо бўлак армон эди.

Бу кўзларнинг соҳибаси — ёш қизалоқ эмас. Балки авжи яшнаб, хусни-малоҳати қиёмга етган соҳибжамол қиз эди. У данғиллама уйнинг асотеясида турар ва сержило шафақни суқланиб томоша қилаётганга ўхшардию, бироқ хаёли кунботар шафағида эмас, кўнгилга унчалик ўтиришмайдиган нохуш ўйлар билан банд эди.

Ҳатто ўт туташган осмон бағридан ёғилаётган қирмизи ёлқин ҳам унинг чеҳрасидаги ғам соясини тарқата олмаётганди. Қалбини забт этган қоронғулиқ ташқи олам ёлқинидан кучлироқ чиққан эди. Фира-шира кўлка гўзал чеҳрасини тунду хиралаштирар, зотан қалбини соя-кўлагалар буткул чирмаб олганди.

Шунга қарамай унинг чеҳраси гўзал, баланд, адлу сарв қадди-басти беқиёс. Бу соҳибжамол Каталина де Крусес эди.

У асотеяда ёлғиз, анвойи тур ўсимликлару гуллар қуршовида танҳо. Пастак тўсиқ девор узра энгашиб, ғарб ёққа тикилган кўйи ботаётган олам чароғини кўриб турибди.

Гоҳо-гоҳо осмону қуёшга қараб қўйяпти, ammo кўзлари кўпроқ боғ ичкарисига, ёввойи хитойи дарахтлар соя ташлаб турадиган, хушқад дарахт таналари орасидан анҳор кумуш тасмадай яққираб кўринаётган жойда

эди. Қизнинг нигоҳи вақти-вақти билан аллақандай ғалати бир қизиқиш-ла ана ўша дарахтзорда тутилиб қол-япти. Бу жой унинг нигоҳини тортаётганининг ажабланидиган ери йўқ. Илк бора муҳаббат аҳд-паймонини мафтуну маҳлиё бўлиб худди ана шу ерда эшитган; бу аҳду паймон бўса ила мунаввар этилган ва қиз уни ўз орзулари қанотида аянчли заминдан самовий юксакликларга учирма қилган. Унинг учун ўша ердан ажойибу азизроқ жой йўқлиги таажжубланарли эмас асти. Жаҳондаги энг донғи кетган истироҳат боғларида, ҳатто жаннатда ҳам унинг ўзи мазкур ёввойи хитойи дарахтлар шох-шаббасию япроқлари қўйнида барпо этган мўъжазгина яшил суҳбатгоҳга тенг келадиган соясалқину сўлим гўша топилмаса керак.

Унинг боқишлари нечун бундайн ғамнок? Ахир ўша панагоҳда шу бугун келасиёқ ушбу гўшани унинг учун мунаввар ошиёнга айлантирган кимсаси билан дийдор кўришади-ку. Хўш, нечун бунчалик ғамбода у? Бўлажак висол онлари суруридан шоду хурсанд бўлмоғи даркор эмасми, ахир?!

Ора-сира, бўлажак учрашувни ўйлаган дақиқаларда шундай бўлиб ҳам турди. Лекин хаёлига бўлак ўй ҳам дориб турар ва бу ҳол хавотирли ҳис-туйғуларни уйғотарди, чеҳрасига соя ташлаётган нарса эса ана шу эди. Қандай фикр-ўй бўлди экан бу?

Каталина қўлида бандолани тутиб турибди. Мана у ўриндиққа чўкиб, ғалати бир испанча қўшиқ оҳангини тингиллата бошлади. Аммо у шу тобда ўзини бошқара оладиган ҳолатда эмасди. Хаёллари аллақаерларда изғир, бармоқлари измига итоат этмасди.

У бандолани қўйиб, тагин ўрнидан турди-да, асотей бўйлаб, уёқдан-буёққа юра бошлади. Сайр эса тасалли бериб кўнглини тинчлантира олмади. Баъзан сеньорита тўхтаб, кўзларини ерга қадаганча, нима хусусдадир ўйга толгандай кўринарди. Кейин тагин юра бошлар ва яна жойида тек туриб қолар эди. Яна ва яна сўзсиз-содасиз, жимгина шу ҳол такрорланарди.

Бир гал у, худди ниманидир ахтараётгандек, ўсимлигу гул туваклари орасидан мўралаб қараган кўйи бутун асотей теграсини айланиб чиқди; аммо излашлари бесамара бўлди, бирон нарса эътиборини тортмади.

У тагин ўриндиққа ўтириб, бандолани қўлига олди. Илло бармоқлари учи торларга тегар-тегмас созни қў-

йиб, қўққисдан қандайдир муҳим нарса эсига тушиб қолгандек, дик этиб туриб кетди.

— Нимага хаёлимдан қочирибман-а буни? Уни боғда тушириб қўйган бўлишим мумкин-ку, ахир!— дея пичирлади у ва чопқиллаганича зинапоядан пастга, патиога тушиб кетди.

Энсизгина йўлак патиодан боққа олиб чиқар эди. Лаҳза ўтмаёқ Каталина дам-бадам энгашиб, ҳар бир дарахт, ҳар бир бутанинг остига — ўзи ахтараётган нарса-си тушиб қолиши ва кўзга кўринмай ётган бўлиши мумкин жой борки жамига кўз ташлай-ташлай, қум сеппилган йўлкадан кетиб борарди.

У буткул бурчакларни тит-пит қилиб излаб чиқди, кейин хитойи дарахтлар оғушидаги яшил суҳбатгоҳда пича тутилиб қолди—бу унинг учун ўзгача азиз жой эди-да, ахир. Ниҳоят, мана у боғни тарк этди; чехраси бояги-боягидек ташвишли: сеньорита тушириб қўйган нарса-сини топа олмаган кўринади.

У асотеяга қайтди, яна бандолани қўлига олди-да, худди боягидек торларини тинғирлатиб жойига қўйди-ю, тагин ўрнидан туриб, ўзи билан ўзи сўзлашишга тушди:

— Жуда ғалати бўлди-ку! Хонамдаям йўқ... Меҳмонхонада, емакхонада, асотея, боғда ҳам — ҳеч қаерда йўқ... Қаёқда қолиши мумкин? Вой худойим-а! Дадамнинг қўлига тушиб қолган бўлса нима бўлади? Унда ҳаммаси очиқ-ойдин ёзилган, беш қўлдай тушунарли қилиб... Йўқ, йўқ, йўқ!.. Бордию бошқа бировнинг қўлига тушган бўлса-чи! Унинг душманлари қўлига! Унда бугун кечаси... деб ёзилган... Тўғри, қаердалиги айтилмаган-у, лекин вақти кўрсатилган, қаердалигини ақл югуртиб пайқаб олиш қийин эмас... Кошкийди уни қандай огоҳлантиришни билсам-а! Буни билмайман-да, у ҳеч нарсадан беҳабар келаверади. Шўргинам курсин, энди ҳечам огоҳлантириб бўлмайди. Ишқилиб душманларнинг қўлига тушмаган бўлсин-да. Қаерда тушиб қолдийкин-а? Ё биби Марям, қаёқда қолдийкин-а, у?..

Ушбунинг барини шундайин тўлқинланиб айтаётган эдики, сеньоританинг ўзи учун ниҳоятда муҳим ва қимматли нарсасини тушириб қўйгани кундай равшан кўриниб турарди. Бу Хосефа келтирган, Карлос унда шу бугун тунда келишини ёзган хатдан бўлак нарса эмасди. Шу боисдан ҳам бу йўқотиш уни хавотирга солиб

қўйганини сира ажабланадиган жойи йўқ эди. Хатнинг мазмунини нафақат унинг покиза номига доғ туширибгина эмас, шунингдек, севгилисизнинг ҳаётини таҳлика остида қолдирарди. Ана шунинг учун ҳам унинг чеҳрасига қора кўлагалар соя ташлаган, хавотир исқанжасида бутун боғу асотейни айланиб ўшани ахтариб чиққанди.

— Висенсадан сўраб кўришга тўғри келади,— ўз ўзи билан сўзлашишни давом эттирди у.— Лекин сўрашга сираям кўнглим бормаяпти-да. Шунақанги ўзгариб қолганки, асти қўяверасиз! Жудаям самимий, ҳалол қиз эди, алдоқчи ва иккиюзламачи бўлиб қолган ҳозир. Икки марта ёлгон гапирганида тилидан илинтирдим. Нимага бунақа бўлиб қолдийкин-а?

Қаталина худди ўйга толгандай, бир оз жим қолди.

— Шундаям бари бир сўрашга тўғри келади. Эҳтимол қоғозни топиб олгандир у, бирорта керакмас қоғоздир-да, деб ўйлаб, ўтга ташлаб ёқиб юборгандир. Яхшиямки ўқишни билмайди. Лекин у ўқишни биладиганлар билан учрашиб туради-ку, ахир... Буни қаранг-а, унинг дўсти, анави аскарни бутунлай унутиб юборибман-ку. Тағин у хатни топиб олган ва ўшанга кўрсатган бўлса-чи?.. Ё одил эгам!

Шундай бўлиши мумкин эканлиги ҳақида ўйлаш изтиробли эди, сеньоританинг юраги қаттиқроқ уриб, тез-тез, энтикиб нафас ола бошлади.

— Қандай даҳшатли бўлади унда!— сўзлашда давом этди у.— Бундан касофат иш бўлмайди оламда!.. Сираям ёқмайди ўша аскар менга, қандайдир айёр ва пасткаш кўринади... Комендант унга мурувват кўрсатса ҳамки, ярамас одам дейишади уни. Агарда хат ўшанинг қўлига тушган бўлса, худонинг ўзи асрасин-да! Вақтни кеткизмаслик керак, дам ғанимат Висенсани чақириб, сўраб кўраман.

У тўсиқ девор олдига бориб, пастга қараб овоз берди:

— Висенса! Ҳой Висенса!

— Нима дейсиз, сеньорита?— қаердандир уй ичкари-сидан жавоб эшитилди.

— Буёққа кел!

— Ҳозир, сеньорита.

— Тезроқ! Бўлақол!

Қалта гулдор юбка билан енгсиз оқ кофта кийган қиз патиога чиқиб, зинадан томга кўтарилаверди.

Оч-қаҳваранг туси унинг метис — ҳинду билан испан

аёлидан туғилган қурама эканидан далолат бериб турарди. У кўҳликкина эди-ю, аммо афтига бир қараган одам уни сахий-меҳрибон, ҳалол-покиза, хушмуомала деб ўйламасди: бу башарада ёвузона заҳар-заққумлик, муғамбирлик ифодаси мужассам топганди. Важоҳати-ям жиноят устида қўлга тушган ва ҳар қандай чора-жазога тайёр турган одам сингари тўрсайган ҳамда жигарга тегадиган қиёфада эди. Бунақанги турқ яқингинада пайдо бўлганди унда, шунда бекаси унда рўй берган бошқа ўзгаришлар қатори ушбу янгиликни ҳам пайқаган эди.

— Нимани истайдилар, сеньорита?

— Мен бир парчагина қоғозни тушириб қўйибман, Висенса. У найча қилиб ўралганди... хатга ўхшатиб эмас, манавинақа қилиб.— Шундай деб у қизга худди ўшандай ўралган қоғозни кўрсатди. — Мабодо ўшанақа қоғозга кўзинг тушмадими?

— Йўқ, сеньорита,— ўша заҳотиёқ жавоб қилди қиз.

— Балки уни супуриб ёки оловга ташлаб юборгандирсан? Кўринишидан арзимагангина қоғоз эди, аслидаям шунақайди-ю, унда битта расм борийди, ўшани кўчириб олсам дегандим. Ишқилиб бир нима қилишмаганмикин уни, сен нима деб ўйлайсан?

— Қайдам, сеньорита. Лекинги мен уни нобуд қилганим йўқ. Мен уни супуриб юборганим ҳам, оловга ташлаганим ҳам йўқ. Ўзим ўқиёлмаганимдан кейин унақа қоғозни қандоқ ташлаб юборардим? Унақада керакли қоғозларниям ташлаб юбориш мумкин-ку, ахир.

Мулоҳазасининг иккинчи қисми тўғрими ё ёлғонми, билмадиг-у, аммо Висенса, гапнинг бошида ҳақиқа кўчганди. У қоғозни нобуд қилмаган — супуриб ҳам ташламаган, ёқиб ҳам юбормаган эди.

У тўппа-тўғри ва соддагина қилиб, худди ўзидан бундайин эҳтиётсизлигу бепарволикда шубҳаланаётганларидан ранжигандек, ҳаттоки пича жаҳли чиқиброқ жавоб қайтараётган эди.

Унинг жавоби, афтидан, бекани қаноатлантирганга ўхшади, бироқ у Висенсанинг сўз оҳангини фаҳмладимикин — бу борада бирон нима дейиш қийин, зеро у:

— Майли. Буни унчалик аҳамияти йўқ. Кетишинг мумкин, Висенса,— деб қўя қолди у.

Қиз қош-қовоғини уйганча нари кетди ва зинадан пастга туша бошлади. Охирги сонияда у ўзинга орқа ўги-

риб турган бекасига қараб қўйди, шунда заҳаролуд ҳамда масҳарасмуз иршайишдан лаблари бурилди. Турган гапки, у йўқолган қоғоз парчаси хусусида бекасига айтганидан кўра кўпроқ нарсани билар эди.

Каталина яна ботиб бораётган қуёшга боқди. Бир неча дақиқадан сўнг тоғнинг қорли чўққиси ортига шўнғиб, кўздан ғойиб бўлади. Бир неча соат ўтгач эса— қувончли виссол онлари!

* * *

Робладо илгариги сафардагидек уйида ўтирибди. Бир пайт худди ўтган галгидек эшик астагина тиқиллади. У яна ўшандагидай: «Қим у?»— деб сўради-ю, тагин: «Менман!»— деган жавоб эшитилди. Шунда у ўша галгидек овозни таниб, тиқиллатаётган одамга ичкарига киришга рухсат этди. Зобит ҳузурига яна қўлини лаганбардорона ҳолда чаккасига қилганча оддий аскар Хосе кириб келди.

— Хўш, Хосе, қандай янгиликлар бор?

— Фақат мана шу,— жавоб қайтарди аскар, найча қилиб ўралган қоғоз парчасини узатиб.

— Нима бу? Қимдан?— шоша-пиша сўради Робладо.

— Капитаннинг ўзлари мендан кўра яхшироқ тушуниб, билиб оладилар — мени ўқишга тишим ўтмайди-ку, амир. Бу қоғозни сеньоритадан яшириқча олишган, унда хат ёзилганга ўхшайди. Кеча эрталаб ибодатхонада сеньоритага аллаким берганмиш — Висенсанинг фикри шундоқ. У сеньорита эрталабки ибодатдан қайтибоқ шуни ўқиётганини кўрибди. Висенсанинг гапича, уни водийга деҳқон қизи Хосефа келтирганмиш. Капитан, балким, ўзлариям кўрарлар...

Робладо, аллақачон хатни ўқишга берилиб кетган, Хосе айтаётган гапларнинг ярмиям қулоғига кирмаган эди. У мактубни охиригача ўқиб, бўлгач, бамисоли биров бигиз суқиб олгандек ўтирган курсисидан сапчиб турди-ю, ҳаяжонда хона бўйлаб уёқдан-буёққа бориб келишга тушди.

— Тезроқ! Тезроқ бўл, Хосе!— қичқирди у.— Хомесни айтиб юбор, буёққа. Бировга чурқ этиб оғиз очакўрма! Тайёр бўп тур, сен ҳам керак бўлиб қоларсан балки менга. Хомесни ҳаялламай айтиб юбор буёққа! Бор!

Аскар бу сафар сал мундайроқ хушомад-ла честь

берди — ғоятда шошиб қолганди-да, ахир! — ва хонадан отилганча чиқиб кетди.

— Омадни қаранг-а, худо ҳаққи! — ғудранди Робладо — Телба ошиқ бундай хўракни деб тузоққа илинмай қолган ҳол бўлганмас! Яна тағин шу бугун ярим кечасиёқ! Ҳозирлик кўришга бемалол вақтим бор. Қани энди, учрашув жойини билганимда эди-я, нур устига аъло нур бўларди-да! Илло бу тўғрида ҳеч нима дейилмаган хатда.

У хатни қайтадан ўқиди.

— Айтилмабди, жин ургур! Минг афсус-а! Нима қилсам-экан? Кўр-кўрона иш тутиб бўлмайди-ку, ахир... Воҳ, топдим! Уни кузатиш керак! То учрашадиган жойларига боргунича пойлаш керак. Висенса удалайди буни, биз бўлсак бу вақтда яқин-орада пистирмада ётамиз. Қаерда учрашишганини Висенса бизга етказди. Шундан кейин уларни қуршаб олишга улгурамиз — дарров ажралиша қолишмаса керак ахир. Биз уларни ширин висол дамлари лаззатини сураётганларида қўлга туширамиз. Минг лаънат-э! Менинг йўлимга ким тўганок бўлганини ўйлаб кўринг-а — жирканч кўппак, бизонлар кушандаси-я! Сабрли бўл, Робладо, ҳовлиқма! Шу бугуноқ... шу бугун тундаёқ!

Эшик тикиллади. Сержант Хомес кирди.

— Ингирма нафар аскар танла, Хомес! Энг сараларидан, эшитяпсанми! Ун бирга шай бўлиб тур. Вақт етарли, аммо мен чақиртиргунимча тахт бўлсин ҳаммаси. Бегоналарга оғзингдан гуллай кўрма! Отларни эгарлашни буюргин-у, одамларга тайинлаб қўй, тишларини-тишларига босишсин. Қарабинларни ўқлаб қўйинглар. Бажарадиган ишинг бор, Нима ишлигини кейин биласан. Бор, тайёргарлик кўр!

Сержант бирон оғиз сўз айтмай, буйруқни бажаргани жўнади.

— Лаънатлар бўлсин-э! Уша жойни тахминан бўлсам билганимда эди-я! Уйга яқинмикин? Ё боғдами? Эҳтимол бирон узоқроқ жойда, шаҳардан четдадир? Бўлиши мумкин! У нақ шаҳар сарҳадигача келишга жазм этолмас-ов — унда ўзини ёки отини таниб қолишлари мумкин. Ҳе, ўша оти ҳаром қотсин!.. Йўқ, йўқ! Уша отни қўлга киритмасам Робладо отимни бошқа қўйганим бўлсин! Мабодо қаерда учрашишларини олдиндан билиб ологанимизда қойилмақом иш бўларди-да. Лекин

ундоқ бўлмади, хатда учрашадиган жой тўғрисида ҳеч нима дейилмаган. Йўғ-э, қанақасига, «эски жойда» дейилган-ку! Э минг лаънат-э! Илгариям учрашишган экан-да ҳали, яна-тағин, тез-тез учрашиб туришган бўлишса-я. Оҳ-ҳ!

Робладонинг кўксидан изтиробли ингроқ отилиб чиқди-ю, гўё ақли-ҳушидан айрилаётгандек, хонада наридан-бери зир югуриб қолди.

— Вискаррага ҳозироқ айтсаммикин ёки ҳаммаси охирига етказилганидан кейин маъқулмикин?— сўзлашда давом этди у.— Сабр қилганим маъқул. Кечликка антиқа янгилик бўлади-да, ўзиям! Балким дастурхонга бизон овчисининг қулоқларидан тайёрланган таом тортарман!

Шундай дея ярамас муттаҳам иблисона қаҳқаҳа уриб юборди. Сўнг қиличини осиб, зилдай тўппончадан бир жуфтини олди-да, шпорлари мустаҳкамлигини текшириб кўриб, шитоб-ла хонадан чиқди.

XLIV БОБ

Ярим кечага бирор соат қолганди. Кўкда ой нур сочар, аммо у уфққа оға бошлаган, водийни жануб ёқдан девор янглиғ тўсиб турган қоялар бир неча ярдлик узундан-узун кўланка ташлаётган эди.

Ясситоғликнинг тош қирғоғи ёқалаб, шундоққина ясситоғ этагида бир сувори шаҳарга қараб кетяпти. У отини эҳтиёткор одимлатиб бораркан, вақти-вақти билан йўлга безовталиқ ила қараб-қараб қўярди — чамаси нимадандир хавфсираётган ва ўзини сездирмасликни истаётган эди. Шубҳасизки, айнан шу сабабдан ҳам у қоялар кўлагасидан бораётганди, бинобарин у ёнбағирлик қиялашиб, кўланка ташламай қўйган ерга яқинлашаркан, йўлдан тўхтаб, диққат-ла атрофни кўздан кечирарди, шундан кейин ўша жойдан тез ўтиб оларди. Башарти у бирор кимсанинг кўзига чалинмасликка уринмаган чоғида, турган гапки, қоя этагига қисиниб юрмай, хиёлгина наридан ўтган хийла мақбул йўлни танлаган бўларди.

Шу зайлда бир неча миль йўл босгач, сувори ниҳоят шаҳар рўпарасидан, уч миль беридан чиқди. Бу ердан шаҳарга олиб борадиган, қоялар оралаб кетган —

яснитоғликнинг сўл қисмига эътадиган сўқмоқлар билан туташган йўл ўтган эди.

Сувори оти жиловини тортиб, ўй сурганича бир неча дақиқа йўлга тикилиб қолди. Кейин ундан боришдан воз кечиб, яна бир милча масофани қоялар кўланкасида босиб ўтди, сўнгра яна тўхтаб, ўнг томонини диққат-ла кўздан кечирди. Шаҳарга ёки қаёққадир янаям юқорироққа борадиган ёлғизоёқ йўл бор экан. Сувори ўзига худди ана шу сўқмоқ кераклигига тезгина ишонч ҳосил қилди чоғи, отини буриб, қоялардан узилди-да, очиқ жойга қараб ҳайдади уни.

Ойдинда унинг навқирон ва хушқад йигит экани кўзга ташланади; чорвадорчасига кийинганди у; остидаги ажойиб қорабайир ойдинда нақ ялтилларди. Суворини таниш мушкул эмасди. Одамларнинг туси қорачадан келган бу ўлкада унинг сутга чайилгандек оппоқ юзи ва сомбреросининг энли соябони остидан чиқиб турган оч тусли-малла жингалак сочи унинг кимлиги хусусида заррача шубҳа қолдирмасди бирон кимсада. Бу Қарлос, бизон овчиси эди. Кетида бузоқдай, нақ бўрига ўхшаган ит югургилаб келарди; олдинроқ, кўланкада келаётганда у кўринмаётганди. Бу ит Бизон эди. Сувори шаҳарга яқинлашгани сайин тобора эҳтиёткорроқ бўла борди.

Қаршисида ястанган ер, гарчи текис бўлса-да, бутунлайига яйдоқ эмасди: унинг бахтига у ер-бу ерда чоққина-чоққина оролчалардай дарахтлар тўп-тўп бўлиб кўкка бўй чўзиб турарди; сўқмоқ бутазорларни оралаб борарди, бутазорлар текислик сийнасининг гоҳ у, гоҳ бу жойида (нақ парча-пурча ямоқдек) кўзга ташланиб қоларди. Бутазорга биринчи бўлиб шарпасиз, писибгина ит кириб борди: сувори унга эргашди. Бутазор четига чиққач эса тагин тўхтади, кейинги бутазоргача бўлган яйдоқ майдонни синчиклаб кузатди, ана шундан сўнгина йўлини давом эттирди.

Сафарини шу тариқа давом эттира бориб, ниҳоят у шаҳар чегарасига етиб борди, орада бир неча юз ярд масофа қолганди, холос. Биноларнинг деворлари билан дарахтлар узра ялтираётган черков гумбази аллақачон кўзга ташланиб турарди. Сувори бошқаларидан яқинроқдаги деворга тикилди. У деворнинг шакли-таҳини таниди. Бу дон Амбросио уйи томидаги девор эди; сувори унга орқа томонидан яқинлашиб келаётган эди.



Карлос чоққина, водийдаги охирги бутазорда тўхтади. Унинг чеккасидан то юқорида айтиб ўтганимиз — дон Амбросио боғининг этаги келиб туташган анҳор қирғоғига очиқ, теп-текис майдон эди. Бу жой дон Амбросиога қарашли яйлов бўлиб, одатда шу ерда отлари ўтлаб юрарди. Уларни боғ тўсиги ортиданоқ бошлангани, қўполдан-қўпол, ёғоч-ходалардан солинган кўприк орқали ҳайдаб ўтказишарди; бироқ у ерда яна битта, хийла енгил ҳамда пухта ишланган бошқа кўприк ҳам бор — яйлов билан боғни туташтирган бу кўприк фақат пиёдалар учун аталган эди. Дон Амбросионинг қизи кўнгли тусаб қолган пайтларда ана шу хилват кўприк орқали боғдан анҳорнинг нариги бетидаги ажойиб яйловга сайр қилгани ўтиб турарди. Боққа бегоналар доримаслиги учун энсизгина кўприкнинг қоқ белида қулфлоглиқ турадиган эшик ҳам бор эди.

Карлос тўхтаган бутазор билан ўша кўприк орталиги уч юз ярддан сал мўлроқ келарди, шу боис уни ёлғиз қоронғиликкина кўздан яшириши мумкин эди. Аммо ҳали ой нур сочиб, Карлос унинг узундан-узун қоziқ оёқлари ва оч бўёқ билан бўялган эшикчани яққол кўриб турарди. Анҳорни кўра олмасди у, қирғоқлар бу ерда баланд, боғни эса нақ сув ёқагинасида ўсган терагу хитойи дарахтлар тўсиб олган эди.

Дарахтзорга киргач Карлос отдан тушди, отни буталар энг қалин соя ташлаб турган ерга етаклаб борди-да, ўша ерда қолдирди. У отни боғламади, ерда сурғалиб юрмасин учун жилов тизгинини эгар қошига илиб қўя қолди. У кўпдан буён ажойиб йўрғасини бойлоқсиз бир жойда туришга ўргатган эди.

Сўнг у бутазорнинг четига бориб, кўприкча ва унинг ортидаги дов-дарахтларни кузатмоқлик учун тўхтади. Карлос буёққа биринчи марта келаётгани йўқ эди-ю, лекин ҳеч қачон ҳозиргичалик юраги ҳовриққан эмасди.

У олдиндаги висол дамларига ҳозирланаркан, ўз-ўзига очиқчасига гапиришга сўз берди, зеро илгари сира журъат этмаганди бундай қилишга. У розилигини сўрайди... Рози бўлармикин ёки рад этармикин? Унинг тақдири шунга боғлиқ эди. Юраги шунақанги қаттиқ ура кетдики, унинг гурсиллаб тепиши қулоқларини шангиллатиб юбораётган эди.

Шаҳар сув қуйгандек жимжит. Шаҳар аҳли аллақачон ётиб қолган, эшик ёхуд деразалардан биронтасида чироқ шуъласи кўринмас — барчаси зичлаб беркитилиб, тақа-тақ қулфлаб қўйилган. Кўчаларда жон асорати кўринмайди, атиги бир неча нафаргина тунги соқчи қўриқлаётибди шаҳарни. Қора ридога ўралиб олган побонлар уйлар олдидаги харракларда ойболталарини маҳкам чангаллаганча мудраб ўлтиришар, оёқлари ёнида, йўл устида эса фонуслари турарди.

Дон Амбросионинг хонадонида ҳам чуқур сукунат ҳукмрон. Каттакон дарвоза мустимустаҳкам беркитилган, дарвозабон ўз қоровулхонасига гумдон бўлган, бу ҳол истиқоматчиларнинг бари уйда эканидан далолат беради. Башарти осудалик ҳукм сурмоқда экан — бу уйқу дегани, демак, ҳамма ухляпти бу ерда. Аммо ойнаванд эшикнинг зичлаб тортиб қўйилмаган шойи пардаси ўртасидаги тирқишчадан қилтириққина нур толаси сиртга сизиб, гишт ётқизилган ҳовлига тушяпти — демак, истиқоматчилардан ақалли бири бедор ҳали. Шуъла Каталинанинг хонасидан тушиб турибди.

Баногоҳ тун сокинлигини қўнғироқнинг янгроқ даранг-дурунги бузиб юборди. Бу ярим кеча бўлганини маълум қилаётган ибодатхона минорасидаги соатнинг бонги эди. Охирги жаранг садоси янграб бўлар-бўлмас, хонадаги чироқ қўққисдан ўчди — эндиликда дераза парда орасидан шуъла кўринмай қолганди.

Ҳадемай ойнаванд эшик астагина очилди-да, ўраниб-чирманиб олган аёл қомати пайдо бўлди. У шарпа чиқармайгина, оёқ учида ҳовлининг қоронғироқ томонидан зипиллаганча йўрғалаб кетди. Кенг-ковул елкапўш келишган қад-қомати, малоҳатини яшира олмаётганди, қисиниб-қимтиниб ҳамда сергаклик-ла ҳаракат қилаётганига қарамай, товусона хироми мафтункор эди. Бу — сеньорита эди. Патиодан ўтгач, боққа чиқиладиган йўлакка бурилди. Уйдан ташқарига ўтиладиган йўлни тўсиб турган залворли эшик олдида тўхтади. Бир сонягина, холос. Елкапўш остидан калит кўринди-ю, каттакон ғалақа истамайгина ён берди аёл қўлчаси измига. Бироқ индамай бўйин эгмаганди: занглаган темир ғижирлаб кетди-ю, Каталина қўрққанидан сесканиб тушди. У тағин ғижирлаганини биров эшитиб қолмади-

микин деб текшириб қарагани ҳатто орқасига, йўлакка қайтди; қоронғи йўлакда туриб патиога аланглади. Орқасига қайтаётганида тарақлаб ёпилган эшик бўлмасин яна? Ақалли унинг наздида шундай туюлди, шу сабабдан у ҳовлига чиқиладиган эшикларга хавотирланиб тикилганича туриб қолди. Бироқ эшикларнинг бари, шунингдек ўз хонасининг эшиги ҳам тақа-тақ берк эди: Каталина йўлга тушишдан олдин ёпганди уни. Шунга қарамай, ҳар қалай шубҳа-гумон тарк этмади сеньоритани, оқибатда у боққа чиқадиган эшик ёнига кўнгли ғаш бўлиб қайтди.

Эшикни ҳадиксирабгина очиб, йўлакдан боққа чиқиб борди у. Дарахт ҳамда буталар панасидан юриб бориб, бир зумда боғ этагидаги чоққина дарахтзорга етиб олди. Шу ерда тўхтади; дарахт таналари орасидан ҳозир Карлос турган жой билан дарахтзор оралиғидаги очиқ майдонни кўздан кечирди. У дарахтларнинг шакли-тарҳинигина аранг ажрата олаётган эди, холос; уларнинг кўлагасидаги қора кийимли одамни бунчалик масофадан кўриб бўлмасди.

Каталина физиллаганча дарахтзордан чиқди; лаҳза ўтмаёқ у кўприкча белидаги эшик олдида, энг баланд ерда турарди. Бу ерда тагин тўхтади у, елкапўши остидан оппоқ батист рўмолча чиқарди-да, қаддини баралла ростлаб, рўмолчани иккала қўли билан боши узра баланд тутганча ёйиб силкиди.

Ҳавода ялтироқ қўнғизчалар виз-виз учар, улар дарахтзор қоронғусида учқундек йилтилларди, бироқ бу ҳол Каталинанинг ана шу учқунлар аро янаям ёрқинроқ, гўёки биров гугурт чертгандек, ярқ этиб кетган ёрқинни пайқашига халал бермади. У ўз ишорасига жавоб олганди.

Каталина рўмолчани туширди-да, чоғроққина калитни чиқариб, уни қулфга солди. Эшикни очиб, орқасига, дарахтлар кўлагасига қайтди-да, тўхтаб, кута бошлади.

Унинг кўзлари ҳатто қоронғиликда ҳам севги учқуни-ла чақнаб турарди: у бировнинг дарахтлар орасидан чиқиб, кўприкча томонга кела бошлаганини кўрди. Бу одам оламдаги жамики нарсадан қимматлироқ эди унинг учун; қиз уни кутаркан, икки бети ловуллаб, қалби қувончга тўлиб борар эди.

Каталина йўлакдан орқага қайтаётганида назарида эшик ёпилганини эшитгандек туюлгани бежиз эмасди. Уша сонияда чиндан ҳам биров эшикни — оқсочлар хонаси эшигини ёпган эди. Агар Каталина тезроқ ҳаракат қилганида эди, у бировнинг ҳовлидан югуриб ўтиб, ўзини ўша эшикка урганини кўрган бўларди. Аммо Каталина кечикканди. Эшик аллақачон ёпилиб бўлган, атроф яна жимжит бўлиб қолган эди. «Хаёлимда шунақа бўлгандай туюлди шекилли»,— деб ўйлаганди у.

Аммо ундай эмас, хаёлида шундай туюлмаган эди. Оила аъзолари ўз ётоқхоналарига тарқашлари биланоқ Каталинанинг эшигини кузатишга тушган эдилар. Висенса ойнабанд эшик пардаси оралигидан ташқарига тушаётган ёруғликдан кўзини узмай, кузатаётган эди.

Кеча оқшомдаёқ оқсоч қиз озроққина вақтга жавоб сўраган эди. Унга рухсат беришди. У деярли бир соат бўлмади уйда. Жангчи Хосе уни Робладонинг ҳузурига бошлаб борди, ўша ерда ҳаммасини келишиб олишди.

Висенсага сеньоританинг уйдан қачон чиқишини пойлаш, ана шундан кейин изма-из кузатиб бориб, учрашув жойини билиб олиш буюрилди. Қандай жой ва қаерлигини билиб олгач, у ўша заҳотиёқ Робладо билан аскарлар кутиб турган ерга қараб югуриши, уларни ошиқ-маъшуқлар устига бошлаб бориши лозим эди. Робладо бу энг аниғу тўғри ҳаракат режаси деган қарорга келиб, ушбу режанинг амалга оширилиши ғамини еб қўйган эди.

Оқсочлар ётоғининг эшиги шундоқ Каталинанинг хонасига қарама-қарши эди. Висенса калит солинадиган тешикчадан чироқ ўчганини, сеньоританинг астагина патнога чиққанини кўриб турган эди. Шунда у токи бекасн йўлакка киргунича кутиб туриб, кейин эшикни секингина очиб, писибгина унинг изига тушган эди.

Сеньорита худди боғ эшигини очган пайтда Висенса йўлакнинг нақ оғизгинасида деворга қапишиб турганди. Каталинанинг орқага қайтаётганини пайқаб — бекани одим шарпаси фош қилиб қўйган эди — айёр айғоқчи зинғиллаганча оқсочлар хонасига қочиб бориб, эшикни беркитиб олганди.

Шундан сўнг, қайтадан ташқарига чиқишга дарҳол

журъат этолмади-ю, лекин бари бир мажбур бўлди — негаки, эндиликда калит ўрнидан ҳеч нимани кўриш мумкин эмасди-да, ахир. Висенса шунда ҳам тешикдан мўраллади ҳар қалай, аммо бекаси қайтмади орқага — демак, боққа чиқиб кетибди. Висенса яна эҳтиёткорлик билан эшикни очиб, ётоқдан сирғалиб чиқди. Оёқ учида йўлак бошига бориб, писибгина мўраллади уёққа. У ер энди зимистон қоронғи эмасди: эшик очиқ қолиб бутун йўлакни ой ёғдуси ёритиб турибди. Сеньоританинг ташқарига чиққанига, ҳозир боғда эканига шубҳалан-маса ҳам бўларди.

Боғдамикин? Висенса кўприкчани эслади. У бекаси-да ўшоқдаги эшикнинг калити борлигидан, сеньорита кундузлари бот-бот, ҳаттоки кечалариям сайр қилгани анҳорнинг у бетига ўтиб юришидан хабардор эди. Борди-ю, сеньорита бу гал ҳам кўприкдан ўтиб кетган бўлса-чи? Ҳозир у нариги қирғоқдан узоқлаб кетгандир-ов... Агар у бекаси қайси тарафга қараб кетганини бил-лолмай, ҳамма ишни барбод қилса нима бўлади?..

Хаёлига шу ўй келди-ю, Висенса йўлакдан боққа қа-раб отилди, энгашиб олганича кучи борица йўлқадан югура кетди.

Мевали дарахтлару гулпушталар оралиғида ҳеч кимни кўрмай энди тарвузи қўлтиғидан тушай деб тур-ганида боғ этагидаги қалин дарахтзор умид бахш этди унга: учрашув учун энг қулай жой мана шу ер, буна-қанги ишларда устихони йўқ Висенса тўғри хулосага келди.

Бироқ, дарахтзорга яқинлашиш осон эмас экан. Гулпушталар билан мазкур дарахтзор оралиғи очиқ ер — яшил майсазор эди. Мабодо уёқда, дарахтзорда биров бор бўлса у яқинлаб келаётган одамни муқаррар кўради — сутдек ойдин-да, ахир. Висенса дарҳол фаҳм-лади буни, таққа тўхтаб, буёғига ҳар қалай қандоқ ҳаракат қилиши лозим экани устида бош қотира бош-лади.

Биттагина йўли қолган кўринади. Баланд девор май-сазорга бир неча фут кенгликда узун кўланка ташлаб турибди. Хўш деганингиздан, ана ўша кўланка панаси-да дарахтзоргача бориб олса нима қилади? Қиз шундай қилишга қарор берди.

Қурамаларга хос ҳийлакорлик ила ерга ётиб, ўрма-лай кетди у: шу тариқа ўрмалаганча дарахтзор четига,

айнан яшил суҳбатгоҳнинг орқагинасига етиб борди. Шу ерда тўхтаб, бошини кўтарди ва барглар орасидан мўралади. У истаган нарчасини кўрди.

Каталина қурама қиз ётган жойдан юқориқда, кўприкча устида турар ва унинг шакли-тарҳи мовий осмон сийнасида кўзга яққол ташланар эди. Висенса баланд кўтарилган оқ рўмолчани кўрди-ю, бу ишора эканини англади. Ушбу ишорага жавобан йилт ётган нарсаи ҳам, бекасининг қулфни бураб, эшикни очганини ҳам кўрди.

Айёр айғоқчида учрашув дарахтзорда содир бўлишига заррача шубҳа қолмади, эндиликда ушбу хабарни Робладога етказсаям бўларди. Аммо Робладо унга токи ошиқ-маъшуқларнинг келишилган жойда учрашганларини ўз кўзи билан кўрмагунича уларни ташлаб кетмасликни очиқ-эйдин буюрган эди, шу боисдан ҳам у буёғига нима қилишларини кута бошлади.

Карлос ўзига таниш оқ рўмолчани кўргач, бунга жавобан бир чимдим милтиқдорини ёндирди. У вақтни бой бериб ўлтирмади. Зум ўтмай оти ёнида ҳозир бўлди, унинг қулоғига алланиманидир шипшиди, от ҳам яхши тушунди чоғи. Кейин бутазордан чиқди. Бизон бир қарич ҳам ортада қолмай, изма-из эргашиб келаверди.

Карлос кўприкчага етгач энкайди-да, итига икки оғизгина пичирлаб, яна йўлини давом эттирди. Ит жойида қолди — у анҳор бўйида ётиб олди.

Яна бир сония ўтди — ошиқ-маъшуқлар учрашишди.

Висенса ер бағирлаганча ётиб, олисдан уларни кузатарди. Ой уларнинг бетларига ёғду сочиб турар, мазкур ёғдуда Карлоснинг оппоқ чеҳрасию жингалак сочи яққол кўзга ташланар эди. Қиз бизон овчисини танирди — ҳа, бу ўша.

У Робладо билиши лозим бўлганларнинг барини ўз кўзи билан кўрди.

Учрашув жойи — шу ерда, боғ этагида. Энди зобит ёнига боришу буни хабар қилиш қолганди, холос.

У энди ўрмалаб орқага қайтишга чоғланган, қаддини хиёл кўтарган ҳам эдики, қўққисдан ошиқ-маъшуқларнинг дарахтзор оралаб худди ўзи орқасида писиб ётган суҳбатгоҳга қараб келаётганларини кўриб эси тескари бўлиб кетаёзди.

Улар нақ Висенсаннинг устига бостириб келаётганга ўхшардилар. Мабодо ўрнидан турса ёки секингина жуф-

такни ростлаб қолишга урингудек бўлса борми, анави-лар уни пайқаб қолишлари муқаррар эди.

Танлашга йўл ҳам, чора ҳам йўқ — лоақал бу ердан жўнаб қолиш учун қулай фурсат келгунга қадар жойидан жилмаслиги керак. Шундай қилиб Висенса баргу шаббалар кўлагасида яна гужанак бўлиб, биқиниб олди.

Бирор дақиқадан сўнг ошиқ-маъшуқлар суҳбатгоҳга кириб келиб, ушбу хилват гўшадаги харракка чўкишди.

XLVI БОБ

Каталина билан Карлос шунчалар ҳаяжонда эдиларким, бир неча дақиқагача бирон сўз айта олмадилар. Биринчи бўлиб Каталина тилга кирди.

— Синглингизни аҳволи қалай?— деб сўради у.

— Пича тузук. Ранчомизни тузатишни буюргандим, ҳозир ўша ерда у. Қадрдон бошпанамиз мўъжизавор таъсир кўрсатди. Роситанинг эс-ҳуши дарров жойига келди-қўйди, гоҳо-гоҳо сал хаёли оғиб турибди. Лекин тез орада бутунлай соғайиб кетади деган умиддаман.

— Жудаям хурсандман! Шўрлик қизгина, анави қўпол ёввойилар асирлигида қанча азоб чекқавикин-а?!

— Қўпол ёввойилар! Ҳа, Каталина, кимлар тўғрисида гапираётганингизни ўзингиз билмай туриб ҳам уларни ҳақиқий номлари билан атадингиз.

— Вой, кимлар тўғрисида дейсизми?— дея такрорлади қиз ҳайрон бўлиб. У ҳамма қатори Карлоснинг синглисини ҳиндулар асирлигида бўлганига ишонарди.

— Бир томони сиз билан айнан ана шу хусусда учрашишни истагандим, бугун. Ўз қилмишимни сизга тушунтирмай туриб яшай олмасдим, сиз мени тушунмаслигингиз мумкин эди. Лекигин энди ҳаммасидан хабардор бўласиз. Қулоқ солинг, Каталина!..

Карлос бирорта ҳам тафсилотини қолдирмай ушбу даҳшатли фитнани батафсил сўзлаб берди. Каталинини оғзи очилиб, лол бўлиб қолди.

— Вой ёвузлар-эй!— нидо солди у.— Етти ухлаб тушга кирмайдиган бағритошлиг-а бу! Оламда шунақанги иблислар ҳам бор экан-да, а?! Азизим Карлос, агарда шу гапларни сизнинг оғзингиздан эшитмаганим-

да, бунақанги разиллик ҳам бўлишига сираям ишонмасдим! Икковлариям ярамас одамлигини билардим, уларнинг пасткашона ишлари ҳақида эшитган эдим-у, аммо бунақанги ёвузликларини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ё биби Марям! Қанақанги одамлар-а! Йиртқиш махлуқлар! Сира ақл бовар қилмайди-я!

— Мана энди мени ҳақли равишда қотил деб атаптиларми, йўқми, буни ўзингиз кўриб турибсиз.

— Азизим Карлос, бу тўғрида ўйламанг! Мен ҳеч қачон ишонмаганман бунга. Сизнинг ноҳақ, қабиҳ ишга қўл урмаслигингизни билардим. Сиз сира қўрқманг! Буни бутун олам билиб олади...

— Бутун олам!—истеҳзоли оҳангда унинг сўзини бўлди Карлос.— Мен учун олам йўқ. Менинг уйим йўқ. Ҳатто ўзим билан бирга ўсганлар учун ҳам мен ҳамиша бегона — назардан қолган шаккок бўлиб қолганман. Энди бўлса бундан ҳам бешбаттар; мен қочоқман, мени таъқиб этишяпти, бошим учун мукофот белгиланган, мукофот бўлгандайм озгина эмас. Очигини айтганда, нархим шунчалик қиммат эканини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим асти!

Карлос кулиб юборди, аммо унинг қувноқлиги кўпга бормади. У сўзини давом эттирди:

— Мен учун бутун олам — сизсиз, Каталина! Бундан-буён эса менинг фақат юрагимдагина қоласиз. Мен сиз билан хайрлашиб, кетишим, ҳа, олисларга кетишим керак. Бу ерда мени ўлим кутяпти... йўқ, ўлимдан ҳам баттароқ нарса. Мен кетишим даркор. Ота-оналаримнинг юрагига, аллазамонлардаёқ унутилиб кетган қонқариндошларимиз ҳузурига жўнашимга тўғри келади. Эҳтимол уёқларда паноҳ топиб, дўст-ёрлар орттирарман-у, аммо сизсиз бахт йўқ менга ва ҳеч қачон бахтиёр бўлолмайман ҳам!

Каталина кўзларига ғилқ-ғилқ ёш тўлиб, жим ўтирарди. Иттифоқо миясида йилт этган фикрдан сесканиб кетди-ю, уни айтишдан қўрқди. Илло ҳозир ясама камтарлигу ортиқча қўрқоқликнинг вақти эмасди, устига устак унинг феъли-табиатига тўғри ҳам келмасди бу, Унинг бир умрлик бахти ва яна севиклисининг бахти ёлғиз биргина сўзга боғлиқ эди шу тобда. Нарироқ тур, эй, қизларга хос тортинчоқлик! У хаёлига келганини айтади ҳозир.

У Карлос сари энгашиб, унинг қўлини ушлади-да,

кўзларига тикилиб туриб, назокат-ла, аммо қатъий оҳангда деди:

— Карлос, сиз ахир... мени ўзингиз билан бирга кетишимни истаяпсиз-ку, ахир, шундай эмасми?

Йигит шу ондаёқ қизни қучиб, бўса олди.

— Ё тангрим! Имкони бормикан буни?!— хитоб этди у.— Тўғри тушундимми ўзи? Каталина, жонгинам, сизга худди шуни таклиф қилмоқчи эдим-у, локин бо-тинолмаётгандим. Қўрқиб тургандим. Назаримда бу ақлсизликдек туюлаётганди. Сиз мени деб жамики нарсани қурбон берасиз-ку унда?! Азизам, жонгинам, наҳотки шу рост бўлса? Наҳотки мен билан кетишга рози бўлсангиз?

— Ҳа, розиман!— йигитнинг сўроғига қисқагина, бироқ қатъий жавоб бўлди.

— Ё раб! Мен гоятда бахтлиман! Бир ҳафтадан бери изтироб чекаман, мана энди яна бахтиёрман. Бир ҳафта бурун ҳам бахтиёр эдим, Каталина. Ажойиб савдолар кечди бошимдан, менга катта давлат ато этай деб турганди. Вужудимни умид чулғаган, сизни кўнглингизни забт этиш умидида эдим, Каталина... Йўқ-йўқ, азизам, сизни эмас — отангизни. Мен олтин ёрдамида унинг розилигини оламан деган ниятда эдим. Мана қаранг!— Карлос ялтираб турган маъдан ушлаган қўлини олға чўзди.— Бу олтин. Мен олтин топдим. Мен бойликда отангизга тенглашиб, кейин эса розилигига эришаман деган умидда эдим. Минг афсус, энди олтин ҳам ёрдам беролмайди... Аммо сизнинг сўзларингиз менга бахтимни қайта ато этди. Бойлигимдан айриладиган бўлдим деб ўйламанг асло... Йўқ-йўқ, сиз уни хаёлингизга ҳам келтирмайсиз, биламан буни, жонгинам. Мен сизга ҳадя эта оламан ўшанча бойликни — балки ундан ҳам ортиқроқни. Бундай қимматбаҳо ахлатни қаердан топса бўлишини биламан, вақтимиз бўлганида барини гапириб бераман сизга. Бугун кечаси...

Каталина унинг сўзини бўлди. Унинг зийрак қулоғи ўзига ғалати туюлган товушни илғаганди. Суҳбатгоҳнинг орқа томонида, худди шамол барғни оҳиста ҳилпиратгандек, нимадир астагина шитирлагандай бўлди. Бироқ шамол йўқ, ҳаттоки «хилп» этган эпкени ҳам йўқ эди-ку, ахир. Демак, бу бошқа нарсанинг шарпаси. Хўш, ниманики бўлди унда?

Бир-икки лаҳза сабр қилиб, суҳбатгоҳдан чиқишиб,

шитирлаш эшитилгандай туюлган буталар орасини пай-
паслаб излаб кўришди, лекин ҳеч нима топа олишмади.
Бутун теваарак-атрофни кўздан кечиришди-ю, лекин
ҳеч ерда бундай шитирлатадиган ҳеч вақо йўқ эди. Ҳо-
зир атроф улар суҳбатгоҳга кириб келганларидагига
нисбатан хийла қоронғулашиб қолганди. Ой паглаб
кетган, унинг кумуштоб ёғдуси хиралашган, бироқ, ҳар-
ҳолда бир неча ярд наридаги ҳар қандай йирик нарса-
ни илғаса бўладиган даражада ёруғ эди. Каталина янг-
лишиши мумкин эмасди. У, шубҳасиз, аллақандай ши-
тирлашни эшитган эди. Балки бу итдир? Қарлос кўприк-
чага ўтиб борди. Йўқ, Бизон эгаси қолдириб келган
жойда ётибди. У суҳбатгоҳга яқин йўламаган. Нима
бўлдийкин бу? Қалтакесакмикин ё? Эҳтимол бирорта
заҳарли илондир?

Илло у нимаики бўлмасин, суҳбатгоҳга қайтиш мум-
кин эмас — улар сиртда қолишади. Каталинанинг кўн-
гидаги нохуш ҳис — ғашлик ғимирлаб қолганди: у йў-
қотиб қўйган хат, устига-устак буюққа чиқаётганида
қайсидир эшикнинг тарақ этгани ёдига тушган эди. Бу-
ларнинг барини ўз дўстига гапириб берди у.

Шу дамгача Қарлос содир бўлган ҳолатда табиий
бир ҳодисадир деб кўп аҳамият бермаётган — биз чў-
читиб юборган бирорта парранда қанотини питирлат-
гандир, илон ёки калтакесак ўрмалаб ўтган бўлса ке-
рак, деган ўйда эди. Лекин Каталинанинг сўзлари уни
сергак тортишга мажбур этди. У бунинг замирида би-
рон ғаразли нарса яширинганини дарҳол фаҳмлади. У
неча-неча бор ҳиндулар ҳийла макрига тўқнаш келиб,
тез мулоҳаза юритишга ўрганиб кетган эди. У шу заҳо-
тиёқ ерни диққат-ла синчиклаб кўздан кечириб чиқиш-
га аҳд қилди.

У яна суҳбатгоҳ ортига ўтди-да, чўк тушиб, диққат
билан бута ҳамда майсаларни текшира бошлади. Бирор
сониядан кейиноқ ўрнидан туриб, ҳайрат-ла деди:

— Онт ичиб айтаманки, сиз ҳақсиз, Каталина! Бу
ерда биров бўлганига шубҳа йўқ. Кимдир худди мана
шу ерда ётган. Лекин қаёққа ғойиб бўлдийкин у?..
Э-ҳа, бу аёл киши экан-ку, ахир! Мана кўйлагининг изи.

— Висенса!— нидо солди сеньорита.— Оқсочим Ви-
сенсадан бошқа одам эмас! Ўзингни раҳминг келсин, ху-
дойим! У гапларимизни оқизмай-томизмай эшитибди!

— Албатта-да! Уйдан чиқаётганингизда изингизга тушган у. Локин уни бу ишга ундаган нима бўлдийкин?

— Шўрим қурсин-а! Елғиз худо билади бунн. Кейинги пайтларда жуда ғалати бўлиб қолганди-я ўзи... Сира тоқат қилиб бўлмайдиган даражада! Карлос, жоним,— дея сўзини давом эттирди сеньорита, унинг овозида энди ранжиш эмас, хавотирланиш оҳанги акс этиб турарди,— бу ерда ортиқ қолишингиз мумкин эмас. Ким билади дейсиз, нима машмашаларни бошларкин у? Шартта отамни чақириб чиқсачи! Борди-ю, бундан ҳам бадтарроқ иш қилар... Эй, биби Марям! Наҳотки!..

Шунда Каталина шоша-пиша Карлосга Висенсанинг оддий аскар Хосе билан танишиб қолгани ва бу қизга даҳлдор бари гапларни сўзлаб берди. У ҳозироқ кетиши керак, бирор дақиқа ҳам ҳаяллаб бўлмайди!

— Яхши, мен кетаман,— деди Карлос.— Локин улардан қўрққанимдан эмас. Ҳозир карабиндан отишга қоронғилик қилади, қиличлари эса менга етишига йўл бўлсин: ахир вафодор тулпорим ёнгинамда-ку, чақирсам кўз юмиб очгунча етиб келади. Локин, чиндан ҳам кетганим маъқул. Бунинг тагида бир гап бор. Шунчаки қизиқсинганидангина шунчалик тиришмасди-ку бу қизча. Ҳозироқ жўнайман.

Шундай қилиб, Карлос бир қарорга келди. Аммо ҳали дилида айтилмаган қанча-қанча гаплари, яна бир бор ишқий қасамёдлар айтиш, келаси учрашув, эҳтимолки барини ташлаб, Муаззам Текислик орқали жўнаб қолиш олдидан охириги учрашув муддатини белгилаш каби гаплар бор эди.

Карлос кўприкча устига қадам қўйганида неча мартаб Каталинанинг ёнига қайтди: яна бир оғиз ширин гап айтай, видолашув олдидан яна бир бор бўса олай деб...

Ахийри, сўнгги бора «кўришгунча хайр» дейишганча айрилишди ошиқ-маъшуклар. Каталина уй томонга юрди, Карлос эса кўприкдан ўтишга чоғланди, аммо Бизоннинг ириллаши уни ҳушёр тортиб тўхташга мажбур этди.

Ит яна, бу гал дағдағалироқ ириллади, кейин эгасини хатар яқинлигидан огоҳ этиб ҳуришга ўтди.

Аввалига Карлос кўприкчадан югуриб ўтиб, оти турган жойга отилмоқчи бўлди — ана унда вақтида ғойиб бўлишга улгурарди. Бунинг ўрнига у Каталинани эҳти-

ёт қилиш ва уни шошилтириш учун дарахтзорга бурилди. Бу пайтда Каталнна майсазорга чиқиб олган, лекин итнинг вовуллаганини эшитиб йўлдан тўхтаган эди. Орадан бир он фурсат ўтмаёқ ёнига Карлос чопиб келди. Бироқ, у қизга бир сўз айтиб улгурмасидан боғ деворлари орқасида отлар дупури эшитилди — ҳар иккала томонда ҳам суворилар от йўртириб келаётган эдилар. Туёқларнинг тартибсиз дупурлашига қараганда улардан баъзилари от тизгинини тортган, бошқалари девор ёқалаб нарига ўтиб бораётгандилар. Мана тақаларнинг катта кўприкка ташланган ходаларга тарақлаб тегаётгани эшитилди, ўша лаҳзадаёқ ит қутуриб вовуллай кетди-ю, нариги қирғоқдаги дарахт таналари оралигида сувориларнинг қора шарпалари кўзга ташланди. Боғ қуршаб олинди!

XLVII БОБ

Ошиқ-маъшуқлар суҳбатгоҳга кирганларидан кейин ҳам Висенса узоқ чўккалаб ўлтирганича уларнинг гапларига қулоқ солди; бирорта сўзни ўтказиб юбормади у. Уни суҳбатга қизиқиш эмас, агар кетишга урингудек бўлсам пайқаб қолишади деган ҳадик тутиб турарди бу ерда. У мулоҳаза билан иш тутган эди, зеро ойдинда у кесиб ўтиши лозим бўлган майсазор суҳбатгоҳдан яхши кўриниб турарди. Ой ботгандан сўнггина Висенсда сездирмай жўнаб қолиш умиди туғилди. Шунда у қулай фурсат, ошиқ-маъшуқлар ўзи томонга қарамаётган сониядан фойдаланиб бир неча ярдга ўрмалаб бордида, ўрнидан туриб, жонҳолатда қоронғига қараб югурди.

Қизиқ томони шундаки сеньорита шитирлаган товушини қиз суҳбатгоҳ ёнидан ўрмалаб кета бошлаганда эшитмаган эди. Яхшироқ яшириниш учун Висенса йўлакай бир нардани эгиб, кейин қўйиб юборган, шабба тўғриланиб, барглари шитирлаб кетганида эшитганди. Ана шу боисдан ошиқ-маъшуқлар суҳбатгоҳдан дарҳол чиққанларига қарамай ҳеч нимани топиша олмаган эди. Ўша дамда улар айғоқчини на кўришлари, на шовқини шарпасини эшитишлари мумкин эди. У шабба шитирлаб улгурмасидан буруноқ йўлакка уриб кетганди.

Висенса бирон лаҳза ҳаялламади. У ўз хонасига қайтмади, балки ҳовлидан чопиб ўтиб, дарвозага қараб

ошиқди. Дарвозабонни уйғотиб юборишдан чўчигандек, ташқи ҳовлидан писибгина ўтиб борди.

Мана Висенса дарвоза олдида; у чўнтагидан калит— дарвозанинг эмас, тавақасидаги дарчанинг калитини чиқарди.

Калитни у керак бўлишини билиб кеча оқшомдаёқ тайёрлаб қўйган эди. Ҳозир уни қулфга солиб, тагин шиқиллаб ёғижирлаб кетмасин учун ғоятда эҳтиёткорлик пла буради. Ғалақани худди ўшандай эҳтиётлик билан кўтарди-да, дарчани очиб, астагина кўчага чиқди. Дарчани секин ва шовқин чиқармай ёпди-да, жони борича яқиндаги ўрмончага элтадиган йўлдан югура кетди.

У ерда, дон Амбросионинг уйи яқингинасида, Робладо билан аскарлари пистирмада турган эдилар. Робладо ўзларини ҳеч ким пайқамаслиги ҳамда режаларига ҳеч нима ҳалал бермасин учун аскарларни буёққа хуфтонда айланма йўл билан бошлаб келганди. Ҳозир эса у ўз айғоқчисини кутиб турган эди ўша ерда.

Қиз кўзлаган ерига етиб бора солиб, зобитга кўрганларининг барини шошганча сўзлаб берди. Эшитганларини такрорлаши учун эса вақт йўқ эди. Робладо унинг кечиккани сабабини билганидан кейин бирон дақиқани ўтказиш мумкин эмас эканини англади. У бос-тириб боргунича учрашув тугаб бўлиши мумкин, ана унда ўлжаси қўлдан чиқиб кетади.

Башарти Робладонинг ихтиёрида вақт мўлроқ бўлганида, у мутлақо бошқача ҳаракат қилиши аниқ эди. У пайтда капитан одамларидан бир қисмини қўйи йўлдан жўнатган ва улар боққа тўғридан-тўғри яйлов томондан яқинлашган бўлардилар. Шаксиз, у бутун ҳаракат режасини хийла хотиржам ҳамда эҳтиёткорлик ила пухта амалга оширарди.

Бироқ у тўғри, аниқ-у, илло секин ҳаракат қиламан деса кечикиши мумкинлигини тушунарди. Йўқ, ҳозир шошилиш керак, бу кундай равшан! Шундай қилиб, Робладо ўша заҳотиёқ ҳамроҳларига буйруқ берди. Одамларни икки нотенг гуруҳга бўлишди. Бир киши боғнинг ўнг девори, бошқаси сўл девори ёқалаб марра эгаллаши лозим эди; асосий бўлукка девор ёнида бир неча кишинигина қолдириб, бошқалар иложи борича тезроқ от йўрттириб бориб катта кўприқдан нариги қирғоққа ўтиш ва боғдан чиқилладиган йўлни тўсиш

буюрилди. Афтидан, асосий ишни адо этиш айнан ана шу бўлукнинг зиммасига юкланганди — унга Робладонинг ўзи раҳнамолик қилаётган эди. У деворга нарвонсиз чиқиб бўлмаслигини жуда яхши биларди — демак, мабодо Карлос боғда бўлса, кичик кўприкдан ўтиб қошиб қолишга уринади. Борди-ю, йўлак орқали дарвозага қараб югуриб, кўчага чиқиб олишни хаёл қиладиган бўлса, унда Хомес бошчилигидаги пиёда аскарлар қўлга туширишади — Висенса уларни ички ҳовли тарафдан йўлак оғзигача бошлаб бориши керак.

Режаси чакки эмасди. Робладо бу ерларни яхши биларди. У бу ерда бот-бот сайр қилиб турар ва деворларнинг баландлиги, боғ теварагидаги барча йўлу йўлакчалар беш қўлдай маълум эди унга. Тўғри, агарда боғни аскарлар яқинлаб келишаётганини Қарлос пайқаб қолмасидан бурунроқ қуршаб олинганида, муваффақият қозонишларига шубҳа қилмасликлари мумкин эди. У гумдон қилинар ёки қўлга туширилган бўларди.

Айғоқчи етиб келганидан кейин бир неча дақиқа ўтмаёқ Робладо одамларига буйруқ бериб улгурган эди. Яна бир неча дақиқадан сўнг улар ўрмончадан чиқиб, ўзларини дон Амбросионинг уйидан ажратиб турган чоғроққина майдонни кесиб ўтдилар, боғни қуршай бошладилар. Бизоннинг дастлабки огоҳлантирувчи ириллаши худди ана шу пайтда эшитилган эди.

— Қочинг! Қоча қолинг!— қичқирди Каталина Карлос қайтиб келаётганини кўриб.— Мени ўйламанг! Менга тажовуз қилишга ботинишолмайди! Мен ҳеч қандай жиноят қилмаганман. Мени қўяверинг, Карлос қочинг! Ё биби Марям, ана улар!

Йўлакдан чиқиб, боққа қараб отилган одамлар қораси кўринди. Улар қиличларини шарақлатганча, буталарни оралаб тўғри ошиқ-маъшуқларга қараб югуришяпти. Булар пиёда аскарлар эди. Йўлак оғзида бир неча киши қолди, бошқалари чопганча тобора яқинлашиб келишяпти.

Карлос олдинига худди ўша ёққа югурмоқчи эди. Унинг наздида, уйгача чопиб бориб, асотеяга кўтарилиб, пастга сакрашга улгурадигандек туюлган эди. Қоронғиликдан фойдаланиб майсазорнинг нариги этагига етиб оларди-да шунда. Бироқ у йўлак кесиб қўйилганини кўрди-ю, бу фикридан қайтди. У боғ деворларига нигоҳ ташлади — бўлмайди, жуда баланд, ошиб ўтолмай-

ди. Ҳаракат қилиб кўрса бўларди, ammo бу орада душманлар ташланиб қолишади унга. Кўприк орқали ёриб ўтиш керак — бирдан-бир нажот йўли шу. Орқага қайтмаслиги керак эканини энди тушунди. Каталинага, ақалли унинг ҳаётига ҳеч қандай хавф таҳдид қилмаётган эди. Аксинча, ёнида қолгани қиз учун хатарлироқ. Уша заҳотиёқ кўприк орқали қочиши лозим эди. Мана энди оти ёнига борадиган йўли кесиб қўйилди. У отини чақириши мумкин, ажойиб тулпори шу ондаёқ чақиригига олиб келади-ю, лекин у чоғда ғанимлари йўрғага ташланадилар, балки тутиб ҳам олишар. Бу эса ўз ҳаётидан жудо бўлди деган гап. Йўқ, асло, отини чақириши мумкин эмас! Карлос чорлов ишорасини бермади. Ҳўш, нима қилсин ахир у? Каталинанинг ёнида қолаверсинми? Унда зумда ўраб олиб, қўлга туширишадн, балки бир ит мисоли ўлдириб юборишар! Бунақада Каталинанинг ҳаётини хавф остида қолдиради-ку, ахир. Йўқ-йўқ! У таваккал қилиб, боғдан чиқиб олишга уриниб кўриши даркор: агар иложи бўлса яйловга ўтиб олиши, уёғига эса...

Карлос уёғи нима бўлиши хусусида ўйлаб ўлтирмади.

— Хайр жонгинам!— деди у ҳаяжонда.— Мен кетишим керак. Хафа бўлиб, куйиниб юрманг! Агар қисматимга ҳалок бўлиш битилган бўлса, сизнинг муҳаббатингизни ўзим билан бирга арши аълога олиб учаман! Хайр! Алвидо!

У шоша-пиша шу қабилда видолашди-ю, шундай тез югуриб кетдики, ўзига қайтарилган жавобни эшитмади ҳам.

Сеньорита тиз чўкди: қўлларини кўксига қовуштирган кўйи, кўзларини кўкка тикиб унга нажот тилаб илтижо қила бошлади.

Карлос бир неча сакрашдаёқ тагин қоп-қоронғи дарахтзорда кўрди ўзини. Нариги соҳилда ғанимлари қорасига кўзи тушди, овозларига қараб улар кўпчилик эканини билса бўларди. Улар шанғиллашиб гаплашишар, бир-бировларини чақиришар эди. Карлос Роблдонинг овозини таниди: у уланларнинг ярмига отдан тушиб, орқасидан кўприкка қараб юришни буюрди. Унинг ўзи аллақачон отдан тушиб бўлган эди.

Карлос яккаю ягона қутулиб кетиш йўли — оёғини қўлига олиб югурганича кўприкдан ошиб, суворилар

тўдасини ёриб ўтиш эканини кўриб турарди. Фақат шундагина у яйловга етиб олиб, оти томон ўзига йўл очса бўлади чамаси. Эгарга ўрнашиб олганидан кейин уни тутишга уриниб кўраверсинлар! Бу таваккалона — саф орасидан ёриб ўтиш аҳди деярли ҳалокат билан баробар. Мабодо шу ерда қоладиган бўлса — бу ундан кўра ҳам аниқ ўлим деган гап.

Тараддуланишнинг вақти эмасди. Бир неча киши аллақачон отдан тушиб, кўприкчага қараб юра бошлаганди. Улар етиб келмасидан буруноқ кўприкдан ўтиб олиш лозим. Мана, бирови у ерга етиб келди ҳам. Уни орқага суриб ташлаш керак.

Карлос тўппончаси тепкисини кўтариб, дарча томон отилди. Нариги томондаги одам ҳам яқинлашиб қолди. Мана улар бетма-бет бўлдилар. Уларни эшиккина ажратиб турибди. Ана шунда Карлос қаршисидаги ғаними Робладонинг ўзи эканини кўрди.

Бирорталари чурқ этиб оғиз очмади. Робладо ҳам тўппончасини шай тутиб турган эди, биринчи бўлиб ўқ узди, бироқ ўқи хато кетди. Бу ҳолни англаб, рақибни ўқидан қўрққанидан орқасига тисариларкан, аскарларга карабинлардан отинглар деб қичқирди.

Аммо улар буйруқни адо этишга улгурмаслариданоқ ўқ овози янгради: овчи ўз тўппончасини бўшатганди, Робладо томоғи йиртилгудек лаънат ўқиганича қирғоққа қараб думалаб кетди. Карлос эшикни ланг очиб, олға ташланмоқчи бўлди-ю, лекни дуд ҳамда қоронғилик орасидан ўзини мўлжалга олиб турган карабинлар оғзини илғади. Шунда хаёлига урилди: йўқ, кўприкдан қочиб бўлмайдими! Уша ондаёқ аскарлар бу орада карабинлари тепкисини босишга аранг улгурган бўлсалар-да, у янги фикрни амалга оширди.

Йилт этган учқун кўринди, тепки чириқ этиб, вараңлаган товуш янгради, дуд тарқаб бўлганда эса кўприкда Карлос ғойиб бўлган эди. Наҳотки боққа қайтган бўлса у? Э йўқ, бир неча нафар аскар уёққа қайтадиган йўлни кесиб қўйган эди аллақачон!

— Улди у! — деган ҳайқириқлар янгради. — Жин ургур! Сувга қулади у. Ана қаранглар!

Ҳамманинг кўзи сувга қадалди. Тўғри, уёққа биров қулаганди — вижирлаётган кўприклару сув бетиде донра бўлиб таралаётган тўлқин халқалари бунинг шаҳодати эди-ю, бироқ бўлак ҳеч вақо кўринмаётганди.

— Чўкиб кетди у! Сувга фарқ бўлди у!— деб қичқиришарди аскарлар.

— Кўз-қулоқ бўлинглар, тагин сузиб қочиб қолма-син-а!— деди аллаким.

Қирғоқлар бўйлаб сувдан кўз узмай югуриб кетишди одамлар.

— Мумкинамас-э! Сувда ҳеч нима кўриниб, ҳеч нима эшитилмаяпти-ку!

— Бу ердан сездирмай қочиб қололмасди у,— деди кўприкдан пича қуйироқда турган аскар.— Мен сувдан кўзимни узмай қараб тургандим.

— Мен ҳам!— деб қичқирди юқориоқда турган бошқаси.— Менинг ёнимдан сузиб ўтгани йўқ.

— Демак, ўлган у, сув тагида ётибди ҳозир.

— Келинлар, чангак билан чиқариб оламиз уни!

Аммо бу пайт ўрнидан туриб улгурган Робладо — у қўлидангина яраланганини кўрганди — уларга мазкур ниятларини амалга оширишларига ҳалал берди.

— Қирғоқ бўйлаб тарқалинлар!— бўкирди у.— Ҳариккала томонга! Тезроқ, йўқса қўлдан чиқиб кетади! Тез қимирланлар!

Барчалари буйруқни бажаргани ташландилар, шу пайт қўққисдан оқим ёқалаб қуйига қараб бораётган аскарлар ҳангу манг бўлиб тўхтаб қолишди. Улардан юз ярдча нарида тик қирғоқдан бир одам энкайганча тепага чиқиб бораётган эди. Яна бир сония ўтди — у қаддини ростлади-ю, чақин тезлигида югурганича яйловдан дарахтзор томон отилди.

— Ушла!— деган ҳайриқлар янгради.— Ана у! Авлиёю анбиёлар ҳақи, худди ўшанинг ўзи-ку!

Қуролларнинг қарс-қурс шовқини орасидан чўзиқ ҳуштак овози эшитилди. Отлиқлар то жойларидан кўзгалгунларича чопиб бораётган одам истиқболига дарахтзордан бир от учиб чиқди. Ҳалиги одам бир сакраб, зумда ўзини эгарга олди-ю, баралла, нафратомуз қаҳ-қаҳ урганича, қоронғулик сари от елдирга кетди.

Бу пайт отларига миниб улгурган деярли бари уланлар отларини жон-жаҳдлари ила қичаганча унинг кетидан қувиб қолдилар; бироқ водийда уни пича қувганларидан сўнг таъқибдан воз кечиб, ўзларининг жароҳатланган бошлиқлари ёнига қайтдилар.

Робладо қутуриб кетди дейиш — ҳеч нима демаган билан баробар: унинг шу тобдаги аҳволи-руҳиясини сўз

билан таърифлаш мушкул эди. Илло буёқда иккинчи қурбони бор-ку, ахир, шундоқ экан, бутун аламини ўшандан олиб, заҳрини ўшанга сочиши мумкин-ку.

Каталинани боғда, у севгилисига нажот тилаб илтижо қилаётган пайтда қўлга туширгандилар. Уни Хосенинг ихтиёрида қолдириб, бошқалар Карлос таъқибчиларига кўмакка отилгандилар. Хосе овчини яхши биларди, шу боис ўзи кўпда довюррак бўлмаганидан таъқибда қатнашишга мутлақо ҳаракат ҳам қилмади.

Каталина отишувлар ва ҳайқириқларни эшитиб, жончиқарга олишув бораётганини фаҳмлаганди. Шунингдек у бошқа жами шовқинни босиб кетган қаттиқ ҳуштак ва нафратомуз қаҳқаҳани ҳам эшитганди. Сўнг-ра таъқибчиларнинг ҳайқириқлари олисларда қандай тинганиниям илғаган эди.

Унинг юраги қувонч-ла тепа кетди шунда. У Карлоснинг эсон-омон қутулиб кетганини билган эди.

Энди, ана шундан кейингина ўзи тўғрисида ўйлади. У ҳам қочиб қолиш ниятида эди. Қиз бу ярамасларнинг қабиҳ бошлиғининг ҳақоратомуз истеҳзоли кулгисини эшитишига тўғри келишини биларди. Нима қилсин, ўша мурдор билан тўқнашувдан қандай қутулсин экан? Хосени кўндиришдан бўлак чора йўқ. Бу одамнинг пасткаш марази эканини биларди қиз. Олтинга ўч эмасмикин у? Синаб кўриш керак. Синов муваффақиятли чиқди. Катта пул олдида ўзини тиёлмай қолди. Истаган вақтда яна қўлга олса бўладиган асирани мабодо қочириб юборса ўзини унчалик қаттиқ жазола-масликларига ақли етди унинг. Бунча пул эвазига у капитаннинг норозилигига учрайди, албатта. Лекин капитаннинг унга мурувват кўрсатишига маълум сабаблар ҳам йўқ эмас. Алқисса, пул тутқазилди-ю, сенъоританинг жўнаб қолишига ижозат берилди.

Бу ҳолга қочиб кетди деган тус бермоқлик учун Хосе унга ўз хонасини ичкаридан қулфлаб олишни ўтинди; бека бунга рисоладагидек адо этди.

Робладо кўприкдан ўтиши биланоқ уни Хосе қарши олди-ю, дудуқланганча, энтика-энтика, сулув асиранинг уйга қочиб кириб кетганини хабар қилди. У сирғалиб чиқиб, қочиб кетибди. Оддий асира бўлганида у албатта отиб ташлаган бўларкан. Орқасидан қувиб, ўз хонасига кираётгандагина етиб борибди у, бе-

ка ичкарига кира солиб: эшкни нақ башарасига тарақлатиб ёпиб олибди-да!

Жазаваси қўзиган Робладо дастлабига уйга бостириб кирмоқчи ҳам бўлди. Бироқ у ўйидан қайтди, кулгили кўриниши мумкин, иннайкейин, қанчалик фойдаси бор денг буни. Жанг майдонидан мағлуб сифатида чекиниш уни ўзинга келтириб, яраланган қўлидаги оғриқни ёдига солди.

У тагин кўприкдан қайтди, аскарлари кўмагида отига минди-да, шавкатли лашкарларини йиғиб, ушбу тўстўполоннинг сабаби хусусида фол боқишни уйғотиб юборилган шаҳар аҳлига ҳавола қилганча, қалъа сари йўлга тушди.

XLVIII БОБ

Эртасига эрта билан шаҳар аҳлининг оғзидан тунги воқеалар тушмай қолди. Аввалига ҳиндулар бостириб келибди, аскарлар ҳар доимгидек уларнинг ҳамласини қайтаришибди деб тахмин қилдилар. Халқнинг қандайин ҳимоячилари-я улар!

Кейин, қотил Карлосни ушлашибди, отишма пайтида эса капитан Робладони ўлдиришибди, деган овоза тарқалди. Кўп ўтмай эса Карлоснинг қўлга тушмагани — уни пойлашгани, сал бўлмаса қўлга туширишаёзгани аён бўлди. Робладо у билан яккама-якка олишиб, уни яралабди, аммо жиноятчи қоронғида ўзини анҳорга отиб қочиб қолибди. У капитанни қўлидан ярадор қилибди, ана шунинг учун ҳам капитан уни асирга тушира олмаган эмиш.

Бу овоза қалъанинг ўзидан тарқалган ва ҳақиқатга яқинроқ эди. Карлоснинг жароҳатлангани хусусидаги гапни эса Робладонинг хатти-ҳаракатига жило бериш ниятида тўқиб чиқаришганди; лекин кейинроқ маълум бўлишича бизон овчиси бирон ери ҳам тирналмай-нетмай ғойиб бўлибди.

Одамлар ҳайратдан ёқаларини ушлардилар: жиноятчи ўзининг боши эвазига мукофот ваъда қилинганини била туриб шаҳарга доришга қандай журъат этибдидийкин-а? Бундай қилишга муҳим сабаби бордир-да. Ҳадемай сабаби ҳам маълум бўлди — бутун воқеа сирга қалқиб чиқди. Гийбатчию фисқи-фасодчиларга ро-

са байрам бўлди денг-а! Каталина аллақачонлароқ Сан-Ильдефонсонинг олди гўзали деб тан олинган эди. мана энди бўлса ҳасадчи аёллар ва рашкчи эркаклар унга осмондан келиб, нописандлик ила қарашлари мумкин. Унинг шаънига доғ тушган эди. Унинг қилмиши нотенг, зўраки никоҳдан ҳам беш-бадтар ёмонроқ. Маҳаллий киборлар Каталинанинг қашшоқ, гадодай бир кимса билан яқинлашиб обрўсини ер билан битта қилганидан ғазабланса, мутаасибларча художўй шаҳар камбағаллари уни «қотил» билан, ундан ҳам ёмони — «шаккок» билан яқинлигини қоралар эди.

Ушбу ҳодиса ақл бовар қилмайдиган даражада алғов-далғовга, салкам саросимага сабабчи бўлди. Овчи бошининг нархи биржадаги қимматли қоғозлар баҳоси сингари кўтарилиб кетди. Капитул Уйида шаҳар бошқармаси кенгашининг аъзолари билан маҳаллий дўкайлар тўпландилар. Янги эълонлар осилди. Эндиликда Карлосни қўлга туширган кимсага янада каттароқ пул ваъда қилинган эди эълонда; бундан ташқари уни озиқ-овқат билан таъминлаган ёки унга ҳайрхоҳ бўлган ҳар қандай одамга қаттиқ жазо берилажаги айтилганди. Бизон овчисига ўз бошпанасидан паноҳ берган граждандан эса тегишли жазони олибгина қолмай, шунингдек, унинг бор бисоти мусодара қилиниши ҳам эслатилган эди.

Черков ҳам четда қолгани йўқ. Дин пешволари хулонинг қаҳри билан қўрқитишар ва шаккок қотилнинг одил судловга тортилишига халал бергувчи ҳар қандай кимсани муртад, кофир деб эълон қиламиз, дея дағдағага ўтган эдилар.

Қочоқ ана шундай ночор аҳволда қолган эди. Яхшиямки Карлос бошпанасиз ҳам кун кечира оларди. У ганимлари очдан ўладиган хувиллаган дашт кенгликлариди ҳам, тоғдаги қоя-тошлар қуршаган дараларда ҳам ўз уйидагидек ҳис қиларди ўзини; кейин, ганимлари уни ахтариб буёқларга юрак ютиб келолмасдилар ҳам. Башарти Сан-Ильдефонсо аҳлидан егулигу паноҳ излашга тўғри келган тақдирда ҳам бари бир дарҳол хабар бериб, унга хиёнат қилишлари тайин эди. Аммо прериянинг ёввойи истиқоматчиларининг бу нарсаларга эҳтиёжи қанчалик кам бўлса, овчи ҳам ўшанчалик муҳтож эди буларга. Яшил ўтлоқ билан яланғоч қоя унга тўшак хизматини ўташи мумкин эди,

Ўзига егулик топишни эса у ҳатто ҳеч вақо унмайди-ган беҳосил Льяно Эстакадодаям удласидан чиқарди, уёқларда таъқибчиларнинг бутун бошли лашкари писанд эмасди овчига. Дон Амбросио кенгашда қатнашмади. Бошига тушган мусибат алами ва ғазаб уни ўйга михлаб қўйганди. У билан қизи орасида қаттиқ можаро бўлиб ўтди. Қизни бундан буён муттасил қўриқлайдиган, отасининг уйида асирадай сақлайдиган бўлдилар — ушбу жазо уни итоаткорликка ўргатади-да, ахир!

Робладо билан комендатнинг аҳволни руҳиясини тавсифлашнинг иложу имкони йўқ. Улар ғазабдан нақ бўғилаёзмоқда эдилар. Улар аламлари, умидсизлик, зўрлик, жисмоний ҳамда руҳий изтироблардан ақлдан озишларига бир баҳя қолганди. Кунбўйи уйдан чиқмадилар, ўзларининг ашаддий рақибларини қандай қилиб қўлга тушириш устида бош қотириб, чамалаб, режа тузишдан бўшамдилар.

Вискаarra муваффақиятга эришишга қанчалик ташна бўлса, Робладо ҳам ўшанчалик ғалаба иштиёқида ўртанарди. Ҳар иккалаларининг ҳам Карлосни ёмон кўришларига етарлича асослари бўлиб, икковлариниям уни кўрарга кўзлари йўқ эди.

Робладо ҳаммасидан кўра, эҳтимолки, бир неча ҳафта давомида таъқибда шахсан ўзи иштирок эта олмаслигидан ич-этини ерди. Гарчи жароҳати хавфли бўлмаса-да, қўлини боғлаб, бўйнига осиб юришига тўғри келар, шу сабабдан у отини бошқаролмасди. Эндиликда у билан комендантнинг ҳаракат режаларини жиноятчини қўлга туширишдан уларчалик манфаатдор бўлмаган бошқа биров бажаради. Яхшиямки Санта-Федан, штаб қароргоҳидан икки лейтенантни юборишибди, йўқса гарнизон вақтинчаликка умуман зобитларсиз қоларди. Лекин янгилардан ҳеч қайсиси — на Яньес, на Ортига — бизон овчисини қўлга туширишга қодир эмасди. Уларни жасорати етишмайди деб бўлмасди, ақалли Ортига хусусида; бироқ икковиям Испаниядан яқиндагина келган ва буёқларда, чегарада қандай жанг қилаётганларидан беҳабар эдилар.

Аскарлар жиноятчини бажонидил таъқиб этаётган ва ибрат олса арзигундек даражада ғайрат кўрсатаётган эдилар. Улар ваъда қилинган катта мукофот дардида овчини тутишга интилишар ва ҳар гал разведка-

га жон-жон деб жўнашар эди. Аммо-лекин Карлосга ҳамла қилишга фақат кўп сонли бўлуқкина ботина олини мумкин эди. Ёлғиз ўзи ёки икковлашиб — ҳатто мақталган ўша Хомес ҳам бундан мустасно эмасди — унга милтиқ ўқи етадиган масофада яқинлаб боришга ҳеч ким ботина олмасди, овчи билан бетма-бет келиб, уни ушлашга уриниб кўринишни-ю, асти қўя туринг.

Улардан аксарияти Карлоснинг беқийс довиюраклигига шахсан ишонч ҳосил қилган, бошқалари эса бу тўғридаги кўпиртириб, бўяб-бежаб таърифланган ҳикояларни эшитганди, оқибатда гарнизонда ундан шундай кўрқар эдиларки, Карлоснинг пайдо бўлишининг ўзинёқ бутун бошли бўлуқни тирқиратиб юбориши ҳеч гап эмасди.

Бизон овчиси аслида ҳам эпчил, бақувват ва кўрқув нималигини билмайдиган довиюрак йигит эди, маҳаллий аҳолининг бой тасаввуроти эса ана шу сифату хислатларни бўрттиргандан-бўрттира борарди. Бу ҳам камлик қилгандек, аскарлар ҳам, оддий фуқаро ҳам Карлоснинг сеҳрлангани, шу боисдан ўлмас одамлигига имонлари комил эди; ахир унга жодугар онаси ҳомийлик қилади-да — ўзгача сўз билан айтганда, унинг ҳомийси иблиснинг ўзгинаси! Кўпчилик, унга на ўқ ўтади, уни на найза олади, на қилич чопади, деб таъкидларди, кўприкдаги олишув пайтида унга карабиндан ўқ узганлар эса бунга буткул ишонардилар. Улардан ҳар бири ўқи Карлосга текканига, иблис ҳимоясида бўлмаганида уни муқаррар асфаласофинга жўнатган бўлишига қасам ичишга ҳам тайёр эди.

Аскарлар ва водий аҳли орасида ғаройибу антиқа уйдирма гаплар тарқалиб турарди. Карлос гоҳ у, гоҳ бу ерда, яна ўзининг кўмирдек қора отида (от ҳам сеҳрланганга чиққан эди) пайдо бўлиб қоларди. Овчини ясситоғликнинг нақ қиррасида кўришибди — у шундоққина даранинг ёқасида отини учириб бораётган экан, ҳатто сигарасининг кулини пастга, водийга силкиб тўкса бўларкан шу кетишида. Бир хиллар уни кечаси бутазорлардаги овлоқ сўқмоқларда учратишган эмиш, уларнинг гапларига қараганда овчининг юзюю қўллари қип-қизил, лағча чўғдек шуъла таратаётганмиш. Чўпонлар уни тепада, Қиз ўлган қояда, иннайкейин, ҳағтоки пастда, водийда ҳам кўришганмиш-у, лекин ҳеч бирлари юрак ютиб унга яқинлашиб, у билан гаплаша

олмабди. Ҳамма ундай ўзини четга олибди, ҳаммалари у билан учрашишдан қочибди. Аллаким ҳатто, Карлоснинг кўприкчадан дон Амбросионинг боғига ўтиб кетаётганини ўзим кўрдим, деб тасдиқлабди, аяа шундан сўнг вафодор Каталинанинг шаънига янги-янги ғийбату бўҳтонлар бамисоли дўлдай ёғила кетди-да. Дарвоқе, бадҳоҳларнинг ҳафсалалари пир бўлиб, умидлари пучга чиқди, зотан уларнинг эшитишларича, ҳозир кўприкча тағи-туғида йўқ — дон Амбросио қизининг но-муносиб қилмишини билган кунининг эртасигаёқ уни бузиб ташлашни буюрган экан.

Ирим-сирим, бидъат Янги Мексиканинг оми халқи устидан шундайин ҳукмронким, жаҳоннинг ҳеч ерида бундай эмас. Бидъатни бу ерда диннинг негизини ташкил этади дейиш мумкин. Қуёшпарастлар орасида Рим эътиқодини тарғиб этгувчи миссия пешволари талай хурофий бидъатларни рағбатлантириб, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланар эдилар. Шу боисдан қавмларнинг мазкур ирим-сиримларнинг баридан — улар қаъчалик бемаънию тугуриқсиз бўлмасин — воз кечмаганини мутлақ тушунардилар. Ана шунинг учун ҳам янги мексикаликлар афсунгарлик ва афсунгару жодугарларга худога ишонгандан заррача кам ишонмайдилар.

Модомики шундоқ экан, бизон овчиси Карлоснинг ишларига иблис аралашганидан ажабланиш жоизми-кан. Унинг чавандозлик маҳорати, таъқибчиларнинг шундоққина бурнилари остидан қочиб қолгани — буни ҳатто мўъжиза ҳисобламаган чоғда ҳам — ғайриодатий ҳамда романтик бир ҳол эди, албатта. Аммо Сан-Ильдефонсо аҳли бунга эндиликда бошқача қарарди. Карлосга иблис ёрдам беради: байрам кун буқани қандайин чаптастлик ила қулатгани, қарқарани ердан юлқиб олиб, тубсиз жар ёқасида от ўйнатгандаги эпчиллиги ҳам, кейин карабинлару найзалардан тирноқчалик лат емай, соғ-саломат қутулиб кетгани ҳам — ҳаммаси иблиснинг иши!

Бироқ ғалати томони: сўнгги кунларда умуман жиноятчини учратишга уринмаган кимсалар унга тез-тез тўқнаш келадиган бўлиб қолди, унга албатта рўпара келишни истовчилар эса сира эришолмасди бунга. Лейтенантлар Яньес ва Ортига ўз аскарлари билан кунба-кун, эрта тонгдан қаро кечгача теварак-атрофда беҳуда

изғишарди. Карлос келиши мумкин бўлган жамики ерларга жўнатилган талайдан-талай айғоқчилар ҳам свчини йўлиқтира олмаётган эдилар. Бугун уни бир ерда кўрдик дейишса, эртасига бошқа жойни айтишарди. Таъқибчилар ўша айтилган жойга от солиб қолишарди-ю, ҳар гал қора от минган бирор чорвадорни овчи деб ўйлаганлари маълум бўлиб қоларди. Аскарлар тобора сохта изга тушгандан-тушиб борардилар, ахийри бундай бесамара таъқиблар одамларни ҳам, отларни ҳам бутунлай ҳолдан тойдирди. Шунга қарамай, мазкур излашлар гарнизоннинг бирдан-бир вазифаси бўлиб қолди: комендант токи ихтиёрида ақалли битта аскар қолмагунига қадар таъқибдан воз кечишни хаёлининг кўчасига ҳам келтирмасди.

Бир жойни айниқса ҳушёрлик ила кузатардилар. Қийимини ўзгартириб олган аскарлар билан махсус ёлланган хуфиялар кечасию кундузи кўз узишмасди ўша ердан. Бу бизон овчисининг ранчоси эди. Қийимини ўзгартирган аскарлар билан хуфияларни шундай жойлаштирдиларки, улар ўзлари панада қолиб, уй ташқарисида бўлаётган воқеаларни кўриб турардилар. Улар кундузи бир маррани, кечаси бошқасини эгалладилар, бир яширин пойлоқчи иккинчиси билан алмашинарди, шу тариқа кузатув бирор дақиқага бўлсин узилмасди. Илло, агарда пайдо бўлса, Карлосга ҳужум қилиш хуфиялар вазифасига кирмасди. Улар яқин орада шай турган бўлукка хабар беришлари лозим эди, холос, ана ундан кейин эса жинойтчини қўлга олишга етарли куч бор эди.

Овчининг онаси билан синглиси яна ўз ранчоларида яшай бошлагандилар. Пеонлар уни тузатиб, бошқатдан ёпган эдилар; бунинг унчалик қийин жойи йўқ эди, чунки деворлари ёнғиндан зарар кўрмаганди. Қисқаси, бошпаналари илгаригидек шинам бўлиб қолган эди.

Ҳеч ким Карлоснинг онаси билан синглисининг тинчини бузмасди — негаки улар ўзларини узлуксиз кузатаётганларини билмасликлари керак эди-да, ахир. Уларга сабр-тоқат-ла муносабатда бўлаётганлари беғараз эмасди: ҳар бир ҳаракатларини сергаклик билан кузатишяпти. Ранчодан чиқди дегунча изларига тушишарди; улар уйдан чиққани ҳақдаги хабарни дарҳол пистирмада турган бўлук бошлиғига етказиш лозим эди. Ушбу қатъий буйруқни бажармаган ҳар қандай кимсага қаттиқ жазо таҳдид қиларди.

Бунинг бари тушунарли эди. Вискарра билан Робладо Карлос бу ерларни бутунлай ташлаб, онаси ва сингилисини олиб кетади деган шубҳада эди. Нега энди шундоқ қилмасин? Нега энди бу ерлардан жўнаб кетмасин? Сан-Ильдефонсо водийси эндиликда унга ватанлик қилмайди, айни пайтда Муаззам Текисликнинг нарнги томонида осонгина бошпана топа олади. Бу ерда у бир умрга муртад деб эълон қилинган. Ёлғиз ажалгина уни муттасил ҳаётдан хавфсираш таҳликасидан халос эта олади, холос. Ана шу сабабдан ҳам ҳар иккала зобит Карлосни ўзга ўлкаларга жўнайди деб ҳисобларди. Лекин у, албатта, онаси билан сингилисини — токи уларни гаров тариқасида тутиб турган эканлар — ташлаб кетмайди. У бу ердан олисга бормайди. Эртами ё кечми бу тулки қопқонга илинади, ана унда жазосини беришади.

Комендант билан унинг капитани ана шундай мулоҳаза юритишарди, айнан шу боисдан ҳам ранчони ниҳоятда қаттиқ қўриқлаш буюрилган эди. Унинг истиқоматчилари, ўзлари буни хаёлларига ҳам келтирмаган ҳолда, чинакамига асира эдилар — ҳарҳолда Вискарра билан Робладо шундай деб ўйлашарди.

Уларнинг жамики ҳийлагарона режаларига қарамай, хуфиялар, айғоқчилару аскарлар иш кўраётгани, ваъда қилинган мукофотлару беражак қаттиқ жазоларига қарамай кун ортидан кун ўтиб борар, жиноятчи эса илгаригидек озодликда қолаётган эди.

XLIX Б О Б

Карлос кўпдан сувга чўкиб кетгандек дом-дараксиз ғойиб бўлган, унинг хусусида келаётган маълумотлар текширувдан сўнг ёлғон бўлиб чиқаётган эди. Комендант билан ҳамкасабаси безовталана бошладилар. Борди-ю, у ростдан ҳам бу ердан бошқа ўлкаларга бутунлай кетиб қолган бўлса-чи? Эндиликда улар ҳаммасидан кўра ана шундан кўпроқ қўрқардилар. Ҳар икковларида унинг бу ердан олисроққа кетишини ишташга асослари борийди, иннайкейин, яқингинада улар ишнинг бундай оқибатидан жуда-жуда қувонган бўлардилар ҳам. Аммо Карлосни қўлга тушириш борасидаги муваффақиятсиз уринишдан кейин икковлариям — маишат иш-

қибози ҳам, сеп овчиси ҳам — буни истамай қолишган эди. Бетизгин интиқом истаги бировининг манфуруона муҳаббатю иккинчисининг ҳарисона тамагирлигидан устун келганди. Бошларига тушган мусибатга умумжамоатнинг ҳамдардлиги уларнинг ғазабини янада авж олдириб юборган эди. Ушбу ғазаб қўри тугаб қолади деб хавотир олмаса ҳам бўларди. Вискарра учун кўзгуга боқишнинг ўзи кифоя эди — ана шунда ғазаб ўти кўксида қайтадан аланга олиб, ловуллаб кетарди.

Маъна, Вискарра билан Робладо қалъа асотейсида тахминлари ҳақу ноҳақлиги устида мулоҳаза юритиб ўлтиришибди.

— У синглисини жонидан ортиқ кўради,— деди комендант,— кейин, жодугар бўлишига қарамай, онасиниям. Шундаям, ҳар қалай, ҳар қайсисини жони ўзига ширин, қадрдоним Робладо. Кўйлагим ўзим учун қимматли-ю, лекин ўз терим ундан азизроқ. Мабодо бу ерда қоладиган бўлса, эртами-кечми қўлимизга тушишига жуда яхши ақли етади, кейин ана унда ҳоли не кечишиниям билади. Тўғри, қойиллатиб қочиб қолди у, лекин ҳамишаям шунақанги омади келавермайди-ку. Кўза ҳар куни эмас, куни битганда синади. Аблах жуда айёр — бу мақолни билади, албатта. Ана шу сабабдан ҳам уни, ҳарҳолда, бу ердан жўнаб қолмадимикин деб қўрқаман. Эҳтимол бутунлай эмасдир-у, лекин яқин-орада қорасини кўрсатмас-ов, ҳар қалай. Дейлик, бу қайтади ҳам, илло биз қандай қилиб узлуксиз кузатамиз уни? Бунақанги кузатиш нақ иблисининг ўзиниям адоий тамом қилади-ку. Гранада қамали олиҳиммат қирол Фердинанднинг, ифлос кўйлак ва унинг жангари рафиқасининг қанчалик жонига теккан бўлса¹, бу ҳам ўшанчалик жонимиздан тўйдиради. Худо ҳаққи, шундоқ ҳам меъдамга тегиб бўлди ўзи!

— Агарда биздан қочиб қутилиб кетса ёмон бўлади,— эътироз билдирди Робладо.— Ундан кўра мен бир умр изидан қувиб юрганим маъқул.

— Ҳа, ҳа, мен ҳам, капитан. Тагин мени, кузатув-

¹ Испан қироли Фердинанд I (1452—1516) ва унинг рафиқаси Изабелла Гренадани — маврларнинг Испаниядаги сўнгги таянчларини узоқ муддат қамал қилиб турганлар. 1492 йили Гренада таслим бўлган. Афсоналарга қараганда Изабелла токи Гренада қўлга киритилмагунича кўйлагини алмаштирмасликка онт ичган экан.

дан воз кечиш ниятида экан, деб ўйламанг асти. Асло, жин урсин! Менга бир қаранг-а!

Афтини хунугини чиқарган чандиқ эсига тушиб қолди-ю, Вискарранинг юзи аламидан янада таъвия кўриниб кетди.

— Бўлиб ўтган шунча савдолардан кейин,— сўзини давом эттирди у,— ҳар қалай, ҳатто қисқа муддатга бўлсаям, уларни ташлаб кетиши даргумон. Синглисини ахтариб келганида жонини қанчалик хатарга қўйганини эслаб кўринг-а.

— Албатта,— ўйчан жавоб қилди Робладо,— албатта. Мени ҳаммасидан унинг тундаёқ, Росита қайтиб борган ўша тундаёқ нима учун жўнаб қолмагани кўпроқ ажаблантиради... Ахир, хатига қараганда у ўша ерда, ўз ранчосида бўлган-ку. Тўғри, бепоён даштликни босиб ўтиш учун сафарга тайёргарлик кўришга вақт керак. Бизга қарашли бирорта кент ё қишлоққа кўчиб ўтмайди, олисга кетиш учун эса ҳозирлик кўриш керак — ҳеч бўлмаганда аёллар. Унинг ўзига-ку, балки, дашт ўз уйидай бир гапдир, у ерларда оҳу ёки дашт бўрисида ёмон сезмас ўзини. Шундоқ бўлгач, агар истаганида ўшандаёқ уларни олиб жўнаб қолиши мумкин эди ҳарҳолда.

— Биз ўша куни кечаси ранчосига одам юбормай хато қилибмиз,— деб қўйди Вискара.

— Агарда қўлдан чиқиб кетади деб чўчиганимда, албатта юборган бўлардим.

— «Агарда» деганингиз қандоқ бўлди? Нима, чўчимаганмидингиз? Ахир ундан шуни кутиш мумкин эмасмиди?

— Тариқчалик ҳам,— деди Робладо.

— Сизни тушунолмай қолдим-ку, қадрдоним капитан. Буёғи қандоқ бўлди?

— Мана бундоқ, водийда уни онаси билан синглисига қараганда кучлироқ тортиб турадиган оҳанрабо бор, мен эсам буни билардим.

— Гап буёқда денг! Энди тушуна бошладим сизни.

— Ҳа, шундоқ!— гижиниб, тишларини гижирлатиб сўзини давом эттирди Робладо.— Худди ана шу жонон, тенги йўқ гўзал ҳар қандоғига ҳам менга хотин бўлади бари бир. Ҳа-ҳа-ҳа! У жонони билан дийдор кўришмай кетолмасди. Шундай, дийдор кўришишди ҳам, лекин бу сўнгги учрашувлари эканини, ортиқ учрашол-

мәсликларини гаплашиб олишдим-йўқми, ёлғиз яратганга аён. Аммо ҳечқиси йўқ, улар учун мен ҳал қилиб қўйдим, бунда дон Амбросио кўмаклашди менга. Жин урсин, энди қиз кечалари бошқа сайр қилмайди деган умиддаман! Йўқ, у қочиб кетгани йўқ. Мен йўл қўймайман — бунинг иккита сабаби бор. Аввало хонимни деб... Ҳеч қачон севиб қолганмисиз ўзи? Демокчиманки, чинакамига севганмисиз ҳеч?— Шундай деб у тағин кулиб юборди.

— Чамаси, бир марта шунақанги гуноҳ қилгандигов,— жавоб қилди Вискарра ҳам кулиб.

— Хўш деганингиздан, менинг ҳаётимда ҳам шунақанги аҳмоқона воқеа содир бўлган. Нимаям дердим, унда ўзингиз билишингиз керак: мабодо одам жиддиян севиб қолган бўлса, уни кўнглини ром этган маъшукаси яшайдиган жойдан ҳеч қанақанги арқон билан тортиб силжитолмайсиз. Худди шундоқ; ўйлайманки, гарчи мутлақо тенги бўлмаса-да, овчимиз каминанинг бўлажак рафиқасини севади ва унга сажда қилади. Ҳа-ҳа-ҳа! Шунинг чун ишонаверинг, токи дилида яна бир марта яширинча учрашув умиди бор экан, ҳеч қандай хавфу хатар, ҳатто дорга осилиш ваҳимаси ҳам уни Сан-Ильдефонсонни ташлаб кетишга мажбур этолмайдди. Хўш деганингиздан, сеньоританинг ўзига талпиниб турганини билгани туфайлидан эса ўша умидини узганича йўқ у. Иккинчи асос — уни ҳали ҳозирча яқин-атрофда яшириниб юрибди деб ўйлашга асос — бу худди сиз айтган нарса. Шунча воқеалардан кейин онаси билан синглисини ташлаб кетиши даргумон. Худога ёки иблисга шукрки, ундан ташқари ҳаммани чалғитган бўлишимизга қарамай, уни лақиллата олмадик. У баридан хабардор, Висенса буни тасдиқлаб берди бизга. Ана шунинг учун уларни узоқ муддатга ташлаб кетмаслигига имоним комил. Бу овчи дашт бўрисидай айёр, у қаерга пистирма қўйганимизни сезган шубҳасиз, кейин, қўйган хўрагимизниям билади, шу сабабдан кўзимизга чалиниб қолмасликка ҳаракат қилиши турган гап. У ҳечам узоққа кетмаган, анави лаънати неонлари орқали онаси ва синглиси билан алоқа боғлаб туради.

— Хўш, унда нима қилишимиз керак?

— Мен буни аллақачон ўйлаб қўйганман.

— Агарда неонларнинг истаган жойларига бориш-

ларига тўсқинлик қиладиган бўлсак, улар ранчо атропофига пистирма қўйганимизни дарров билиб қолишади.

- Шубҳасиз, комендант. Бу сираям ярамайди!
- Сиз бирорта бошқача режа ўйлаб қўйганмисиз?
- Қисман.
- Қани, айта қолинг унда!

— Гап бундоқ, эшитинг. Пеонлардан баъзилари муттасил Карлоснинг уясига қатнаб туради. Бунга ишончим комил. Ана ўшаларни изидан кузатишяпти, албатта, лекин улар фақат кундузи йўлга чиқишар экан, кейин, десаңгиз, ҳар сафар ўзларнинг одатдаги юмушлари билан юрганлари маълум бўляпти. Аммо улар орасида биттаси бор экан, ранчодан кечаси чиқиб кетаркан, ана ўшанисининг изига тушиб бўлмаяпти сира. Орқасидан қанчалиқ пойлашмасин, ҳамиша бутазорларда ғойиб бўлиб қоларкан. Шул боисдан ҳам овчи билан учрашадигани худди ўша деб ўйлайман.

— Худди шунақага ўхшайди.

— Гап мундоқ, мабодо уни қаердалигини билиб олган ёки ақалли изига тушган бирорта одам топилганида эди... Ҳамма ишқал худди ана шунда-да. Ҳозир бизга ҳаммасидан бурун яхши изқувар керак, бутун гарнизонда эса намунагаям топилмайди унақаси.

— Лекин водийда бошқа овчилар ҳам бор-ку, боз устига нафақат бизон овлайдиган. Наҳотки ўшалар орасидан биз бопи топилмаса?

— Овчилар борку-я, албатта, кейин, улардан ҳеч қайсиси ўша жиноятчига ҳайрихоҳ эмас, дейишади. Лекин уларнинг ҳаммасиям бизга иш бермайди деб қўрқаман. Бизга шунақаси керакки, у ҳам эпчил, ҳам довжюрак бўлсин, бу иккисидан бири бўлмаса ҳеч нима қилолмайди. Уларни овчини кўрарга кўзлари йўғ-у, лекин айни чоғда жинояткордан қўрқишадиям. Биттаси бор, тўғри,— у тўғрисида унча-мунча эшитганман,— айнан бизга керак одам ўзи. У Карлос бир ёқда турсин, нақ шайтони лаъиннинг ўзига рўпара бўлишдан ҳам тап тортмайди. Хўш деганингиздан, эпчиллик ва ҳар хил ҳиндуча макр-ҳийлалар масаласига келганда овчилар орасида Карлосдан кўра обрўси ортиқроқ.

— Қим экан ўша?

— Улар ҳатто икковлон, ажралмас. Бирини — мулат, у илгари америкаликлар қўлида қул бўлган. Қочоқ у,

шу туфайли эски хўжайинларини эслатадиган жамики нарсани ўлардай ёмон кўради. Сизнинг овчингизни бўлса кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ дейишади. Қисман ўтмиши хотираларига, қисман эса Қарлоснинг овчилик шон-шухратига ҳасади келганидан. Шундоқми ё бошқачами, бизга қўл келади бу. Ошнаси ҳам мулатдай бир гап:— самбо — негр билан Матаморас ёки Тампико соҳилилик ҳинду аёлдан туғилган фарзанд. Бизнинг ўлкаларга келганига талай бўлган, қандоқ қилиб келиб қолганини эса ҳеч ким билмайди. Аммо-лекин ўша самбо билан мулат аллазамонлардан бери бир-бировидан ажрашмайди: бирга туриб, бирга ов қилишади ва бир-бировини жон чиқарга ҳимоя қилишади. Икковиям девдай-девдай азамат, айёрликлариям етиб-ортгулик. Лекигин мулат бош-қошчи — икковларидан биринчиси ўша муттаҳам. Икковиям кўпда виждони қийнайидиганлардан эмас. Қисқаси, худди шулар керак-да бизга.

— Унда нега дарҳол ишга солмаймиз уларни?

— Ҳамма бало шундаки, улар ҳозир бу ерда эмас. Овда улар. Улар миссияга унча-мунча хизмат қилиб туришади: тақсирларни буғу эти ва бўлак илвасинлар билан таъминлашади. Ҳозир, афтидан, бизнинг мўминройиш, сабр-қаноатли роҳибларимизни бизон тилидан тотингилари келиб қолиб — уларнинг қандайдир махсус пазандалик услублари бор — ўз овчиларини янги илвасин овлаб келгани жўнатишган кўринади.

— Кетганларига кўп бўптими, билмадингизми?

— Бир неча ҳафта бурунроқ, Карлос қайтмасидан анча илгарироқ.

— Унда тез орада қайтиб қолишар балки?

— Бўлиши мумкин. Бўлмаса мен ҳозироқ миссияга бориб, аниқроқ билиб кела қолай.

— Бора қолинг. Уларни топа олсак заб иш бўларди-да. Таърифлашингизга қараганда ўша икки азамат бутун бошли гарнизонимизга арзир экан-да. Бўла қолинг, фурсатни ўтказманг.

— Бирор дақиқани ҳам ўтказмайман,— жавоб берди Робладо. Кейин том девори узра эгилиб қичқирди:— Ҳой, Хосе! От!

Ҳеч қанча ўтмай хабарчи келиб, от эгарлаб қўйилди, деб ахборот берди. Робладо энди зинапоя томон одим ташлаган эдики, қаршисида, асотейнинг тош саҳни баробарида сочи калта қилиб олдирилган боши чўққисиди

дум-думалоқ калга ўхшатиб тақир қирилган жойи яр-қираб турган бош кўринди. Лаҳза ўтар-ўтмас асотейга назокат-ла жилмайганича Хоакин тақсирларининг ўзлари чиқиб келдилар.

Л Б О Б

Бу авлиё Иоани байрами куни қалъадаги зиёфатда ҳозир бўлган ўша черков хизматчиси. Икки иезуитнинг ёши каттароғи бўлиб, миссиянинг мутлақ ҳокими эди. Ёш биродари, Хорхе тақсирлари Сан-Ильдефонсога яқинда келган, Хоакин тақсирлари эса миссия деярли асос солинганидан буёқ бошчилик қилади. У бу ернинг кўҳна истиқоматчиси ва шу боисдан ҳам водий аҳлининг ҳар бирининг сир-асрорини ипидан игнасигача билди. Бизон овчиси Карлоснинг хонадонини негадир ҳамиша сира хушламай келар ва гарчи сабабини тушунтирмаган бўлса-да, ёқтирмаслигини Вискарраникидаги зиёфат дастурхони устида намоён этганди. У «оқпармалла сочилиларни» мутлақо шаккок ҳисоблагани учунгина ёмон кўрмас эди, зотан — Хоакин тақсирлари, гарчи, қалбан бунақанги нарсаларга ҳеч қандай аҳамият бермасди. Унинг дин-эътиқод йўлидаги саъи-ҳаракати—бу ғирт риёкорлик ҳамда оддийгина ҳийлагарлик эди. Сан-Ильдефонсода Хоакин тақсирлари барчадан кўра кўпроқ берилмаган бузуқчилигу иллатнинг ўзи йўқ. У монте борасида устаси фаранг ўйинчи, кези келиб қолганида фириб беришдан ҳам тоймайди, у хўроз кўпкарисида нуфузли ҳакам ва ҳамиша бир неча тилло тикишга тайёр. Бироқ бу тақводор отахон мақтанадиган нарсаларнинг ҳаммаси эмас ҳали. Отиб олган пайтларида — бундай ҳол эса тез-тез бўлиб туради — ўзининг ёшликдаги ҳамда яқин-яқинлардаги ишқий саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилишни ёқтиради. Динни янги қабул қилганлар тагнослар бўлиши лозимлигига қарамай, миссияда мудом бир нечталаб ёш-ёш метис — қиз болаю ўғил болалар ўралашиб юришади, уларни бу ерда Хоакин тақсирларининг жиянлари деб аташади.

Эҳтимол сиз бу гапларнинг бари ниҳоятда бўрттириб юборилган деб ўйларсиз.

Ана шу тариқа ҳаёт кечирадиган бирон-бир муҳтарам руҳонийни ўз қавмлари ҳурматига сазовор деб та-

саввур этиш мумкинми? Башарти Мексика дин пешволарининг хулқ-атворларини кузатмаганимда, камина ҳам шундай деб ўйлаган бўлардим. Хоакин тақсирларининг фосиқлиги — унинг биродарлари даврасида мутлақ истисно эмас. Аксинча, бу ниҳоятда кенг тарқалган ҳодиса, ҳаттоки умумий қоида деса ҳам бўлади.

Алқисса, роҳибни бечора овчининг хонадонига қарши тиш қайратган нарса художўйлик, эътиқод шашту шижоати эмасди асло. У оиланинг марҳум бошлиғига нисбатан ғазабини яшириб, яниб юарди: иезуит собиқ комендант даврида ундан таъзирини еганди.

Хоакин тақсирлари асотейга ташвишли қиёфада, ҳовлиққанча чиқиб келди, унинг аллақандай янгиликни хабар қилишга сабри чидамаётгани кўриниб турарди; музаффарона илжайишига қараганда у ушбу янгилик эшитганларга қандай таъсир этишини билиб, олдиндан шунинг завқини сураётган эди.

— Хуш келибдилар, отахон!.. Саломатмилар, ҳазратим!..— дея омонлашишди комендант билан Робладо бараварига.

— Саломатмисизлар, бўталарим!— жавоб қилди иезуит.

— Жуда вақтида қадам ранжида қилдилар-да, ўзи-ям, ҳазрат,— деди Робладо.— Мени миссияга боришдан халос этдингизда шу тобда — камина ҳузурингизга отланиб тургандим-да, ўзи.

— Агар борганингизда, мен сизни ажойиб таом билан меҳмон қилган бўлардим. Ниҳоят бизон тилини келтириб беришди бизга.

— Шунақа денг!— бараварига хитоб этишди Вискара билан Робладо, улар шунчалик ҳовлиқиб қолишган эдики, Хоакин тақсирлари ҳатто таажжубга тушди буздан.

— Вой нафси карнай қароқчилар-эй! Фаҳмладим нимага шама қилаётганларингни. Мендан бир неча донасини ундириш дардидага ўхшайсизларов. Илло билиб қўйинглар, токи томоғимга ўтириб қолган чапгни ювиб ташлагани бирон нима бермагунингларча ақалли жаздагини ҳам ололмайсизлар. Ўзиям томоғим шундай қақраб кетдики, асти қўяверасизлар!

Зобитлар хандон ташлаб кулиб юборишди:

— Хўш, қанақасидан истардилар ҳазратим?

— Шошилтирманглар, пича ўйлаб олай... А-ҳа! Уз-

ларига яқингинада юборишган анави бордодан бир қадаҳгина.

Шароб келтирилди; Хоакин тақсирлари лиқ тўла стаканни бир зарб билан бўшатди-ю, ичимликнинг сифату қийматини тўлиқ баҳолай оладиган билимдондек, лабларини чўлпиллатиб қўйди.

— Ажойиб! Антиқа!— хитоб этди у ва гўёки жамики яхши нарса ўша ердан тарқаб, ўша ерга қайтадигандек, кўзларини кўкка қадади.

— Шундай қилиб, бизон тили келтиришди денг?— сабрсизлик билан сўради Робладо.— Демак, овчиларингиз қайтишибди-да.

— Ҳа, қайтишди. Ана шу боисдан ҳам келгандимда, ҳузурингизга.

— Жуда соз! Мен бўлса айнан шуни билгани мисняга отланиб тургандим.

— Бир тиллони ўртага қўйиб айтаманки, ҳаммамизнинг ҳам фикримиз бир жойдан чиқибди-да!— деди Хоакин тақсирлари.

— Сиз билан баҳслашишим бефойда, отахоним, сизнинг қўлингиз ҳамиша баланд келади.

— Қўйинг-э! Мен келтирган янгилик учун жон-жон деб берасиз бир тиллони.

— Қандай янгилик!.. Қандай янгилик келтирдингиз?— ҳар иккала зобит ҳам унга қараб интилди.

— Яна бир қадаҳ бордодан қуймасанглар, нақ бўғилиб ўламан ҳозир. Бу чанг-тўзонли йўл аъроф-аросатдан ҳам баттарин-да. Ҳа, балли, ана бу кўмак беради каминага.

Шундай деб тақсирлари яна бир стакан шаробни сипқордилар-у, тагин лабларини чўлпиллатиб қўйдилар.

— Ана энди, ҳазратим, келтирган янгиликларини айтсинлар!

— Гап бундоқ, қулоқ беринглар: овчиларимиз қайтишди.

— Хўш нима бўпти?

— Нима бўпти? Улар янгилик топиб келишди.

— Қанақанги?

— Дўстимиз, бизон овчиси хусусинда.

— Карлос ҳақидами?

— Йўқса ким ҳақида бўларди?

— Қандай янгилик экан? Уни кўришибдими ўзлари?

— Узини кўришмабди-ю, плло нзини топишибди.

Улар Карлосниг уясини топишибди ва ўзи ҳозир қаерда эканини билишар эмиш.

— Жуда соз — деб юборишди Вискаarra билан Робладо.

— Хоҳлаган пайтда топиб оламиз уни дейишяпти.

— Қойил!

— Мана кўрдингларми, дўстларим, қандай янгиликлар келтирдим. Ундан истаганларингдек фойдаланишинглар мумкин.

— Қадрдон отахонимиз,— деди Вискаarra,— сиз ақлли одамсиз, бизга маслаҳат берсангиз. Аҳвол қандоқлигидан ўзингиз бохабарсиз. Бизнинг уланларимиз у ярамасни қўлга туширишга ожизлик қиляптилар. Сизнингча, нима қилишимиз керак?

Бундай ишонч иезуитга мойдай ёқиб тушди.

— Биродарлар,— деди у икковини яқинроқ чорлаб,— мен аллақачон шу ҳақда ўйлаб қўйгандим. Менинг наздимда, уланларсиз ҳам бемалол эплаштирсанглар бўлади. Бизнинг овчиларни лозим бўлганича ўз ишларинг билан таништириб, керак-яроқ ила таъминланглару, унинг изига тушаверишсин. Башарти улар ўша ярамас шаккокни тутиб бера олишмаса, демакки, ҳазрат Хоакин одамларни фарқига зиғирчалик бормас экан.

— Биз ҳам худди шуни ўйлаб турган эдик-да!— деди Робладо тўлқинланиб.— Мен, ахир, айнан шу хусусда ҳузурингизга отланиб тургандим-да, ўзиям!

— Бағоят тўғри ўйлабсизлар, бўталарим. Фикри ожизимча, ушбу энг тўғри йўл.

— Ўша овчиларингиз кўнишармикин? Озод-эркин одамлар,бунақанги қалтис ишга кўнмасликлариям мумкин.

— Қалтис!— такрорлади иезуит.— Хавф-хатардан кўрқмайди улар, менга ишонаверинглар. Шердай довяорагу йўлбарсдай эпчил улар. Хотиржам бўлинглар, ҳеч қанақанги хавф-хатардан тап тортмайди улар.

— Уларни рози бўлади деб ўйлайсизми?

— Рози бўлди деб ҳисоблайверинг, зеро буни аллақачон аниқлаганман. Улар Карлосни унчалик хушлашмайди — бунга ўзларига яраша важлари бор, шу боисдан уларни кўндиришга кўпда овора бўлмайсизлар. Сирасини айтганда, йўлга тушишга тайёр бўлишса ҳам керак — эълонни ўқишган-ку, ахир, кейин, Карлосни қўлга тушириш қанча бойлик келтиришини чўтлаб кў-

ришгандир-ов. Мўмайгина мукофот олишларини тасдиқ-ласанглар бас, қарабсизларки, уч кун ўтмаёқ ўша бизон овчисининг қулоғи ёки каллахомини, ўнгидан келиб қолса (агарда сизларга шу кўпроқ ёқса) бутун бошли жасадини келтириб туришибди-да. Уни излаб топмай қўймайди булар, хотиржам бўлаверинглар!

— Енларига аскар қўшиб жўнатасак-чи? Карлос ёлғиз ўзи эмасдир балки. Анави метис — унинг ўнг қўли, хўжаси билан бирга деб ўйлашга асосимиз бор, бундай ёрдамчи билан биргаликда ўша овчиларингиз учун ҳазилакам рақиб бўлмайди-я.

— Буниси даргумон-ов. Ахир улар нақ иблисининг ўзгинаси-ку. Илло ўзларининг олдиларидан ўтиб кўринглар. Ёрдамга муҳтожми ё йўқми, ўзлари яхши билишади. Бу уларнинг иши, шундоқ экан, ўзлари ҳал қила қолишсин.

— Ҳозироқ уларга одам юборайликми ёки ўзингиз жўнатасизми уларни буёққа?— деб сўради Робладо.

— Бирорталарингиз олдиларига борганингиз маъқул эмасмикин? Бунақанги ишни ошкор қилиб бўлмайди. Агарда улар бу ерга келишадиган бўлса, унда одамлар улар билан нима хусусда гаплашганиларни фаҳмлаб олишади-ёв. Мабодо бу азаматлар ўзини ахтариб юргани Карлоснинг қулоғига бориб етса, у чоғда овчини қўлга туширишлари даргумон бўлиб қолади.

— Сиз ҳақсиз, отахоним,— деди Робладо.— Улар билан ҳеч зогга сездирмай қандай учрашсак бўлади унда?

— Бундан осони борақанми, капитан. Уйларига, тўғрироғи, кулбаларига бораверинг. Улар қоялар орасидаги қапада истиқомат қиладилар. Ғоятда овлоқ жойлар, йўлда бирор кимсани учратишингиз амримаҳол. Бутазорлар оралаб ўтадиган сўқмоқдан юришингиз даркор, илло мен сизга йўлбошловчи бераман, у ўша жойларни билади ва сизни бошлаб боради. Азаматлар сизни кутишаётган бўлсалар керак: мен уларга, мабодо зарур бўлиб қоласизларми, уйдан жилмай туринглар, деб шама қилиб қўйганман. Кўнглингиз тўқ бўлсин, албатта уйдан топасиз уларни.

— Йўлбошловчини-чи, қачон юборасиз?

— Аллақачон шу ерда у — менинг маҳрашим бошлаб боради сизни. У пастда, ҳовлида турибди, фурсатни кеткизмасангиз ҳам бўлади.

— Албатта, Робладо,— тасдиқлади комендант.—

Отингиз эгарлоғлиқ, вақтни ўтказмай, йўлга тушинг.

— Ҳозироқ жўнайман!.. Қани йўлбошловчингиз, ота-хоним?

— Эстебан! Ҳой Эстебан!—деб қичқирди иезуит том девори оша энкайиб.

— Бу ердан, сеньор!— жавоб қилди биров пастдан.

— Буёққа чиқ! Тез!

Асотеяга ўша заҳотиёқ ҳинду бола чиқиб келди; у шляпасини ечиб, эҳтиром-ла Хоакин тақсирларига яқинлашди.

— Капитанни бутазорлар оралаб ўтган сўқмоқдан овчиларнинг кулбасига бошлаб борасан.

— Хўп бўлади, сеньор.

— Тагин бирор кимсага оғзингдан чиқара кўрмагин-а, бу тўғрида!

— Хўп бўлади, сеньор.

— Агарда оғиз оча кўрсанг, қамчи билан савалайман. Қани, йўлга туш!

Робладо бола ҳамроҳлигида зинапоядан пастга тушди, у ерда отга минишига ёрдамлашиб юборишди-ю, қалъа дарвозасидан ташқарига чиқди.

Хоакин тақсирлари Вискарра таклиф этган яна бир стакан бордони сипқордилар, сўнг миссияда ўзларига лаззатли нонушта маҳтал экани ёдларига тушиб, соҳиб хонадон ила хайр-хўшлашдилару изларига қайтдилар.

Вискарра асотеяда ёлғиз қолди. Башарти у ерда бирор кимса бўлса-ю, уни кузатса, ўша одам Қиз ўлган қояга кўзи тушгандаёқ Вискарранинг юзига ғалати, таҳликали ифода қалқишини пайқаган бўларди.

Л I Б О Б

Робладо буталар орасига кирди; оти илгарисида бир неча қадам олдинроқда Эстебан лўкиллаганча чопиб борарди. Робладо ярим милча масофани шаҳардан қоялар оралиғидаги сўқмоқлардан бири сари элтадиган кенг йўли бўйлаб босиб ўтди, кейин деярли ўз қўйларини ахтарадиган қўйчивону овчилардан бўлак одам юрмайдиган ёлғизоёқ йўлга бурилди. Яна икки-уч миль йўл босгач, кўзланган манзил — қоя этагида жойлашган овчилар капасига етиб келди.

Бу ҳақиқатан ҳам фақирона қапа эди. Атрофни босиб ётган дарахтсимон юкка¹лардан бир нечтасининг танаси устуну синч ўрнида нишаби бир томонлама томи — аниқроғи юқори томони қояга туташган бостирма-соёбонни кўтариб турарди. Томга худди ўша ўсимликнинг қаттиқ япроғи қават-қават қилиб босилган эди. Қапанинг хийла йўғон юкка танасидан шилиб-ёриб олинган тахта-пилақчалардан ясалиб, қўтос терисидан тилинган тасмачаларга илинган эшикнамо нарсаси ҳам бор экан. Айнан ўша хом ашёдани ясалиб, худди ўшандай усулда илиб қўйилган дарча-қопқоқли туйнук дераза хизматини ўтар эди. Ингичка-ингичка таёқлар билан бўйио энига қинғир-қийшиқ тарзда мустаҳкамланган, тоқрўдадан тўқилган деворларига наридан-бери лой чапланганди. Эгалари бошпана қуришда камроқ тер тўкишга ҳаракат қилгандилар, шунинг учун ҳам тиккасига тушган қоянинг сип-силлиқ ёнбағри унинг тўртинчи — орқа томондаги девори хизматини адо этар, ундаги қора қуримли из мўрикон ўрнига томда қолдирилган оддийгина туйнукдан чиқадиган тутуннинг йўлини кўрсатиб турарди. Эшик биқин тарафда, қояга тақалган; дераза эса капанинг олд деворидан очилган бўлиб, эгалари сўқмоқ орқали бу ерга келишни хаёл қилган ҳар қандай одамни кўриб туришлари тайин эди. Лекин бундай ҳол камдан-кам бўларди; ёвузу бешафқат овчилар айтарли ҳеч ким билан ош-қатиқ бўлишмас, бошпаналариям қояни айланиб ўтадиган йўлга тескари эди. Қапа қоялар орасига анча-мунча, йўлдан бир неча юз ярдлаб ичкарига кириб борган дарада жойлашган эди. Уни бир томондан қоялар тўсиб турган бўлса, иккинчи тарафдан қалин бутазорлар ўз танасига олганди.

Қапа орқасида амал-тақал билан тош териб барпо этилган чоғроққина қўтон кўзга ташланарди. У ерда қирчанғи, туллаган учта хачир билан худди ўшанақанги аянчли иккита от турибди. Қояга экин майдони, тўғ-рироғи — аллазамонларда экин экилган дала туташганди; ҳозирда қаровсиз, ташландиқ жой бўлиб қолгани туфайли ўт-ўлан босиб кетган эди. Дарвоқе, у ер-бу ерда инсон меҳнати изларига кўз тушиши мумкин эди: баъзи-баъзи жойда, ҳаккам-дуккам қаровсиз жўхори

¹ Юкка — лолагуллилар оиласига мансуб ҳамиша яшил ўсимлик.

полярни дикрайиб турар, улар оралигида эса қовун ҳамда қовоқ палакларининг бурама мўйловчалари кўзга чалинади. Мазкур жойга келиб ўрнашганлар ернинг чинакам эгаси бўлолмагани яққол кўриниб турарди.

Капа остонасида беш ёки олти чоғли ит ётибди, итдан кўра бўрига ўхшайди улар кўпроқ; тепада қоя нақ муаллақ турган ерда бир нечта абжағи чиққан юк эгарлари сочилиб ётибди. Иккита сийқаси чиққан, йиртиқ, эски чавандозлик эгари дорда осиглиқ турибди; ўша дорга юганлар, шода-шоода қизил қалампиру боғлам-боғлам сур гўшт осилган.

Ушбу қапага кириб келган одамнинг икки эпсиз, пвирсиқ ҳинду аёлга кўзи тушарди — улардан бири зогора нонга хамир қораётган, иккинчиси гўшт қовураётган эди. Қоя бағрига тақаб қўйилган икки тош ўртасида олов ёнар, шундоқ ёнгинасида эса сопол кўзаю товоқлар, қовоқ идишлар айқаш-уйқаш бўлиб ётар эди.

Капа деворларини ўқ-ёй, садоқ ҳамда жониворларнинг мўйна-терилари безаб турарди; икки бурчакдаги (кулбанинг ўзи битта хона эди) тош супалар устига ташлаб қўйилган тери-пўстақлар тўшаклари эди. Учинчи бурчакда иккита ов милтиғи — биттаси мили узун, иккинчиси мили калта испан милтиғи билан бир жуфт дастаси узун найза деворга тираб қўйилган, буларнинг тепасида овчиларнинг пичоқлари, ўқдонлар, тўрва-халталар ва Қояли тоғларда ов қиладиган сайёд учун зарур бўлган бўлак жамики керак-яроқлар илиғлиқ эди. Ўша ерда балиқ ҳамда майда ҳайвонлар овига керакли тўр дейсизми, бўлак асбобу буюмлар дейсизми, бари бор эди. Қападаги жамики жиҳозу қақир-қуқур мана шулар эди, вассалом. Ичкарига кирганида Робладо ана шуларни кўрган бўларди; аммо у кирмади, зеро унга зарур одамлар тўрт девор ичида қамалиб ўлтира олмасдилар. Мўлат ерда узала тушганча чалқайиб, самбо эса ўз ватанининг — иссиқ мамлакатларнинг соҳилбўйи ўлқаси — одатича икки дарахтга тортилган тўр беланчақда ётишган эди.

Бу одамларнинг турқи ҳар қандай кимсани жиркантириб, ихлосини қайтариб юбориши аниқ эди, бироқ Робладони хотиржам торттирди. Унга худди мана шундай ҳамтовоқлар керак-да! У икковини илгариям кўрган эди-ю, лекин ҳеч қачон эътибор бермаганди. Ҳозир эса уларнинг суру беор, тунд башаралари ва мушакдор

қора таналарига тикилиб тураркан: «Ҳа, Карлосни эп-лаштирадиган мана шулар. Ваҳимали иккови. Важоҳатига қараганда икковидан хоҳлагани бемалол суробини тўғрилайди уни — гавдалари униқидан хийла йирик, миқтию бақувватроқ», дея хаёлидан ўтказди.

Мулатнинг бўйи шеригиникидан баландроқ эди. Шериги куч-қувватда ҳам, довюракликда ҳам, фаросату зийракликда ҳам хиёл ён берарди. Башарти самбони ҳисобга олинмаса, бутун мамлакатни ахтариб чиққанда турқи мулатнинг башарасидай жирканарли бирорта тавияни топиш амримаҳол эди-ёв. Самбога келганда эса — нақ узукка қўйган кўздай, жуда мос эди-да, ош-насига.

Мулат терисининг туси хира-саргимтил бўлиб, сийрак соқол-мўйлови бор эди. Худди занжиларникидек қалин бинафшаранг лаблари ортида бўри тишидек йирик-йирик икки саф тиши садафдек ярқирарди. Чуқур ўрнашган кўзлари оқини ярмигача сидирғасига сарғиш доғ-парда қоплаганди. Кўзлари тепасида ораси кенг қуюқ қора қошлари дикрайган, муштдек келадиган япасқи бурнининг катаклари бамисоли ўпқондай қорайиб турарди. Қалин, жингалак ҳурпайма сочи — жун деса тўғрироқ бўлади — тутамлари шапалоқдек қулоқларини ёпиб олган. Бошига кўп замонлардан бери со-вун билан ошначиликни узган эски мадраси катак рў-молни саллага ўхшатиб ўраб олган. Бу салласи остидан пешонасига тушиб турган жингалак сочлари мулатга янада ваҳшиёна шафқатсизлик тусини берарди. Бу башаранинг туриш-турмуши қаҳри қаттиқлик, сурбетона дағаллик, маккорликдан ҳамда унга бирорта инсоний ҳис-туйғу ошно эмаслигидан далолат бериб турарди.

Мулатнинг энгил-боши жамики бепоён дашт овчилари киядиган кийимдан кам фарқ қиларди. У тери ва адёлдан иборат эди. Ёлғиз бош кийимигина — Жанубий штатларда қул бўлган даврларидан мулатга ёдгорлик бўлиб қолган — ғайриодатий эди, холос.

Самбонинг ёвузона башараси ошнасининг турқидан заррача қолишмасди. Фақат тусида фарқи борийди. Терисининг туси қўнғир-қора — ота-онаси мансуб бўлган икки ирқ териси тусининг омухтаси эди. Занжи сингарни лаблари қалин, манглайи қиялама, ҳинду қони эса бўйни, елкаларига тушиб турган деярли силлиқ,

тўлқинли соч тутамларида аксини топганди. Шунга қарамай, унинг ташқи қиёфаси мулат дўстиникига нисбатан камроқ тортарди эътиборни. У ўз қабиласининг одатдаги либосида — дағал ип газламадан кенг-қовул чолвор билан ўша матодан нимча, қўпол серапе, белига тасма ўрнига шарф боғланган. Кураги, бўйни, кифтлари ва жезранг тусли мушакдор қўллари очиқ.

Робладо айни самбонинг феъл-атвори яққол намоён бўлиб турган манзаранинг устидан чиққан, томошанинг охирги кўринишига етиб келган эди.

У беланчакда ёнбошлаб олиб, ўткир сигарани ҳузур қилиб чекаркан, аҳён-аҳёнда хом терига ёпишаётган пашшаларни қамчи билан қўриб қўяр эди. Кейин у аёллардан бири, ўзининг ҳозирги хотинини чақирди:

— Ҳой қиз! Қорин очиб кетди-ку! Эт пишдимми ўзи?

— Пишгани йўқ ҳали,— ичкаридан жавоб қилди хотини.

— Бўлмаса зоғора билан қалампир мусалласдан олиб чиқ буёққа!

— Уйда мусаллас йўқлигини ўзинг биласан-ку, жоним.

— Буёққа кел! Ишим бор сенда!

Хотин ичкаридан чиқиб, ошкора норози қиёфада беланчакка яқинлашди.

Самбо токи у ёнгинасига келмагунича қимир этмай ўтирди, кейин шу пайтгача орқасига беркитиб тўрган қамчини тўсатдан силкитди-ю, кучи борича юпқагина кўйлақдаги хотинининг кифтига туширди. То шўрлик хотин ўзини нарироқ олишга ботинмагунича устма-уст зарба тушаверди.

— Ана шунақа, қизалоқ! Кейинги гал нон билан мусаллас келтиришни буюрганаймда топарсан деймай, тўғримасми, қизалоқ?

Шундан кейин ёввойи яна беланчакка узаниб, хохлаб кулиб юборди, мулат унга жўр бўлди. У ҳам ўзининг титраб-қалтираб турган хотинини худди шундай савалашга шайланган эдики, айни шу нозик сонияда қана қошига Робладо келиб тўхтади.

Икковлариям сакраб туришиб, уни эҳтиром-ла қарши олишди. Жўралар унинг кимлигини яхши билишарди. Асосан мулат гаплаша бошлади, негаки ўша бошлиқ ўрнида эди-да, ахир, самбо эса сояда қолаверди.

Сухбат аёллар билан Эстебан эшитиб қолмасин учун

ним овозда бораётган эди. Хоакин тақсирлари маслаҳат берганларидек, ошналар бизон овчисини ахтариб топиб, ўлигиними ё тиригиними қалъага олиб боришга ёлланилди. Биринчи ҳолда уларни мўмайгина, кейингисида эса икки баравар катта мукофот кутарди.

Улар аскарларнинг ёрдам беришини ишашмади. Бу ёқмади уларга. Мўмай мукофотни озайтиргилари, аллакимлар биландир бўлашгилари келмади. Бу маблағ икковлари учун катта бойлик эди, уни қўлга киритиш орзу-иштиёқи муваффақиятга эришиш истак-интилишлари гулханига ўт қалаб қўйганди.

Капитан бу ишни ниҳоясига етказгач, қалъа томон от солди, мулат билан самбо эса дарҳол одам овига ҳозирланишга тушиб кетишди.

III БОБ

Ярим соатдан кейин мулат билан самбо — биринчисини Мануэль, иккинчисини Пепе деб аташарди — йўлга тушишга тайёр эдилар. Ҳозирлик кўриш ана шу вақтнинг ярмини ҳам олгани йўқ, лекин иссиқ овқат билан қоринни тўқлаб, биттадан ўткир сигарани мириқиб чекишларига чорак соатдан кўпроқ вақт кетди; отлар бўлса бу орада олдиларига ташланган жўхори сўталарини кемтирди.

Мана, сигаралар чекиб бўлинди; ошналар отларига сакраб миниб, йўрттириб кетдилар.

Мануэль одатда америкалик овчилар фойдаланадиган узун милли милтиқ, пичоқ (буниси ҳам америкаликларники) ва яккама-якка олишувда даҳшатли қурол бўлмиш уч томонидан бир неча дюймгача ниҳоятда ўткир, зилдай дудам билан қуролланганди. Унисиям, бунисиям Миссисипи водийсидан олиб келган бу қуролни қандай ишлатишни ўшаёқдан ўрганиб қайтган эди.

Пепеннинг эгари қошига тасмасидан илиб қўйилган испан милтиғи саланглаб борарди; Пепеннинг ўзининг ёнбошида каттакон, залварли пичоқ — мачете, елкасида эса камон билан найзалар жойланган садоқ осиглиқ. Баъзи ҳолларда — масалан, бирорта илвасинга шарпа чиқармай зарба бериш лозим бўлганида — мачете билан камон истаган ўт очар қуролга қараганда қулай келади. Камондан ўточар қуролга қараганда ил-

дамроқ ўқ узилади; борди-ю, биринчи узилган камон ўқи хато кетганда ҳам ҳечқиси йўқ — зеро бу ўқ мўлжалга олинган қурбонга ғанимини билдириб қўйиши аҳтимоли хийла камроқ.

Ушбу қуроллардан ташқари, ҳар қайси овчининг бегида тўппонча қистириғлиқ, эгари қошида кулча қилиб ўралган лассо илиғлиқ эди.

Орқага, от сағрисига егуликларини — сур гўшт шодаси билан буғу терисига ўралган зоғора нонларни ортиб олишган эди. Ашқол-дашқоллардан яна сув солинадиган икки бўғизли қовоқ идиш, мугузлар, милтиқдори солгичу тўрва-халталар ҳам бор эди. Отлар кетидан изма-из турқидан худди эгаларига ўхшаган бадқаҳр ва йиртқич қиёфали иккита ҳайбатли ориқ ит чопиб борарди. Итлардан бири маҳаллий бўрибосар, иккинчиси испан исковучи зотидан эди.

— Қанақасига кетамиз, Мануэль?— деб сўради самбо уйдан узоқлашишаркан.— Тўғри Пекосга қараб бо-раверамизми?

— Йўқ, йўқ, тепага кўтариламиз, айланиб ўтиб. Водийда кўриб қолишади — кимни ахтариб кетаётганимизни фаҳмлаб олишади. Мабодо унга бирортаси оғзидан гуллаб қўйса борми — унда анави пулларни тушимизда ҳам кўролмаймиз, деявер. Йўқ, эски йўлдан, қуриган ўзандан Пекосга қараб юрамиз. Сал узоқроғ-у, лекин бежавотир.

— Жин урсин! Уёқ тип-тикка — тепага чиққунча ўпканг бўғзингга тиқилиб ўласан-ку, ахир! Бечора отимни кучи етмас-ов бунга. Ўзи шундоқ ҳам силласи қуриган. Бизонлар кетидан озмунча қуваладикми ахир!— деди ҳовлиқиб.

Улар бутазорларни кесиб, қояни айланиб ўтадиган йўлдан сойлик тик ёнбағирликка ёриб кирадиган жойга-ча етиб боришди. Ана шу сойлик-дара тубидан бориб юқори ясситоғликка кўтарилиши мумкин эди. Бу тиккалаб кетган ниҳоятда оғир йўл эди. Тоғда ўсган мустангдан ташқари — мустанглар ҳамма жойдан бамисоли мушукдай ўрмалаб чиқиб кетади — ҳар қандай от чиқмайман деб оёқларини тираб туриб олади бу ерда. Ҳатто итлар ҳам деярли тик кўтариладиган қоядан машаққат билан юқориларди. Лекин овчилар ерга тушишди-да, отларини етаклаганча тепага кўтарила бошлашди; кўп ўтмай ясситоғликка чиқиб боришди.

Шу ерда пича нафасни ростлаб, отларига дам бергач, яна отга миниб, прерия — дашт бўйлаб шимолга қараб елдириб кетишди.

— Хўш, Пепе, ўғлон...— ғўлдиради мулат.— Йўлда биров йўлиқиб қолар балки. Бирсрта чўпон оҳуни қува-
лаб юрган бўлиши мумкин. Эшитяпсанми?

— Ҳа-ҳа, Мануэль, тушундим.

Ун милча масофа давомида улар орасида бўлиб ўтган гап-сўз шугина эди. Улар турнақатор тизилишиб: олдинда Мануэль, орқасидан Пепе, ундан кейин итлар келишаётган эди. Итлар ҳам кетма-кет — олдинда този, кетидан бўрибосар келяпти.

Ун милча йўл босгач, йўлни қияламасига кесиб ўтган қуриб қолган ўзанга етиб келдилар. Карлос билан дўстлари қалъада содир бўлган воқеалардан кейин қочган кунлари айнан мана шу ўзандан юрган эдилар. Ҳозир эса овчилар тушиб келдилар унга. Улар ҳам Карлос ўшанда қилганидек қуйига, ирмоқнинг мансаби томонга — Пекос қирғоғига қараб бурилдилар. Бу ерда дарахтзорга киришди-да, отдан тушиб, уларни дарахтга боғладилар. Отлар яқиндагина олис сафардан қайтгач, ҳозир ҳам ўттиз милдан кам юрмаганларига қарамай, жудаям унақанги толиққан кўринмасди. Ориқликларига қарамай, улар зотларига муносиб тарзда кучли дамда чидамли бўлиб, ҳеч зиён-заҳматсиз яна юз миль йўл босишлари мумкин эди. Эгалари буни жуда яхши билишар, акс ҳолда одам овида муваффақият қозонишларига ишонмаган бўлардилар.

— Ҳар қанақасига олганда ҳам, қорабайири ажойиб от,— деб қўйди мулат, мустангларга тикилиб.— Ҳечқиси йўқ, етиб оламиз-а, унга, Пепе?

— Етиб олганда қандоқ.

— Иккала қирчанги йўрғанинг тинкасини қуритар дейман, шундоқмасми, Пепе?

— Шундоқ. Мануэль, албатта тинкасини қуритади!

— Мен ўзимни жуда унақанги койитмоқчи эмасман, шунни-чун ўйинни сал жўнлаштириш керак. Бир эпини қилиб, бирон йўлни топармиз-а, Пепе?

— Умидворман бундан, Мануэль!

— У шубҳасиз ғорга жойлашиб олган. Бундан яхшироқ жойни тополмайди. Ухлаб ётганидаям ушлаб олишолмайди уни, аскарлар умрида чиқиб келишолмайди буюқларга. Иннайкейин, унинг орқасига, водийга ту-

шишиям осонгина. Уёқдан-буёққа бемалол қатнайвереди, ҳеч қанақанги айғоқчи кўз-қулоқ бўлмайди унга. Бошқа қаёққа ҳам борарди. Албатта оти билан бирга ғорга жойлашиб олган у. Фақат битта лекинни бор: уни қай пайтда қўлга тушириш керак? Сен нима дейсан, Пепе?

— Ҳамма гап шунда-да! Қай пайт ўша ерда бўладию қай пайт бўлмайди, билсак қанийди-я!

— Э, бу қийинамас. Пистирмада турамыз — вассалом.

— Кундузлари ўша ерда бўлади деб ўйлайсанми?

— Шундай деб ўйлайман, Пепе. Водийга кечаси тушади, бу кундай равшан гап — фақат кечаси. Эҳтимол ўзининг уйига эмасдир-у, бирорта қўшни-пўшнисиникига тушар. Антонио билан-ку учрашиши аниқ. Антонионинг ғорга келиши мумкин эмас: малласоч жуда қув, уни йўлда қарши олади. Бунга шак-шубҳа йўқ!

— Унда Антониони кузатармыз балки?

— Бўлади-ю, лекин бу ярамайди. У чоғда бир йўлаккови билан олишишга тўғри келади. Иннайкейин, Антониони ўлдирмаслик керак. Одамларни Антониога ғаразлари йўқ. Антониони у билан бирга кўришса — ёмон бўлади. Йўқ, ўғлон, бизга малласочнинг ўзиям кифоя — уни қўлга туширгунча озмунча тер тўкиш керакми ҳали. Қўлга тушириш — ўлдириш деган гап эмас. Ўзлари ўлдиришаверишсин. Антониони кетидан пойлаб нима қиламыз? Унинг ўзи қаердалигини биламиз-ку. Агар билмаганимызда бошқа гап эди.

— Мануэль, ғорга балким кундузи борармыз? Нимагадир қаердалигини яхши эслолмай турибман.

— Бир миля келади, каммас. Агарда ухлаётганини билсак бораверардик... Қай пайт ухларкин у? Балким сен биларсан?

— Борди-ю, ухламаётган бўлса-чи?

— Бизни дарада бир миль наридан кўради-ю, отига миша солиб тепага, ясситоғликка чиқиб кетади — ана унда қидириб топиб бўпсан уни! Балким уч кун кетар бунга, эҳтимол мутлақо тополмасмиз.

— Мануэль, биласанми, топдим! Дара оғзига борамиз-да, яқинроқ бирон жойда қоронғи тушгунча пойлаб ётамиз. Қоронғи тушиши билан дара торайган ергача эмаклар борамиз. У ёнимиздан ўтади — водийга чиқа-

диган бошқа йўли йўқ, тушуняпсанми?—ана шунда уни паққа қулатамиз.

— Вой сени қара-ю! Унақада мукофотнинг ярмидан айриламиз-ку! Мабодо қоронғида ўқимиз хато кетса-чи? Унда ҳамма пул қулоғини ушлаб кетди деявер. Э-йўқ! Ё ҳаммаси — ё ҳеч вақо! Ўз жонимизни тикиб бўлсаям, тириклай қўлга туширишимиз керак уни, фақат тириклай!

— Бўпти, унда дарадан чиқсин,— деди Пепе.— Сал узоқлашиши билан биз ғорга кириб яшириниб оламиз. Қайтишини кутамиз. Бунга нима дейсан, Мануэль?

— Чакки эмас режанг, ўғлон. Бўпти, худди шундоқ қилганимиз бўлсин. Лекигин беҳудадан-беҳудага бош суқмаймиз. Олдин у дарадан чиқиб кетсин, ана ундан кейин ишга тушамиз. Унинг кетганини ўз кўзимиз билан кўргандан сўнггина ғорга кириб оламиз. Ана шунда уни албатта қўлга тушираамиз... Қара, кун ботяпти. Вақт етди! Қани кетдик!

— Кетдик!

Улар отга миниб, дарё соҳилига чиқдилар. Бу ерда кечув йўқ эди, лекин бунинг нима фарқи бор? Улар бирон дақиқа ҳам ҳаялламай отларини сувга солиб, сузишга мажбур этдилар; итлари орқаларидан эргашди; ҳадемай ҳаммалари нариги қирғоққа чиқдилар. Устиларидан шариллаб сув оқиб тушарди ерга. Совуққина оқшом палласи эди, аммо бунақанги одамларга иссиқ ёки совуқ писандми денг! Улар энгиллари шалаббо бўлганига парво ҳам қилмаётган эдилар. Дарёдан чиқа солиб тўғри водийга бориб тақалган тик қояларга қараб от чоптириб кетдилар. Уша ерда, Льяно Эстакадо этагида қояларни айланиб ўтиб, ўнга бурилдилар.

Овчилар тош девор ёқалаб икки ёки уч милча от чоптириб бориб, водийга ёриб кирган қояли тармоқ ёнига етдилар. Бу тоғ тармоғи ясситоғдан узоқлашгани сайин энига торайиб, тобора қиялаб борарди. Энг этагида қулаган қоя бўлаклари ва уйдаи-уйдай ҳарсанглар айқаш-уйқаш бўлиб қалашиб ётарди. Бу ерда дов-дарахт йўқ эди-ю, лекин қоп-қора, қаққайиб турган тошу харсанглар мазкур жойга қандайдир ҳурпайган қиёфа бахш ётарди. Тошлар ораси ва қояларнинг камгагу ўнгирларида бутун бошли суворилар бўлуғи отпотлари билан бемалол яшириниши мумкин эди.

Мулат серқоя буруннинг худди ана шу жойинга йўл

солганди. Ғор жойлашган дара шу буруннинг панасида эди; бошқа тизма қоялар дарани жануб томондан тўсиб турарди. Дара қоялар бағрига мисоли ханжардай чуқур санчилиб кирган, уёқдан юқорига, ясситоғликка тик кетган энсизгина сўқмоқ олиб чиқарди. Бу ёш чорвадор дон Хуаннинг моллари қирғин қилинган худди ўша дара эди. Ҳозир мол ўлаксалари кўринмасди бу ерда. Сору қузгунлар, бўрию айиқлар оз тер тўкмагандилар мазкур «тўкин» дастурхон устида, шу боисдан дара тубида фақат оппоқ суяк-саёқларгина сочилиб ётарди.

Овчилар ниҳоят кўзлаган манзилларига етиб келдилар. Улар отларини харсанглар орасига олиб кириб, маҳкамлаб боғлаб қўйдилар; сўнг ўнгиру ёриқлардан, қоя-тошларга тирмашиб юқорига интилганча, ахийри чўққига чиқиб бордилар. Бу ердан дарага киравериш яққол кўриниб турарди. Киравериш энига уч юз ярдча келар, шу сабабдан ҳам на одам, на от Мануэль билан Пепенинг ёнидан билдирмай ўтиб кета оларди, башарти тун ҳаддан зиёд қоронғи бўлмаса, албатта. Лекин овчилар ойга умид боғлаган эдилар: ойдинда эса улар дарага кирмоқчи бўлган мушукниям кўришлари тайин эди.

Улар қулай жой танлаб, ётиб олишди. Қўйидан, тизма қояларнинг икки биқинида ястанган сойликдан уларни ҳеч ким кўра олмасди. Отлари бўлса қоялар оралигига яшириб қўйилибди.

Одам овчилари ҳаракат режасини яққол тасаввур этишарди. Уларда қонундан ташқари деб эълон қилинган Карлос шу ерда, Мануэлга жуда яхши таниш мана шу дарадаги ғорга жойлашган деб гумон қилишларига асослари бор эди. Кечалари у, шубҳасиз, бу ердан чиқиб, водийга йўл олади-да (шу ердан унинг ранчосига-ча бор-йўғи ўн милча келади), ярим йўлда Антонио билан учрашади, унис эса йигитга Сан-Ильдефонсода бўлаётган гапларни оқизмай-томизмай гапириб беради, аини пайтда егуликларни ҳам тутқизади қўлига.

Улар Карлос дарадан чиқиб кетгунича шу ерда ётиш, кейин ғорга кириб олиб, қайтганида таппа унга ташланиш ниятида эдилар. Албатта, у ёнларидан ўтиб бораётганида пойлаб туриб ташланишлари мумкин эди-ю, аммо уни ушлаб олишларига кўзлари етмаётганди. Агар отлиқ бўлса, икки дунёда ушлашолмайдди уни. Билдирмай яқингинасига бориб, отишса ҳам бўларди,

албатта, бироқ унда, мулат айтганидай, йигит қочиб қутлиб кетади деган хавф ҳам йўқ эмасди.

Бунинг устига улар мутлақо бош териси — каллахом овига отланган эмасдилар. Икковлари ҳам, айниқса Мануэль, қандоқ бўлмасин Карлосни тириклай қўлга тушириб, икки ҳисса кўпроқ пул ишлаш дардида эдилар. Бу ҳам қийин, ҳам хавфли бўлсаям майли, мабодо уни қўлга тушира олишса мукофот икки баравар кўпайтирилади, бу пул учун эса каллакесарлар ҳар қандай ишга тайёр эдилар. Дарвоқе, улар минбаъд очиқ-часига олишишга интиладиган даражада довюрак эмасдилар. Малласочнинг бениҳоя жасоратга эгалигини билар ва ҳийла билан ундан устун чиқиш умидида эдилар.

Аввалига унинг изига тушиш, ана шундан кейин сездирмайгина бориб, уйқусида босишга қарор берган-у, йўл-йўлакай ҳаракат режасини пишитиб келган эдилар. Бу режа Пепега таклиф этмасидан анча-мунча илгаридек пишиб етилган эди Мануэлнинг калласида.

Изига кимлар тушганини қурбонлари хаёлига ҳам келтирмаётгани уларнинг умид чироқларига мой қуяётган эди. Карлос уларнинг овдан қайтганларини ҳеч кимдан эшитмайди, шунинг учун ҳам у жудаям унақанги эҳтиёткору сергак бўлмайди. Улар изига тушганларини билса, Карлос ўзини ҳозиргига, аскарлардан яшириниб юрибман деб ўйлаётган дамдагига қараганда бошқачароқ тутган бўларди, албатта. Аскарлардан хоҳлаган пайтда Льяно Эстакадонинг бирон ерига яширина олади. Овчилар эса — бошқа гап. Башарти биринчи уринишда уни эплаштиролмасалар, қаёққа қочиб бурганидаям излаб топадилар бари бир.

Икковлариям — Мануэль ҳам, Пепе ҳам, бир нарсадан шубҳаланмасди: малласоч токи уни қўлга туширмагунларича ошналарнинг шу ерда эканликларини хаёлига келтирмайди. Ана шу боисдан ҳам улар муваффақиятга эришажакларига ишонардилар.

Уз-ўзидан аёнким, башарти: Карлос ҳозир ғорда, кечаси дарадан чиқиб кетади, деган тахминлари тўғри бўлган чоғда, зафар қозонишларини таъминлайдиган чораларни кўриб қўйган эдилар.

Буни ҳадемай билиб олишади. Қуёш ботиб бўлди. Озроқ кутсалар кифоя.

Карлос бу пайтда ҳақиқатан ҳам ғорда эди. Қалъада содир бўлган воқеадан сўнг у шу ерга жойлашиб,

ғорни айнан Мануэль ҳамтовоғига айтган важҳу сабабларга кўра ўз «маконига» айлантириб олганди. Ғорнинг учун ишончли бошпана хизматини ўтар, боз устига у дўстларига, водийга яқин ерда эди. У кечалари дарадан хотиржам чиқиб, тонготарда бемалол қайтарди. Кундузлари ухларди. Бу ерда у аскарлар изидан келиб топиб олишларидан чўчимаса ҳам бўларди. Борди-ю, ҳаттоки изига тушиб қолган пайтларида ҳам ғор оғзидан дара деярли бир миль наригача, нақ бошланишигача шундоққина кўзга ташланиб турар, ўша томонда бирор кимса пайдо бўлса, Карлос уни олисданоқ пайқар эди. Гарчи даранинг икки биқинида чиқиб бўлмас қоялар юксалиб турган бўлса-да, мабодо аскарлар дарага қуйидан, водий томондан кириб келиб қолса, овчининг қочиш имконияти бор эди. Илгарироқ айтиб ўтганимиздек, энсизгина, тик кўтариладиган хавфли сўқмоқ ясситоғликка олиб чиқарди. Тикка кўтарилганига қарамай ажойиб от бўлмиш қорабайир ундан сира чўчимамай, дадил чиқиб борар, тепада, бепоён Льяно Эстакадода эса Карлос ўз таъқибчилари — уланларни мазах қилиб жуфтакни ростлаб қолиши тайин эди.

Ғанимлари фақат уйқусида ёки қоронғи тушганидан кейингина билдирмай яқинлаб келишлари мумкин эди. Аммо Карлос бундан ҳам чўчимасди. У худди ишончли қўриқчилар қўриқлаб тургандай, бемалол-хотиржам ухларди. Ҳа, ҳа, унинг қўриқчиси — вафодор муҳофиз Бизон бор эди. Охирги, кўприкдаги оғиру машаққатли олишувдан Бизон ҳар қалай қутулиб чиққан, танасига бир неча найза санчилган бўлса ҳам, жароҳатлари хавфли эмасди. Бизон бояги-боягидек эгаси ёнида эди ва у ухлаётган пайтда ақлли ит камгакда пастга, дарага қараб ётарди.

Аскарларнинг мундирларига кўзи тушгандаёқ жунлари тикка бўлиб, хатардан огоҳ этиб ириллашга ўтиши аниқ эди. Ит ҳатто қоронғида ҳам яқинлашиб келаётган бегона одам шарпасини бир неча юз ярд олисданоқ пайқайди, ана шу нарса эгасига ўз вақтида энг илдам таъқибчилардан ҳам яшириниш имконини беради.

Ғор кенг-ковулгина, одамлар от-потлари билан бемалол сиғадиган даражада кенг эди. Унинг тубидаги бамисоли инсон қўли билан ясалгандек туюлгувчи думдумалоқ жомга ўхшаган чуқурчага қоялардан шишадек тиниқ, зилол сув оқиб тушарди. Илло кўринишдангина

шундоқ эди. Мазкур жомни ясаган ҳам, уни обираҳмат билан тўлдирган ҳам табиатнинг ўзгинаси эди. Бу атрофларда бунақанги сув ҳавзалари камёб нарса эмас. Янада жануброқда юксалган Вако ва Гваделупа тоғларида ана шунақанги чашмали горлар бот-бот учраб туради.

Қочоқ одам учун — у қароқчими, қонун таъқиб этган қувгиндими, ким бўлмасин — бундан яхшию бундан қулайроқ бошпанани тасаввур этиш мушкул, шу боисдан ҳам гор ҳозир Карлос учун энг қулай, энг мувофиқ панагоҳ эди. У ушбу гор борлигини кўпдан бери биларди, ундан ташқари эса гордан унинг ўзига ўхшаган бизон овчиларию ёввойи ҳиндуларгина хабардор эдилар, холос. Ана шу нимқоронғи, нохуш дарага водий аҳли ҳеч қачон яқин йўламасди.

Бу ерда, горда, Карлос истаганича ўй суриши мумкин эди, ўйлари эса кўпинча аччиқ-аламли бўларди. Водийда бўлаётган жамики ишларни унга Антонио етказиб турарди. Ҳар куни кечаси у келишилган жойда, Пекос соҳилида Антонио билан кўришар ва ўртоғидан янгиликларни билиб оларди. Айёр мулат Мануэль тўғри топган эди. Мабодо Антонио горга келадиган бўлса, уни изидан пойлаб келиб, шу йўл билан Карлоснинг панагоҳини билиб олишлари мумкин эди. Ана шу сабабдан овчи ҳар куни тунда бу ерни тарк этиб, Антонио билан олисроқда учрашарди.

Шаҳарда Антонионинг ниҳоятда эпчил ёрдамчиси бор — унга янгиликларни Хосефа етказиб туради. У Каталина де Крусесни уйдан остона ҳатлатмаётганларини; Робладонинг бор-йўғи яралангани ва ҳозирда тузала бошлаганини; Карлосни ахтаргани янги келган зобитлар бошчилигида бўлуклар йўлга чиққанини, кейин, унинг боши учун ваъда қилинган мукофот оширилганини ўшандан эшитди. Ранчосини кузатаётганларини Карлос аллақачоноқ билиб олган эди. Бу режа унчалик ҳийлагарона эмасди-ю, лекин ҳарҳолда уни ғоятда ўқинтирарди: у онаси билан синглисини знёрат қилолмасди. Шундай бўлса-да, улар билан Антонио орқали мудом алоқа боғлаб турарди ҳар қалай. Чамаси, рўй берган воқеалардан сўнг у синглисидан хавотир олиши лозимдек туюларди; аммо аблаҳ Вискарранинг жароҳати битиб, ҳали буткул тузалиб кетмаган, бундан ташқари эса, Карлос Роситани нимага озод қилиб юбор-

ганлари хусусида тўғри мулоҳаза юритаётган эди. У синглисидан унчалик хавотирда эмасди — ақалли, яқин кунларгача; яқин-орада эса у синглисини олисларга, беҳатар жойларга олиб кетади.

Шу ўйда қулай фурсатни кутаётган эди у. Овчи, ғанимлари қанчалик сергагу ҳушёр бўлмасинлар, хоҳлаган пайтида онаси билан синглисини уларнинг тумшуқлари остидан билдирмай олиб кетишига сира шубҳа қилмасди. Лекин, улар билан бирга овчи учун улардан қиммати кам бўлмаган бир зот ҳам қочиши керак. Уни эса хийла қаттиқроқ қўриқлашяпти, ундан кўз узишмаяпти!

Ёлғиз ўшанигина деб жонини хавф остида қолдирыпти, ўшани деб ўз ғорида неча-неча соатлаб умрини танҳоликда ўтказяпти, сира ақл бовар қилмайдиган янгидан-янги режалар устида бош қотирыпти.

Каталинани қулфбанд қилганлар, туну кун бедору муттасил қўриқлашяпти.

Каталина у билан бирга кетишга онт ичган. У, нега энди улар дарров, ўшандаёқ қоча қолишмади? Нимага тайсаллашди? Қимматли дақиқани нега бой бериб қўйди-я у?! Тайсаллашнинг оқибати машъуму таҳликали бўлиб чиқди. Наҳотки ўйлаган режалари бир неча ойлаб, йиллаб амалга ошмаса, эҳтимол ҳеч қачон бундоқ бўлмас?..

Ғанимларининг адоватию ғазаби, водийдагиларнинг нафрат билан қараши Карлосни кўпда ташвишлантормасди. У ёлғиз Каталинадан хавотирда эди, ёлғиз уни ўйлашгина мудом ташвишга соларди уни. Бедор пайтларида у фақат бир нарсани — ўзини эмас, севгилисини қандай халос этишинигина ўйлар эди.

Унинг тун киришини шунчалар исташидан ажабланиб бўладими? Унинг Пекос бўйига, Антонио билан яширин учрашадиган жойга сабрсизликла от елдиришидан таажжубланиш жоизми?

Мана, яна тун чўкди. Карлос отини ғор оғзидаги қияликка етаклаб чиқди-да, бир сакрашда ўзини эгарга олиб; дарадан қуйига қараб йўрттира кетди. Бизон олдинда чопиб борарди.

LIV БОБ

Одам овчиларига, худди ўзлари тахмин қилганларидек; кўп кутишга тўғри келмади. Ой нур сочиб ту-

рибди — улар ана шуни ҳам ҳисобга олгандилар. Ой ёрқин ёғду сочяпти, гоҳ-гоҳидагина осмон бўйлаб сузиб юрган булут парчалари бир нафасгагина тўсиб олардининг бетини.

Илло ҳилп этган шамол йўқ, ҳаво шу кўйи тошқотгандай. Бу ерда, баландда, ҳаво шундайин мусаффо ҳамда бегуборки, тик этган товуш олисданоқ эшитилди, ҳар бир шитир этган шовқин шарпаси узоқлардан акс садо беради.

Гарчи овчиларнинг ўргатилган итларию отлари жим турган, овчиларнинг ўзлари ҳам садо чиқармай ётган бўлсалар-да, барибир шовқину шитир-шитирлар эшитилаётганди. Овчилар жимгина ётишар, мабодо гаплашган чоғларида ҳам фақат шивирлашардилар.

Эшитилаётган шовқину шитир-шитирлар табиатнинг мазкур овлоқ ўлкасининг одатдаги товушлари эди: дам кўнғир айиқ ўзининг қоялар орасидаги уясида хуррак отиб, дам дашт бўриси — койот ув тортиб ё акиллаб қолар, гоҳ бойўғли «уҳ-уҳлаб» сайраб юборар, гоҳ кўршапалак чўзиқ чийиллаб ёки тентакқуш чинқириб юборди.

Орадан ярим соатча ўтди, Мануэль билан Пепе кўзларию қулоқларига бирон дақиқа ҳам дам беришмади. Улар дам дарага, дам водий томонга тикилишарди. Қурбонлари горда йўқ бўлиши мумкин, кундузиям бўлмагандир эҳтимол, уларга ўхшаган одамлар эса ҳар қандайин эҳтимолу имкониятни олдиндан пайқаб, торозуга солиб кўра оладилар. Мабодо аслида шундоғу ва мабодо Қарлос ҳозир горга қайтадиган бўлса, у чоғда уларнинг режасини амалга оширишнинг иложи йўқ. Лекин Мануэль шундай ҳолни ҳам ҳисобга олиб қўйганди: Қарлосни ўтказиб юбориш керак, ана ундан кейин, кечаси писибгина горга яқинлашиб — ўқ етгулик масофагача бўлса янаям яхши — эрталабгача, малласоч яна кўрингунича пойлаб ётиб, у кўриниши билан милтиқдан ўқ узиб қўлидан ярадор қилиш керак — бу қуролни сарғимтир тусли овчи моҳирона ишлатар эди. Отини отса ҳам бўлади — бу ҳам чакки режа эмас. Агарда отини ўлдирадиган ёки яралайдиган бўлишса, Қарлосни муқаррар қўлга туширишарди-ёв. Хулласи калом, ошналар кези келиб қолди дегунича ажойиб тулпорни гумдон қилишни дилга тугиб қўйишди.

Улар яна Қарлосни ўлдириш ёхуд қўлга тушириш-

нинг жудаям аниқ-пухта йўлини билишарди, бунда муваффақиятсизликка ўрин ҳам, имкон ҳам йўқ эдику-я, лекин қурбонлари ёрда эканини аниқ билишгани тақдирдагина, амалга ошарди бу, албатта. Аммо уларнинг мазкур усулдан фойдаланмасликка ўз асослари бор эди.

Уланлар бўлугини ясситоғлик бўйлаб бошлаб келиб, уни тепада, дарадан чиқадиган сўқмоқ ёнига қўйишдан осони йўқ эди. Бошқа бўлук бу пайтда дарага водий томондан кириб келарди; даранинг икки биқиндаги қоя деворлари ниҳоятда тик бўлгани сабабдан эса ҳар иккала томондан Карлоснинг қочадиган йўли тўсиб қўйилган бўларди. Тўғри, бизга аён бўлганидек, башарти аскарлар дарага қадам қўйди дегунларича бари режа чиппака чиқади; уларни дарани айланиб ясситоғликка бошлаб чиқиш учун эса бутун бошли бир кун кетарди. Аммо-лекин Вискаarra билан Робладо муқаррар ғалабага эришиш учун на вақтнию на одамларни аяшган бўлурди-я, албатта.

Мулат билан қизғиш-қора тусли ошнаси буларнинг барини жуда яхши билишарди-ю, бироқ иложи борича бундай усулдан фойдаланмасликка ҳаракат қилишарди. Буни ўзларини деярли хавф-хатарга қўймай амалга оширса бўлади, лекин у чоғда хизматларига озроққина ҳақ тегади: ахир ҳар бир аскар тайин этилган мукофотдан баб-баравар улуш талаб қилади-да. Мануэль билан Пепе эса, агарда ўз тажрибаларию топқирликлари шарофати ила Карлос қўлга олинадиган бўлса, мукофотни ҳеч бир кимса билан бўлашишни исташмасди. Йўқ, улар бу усулни қўллашни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Икковлариям бировнинг ёрдамисиз ниятларига етишларига зарра шубҳаланишмасди.

Улар қоядаги пистирмаларида кўп кутмадилар. Ярим соатнинг нари-берисида унисиниям, бунисиниям сезгир қулоғи дарадан келаётган товушни илғади: кимдир водийга қараб яқинлаб келаётган эди. От туёқлари тошга тақ-туқ тегаётган, майда шағал шувиллаб кўчаётганди.

Даранинг туби жала пайтида пастга қулаган тошларнинг парча-пурчалари билан қопланган эди. Ана шу тош билан қопланган йўлдан дара бўйлаб сувори ўтиб бораётган эди.

— Малласоч,— деб шивирлади Мануэль.— Албатта ўша.

— Тўғри айтасан, оға, топдинг. Унинг ҳамма изини дарров топиб, билиб олдинг. У худди шу ёрда бекиниб ётган экан. Қайтиб келганида албатта қўлга туширамиз-ов уни... Ҳа, жин ургур! Ана у!

Пепе сўзини охирига етказиб улгурмасиданоқ қияликда баланд қора шарпа кўзга ташланди. Овчилар ойдинда сувори билан отни аниқ кўрдилар. Бу кўз остига олган қурбонлари эканига шубҳаланмаса ҳам бўларди.

— Менга қара, оға,— дея пичирлади Пепе,— бордйю, шундоқ яқингинамиздан ўтиб қолсачи у? Балки отини қулатармиз? Бунақанги ойдинда ўқинг хато кетмайди, отини пойлаймиз. Уни гуппа қулатсак — малласочни осонгина қўлга туширамиз-қўямиз.

— Ярамайди бу, ўғлон. Уни яёв бўлсаям ушлаш ўнғаймас. Қоялар орасига чиқиб кетади, уззуқунлаб бекиниб юради — ўзиниям, бизниям қийнаб юборади. Эски режамиз маъқул. Қўявер, бораверсин — қайтганидан кейин қўлга туширганимиз яхши. Ана унда шубҳасиз ушлаб оламиз.

— Лекин, Мануэль...

— Э жин урсин! Яна қанақанги «лекин»и бор экан? Ҳамиша шошилганинг-шошилган. Сабр-тоқатли бўл, тайсаллама, чўчима асти! Ана, қара!

Ушбу нидо Пепеннинг таклифи оқилона бўлишига қарамай амалга ошмайдиган гап эканини англатарди, зотан сувори улар милтиқдан отганлари тақдирда ҳам ўқлари етмайдиган ердан ўтиб бораётган эди.

У ҳар иккала тик ёнбағирликдан баб-баравар масофада, даранинг қоқ ўртасидан келаётган, очиқ ерга овчилар пистирмада ётган жойдан икки юз ярдлар чамаси наридан чиқиб бориши яққол кўриниб турар эди.

Шундай бўлди ҳам. Бир неча дақиқадан сўнг у овчиларнинг панагоҳи рўпарасига етиб келди ва ораларидаги масофа дарҳақиқат икки юз ярддан кам эмасди. Мануэлнинг овчи милтиғидан узилган ўқ унғача етиб боролмасди барибир; Пепеннинг узган ўқи ҳам худди шундай бефойда кетиши аниқ эди. Овчилар нафасларини ичга ютганча, отишни хаёлларига ҳам келтирмай ётишарди; улар итларини қоя ёриғида зўрға, тинчлантириш учун силаб-сийпаб тутиб туришар эди.

Сувори ғоятда эҳтиёткорлик билан, секин келарди. Сутдек ойдинда эгар-жабдуғи ва қуролининг ялтироқ жойлари йилтилларди. Суворининг оппоқ терисию келишган қоматини, унинг антиқа тулпорини аниқ-тиниқ илғаш мумкин эди.

— Малласоч!— ғудранди Мануэль.— Омадимиз бо-
ракан, ўғлон.

— Хув анави, олдиндаги нимади?— деб сўради Пепе.

— Э-ҳа! Пайқамабман-ку. Э падарига лаънат! Ит у. Ҳа-да, ит!

— Тўппа-тўғри, ит-ку, жаҳаннамга даф бўлгур!

— Ҳа, жаҳаннамга даф бўладиган ўзиям! Эшитгандим у тўғрисида. Жуда топилмайдиган ит. Вой дардидар-а! Роса иш орттирадиган бўлди-да бошимизга! Яхшиямки шамол ўшоққа қараб эсмаяпти. Шунчун ҳозир унчалик хавфлимас... Э, жин ургур! Қара!

Сувори қўққисдан тўхтаб, овчилар биқиниб ётган қоя тепасига шубҳали тикилиб қолди. Итнинг ўзини тутишида нимадир уни безовталантирган кўринади.

— Э лаънати!— деб тўнғиллади яна Мануэль.— Бу ит тоза даҳмаза орттирадиган бўлди-ку! Бахтимизга шамол ўшоққа қараб эсмаяпти де.

Кучсизгина шабада эсаётганди, ҳақиқатан ҳам у сувори томондан тўппа-тўғри овчиларнинг бетига келиб урилаётганди, бу уларнинг омадлари келгани эди, йўқса Бизон исларини олган бўларди, албатта.

Шунда ҳам пистирмаларини оз бўлмаса пайқаб қолаёзишди. Қандайдир салгина товуш — балки отлардан бирортаси ўт устида оёғини кўтариб-босгандир — гарчи сувори ҳеч нимани эшитмаган бўлса-да, итда шубҳа уйғотгандир. Кейин, ит ҳам дарров тинчланди чамаси — у тумшуғини пастга солинтирганча олға чопиб кетди. Сувори унга эргашди. Бир неча дақиқадан сўнг улар кўздан ғойиб бўлдилар.

— Ана, энди, ўғлон, ғорга!

— Кетдик!

Овчилар пастга тушиб, отларига минишди-да, қояларни оралаб ўтиб, дарага кириб боришди. Тик ёнбағир кўлагасидан даранинг нариги торгина этагига, ҳозиргина сувори тушиб келган сўқмоққа қараб бораверишди. Сўқмоқдан кўтарилар экан, улар ўнг томондаги қоя-чўққини кузатиб боришарди, бинобарин ғор ўша тарафда бўлиши керак эканини билишарди.

Улар из қолдирамиз-у, ҳатто кундузи қайтган чоғи-да ҳам Карлос уни таниб қолади деб хавотир олишмасди: сўқмоқ тош-шағаллар устидан тушган, бу тошларда эса унинг ўзининг оти туёқлари қолдирган белги-аломатлар бор эди. Шунга қарамай Мануэль буткул хотир-жам эмасди; гақти-вақти билан ўз-ўзичами, ё ошнаси-га қарата айтяптими, ҳайтовур:

— Падарига лаънат уни! Бу ит ташеиш орттирадиган бўлди-да, албатта дардисар бўлади! Лаънати махлуқ!— деб тўғғиллаб қўяр эди.

Ниҳоят даранинг тош дегорида, худди қоп-қора доғдай горнинг оғзи кўринди. Мануэль секингина отдан тушиб, уни Пепенинг ёнида қолдирди-да, камгакка чиқиб борди ва горга кираверишни синчиклаб кўздан кечира бошлади. Айёр овчи ҳар эҳтимолга қарши, тагин тўсатдан ичкарида бирор кимса бўлмасин деб, ғоятда эҳтиёткор эди; шундай бўлиб қолиш эҳтимолини ҳам назар-эътибордан қочирмаган эди у.

Бирмунча муддат кираверишда қулоқ солиб турди у, кейин итларни горга киритиб юборди; итлар эса во-билламади ҳам, ирилламади ҳам, шундан сўнг Ману-элнинг ахийри кўнгли жойига тушди. Ўзи ичкарига эмак-лаб кирди (ҳар қалай қоялар кўлага ташлаб турган ердан), кейин тагин шуъласи ташқарига тушмасин деб пана қилиб туриб ўт ёқди, атрофга тез кўз югуртиб, бу ерда ҳеч ким йўқлигига узил-кесил ишонч ҳосил қил-гач, ташқарига чиқиб, ошнасига отларни олиб келишни буюрди.

Энди горга иккала овчи отлари билан киришди. Улар бутун теварак-атрофни тит-пит қилиб, Карлоснинг қоқ-қуруқ камгак жойдаги озроққина қақир-қуқурларини топишди. Серапе, ўт қалагани-пайраха ёрадиган чоққи-на болтача, овқат пиширадиган декча, икки-учта товоқ, бир печа бўлак сур гўшт билан озроққина нон — горда бор бисот ана шугина эди, холос.

Номатлуб меҳмонлар дидларига ёққан ҳамма нарса-ни ўзлариники қилиб олишди ва отларини ичкарироққа боғлаб қўйиб, ушбу тош уйни буткул ўзлаштириш учун ҳар бир бурчакни диққат-ла назардан ўтказиб чиқиш-ди; кейин ўтни ўчириб, ётиб олишди-да, бамисоли йирт-қич ҳайвонлардек, ҳеч нарсадан хабари йўқ ўлжаларини пойлашга тушишди.

Фордан жўнаган Карлос ўз ҳолатидаги одам учун таъмоман табиий тарзда эҳтиёткорлик ила кетиб борарди. Лекин бу кеча у айниқса эҳтиёт бўлаётган эди. У йўлидаги орқасида ғаним яшириниб олиши мумкин бўлган ҳар бир тош, ҳар битта бутага синчиклаб тикиларди. Нима сабабдан у бугун одатдагидан эҳтиёткорроқ бўляпти? Шу сабабданким, унинг кўнглида шубҳа уйғонган, ҳозир шундоқ яқингинасида писиб ётган одамларни изинга тушган бўлишлари мумкин деган гумонда эди.

Кейинги кунларда у ана шу одамларни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. У бу нусхаларни яхши билар, шунингдек овчиларнинг — Мануэль эса айниқсанги — ўзини кўрарга кўзлари йўқлигидан ҳам хабардор эди. Ушаларни мени излагани жўнатишлари мумкин, деб ўйларди у, унда булар албатта изини топишади. Ана шу сабабдан Карлос ҳозир илгаригига, уланлар бўлуги тажрибасиз бошлиқлари қўли остида ўзини таъқиб этиб юргандагига қараганда чандон бора кўпроқ ташвишда эди. Борди-ю, айёр мулат билан зийракликда унда қолишмайдиган ошнаси изига тушадиган бўлсалар, у чоғда, турган гапки, ғор унга узоқ бошпана хизматини ўтаёлмайди ва у Сан-Ильдефонсодан маълумоту янгиликларни аввалгидек осонгина ололмайди.

Мазкур ўй-фикрлардан Карлос алланечук бўлиб кетди ва башарти ошналарнинг ҳозирда ясситоғнинг олисларларида ов қилиб юрганларига ишончи комил бўлмаганида ҳавотири янаям газак олиб кетиши тайин эди. У то Мануэль билан Пепе қайтгунича ҳамма ишларини тинчитиб, бу ўлкадан жўнаб кетишдан умидвор эди. Аммо бугун эрта билан унинг умидлари пучга чиққанди.

У панагоҳига қайтаётганида аллақачон тонг ёришиб бўлганди. Бу гал ҳар бир қадамини айғоқчилар кузатиб юрган Антонио келишилган жойга вақтида етиб келолмади, ана шу боисдан Карлос тутилиб қолди. Дарага қайтаётиб ясситоғликнинг шимолий чеккасида буёққа қараб келган янги изларга кўзи тушди. Бу ердан отлар хачир ҳамда итлар ўтганди, шунда Карлос изларидан қанча эканликларини бирпасда санаб билиб олди. Маълум бўлишича — сарғимтил тусли овчи билан ошнасининг от, хачир ва итлари қанча бўлса, унинг саноғи ҳам худди ўшанча чиқди. Карлос дарҳол тушунди: бу,

ўшаларнинг изи! Улар прерия — даштдаги овдан қайтишибди.

У ишларни диққат-ла назардан ўтказиб, ўзининг хавотири тўғри чиққанига ишонч ҳосил қилди. Итлардан бирининг изи бошқаларникидан фарқ қиларди. Йирик-йирик бўлишига қарамай, бу маҳаллий бўрибосарнинг изи эмасди. Карлос мулат Мануэлнинг яқинда бузоқдай исковуч сотиб олганини эшитганди. Ҳеч шубҳасиз, бу ўшанинг изи.

Карлос овчиларнинг изидан улар токи ўзининг дарага элтадиган эски сўқмоғи билан кесишган жойгача борди. Суворилардан бири итлар билан бирга йўлдан бурилиб, унинг оти изи олиб борадиган томонга қараб юрганини кўрганида йигитнинг қанчалар ажабланганини асти қўяверасиз. Шубҳа бўлиши мумкин эмас: бу одам айнан унинг, Карлоснинг изларини кузатган. Қўп ўтмай ўша одам яна орқасига қайтиб, олдинги йўналишини давом эттирган.

Карлос эндиликда кеча кечқурун бу ердан овчилар ўтишганини билиб олди. У буёғига ҳам излардан бориши мумкин эди-ю, лекин тонг отиб қолди, иннакейин, овчилар очиқ-ошкора шаҳар томонга кетишгани туфайли ўша тарафга боришга журъат этмай, ўз панагоҳига қайтди.

Кун бўйи уни ана шу кашфиёт кўнглига солиб қўйган хавотирли ўйлар тарк этмади; ҳозир ҳам, ғордан чиқиб қелар экан, шуни ўйларди; ана шу сабабдан бундай эҳтиёткорлик қилаётган эди.

Шундай қилиб, Бизон чопганча дара четига чиқиб, дабдурустан қояларга ўгирилди ва оҳиста ириллади. Карлос худди ана шунда йўлдан тўхтаб, ўша ёққа синчиклаб тикилди. Бироқ у ҳеч қандай шубҳали нарсани илғамади; бунинг устига Бизон ҳам тинчланганди чоғи, тагин олдинга югуриб кетаверди.

«Бирорта ёввойи ҳайвондир-да», — деб ўйлаб, йўлига кетаверди Карлос.

У очиқ ерга чиқиб келди, олти-етти миль от йўрттириб бориб, Пекоснинг бўйига етиб келди. Бу ерда у оти бошини оқим ёқалаб қуйига бурди-ю, яна эҳтиёткорликка риоя қилиб, қирғоқдаги дарахтзорга қараб ҳайдади. Худди ана шу дарахтзор учрашув жойи эди.

Манзилга етишига юз ярдча қолганида Карлос отини тўхтатди. Ит олға ташланди; дарахтлару буталар ора-

лаб изгин чиққач, эгаси ёнига қайтди. Ана шундан кейин у дарахтзорга дадил кириб бориб, одан тушди ва дарахт остига ўтиб, хабарчини кута бошлади.

Унчалик кўп кутмади у. Бир неча дақиқадан сўнг водийда бировнинг қораси кўринди; у энгашиб олганича жадал дарахтзорга яқинлаб келаверди. Уч юз ярдча қолганида тўхтаб, астагина ҳуштак чалди. Карлос ушбу ишорага жавоб қайтарганди, бояги одам ҳануз ўшандай энгашганича унинг ёнига, дарахт остига етиб келди. Бу одам Антонио эди.

— Орқангдан пойлашдими, дўстим?— деб сўради Карлос.

— Ҳар доимгидек, хўжайин, лекин бирпасда чалғитиб кетдим уларни.

— Ҳа-а, энди осон бўлмайди бу.

— Нимага энди, хўжайин?

— Қандай янгилик топиб келганингни биламан: сарғимтил тусли овчи қайтган, тўғримасми?

— Во ажаб! Худди шундоқ! Буни ким айтди сизга, хўжайин?

— Эрталаб, сен кетганингдан кейин, изларга дуч келиб қолдим — худди ўшаларнинг изи.

— Худди ўшаларники-да, хўжайин. Улар кеча кечқурун қайтишди. Лекин менда бундан ҳам бешбаттар янгилик бор.

— Бешбаттар? Нимайкан ўзи?

— Улар сизни қидиришяпти!

— У-ҳў, аллақачон-а! Мен буни кутгандим-у, лекин шундай тез бошланади деб ўйламагандим. Буни қаёқдан била қолдинг, Антонио?

— Хосефа айтди. Унинг укаси Хоакин тақсирларига дастёр. Тақсир эрталаб уни қалъага олиб борибди, тундан кейин бўлса капитан Робладони сарғимтил овчининг капасига бошлаб боргани жўнатибди. Тақсир болакайга нўписа қилиб, ҳеч кимга оғзингдан чиқара кўрма, деб тайинлабди. Ибодатгоҳга қайтиши биланоқ у онасининг ёнига чопибди. Хосефа бўлса аллақачоноқ, уни биронта нопок ишга жўнатишди-ёв, деган шубҳага борган экан, нимага десангиз, укаси унга кумуш тангани кўрсатибди мақтаниб. Шунда у укасини гапга солиб ҳаммасини билиб олибди. Болакай Робладо билан овчилар нима тўғрисида гаплашишганини билмасмиш-у, лекин назарида улар қаёққадир боришмоқчи экан. Шундоқ қилиб бу-

ларнинг барини жамлаб, чоғиштириб, уларни сизнинг изингизга тушишган бўлишса керак деб ўйладим, хўжайин.

— Албатта шундоқ, дўстим! Бунга тариқча ҳам шубҳам йўқ. Демак, мени ёрдан ситиб чиқарадиган бўлишибди-да, энди. Қаерда яшириниб юрганамга ақллари етган, албатта. Нимаям қилардим, бошқа бошпана излашга тўғри келади. Яхшики бу муттаҳамларни вақтида пайқаб қолдим-да, энди ухлаб ётган пайтимда қўлга туширишиб бўпти. Улар, чамамда, худди шунга умид боғлашган-ов... Хўш, яна қандай янгилик бор?

— Жудаям унақанги аҳамиятли эмас. Кеча кечқурун Хосефа Висенсани Хосе билан бирга кўрибди. Сеньорита билан бир оғизгина гаплашишнинг иложини қилолмабди: уни жудаям қаттиқ қўриқлашаётган эмиш. Лекин Хосефани дарвозабоннинг хотинида иши бор экан. Эртага уни кўради — эҳтимол ўшандан бирон нимани билиб олар.

— Меҳрибон ошнам Антонио,— деди Карлос унинг қўлига танга тутқазиб,— буни Хосефага бергинда, унга тайинла, ҳаракат қилсин, бутун умидимиз ўшандан-а!

— Чўчиманг, хўжайин!— деб жавоб қайтарди Антонио кулимсираб.— Хосефа кучи борица ҳаракат қилади. Ўйлашимча, унинг бутун умиди менда-ку!

Карлос ўзининг содиқ хизматкори ва дўстининг содда сўзларига кулиб қўйди-ю, бироқ ўша заҳотиёқ мутлақо бўлак нарса — онаси билан синглиси ҳақида, аскарлар, хуфия-айғоқчилару дон Хуан тўғрисида сўраб-суриштиришга тушиб кетди.

Антонио дон Хуан хусусида ҳеч қандай янгиликни билмасди. Қалъада содир бўлган воқеадан кейин, эртаси кунни уни ҳибсга олишган, ўшандан бери аваҳтада эди у. Уни Карлос билан шерикликда айблашган ва бизон овчисини ушлашлари биланоқ суд қилишлари лозим эди.

Ярим соат ичида улар ҳамма нарса хусусида гаплашиб олдилар. Карлос Антонионинг қўлидан егулик тугилган тугунчани олиб, ўз панагоҳига қайтишга ҳозирлана бошлади.

— Эртага яна келарсан, Антонио,— деди у хайрлашаётиб.— Борди-ю, буёққа келишимга бирон нима халақит бериб қолса, индинга ва яна кейинги кунни кечаси кут мени. Хайрли тун, дўстим!

— Хайрли тун, хўжайин!

Шу сўзлар билан дўстлар — зеро улар ҳақиқатан ҳам қиёматли дўст эдилар — ажралишди.

Антонио энгашиб, деярли букчайиб олганича водий томонга қараб йўлга тушди, Карлос эса сакраб ўзини эгарга олди-ю, бадқовоқ Льяно Эстакадо қоялари сари от елдирди кетди.

LVI БОБ

Антонио хабар қилган янгилик Қарлосда ғоятда жиддий хавотир — мабодо Қарлосга шундай туйғу ошно бўлса, қўрқув дейиш ҳам мумкин эди — уйғотмай қололмасди. У янада эҳтиёткорроқ бўлиб, зўр бериб ўзини таъқибчилардан қандай муҳофаза этиш устида бош қотира бошлади.

Башарти ўзини қўлга туширишни истаган икки паҳлавон одам билан бетма-бет жанг қилиши керак бўлса бунчалик безовталанмасди у. Аммо бу икки ярамаснинг бақувват эканини, лекин шунга қарамай, унга нисбатан хиёл устунликка эришган чоғларидагина ҳамла қилишларини билар эди. Муттаҳамлар у ухлаб ётганида бостириб келишлари муқаррар, ёки уни қандайга бўлмасин ғафлатда қолдиришга уриниб кўришади. Ушаларнинг макру найрангидан эҳтиёт бўлмоғи даркор у!

Қарлос бутун вужуди ила саргимтил овчи ва унинг ошнаси ҳақдаги ўй-фикрларга берилган кўйи аста дарага қараб борарди.

«Улар бу ғорни билишади, албатта, — ўйларди у. — Ростки кеча изимга тушишган экан, демак, мен дараининг қаеридадир яшириниб ётибди деган шубҳага боришган. Қалъада содир бўлган ҳангомани ҳам аллақачон эшитган улар. Уёқда, ясситоғликда бирорта чўпон гапириб берган бўлса керак уларга. Хўш... Буёғи қандоқ бўлди экан? Улар миссияга ошиқишган. А-ҳа! Хоакин тақсирлари болакайни қалъага эргаштириб борибди. Тушундим, тушундим... Ҳазрат анави ярамасларнинг пири-ку, ахир. Ушалар тақсиримга нимадир дейишган, йўқса бунчалик эрта қалъада нима бор унга? Шундай қилиб, улар янгилик топиб боришган-у, Робладо ўша заҳотиёқ муттаҳамларнинг ёнига жўнаган. Ҳаммаси ойдин: улар менинг панагоҳимни билиб олишган. Эҳтимол улар мен йўғимда дарага кириб олгандирлар? — ўйларди у. —

Кўрамиз-да! Нимаям дердим, агарда Робладо билан гап-лашганларидан кейиноқ йўлга чиққан бўлишса, вақтлари бемалол етарли бунга. Болакай худди шундай деб ўйлаган. Ҳа, кўз-қулоқ бўлиш керак! Вақт етди!»

Хаёлига шу фикр келгани заҳотиёқ Карлос қорабайирнинг жиловини тортиб, нақ отнинг бўйнига қадар энгашди-ю, зим-зиё истиқболига тикила бошлади. У боя кетган йўли билан дара оғзига етиб келган эди. Бироқ, ҳозир ой залворли булутлар ортига яширинган, унинг ёғдуси қоронғу дарани ёритмай қўйганди.

«Улар ичкарироққа, даранинг тор жойига кириб бориб,— дея мулоҳаза қиларди у,— менинг ёрдан чиқшимни пойлаб ётишлари мумкин. Уларнинг қўлидан келадиган иш бу. Мени ўша ерда пойлаб ётишдан осони йўқ. Балки улар шу топда дарададирлар».

У бир нафас ўйга толиб турди. Ҳа, шундоқ бўлиши мумкин.

«Нимаям қилардим, майли, шундоқ бўла қолсин ҳатто,— деди у ўз-ўзига.— Барибир боравераман. Бизон ўқ етадиган масофа баробарида олдиндан бориб, қояларни айланиб тушади. Агарда улар ўша ёқда писиб ётишган бўлса, ит уларни фош этади,— демак, бу иблислар мен ўйлагандан кўра айёроқ бўлиб чиқади, мен эса уларнинг анойи эмасликларини биламан-ку, ахир! Борди-ю, Бизон уларни чўчитиб юборгундай бўлса, отимни йўрттириб қутулиб кетишга улгураман!»

— Ҳей, Бизон!

Бир неча одим олдинда тўхтаган ит югуриб келиб, эгасининг афтига қаради. Эгаси унга ишора қилиб, биргина сўз айтди:

— Изла!

Ит дарага отилди. Энди у хийла олдинда, ерни искаганча чопиб борарди. Сувори унинг кетидан йўлга тушди.

Тик деворлар ниҳоятда бир-бирига яқинлашган, оралиги бор-йўғи юз ярдча масофагина бўлган жойга шу тахлитда етиб келди. Ҳар икки биқинидаги қоялар этагида орқасига одамлар бемалол беркинса бўладиган уйддай-уйдай тошлар ётарди; уларнинг орқасига ҳатто отларни яшириш мумкин эди.

«Мана, қўрқоқларча пусиб туриб ҳужум қилишга энг қулай жой,— деб ўйлади Карлос. Бу ерда хоҳлаган томондан хоинона зарба берса бўлади, ҳатто унчалик мўл-

жаллаб ўтирмай ҳам. Лекин Бизондан ишора бўлмаяпти-ку».

— А-ҳа!

Бу калтагина хитоб итнинг пастгина ҳуришига жавоб бўлди. Бизон мулат билан ҳамтовоғи дара ўртасига қараб бурилган жойдаги излар устидан чиқиб қолган эди. Шу пайт ой булутлар орасидан мўралаб қолди-ю, Карлос итнинг дара бўйлаб ғор оғзига томон учиб бораётганини кўрди.

Эгаси уни чақириб олган бўларди-ю, лекин ит булутлар ортидаги қояларда бирор кимса бор-йўқлигини ахтариб кўргани йўқ эди ҳали, бусиз эса Карлос йўлни давом эттиришга жазм этмаётган эди. Аммо Бизон олға томон ўқдай учиб борарди — унинг янги изни топгани яққол кўриниб турибди; шунда Карлоснинг миясига, ғанимларим ҳозир ғорда экан, деган ўй келди.

У ана шу хаёлга келган заҳоти Бизон яна ҳуриб қолди. Ит энди кўринмай қўйган, бироқ эгаси унинг ғор оғзига яқинлаб қолганини ва янги излардан елиб-югуриб бораётганини билиб турарди.

Карлос жиловни тортиб, қулоқ сола бошлади. Уёғига боришга ботинмади. Итни чақириб олишга ҳам журъат этмади. Мабодо яқин-атрофда биров бўлса, овозини эшитади. Ҳозирда итнинг қайтишини кутиш ёки Бизон ким ё ниманинг изидан қувиб кетганини тушуниб олгунига қадар кутишгина қолганди, холос. Пировард-оқибатда бу айиқ ёки бирорта ваҳший ҳайвон бўлиб чиқиши ҳам мумкин-ку.

Карлос отда қилт этмай ўлтирар, аммо ногаҳоний ҳамла уни ғафлатда қолдира олмасди. Унинг аниқ мўлжалга урадиган қуроли эгарга кўндаланг қўйиғлиқ, пилтаси билан ўқини олдиндан текшириб кўрган эди. У шитир этган товушга қулоқ солар, олдиндаги қояларнинг қоронғироқ кўринган ҳар битта камгагу ботиқ ерларига ва теварак-атрофига синчиклаб тикилар эди.

Ҳеч нарсадан беҳабар туриши кўпга бормади: ғорнинг ичкарасидан суворини эгарда ўлтирган жойида сакраб туриб кетишга мажбур этган шовқин эшитилди. Афтидан итлар олиша кетганди, шунда Карлоснинг назарида Бизон худди айиққа ташлангандай туюлди. Бироқ, ушбу алданиш ўша ондаёқ йўқолди: овчининг сезгир қулоғи бир нечта итнинг товушини илғади, жазавали

олишувнинг оламни бошга кўтаргудек шовқини орасидан у исковучнинг ҳирқироқ хуришини ажрата олди.

Шу заҳотиёқ ҳаммаси ойдин бўлди-қўйди унга. Шовқин ўша ёқдан келаётганига ишончи қатъий эди.

Қалласига келган дастлабки ўй-отини бура солиб, дарадан жўнаб қолиш ўйи бўлди. Аммо у жойида қолиб, қулоқ солаверди.

Олишув шовқини тинмаётганди, лекин эндиликда итларнинг вовиллашиб-ириллашлари орасидан Карлос бир-бировни ҳамда итларга шоша-пиша ва босинқи товуш билан алланималар деяётган одамларнинг овозини ҳам илғаб олди.

Шунда тўсатдан олам тинчигандай, итлар жим қолгандай бўлди, аҳён-аҳёнда исковуч бўғиқ ҳуриб қўярди, холос. Бироқ, мана у ҳам тинчиди.

Жимжитлик Карлосга Бизоннинг ё ўлдирилгани, ё ўзига ташланган одамлардан бирон ёққа қочиб қолганини айтиб турарди. Уни ортиқ кутишдан маъни йўқ эди. Карлос билади: Бизон агарда тирик бўлса, эгасига етиб олади. Энди сира иккиланмай оти бошини бурди-ю, дарадан қўйи томонга йўрттириб кетди у.

LVII БОБ

Карлос дара оғзига етиб келиб, тўхтади, бироқ очиқ жойда эмас, қоялар кўлагасида, яқингинада таъқибчилари пистирмада ўлтирган ўша қоялар кўлагасида тўхтади. Эгарда ўлтирган куйи орқасига, дара ичкарисига ўгирилиб қараганича, кетимдан биров қувиб келмаяпти-мики, деб қулоқ солди.

Кўп ўтмай ўзига аллақандай қора яқинлашиб келаётганини пайқади. Бизонни таниб қувониб кетди. Мана ит унинг узангиси билан бараварлашди. Карлос энгашиб қараркан, итнинг дабдаласи чиқиб, жароҳатлардан қон оқиб ётганини кўрди. Биқинларидаги бир нечта чуқур жароҳатнинг оғзи очилиб турибди, кифтида бир парча териси ағдарилиб осилиб қолибди, ундан қип-қизил қон сизиб оқяпти. Бизон каловланиб кетяпти; қон йўқотганидан силласи қуригани кўриниб турибди.

— Дўстим!— деди Карлос.— Сен бугун менинг ҳаётимни сақлаб қолдинг, энди менинг навбатим — сенинг ҳаётингни сақлаб қолишга уриниб кўраман.

Шундай деганича у отдан тушиб, итни кўтариб олди-да, яна отга минди.

У буёғига нима қилиш устида ўй сурган куйи ўтираркан, таъқибчилар келадиган тарафдан кўзини узмасди.

Горни ким эгаллаб олганини энди аниқ билади. Исковучнинг ҳуриши унга ҳаммасидан кўра яққолроқ айтиб берганди буни: уёқда сарғимтил овчи, ёнида, турган, гапки, самбо ҳам бор. Бутун водийда бошқа исковуч йўқ — демак, ўша вовуллаган Мануэлнинг ити.

Дақиқа ортидан дақиқа ўтиб борар, Карлос эса қоялар кўлагасида қилт этмай, ҳамон қаёққа қараб юрсаммикин деб бош қотирар эди.

«Дарахтзорга бориб, ўша ерда Антониони кутама. Улар бугун изимга тушишолмайди — тун зимистон қоронғи бўлади. Осмонни булут қоплаб олди сидирғасига, энди ой кўринмайди. Агарда улар топишолмаса, эртага ҳам кун бўйи бекиниб ётсам ҳам бўлади. Хўш, борди-ю изимни топиб олишса, — нима ҳам қилардим, уларни олисданоқ кўриб, жуфтакни ростлашга улгураман... Шўрлик Бизоним, қонингга беланиб кетибсан. Воҳ, жароҳатини қаранг-а! Чидай турасан-да, оғайничалиш! Дам олгани тўхтаганимизда дори-дармон қиламиз... Бўлди, дарахтзорга бораман. Улар мени ўшаёққа кетган деб ўйлашмайди, негаки шаҳар ўша томонда-да, ахир. Кейин, қоронғида изимниям топишолмайди... У-ҳў! Нималар деяпман ўзи? Қоронғида изимни тополмайди, бекорчи гап! Нима, исковучни унутдингми? Яратганининг ўзи паноҳида асрасин мени! Агарда тун қорақурумдан қоронғироқ бўлганидаям топиб олишди мени бу иблислар. Илоё ўз паноҳингга асрагайсан мени!».

Юзига хавфу ташвиш соя ташлади. Қўлидаги юки ҳам оғирлик қилаётгани, оғир ўй-фикрлар жисми-жонини эзаётгани ҳам кўриниб турарди: Карлос бучкайиб олган ва чамаси, тубсиз умидсизлик домига тушиб қолгандек эди. Одамлар ҳамда қонун таъқибига учраган қочоқ ноумидлик аломатларини биринчи бора намоён этаётган эди.

У от бўйнига энгашган кўйи, бошини кўтармай, узоқ ўлтириб қолди. Шундай бўлса-да, ҳар қалай буткул умидсизликка тушмаганди у.

У иттифоқо қаддини ростлади, гўё кутилмаган фикр

вужудида умид уйғотганди. Афтидан, яна бир қарорга келганди у.

— Ҳа,— деди у ўзига,— ўшаёққа дарахтзорга бораман. Биз ҳали сенинг ўша мақталган эпчиллигу чапдастлигингни текшириб кўрамиз, қонхўр Мануэль! Кўрамиз, кўрамиз ҳали!.. Эҳтимол хизматингга яраша насибангни оларсан, лекин бу сенинг кўнглинг тусаётган мукофот эмас-да, фақат! Менинг каллахомим осонликча тушмайди қўлингга!

Карлос ушбу сўзлар билан оти бошини бурди-да, Бизонни яхшироқ жойлаштириб, водий сари от солди.

У шитоб-ла, илгарилаб бораркан, бирон марта орқасига қайрилиб қарамади. Чамаси у, гарчи етиб олишадидеб сира хавотирланишининг ҳожати бўлмаса-да, шошилаётган эди. Бор кучи ила елиб бораётганида унинг отига ҳеч ким қувиб ета олмасди.

Карлос жим; гоҳо-гоҳогина итини эркалатиб қўйяпти у; итнинг қони Карлоснинг оёқлари қорабайирнинг биқинларидан оқиб тушяпти. Бечора Бизон бутунлай мадордан кетиб, бирон одим юролмайдиган ҳолга келди.

— Бир оз чида, дўстим, пича сабр қил яна! Ҳадемай бундай лўкиллашдан дам оласан.

Бир соатлардан сўнг Карлос Пекос бўйидаги овлоқ, яқиндагина Антонио билан учрашишган ўша ўрмончага етиб келди. Шу ерда отини тўхтатди. У туннинг қолган қисми ва агарда халал беришмаса, эртаси кунни бутунлай ўрмончада ўтказишга аҳд қилган эди.

Бу ерда Пекос унчалик баланд бўлмаган, бироқ тик қирғоқлар орасидан оқади, айтмоқчи, қирғоқлар юқори ҳамда қуйига қараб бир неча миль масофагача худди шу хилда чўзилиб кетган. Ҳар иккала томонда ҳам кафтдек текислик талай милларга чўзилиб кетган. Бу ернинг ўсимликлари жуда оз. Бир-бировидан олис-олисда тўп-тўп дарахтзор оролчалар сочилиб ётади, қирғоқлар ёқалаб эса энсизгина мажнунтол ҳошия янглиғ чўзилиб кетган. Мажнунтол ҳошия гоҳ у, гоҳ бу ерда узилиб, дарахтлар оралиғидан сув сатҳи кўзга ташланиб туради. Шапалоқдек-шапалоқдек дарахтзорчаларда терак ва акасорлар аралаш виргиния эманлари ўсади, баъзида ёнгинада кактуслар ҳам кўзга чалиниб қолади.

Бу ўрмончалар шунчалик кичик ва бир-бировидан шунчалик олиски, водийни кузатишга асти халал бермайди, улардан хоҳлаганига яшириниб олган одам суво-

ри ёхуд бўлак бирор йирикроқ нарсани узоқданоқ кўриб туради. Ғаним кундузи ёруғда унга сездирмасдан яқинлаша олмайди — шубҳасизки, у ухламаётган ва ҳушёр бўлса, албатта. Кечаси — бошқа гап; у чоғда хавфсизлик тун қанчалик қоронғи бўлишига боғлиқ.

Карлос кириб келган яшил ўрмонча бошқа дарахзорлардан анча-мунча йироқда эди. Бу ердан дарёнинг ҳариккала томонидаги текис сойликнинг бир милдан нарироғигача кўриниб турарди. Ўрмонча бор-йўғи бир неча акр¹нигина эгаллаган эди-ю, лекин дарёни ҳошиялаган мажнунтоллар шарофати ила кўзга каттароққа ўхшаб кўринарди. У шундоққина соҳилга тақалган ва мажнунтолларнинг шаббалари унга туташиб кетган эди. Мажнунтоллар сув қирғоғидан атиги бир неча фут берироқда, эди, холос, ўрмонча эса текисликка бир неча юз ярд ёриб кирган эди.

Мазкур ўрмончанинг битта ўзига хос жойи бор эди. Қоқ ўртада гўёки дарахтлар орқага тисарилиб, очилиб қолган ерни бир текисда барра ўт қоплаганди. Бу очиқ майдонча деярли думалоқ бўлиб, кўндалангига юз ярдча келарди. Майдончанинг бир тарафига дарё соҳили тегиб ўтарди. Ана шу ерда дарахтлар оралиғида очиқ йўлак бўлиб, майдончадан нариги соҳилдан ястанган ўтлоқ кўзга ташланиб турарди. Қарама-қарши ёқда эса ўрмончага туташиб кетган сойликка қараб, бамисоли жажжи хиёбонча янглиғ, яна битта йўлак дарахтлар оралаб борарди; шундай қилиб, узун очиқ йўлак ўрмончани деярли теппа-тенг икки қисмга кесиб ўтганди десак бўлади. Лекин дарёнинг икки томонида ястанган сойликдан бу йўлакни мабодо унга тўғри рўпара келиб қолган тақдирдагина кўриш мумкин эди.

Тахминан ўн-ўн икки ярдча жойини эгаллаган майдонча, дарахтлар оралиғидаги очиқ ер, кейин, сойликнинг ўзи ҳам мутлақо текис ҳамда силлиқ эди; у ерларда пастак ўт-ўлангина ўсар, ҳар қандай қимирлаган жондор зотини олисданоқ илғаса бўларди.

Ўрмончада майда бутаю навниҳоллар, аксарияти пастак акаслар, қалин эди. Печак ҳамда чирмовуқларнинг қалин тўрлари бошқа дарахтлардан хийла юксалиб турган азим эманларнинг шох-бутоқларига чирмашиб кетганди. Гарчи илвасинни таъқиб этиб келган овчи ча-

¹ Акр — Англия ва Шимолий Америкада 0,4047 гектарга тенг.

калакзорни оралаб ўта олгани тақдирда ҳам, ушбу буталар остию орасини кўролмасди. Кечаси бўлса-ю, ҳатто ойдинда ҳам, бу жойлар қоронғи ҳамда ўтиб бўлмас кўринарди.

Майдончанинг бир томонидаги қуп-қуруқ қумлоқ тупроқда кактуслар ўсганди. Улар ўн тупдан ортиқ эмасди-ю, юмшоқ ва этдор бутоқлари юқорига қараб тарвақайлаб кетган икки-учта энг йириги нақ виргиния эманидай баланд кўринарди. Атрофини қуршаб турган дов-дарахтларга мутлақо ўхшамаган кактуслардан тизилган залварлию йўгон устунлар сираси мазкур осуда масканга ғаройиб кўрк бахш этарди. Кўникмаган одам кўзига оддий бута ва дарахтларга мутлақо ўхшамайдиган ушбу ҳайбатли шамдону чилчироқлар жумбоқ бўлиб кўриниши мумкин эди, боз устига десангиз, буларни табиатнинг қайси салтанатига оидлигини билолмай боши қотиши тайин эди. Қонун таъқибидеги қочоқ ана шу ерда, ана шу ошёндан ўзига тунагулик маскан топмоқ умидида эди.

LVIII БОБ

Ит ҳаётимни асраб қолди деганида янглишмаганди Карлос — ақалли у эгасининг озодлигини сақлаб қолган эди, бу эса, охир-оқибатда ўшанинг ўзгинаси. Агарда ақлли ит олдинга югургилаб кетмаганида Карлос ғорга кирган ва уни, турган гапки, шаппа ушлаб олган бўлишарди-да, ахир.

Муғамбир ғанимлари уни қўлга туширишнинг жамики чораларини кўриб қўйгандилар. Отларни ғорнинг ичкарасига яширишганди. Ўзлари бўлса ғор оғзидаги қоянинг туртиб чиққан ери орқасига жойлашиб олган ва нақ икки йўлбарсдай, кўринди дегунича Карлосга ташланишга тайёр турган эдилар.

Уларга итлари ёрдам берган бўларди, ерга қапишиб ётиб олган итлар эгалари билан бирга ҳеч нимадан хабари йўқ қурбонларига ташланишга шай бўлиб ётарди.

Пистирма пухта ўйлаб, обдан пишитилган, ҳозирча ҳаммаси чакки кетмаётган эди. Овчилар Сан-Ильдефонсодан яширинча йўлга чиқдилар, шу боисдан уларни бирор кўриши мумкин эмасди; дарага айланма йўлдан етиб келдилар, Карлоснинг жўнаб кетишини ибрат олар-

ли даражада сабр-тоқат-ла кутиб, ана шундан кейингина ғорга кирдилар. Бу ишларнинг бари маҳорат-ла адо этилди.

Уларнинг ғорда биқиниб ётганларини Карлос билиши ёки гумон қилиши мумкинмиди? Ўзларининг овдан қайтганларидан унинг хабар топганини хоб-хотирларига ҳам келтиришмаганди ошналар. Улар водий орқали миссияга зимистон кечада ўтиб бордилар, келтирилган ўлжаларини уловдан туширдилар, буни ҳеч зоғ кўрмади, шундан кейин шаҳарда қайтиб қоралариниям кўрсатмадилар. Хоакин тақсирлари токи ўзлари хабар қилмагунларича кутишни буюрдилар уларга. Уларнинг қайтганини миссиядаги бир нечта хизматкоригина биларди, биров бу ҳақда Карлосга етказадиган ҳеч бир кимсага ҳеч нима маълум эмасди. Башарти шундоқ экан, мулоҳаза юритишар эди улар, қаёқдан ҳам бизни ғорга кириб олишган деган шубҳага борсин у? Дарадан юқорилаб келаётиб ўзлари қолдирган изларни эса у қайтаётганида кўрмайди. У йўлда майда шағал билан қопланган жойидагина изни пайқаш мумкин, холос, лекин аслида бу йўлда кундузи ҳам бирон нарсани кўриб, пайқаш мушкул.

Бундан кўра яхшироқ тузоқ қўйиб бўладими? Карлос ҳеч нимадан хавфсирамай, ғорга киради, эҳтимол отини етаклаб кириб келар. Шунда икковлари, улар билан бирга эса итлариям бараварига унга ташланадилар-у, то у тўппончаси ёки пичоғини олиб улгургунича оёқ-қўлини боғлаб ташлайдилар. Шундай, унинг тақдири ҳал бўлган.

Аммо унинг тақдири ҳал бўлмаганди ҳали. Мануэль жуда яхши биларди буни, ана шу боисдан такрор-такрор гўлдирадди:

— Ланъати ит! Дардисар бўладиган бўлди-да бизга, Пепе...

Пепе бўлса жаҳл билан сўкинарди: ит ҳақидаги ўй уни ҳам ташвишга солиб қўйган эди. Бизоннинг таърифи аллақачонлар етиб келган эди уларга, бироқ улар бу ақлли итнинг қандайин ажойиб таълим олиб, қандай синовлардан ўтганидан беҳабар эдилар.

Ошналар борди-ю ғорга ит биринчи бўлиб кирса, у ўзларини фош этиб, эгасини огоҳлантириши аниқ эканини тушунардилар. Агарда Карлос ўша дақиқада яқинлашиб улгурмаган бўлса, пистирма муваффақият-

сиз чиқиши турган гап. Мабодо ит орқада қолса, унда ҳаммаси хамирдан қил суғургандек силлиқина битадн. Ҳаттоки у эгаси билан барабар чопиб кириб келганида ҳам, хўжайинини олдиндан огоҳлантиролмайдн деган гап бу; унда ошналар отилиб чиқиб, оти ёки суворини отиб яралашга улгурадилар.

Иккала бадкирдор разил Карлосни кутиб ана шундай мулоҳаза юритарди.

Улар ҳали ғорга кираверишга астойдил жойлашиб олишмаган эди, Хавфни сезганлари заҳоти мўлжаллаган жойларини эгаллашга улгурадилар. Ҳозирча эса қоя панасида пастга, дарага тикилиб туришибди. Эҳтимол узоқ кутишларига тўғри келар, шунинг учун ҳам тамадди қилиб олишди — Карлоснинг ғордаги озроққина озуқа заҳирасини пок-покиза қилиб еб битиришди. Мулат совқотмаслик учун ҳозиргина ўзлаштирилган адёлни елкасига ташлаб олди. Ўзлари олиб келган мусаллас солинган қовоқ идиш кутиб зерикиб қолмасликларига ёрдам берди. Сарғимтил овчи билан қора танли ошнасининг хурсандчилигини гоҳо-гоҳо эсларига тушиб турган Бивон ҳақдаги ўйгина хиралаштириб қўярди, холос.

Улар қурбонларини ўзлари ўйлаганчалик кўп кутишмади.

Назарларида Карлос негадир олисга, нақ Сан-Ильдефонсога қадар кетгандек, уёқда эса қандайдир ишлар билан тугилиб қолиб, тонготарда қайтадигандек туюлаётган эди.

Аммо вақт ярим кечага етишидан анчагина бурунроқ, улар ҳозир айтганимиздек тахминлари чўтлаб ўлтирилганларида дарадан кўз узмаётган Мануэль тўсатдан ирғиб туриб, ошнасининг енгидан тортқилаб қолди:

— Қара, Пепе, ҳув ана! Ана, у, малласоч!

Шундай деб мулат текислик томондан даранинг торгина оғзи сари яқинлаб келаётган қорани кўрсатди. Нимқоронғилиқда кўзга аранг чалинарди-ю, лекин отда келаётган одамнинг шакли-тарҳини илғаса бўларди ҳар қалай.

— Э жин урсин уни! Худди ўзи... Ж-жин ургур!— дея жавоб қилди Пепе қоронғиликка тикилиб:

— Беркин, ўғлон! Итларни ушла... Орқага! Яширин! Мен ташқарида пойлаб тураман... Секин!

Улар ким қаерда туришини олдиндан келишиб қўйган эдилар, шу боисдан Пепе дарҳол ўз маррасини эгал-

лади. Мануэль исковучни гарданидан маҳкам ушлаганча ғор кираверишида, сиртда қолди, бироқ бир дақиқа ўтмаёқ қаддини хиёл кўтарди, безовталанаётгани очиқ-ойдин кўриниб турарди.

— Во иблис!— ғўлдиради у.— Хаҳ иблис-а!.. Айтмабидим — ҳаммаси чиппакка чиқди... Бардам, бўл, Пепе! Ит изимизни пайқади!

— Жин урсин-э! Энди нима қилдик?

— Ғорга!.. Тезроқ!.. Уша ерда гумдон қиламиз уни.

Икковлари ғор ичкарисига отилдилар-у, қимир этмай кута бошладилар. Наридан-бери янги режа туздилар: Карлоснинг итини олдиларига югуриб келиши билан шаппа ушлаб оладилар-да, бўғиб ўлдиришга ҳаракат қилдилар.

Аммо-лекин бунга эришолмади улар. Бизон ғор оғзи-га яқинлаб келди, тўхтаб, баралла вовиллашга тушди.

Жазаваси туган Мануэль алам устида пўписа қилиб исковучни қўйиб юбора солиб, қўлида пичоқ билан Бизонга ташланди. Уша ондаёқ исковуч ҳам олға сакради-ю, итлар жон ҳалписида олиша кетди. Олишув исковуч учун хунук тугаши мумкин эди, лекин кейинги лаҳзада тўрттовлашиб—Мануэль, Пепе, исковуч ва бўрибосар — пичоғу-тишларини ишга солганча Бизон устига ёпирилган эдилар. Унга бир нечта оғир жароҳат етказишди, шўрлик ит бир йўла тўрт рақибга бас кела олмаслигини пайқаб, оқилона иш тутиб қоялар орасига қочиб қолди.

Уни қувлаб ўлтиришмади: муттаҳамлар ҳануз, Карлос ҳеч нимани пайқамай, ғорга яқинлаб келади, деган умидда эдилар. Бироқ, уларнинг умидлари тезда тумандек тарқаб кетди. Ғира-шира қоронғида суворининг оти бошини буриб, дарадан ташқарига қараб йўрттириб қолганини кўришди.

Бир неча дақиқа давомида ғорнинг гумбазсимон шифти остида аламзадалик, шаккогона ҳайқириқ-нидолар, ношоён ҳақоратлар жаранглаб турди.

Ярамас муттаҳамлар ахийри пича совушди; тимирскиланиб отлари ёнига етиб бориб, уларни ғордан олиб чиқишди. Шу ерда тўхтаб, тагин бўғилиб сўкишга тушишди; кейин буёғига қандай ҳаракат қилиш устида бош қотира бошлашди.

Ҳаялламай Карлос ортидан қувишдан маъни чиқмас-

ди; улар то текисликка чиққунларича овчи, тайин гапки, анча миль нарига бориб қолади.

Овчилар яна талай пайтгача Бизонни сўкиб, ҳақорату ланъатларга кўмиб ташлашди. Ниҳоят, бундан чарчаб, энди буёғига нима қилиш хусусида ўйлай бошлашди.

Пепе кечаси йўл босишни фойдаси йўқ деб ҳисобларди: то тонг отгунича барибир Карлосга етиб олишолмайди; кун ёришгандан кейин эса унинг изини топиш осон бўлади.

— Аҳмоқсан-да, Пепе!— дея жавоб қайтарди Мануэль бу мулоҳазага.— Кун ёришганда — у бизни кўриб туради... Унақада ҳамма ишни расвосини чиқарамиз. Эҳ сени қара-ю, хомкалла!

— Унда нима қиламиз?

— Оббо! Исковуч-чи, уни нима кераги бор бизга унда? У кечасиям изини топаверади. Узоққа кетиб бўпти ўша малласоч.

— Қачон тўхтайти у, ахир? Ун милдан берида тўхтамас! Демак, тунда қувиб етолмаймиз унга.

— Янаям тентаксан, Пепе, Ун миль дейсанми? Йўқ, берироқда! Исковуч борлигини билмайди-ку, у, изимни топиб олишади деб ўйламайди ҳам бизни. Яқинроқда тўхташи аниқ. Лекинига ити ғирт иблисининг ўзгинаси экан-да! Ити бўлмаганда-ку...

— Бе, энди халал беролмайди бизга.

— Нимага энди?

— Нимага? Шунинг учунки, мен уни пичоқ билан чавақладим. Гапимга ишонавер, умрини яшаб бўлди у.

— Хаҳ иблис-а! Қани энди шундоқ бўлса... Кошкийди-я... Бунинг учун икки тиллониям аямасдим-а. Уша ит бўлмаганида малласоч аллақачон қўлимизга тушарди-я. Ҳозир ҳам ити бўлмаганида уни тонготгунча ушлаб олардик. Ҳадемай тўхтайти у. Биздан беҳабар, у, исковучни ҳам билмайди... Тўхтайти, мана кўрарсан. Худо ҳақи, аниқ гап бу!

— Қанақасига, Мануэль? Уни узоққа бормайди деб ўйлайсанми?

— Улақолсаям кетмайди! Ҳеч қаёққа кетмайди у!.. Ҳадемай изига тушамиз. Ухлагунича кутиб турамиз-да, кейин писибгина ёнига борамиз... Лекин анави ит... Ҳеч қиси йўқ, билдирмай туриб босамиз.

— Итни ўйламай қўя қол, бизга тўсқинлик қилолмайди энди. Пичоқ билан шундоқ чавақладимки — худо

умр берса йигирма дақиқага боради, нарига ўтиб бўпти! Малласочни топганимизда у бир ўзи, бейт бўлади, гапимга ишонавер.

— Қанийди энди... Хўш дегандан, бир уриниб кўрамиз тагин, ўғлон. Қани кетдик!

Мануэль жилов тизгинини силкиб қўйиб, қоядан дара тубига туша бошлади. Пепе билан итлар унга эргашиди.

Л I X Б О Б

Суворини охирги марта кўрган жойларига етиб келгач Мануэль отдан тушиб, исковучни чақириб олди. У итга бир неча сўз айтиб, ишора билан изни искашни буюрди. Исковуч ўзидан нимани талаб қилаётганларини тушунди, тумшугини ерга эгганича шарпа чиқармай олдинга чопиб кетди. Мануэль яна ўзини эгарга олди-ю, иккала овчи отларини ниқтаб, итдан орқада қолиб кетмаслик учун йўрттира кетишди.

Ой яширинганига қарамай итни кўриб боришарди улар. Исковучнинг оч-малла жуни қоронғилик қўйнидаги яшил ўт-ўланлар узра ажралиб турар, устига-устак бу ерда ит кўринмай қоладиган на бута, на баланд гиёҳлар бор эди. Боз устига, излар янги ва хийла тезроқ югурса ҳам бўлишига қарамай, ит эгаси буюрганидек издан ошиқмай борарди. Исковуч тунда издан секин боришга ва шарпа чиқармасликка ўргатилганди, шунинг учун ҳам мазкур зотга хос бўлган босинқи, калта-калта ҳуриш эшитилмаётган эди.

Олдинда Карлос беркинган ўрмонча кўзга ташлангунича икки соатдан кам вақт ўтмади. Дарахтзорга кўзи тушар-тушмас Мануэль гўлдираб қўйди:

— Ана қара, ўғлон! Ит ўрмонга бошлаб боряпти, қара! Бир тилло тикиб айтаманки, малласоч ўша ерда, ланъати! Муқаррар ўша ерда!

Ўрмончага беш-олти юз ярд яқинлаб боргач — у зимистон тунда ҳали-ҳануз ширавагина кўринаётган эди, сарғимтил овчи исковучни чақириб олиб, орқада юришни буюрди. Карлоснинг ё ўрмончининг ўзида, ё шу яқин-атрофда эканига ишончи комил эди унинг. Қандоқ бўлган тақдирда ҳам унинг изини янгитдан топиб олиш ҳеч гап эмасди. Башарти қурбонлари ўрмончада бўлса —

итнинг ҳаяжонланаётганига қараганда эса, ҳақиқатан шундай эди — унга исковучнинг маҳоратига ортиқ ҳожат қолмади. Бўлак чора-тадбир қўллаш фурсати етди.

Мануэль тўғри йўлдан бурилиб, ўрмонча чеккасида бир хил масофада бўлишга тиришган ҳолда, айланиб ўта бошлади. Овчилар ҳайрат ичра тўхтадилар. Улар майсазор кўриниб турадиган жойга етиб келган эдилар. Майсазор ўртасида каттакон гулхан гуриллаб ёняпти десангиз!

— Айтмабмидим сенга! — деди Мануэль ҳаяжон-ла. — Ҳув ана, ухлаяпти аҳмоқ! Кечаси изидан топиб олишларини хаёлига ҳам келтирмаган.. Совуққа товлари йўқроқ экан чоғи — қандоқ гулхан қалаганини қара! Фалокатни хоби-хотиригаям келтирмаяпти-да... Бу майдончани биламан — жуда антиқа жой, фақат икки томонидангина кўринади гулхан. А-ҳа, ана оти!

Гулхан шуъласидан салгина нарироқдаги қорабайир яққол кўриниб турарди.

— Жин чалгур! — сўзини давом эттирди овчи. — Малласочни шунчалик каллаварам деб ўйламаган эдим. Қара! Анави ухлаб ётган ўша-ку, ахир! Шубҳасиз ўша!

Мануэль кўрсатаётган тарафда, гулхан олдида алланима қорайиб кўринарди. Афтидан, кимдир узала тушиб ухлаб ётганга ўхшайди.

— Ё биби Марям, худди ўзгинаси-ку! — тасдиқлади Пепе. — Шундоқ гулханнынг ёнгинасига чўзилиб олибди. Вой хомкалла-е! Кундай равшан, бизни шундай зимистонда топиб келолмайди деб ўйлаган.

— Секинроғ-э! Ит кўринмайди, малласочни қўлимизда деявер! Валақлашни бас қил, Пепе! Қани, орқамдан!

Мануэль тўғри ўрмончага йўлни солмай, хиёл қуйроққа, дарё қирғоғига қараб юрди. Овчилар шу тахлит, бирон оғиз ҳам сўзлашмай, отларини йўрттира кетдилар.

Уларнинг қурбони бу пайтда бундан яхшироғини хаёлга келтириб бўлмайдиган қулай жойда ётибди, шу сабабдан улар ушбу қулай вазиятдан фойдаланишга шошилаётibdилар. Бу дарахтзорни икковлари ҳам яхши билишади, зотан неча-неча мароталаб унда бекиниб туриб буғу отишган.

Овчилар қирғоққа етиб бориб, одан тушишди-да, отлари билан итларини толга боғлаб, ўрмончага қараб юришди.

Ҳозир улар илгаригичалик эҳтиёткорлик қилмаётган

эдилар. Қурбонлари гулхан ёнида чалқайганча ухлаб ётганига заррача шубҳаланмасдилар. «Хомкалла!»— деб ўйлаётганди улар. Аммо у ошналарнинг бу ерга етиб келишларини қаёқдан ҳам билсин? Энг зийрак, энг фаросатли одам ҳам ўзини бу ерда бежавотир ҳисоблаши тайин эди. Етиб ухлаётганининг ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқ — шубҳасизки, у қаттиқ чарчаган. Гулхан ёққаниниям таажжубли ери йўқ, кечаси тузуккина салқин тушди, бунақанги ҳавода ўт ёқмай ухлолмайсан. Бари мутлақо табиийдек туюларди.

Улар ўрмонча чеккасига етиб келдилар-у, ўйлаб-нетиб ўлтирмай, буталар орасига ўрмалаб кириб кетдилар.

Шабада барглари билинар-билинемас тебратаётган осуда тун эди — буталар орасидаги шитир этган товушни майдончанинг исталган чеккасида туриб эшитиш мумкин эди. Сувнинг узоқдаги тезоб жойда оҳистагина шилдираётгани, милдир-милдир мавжланиб, қирғоқ ёқалаб астагина шалоплаши, гоҳо дашт бўйсининг улишию тун қушининг мунгли нидоси — қулоққа чалинаётган товушларнинг бари шундангина иборат эди.

Шунга қарамай, гарчи икки ошна қуюқ буталарни оралаб бораётган бўлсалар ҳамки, бирон шарпа уларнинг яқинлашаётганларини фош этмасди. Бирор-бир япроқ шитир этмади, бирон навда эгилиб ҳилп этгани йўқ, қўл ёхуд тизза остида биронта қуруқ чўп чирс этмади — хуллас ҳеч нарса қоронғи бутазорда инсон зоти борлигидан далолат бериб, сирни фош этмасди. Бутаю чакалалар оралаб қандай ўтиб боришни биларди бу одамлар. Улар майсазорда ўрмалаётган илон мисоли шарпасиз яқинлашиб борардилар.

Майдончага чуқур сукунат чўмганди. Унинг қоқ ўртасида ёрқин шуъласи ила атрофни ёритганча ловуллаб гулхан ёнарди. Нарироқда ажойиб тулпор, бизон овчисининг антиқа қорабайири турибди; гулхан ёғдусида уни таниш қийин эмасди. Гулханга яна ҳам яқинроқда узола тушиб ётган овчининг танаси кўриниб турибди, афтидан, ухлаётган бўлиши керак. Худди шундоқ-да — анави унинг сафар тўрваси, сомбреро, этик ва шпорлари. Отининг бўйнида лассо осилиб турибди, унинг учини эса ухлаётган эгаси қўлига ўраб олган бўлиши керак, албатта. Буларнинг барини бир қарашдаёқ пайқаш мумкин эди.

От сесканиб тушди, туёғи билан ерни гурсиллатиб қўйди-ю, бироқ яна осойишта тураверди.

Нимани пайқади экан у. Бирорта йиртқич ҳайвон писиб келмаётганмикин?

Йўқ, бу йиртқич ҳайвон эмас; пайдо бўлган жондор йиртқичдан ҳам хавфлироқ.

Майдончанинг жанубий этаги ёқалаб ўсган буталар орасидан бир нусха мўралади — бу одамнинг бети эди. У бирров мўралади-ю, ўша заҳотиёқ барглар орасида ғойиб бўлди. уни таниш мушкул эмасди. Бу турқни ловуллаб ёнаётган гулхан шуъласида кўрган одам унинг сарғимтил тусда эканини пайқаб, ўша ондаёқ кимнинг башараси эканини англаб етарди. Бу мулат Мануэлнинг юзи эди.

Бу башара барглар орасида кўп яшириниб қолмади, кейин яна пайдо бўлди, унинг қаватида яна битта, хийла қорачароқ афт кўринди. Ҳар иккаласи ҳам бир томонга қараяпти. Икки жуфт кўз гулхан ёнида чўзилган гавдага қадалган: у одам ҳанузгача тинчгина ухляпти чоғи. Уларнинг кўзлари ёвузонаю тантанавор чақнарди. Мана энди зафар қозонишлари аниқ! Қурбон ниҳоят уларнинг қўлида!

Шундан сўнг башаралар яна ғойиб бўлди. Бирор дақиқа кўринмади, буталар орасидан одам борлигини билдиргувчи тиқ этган садо эшитилмади. Бироқ, мана, тагин мулатнинг боши кўринди, фақат бўлак жойда, пастроқда, буталар сийракроқ ерда.

Яна бир сониядан сўнг чакалак орасидан танаси кўринди, у аста майдончага ўрмалаб чиқа бошлади. Кейин иккинчи овчи ҳам ўрмалаб чиқди. Мана, икковлари сездирмайгина майсадан ухлаб ётган одамга қараб ўрмалаб келишяпти. Қорнини ерга берганча икковлон бамисоли иккита каттакон эчкиэмардек, бири изидан иккинчиси судралиб келяпти.

Олдинда Мануэль. Унг қўлида узун пичоқни чангаллаб олган, чап қўлида милтиқ.

Улар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, аста-секин илгарилаб келишяпти-ю, лекин мабодо қурбонлари уйғониб кетиб, пайқаб қоладиган бўлса, ўша лаҳзадаёқ олға ташланишга тайёр эдилар.

Уйқудаги овчи улар билан алангаланаётган гулхан ўртасида қимир этмай ётибди ҳамон. Майсада гавданинг узун сояси липиллаб турибди. Бехавотирроқ бўлсин учун

овчилар ўша кўланкагача ўрмалаб келиб, ўшани панасида жилавришди олдинга.

Мана Мануэль узала тушиб ётган гавдадан уч футча берида; у олдинга ташланишга ҳозирланиб писибгина тиззалади. Юзига ёрқин шуъла тушди, «манаман» деб кўринди-қолди у. Унинг вақти-соати етган эди.

Нақ қамчи қарсиллагандек ўқ овози янгради, очиқ майдонча четигаги эманнинг тарвақайлаган шох-бутоқлардан ҳосил бўлган ҳашамдор «қалпоғини» ёрқин чақин тешиб ўтди. Мануэль дафъатан сакраб турди-ю, ваҳшиёна қичқирганича кўллари олдинга чўзиб, каловлаб бир-икки қадам босди-да, пичоғи билан милтиғи кўлидан тушиб, ўзи тўғри гулханга қулади.

Пепе ҳам сакраб турди. У ўзини ухлаётганга солган одам отганига нишонарди. Чўзилиб ётган гавдага шитобла ташланди ва жаҳду жадалла унинг биқинига пичоқ санчди.

Ўша ондаёқ у даҳшатли ўкирганича орқага отди ўзини. Қулаган ошнасига ёрдам бераман деб ҳаяллаб қолмаёқ, тўғри майдонча бўйлаб югурганича буталар орасига уриб кетди, гулхан ёнида ётган гавда эса ҳануз қимир этмасди.

Аммо ўқ овози эшитилган эманнинг шох-бутоқлари орасидан тушиб келаётган одамнинг қораси кўзга чалинди; майсазор узра чўзиқ ва қаттиқ ҳуштак янгради-ю, от бўйнидаги лассонинг учи ерда судралган кўйи дарахт томон отилди.

Узун милли милтиқни ушлаб олган ярим-яланғоч одам дарахтдан тўппа-тўғри отнинг белига сакраб тушди. Бир сониядан сўнг одам ҳам, от ҳам дарахтлар орасидаги очиқ жойдан ғойиб бўлди-қўйди. Чавандоз водий бўйлаб шамолдек елиб борарди.

Л Х Б О Б

Гулхан ёнида ётган ҳар қалай ким эди, ахир? Бу бизон овчиси Карлос эмасди. Лекин бу ўшанинг кийимлари — унинг ридоси ва шляпаси, унинг шпорли этиғи эди-ку!

Шундай бўлса-да, гулхан ёнида ётган Карлоснинг ўзи эмасди. Йўқ, ярим-яланғоч, дарахтдан сакраб тушиб,

қорабайирни учириб кетган худди ўша-ку! Тоза жумбоқ бўлди-ку буёғи!

Биз у билан ўрмонча чеккасига етиб келганида, икки соатча буруғ ажрашган эдик. Аңа шу вақт ичида нима-лар билан машғул бўлди экан у? Ҳамма жумбоқ айнан мана шунда-да.

Ўрмончага етиб келгач, Карлос ичкарига, майдончагача кириб борди; ўша ерда отини тўхтатиб, ундан тушди. Бизонга ачиниб жавдиради, уни барра майсага авайлабгина қўйди-ю, лекин яралари боғланмай қолаверди. Шу тобда эгасининг вақти йўқ эди бунга: бўлак ишлар кутаётганди уни.

Карлос жиловни бўшатиб, отни ўтлагани қолдирди, ўзи эса токи шу ерга келгунича йўлакай хаёлан пишитган ўй-режасини амалга оширишга киришди.

Аввало гулхан қалаши керак эди — бунақанги совуқ кечада буткул ўринли эди бу. Майда буталар орасидан қоқ-қуруқ шох-шабба топилди; Карлос уларни ташиб келтириб, майдончанинг ўртасига уйди, шундай қилиб, мана, гулхан ҳам теварак-атрофни ёритиб гуриллаб ёна бошлади. Ўтнинг қирмизи ёлқинида ҳайбатли кактуслар тошдан йўнилган устулар тизмасига ўшаб кетарди; Карлоснинг нигоҳи энди ўшаларга қадалган эди.

У кактусларга яқинлашиб, пичоқ билан энг йўғонини кеса бошлади; ҳадемай бу паҳлавон гурсиллаб қулади. Шундан кейин Карлос танаси ва йириқ шохларини ҳар хил узунликда қирқиб, уларни гулхан ёнига ташиди. Наҳотки уларни ёқмоқчи бўлса у? Ахир жиққа ҳўл ўтин оловни алангалатиш ўрнига, писиллатиб пасайтириб қўяди-ку!

Бироқ Карлос мутлақо бундай ниятда эмасди. Аксинча, бу ғўлаларни майса устига, гулхандан бир неча фут берироққа усталиқ билан, пухта ўйлаб териб қўйдики, оқибатда ҳажми-шакли худди одам гавдасига ўхшаган бир нима ҳосил бўлди. Иккита ғўла сон вазифасини, иккита бошқаси қўл—худди ухлаётган одамнинг икки ёққа ташланган қўллари вазифасини адо этарди; елка-кифтлари ўрнини эса «яшил шамдон»нинг букикроқ бутоғи эгаллади. Карлос кенг-қовул ридосини ана шу гавда устига ёпганида у тонг қоларли бир тарзда дам олаётган ёки ёнбошлаб ухлаб ётган одамга ўшаб кетди.

Аммо ушбу асар — зотан бу, албатта, санъат асари эди — ҳали ниҳоясига етмаганди: боши билан оёғининг

тизасидан пастки қисми етишмасди. Илло ҳадемай улар ҳам бунёдга келди. Карлос ўтти коптокка ўхшатиб думалоқлаб, елканинг тепасига қўйди; шарфи билан шляпаси ёрдамида бу копток ўз хизматини ўташи лозим бўлган нарса — одам калласига ўхшади-қолди. Бостириб қўйилган шляпа уни деярли кўмиб кетаёзганди; ухлаётган кимса у билан юзини намдан ёки чивиндан асрайдиган қилиб бекитиб олибди-да, деб ўйлаш мумкин эди.

Энди оёғини тугаллаш қолганди холос, лекин бунга пича овора бўлишга тўғри келди. Негаки овчилар одатда оёқларини оловга қараб узатиб ухлайдилар — демак, оёқлар шундоққина кўзга ташланиб туриши ва ҳеч ким ясама деган шубҳага бормаслиги лозим.

Бу икир-чикирларнинг барини Карлос илгарироқ ўйлаб пишитиб қўйган эди, шунинг учун ҳам бирор дақиқани беҳуда кеткизмай, ишни давом эттираверди. У оёғидаги хиром этигини ечиб, уни кактус гўласидан бунёдга келган сонга қиялатиб тақаб қўйган эди, этиги соғининг учи озроққина кенг-ковул ридонинг этаги остига кирди. Қўполдан-қўпол шпорларини этигида тақиғлиги-ча қолдирди — шпорлари гулханнинг ёрқин ёлқинида йилтиллар ва узоқдан кўриниб турарди.

Озроққина ишлов берилди-ю, тулум таппа-тайёр бўлди.

Уни ясаган кимса майдончанинг энг чеккасига бориб, айланасига ҳаракатланган кўйи тулумни ҳар томондан кўздан кечирди. У мамнун бўлди. Ҳақиқатан ҳам йўл юриб чарчаган, ҳатто шпорини ҳам ечмай ухлаётган йўловчи эканига ҳеч ким иккиланмаган бўлурди.

Карлос гулхан ёнига қайтиб, астагина ҳуштак чалиб отини ёнига чорлади. Йигит уни оловга яқинроқ ерга етаклаб бориб, жилов тизгинини эгари қошига боғлади. Яхши ўргатилган от ўша замоноқ ўт чимдишдан тийилди: у токи эгасининг қўли ёки ўзи кўниккан таниш ишора бу ҳолатдан халос этгунига қадар жойида тинчгина туриши керак эканини биларди. Кейин Карлос жилов ҳалқасига борланган лассони ечди. Арқоннинг ечилган учини гулхан ёнида ётган гавда томонга тортиб, гўё ухлаётган кимса уни қўлида ушлаб ётганга ўхшасин деб ридоси остига тикиб қўйди.

Бизон овчиси ўртадаги гавдани кўздан кечирганча майдончанинг бутун раҳини айланиб чиқди, чамаси, у яна мамнун кўринди. Сўнгра у буталар орасидан бир қў-

чоқ қуруқ шох-шабба олиб чиқиб, гулханга ташлади.

Мана у, худди майдонча теграсида ўсган дов-дарахтларни ўрганаётгандек, тепага қараяпти. Нигоҳи азим туп эманда ушланиб қолди. Эман нақ майдонча қирғоғида кўкка бўй чўзган, унинг ёнламасига тарвақайлаб кетган ўзун шохлари майдонча узра узатилгандек эди. Чирмовуқлар чирмашиб, шокила-шокила йўсинлар билан қопланган мазкур абадий яшил, ҳайбатли дарахт бамисоли улкан соя-салқин чодирга ўхшаб кетар, атрофидаги ҳам-соялари орасида энг бағанду энг тарвақайлаб ўсгани эди. Бу дарҳақиқат ўрмончанинг сардорию ҳукмдори эди.

— Худди акангга кераги-да,— дея ғудранди Карлос унга тикилар экан.— Ораси ўттиз қадамча келади — жуда боп масофа. Дарахтлар оралиғидаги йўлакдан келишмайди улар, албатта, буёғидан хавотирланмасаям бўлади. Борди-ю, ўша ёқдан келганларидаям... Э йўқ, улар қирғоқ томондан, толлар панасидан келишади. Ҳа, худди шундоқ... Хўш дегандан, энди Бизонга қарасак ҳам бўлади.

У ҳали-ҳануз боя қўйган жойида қимир этмай ётган итга қараб қўйди.

— Бечора-я!— деди у куйиниб.— Тоза азоб чекди... Анавиларнинг маълун пичоқларининг изи бир умрга чандиқ бўлиб қолади. Эҳтимол у қасдини оладиган дамларгача етиб борар ҳали, яна ким билади дейсиз. Жудаям бўлиши мумкин-да! Лекин уни ҳозир қаёққа қўйсамкин?

Бирон дақиқа ўйга толиб турганидан кейин ғудранишда давом этди у:

— Жин урсин! Вақтни кеткизяпман-ку. Ярим соат ўтди, ундан кам эмас. Агар изимга тушишган бўлса, аллақачон яқинлаб қолишган «Анави шалпангқулоқ махлуқлари изимни бемалол топади, албатта,— ишонаманки, у янглишмайди. Лекин Бизонни нима қилсам экан-а? Борди-ю, уни дарахтга боғлаб, қўйсам-чи, унда бечора ит тинчгина ётади-я! Хўш деганингиздан, бордию йўлакдан юриб қолишса-чи? Бундай бўлмас-ов, албатта. Уларнинг ўрнида бўлсам, бундай қилмасдим мен. Лекин улар ҳарқалай ўша томондан келишади деб тахмин қилайлик. У чоғда итни кўришади-ю, бу ерда бир ишқал борлигини фаҳмлашади. Балки каллаларига тепага қараш-

фикри келиб қолар, ана унда... Йўқ, йўқ, бу ярамайди! Бирон бошқа иложини топиш керак.

У эманга яқинлашиб, унинг пастки шохларини диққат-ла кузата бошлади. Чамаси, излаганини топди у. Нима қилишини энди билади.

— Мана буниси бўлади,— гудранди у.— Итни чирмовуқ навдаларига ётқизиб қўяман. Уларни яна пича қалинроқ қилиб тўқиб-чирмаштираман-да, устидан йўсин ташлайман.

Шохларга осилиб, дарахтга сакраб чиқиб олди у.

Бир нечта чирмовуқни юлқиб синдириб, бутоқларнинг айриси устига териб, саватга ўхшатиб тўқиди, шу тариқа майдончага ўхшаш жой ҳосил бўлди, кейин бир неча қучоқ йўсин сидириб-йиғиб, чирмовуқ навдаларидан тўқилган саватсимон майдончага тўшади.

Бари тайёр бўлгач, Карлос дарахтдан сакраб тушиб, Бизонни кўтарди-да, уни авайлаб йўсин устига ётқизди; ит қимир этмай ётарди.

Ана энди ўзи қаерга жойлашиши устида бош қотирадиган фурсат етганди. Бунинг мушкул жойи йўқ: дарахтга маҳкам ва қулай ўрнашиб олади-да, япроқлар орасига яхшилаб яшириниб, милтиқни шай қилиб туради, вассалом.

Шундай қилиб, Карлос жойлашишга киришди: йўғон шохга ўтириб, оёғини бошқасига қўйди-да, тирсакларини учинчи шохга тиради. Милтиғи бутоқнинг айри жойида ётар, овчининг қўллари қўндоғини маҳкам чангаллаб олганди.

Карлос милтиқни диққат билан кўздан кечирди. Шубҳасизки, ўқлоғлиқ эди у. Хўш, баногоҳ пилиги кечаси тушган шабнамда намиқиб қолган бўлса-чи? У ўқдон қопқоғини очди, бошмалдоғининг тирноғи билан милтиқдорини чиқариб ташлаб, доридонидан янгисини солди. Кейин милтиқларининг бир қисми найчага тушиб, портлатгичгача етиб борадиган қилиб устидан босиброқ текислади. Сўнг эса чақмоқтошга ўтди — унинг мустаҳкамлигини текширди, чеккаларини кўздан кечирди. Афтидан, ҳаммаси жойида экан чоғи, Карлос милтиқни тагин бутоқнинг айри жойига жойлаштириб қўйди.

Бизон овчиси тасодифга ишонадиганлар тоифасидан эмасди — унинг касб-коридаги одамлар эҳтиёткорлик ҳикматига ишонадилар. Унинг ҳозирда айниқса эҳтиёткор эканидан ажабланиш жоизмикин? Ҳаттоки майда-

чўйда жиҳатларни писанд қилмасликнинг оқибати ҳалокат келтириши ҳам мумкин. Милтиқ отилмай қолса, бу — ҳаёти эвазига тушиши ҳеч гап эмас, Ана шунинг учун ҳам унинг чақмоқтош ва милтиқдори қуруқ эканини ҳафсала билан кўздан кечирганининг сира ажабланидиган жойи йўқ.

Жуда қулай маррани танлаганди у. Бу ердан майдонча буткул кўриниб турарди. Башарти унда ақалли мушук пайдо бўлганида ҳам — уни кўрмай қолиш мумкин эмасди.

Карлос дамини ичга ютганича, бирор соатлар чамаси буталар қуршаган майдончага хавотир-ла тикилиб ўтирди.

Ниҳоят, сабр-тоқати эвазига тақдирланди. У буталар орасидан мўралаган сарғимтил башарани кўрди, шунда дарҳол ўқ узишига сал қолди. У ҳатто мўлжалга олди, бироқ башара ўша заҳотиёқ яна ғойиб бўлди.

У тагин пича кутди — мана, гулхanning ёрқин шуъласи тиззалаб олган Мануэлнинг афтини ёритди. Шу пайт бармоғи тепкини босди-ю, Карлос мерганона узган ўқ маккор ғанимининг калласини тешиб ўтди.

LXI БОБ

Пепе деярли Карлос дарахтдан сакраб отига миниб, ўрмонча йўлагидан йўрттириб кетган сонияда буталар орасига уриб қолди. Майдончада тирик жон зотидан нишона қолмади.

Давангирдай гавда қўлларини олдинга чўзганича ёлғиз — гуриллаб ёнаётган гулхан устида ётарди. Уз оғирлиги билан у шох-шаббани босиб, ёлқинни тўсиб қўйганди. Шунга қарамай, шуъла ҳарҳолда қип-қизил доғ босган даҳшатли башарани ёритишга етгулик эди. Танаси, оёқлари, қўллари қимир этмасди — худди ёнгинасида ётган тулумдай жонсиз эди. Сарғимтил овчи ўлганди. Ловуллаган аланга қўлларини ялаб-ясқаяпти, уни еб юборишга тайёр, аммо овчи орриқни сезмаяпти. Оловни ўликлар учун қўрқинчли жойи йўқ!

Лекин бошқалар қани, қаерда? Улар икки томонга қараб улоқиб кетишганди-ку, ахир. Бир-бировларидан қочаётганлари йўқми мабодо?

Пепе келган жойига йўл олганди. Бироқ, келган йўли-

дан мутлақо бошқа тарафдан кетяпти. Барглардан тўқилган қалин парда ортида ҳам тўхтамади — у худди қўрқувдан бутунлай эси оғиб қолгандай, оёғи ерга тегиб-тегмай учиб боряпти. Шох-шаббалар қарсиллаб-чирсиллаб синяпти, барглар шатир-шутирляяпти, у ўрмончадан тиккасига, йўл танламай югуриб кетяпти. Лекин мақа, бу шовқин ҳам эшитилмай, Карлоснинг оти дупури ҳам олисларда тинди-қолди.

Ҳозир қаердайкин улар, Пепе билан Карлос? Бир-бирларидан қочиб қолишдимикин? Афтидан, худди шундоққа ўхшайди — ахир улар тамоман турли тарафга қараб кетишганди-да.

Аммо бундай эмасди. Пепе иложу имкони борича бу жойдан узоқроқ қочиш дардида эди-ёв; унинг рақиби эса бошқа ниятда эди. Тўғри, у ўрмончадан от чоптириб чиқиб кетди, бироқ бу қочди дегани эмасди.

Карлос Пепени яхши билганидан шу тобда унинг ботирлигидан ном-нишон ҳам қолмаганига заррача шубҳаланмасди. Қорача тусли овчининг вужудини дабдурустдан, устига -устак бундайин жумбоқлию сирли шароитда дўстидан жудо бўлгани заҳоти ҳадсиз даҳшат чулғаб олганди. Бу қўрқувдан ҳали-бери ўзига келолмайди у. Фақат бир нарсани — қандоқ қилиб қочиб қолишнигина ўйлайди. Карлос буни биларди.

У ғанимлари қай тарафдан — ўз-ўзидан равшанки, дарахтзорнинг жануб томонидан — келишганини ўша заҳотиёқ англаганди. У ғанимлари худди ўша тарафдан келишини кутган ва қалин бутазорларга тикилган пайтлариди диққат-эйтиборини ҳаммадан кўра кўпроқ ўрмончининг айнан ўша томони тортаётган эди. Улар, бостириб борадиган энг хавфсиз томон мана шу, деб ўйлашган, — шундай тахмин қилганди Карлос, у ҳақ бўлиб чиқди ҳам.

Туёқлар дупури уни чўчитиб юбориши мумкин деб хавфсираганларидан отларини бирон чеккароқда қолдиришган оғайнилар, албатта, деб ўйлади кейинроқ Карлос, бунда ҳам хато қилмаганди у. Унинг яна битта тахмини тўғри чиқди: Пепе ҳозир отлари турган ерга қараб югурияпти. Карлос душмани буталар орасига уриб кетганини кўргандаёқ буни англаб етганди.

Аслида ҳам шундоқ бўлиб чиқди. Ўз ошнаси ва раҳнамосининг сирли равишдаги ҳалокатидан сўнг Пепе Карлос билан олишувни ўйламаёқ қўйди. Тезроқ отлар

ёнига етиб олиб, жуфтакни ростлаб қолиш — бор истак-хоҳиши шугина эди, холос. Балки Карлос дарҳол орқасидан қувмас-у, зимистон қоронғиликда ғойиб бўлишга улгурар.

Аммо у янглишганди; Карлос унинг қочиб қолишига халал бериш учун ҳам олдинга от солиб кетган эди. У ҳам отлар ёнига етиб боришга аҳд қилганди.

Ўрмончадан чиқа солиб Карлос отини ўннга буриб, дарахтзор чеккасидан елдира кетди, дарё кўринадиган жойга етиб боргач эса қорабайирнинг таққа жиловини тортди — у милтиғини янгитдан ўқлаб олиши керак эди.

Милтиғини тикка қилиб кўтарди-да, милтиқдори идишига қўл узатди. Пайпаслаб у йўқ эканини билиб ҳайрон бўлди. Уёқ-буёғини пайпаслади—доридони йўқ! Елкаси оша осиб олган боғичи ҳам йўқ. Чамаси, у дарахтдан сакраган пайтида боғич шохга илиниб қолган-у, доридони ўша ерда қолаверган.

Бу муваффақиятсизликдан хафа бўлиб кетган Карлос отини буриб, орқага қайтишга чоғланганида баногоҳ текисликда, дарё ёқасидаги мажнунтоллар остидан ғизиллаганча қочиб бораётган қорага кўзи тушди. Шубҳасиз, Пепе қочиб боряпти, бошқа ким ҳам бўларди!

Карлос тарадудланиб туриб қолди. У то бориб милтиқдори тўрвасини олиб келиб, милтиғини ўқлагунича ғаними қочиб қутулиб кетиши мумкин. Отлари яқин ерда бўлиши керак, у отда жуфтакни ростлаб қолиши тайин. Кундузи Карлос отда бўлган чоғидаям осонгина етиб олган бўларди-я, лекин бунақанги зим-зиё тунда етолмаса кераг-ов. Агарда Пепе беш юз ярдча олдинга ўтиб олса, кўринмай кетади у.

Бу ҳол Карлосни ниҳоятда ташвишга солиб қўйди. Унинг Пепега ўлим тилашга асосли-ю жиддий сабаблари бор эди. Аммо мутлақо табиий бўлмиш интиқом истагини эмас, шу қатори мулоҳазакорлик ҳам: бу одамдан қутулиш керак, деб шипшиб турарди. Бу ёлланган қотиллар шундай бир хиёнаткорона тарзда Карлоснинг изига тушган эдиларким, оқибатда унинг вужудида интиқом истак-иштиёқи уйғонганди. Бунинг устига қочоқ, токи бу аблаҳлардан лоақал биттаси ҳаёт экан, унинг хавфли душман бўлиб қолишини биларди. Йўқ, Пепе қочиб қутулиб кетмаслиги керак!

Карлоснинг иккиланиши кўпга бормади. Милтиқдори тўрвасини деб орқага қайтиш — ғаними қўлдан чиқа-

риб юбориш деган гап. Ана шу ўй уни бир қарорга келишга мажбур этди. У милтигини ерга улоқтириб, отини қичаганича текислик бўйлаб дарё ёқасига шамолдек учира кетди. Бир неча лаҳзадан сўнг эса қочиб бораётган ғанимига етиб олди.

Пепе отлар томонга бораётган йўли кесиб қўйилганини кўриб, худди олишувга ҳозирлангандек қиёфада тўхтади. Бироқ, Карлос отидан тушиб улгурмасданоқ Пепенинг яна руҳи тушиб кетди; мажнунтол буталарини оралаб ўтиб, ўзини сувга отди.

Карлос бунга ҳисобга олмаганди. У аллақачон отдан тушиб бўлган ва ҳозир саросимада, дилисиёҳ бўлиб туриб қолган эди. Наҳотки, ғаними қутулиб кетади? Нима қилсин: тагин отига минсинми ёки пиёда қувсинми уни?

Карлос тезда қарор қилди: албатта, пиёда-да! У ўзини Пепенинг ортидан қалин толзорга урди-ю, қирғоққа ўтиб олиб, биргина сонияга шундоққина сув ёқасида тўхтади. Айни шу онда ғаними қарши қирғоққа чиқиб, оёғини қўлга олганча сойлиқдан чопа кетди. Шунда Карлос тагин ўйланиб қолди: уни отда қувган маъқул эмасмикин? Лекин қирғоқ бу ерда баланд, от тармашиб чиқолмайди, дарёни бу еридан кечиб ўтиб ҳам бўлмайди. Текшириб кўришга фурсат йўқ, ҳар бир дақиқа ғанимат.

— Мендан кўра тезроқ чополмаса керга-ов,— дея пичирлади Карлос.— Демак, олға!— Шундай деб у сувга ташлади ўзини.

Бир неча қулоч отишдаёқ дарёчани кесиб ўтиб, ўша ваҳотийёқ қирғоққа чиқди-ю, ғаними ортидан қува кетди.

Бу пайтда Пепе ундан икки юз ярдча илгарилаб кетганди, лекин кейинги икки юз ярдни югуриб ўтганида Карлосни ундан эндиликда юз ярдча масофа ажратиб турарди. Малласоч билан доллараш Пепега йўл бўлсин! Карлос ваҳимага тушган ғанимидан (гарчи у гап ҳаётмамот устида бораётганини тушуниб бор кучини ишга солаётган бўлса-да) деярли икки карра тезроқ югураётган эди.

Таъқиб ўн дақиқага ҳам бормади.

Мана Карлос етиб қолаёзди. Пепе орқасидан келаётган оёқ товушларини эшитиб боряпти. Уёғига чопиш — беҳуда тер тўкишдир. Пепе яна боягидек жон-жаҳди билан олишишга шайдек бир важоҳатда тўхтади.

Тагин бир лаҳзадан сўнг улар бир-бировига рўпара бўлди — ораларидаги масофа ўн футча келарди.

Иккаласи ҳам узун пичоқ билан қуролланган — бу уларнинг бирдан-бир қуроли. Ҳаттоки ширвагина ёруғда ҳам тиғи йилтиллаяпти.

Ғанимлар ҳатто нафас ростлаб улгуришмади. Дарғазаб ҳайқирганча бир-бировларига ташланиб, жончиқарга олиша кетишди.

Бу ниҳоятда умри қисқа олишув бўлди. Бир неча лаҳза ичидаёқ тугади. Ғанимлар таналари бамисоли чирмашиб, чирпирак бўлганларича олиша кетишди-ю, мана, улардан бири гурсиллаб қулади. Вой-войлаган овоз эшитилди. Бу Пепенинг овози. Қулаган ўша!

Қулаган тана бирор дақиқа ерда тўлғаниб хиёл кўтарилди, яна қулади, тагин бир неча марта титраб-силтанди-да, ўлим чангалида қимир этолмай, тек қолди.

Қарлос энгашиб, кўздан кечирди. Ғанимининг ёвузона, баджаҳл юзига аллақачон ажал ўз муҳрини босиб бўлганди. Бари тугаган эди. Ғолибда бунга ортиқ шубҳа қолмади.

У қимир этмай жасаддан бурилиб, дарё томон юрди.

Кейин Қарлос милтиқдори тўрвасини топди, милтигини кўтариб, янгитдан ўқлади-да, отларни излагани жўнади.

Ҳадемай топди уларни. Бир ўқ исковучнинг, иккинчиси кўпроқ бўрига ўхшаб кетадиган итнинг бошига қарата узилди, отлар бойлоқдан ечилиб, ўз ҳолига қўйиб юборилди.

Қарлос бу ишларни тугатиб, яна майдончага қайтди. У Бизонни дарахтдан олиб, гулхан олдига келди-да, Мануэлнинг жасади ёнида тўхтади. Олов айниқса бошқачасига яллуғланиб ёнмоқда — ўнга инсон жисми озуқа бўлмоқда эди.

Қарлос мазкур манзарадан кўнгли беҳузур бўлиб тескари қараб олганича ўз усти-бошини йиғиштириб, тагин отга минди-ю, дара томон чоптириб кетди уни.

LXII БОБ

Сарғимтил тусли овчи билан унинг ошнаси Қарлосни ахтаргани жўнаганларидан бери уч кун ўтди. Уларни жўнатганлар сабрсизлик-ла, хабар кутардилар. Ўзлари

ёллаган одамларнинг серғайратликлари, астойдил ҳаракат қилишларига шубҳалари йўқ — ваъда этилган мукофот муваффақиятнинг гарови эди, шу боисдан улар Карлоснинг қўлга тушишига қаттиқ ишонардилар. Учовлари ҳам — Робладо, Вискаarra ва иезуит — шунча мукофот ваъда қилинган экан, бошқача бўлишим мумкин эмас, деб ҳисоблашарди. Шунга қарамай, ҳарҳолда овчилардан тезроқ хабар келишини — башарти қочоқ қўлга тушди деган хабар бўлмаган тақдирда ҳам, ақалли уни кўрганлари ёки изига тушганлари тўғрисидаги хабарни тоқатсизлик ила кутишаётган эди.

Аммо ҳазрат ҳамда зобитлар яхшилаб мулоҳаза юритиб кўриб, овчилардан бирор хабар келиши даргумон деган ҳаёлга келишди. Токи улар — қурбонни олиб ёхуд усиз — ўзлари қайтиб келгунларича кутиш керак.

— Овчилар ҳозир уни изма-из қувиб юришибди, албатта, — деб қўйди роҳиб, — токи ўша шаккок нобакорни қўлга туширмагунларига қадар ҳеч нима эшитиб, ҳеч нимани билолмаймиз алар хусусинда.

Бир чўпон Сан-Ильдефонсога топиб келган янгилик бу уч қадрдонни қанчалик ларзага солганини қўяверасиз асти! У иккита одам ўлигини кўрибди. Мануэль билан Пепени танибди.

Чўпон бўрилар ғажиб, қузғунлар чўқилаб ташлаган жасадларни Пекос бўйидаги ўрмонча яқинида кўрганини гапириб берди, бу одамларни яхши билгани учун уларни энгил-бошларининг қолган-қутгани ва аслаҳанжомларидан ким эканликларини англаган эмиш.

Булар мулат билан самбо — миссиянинг овчилари эканлигига тирноқчалик ҳам иккиланмасди у.

Одамлар «сирли қотиллик» деб атаган ушбу фожиа мабодо бу ёввойи ҳиндуларнинг иши деб фараз қилинмасагина, албатта — англаб етиб бўлмайдиган жумбоқдек туюлди. Овчиларни Карлосни ахтаргани жўнатишганидан водий аҳли беҳабар эди. Икковлариниям бу ерда танишар эди-ю, лекин уларнинг қаёққа, нима мақсадда боришига камдан-кам одам қизиқарди. Улар аҳоли яшайдиган жойлардан олисда, ҳеч ким бормайдиган ерда яшаб, олисда ов қилишарди. Маҳаллий аҳоли уларни ҳамишагидек овга жўнагану кўчманчи ҳиндулар ҳужум қилган уларга деб ўйлади.

Ўрмонга уланлар бўлугини жўнатдилар, уларни чўпон бошлаб борди ва улар содир бўлган фалокатнинг

замири бутунлай бошқача эканига далилу асослар топиб қайтдилар.

Уларнинг тасдиқлашларича, овчилар мутлақо ҳиндулар камон ўқи билан эмас, балки оқ тапди одамнинг қуроли билан ўлдирилган экан. Айни чоқда уларнинг отлари соппа-соғ экан-у, итлари эса ўлдирилган — суяк-саёқлари соҳилда ётган эмиш.

Равшан гап, ҳиндуларнинг даҳли йўқ бунга. Ҳиндулар бўлганида итлар билан отларни олиб кетишарди, кейин, жасадларнинг жиндаккина қимматга эга жамик нарчасини шилиб кетишлари тайин эди, албатта. Хўш, ҳиндуларми бу? Асло, бу уларнинг иши эмас.

Хўш, унда ким қотиллик қилган ҳар қалай. Буни осонгина фаҳмлаш мумкин эди. Итларнинг скелетини топган жойларида ер юмшоқ бўлиб, ўлдирилган овчиларнинг отларидан бошқа яна битта отнинг туёқ излари қолганди. Бу излар кимнинг отини изи эканини танийдиган одамлар ҳам топилди. Бу барчага яхши таниш қорабайирнинг, бизон овчиси Карлос отининг излари эди.

Хулласи калом, бу жиноятни Карлос қилган. Унинг Мануэль билан ораси чатоқ эканини кўпчилик биларди. Эҳтимол улар тўқнаш келиб, жиқиллашиб қолишгандир, балки — буниси янада эҳтимолга яқинроқ — Карлос гулхан ёнида ухлаб ётган Мануэль билан Пепенинг устларидан чиқиб қолгандир-у, писиб келиб, суробларини тўғрилагандир. Мануэлни у жойидаёқ отган-у, овчи тўғри гулханга қулаган — жасади ярмигача ёниб кетибди. Иккинчи овчи қочиб қолишга уринган, лекин қонхўр жиноятчи унга етиб олиб, ўлдирган.

Жамоатнинг қаҳрига учраган Карлоснинг бошига янгидан-янги лаънатлар ёғила кетди. Унинг номини тилга олганда одамлар чўқиниб олишар ва ё дуо ўқишар, ё бўралаб ҳақорат ёғдиришарди; оналар қулоқсиз болаларини унинг номи билан кўрқитишар эди. Бизон овчиси Карлоснинг номи ҳиндулар босқинидан кўра ортиқроқ ваҳимага соларди.

Сан-Ильдефонсо аҳли орасида ғайри куч — хурофоту бидъатга ишонч баттар кучайди. Карлоснинг онаси жодугар эканига, турган гапки, бу ишларни ўғли онасининг ёрдамида ва ўшанинг васвасаси билан бажарганига эндиликда ҳеч ким иккиланмас эди.

Уни қўлга тушириш ёки ўлдиришларига ҳеч ким

ишонмай қўйди. Буни иложи бораканми? Уша иблисни қўл-оёғини боғлаб, адолат судига топширадиган азамат қаёқда? Кейин, уни қўлга туширишларига ҳеч ким ортиқ ишонмай қўйган эди.

Ҳатто унинг жодугар онасини қўлга олиб, уни гул-жанда куйдиришни жиддиян маслаҳат берганлар ҳам топилди. Токи у тирик экан, Карлос учун ҳар қандай таъқиб икки пул, онасини нариги дунёга жўнатилса, ана ўшандагина қотилни жазосини берса бўлади, дерди бундайлар.

Ана шундай маслаҳатгўйлар устун келишлари ҳеч гап эмасди — кўпчилик улар томонда эди, бунинг устига уларни иезуит оталар очиқ-ошқора қувватламоқда эдилар. Бироқ, бундайин даҳшатли қурбонлик амалга ошири учун жамоатчилик фикри узил-кесил пишиб етилишидан олдинроқ рўй берган янги воқеа ишларни кескин чаппасига буриб юборди.

* * *

Якшанба куни эрталаб, одамлар ибодатхонадан чиқа бошлаган паллада бошдан-оёқ чангга ботиб, фарққа тер босган бир чавандоз майдонга от йўрттириб кириб келди. Эғнида уланлар сержантининг мундири, шунда ҳамма дарров таниди сержант Хомесни.

Бир неча дақиқа ичида уни бекорхўжалар оломони қуршаб олди. Якшанба бўлишига қарамай, тўрт томонда тантана нидолари янгради. Шляпалар осмонга учди, ҳавони «viva» садолари ларзага келтирди.

Қандай янгиликни эълон қилганди Хомес? Мазкур янгилик дарҳақиқат фавқулодда эди: жинояткор қўлга тушибди!

Ҳа, бу ҳақ гап эди. Карлосни ушлаб олишган ва у ҳозир аскарлар қўлида эди. Уни на куч ишлатиб, на хийла билан қўлга туширган эдилар. Барига хиёнат сабабчи эди. Уни ўз одамларидан бири сотганди.

Бу эса мана шундай содир бўлганди. Каталинадан хат-хабар олишдан умиди узилган Карлос онаси билан синглисини Сан-Ильдефонсодан олиб чиқиб кетишга аҳд қилди. Уларга одамлардан олисда, овлоқ ердан бошпана тайёрлаб қўйиб (душманлари етиб боролмасди уёққа) ўзи эса кейин, имкони туғилди дегунча водийга қайтиш ниятида эди.

У онаси билан синглисини узлуксиз кузатаётганларини, шунинг учун уларни у ердан олиб чиқиб кетиш асло осон эмаслигини биларди. Агарда унга хиёнат қилмаганларида ҳар қалай мақсадига етган бўларди. Охири марта овга кузатиб борган пеонлардан бири эндиликда уни душманларига сотган эди.

Карлос ранчога келиб, шошилинич олис йўлга ҳозирлик кўраётган эди. Отини нарироқда, буталар орасида қолдирганди. Бахтга қарши Бизон ёнида эмасди. Вафодор ит дарадаги олишув пайтида етган жароҳатлари битиб, ҳали тузалиб улгурмаган эди, йўқса ранчо атрофида ўша пойлоқчилик қилган бўларди. Мана энди бўлса Карлосга бу юмушни пеонга топширишига тўғри келди.

Робладо билан Вискара бу муттаҳамни илгарироқ сотиб олганди. Шундай қилиб у ўз хўжайинини кўриқлаш ўрнига душманларга хабар қилгани ошиқди. Аскарлар уйни қуршаб олишди. Карлос мардона қаршилик кўрсатди, бир неча одамни ер тишлатди, аммо охиروқибатда ғанимларнинг дасти баланд келиб уни қўлга туширдилар.

Деярли Хомес пайдо бўлган дамдаёқ янграган карнай садоси уланлар бўлуги яқинлашаётганидан далолат берди ва ҳадемай улар майдонга кириб келдилар. Улар ўртасида, икки карра кучайтирилган соқчилар кўриқловида, оёқ-қўли мусти-мустаҳкам қилиб боғланган, хачирга мингазилган банди келарди.

Бундай ғаройиб воқеа ҳақидаги овоза ниҳоятда тез тарқалди-ю, майдонни машҳур бизон овчисини кўришга иштиёқманд текин томошатаблар оломони босиб кетди.

Бироқ, одамлар қизиқсиниш-ла тикилаётган ёлғиз Карлоснинг ўзигина эмасди бу ерда. Унинг орқасидан майдон бўйлаб икки аёл бандини ҳам олиб ўтишди, улардан бири бекорхўжа томошатабларда жиноятчидан кам қизиқиш уйғотмаётганди. Бу асира — унинг онаси. Юзлаб жуфт кўзлар унга ғазаб ҳамда кўрқув-латкилар, уни авахтага масхара-мазаҳлару дағдағалар дўли ила кузатиб қолардилар.

— Жодугарга ўлим! Ўлим! — деб қичқиришарди бағритош золимлар у ёнларидан ўтиб бораётганда.

Ҳатто унинг навниҳол ҳамроҳи, унинг қизининг кифтларига ёйилган, тўзғиган сочлари ва ғилқ-ғилқ ёш тўла

кўзлари мутаассиб оломоннинг кўнглини юмшата олмади.

— Икковигаям ўлим — онасигаям, қизигаям ўлим!

Қўриқчилар қутуриб кетган оломон ёпирилиб қолмасин деб асираларни шоша-пиша авахтага итариб кириштишга мажбур бўлдилар.

Яхшиямки бунни Қарлос кўрмади. Уларнинг қўлга олинганларидан йнгитнинг ҳатто хабари ҳам йўқ эди. У онаси билан синглисини ранчода қолдиришган, уларга зиён-заҳмат етказишмаган деган умидда эди, ғанимлар Ёлғиз мендангина ўч олишяпти, деб ўйлаганди. У ўз таъқибчиларининг иблисона ният-режаларини билмасди ҳали.

ЛXIII Б О Б

Асираларни шаҳар турмасига, Қарлосни эса ишончлироқ бўлсин учун қалъага олиб бориб, ички қамоққа қамадилар.

Тунда уни меҳмонлар зиёрат қилди. Комендант билан Робладолар ўзларининг интиқом олишдек палидона майлу истакларини қондириб роҳатланиш иштиёқига тоб беролмадилар.

Ўз қадаҳларини сипқориб, шодон ҳамшишалари билан биргаликда камерага кириб келиб, қўл-оёғи боғлиқ бандини масхара қила бошладилар. Ширакайф зиёратчилар уни оғзиларига келган таҳқиру ҳақоратларга кўмиб ташлайверадилар.

Қарлос бу ҳақоратларнинг барига ғиқ этмай, узоқ бардош берди. Ниҳоят, Вискарранинг навбатдаги қўпол масхаралашидан қони қайнаб кетиб ўзини тутолмай қолди ва комендантнинг хунуги чиққан башараси хусусида нимадир деб юборди. Бу гапдан аблаҳ қутуриб кетди-ю, боғлоқлиқ бандига қўлида ханжар билан ташланди. У агарда Робладо билан бошқалар аралашмаганида Қарлосни ўлдирган бўларди, албатта. Улфатлари унга Қарлосни ўлдириб қўйса ўзларини ваъда қилинган эрмак — томошадан бебаҳра этишини эслатдилар. Ана шугина Вискарранинг жазавасини жиловлади, бироқ у ноилжуну ночор бандининг юзига бир неча бор мушт туширганидан сўнггина тинчланди.

— Майли, аблаҳ яшаб туратурсин!— деди Робладо.

Эртага биз унга қувноқина бир томошани кўрсатамиз-да.

Маст каллакесарлар—ваъда қилинган «томоша» устида бош қотирғшни тутқунга ҳавола қилганча — гандираклашиб чиқиб кетишди камерадан.

Тутқунни бундан бўлак қиладиган иши ҳам йўқ эди. Карлос ўзини саранжомлашларини жуда яхши фаҳмлади. У ҳарбий ёки граждандар судьяларнинг мурувватию марҳаматидан умидвор эмасди. Айтаётган томошалари менинг ўлимим бўлса керак-да, деб ўйларди у. Тун бўйи изтиробли хавфсираш ич-этини тирнаб чиқди — ўзини деб эмас, балки ўз ҳаётидан кўра азизроқ бўлган кимсаларини деб.

Камеранинг энсизгина туйнугидан тонг мўраллади. Тутқун бўлак ҳеч нима ва ҳеч кимни кўрмади. Бадқахр зиндонбонлар унга на бирон оғиз тасалли берадиган сўз айтдилар, на ҳамдардлик ила қиё боқдилар, на сув, на овқат келтирдилар. На дўст-ёри йўқлаб келди денг. Бутун жаҳонда уни деб юраги безовта тепадиган бирорта юрак йўқдек эди.

Пешин бўлди. Карлосни қалъадан олиб чиқишди, тўғрироғи — судраб чиқишди. Уни аскарлар ўртага олишди. Қаёққа олиб боришаркин уни? Қатл этганими?

Унинг кўзини боғламадилар. У ўзини шаҳар бўйлаб майдонга олиб боришаётганини кўриб турарди. У ерни тумонат одам босиб кетибди. Оломон ҳам майдонни, ҳам у кўриниб турадиган жамики асотяеларни эгаллабди. Афтидан, бутун водий аҳли шаҳарда жам бўлганди. Асиендо эгалари дейсизми, чорвадорлар дейсизми — жамикиси шу ерда! Ким йўқ денг-а бу ерда! Лекин улар нима сабабдан бу ердалар! Уларни бирон ҳалдан зиёд хунук ҳодиса етаклаб келган бўлса керак. Аннқ кўриниб турибдики — улар қандайдир фавқулодда томошани кутишяпти. Балки Робладо ваъда қилган томошанидир? Лекинига қандай томоша бўлдийкин бу? Тағин уни ана шу бутун оломоннинг кўзи олдида қийнамоқчи эмасмикинлар? Худди шундоқ бўлиши мумкин-да...

У ўтиб бораркан, сон-саноғи йўқ оломон ундан кулар, мазах қиларди. Уни майдон орқали олиб ўтиб, шаҳар турмасига итариб киритишди.

Камерадаги декор ёнига қўйилган қўпол харракда

нафасни ростлаб олса бўларди. Шўрлик ўзини харракка ташлади — бойлоғлиқ қўл-оёғи қаддини ростлаб ўлтиришига йўл бермасди.

У ёлғиз қолди. Уни қўриқлаб келган аскарлар камерадан чиқиб, устидан қулфлаб қўйишди. Эшик ортида улардан бир неча киши қолганини билиб турарди овчи — уларнинг овозлари ва қиличларининг шарақ-шуруқи эшитилаётган эди. Ҳақиқатан ҳам икки кишини соқчиликка қолдиришган эди. Бошқалар тарқалишиб, майдонни тўлдирган оломонга қўшилиб кетишган эди.

* * *

Карлос бир неча дақиқа қимир этмай, ҳеч нимани ўйламай ётди. Қалби қайғу-аламдан тош қотганди. Умри бино бўлиб биринчи маротаба руҳий тушкунликка ён бераётгани эди.

Бу туйғу оний, ўткинчи эди, инчунун ўй-фикри яна ишга тушиб кетди, аммо умиди сўниб бўлганди. Одамлар умид фақат жон билан бирга чиқади, дейдилар, йўқ, хато бу. У ҳануз ҳаёт, умиди эса ўлиб бўлганди. У қочиб қутулиб кетишига умид қилолмасди: уни ниҳоятда яхшилаб қўриқламоқда эдилар. Ғазаби қўзиган ғанимлар уни ушлаш осон эмас эканига амалда ишонч ҳосил қилиб, қочишига зиғирчалик имконият қолдирмагандилар. Афв этишлари ёхуд шафқату ҳамдардлик кўрсатишларини эса Карлос хаёлига ҳам келтирмаётган эди.

Аммо ақлу онги ишлай бошлаган эди.

Қулфнинг калити буралиб, тутқун ёлғиз қолдими, бас, у аввало, қамоққа тушганим тўғрими, деб текшириб кўраётгандек ўз зиндонининг деворларини кўздан кечиради. Тамоман табиий бўлмиш ана шу истакка итоат этган Карлос деворларни кузатди. Шапалоқдеккина ойна, тўғрироғи, туйнукдан ёруғлик тушиб турибди: камера ертўлага жойлашган эмасди. Деразача баландда эди-ю, лекин харракка чиқилса, унинг қай томонга қараганини кўрса бўларди. Бироқ, Карлос бунга қизиқсинмай, боягидек қимир этмай ётаверди. У қамоқхона деворлари тош ёхуд пишган ғишдан эмас, хом ғишдан эканини, бунинг устига унчалик қалин ҳам эмаслигини кўриб турарди, бунинг исботи — туйнук. Бунақанги

девор жудаям мустаҳкам бўлавермайди. Қўлида ўткир қуролию фурсати бор журъатли одам деворни кўпда қийчалмай тешиб, бу ердан чиқиб кетиши мумкин эди. Карлос шу тахлитда ўй сурарди. Лекин у ўзида на ўткир асбоб ва на фурсат борлигини ҳам хаёлидан кечирди. Бир неча соатдан, балки бир неча дақиқадан кейин уни, албатта, бу қамоқхонадан қатл супачасига олиб чиқадилар.

У ўлимдан қўрқмаётган, ҳатто қийноқдан ҳам чўчимаётган эди — у ўзига айнан шундай жазо ҳозирлаб қўйганларини билар ва буни кутаётган эди. Онаси ва мағрур ҳамда меҳрибон қиз бўлмиш суюкли синглиси билан абадий видолашажаги ҳақидаги ўй-фикрлар огир қийноқ эди унинг учун; уларни ҳеч қачон кўрмайман энди, деган фикр ич-этини кемирарди.

Наҳотки ўзи тўғрисида ҳеч хабар бериб бўлмаса уларга? Наҳотки унинг охириги сўзи, ўлими олдидаги мулоҳазаларини яқинларига етказадиган дўсти бўлмаса? Ҳа, йўқ, ҳеч кими йўқ!

Хонани қиясига кесиб тушган нур вақти-вақти билан ғойиб бўлиб, хона қоп-қоронғилашар — ташқарида туйнукни нимадир тўсиб қўяр эди. Бу ошналарининг елкасига чиқиб, тутқунни кўришга уриниб ичкарига мўралаётган бирон сичков бекорчининг башараси бўларди.

Туйнук одамларнинг бошларидан баландроқда эди. Майдондан қўпол сўкишу ҳақоратлар, яна тагин Карлоснинг бир ўзигагина эмас, шунингдек унинг жондаң азиз кимсалари — онаси билан синглисига қаратилган ҳақорату таҳқирлашлар эшитиларди. У алам ва хавотирла қулоқ соларди. Нима учун уларни кўп тилга олиш-яптийкин? Сўзларни тузук-қуруқ тушунолмаепти-ю, бироқ говур-говур орасидан онаси билан синглисининг исмларини илғаб оляпти.

У шу аҳволда харракда бирор соатча ётди. Кейин эшик очилди-да камерага Вискаarra билан Робладо кириб келишди. Уларни Хомес кузатиб келганди.

Тутқун паймоним тўлибди деб ўйлади. Ҳозир уни қатлга олиб боришади. Бироқ у янглишганди. Ҳозир буларнинг нияти бошқача эди. Муттаҳамлар унинг руҳий азобланишини кўриб лаззатланмоқчи эдилар.

Зобитлар камерада кўп бўлишмади.

— Хўш дегандан, ошна,— дея гап бошлади Робладо,— бугун биз сенга томоша кўрсатишни ваъда қил-

ган эдик. Сўзининг устидан чиқадиганларданмиз, ҳа. Гап мундоқ, ҳаммаси тахт, томоша ҳадемай бошланади. Харракка чиққинда, деразачадан томоша қилгин. У ердан майдон жуда яхши кўриниб туради — ташвишланма, дурбинни кераги бўлмайди сенга? Қани тур! Вақтни бой берма! Қизиқ нарсаларни кўрасан.

Робладо хириллаб кула кетди, комендант билан Хомес унга жўр бўлишди. Жавобни кутиб ҳам ўлтирмай, учовлон камерадан чиқиб, қоровулга уни қайтатдан қулфлаб қўйишни буюришди.

Уларнинг келиши ва Робладонинг сўзлари Карлосни бошини қотириб, ўйга солиб қўйди. Бунинг маънисини нима бўлдикин? Томоша, бунинг устига у — томошабин? Унинг қатлидан бошқа яна қанақанги томоша бўлиши мумкин? Ҳар қалай нима дегани экан бу?

Бир муддат у Робладо гапларининг маъзини чақиб кўришга уринди-ю, ниҳоят, назарида бунинг калитини топгандай бўлди.

— Э-ҳа!— гўлдиради у.— Дон Хуан... Э, гап буёқда экан-ку! Бечора дўстим-а! Булар унияма ўлимга ҳукм қилишибди-ю, у мenden олдин ўлиши керак экан-да. Булар унинг қатлини томоша қилишимни истащяпти. Вой ёвузлар-ей! Йўқ, қарамайман — уларга бундай ҳувурни бахш этиб бўпман! Шу жойимда қоламан.

У шундай деб, энди қайтиб турмайман деган аҳдда, яна харракка чўкди. Гоҳо-гоҳо гудраниб кўярди у:

— Бечора дон Хуан! Содиқ дўстим... Бир умрлик дўстим. Ҳа, бир умрлик. Ахир у мени деб жонидан жудо бўляпти, мени деб-а... Қадрдон дўстим, қадрдоним!

Тутқуннинг фикр-мулоҳазалари қўққисдан узилди. Кимнингдир юзи шинакни тўсиб қўйди-ю, дағал овоз шанғиллади:

— Ҳей, Карлос, бизонлар жаллоди! Буёққа қарсанг-чи! Жин урсин, арзийдиган томошалар бўляпти буёқда! Онангни, жодугар ёсуманни кўриб қўй бир! Ҳув ана, ҳусни-жамолини кўз-кўз қиляпти у! Ҳа-ҳа-ҳа!

Мабодо заҳарли илон чақиб олгани ё ғаними тўсатдан мушт тушириб қолганида ҳам Карлос бунчалик шитоб-ла сапчиб туриб кетмаган бўларди. У қўл-оёғи бойлоқ эканини унутганди — гуппа қулади ерга; бир амаллаб тиззалади.

Энди эҳтиёткор бўлиб қолди у; дарров бўлмаса ҳамки, ҳарҳолда тикка турди. Амал-тақал билан харракка

чиқди-да, юзини туйнукка тақаб, ташқарига жабдиради.

Майдонда нималар бўлаётганини кўрганида томирларидаги қон тўхтаб қолгандек бўлди, манглайдан йирик-йирик, реза-реза тер чиқиб кетди. Қалби, вужудини ваҳима чулғаб олди-ю, наздида кимнингдир қўли юрагини чангаллаб, темир панжалари билан мижғилаётгандек бўлди.

LXIV БОБ

Майдоннинг ўртаси бўшаб қолди — уни аскарлар қуршаб олдилар. Уйларнинг деворлари томон сиқиб қўйилган одамлар оломони атрофни ўраб, шийпону томларни тўлдириб юборганди. Майдоннинг марказига яқинроқда зобитлар, алькальд, амалдорлар маҳаллий оқсуяк-аслзодалар жойлашишган эди. Уларнинг деярли ҳаммаси мундирда бўлиб, бошқа пайтда айнан шулар оломоннинг диққат-эътиборини тортишлари турган гап эди. Аммо ҳозир бошқа бир тўда хийла ортиқроқ қизиқиш уйғотаётган, жамики кўзлар бутун диққату эътибори-ла худди ўша тўдага қадалган эди.

Тўда майдоннинг турма рўпарасидаги, нақ Карлос мўралаётган шапалоқдек ойна қаршисидаги бурчагини банд этганди. Унинг нигоҳи дарҳол ана шу тўдада тўхтади. Бўлак ҳеч нимани — на оломонни, на унинг йўлини тўсиб турган аскарларни, на важоҳатли бошлиқлари ясан-тусан аслзодаларни кўрарди — кўзи ойна рўпарасида турганларнигина кўрарди. Улардан кўзини узолмасди.

У ерда иккита устига нақ оёқларигача тушган қора саржа ёпиқ ёпилган, патила-патила жунли қўнғир эшак турарди. Ҳар иккала эшакда жул нўхта; нўхта тизгинини худди ўша қора матодан кийим кийган қора танли ҳайдовчи ушлаб олган. Ҳар қайсисининг кетида худди ўшандоқ антиқа кийиниб, бизон терисидан тўқилган қамчин ушлаб олган яна битта ҳайдовчи. Ҳар қайси эшакнинг ёнида тагин иезуит оталардан бирови турибди, қўлида ўз касби-корининг ажралмас ашёлари — дуонома, тасбеҳ ва хоч. Уларнинг важоҳатлари ишчаннамою жиддий: улар хизмат вазифаларини адо этиптилар. Илло қандай вазифани? Буёғини эшитинг!

Эшакларга эгар урилган. Улардан ҳар бирининг устида — тирик мавжудот — одам бор. Улар бемалол-эркин ўтирганлари йўқ — боғлаб қўйилган улар. Оёқлари тўпиқларига ўралган арқон билан бир-бировига тушовланган, кифту елкалари эгик турсин учун қўллари эшакнинг бўйнидаги ёғоч бўйинчага боғланган. Бошлари қуйи солинган, юзлари девор томонга бурилган — оломон ҳозирча уларни кўрмаяпти.

Улар яримяланғоч. Буларнинг аёл эканини фаҳламоқ учун бир бор кўз ташлашнинг ўзиёқ кифоя. Уларнинг узун, ёйилган сочларини кўргандаёқ ҳеч қандай шубҳадан асар ҳам қолмайди бунга; бирининг сочи оппоқ, иккинчисининг олтинранг, сочлари асираларнинг ёноқ-бетларини ёпиб, эшакларнинг бўйнигача тушиб турибди. Лекин улардан бирини бусиз ҳам таниш қийин эмас. Унинг қадди-басти — гўзаллик маъбудасидай. Ҳатто ҳайкалтарошнинг нигоҳи ҳам уни бенуқсон деб тан олган бўлурди. Бошқасига йиллар ўз муҳрини босган. Уни бурушиғу ажин босган, суяклари саналиб турибди, унга боқиш кўнгилсиз.

Ё тангрим! Бизон овчиси Карлос учун қандай томоша, қандай кўргулиг-а бу! Эшакка мингазилган сазоёилар — онаси билан синглиси-ку! Овчи уларни дарҳол, бир боқишдаёқ таниди.

Башарти юрагини камон ўқи тешиб ўтган чоғида ҳам бундан қаттиқроқ азоб бермасди. Унинг лабларидан бўғиқ ингроқ — унинг изтироб чекаётганини ошкор этган бирдан-бир товуш учди. Кейин жим қолди. Узуқ-юлуқ, бесаранжом нафас олишигина унинг ҳаётлигидан далолат бериб турарди, холос. У қулагани, ҳушидан кетгани йўқ. У туйнук ёнидан чекинмади. Аввал-бошда оёғига зўр келмаслик учун кўкрагини қандоқ деворга тираб турган бўлса, ҳануз ўша ҳолатда, бамисоли ҳайкалдек қотиб турарди. Ҳаракатсиз қотган кўзлари бахти қаро аёлларга қадалганди.

Майдон ўртасида Робладо билан Вискарра — ниҳоят тантана қилишяпти! Унинг туйнукдан қараб турганини кўришди. Йигит эса уларни кўрмасди: айни дақиқаларда овчи оламда улар борлигини унутган эди.

Ибодатхона минорасида қўнғироқ бонг уриб, тинди. Бу машъум маросим бошланганини эълон этгувчи ишора эди.

Ҳайдовчилар эшакларни девордан узоқлаштириб,

майдонга ёнламасига, олдинма-кетин тўхтадилар. Эндиликда аёлларнинг юзи қисман оломонга қараб қолган, бироқ паришон сочлари деярли тўсиб турарди. Иезуитлар яқинроқ келдилар. Ҳар қайсиси ўзига қурбон танлаб олди. Улар бандилар узра аллақандай тушуниб бўлмас сўзларни бўлдирадидилар, сазойиларнинг бетларига қилиб қўлларигадаги хочни силкидилар-да, бир қадам тисарилиб, орқада турган аблаҳларга нимадир деб шипшидилар.

Улар эса ишорага бажонидил жавоб қайтардилар. Дастасидан қулайроқ ушлаб, ҳар бири аёлларнинг яланғоч курагига қамчи тушира бошлади.

Қамчи бафуржа ҳамда бир маромда тушар, ҳар бир зарба санаб борилар эди. Ҳар битта зарба танада ўз изини қолдирарди. Аёллардан ёшининг терисида аниқроқ кўринарди бу излар; қаттиқроқ саваётганларидан эмас, балки оппоқ, мулойиму нозик терида қип-қизил тарам-тарам излар яққолроқ кўзга ташланаётган эди.

Ғалати томонини қарангки, аёллар фарёд уришмаяпти. Қиз буткул ғужанак бўлиб олган ва астагина пиқиллар, илло орзидан бирон «вой» ёхуд «их» деган ингроқ чиқмасди. Кампир бўлса ҳатто қилт этмас, ҳеч нима азоб чекаётганини ошкор қилмаётган эди.

Ҳар бирига ўн қамчи тушгач, майдон ўртасидан:

— Қизга етади, бас!— деган овоз эшитилди.

Оломон илиб кетди бу овозни, шунда кичик жабр-дийдани саваш зиммасига юкланган жаллод қамчисини йиғиб, ортга чекинди. Иккинчиси эса ҳисоб токи йигирма бешга етгунича давом эттираверди ишини.

Кейин оркестр садоси янгради. Эшакларни майдон четидан етаклаб бориб, навбатдаги бурчакда тўхтатдилар.

Мусиқа тинди. Тақводор отахонлар яна ишга тушиб, хочларини силкидилар. Жаллодлар навбати етди, аммо бу гал улардан фақат биттасигина ўз вазифасини ижро этди. Оломон қизни савашдан халос этишларини талаб қилди, лекин у ҳануз ўшандай таҳқирловчи, шармандали ҳолатда эшак устида ўлтирар эди.

Кампирга тагин йигирма беш қамчи урдилар. Яна мусиқа янгради-ю, издиҳом майдоннинг учинчи бурчагига йўл олди. Даҳшатли қийноқ яна такрорланди. Сўнгра майдоннинг тўртинчи, охириги бурчагига қараб

юрдилар. Жазо ўша ерда тугатилди: кампир юз қамчи еди — лозим бўлган зарбани беками-кўст олди.

* * *

Маросим ниҳоясига етди. Оломон бахти қаро жабрдийдаларни ўраб олди. Қўриқлаб турган қўриқчилар уларни ўз ҳолига ташлаб, жўнаб кетган эдилар.

Одамларнинг юзида ачинишдан асар кўринмайди, Ёлғиз қизиқсинишгина бор, холос. Кўзлари ўнгида содир бўлган мусибат ушбу қурама оломоннинг юрагида деярли раҳму шафқат, ҳамдардлик уйғотмаганди. Мутаассиблик раҳм-шафқатдан кучлироқдир. Жодугар билан шаккок қизга ким ҳам ғамхўрлик қилар, ҳамдардлик кўрсатарди дейсиз!

Шунга қарамай, уларга ғамхўрлик қиладиганлар топилди ҳар қалай. Арқонни қирқиб ташлаган, жафокашларнинг пешонасини силаган, шолрўмолларини кифтларига ташлаган, мазкур унсиз — шунинг учун ҳам унсизки, беҳуш эди улар—қурбонларнинг лабини ҳўллаган қўллар топилди.

Шу ерда оддийгина арава ҳам турган экан. У қандай қилиб бу ерга келиб қолди, ҳеч ким билмасди ва ҳеч ким қизиқмади ҳам бунга. Қош қорайиб келмоқда эди, қизиқсинишу синчковликларини қондирган, бунинг устига очқаб қолган одамлар уй-уйларига тарқай бошладилар. Барваста аравакаш билан икки ҳинду қандайдир ёшгина қиз бошчилигида жабрдийдаларни аравага ётқиздилар; сўнг аравакаш ўз жойига чиқди-ю, арава жилди. Қиз билан унга ёрдамлашган ҳиндулар арава орқасидан йўлга тушдилар.

Улар шаҳар сарҳадини ортда қолдириб, бутазорларни кесиб ўтадиган айланма йўлдан юриб, Роситани илгари бир марта олиб келишган худди ўша овлоқ ранчoga етиб бордилар. Қизни бу гал ҳам Хосефа олиб келганди.

Жафокашларни уйга олиб кирдилар. Тез орада улардан бири эндиликда азоб чекмай қўйганини пайқадилар. Қизни ҳушига келтирдилар ва у онасининг оламдан ўтганини кўрди.

Кампирнинг чаккаларини ишқаб, лабларини ҳўлладилар, қўлларини ишқаладилар — бари беҳуда эди.

Она қизининг жони-жаҳони билан урган фарёдини эшитмади. Ажал уни аллақачон ўзга оламга олиб кетган эди.

L X V Б О Б

Карлос бу даҳшатли манзарани камера туйнугидан кўриб турарди. Биз уни ёниқ этмай тикиларди дедик. Лекин бу унчалик тўғри эмасди. Ора-сира, қонга беланган қамчи жабрдийданинг курагига қаттиқроқ тушган пайтда, унинг кўксидан интиҳосиз изтиробнинг беихтиёрий ифодаси бўлмиш бўғиқ ингроқ отилиб чиқарди.

Карлоснинг қиёфаси жисми-жаҳонини ўртаб-ёндираётган чидаб бўлмас оташ-алангани овозга қараганда яққолроқ ошкор этиб турарди. Туйнукка тасодифан ёхуд қизиқсиниб кўз ташлаб қолган кимсани унинг башараси даҳшатга соларди. Бет мушаклари тош қотган, ҳаракатсиз кўзлари гирдини қора ҳалқалар қуршаган, қимтилган лаблари ортида тишлари гирих ҳолатда, пешонасида йирик-йирик тер томчилари йилтирар эди. Гўё у ортиқ нафас олмай қўйган, рангида қатра қони қолмагандек эди. Нақ ажалнинг ўзгннасидек туси ўчгану мрамардан ясалгандек бирон туки қилт этмасди.

Карлос ўзи турган жойдан майдоннинг икки бурчинигига кўра оларди — мазкур жаҳаннамий қийноқ бошланган ер билан кейинги йигирма беш зарба саналган бурчагинигина. Кейин издиҳом кўринмай қолди, лекин Карлос, гарчи энди даҳшатли манзара кўзларига азоб бермаётган бўлса-да, енгил тортганини ҳис этмади. У қийноқ давом этаётганини билиб турарди.

У туйнукдан узоқлашди. Энди бир қарорга келган — ўз-ўзини ўлдиришга аҳд этганди у. Сабр косаси тўлган, ортиқ чидашга кучи қолмаган эди. Улим уни азоб-уқубатлардан халос этади. Улиши керак.

Аммо қандай ўлдиради ўзини?

Унинг қуроли бўлмаса, борди-ю, ҳатто бўлган чоғда ҳам бойлоқ қўллари билан барибир ундан фойдалана олмасди.

Айтмоқчи, бошини деворга уриб мажақласа-чи?

Хом ёништ деворга қараб туриб, буида мақсадига ета олмаслигини англади у. Фақат ўзини ҳушдан кет-

казади-ю, 'аммо ўлдиролмайди. Кейин эса даҳшатли ҳаётини давом эттиргани яна ҳушига келади.

Ўз-ўзини ўлдириш чора-йўригини излаб кўзлари ила камерани алағлаб чиқди.

Шифтга кўндаланг тўсин ташланган экан, у шундай баландда эдики, унга энг новча одамгина ўзини оса олиши мумкин. Башарти қўллари бўш-у, кейин, бу ердан арқон топилганида шундай қилган бўларди у. Дарвоқе, арқон бор, бор бўлгандаям етарли даражада узун: қўллари хом теридан тилинган тасма билан бир неча марта ўраб-чандиб ташланган.

Карлос тасма хусусида ўйлай бошлади. Унинг чўзилиб ва бўшашиб қолганини пайқаганида овчининг нақадар ҳайрон бўлганию қувонганини қўяверасиз асти! Қўлларидан тепчилаган қайноқ тер хом терини ивтган-у, у мулойимлашиб, юмшаб қолган эди. Ўзи шоҳиди бўлган манзарадан ақлдан озиб қолаёзган Карлос ўзини йўқотиб, ғайриихтиёрий равишда кескин ҳаракатлар қилиб тасмани бир неча дюйм чўзиб юборган эди. Ҳозир у тасмани бемалол ечса бўлишини дарҳол сезди-ю, йўқотадиган ҳеч нарсаси қолмаган одам сиёқида бор кучию буткул ғайратини ишга солди. Агарда қўлларини олдинга қилиб боғлаганларида у тасмани тишлари билан ғажиб ташларди, аммо орқасига қилиб чандиб боғлаб ташлаган эдилар. У қўлларини кучи бори ча тортиб-юлқилайверди.

Жаҳонда арқону тасмани усталик билан ишлатишда испанларга етадиган одам йўқ. Бундайин санъату маҳоратда ҳиндулар ҳам беллашолмайди улар билан; ҳаттоки энг чаптаст денгизчи тугган тугун ҳам улар солган тугун олдида ип эшолмайди. Оламда ҳеч ким бандини темир анжомларсиз уларчалик ишончлию пухта кишанбанд қилолмайди. Карлос шу тарзда пишиқ-пухта кишанланган эди.

Аммо, ғайритабиий кучга кириб, жон-жаҳди-ла бир ишга аҳд этган одамни тери тасма ёхуд канопдан эшилган арқонда бойлоқ тутиб бўлмайди. Бундай одамга етарлича фурсат берсангиз бас — у халос бўлиб олади. Шу боисдан ҳам Карлос ўзига фақат вақт зарурлигини биларди.

Хом тери нам тортиб қолгани бонс кўп вақт кетмади бунга. Орадан ўн дақиқа ўтмаёқ тасмалар билаги-

дан сирғалиб тушди-ю, бандининг қўллари тушовдан бўшади-қўйди.

У бармоқлари билан тасманинг чигалини ёза бошлади. Кейин бир учида сиртмоқ ясади-да, харракка чиқиб, иккинчи учини тўсинга боғлади. Сўнг сиртмоқни бўйнидан ўтказиб, тананинг оғирлиги тушганида қанча узайишини чамалаб кўрди-да, харракнинг четига туриб, сакрашга шайланди...

«Уларни яна бир марта кўраман-у, кейин у дунёга равона бўламан,— хаёлидан кечирди Карлос.— Шўрпешона қадрдонларим... охирги марта!»

У деярли туйнукнинг рўпарасида турган эди. Майдонга қараш учун хиёлгина эгилиши керак эди, шу сабабдан Карлос пича эгилди.

Улар кўринмади; бироқ оломон ҳозирда майдоннинг турмага тақалган бурчагига қараб турарди. Даҳшатли жазо ҳадемай охирлайди. Уларни бу ердан олиб ўтишаётганда кўриб қолар балки. У кута туради — бу умрининг охирги дақиқаси бўлади...

Ие, нима бўлди бу? Ё тангрим, бу...

У ҳавони чувиллатиб кесиб ўтган қамчи товушини эшитди. У оҳистагина инграшни эшитди ёки шундай тасаввур этди. Оломон жим, тиқ этган шовқин эшитилиб турарди унга.

«Ё марҳамати бениҳоя эгам, наҳотки оламда раҳм-шафқат йўқ! Ё қаҳҳор, илтижомга қулоқ бергайсан!.. Ё қаҳҳор! Нега энди мен аҳмоқ ўз жонимга қасд қилмоқчи бўляпман ўзи? Ахир қўлларим бўшқу — наҳотки эшикни қўпориб, қулфни бузолмасам? Менга бор-йўғи уларнинг қуроли таҳдид қиляпти, холос, балким...»

Шу ўйда у бўйнидаги сиртмоқни чиқариб ташлаб, туйнукдан узоқлашишга чоғланган ҳам эдики, тўсатдан пешонасига, аллақандай оғир нарса гурс этиб урилиб, гарангситиб қўяёзди.

Олдинига Карлос бунни пастдан туриб бирорта аблаҳ отган тош бўлса керак деб ўйлади, аммо ғалати нарса харракка тушиб, бўғиқ жиринглаб кетди.

Карлос пастга қараб, ғира-ширагина ёруғда аллақандай чўзинчоқроқ нарсани кўрди. У шартта энгашиб, ипак шарфга ўралган, яхшилаб боғланган тугунчани олди.

Карлос шоша-пиша тугунчани ечиб, ёруққа тутди.

Унда олтин танга тўла хамён, пичоқ ва бир варақ бук-
лоғлиқ қоғоз бор экан.

Карлос ҳаммасидан бурун қоғозни олди. Бу пайт қу-
ёш ботиб, камера қоронғи бўлиб қолган, бироқ туйнук
олди ҳали хат танийдиган даражада ёруғ эди. У қоғоз-
ни ёйиб, уни ўқий бошлади:

«Сизни эртага қатл этишлари керак. Сизни бу кеча
шу ерда қолдиришадими ёки қалъага олиб кетишадими,
била олмадим. Агарда турмада қолсангиз бари жойида
бўлади. Сизга иккита қуроол жўнатыпман. Хоҳлаганин-
гиздан ёки ҳар икковидан фойдаланарсиз. Деворни теш-
са бўлади. Ташқарида сизни содиқ одам кутади. Мабо-
до қалъага олиб кетадиган бўлишса, йўлда қочишга
ўриниб кўринг — бўлак имконият бўлмайди. Сизга —
қатъият ва мардлик тимсолига — дадил ҳамда қатъият-
ли бўлишни маслаҳат бериб ўлтиришимнинг ҳожати
йўқ. Хосефанинг ранчосига қочинг. У ерда эндиликда
ҳам хавф-хатарларга, ҳам сизнинг озодлигингизга ше-
рик бўлишга тайёр кимсани кўрасиз. Кўришгунча хайр!
Қалбимнинг ардоқли дўсти, кўришгунча хайр!»

Имзо чекилмаган эди.

Аммо Карлосга бунинг кераги ҳам йўқ — хатни ким
ёзганини жуда яхши билади у.

— Довюрак, қалби дарё қиз! — хатни қўйнига, овчи
қўйлаги остига яшираётиб пичирлади у. — Сен учун
яшаганим бўлсин! Бу фикр умидларимни қайта тирил-
тиради, курашмоққа янгитдан куч-қувват бахш этади
менга. Мабодо ўлган чоғимда ҳам жаллод қўлидан
топмайман ажалимни. Йўқ, асло, мана, қўлларим ки-
шандан халос бўлди. Токи ҳаёт эканман, уларни ортиқ
кишанлаб бўптилар! Фақат ўлимгина мени таслим бў-
лишга мажбур эта олади!

Банди харракка ўлтирди ва шоша-пиша ҳануз оёқ-
ларини қисиб тушовлаб турган тасмани еча бошлади.
Кейин тагин сакраб турди-да, пичоқни маҳкам чангал-
лаганича хона бўйлаб юришга тушди, ҳар бир орқага
бурилишида эшикка таҳдидли тикилиб қўярди у. У соқ-
чиларни оралаб ёриб чиқишга қарор берганди, ёнига
биринчи бўлиб кирган одамга ташланишга тайёр экани
кўриниб турарди.

Хонада бир неча дақиқа давомида нақ катакдаги
йўлбарс мисоли нари-бере бориб-келаверди.

Бир пайт хаёлига аллақандай янги фикр келиб, қўқ-

қисдан тўхтади. Ҳозиргина ташлаб юборган тасмаларни йнгиштириб олди-да, харракка чўкиб, тўпиқларига бошқатдан, лекин чаптастлик ва устомонлик билан, бир юлқинишда ечилиб кетадиган қилиб ўради. Пичоқни қўйнига яширди, ҳамёнини илгарироқ беркитганди ўша ерга. Сўнгра тўсиндаги хом тери тасмани тортиб олди-да, қўлини орқасига қилиб, билагига шундай ўрадики, гўёки мусти-мустаҳкам бойлоққа ўхшаб кетди. Ана шундан кейин харракка узанди. Юзини эшикка қаратиб, худди қаттиқ уйқуга кетгандай қимир этмай ётаверди у.

LXVI БОБ

Бизнинг ҳиссиётлар сўнигу шавқсиз, муҳаббат фарзали ҳамда таъмагирона ўлкамизда бўлак мамлакатларда кучли эҳтирос, оташин севги туғдирадиган телбаларча ҳаракату мардона қилмишларни тушунолмаслик бир ёқда турсин, ҳаттоки бундай бўлишига ишонмаймиз.

Испан аёлларининг севгиси кўпинча шундай бир терану улугворлик касб этадиким, ушбу туйғуга савдогарона манфаатпарастлик қоришиб кетадиган халқлар буни билмайдилар ва ҳеч қачон ҳис этолмайдилар. Мазкур олижаноб ҳилқатлар вужудида у кўпинча чинакам эҳтиросга, бўлак жамики ҳис-туйғуларни комига тортиб, қалбни буткул эгаллаб оладиган бетийиқ, бемулоҳазаю теран майл-эҳтиросга айланади. Фарзандлик садоқати, ота хонадонига содиқлик, маънавий ҳамда ижтимоий бурч унинг қаршисида ортга чекинади. Севги-муҳаббат баридан ғолиб чиқади.

Каталина де Круссенинг қалбини оташдек ўртаётган муҳаббатнинг қудрати ана шундай эди.

Унинг муҳаббатига қарши қизлик меҳри бош кўтарди, тарозу палласининг бирига севги, иккинчисига жамоатчилик орасида тутган мавқеларни, бойлик ва талай нарсалар қўйилди-ю, аммо муҳаббатнинг тоши оғир келди. Унга бўйин эгган Каталина бўлак бари нарсдан воз кечишга аҳд қилди.

Ярим кечага яқинлаб қолган, дон Амбросонинг уйи қоп-қоронғи ва осуда эди. Уй соҳиби йўқ эди. Вискарра билан Робладо қалъада базми жамшид қурмоқда эди, шу боис жамоатнинг гуллари ўша ёққа таклиф этилганди. Меҳмонлар сирасида дон Амбросио ҳам бор эди.

Бу пайтда у қалъада қувнаб-яйраб улфатчилик қилаётганди.

Бу базм аёллар учун эмасди, ана шу сабабдан ҳам Каталина йўқ эди у ерда. Базмни шошилинич, ҳеч қандай тайёргарликсиз ташкил этгандилар — ўтган кундаги воқеа-ҳодисаларни нишонламоқ керакку, ахир! Зобитлар билан руҳонийлар аъло кайфиятда эдилар ва зиёфатни қойилмақом қилиб ўтказиш учун кучларини аямадилар.

Шаҳарда осудалик ҳукм сураб, дон Амбросонинг хонадониди ҳам ҳаммаёқ осойиштадек туюларди. Соҳибини кутаётган дарвозабон эшик олдида хийла тутилиб қолган, лекин дарвозахонадаги курсида ўлтирар ва мудраб қолганди чоғи.

Дарвозабоннинг уйқуга кетиши қўл келадиганлар уни кузатишаётган эди.

Отхонанинг кенгбар эшиклари ланг очик. Очик эшикдан бировнинг қорасини илғаш мумкин эди. Бу отбоқар Андрес.

Отхонада чироқ йўқ. Бироқ, чироқ ёниб турган бўлса, бўлмаларда эгарлоғлиқ тўртта от тайёр турганини кўриш мумкин эди. Яна бир ғалати ҳолат: ҳамма отларнинг туёқлари яхшилаб дағал жун мато билан ўраб-боғлаб қўйилган эди. Албатта, бекорга қилинмаган бу иш!

Дарвоза олдидан отхона йўлаги кўринмайди. Лекин отбоқар баъзан олдинроққа ўтиб, муюлишдан ўғринча мўралаб қўйяпти. У дарвозабонни кузатаётган бўлиши керак. У пича қулоқ солиб туради-да, кейин олдинги жойига, отхонанинг қоронги йўлагига қайтади.

Хоналардан бири — сеньорита хобхонасининг эшиги дарпардаси орасидан ингичкагина ёруғлик тушиб турибди. Аммо мана, иттифоқо чироқ сўнди. Ҳадемай эшик шовқинсиз очилди-ю, аёл киши зипиллаганча ташқари чиқди. Девор ташлаб турган кўлага панасида отхона томонга юрди у, очик эшиклар олдига яқинлаб, паст товуш билан чақирди:

— Андрес!

— Шу ердан, сеньорита, — дея жавоб қилди отбоқар ёруғ томон бир одим ташлаб.

— Ҳаммаси эгарлоғлиқми?

— Ҳа, сеньорита.

— Туёқларига латта ҳам ўралганми?

— Ҳаммасини, сеньорита.

— Анавини нима қилдик?— сеньорита дарвоза томонга ишора қиларкан, ташвишли оҳангда давом эттирди сўзини.— То отам қайтмагунича кетмайди у, унга эса фурсат ўтиб бўлади. Эй биби Марям-а!

— Балким дарвозабонни ҳам анави қизга ўхшаб гумдон қилиш керакдир? Бемалол эплаштираман уни.

— Ҳа, Висенсами... Ундан қандай қутулдинг ўзи?

— Қўл-оёғини боғлаб, оғзига латта тикдим-у, боғда, қоровул уйчасига қамаб қўйдим. Ишонаверинг, сеньорита, то биров топмагунича у ердан сираям чиқолмайди. Ундан чўчимасаям бўлади. Бир оғиз айтсангиз бас — дарвозабонни ҳам худди ўшандоқ гумдон қиламан.

— Йўқ, йўқ, йўқ! Унда отамга дарвозани ким очади? Йўқ, бу ярамайди.— Қиз ўйга толди.— У иттифоқо турмадан қутулиб чиқса-ю, отлар етиб боролмаса-чи? Уни пайқаб қолиб, орқасидан қувишса, тутиб олишса-я... У ердан қутулиб чиқади, имоним комил, чиқади! Қанча вақт керак бўларкин унга? Эҳтимол, озроққинадир. У бойлоқ арқонни тез ечади. Биламан, эплайди буни, бир марта ўзи гапириб берганди... Ё биби Марям! Балки у аллақачон чиқиб олган ва мени кутаётгандир! Шошилиш керак!.. Э-ҳа, дарвозабон бор-а... А-ҳа!

У қичқириб юбораёзди ва шахд-ла Адресга юзланди. Афтидан, миясига қандайдир фикр келганди.

— Адрес! Меҳрибон Адрес, қулоқ сол! Ҳаммасини эплаймиз.

— Қулоғим сизда, сеньорита.

— Манга мундоқ. Сен отларни орқадан, боғдан олиб чиқасан. Уларни анҳордан ўтказа оласанми?

— Қийин жойи йўқ, буни сеньорита.

— Жуда соз! Боғдан олиб ўт уларни... Шошма!

У боққа олиб чиқадиган узундан-узун хиёбон-йўлкага назар ташлади; хиёбон-йўлка нақ дарвозанинг шундоққина рўпарасидан чўзилиб кетган ва у ердан кўриниб турарди. Агар дарвозабон ухламаётган бўлса, қоронғи кечалигига қарамай, йўлкадан тўртта отни етаклаб кетаётганларини албатта кўради.

Илло Қаталина яна жонланиб қолди — бу тўсиқни қандай бартараф этиш чорасини ўйлаб топган эди шекилли.

— Гап бундай, Адрес. Дарвоза олдига боргин-да,

дарвозабон ухлаяптими-йўқми, қарагин. Дадил бора-вер. Агар ухлаётган бўлса, жуда яхши. Мабодо уйғоқ бўлса, гапга соласан уни. Ташқарига чиқиб келай, деб илтимос қил. Ўзини ҳам бир амаллаб ташқарига чақириб, ўшоқда чалғитиб тур. Отларни ўзим олиб ўтаман.

Бу режа яроқли эди, шу тариқа отбоқар дарвозабон билан дипломатик учрашувга ҳозирланди.

— Бир оздан кейин менинг орқамдан боққа ўтасан. Эҳтиёт бўл, хато қилиб қўйма тагин, Адрес! Мукофотни икки баравар ошираман. Сен мен билан кетасан-ку, ахир, нимадан ҳам қўрқасан?

— Сеньорита, мен сизга айтсам, жонимниям аямайман сиз учун?

Олтиннинг қудрати беқиёс-да. Олтиннинг кучи матонатли Адресни соҳибасининг кўнглини олиш учунгина эски дўстликка хиёнат қилишга мажбур этди. Олтинни деб у дарвозабонни ўлтирган жойидаёқ бўғиб ўлдиришга тайёр эди.

Униси эса ухламаётган экан; испан дарвозабонлар одатича мудраб ўтирган экан, холос. Адрес ўзининг ҳужумкор режасини ишга солди — дарвозабонни сигара билан меҳмон қилди, бир неча дақиқадан сўнг эса ош-наси ҳеч қандай шубҳага бормай, у билан биргалашиб ташқарига чиқди, икковлари ўша ерда чека бошлашди.

Уларнинг гўнғир-гўнғир овозидан Каталлина ҳамма иш жойида эканини англади. У қоп-қоронғи отхонага кириб, зинғиллаганча отлардан бирининг ёнига борди-да, уни жиловидан ушлаб, ташқарига олиб чиқди. Қиз уни тезгина боққа етаклаб бориб, дарахтга боғлади. Кейин орқасига қайтиб, отхонадан иккинчи ва учинчи отни олиб чиқди; мана ниҳоят тўртинчиси ҳам боғдаги дарахтга боғланди.

Каталлина яна ҳовлига қайтди. У отхона эшигини бекитди, ўз хонаси эшигини қулфлади-да, дарвоза томонга кўз ташлаб олиб, кетига, боғ ичкарасига физиллади. Ўз отига минишию иккинчи отни жиловидан тутганча Адресни кутишгина қолганди, холос.

У кўп кутмади. Адрес вақтни аниқ ҳисобга олганди. Бир неча дақиқадан кейин боғда пайдо бўлди у; дарчани беркитди-ю, соҳибаси ёнига етиб келди.

Уларнинг ҳийласи ғоятда муваффақиятли чиқди. Дарвозабон ҳеч қандай шубҳага бормади. Адрес унга

хайрли тун тилаб, энди ётиб ухлайман деб гудраниб қўйди.

Ана энди дон Амбросио хоҳлаган пайтида қайтиши мумкин. Одатдагидек у ўз хобхонасига ўтади тўғри. Кимдан жудо бўлганини эрта билангина билади.

Отларнинг туёғига ўралган матоларни олиб ташлашди-ю, ортиқча шовқин кўтармай тўрттала отни анҳордан ўтказишди. Нариги қирғоққа ўтгач, суворилар аввалига қояларга қараб йўл солишди, аммо тез орада буталар оралаб сойликка олиб борадиган сўқмоққа буртилишди. Бу йўл уларни Хосефанинг ранчасига элтарди.

LXVII БОБ

Карлос харракда ётган жойида деворнинг тешиш осонроқ ерини излаб ўз зиндонхонасини диққат-ла кузатди. Деворлар хом ғиштдан эканини, гарчи улар оддий жинояткорни сақлаш учун етарлича мустаҳкам бўлсада, ишбоп қуроли бор, халос бўлишга қатъий аҳд ётган одам деворни кўпдаям азият чекмай теша олиши мумкин эканини биларди энди. Бунга икки соат кифоя. Аммо бировга сездирмай ва ҳеч ким халал бермасдан қандай қилиб икки соат ишласа бўлади? Мана нима хусусида бош қотиришига тўғри келди тутқуннинг.

Фақат бир нарса равшан: ишни ҳозир бошлаб бўлмайди, қоровуллар алмашишини кутиш керак.

Карлос тўғри ўйлаганди. То қоровуллар алмашмагунича у олдингидек худди қўл-оёғи чандиб боғланганга ўхшаб харракда чўзилиб ётаверди. У соқчилар навбат алмашаётиб ўзини топширишларини, янгилари эса қабул қилиб олишаркан, банди камерадалигини текшириб кўришга мажбур эканларини, бинобарин, ичкарига мўралаб қарашлари лозимлигини биларди. Унинг ҳисобича қоровуллар алмашилишини кутиш кўпга бормаслиги керак — янги соқчилар ҳадемай келиб қолишади.

Карлосни биргина нарса хавотирга солаётганди: уни кечаси турмада қолдиришармикин ёки бежавотир бўлсин учун яна қалъага қайтариб олиб кетишармикин? Мабодо уёққа олиб кетадиган бўлишса, унда Каталина маслаҳат бергандек таваккал қилиб йўлакай қочишга уриниб кўришдан бўлак чора қолмайди. Қалъа авахта-

сида у тош деворлар исканжасида қолади. Унақанги деворни тешишни эса хаёлига келтирмаса ҳам бўлади.

Албатта, уни ўшаёққа олиб кетишлари мумкин. Илло, очигини айтганда, улар нима сабабдан тутқунни қўлоғи чандиб боғланган, қуролсиз-несиз, яна-тагин сергак соқчилар қўриқлаб турган бир ҳолда турмадан қочиб кетади деб қўрқишлари керак? Йўқ. Унинг қочиш кетиши ҳеч қайсиларининг хаёлига ҳам келмайди. Ниҳоят, уни бу кеча шу ерда, турмада қолдирганлари хийла қулайроқ. Уни қатл этишлари лозим бўлган майдон шундоқ ёнгинасида, қатл этиш шак-шубҳасиз, эртага тайин қилинган. Анави ёқда, худди турма рўпарасида аллақачон дор қўриб ҳам қўйилибди.

Қисман ана шундай мулоҳазада, қисман эса чандон бора кўнгиллироқ ишлар билан банд бўлганлари сабабдан зобитлар дарҳақиқат уни шаҳар қамоқхонасида қолдиришга қарор бергандилар-у, лекин Карлос бундан беҳабар эди.

Айтмоқчи, у ҳаммасига тайёр эди. Борди-ю, уни қалъага қайтариб олиб кетадиган бўлсалар, дастлабки қулай фурсат келиши биланоқ, жонини тикса ҳамки, қочишга уриниб кўради. Борди-ю, уни турмада қолдирсалар, у янги соқчилар келгунича кутади, соқчилар узоқлашиши билан эса деворни тегишни бошлаб юборади. Айтайлик, уни иш устида кўриб қолдилар — нима ҳам қиларди, унда фақат бир йўли қолади: у соқчиларга ташланиб, улар сафини ёриб чиқиб кетади.

Унинг қочиши ишончсиз, бесамара режа эмасди. Жасур, аҳдида собит, бунинг устига пичоқ билан қуролланган, ёлғиз ўлимгина ниятидан қайтариб қола оладиган одамни қамоқда тутиб туриш мутлақо осон эмас. Бундай одам, ҳаттоки ганимлар бўлуги қуршовида бўлган тақдирида ҳам баъзан қутулиб чиқиб кетади. Карлоснинг эса муваффақиятга эришишдан умиди хийла кўпроқ эди. Ахир у кучли ва довиорак, ганимларидан кўпчилиги унинг олдида ночору нотавон бир нарса. Жасуратда ҳам ажралиб турадиган жойлари йўқ. Карлос улар ўзини қўллари ечиқ ва қуроли борлигини кўрганлари заҳотиёқ тирақайлаб тўзиб кетишларини биларди. Лекин бир нарсадан, карабинлардан ўққа тутишларидан эҳтиёт бўлиши керак, албатта. Бироқ, бундай ҳолда ҳам у омади панд бермаслигидан умидвор эди, зотан аскарлар мерганлик бобида ҳам мақтана олмасдилар;

устига-устак, зимистон тун уни ўз ҳимоясига олади.

У жамики озодликка чиқиш илож-имкониятларини хаёлан чўтлаганича, харракда бир соатдан ортиқроқ ётди. Унинг хаёлини майдондан эшитилган шовқин бўлиб юборди. Бу турмага яқинлаб келган янги аскарлар тўдасининг шовқини эди.

Карлоснинг юраги безовта тепа кетди. Уни қалъага олиб кетгани келишмадимикан? Шундоқ бўлиши ҳеч гап эмас-да. У изтиробга солгувчи тоқатсизлик ила ҳар битта сўзга қулоқ тутганча кута бошлади.

Бу навбат алмашгани келган соқчилар эканини билганида нақ терисига сиғмай қувнаб кетди. Уларнинг гап-сўзларидан ўзини кечаси билан турмада сақлаш буюрилганини билиб олди. Айнан шуни эшитишни истоганди у.

Ҳеч қанча ўтмай эшикни очиб, бир неча улан кириб келди. Бирининг қўлида фонус бор эди; унинг ёруғида Карлосни кўздан кечиришди, айти чоғда ҳақоратлаб-масхаралаш бобида ҳам зиқналик қилишмади десангиз. Улар тутқуннинг пишиқ-пухта боғлоғлиқ эканини кўришди. Кейин уни ёлғиз қолдириб, чиқиб кетишди. Турган гап, эшикни яна қулфлашди, камера зим-зиё бўлди-қолди.

Карлос токи аскарлар нари кетишганига ишонч ҳосил қилгунича қимир этмай ётаверди. У эшик ортида янги келган соқчилар қандай жойлашишаётганини эшитиб-пайқаб турди, сўнг бошқаларнинг гўнғир-гўнғири узоқлашиб бориб тинди.

Ана энди ишга тушса бўлади. У қўл-оёғидаги тасмаларни зудлик билан тушириб ташлаб, қўйнига яширган пичоқни чиқарди-да, деворни тешишга киришди.

У эшикдан энг наридаги жойни, камеранинг орқа деворини танлаган эди. У бу ердан қаёққа чиқишини билмасди-ю, лекин унинг орқасидан текислик бошланишини тахмин қилиши мумкин эди.

Бу қалъа қамоқхонаси эмас, балки шаҳар маъмурияти майда-чуйда жиноятчиларни қамайдиган оддий бино эди. Янаям соз-да, деворни тезроқ тешаман деб умид қилса бўлади.

Девор пичоқ билан ўнғайгина ўйила бошлади. Ахир бу бор-йўғи сомонли лойдан қуйилган хом гиштдангина иборат эди-да, гишт йигирма дюймдан кам қалинликда терилмаганига қарамай, Карлос бир соат ичида

бемалол чиқиб кетадиган туйнук очишга муваффақ бўлди. У балки, бунинча янада тезроқ бажариши мумкин эди-ю, бироқ эҳтиёткорлик билан, иложи борича шовқин-шарпасиз ишлашига тўғри келди. Икки марта соқчилар камерага кирмоқчи бўлгандай туюлди назарида, икки гал ҳам у ирғиб туриб, соқчиларга ташланишга шайланди. Бахтига тасаввури алдаганди уни — камерага ҳеч ким кирмади. Мана, бари тайёр, банди туйнукдан ичкарига ёпирилган муздек ҳавони туйиб ҳузурланди.

У ишни бас қилиб, қулоқ солди. Турманинг бу тарафида тиқ этган товуш эшитилмасди. Чор-атроф зимистон ҳамда осуда эди. Карлос туйнукдан бошини чиқариб, теваракка аланглади. Тун зимистон бўлишига қарамай, у шундоққина девор тагида ўсган кактуслар билан бурганларни илғади. Омадни қаранг — қимир этган жон зоти кўринмайди!

Карлос туйнукни кенгайтириб, қўлида пичоқ билан ташқарига ўрмалаб чиқди. Эҳтиётлик билан, шарпа чиқармайгина оёққа босди. Гуркираб ўсган, баланд бурган, кактус ва сабурдан ташқари ҳеч нима кўринмасди. У тураржойлардан олисда, яйловда турарди. У оздликда эди!

Карлос ўт-ўланлар панасида текисликка қараб биқиниб бораверди. Бир пайт қаршисида ер остидан чиққандек кимнингдир қораси пайдо бўлди-ю, оҳиस्ताгина товушда унинг исмини айтди. У Хосефани таниди. Улар икки оғизгина гаплашиб олишди-ю, қиз астагина олға юрди; Карлос унга эргашди.

Улар буталар орасига кириб боришди ва ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб шаҳарни айланиб ўтишди. Хосефанинг ранчоси шаҳарнинг қарама-қарши томондаги чеккасида эди; ярим соатдан кейин улар ана ўша оддийгина бошпапага кириб боришди.

Яна бир нафас ўтди-ю, Карлос онасининг жонсиз майити ёнида тиз чўкди.

Онасининг ўлими унинг учун қутилмаган ҳол эмасди. Оқибати шундай бўлишини олдиндан билиб, кўра олганди. Эрталаб кўрганларидан асаб торлари узилиб кетадиган даражада таранг тортилиб бўлганди аллақачон. Шунақаси ҳам бўлади, бир қайғу иккинчисини босиб кетиб, уни қалбдан ситиб чиқаради. Аммо Карлос чеккан изтироблар ундан кўра улканроғи олдида хира

торта олмасди. Қайғу-ғам уни шунчалар шафқатсизона жароҳатлаган эдиким, гўё у тош қотиб қолганди.

Унинг дарду аламини энгиллатишни истовчи хил-қат — унинг фидокор халоскори эндиликда ёнида эди.

Аммо, ҳозир ғам-қайғуга бериладиган пайт эмасди. Карлос онасининг муз лабларидан ўпиб, синглиси билан севгилисини шошилишч қучди.

— Отлар борми!— сўради у.

— Шу ерда улар, дарахтлар орқасида.

— Кетдик! Бирор дақиқани кеткизмай, бу ердан жўнаш керак. Қани кетдик!

У шундай деб онасининг жасадини серапега ўраб, кўтарди-ю, уйдан чиқди.

Ҳамроҳлари эса уни отлар яшириб қўйилган ерда кутиб туришар эди.

Карлос отлар бешталигини кўрди. У ўзининг қорабайирини кўрганда кўзлари қувончдан чақнаб кетди. Уни Антонио ахтариб топганди. Унинг ўзи ҳам шу ерда эди.

Мана, ҳаммалари отда: Росита ва Каталина, Антонио ва отбоқар Андрес. Карлоснинг ўзи эса онасининг майити билан вафодор тулпориди.

— Водийдан қўйилаб борамизми, хўжайин?— деб сўради Антонио.

Карлос ўй сурганча пича жим турди.

— Йўқ,— деди у ниҳоят.— Уша йўлдан қувиб келишади бизни. Қиз ўлган қоя ёнидан ўтамиз. Бизни қоятошлар оралаб тепага чиқиб кетишимиз уларнинг хаёлигаям келмайди. Сен, Антонио, бутазорлар орқали йўл бошлаб борасан — ўша сўқмоқни сен ҳаммадан яхшироқ биласан. Олға!

Шундай қилиб суворилар йўлга тушдилар. Тез орада улар шаҳар сарҳадидан чиқиб, қояга элтадиган иланг-биланг сўқмоқдан боравердилар. Отлар буталар оралаб олдинма-кейин тизилишиб борарди; суворилар чурқ этмас, ҳатто бир-бирлари билан пичирлашиб ҳам гаплашмас эдилар.

Орадан бирон соат ўтиб улар қоялар оралиғидаги тик ўрга етиб бордилар-у, ҳаялламай, ҳамон боягиндай жимгина, турнақатор тизилганча, токи тепага чиқиб олгунларига қадар юқорилайвердилар. Карлос Антониога бошқаларни яситоққа олиб чиқишни буюрди, ўзи эса орқада қолди.

Улар узоқлашгач, Қарлос оти бошини буриб, қоя томон йўрттириб кетди. Қоянинг нақ раҳида тўхтатди отини — қаршисида Сан-Ильдефонсо худди кафтидадек ястаниб ётарди. Тун қоронғусида водий ўчган вулқоннинг ҳайбатли оғзига ўхшаб кетарди. Пастда, шаҳар ва қалъада, гўёки ҳали совиб улгурмаган лаванинг сўнгги чақновидай, чироқлар милтилларди.

От қилт этмай турибди. Чавандоз қўлидаги онаси жасадини баландроқ кўтариб, худди ўша чироқларни унинг ҳам кўришини истагандек, онасининг қонсиз юзини очди.

— Онажон! Онажонгинам! — қайғу-аламдан бўғилган овоз билан бўзлади у. — Оҳ қани энди бир нафасгагина, ақалли бир сониягагина бу кўзлар кўрсаю бу қулоқлар эшита олса-я, унда сен менинг қасамёдимнинг шоҳиди бўлар эдинг-а! Қасамёд этаман, сенинг қасосингни оламан! Ана шу дамдан эътиборан ўзимнинг бутун куч-қувватимни, бутун вақтимни, қалбиму жисмимни қасос йўлига тикаман. Уч оламан... Йўқ, бу сўз камлик қилади! Бу интиқом эмас, балки адолатни қарор тоштирмақ, бу жинояткорларни, олам бино бўлгандан буёнги энг разилу энг қабиҳ қотилларни жазосини бермоқликдир! Улар жазодан қочиб қутулолмайдилар. Онамнинг руҳи поки, эшит менинг лафзимни! Улар жазодан қочиб қутулолмайдилар! Сенинг ўлимнинг учун қасос оламан, сенга етказган азоб-уқубатларига яраша жазоларини оладилар мендан! Интиқом соати яқин — сизлар ўйлагандан кўра яқинроқ. Мен кетяпман, аммо албатта қайтаман! Озроққина сабр қилсаларинг — мени кўрасизлар яна. Ҳа, шундоқ! Бизон овчиси Қарлос билан бетма-бет турасизлар ҳали!

Қарлос ўнг қўлини баланд кўтариб, олга томон дағдағали мушт дўлайди, шунда чехраси қасоскорона тантана ўти учқунидан аланга олгандай бўлди.

Оти ҳам, худди ўша майлу иштиёқ таъсиридадек, ғайритабiiй равишда қаттиқ кишнаб юборди, кейин эгасининг ишорасига биноан шартта бурилиб, қоядан нарига қараб чопа кетди.

LXVIII БОБ

Майдондаги шармандали маросимни охиригача томоша қилган Вискаarra билан Робладо қалъага қайтишди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, улар ўзлари ёлғиз қайтишмади — шаҳарнинг атоқлию номдор кишилари: кашишни, иезуит отахонларни, алькальд ва бошқаларни зиёфатга таклиф этишди. Зобитларни Карлоснинг қўлга тушиши билан табрикларди, шу боис бу воқеани нишонлаш лозим бўлиб қолди. Комендант билан унинг капитани — тантананинг бош сабабчиси, бир вақтихушлик қилишга қарор беришди. Ана шунинг учун ҳам қалъада базми жамшид қурмоқда эдилар.

Карлосни қалъа авахтахонасига олиб келиб ўлтириш керакмикан? Келинг, бир кеча шаҳар турмасида ёта оёلسин. Нимадан қўрқишади? Қочиб кетолмас-ку, ахир! Қўл-оёғи чандиб боғланган ва ишончли соқчилар қўриқлашаётган бўлса.

Эртага куни битади. Эртага ғанимлари унинг қандай ўлишини мамнуният, хурсандчилик билан кўришади. Эртага комендант билан Робладо интиқом сурурини суришади.

Дарвоқе, Вискарра бугуноқ зафар завқини сурмоқда эди. Гарчи майдонда: «Етар, бас!» деб қичқирган унинг ўзи бўлса ҳамки, Карлоснинг синглизидан ўзига нисбатан кўрсатган нафрати учун қасдини олганди. Раҳми келгани, ачинганидан ўртага тушмаганди у. Асло, унинг оғзидан чиққан ўша сўз мутлақо инсонпарварлик садоси эмасди.

Вискарранинг нияти маккорона ҳамда қабиҳ эди. Эртага Роситанинг акасини йўлидан гумдон қилишади, ана ундан кейин...

Аммо-лекин на шароб, на мусиқа, на қаҳқаҳаю ҳазил-мутойибалар комендант фикрини аччиқ бир ўйдан чалғита олди. Негаки девордаги кўзгу унинг хунуги чиққан башарасини такрор ва такрор акс эттириб турган эди-да, ахир. Ҳа, Вискарранинг ғалабаси қимматга тушди-ю, тантанаси эса аянчли эди.

Робладо — у ҳузур қилмоқда, беҳад шод. Меҳмонлар орасида дон Амбросио ҳам бор, улар ёнма-ён ўлтиришибди.

Май кон эгасини сўзамол қилиб юборганди. У илтифотли ҳамда ваъдага сахий, қулфи дили очилиб кетган эди. Айтишича, қизи ўзининг енгилтак қилмишидан пушаймон эмиш, ҳозир Карлоснинг қисматига бефарқ қарармиш. Робладо умидини узмасин эмиш.

Эҳтимол дон Амбросионинг ўз сўзларига ишониши-

га асоси бордир. Балки Каталина ўзининг мардона, қалтис ниятини яхшироқ яшириш учун шу қабилда бирон нима дегандир.

Шаробу май дарё мисоли қуйилаётган, коментдантинг меҳмонлари яйраб-эшилиб кайфу сафо қилаётган эдилар. Қўшиқ куйлашар, қадаҳ сўзлари айтишар ва ватанпарварона нутқлар ирод этишарди. Вақт ярим кечадан оғса ҳамки, вақтичоғлик тугамаётган эди.

Базм авжга минган паллада кимдир тутқунни олиб келишни таклиф этиб қолди. Ушбу бемаъни эрмак маст-аласт улфатларга ёқиб тушди. Қўпларнинг шунчалик оғизга тушиб, машҳур бўлиб кетган бизон овчисини яқиндан кўргилари келиб қолди.

Таклифни бир неча киши баравар ёқлади-ю, комендант рози бўлди. Хўш, меҳмонларни нимагаям хушнуд қилмасин? Бунинг устига десангиз, Вискарранинг ўзига ҳам, шунингдек Робладога ҳам, ёққанди бу фикр. Ҳозир бадбин душманларини яна бир карра масхара-лаб, таҳқирлашишади-да.

Хуллас, сержант Хомесни чақириб, уни Карлосни олиб келгани жўнатишди-ю, базм давом этаверди.

Бироқ, базм сира кутмаганда, жуда тез тугади. Хонага сержант Хомес отилиб кириб, баралла эълон қилди:

— Банди ғойиб бўпти!

Мабодо ўрталарида тўп ўқи ёрилган чоғида ҳам меҳмонлар бунчалик тумтарақай тўзиб кетмаган бўлармидилар. Мутлақо ақл бовар қилмайдиган тўс-тўполон бошланди; ҳамма столу стулларни ағдариб-тўнтарганча ўрнидан туриб кетди; қадаҳу шишалар хона саҳнига отилиб тушди.

Бир дақиқа орасида хонада пашша ҳам қолмади. Баъзилар бола-чақалари омон-эсон эканини билгани уйига югурди, бошқалари сержантнинг гапи ростлигига ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилгани турмага қараб чопди.

Вискарра билан Робладолар ақлдан озишларига бир баҳя қолди. Улар ғазабдан қутуриб, оламда бор нарсага лаънат ёғдиришарди. Бутун гарнизонга шу заҳотиёқ қуролланиш буюрилди.

Бир неча дақиқа ичида қалъадаги деярли бари аскар отга миниб, шаҳарга қараб елдириб кетди.

Турмани қуршаб олдилар.

Мана тутқун қочиб қолган туйнук. Тасмаларни қандай ечдийкин? Қим қурол бердийкин унга?

Соқчиларни сўроқ қилиб саваладилар, савалаб туриб сўроқ қилдилар, бироқ улардан ҳеч нимани билолмадилар. Соқчилар эса Хомес аскарлар билан бандини олиб кетгани келганидагина унинг қочиб кетганини билган эдилар-да, ахир.

Қочқинни излагани ҳамма томонга кичикроқ-кичикроқ бўлуклар жўнатилди, аммо улар кечаси нимаям қила оларди? Барча уйларни тинтиб чиқишди, лекин бундан нима фойда? Овчининг шаҳарда қолиши даргумон-ов. Турган гап, у яна Муаззам Текисликнинг аллақаерига от солиб кетган, вассалом!

Тунги излашлар ҳеч нима бермади; водийнинг этагига жўнатилган бўлук Карлоснинг ёки ақалли унинг сингиси билан онасининг ҳеч қандай изини тополмай, тонгда қайтди. Шаккок кампирнинг шу кеча жони узилганини шаҳардагилар аллақачон билган эдилар, лекин унинг жасади қаёққа ғойиб бўлди экан? Тағни унга жон битиб, бандига қочишда кўмаклашган бўлса-я? Нима ҳам дердик, жудаям бўлиши мумкин-да!

Эрталаб, хиёл кечроқ, мазкур жумбоқнамо ҳодиса бир оз ойдинлашгандек бўлди. Кечаси қизини безовта қилмай лобхонасига кириб кетган дон Амбросио уни нонушта устида кута бошлади. Нега энди у ўз вақтида чиқмаяпти? Отанинг жаҳли чиқди, кейин юрагига гулгула тушди ва охири унга одам юборди. Аммо ётоғи эшигини тақиллатишганда ичкаридан жавоб бўлмади.

Эшикни бузиб, ичкари киришди — ия, буёғи қандоқ бўлди? Хонада ҳеч ким йўқ, ўриннинг таҳи бузилмаган: сеньорита қочибди!

Топиш керак уни! Отбоқар қаерда? Отлар қани? Уни қувиб етиб, қайтарилсин!

Отхонага югуришди, эшигини очишди. Отбоқар йўқ, отлар йўқ — улар ҳам ғойиб бўлишибди!

Ё азиз-анбиёлар! Қандай кўргилик! Дон Амбросионинг қизи жиноятчига қочишда ёрдам бергани етмагандек, ўзням қочибди, ҳозир бирга экан улар! «Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гап-а бу!» — дейишарди барча бир оғиздан.

Ниҳоят изларини топдилар. Йирик уланлар бўлуги, улар қаторида отлиқ вадий аҳли ана шу из бўйлаб йўлга тушди. От туёқлари изи ясситоғликка, сўнг Пе-

кос сари элтди. Қочқинлар дарёни кечиб ўтгандилар. Уёғига из йўқолди. Суворилар бўлиниб, қуруқ шағал бўйлаб ҳар томонга йўл олдилар, эндиликда изларни илғашнинг иложи қолмаган эди.

Бир неча кунлик бесамара излашлардан кейин таъқибчилар қайтиб келдилар. Янги бўлук жўнатилди, аммо буниси ҳам қуруқ қайтди. Карлос паноҳ топиши мумкин бўлган ҳар бир хилват бурчак: эски ранчо, Пекос ёқасидаги дарахтзорлару ўрмончаларни тит-пит қилдилар, ҳатто дарага ҳам бостириб бориб, ғорни тинтишди — қочқин билан ҳамроҳларининг ҳеч ерда ҳеч қандай белги-аломатидан нишона йўқ! Улар Сан-Ильдефонсога ташлаб кетишган деб тахмин қилишгина қолган эди.

Мазкур тахмин тасдиқланди-ю, барча ниҳоят турли фаразу тахминларга бориб боши қотишдан қутулди. Дўстона кайфиятдаги команчилар водийга йўлакай тушиб ўтарканлар, Карлосни ясситоғликда учратганларини гапириб бердилар. Унинг ёнида икки аёл ва озуқа ортилган хачирларни ҳайдаб бораётган бир нечта хизматкор бор экан. Бизон овчиси команчиларга, олис сафарга — Муаззам Текисликларнинг нариги томонига отландим, дебди.

Бу маълумот аниқ бўлиб, ҳеч ким бунга шубҳа қилмади. Карлос ўзининг америкаликлар мамлакатига кетиш ниятида эканини бот-бот тилга олиб турарди. У худди ўшаёққа жўнаган, ҳаммасидан аниғи, ўшоқда, Миссисиппи соҳилларига қўш ташласа керак. Энди унга ҳеч ким қувиб етолмайди. Уни бу ерда ортиқ кўрмайдилар — қачон бўлмасин унинг Янги Мексиканинг кенту қишлоқларида яна пайдо бўлиши даргумон.

* * *

Ойлар ўтди. Карлос билан унинг яқинлари ҳақда команчилар гапириб берганидан бошқа ҳеч гап эшитилмади. Гарчи на уни, на у билан бирга кетганларни унутмаган бўлсалар-да, улар тўғрисида гапирмай қўйишди. Сан-Ильдефонсо аҳлининг бошқа ишлари ҳам бор эди, охирги кезларда шунчалик муҳим воқеалар содир бўлдики, улар машҳур қочқин хусусидаги хотираларни деярли бир чеккага суриб қўйдилар.

Кентга ютлар босқини таҳдид солиб турарди. Бундан қочиб қутулишнинг иложи йўқдай эди, аммо шунда ютларга, ўз навбатида, бошқа уришқоқ қабила ҳужум қилиб, уларни тор-мор келтирди. Ютларнинг мағлубияти водийга қилинадиган бу йилги босқиннинг олдини олди-ю, лекин хавф кейинроққа сурилди, холос.

Бундан кейин эса Сан-Ильдефонсо узра яна бир хатар таҳлика сола бошлади: бу ердаги аҳолининг аксар қисмини ташкил этган тинч ҳиндулар — тагнослар исёнини кутишди. Уларнинг талай қишлоқлардаги биродарлари қўзғалиб, испан асоратини ағдариб ташлашга муваффақ бўлгандилар. Шундоқ экан, Сан-Ильдефонсодаги тагносларни ҳам қўзғолонни, озодликни орзу қилмайдилар деб бўлармиди?

Аммо-лекин маъмурларнинг тадбиркорликлари тугайли Сан-Ильдефонсодаги фитна таг-заминидаёқ бўғиб қўйилди. Етакчиларини қўлга олиб, ҳафсала билан сўроқ қилдилар, жазога ҳукм этиб, отиб ташладилар. Қатл этилганларнинг каллаҳомларини уларнинг итоат этишдан ўзга чоралари қолмаган қизил танли юртдошларига ибрат бўлсин учун қалъа дарвозаси тепасига осиб қўйдилар.

Мазкур фожиявий воқеалар аксар жиҳатдан бизон овчиси ва унинг иши унутилишига имкон яратиб берди. Албатта, Сан-Ильдефонсода баъзи бировларнинг уни эслашга жиддий асослари бор эди-ю, аммо қўпчилик у ва яқинлари ҳақда ўйламай қўйган эди. Қочқиннинг аллақачонлар Муаззам Текисликларни кесиб ўтганини, ҳозирда ўз халқи ҳимоясида Миссисипи соҳилларида яшаётганини ҳаммалари эшитган ва бунга ишонган эдилар.

LXIX БОБ

Хўш, Карлос буёғига нималарни бошдан кечирди ҳар қалай? Унинг Муаззам Текисликни кесиб ўтиб кетгани ростмикин? Наҳотки у шу бўйи қайтмаган бўлса? Сан-Ильдефонсо кентига кейин нима бўлди?

Ана шундай саволларни беришга тўғри келди, зеро мазкур афсонани ҳикоя қилаётган одам жим қолган эди. Унинг нигоҳи водий бўйлаб кезар, гоҳо Қиз ўлган қояга қадалар, гоҳо эса гиёҳ босиб ётган харобазорлар-

да тўхтарди. Ҳикоячини чуқур ҳаяжон чулғаб олганди — ана шу боисдан жим қолган эди у.

Унинг тингловчилари Сан-Ильдефонсо бошига тушган савдоларни фаҳмлай бошлаган ва ҳикоятнинг ниҳоясини сабрсизлик ила кутаётган эдилар. Орадан пича ўтгач, ҳикоячи ҳикоясини давом эттирди:

— Ҳа, Карлос қайтиб келди. Сан-Ильдефонсога нима бўлди дейсизларми? Бунга анави харобазорлар жавоб беради сизларга. Сан-Ильдефонсо уйқуда эди. Бунинг қандоқ бўлганини эшитишни хоҳлайсизларми? Бу даҳшатли ҳикоя — хунрезлик ҳамда интиқом ҳикояти. Карлос қасос олди. Бизон овчиси Сан-Ильдефонсо водийсига қайтди, аммо ёлғиз ўзи эмасди. У беш юз нафар жангчи, уни ўзларининг раҳнамолари, ўз оқ танли сардорлари қилиб сайлаган қизил танли жангчиларни бошлаб келди. Бу бўйсунмас вако қабиласи жангчилари эди. Улар душманлар овчига қандайин жабр-ситам ўтказганларидан хабардор эдилар ва унинг қасосини олишга қасамёд этгандилар.

Куз, кеч куз палласи — Америка текисликларида қўл тегмаган ўрмонлар олтину қирмизи тусга кириб, табиат бамисоли ҳар йилги оғир меҳнатдан сўнг нафас ростлаётгандек, у ўз фарзандларига саховат-ла тайёрлаб қўйган тўкину ҳашамдор зиёфат лаззатини сурган жамики мавжудот бахтиёру мамнундек туюладиган энг сўлим палла эди.

Тун, кузги сутдек ойдин кеча, кўкда кумуш ёғдуси бутун жаҳондаги ҳосил кўтарар паллада жамики қўшиқларда мадҳ этилгувчи тўлиной сузарди.

Гарчанд бу ерда ҳеч қачон экин-тикин нима-ю, йиғимтерим нималигини билмаган бўлсалар ҳамки, унинг кумуш нурлари Льяно Эстакадонинг овлоғу ҳувиллаган, беадад ялангликларига асло кам ёғилмаётган эди. Овчарканинг огоҳлантирувчи ириллаши тинчиб қолган пода ёнгинасида мудроққа кетган подачини уйғотиб юборди. У хиёл қаддини кўтариб, безовталиқ-ла атрофга аланглади. Нима бўлдийкин — бўрими ё айиқ, малла пумадир¹ балки? Йўқ, бу йиртқич ҳайвон эмас. Чўпон прерия — даштга нигоҳ ташлар экан, мутлақо ўзгача манзарани кўрди... Кўрди-ю, титраб кетди.

Даштда узундан-узун қора шарпалар сафлари тур-

¹ П у м а — Америка ёввойи мушуги.

нақатор тизилганча келяпти. Бу устида чавандози билан келаётган отларнинг қораси эди. Отлар бирининг тумшуғи иккинчисининг сағрисига тегиб олдинма-кетин келяпти. Улар машриқдан мағрибга қараб келяпти. Сафнинг боши жуда яқинлаб қолган, охири эса олис-ларда, чўпон уни кўрмаётган эди.

Ҳадемай қўшин етиб келди. Суворилар чўпон биқиб ётган жойдан икки юз одимча наридан ўтиб боришарди. Улар ими-жимиди, равон ўтиб боришяпти. Жилловлар жингиллаб, шпорлар шиқирламас, қилчлар шарақ-шуруқламасди. Ёлғиз тақаланмаган туёқларнинг босинқи гурс-гурсию гоҳо-гоҳо бирон отнинг бетоқат кишнаши (сувори зуғуми остида ўша заҳотиёқ тинарди кишнаш) эшитиларди, холос. Улар шовқинсиз — шарпалардай оҳиста ўтиб боришарди. Тўлиной ёғдусида рўёларга ўхшаб кетарди улар.

Чўпон булар рўё эмаслигини билиб турса ҳам, кўрқанидан дағ-дағ қалтирарди. Булар кимлигини жуда яхши биларди у, кети кўринмаётган издиҳом нимани англатишини ҳам тушунарди. Ҳинду жангчилари жангга отланганлар. Сутдек ойдинда у яхшилаб кузатди ҳиндуларни. Сафда фақат эркакларгина эканини кўрди у. Белнигача ва сонидан пастигача яланғоч, кўкраклари билан қўлларига бўёқлар чапланган, камон, садоқ ҳамда ёй ўқлари билангина қуролланган улар. Унда ҳеч қандай шубҳа қолмади: бу ёввойи ҳиндулар уруш сўқмоғига чиққанлар.

Лекинига чўпонга ҳаммасидан кўра мазкур унсиз бўлукнинг олдида бораётган сардор таажжубланарли кўринди. На кийими, на қурол-яроғи, на терисининг туси бошқаларга ўхшарди. Чўпон кўрдикки — сардор оқ танли одам!

Аммо чўпоннинг таажжуби тезда барҳам топди. У эс-ҳуши жойида, зийрак одам эди. Бир пайтлар сарғимтил тусли овчи билан унинг ошнасининг жасадини топган шу эди. Уша кезлардаги воқеалар ёдига тушиб кетди. Пича бош қотириб мулоҳаза юритгач, бу оқ танли сардор бизон овчиси Қарлосдан бошқа одам эмас деган қарорга келди у. Чўпон ҳақиқатан янглишмаган эди.

У аввало ўз жонини асраб қолишни ўйлади ва қимир этгани кўрқиб, пилдир-пис бўлиб ётаверди. Аммо жангчилар ёнидан ўтиб кетиб бўлар-бўлмасоқ, дарров бошқача хаёлга борди. Ҳиндулар уруш сўқмоғида!

Улар кентга қараб кетяптилар-у, раҳнамолари Карлос, бизон овчиси! Шунда хотирига қувғиндининг бошига тушган савдолар келиб, ўша воқеани ипидан-игнаси-га эслади. Турган гап, Карлос Сан-Ильдефонсога душманларидан ўч олгани келяпти!

Қисман ватанпарварлик туйғусидан, қисман мукофот умидида чўпон Карлосга халал беришга аҳд этди. У ҳозироқ водийга жўнайди-ю, гарнизондагиларни огоҳ-лантиради.

Суворилар ёнидан ўтиб кетганлари замоноқ ўрнидан сакраб тура солиб, қалъага югуришга шайланди. Аммо у чучварани хом санаганди. Оқ танли йўлбошчи олдиндан жўнатган айғоқчилар чўпонни аллақачон пайқаб, подаси билан бирга қуршаб олишган эди, шу боисдан ҳам ҳозир шиппа қўлга туширишди уни. Поданинг ярми ўзи сотмоқчи бўлган одамларнинг кечлик овқатига кетди.

Чўпон йўлиққан ергача оқ танли сардор ва унинг ҳамроҳлари яхши таниш йўл — тижоратчилар ҳиндулар билан савдо қилгани қатнайдиған йўлдан келгандилар. Шу ерга келганда раҳнамолари йўлни буриб, бирон оғиз чурқ этмай, жангчиларни кўндалангига дашт бўйлаб бошлаб кетди. Кети кўринмайдиган суворилар сафи итоаткорлик ила, худди иланг-биланг судралиб бораётган баҳайбат илондай сас-садосиз унга эргашди.

Бир соатдан кейин Муаззам Текисликнинг этаги — сардорларига беш қўлдай ошно бўлган жойларга етиб бордилар. Бу жой у ганимларидан неча марталаб яширинган дара узра юксалиб турар эди. Ҳануз кўзни қамаштиргудек ёрқин нур таратаётган ой уфқ сари пастлаб қолган, ёғдуси дара тубига етиб бормаётганди. У ерни қуюқ кўлага чулғаган эди. Қуйига тушиш машаққатли, лекин бундай одамлар учун, яна-тагин шундай йўл бошловчи билан мушкул эмасди.

Энг яқиндаги жангчига икки оғизгина сўз айтиб, оқ танли сардор отини тор дарага бурди ва қоялар кўлагасида кўздан ғойиб бўлди.

Ҳалиги жангчи буйруқни ортидагисига айтди-ю, Карлоснинг кетидан қоронғиликда ғойиб бўлди. Тубсиз дара шу тариқа беш юз нафар суворини бирин-кетин комига тортди.

Бир муддатгача узлуксиз, тез-тез гурсиллаган дўпир-дўпир — икки мянг туёқнинг қоялару шағалларга урил-

ган товуши эшитилиб турди. Бироқ, бу шовқин аста-секин тина бориб, ниҳоят ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Одамлару отлар дарада эканидан ҳеч бир нишона сезилмас ва эшитилмасди. Ошиёнларига чақирилмаган меҳмонлар бостириб кирган ёввойи ҳайвонлару қушлар—тентакқушнинг зорланганнамо йиғиси, бўрию бургутнинг қулоқни тешгудек чинқирғиғина эшитиларди, холос.

* * *

Орадан яна бир кун ўтди. Яна ой жамол кўрсатди, шунда кунбўйи дарада кулча бўлиб ётган баҳайбат илон унинг этагидан оҳиस्ताгина сирғалиб чиқиб, сойлик орқали Пекос дарёси томон ўрмалай кетди.

Мана у дарёга етиб бориб, нариги қирғоққа ўта бошлади. Отлар олдинма-кетин тизилган кўйи сувни шалолатиб ва сачратиб дарёни кечиб ўтиб, сафлар олға силжийверди.

Пекос сойлигидан чиққан ҳайбатли илон ясситоғликнинг бутун Сан-Ильдефонсо водийси кўриниб турадиган қисмига кўтарилди.

Қисқагина муддатга нафас ростлагани тўхталди, олдинга айғоқчилар жўнатилди-да, сафлар тагин жилди.

Ой Сьерра-Бланк чўққиси ортига яширинган паллада сафларнинг боши Қиз ўлган қояга етиб борган эди. Раҳнамолари кейинги соатларда, худди ой ботишини кутаётгандек, секин илгарилаётган эди. Эндиликда ойдиннинг ҳожати йўқ. Бўлажак воқеалар учун кўпроқ қоронғилик қўл келади.

Йўлни кузатгани юборилган айғоқчилар қайтдилар. Оқ танли сардор ўз қўшинини қоятошлар оралиғидаги торгина йўлакдан қўйига эргаштириб тушиб кетяпти. Яна ярим соат ўтди — беш юз сувори сездирмайгина бутазорларга беркинди.

Метис Антонио чакалакзор ўртасидан яйдоқ майдончани излаб топди. Жангчилар отларидан тушиб, уларни дарахтларга боғладилар. Улар ёвга пиёда ҳужум қиладилар.

* * *

Тунги соат бир. Ой ботган, унинг ёғдусини акс эттирган парқу булутлар дақиқа сайин қорайиб боряпти.

Энди йигирма одим нарироқдаги ҳеч нарсани илғаб бўлмай қолди. Симоби тусли осмон сийнасида улкан қалъа биноси қоп-қораю мунгли кўринади. Минорадаги соқчини кўз илғамайди; аҳён-аҳёндагина унинг: «Сергак бўл!» деган чинқироқ нидоси таралиб қолади — демак, ўз маррасида турибди у. Бу нидога дарвоза олдидаги соқчи жавоб қайтаради, шундан сўнг тагин жимжитлик қарор топади. Гарнизон маст уйқуда, дарвоза олдидаги соқчилар ҳам тош супага узанганча, беғаму беташвиш уйқуга кетади.

Қалъадагилар ногаҳоний ҳужумдан хавотирланмайдилар: ахир ҳиндулар босқини ҳақида ҳеч қанақанги овоза йўқ, қўшни қабилалар билан дўстона муносабатдалар, фитначи тагнослар гумдон қилинганку. Ортиқча эҳтиёткорликнинг нима кераги бор? Гарнизонни қўриқлаш учун одатдагидек дарвоза олдидаги битта, асотеядаги иккинчи соқчининг ўзиям етиб ортади. Ҳа, худди шундоқ! Душман яқинда экани қалъа истиқоматчиларининг тушига ҳам кирмаётган эди.

«Сергак бўл!»— дея қичқиради девор тепасидаги соқчи тагин.— «Сергак бўл!»— жавоб қайтаради бошқаси, дарвоза олдидагиси.

Аммо иккови ҳам беғаму бепарво, кўпда ҳам сергаклик ила қулоқ солаётгани йўқ; улар аллақандай кўлага-шарпаларнинг ер бағирлаганча, бамисоли баҳайбат өчкиэмарлардек деворга қараб ўрмалаб келаётганларини пайқашмаётган эди. Ўша кўлага-шарпалар ўт-гиёқ устида силжиб, мудом қалъа дарвозаси сари яқинлаб келмоқдалар. Соқчининг ёнида фонус ёниб турибди, у маълум ергача атрофни ёритяпти. Лекин бундан нима фойда — соқчи уларни кўрмаяпти-ку барибир!

Ахийри аллақандай шөвқин етиб борди унинг қулоғига. Мана, лабларидан: «Келаётган ким?» деган сўзлар учиб чиқишга чоғланди ҳам — бироқ ўлим тўғаноқ бўлди бунга. Бир йўла олти камоннинг тори тортилиб, соқчининг кўкрагига олтита ёй ўқи қадалди. Уқлар юрагини тешиб ўтди-ю, ҳатто «вой!» деёлмай қулади-қўйди. Қора кўлага-шарпалар оқими очик дарвозадан ичкарига уриб кетди. Ғафлатда қолган соқчилар қуролини олишга ҳам улгурмай жон таслим қилдилар.

Ваколарнинг жанговар наъралари янгради, юзлаб тунд тусли жангчилар кўчки янглиғ ички ҳовлига ёпирдилар.

Улар патиони тўлдириб, казармалар эшикларига ҳамла қила кетдилар. Аскарлар саросимада биргина кўйлакда югуриб чиқиб, ўзларининг одми тусли рақиблари ўқиға учраб, гуппа-гуппа қулайвердилар. Тўрт томондан карабину тўппончаларнинг қасира-қусури эшитиларди-ю, аммо ўқ узаётганлар қуроолларини бошқатдан ўқлаб улгурмасларидаюқ ер тишлаб қоларди.

* * *

Гарчи кўпга чўзилмаган бўлса-да, даҳшатли жанг эди бу. Ҳаммаси: бақирӣқ-чақирӣқ, оҳ-воҳ, дод-фарёд, қасира-қусур ўқ овозлари; қасоскор етакчининг қўнғироқдай овози билан ҳамроҳларининг ваҳшиёна наъра-ҳайқирӣқлари; эшиклар бузилган ёки ошиқ-мошиғидан қўпорилган пайтдаги ёғоч-тахталарнинг қарсиллагани, қиличу шамширлар жананги, камон ўқларининг чувиллаши, карабинларнинг варанглаши — бари қоришиб кетганди... Ҳа, бу чинакамига даҳшатли жанг эди!

Бироқ, мана, ниҳоясига етди у. Деярли тўлиқ тинчлик бошланди. Жангчилар энди ҳавони ваҳимали наъра-ҳайқирӣқлари ила ларзага келтиришни бас қилдилар. Уларнинг ғанимлари, аскарлар, яксон этилди. Барча казармалар тозаланди, бирортасини ҳам унутмадилар, казармаларнинг яқингинадаги истиқоматчилари эса қора қонларига беланиб, ҳовли рўясида ёки эшиклар олдида уюлиб ётишибди. Жамикиси жой-жойида ўлдирилганди.

Дарвоқе, йўқ, жамикиси эмас. Икки киши тирик қолган, икки кишига шафқат қилган эдилар. Вискарра билан Робладо ҳануз ҳаёт эди.

Мана, бинонинг эшиклари тагига қучоқ-қучоқ тараша-шабба уйиб, ёқиб юборишяпти. Бурқсаган тутун устунларию гуруллаб кетган алвон аланга тиллари осмонга ўрляяпти. Ут асотейнинг йўгон арча тўсинлари сари ўрмалаб бораяпти; тўсинларга ўт туташиб, улар қасирқусур қилиб ҳовлига босиб тушаяпти. Ҳадемай қалъадан тутаб ётган харобагина қолади...

Аммо қизил танли жангчилар қалъа ёниб бўлгунича кутиб ўлтирмадилар. Сардорларининг интиқоми ҳали интиқосига етказилганича йўқ. У нафақат аскарлардан ўч олиши керак. У водий аҳолисидан ҳам қасос олишга онт ичган. Сан-Ильдефонсо яксон бўлиши лозим!

Хуллас, Карлос ўз онтини бажарди. Қуёш чиқма-масиданоқ шаҳар аланга ичида қолди. Уқ-ёй, найзаю томагавклар ўз ишини адо этди: юз-юзлаб эркаклар, хотин-халажу бола-бақралар аланга қоплаган ўз уйлари томи остида халок бўлдилар.

Ҳинду тагнослардан ташқари, озроққина одам тирик қолди, бу даҳшатли қирғинбарот тўғрисида ҳикоя қилиб Сергаплар ана ўшалар. Бир нечтагина оқ танлига (ўшалар қаторида Каталанининг бахти қаро отаси ҳам бор) қолган-қутган бисотиши олиб, бўлак кентларга кетишга ижозат этдилар.

Қандайдир ўн икки соат ичида Сан-Ильдефонсонинг жамики кентлари — шаҳар, қалъа, миссия, асиендолару ранчолари хоки туроб бўлди. Ушбу сўлим водийнинг фуқароси ҳам йнтиб битди.

Бор-йўғи ярим кунгина ўтди. Сан-Ильдефонсо харобалари ҳали тутаб ётибди. Унинг аҳолиси қирғин қилинган, бироқ бу ерда одамлар бор. Майдонда юзлаб қизил танли жангчилар, улар тўрт бурчак шаклида саф тортганлар. Уларнинг қаршисида, майдоннинг ўртасида гаройиб томошанинг яна бир кўриниши ижро этилмоқда — сардорларининг интиқоми ниҳоясига етказилмоқда.

Икки киши эшакка миндирилиб, боғлаб ташланган. Уларнинг энгиллари ечиб олинган-у, яланғоч куракларини сукут сақлаётган томошабинлар кўриб турибдилар. Гарчи ҳозир ҳалвиллаб-ҳалпираб турадиган кенг-ковул жуббалари бўлмаса ҳамки, калта қилиб олинган, теппаси думалоқ қилиб қирилган сочидан бу икковлонни таниш қўйин эмасди.

Булар миссиядан, иезуит отахонлар эди.

Қамчи яланғоч таналарга қарсиллаб тушиб, чуқур ботяпти, иезуитлар овозлари борича оҳ чекиб, оғриқ ва қўрқувдан тўлғаниб-жилпанглаяпти. Улар жон-жаҳдлари ила бу шафқатсизона савалашни бас қилишни ёлбориб, ўз ситамгарларига таваяло этипти, аммо уларга ҳеч ким қулоқ соямаяпти.

Бу жазолашни икки оқ танли кузатиб турибди. Улар-

дан бири Карлос, бизон овчиси, иккинчиси — чорвадор дон Хуан.

Тақводор отахонлар уларда раҳм-шафқат уйғотишга беҳуда уринишяпти. Барибир улар бу икки кимсанинг кўнглини юмшата олишмайди — икковиниям юраги тош қотган.

— Волидаи муҳтарамамни эсланглар, синглимни эсланглар!— дейди Карлос рижиниб.

— Ҳа-ҳа, қилмишларингни эсланглар, эй нобакор тақводорлар!— дея қўшимча қилади дон Хуан.

Қамчи яна чувиллаб ҳаволайди-ю, яна қарсиллаб куракларга тушади, токи майдоннинг тўрт бурчи ушбу жазолашнинг шоҳиди бўлмагунга қадар давом этаверди шу тариқа савалаш.

Сўнг эшақларни ибодатхонага етаклаб бордиларда — у дуду исидан қорайиб кетган, томи босиб тушган эди — бошини-бошига тақаб боғладилар; томошабинларга сазойиларнинг фақат куракларигина кўриниб турарди.

Бир чеккада жангчилар сафга тизилишган, уларнинг камонлари тори тортилган, ишора берилгани ҳаманоқ камон ўқлари ёмғири чувиллаб ҳавони тилишлай кетди. Тақводор отахонларнинг чекаётган азоб-изтироблари ниҳоясига етди: иккаласи ҳам риҳлатга йўл тутди.

* * *

Мана, мазкур даҳшатли фожианинг сўнги кўринишига яқинлаяпман; уни таърифу тавсифлашга сўз топилмайди. Ушбу даҳшатли манзара қаршисида ўтган маш-маша-мажороларнинг бари хира тортиб қолади. У Қиз ўлган қоя чўққисида воқе бўлади. Уша ерда ясситоғнинг бир бурчи энсизу узун бурун шаклида водий бағрига ёриб кирган, Карлос авлиё Иоанн байрами куни ана шу ерда қойилмақом қилиб синовдан ўтганди.

Мана ҳозир ҳам чавандозлик маҳорати намойиш этилади. Аммо қатнашчилар илгаригиларига қанчалик ўхшамайдию томошабинлар қанчалик ўзгача!

Икки киши отда. Булар ғайрихтиёрий чавандозлар— улар эгарга боғлаб қўйилган. Қўллари жилов тизгинини тутиб тургани йўқ — орқага қилиб боғланган, оёқлари эса от қорнидан ўтказиб тортилган хом тери тасма билан бир-бирига боғланган. Суворилар эгарда қимирламай, мустаҳкам ўлтирсин учун пишиқ тасма айилдан бир учи эгарнинг қоши, иккинчи учи қуюшқон томон кетган тас-

малар билан ҳам чандиб ташланган. Шундай қилиб, от суворини эгарсиз тўнтариб қулатолмайди, эгарни тушириб юборишга эса пишиқ айил йўл бермайди. Бари олдиндан ҳисобга олинган: бу суворилар ўз санъат-маҳоратларини намоён этмай туриб эгардан учиб кета олмайди.

Бироқ бу ишни ўз ихтиёрларича қилмайдилар. Бунга ишонч ҳосил қилмоқлик учун уларнинг башараларига бирров кўз ташлашнинг ўзи кифоя. Мазкур, башараларда даҳшатли ҳис-туйғулар: ночору нотавонларча қўрқоқлик, чексиз ноумидлик яққол акс этиб турибди.

Бу одамлар—ўрта ёшли, иккаласи, ҳам башанг ҳарбий либосдаги зобит. Лекинига бусиз ҳам улар Карлоснинг хунхўр, ашаддий ғанимлари — Вискаarra билан Робладо эканини англаш мушкул эмас. Аммо ҳозирда улар Карлоснинг рақиблари эмас, унинг асирдирлар.

Хўш, унда нега уларни отга бундай ғалати тарзда миндириб қўйишибди? Қандай кулгили томоша ижро этилиши керак бу ерда?.. Қулгили томоша? Йўғ-э, ундоқ эмасдир-ов!

Қаранглар-а: бу суворилар остидаги отлар — ёввойи мустангларку. Қаранглар, ҳар қайси мустангнинг боши дағал мато парчаси билан ўралган, улар ҳеч нимани кўрмайди.

Нима учун бу? Буни ҳозир билиб оласиз.

Ҳар қайси отни ҳинду тагнос аранг ушлаб турибди, Мустанглар Қиз ўлган қояда, олға туртиб чиққан бурун олдида турибди.

Сафга тизилган ҳинду жангчиларнинг юзлари ҳам ўшаёққа қараган. Улар сукутда. Мудҳиш сукунатга ҳеч нарса руҳна солаётгани йўқ. Олдинда қорабайир минган сардор, худди одамлар ундан ишора қутаётгандек, барчанинг нигоҳи унга қадалган. Унинг чеҳрасидан қон қочган-у, аммо қаҳру қатъият акс этиб турибди. Қасос олиш ҳали поёнига етганича йўқ.

У ва унинг қурбонлари бир-бировларига бирон оғиз сўз қотмаяптилар. Бари айтиб бўлинган. Улар ўз ёзмиш қисматларини биладилар.

Улар овчига орқа қилиб ўлтиришибди эгарда, йигитни кўришмаяпти улар; лекин отларни жиловидан тутиб турган иккала тагноснинг сардорга тикилган нигоҳида қандайдир ғалати ифода бор. Нимани кутяпти улар? Ишорани кутишяпти.

Овоз чиқармай, қўл ила ишора берилди. Тагнослар мустангларни қўйиб юбора солиб, ўзларини четга отишди. Яна ишора берилди — шунда жангчилар отларини ниқтаб, ваҳшиёна ҳайқирганча олға интилдилар.

Мана, уларнинг найзалари мустангларнинг сағрисиغا қадалди, ҳеч нимани кўрмаётган отлар қоянинг олға туртиб чиққан учига томон елиб кетди...

Улим талвасасида суворилар бўғзидан отилиб чиққан даҳшатли бўкириқни таъқибчиларнинг ҳайқириқлари босиб кетди. Кўз очиб-юмгунча бари тамом бўлди. Ута-каси ёрилаёзган мустанглар устларидаги чавандозларни абадият қаърига элтганча, қоядан учиб кетди.

Қизил танли жангчилар жар ёқасида гуж бўлиб, сўз-сиз-сассиз бир-бировларига тикилишар эди.

Шунда чавандоз олға томон от солди; у отини шупдоқ қоя қирғоғида тўхтатиб, пастга, тубсиз жарликка қаради. Бу оқ танли сардор.

У қуйида ётган айқаш-уйқаш уюмга тикиляпти. Одамлар билан отлар қимир этмай ётибди — улар ўлган, пачақланиб, қийма-қийма бўлган, ерпарчин... Қандай даҳшатли манзара!

Карлос, бамисоли елкасидан тоғ тушиб, юрагини босиб-эзиб ётган ҳарсанг кўчгандай, чуқур тин олди. Сўнг дўстига юзланди.

— Дон Хуан! — деди у. — Мен сўзимнинг устидан чиқдим: онамнинг қасдини олдим!

* * *

Ботиб бораётган қуёш ҳинду жангчиларнинг узундан-узун сафини кўриб турарди: улар водийдан бири кетидан иккинчиси чиқиб келиб, Льяно Эстакадо томон йўл олишарди. Лекин улар буёққа келаётганларидагидан мутлақо бошқача ҳолатда қайтишмоқда. Улар Сан-Ильдефонсодан қадрдон ўлкаларига ўзларининг қонуний ўлжалари деб ҳисобловчи талон-тарож қилган бойликларини олиб кетяптилар.

Олдинда ҳамон бизон овчиси боряпти, унинг қаватида — чорвадор дон Хуан. Яқиндагина содир бўлган даҳшатли воқеалар уларнинг дилихи хуфтон қилиб, чеҳраларига қайғули кўлага ташлаган эди, илло бу кўлага суворилар хаёлан истиқбол сари парвоз этган дамларида туман янглиғ тарқаб, кўнгиллари равшан тортарди.

Сафларни интиҳосида уларни қувончли висол онлари кутмоқда эди.

Карлос дўст ҳиндулар ҳузурда узоқ туриб қолмади. Улар бир вақтлар ваъда қилган олтинни олиб, шарққа томон йўлини давом этдириб, ўшаёқда, Луизиана, Ред-Риверда зироатчилик ишларини юритиб юборди. Ёнида гўзал маҳбубаси, меҳрибон синглиси, дон Хуан ва бир неча эски хизматкорлари билан талай йиллар тинч-осуда ҳамда дориламон яшадди.

Вақти-вақти билан ўзининг кўҳна дўстлари ваколар юртига овга бориб турарди, дўстлари эса уни кўришдан ҳаммиша шод бўлишар ва ҳали-ҳанузгача уни оқ танли сардоримиз деб аташар эди.

Сан-Ильдефонсо ҳақида бўлса ўша кунлардан бери ҳеч гап эшитилмай қўйганди. Шу тариқа бу сўлим водийда одамлар маскан тутиб, кенту қишлоқ бино бўлмади. Иезуит отахонлар илиштирган қуллик исканжасидан халос этилган тагнослар бўйинларига зўрлаб кийгазилган яриммаданий тараққиёт бўйинтуруғидан жон-жон деб воз кечдилар. Улардан баъзилари бошқа кенту қишлоқларга жойлашдилар, кўпчилиги эса аввалги таомилларига қайтдилар — улар бепоён даштликлар овчисига айландилар яна.

Эҳтимолки, ўзга замонлар бўлганида Сан-Ильдефонсонинг тақдири катта қизиқиш уйғотган бўлармиди, ammo биз тасвирлаган воқеалар испан-америка тарихининг фавқулодда даврида рўй берган эди. Айнан ўша кезларда Испания ҳукмронлиги бутун Америка қитъасида инқирозга юз тутиб, шитоб-ла таназзулга кета бошлаганди, шу боисдан ҳам Сан-Ильдефонсонинг ҳалокати фожеликда ўзидан сира қолишмайдиган кўплаб воқеа-ҳодисалар орасида бор-йўғи яхлит томошанинг бир кўринишигина эди, холос. Гран-Квивира, Або, Чилили ва юзлаб бўлак кенту шаҳарлар ҳам тахминан ўша кезларда горатгарликка учраганлар. Улардан ҳар бирининг ўз тарихи, ўз қонли ҳикояти бор — эҳтимолки, улар биз сизга ҳикоя қилиб берган ҳикоятдан чандон бора қизиқарлироқдир.

Сўлим Сан-Ильдефонсо водийсига бизни тасодифгина етаклаб келди, холос, бизни у ҳақдаги афсона — оқ танли сардор ҳақидаги афсона ёнида сақланиб қолган одамга йўлиқтиргани ҳам тасодифдир.

Т а м о м

Литературно-художественное издание

На узбекском языке

МАИН РИД

БЕЛЫИ ВОЖДЬ

Роман

Муҳаррир Шавкат Туроб

Мусаввир Э. Қиғай

Расмлар муҳаррири Р. Зуфаров

Техник муҳаррир В. Демченко

Мусаҳҳиҳ Б. Юнусов

ИБ № 2748

Босмахонага берилди 13. 11. 89. Босишга рухсат этилди 21.01.90. Формати 84×108¹/₃₂ № 2 қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 11,5. Шартли босма листи 19,32. Шартли кр.-отт. 19,77. Нашр листи 19,92. Тиражи 100000. Буюртма № 160. Шартнома 145—89. Баҳоси 2 с. 20 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти 700113 Тошкент, Чилонзор массиви, 8-квартал, «Қатортол» кўчаси, 60.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди. Янгийул шаҳри 702800 Самарқанд кўчаси, 44.